


**Вали Гафуров**

**Васводор**



Игна билан ёзилган роман

**БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ**

**КИТОБЛАР**

**ГАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЯТИ  
Тошкент — 1973**

Бу китоб бошқа барча асарлардан бир жиҳати билан кескин фарқ қилади: у одатдагидек қаламда эмас, балки игнада ёзилган. Бадий ижодкорликнинг ўзига хос машаққатларини назарда тутсақ, асар муаллифи, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Вали Гафуров чиндан ҳам зўр матонат кўрсатиб, игна билан қудуқ қазиган, дейишимиз мумкин.

Китобда ўзбек йигити Рустам Шокировнинг фашист босқинчиларга қарши жанглардаги қаҳрамонлиги, унинг тасодифан кўздан ажраб қолиши, шундан сўнг ҳаётдан ўз ўрнини қандай топиб олганлиги, Рустамнинг вафодор ёри Муҳаббатнинг олижаноблиги, Фозил билан рус қизи Катянинг пок севгиси ҳақида қизиқарли ҳикоя қилнади.

Ўз2  
Г29

Гафуров Вали.

Вафодор. Игна билан ёзилган роман. 1- ва 2- китоблар.  
Адабиёт ва санъат нашр., 1973. — 408 б.  
408 б.

Гафуров Вали. Верная. Роман.

Ўз2

7-3-3-100  
Г-М-352-06-73 2-73

# БИРИНЧИ КИТОБ



**Бадний қайта яшловчи**  
**ШУҲРАТ**



## 1. «УМИД БИЛАН КУТАМАН, РУСТАМЖОН АКА!»

Станциядаги ҳарбий майдонча гавжум.

Илгарилари бу ерда онда-сонда ҳарбий йўловчиларни учратиш мумкин эди. Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳарбий майдончада ҳам одатдаги жимжитлик йўқолди. Шу кунларда майдонча ҳар куни неча юзлаб кишиларни қарши олиб ва кузатиб туради.

Шаҳар томондан саф тортиб келаётган йигитлар кўринди. Улар старшина бошчилигида бараварига қадам ташлаб майдончага кириб келишди.

Старшинанинг овози жуда ўткир, бутун бир дивизияга команда бераётгандек, станциянинг нариги бошигача бориб етарди.

...«Бу йигитнинг ичида қарнайи борми?» деди чеккадаги одамлар орасида бежиримгина гулдастани кўкрагига босиб турган оқ батист кўйлакли қиз. Старшина йигитларни кўздан кечириб чиққандан сўнг:

— Жангчи ўртоқлар, поезд тайёр бўлгунча узоқлашиб кетмай, шу ўртада ота-она, ёру биродарларингиз билан тўйиб-тўйиб гаплашиб олинглар. Баъзи бировларнинг севганининг қулоғига айтадиган нозикроқ гапи бўлса, сал четроқ чиқиши мумкин, лекин узоқлашиб кетмаслик шарт! — дея кимгадир бир кўзини қисиб, мийиғида кулиб қўйди. Сафда қувноқ жонланиш бошланди. — Тушунарли бўлса, тарқалинг!

Йигитлар сафдан чиқиб орқаларидан қолмай келаётган ота-оналари, хотин, бола-чақалари ва севгиллари олдига юра бошлашди.

Оқ китель билан йўл-йўл шерсть шим кийган ўрта бўйли бир йигит, кителининг чўнтагидан тароғини олиб, қалин сочларини таради-да, гулдаста қўтарган бояги қиз томон кела бошлади. Қиз туфлисининг баланд пошнаси билан асфальтни тақиллатганича унинг қаршисига югурди. Титроқ товуш билан: «Рустам ака, кетадиган бўлдингизми?» деди. Сўзи тугамасданоқ қоп-қора кўзларида ёш пайдо бўлиб, ўсиқ киприкларини намлай бошлади. Яна бир томчиси отилиб чиқиб юзига тушди. Йигит қўлидаги тароғини чўнтагига солди-да, «ўксиманг!» дегандек, бир қўли билан қизнинг гулли қўлини ушлади.

Қизча шахло кўзларини йигитдан сира олгиси келмай тикиларди. У йигитни гўё тушида севиб қолиб, ўнгида биринчи марта кўраётгандай, бундан сўнг эса қайтиб кўра олмайдигандай тикилиб турарди.

— Сизга нима бўлди Муҳаббатхон? Мен сизни шу аҳволда кузатасиз деб ўйламаган эдим, — деди йигит ўзини тетик тутиб.

Рустам ўзини хушчақчақ кўрсатишга тиришиб, жилмайиб қўйди. Қиз унга ҳамон тикилар эди.

— Қандай қилиб кузатиш керак? — деди боягидек титроқ овози билан йиғламсираган Муҳаббат.

— Фақат хурсандчилик билан, ўйин-кулги билан кузатишингиз керак.

Муҳаббат нималарнидир гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, бироқ ўпкаси тўлиб, бирданига тескари қараб, қўлидаги кичиккина рўмолчаси билан кўзини бекитиб олди.

Рустам Муҳаббатнинг тирсагидан ушлаб, «юринг, чеккароққа чиқайлик», дегандек майдончанинг нариги бошида турган скамейкага бошлади.

Улар икки йилдан бери бир-бирларини севишарди. Йигит қишлоқ мактабида ўқитувчи, қиз колхозда звено бошлиғи эди.

Гитлерчи босқинчиларнинг мамлакатимизга қўққисдан ҳужум қилиши ишқининг сирли ишлари билан чамбарчас боғланган шу икки ёшнинг ҳам тинчини бузди. Икки йилдан бери ошиғининг ёнида ўзини бахтиёр сезиб, доимо хушчақчақ юрган қиз мана бугун тамомила ўзгариб кетган. Унинг на қаҳ-қаҳ солиб кулишидан ва на шўхликларидан асар қолган, балки туғилганидан бери кўзига қайғу ёши олмаган Муҳаббат ҳозир юм-юм йиғлайди.

Рустамга ҳам айрилиш оғир эди. Лекин у нима қилса ҳам йигит! Маъшуқасини овутиши керак:

— Муҳаббатхон, ўтиниб сўрайман, ўзингизни ортиқча қийнаманг, йиғламанг. Вақт қисқа, мени йиғи билан кузатгудек бўлсангиз, то қайтиб келгунимча кўз олдимда шундай гавдаланасиз. Узоқлашиб кетганимдан кейин сизни шундай маъсум ҳолда эслаш — мен учун жуда оғир. Агар ўйнаб-кулиб кузатсангиз, менга анча енгил бўлади.

— Рустам ака, сиз саёҳатга кетаётганингиз йўқ-ку, қандай қилиб ўйнаб-кулиб кузатай? Балки... — Унинг кўзида яшириниб турган ёш дарёси тўғонини бузиб, ташқарига отилиб чиқди, юзларидан тирқираб оқиб, думалаб этагига туша бошлади.

Муҳаббат юзини икки кафти билан тўсганича ўпкаси тўлиб йиғлар, бутун қалбини ошкор қилиб йиғлар эди.

Рустам бир қўлини унинг кифтига қўйиб овута бошлади. Муҳаббат бошини йигитнинг кўкрагига босди.

— Чин қалбдан севишганлар муродига етиша олмайди, дейишар эди, — деди қиз, рўмолчаси билан кўзларини артар экан.

— Биз етамиз, албатта етамиз, — Рустам кескин жавоб берди. — Бу сафаримни жудолнк деб, умидларимизни барбод этади, деб асло ўйламанг. Биз ҳали яшаймиз, ғалаба қозонамиз, муҳаббатнинг бўстонларида яйраймиз. Лекин менинг кўнглим бир нарсадан хира. Биласизми, нимадан, Муҳаббатхон?

Муҳаббат қўлларини юзидан олиб «нимадан?» дегандек, қизарган кўзларини Рустамга тикди.

— Амакингиз, — деди Рустам кўп ҳам куттирмай, — назаримда мени ёқтирмайди. Тунов куни нима бўлиб сизни у кишидан сўраб қолмабманми, балога қолдим. «Менинг йигитларга қиз топиб берадиган мансабим йўқ! Уни қидириб, овора бўлмай қўя қол, у юрган кўчанинг чақир тиканаги оёғингга кирмасин!» деб тўнғиллаб берсалар бўладими!

Муҳаббат алланечук бўлиб кетди. Кўзида қўрқув ёнди. Лекин бу даҳшат аралаш қўрқув узоққа чўзилмади, ўзини дарров тутиб олди. Шундай бўлса ҳам ётиги билан деди:

— Кекса одам-да, гап-сўз бўлишидан қўрқадилар. Бир-икки марта бош яланг юрганимни кўриб, қанча қойиб берганлару... тагин ҳам икковимизга индамайдилар-да...

— Қайдам... — бўшашди Рустам.

— Хотиржам бўлинг, Рустам ака, — деди Муҳаббат унинг енгига ёпишган хасни олиб ташлар экан, — амакимнинг қош-қовоғидан хавотирланманг. Менга ишонсангиз бўлди. Амакимнинг сўзи ҳеч гапмас, мана бу сафарингиз оғир, мана бу айрилиқ оғир...— Қиз яна йиғлаб юборди.

— Кетаётган ёлғиз менми, Муҳаббатхон? Элу юрт бошида бу ташвиш. Душман даф бўлмас экан, орзу-умидимиз рўёбга чиқиши маҳол. Бахтиёр бўлишимизни истасангиз, очиқ чехра билан, йиғламасдан кузатинг. Сизнинг очиқ чехрангизни эсласам, тетиклашаман. Унда сиз менга кучмадад бағишлаган бўласиз.

— Ундай бўлса, йиғламаганим бўлсин. Севги баҳоримда очилган гулим сўлмаса бўлгани!..

— Сўлмайди. Душман тор-мор бўлади! Албатта, биз енгамиз.

— Буни-ку, тушунаман, лекин... — Муҳаббат даҳшатли бир гапни айтишга тили бормай, тўхтаб қолди.

— Тўғри, — деди қатъий қилиб, унинг гапини тушунган Рустам, — уруш қурбонсиз бўлмайди. Бунга ҳам тайёр бўлишингиз керак. Лекин мен ўлгани кетаётганим йўқ. Умидим душманни енгилда ўз ҳиссамни қўшиб, сиз билан узоқ умр кечириб! Лекин тилагимга етиш учун пана ерларда жон сақлаб юролмайман!

— Мен қолинг деяётганим йўқ, Рустамжон ака! Ҳаммасини тушунаман. Энди, киши алланечук бўлар экан-да. Ишқилиб, бахтимизга мендек ишонсангиз бас!

— Ишонаман!

— Мендан эса кўнглингиз тўқ бўлсин. Қайтиб келгунингизга қадар яхши тилаклар тилаб йўлингизга кўз тутаман.

— Раҳмат, Муҳаббатхон! Қишлоқда ўрнимиз йўқолиб қолмаса бўлгани...

Муҳаббат Рустамга ялт этиб қаради:

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, Рустамжон ака, звеномдаги қизлар йиғилишиб, маслаҳатлашиб олганмиз.

— Сизнинг бизга қилган энг зўр ёрдамингиз мана шу бўлади.

Қизлар билан келишиб, тузиб олган катта режаси эсига тушдими, Муҳаббатнинг кўнгли ёришди:

— Нима учун фақат эркакларни фронтга олишади? Нима, сизлардаги уқув, қўл-оёқ бизда йўқми?

Муҳаббатнинг бу гапларни чин юракдан айтаётгани

аниқ везилиб турар эди. Агар рухсат берилса, ҳозироқ урушга жўнаб кетадигандек...

— Сизларни олишмайди! — Рустам нимагадир мийи-гида кулди.

— Нима учун?

— Мана бу жанг қилишга халақит беради! — деди Рустам Муҳаббатнинг пишиқ ўрилган узун сочларини ушлаб.

— Фақат шу сочларимми? Ундай бўлса қирқиб ташлай қолай.

— Мумкин эмас! — деди Рустам кулиб.

— Нима учун?

— Ҳарбий сир!

Рустамга қўшилиб Муҳаббат ҳам кулиб юборди.

Тикка келган август қуёши олов таптини ҳарбий майдонча устига аёвсиз ёғдирарди. Қизиб кетган темир, қорамой иси нафасни димиқтирарди. Тангадек салқин ери бўлмаган майдончада икки соатчадан бери пишиб ўтирган Рустам ўрнидан туриб, рўмолчаси билан пешанасидаги терларини артди:

— Ёндириб юборди-ку! Юринг, бирор салқин ер топмасак бўлмайдиганга ўхшайди...

Муҳаббат ҳам ўрнидан турди-да, бошини астагина чайқаб қўйди. Рустам Муҳаббатни қўлтиқлаб водопровод томон юриб кетди. Улар беқасам тўн кийган оппоқ соқолли бир чолнинг олдидан ўтдилар. Унинг ёнида келишган бир барваста йигит папирос чекиб турарди. Бу йигит физкультура институтининг студенти бўлиб, Рустам билан эрта-лабдан бери бирга. Анча сирдош ҳам бўлиб улгуришган эди. Исми Иброҳим. Ҳозир икки ўртоқ бир-бирларига фақат бош ирғаб қўя қолишди. Рустам жўмракдан тушаётган муздек сувдан ичиб, бошини ювиб олганидан сўнг ўзини енгил сездди. Муҳаббат билан гаплашиб майдончанинг у бошидан бу бошига юра бошлашди.

Паровоз составни тайёрлаш учун вагонларни бир-бирларига улаб, қаёққадир кетар, сал ўтмай яна бир неча вагонларни эргаштириб келар эди. Эшелон соат бешга бориб тайёр бўлди. Кузатгани келган ота-оналар, бола-чақалар, севишганлар ўз одамларини янада қаттиқроқ қуршаб олишди. Кимдир Гитлерни қарғаб йиғларди. Муҳаббат ўзини Рустамнинг қучоғига отиб «Хайр!» деди-ю, ўпкаси тўлиб, бирданига йиғлаб юборди. У йиғисини бир амаллаб ичига ютиб, Рустамнинг елкасига бошини қўйганича бир

нафас жим туриб қолди. Бояги оппоқ соқолли чол ўғлини қучоқлаб, бағрига босди-да, пешанасидан ўпиб, кўзларидан оқаётган ёшларини артиб: «Ой бориб, омон кел, болам!» — деди. Рустам Муҳаббат билан вагон эшиги олдига келиши билан паровоз жўнашга гудок берди. Муҳаббат қулочини катта очиб Рустамнинг бўйнидан қучоқлади-ю: «Хайр, умид билан кутаман, Рустамжон ака!» — дея олди холос. Рустам Муҳаббатнинг гилос лабига лабини қўйиб ўпди-да, секин силжиган вагонлардан бирига сакраб чиқди. Эшик олдида турган Иброҳим Муҳаббатга қўлини чўзиб шоша-пиша қичқирди:

— Хайр, синглим, яхши қолинг! Рустамдан кўнглингиз тўқ бўлсин. Биз икковимиз бирга бўламиз!

Ана шунда Рустамнинг кўзидан икки томчи ёш думалаб, Муҳаббат берган гулдастага тушди, юраги зирқираб кетди. Паровоз тезлиги тобора ортиб, вагонлар ҳарбий майдончадан узоқлаша бошлади. Кузатувчилар вагон билан бирга югуришиб боришди. Муҳаббат қўлидаги рўмолчасини силкиб, Рустамнинг рўпарасида анча ергача чопиб борди. Бироқ паровоз тезлашиб, Муҳаббатни орқада қолдириб кетди. У, эшелон станциядан чиқиб кўздан ғойиб бўлгунча тикилиб турди. Тез югургани учунми ёки севибли кишисидан ажралиб қолгани учунми, дармони қуриб, ҳарбий майдончага қайтиб келди. Онаси ёнида турган бир гўдакнинг «Алажон!» деб йиғлаётганини кўриб, кўнгли баттар эзилиб кетди. У боланинг олдига бориб, пешанасини силади:

— Укажон, йиғлама, аданг икки-уч кунда қайтиб келадилар...

— Айтганингиз келсин, синглим, — деди боласи каби йиғлаб турган она кўз ёшларини енгига артиб, — тилаб-тилаб топган ўғлимиз етим бўлиб қолмасин-да, ишқилиб...

— Етим бўлмайди, опажон. Улар ўлимга кетаётгани йўқ. Душман ўлсин! Бизникилар омон қайтади!

Муҳаббат бу сўзлар билан боланинг онасигагина эмас, ўзига ҳам таскин берарди. У аёл билан хайрлашгач, битта-битта қадам ташлаб, ҳалигина Рустами билан суҳбатлашиб ўтирган скамейкага бориб ўтирди, кузатгани келган кишилар тарқалиб кетгунича ўтирди. Ниҳоят, бир ўзидан бошқа ҳеч ким қолмагач, ўрнидан туриб йўлга тушди. Лаблари беихтиёр пичирларди:

— Умид билан кутаман, Рустамжон ака!..

## 2. «УЗБОШИМЧА» ҚИЗ

Эшикдан хомуш кириб келган қизини кўрган она ҳовли ўртасидаги супадан тушиб, оёғига кавуш кийишга ҳам улгура олмай Муҳаббатнинг олдига югурди:

— Нима бўлди, қизим, жўнаб кетдимми?

— Ҳа, бир ўзи эмас, Рустам акамга ўхшаган йигитлардан бир эшелони жўнаб кетди.

— Ҳожия холангга қийин бўладиган бўпти-да, болам! Еши ҳам анчага бориб қолган. Ёлғиз бир ўзи... «Эрта баҳор ўғлимнинг бошини иккита қилиб қўяман», деб бекорга уринган экан бечора. Аттанг...

Муҳаббат она-бола икковларигагина маълум бир сирни эслаб, «энди ачинаяпсизми?» дегандек онасига бир қараб қўйди-да, супа томон юрди. У хонтахта четидаги кўрпачага ўтириши билан ўзини ёстиққа ташлади. Эрта тонгдан то кечгача далада кетмон чопиб чарчашни билмайдиган қиз бугун шундай дармони қуридики, ҳатто онаси келтирган овқатни сийишга ҳам мадори келмади. Аслида у чарчаган эмас, қиз қалбининг бутун аҳтироси ва самимияти билан севган, бахтли келажагининг умрбод ҳамроҳи бўлишини орзу қилган яқин кишисидан ажралишдек дард уни мажол-сизлантириб қўйган эди.

— Тур, қизим, овқатинг совиб қолди, куни билан туз ҳам тотмагандирсан. Кейин Ҳожия холангникига бор. Кутиб ўтиргандир.

Овқат егиси келмаса ҳам, сўнгги сўз далласида Муҳаббат ёстиқдан бошини кўтарди. Она буни пайқаб қўшиб қўйди:

— Холанг ётиб қол деса, қола қол, болам, бир кундаёқ ёлғизлатиб қўймайлик.

— Хўп, ойижон! Эртага ўша ердан ишга чиқа қоламан.

— Холангга айт, эртага бизникига келсинлар.

Муҳаббат туфлиси билан кишилик кўйлагини ечиб, кундалик оддийгина кўйлагини кийди-да, урингангина чувагини оёғига илди. Унинг кўнгли бир оз ёришган эди, лекин бу узоққа чўзилмади. У кўрғондан чиқиши билан оқ яктак кийган, эски этикли, мош-гуруч чўққи соқолли, қорамағиз бир чолни кўриб, изига қайтди.

Сиртдан соддагина кўринган бу одам анча ёшга бориб қолган, ўз уйида ҳам, Муҳаббатларникида ҳам ўзини бош деб ҳис этувчи Махсум амаки эди. Марҳум отасининг акаси. Ҳатто укаси ҳаёт вақтида ҳам бу хонадонга таъсирини

ўтказиб келарди, баъзан укаси раъйига юрмаса, «Мен отанг ўрнидаман-а!» деб ўз ҳуқуқини ҳам пеш қилиб қўярди. Чиндан ҳам бу оилада унинг таъсири бор эди. Муҳаббат ошхонада уймалашиб юрган онасига: «Амаким келптилар», деб хабар берди-да, ўзи супага чиқиб, кўрпачаларни қоқиб, жой солди. Қулоқлари остида Рустамнинг «амакин-гиздан хавотирим бор», деган сўзлари яна бир марта жанглагандай бўлди.

Махсум амаки елкасига ташлаган кўкимтир рўмолчасини олиб, пешана терларини арта-арта супага чиқди, она ва Муҳаббатнинг келиб ўтиришини кутмай фотиҳага қўл очди. Кейин ўша рўмоли билан елпина бошлади.

— Бугун кун ёнди, — деди чол, кетидан қўшиб қўйди: — Айни пайти...

Қайнағасининг чанқаб кирганини кўрган Санобар опа олма гулли катта чойнакда чой олиб келди. Чол учинчи пиёла бўшагунча ҳам чурқ этмади. Чойдан нафси бир оз сром олди шекилли, қаршисида одоб билан ерга кўз тикиб ўтирган Муҳаббатга гап ташлади:

— Бугун ишга чиқмадингми, қизим? Сув очгани қулоқ бошига ўтсам, звенонгда кўринмадинг. Тинчмисан? Хавотир олдим.

Гап устига уйдан чиқиб келган Санобар опа шаддод қизининг бор гапни айтиб қўйишидан чўчиб, ўзи жавоб бера қолди:

— Шукур! Тинчлик. Бугун дам олди. Шаҳарга тушиб чиқадиган бир озгина иши ҳам бор эди.

Муҳаббат ўрнидан туриб, айвонга ўтди. Пайтдан фойдаланган амаки онани чўқиб олди:

— Қизни дайди қилиб юбормасанг, деб кўрқаман. Булар-бўлмасга шаҳарга ликка-ликка тушаверадими?

— Иши бор — тушди. Иннайкейин, мулла ака, шаҳар тушган дайди бўлиб кетаверадими? Элу юртнинг боласи кўчада, — деди ётиғи билан Санобар опа.

— Хотин кишисан-да, ақлинг қисқа, дунёда нима гап — билмайсан. Ҳозир ҳамманинг кўзига қон тўлган. Кечагина бир йигит бир аёлни чавақлаб ташлабди.

— Бир алами бордир ёки ўзи безоридир, ҳамма ўшанга ўхшайверибдими, — деди Санобар опа, гарчанд бу гап ғашини келтирса-да, яна ётиғи билан гапирди.

— Ҳа, айтгандай, — гапни бурди чол, — келин, Муҳаббатга одам қўйиб юрган анави муаллим бола бугун фронт жўнабдими, ҳали қулоғимга чалингандай бўлди?



Санобар опа қайнағасининг нима мақсадда кирганини пайқай бошлади — ҳар ҳолда, чой ичгани эмас!

Муҳаббат бу гапни, амакиси қанча эҳтиёт билан айтмасин, эшитган эди. Унинг қони бошига тепди. «Ҳа, кетди! Ўзим кузатиб қўйдим. Қувонаверинг!» демоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, онаси яна отини илгарироқ қамчилаб қолди:

— Кетса кетгандир. Кеча Миробид магазинда кимга ҳам шундай деяётган эди.

— Бечора кўп яхши бола-да. Гап-сўзининг маънилигини айтмайсанми, — деди сал қўзғалиб Махсум. Унинг ҳаракатидан худди шу гапни кутгани сезилиб турарди.

Энди супага чиқиб келаётган Муҳаббат гап Рустам тўғрисида кетаётибди деб, бирдан сўраб қолди:

— Кимни айтяпсиз амаки?

— Миробид-да, қизим, ким бўларди. Бир оёғининг сал оқсоқлиги бўлмаса, оламга татийдиган йигит.

Муҳаббат саволидан ўзи қизариб кетди. Амакиси эса буни сезмай, ҳамон Миробиднинг топиш-тутишини, ҳотамлигини, тантилигини оғиз кўпиртириб мақтарди. Унга сари Муҳаббатнинг энсаси қотар, баъзан сездирмай бурнини жийриб қўяр эди. Гапини ҳеч ким қувватламагач, Махсум Муҳаббатга ер остидан разм солиб қўйди-да, сўради:

— Қизим, энди звеновой бўлиб юраверасанми? Бирор шалтоққа йиқилмасанг, деб қўрқаман. Вақт оғир. Кейинги пушаймоннинг фойдаси йўқ. Бу сенинг ишинг эмас. Тўғримасми, келин?

Санобар опа чурқ этмади. У яхши билардики, қайнағасига Муҳаббатнинг звено бошлиқлиги эмас, шу туфайли бригада бошлиқлари, агрономлар билан тез-тез учрашиб туриши, аллақайларга маслаҳат сўраб тез-тез бориб-келиб туришлари ёқмасди. Онасининг индамаганига Муҳаббат чидамади. Юрагидан кўпириб келган ғазабини аранг босиб, гапирди:

— Бўлмаса, нима иш қилай, амаки?

— Маслаҳатимни қулоғингга ол. Отанг ўрнида отаман. Раҳматлик Ашурали ҳаёт бўлганида бу ишларга бошимни оғритиб юрмасдим, сен ўзбошимчани ўзи қайтариб олган бўларди.

— Ўзбошимча бўлиб нима ёмон иш қилдим, амаки? Ўзбошимчалигим звено бошлиғи бўлганимми?

— Бу ҳам, бошқа ишларинг ҳам. Сенинг звеновой бўлишингга ҳали вақт бор. Нима, колхозда эркак отига қир-

гин келганими? Ёшлар урушга кетаётган бўлса, ишнинг кўзини биладиган кексалар бор-ку. Нега уларни звеновой қилмай, сенга ортишади? Уйлаб кўр. Бу йилги иш ўтган йилгидай бўлмайди. Ақли бор одам «фақир киши панада» қабилда ўзини бир четга олиб, ишини ўхшатиб юраверади. Сен бўлсанг, борган сари юқори дорга осилмоқчи бўласан. Бу ҳам етмагандек, фалонча ҳосил бераман, деб йиғинда керилиб ҳам қўясан, муштдек бошинг билан...

Унинг кейинги сўзлари онанинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди, оёқ-қўларини титратиб юборди. Оғзига келган гаплар билан ачитиб олгиси келди-ю, лекин марҳум эрининг ҳурмати учун «арвоҳ боши» деб иззат қилдими ёки эркаклар олдида ҳар хил гапларни гапириб ўрганмаганиданми, нафаси ичига тушиб, индамай қўя қолди. Муҳаббат ҳам ўзини босди. Рустамнинг: «Муҳаббатхон, нима қилса ҳам амакингиз кекса одам, айтганини қилмасангиз ҳам, қаттиқ гапириб кўнглини оғритманг», деган сўзи ёдига тушди. Лекин амакисининг сўзига киролмаслигини аста изоҳлади.

— Мен ёш бўлсам, маслаҳат берадиган кексалар бор, ўртоқларим бор. Бутун бош колхозда битта менинг звенон куйиб кетмас, амаки. Колхозга шу оғир кунларда бўлишмасак, элу юртга қачон нафимиз тегади? Радиога қулоқ солинг, ёшлар қандай ишлар қилишяпти, айниқса, қизлар.

— У радиода-да, болам. Ишини ўзинг кўрибсанми!

— Радио ёлғон гапирмайди!

— Ким билади... — чайналди амаки.

— Жияним удалай олмайди, деб гашвишланаётган бўлсангиз, бу бекор. Звенонда не-не ишбилармон ўртоқларим бор.

— Сен уларга ишонма, уларни менга гапирма. Бирининг эри, бирининг акаси ёки отаси, бирининг... — «Уйдаши» демоқчи бўлди-ю, айтолмади, — кишиси урушга кетди, дарғазаб. Жаҳл билан кетмон уриб, экиннинг илдизини қуритишади. Икки ўртада ваъда берган сен шарманда бўлиб қоласан. Ҳали ҳам кеч эмас. Гап шу!

— Йўқ, бу ишни қилолмайман, звенондан, қолаверса, колхоздан, комсомолдан уяламан.

— Ҳай, яна ўзинг биласан. Мен бир айтдим-қўйдим. Қари билганини пари билмайди, деган эскиларнинг гапи бор.

Махсумга Муҳаббатнинг қатъий жавоби ёқмади, уни қайриб ташлашни ўзига эп кўрмади, нима қилса ҳам

ҳали бу эшикка неча марта киради, не-не орзулар билан киради — қаттиқ ёпиб кетиши яхши эмас. Шунинг учун ҳам ғазабини кексалик тажрибаси билан босиб, аста қўзғалиб, супадан тушди. Лекин остонадан туриб Санобар опага заҳрини сочди:

— Қизингга айт, амаки билан бегонанинг фарқини айириб олсин. Эрка ўстириб, расво қилдинг. Бутун уруғимизга иснод келтирмаса дегин ҳали. Менга барибир, бир оёғим сағана тошини босиб турибди. Кўйлагимнинг кири ҳам оғирлик қилиб юрибди.

Санобар опа индамади. Махсум ғудуллаб чиқиб кетди.  
— Узбошимча!..

### 3. ҲОЖИЯ ХОЛА

Ҳожиya хола эрталабдан бери кўча томондан кўзини узмай, ҳовлисида ўралашиб юрарди. Ташқаридан эркак товуши келгундек бўлса, «Рустамим қайтиб келяпти» деб, югуриб эшикка чиқиб, кўзи илғаган ергача алангалиб қарарди-да, яна қайтиб кирарди. У ўзини овутмоқчи бўлиб уйдан бирор иш ахтара бошлади. Ҳовлини супурай деса ҳамма ёқ топ-тоза, игна ушлашга сабри чидамайди. Рустамнинг бўлмасига кириб, дарс столи устидаги клеёнкани ариб, сиёҳдон, қалам, дафтар, тахлаб қўйилган беш-олтита китобни йиғиштириб чиқди... Биттасини олиб варақлаб ўтирди.

«Вой ўлмасам, пешин бўлиб қолибди-ку!» деди соат стрелкасининг 12 рақами устида турганини кўриб. Ҳожиya хола ҳар куни худди шу вақтда Рустамнинг тушлик овқати учун ўчоққа ўт ёқарди. Ўғли ҳозир кириб келадигандек, ошхона томон юрди. Ярим йўлга етмай, таққа тўхтаб қолди. Қўлини силтади. Йўқ. Рустами тушки овқатга кела олмайди. Жинни бўлиб қолмаса яхши эди. Уйнинг куйгур Гитлер ўз юртида тинчгина ўтира берса ўлармиди! «Худоб худовандо бўйинг лаҳадда чирисин, ҳамманинг тинчлигини бузмай...» деди Ҳожиya хола оғзига келган қарғишларни қайтармай. Сўнгра орқасига қайтиб, супа олдида тўхтади. Калишини ечиб, супага чиқаётганда: «Овқат тайёрлаб қўйганим маъқул. Балки қайтиб келиб қолар. Яхши ният — ярим мол», деб ўзига-ўзи пичирлади. Калишини қайтиб кийиб, ўғлининг суйган овқати — мошкичири қилишга урииб кетди...

Овқат пишганига ҳам анча вақт бўлди, қани уни ейдиган Рустамдан дарак бўлса... Овқатни бир ўзи егиси келмади. Кеч ҳам кирди. Чироқни ёқиб, супа ўртасида турган хонтахта устига қўйди, лекин ҳамон эшик томонга қараганича ўглини кутарди. Унинг хаёли паришон бўлиб турган пайтда кўча эшиги ғийқиллаб очилгандек бўлди. Хола бир сесканиб, кўзини каттароқ очиб тикила бошлади, эшикдан Муҳаббатхоннинг ёлғиз ўзи кириб келарди.

— Кела қол, қизим, кела қол, бўйларингдан холаңг ўргилсин! Жуда кечикиб қолдинг? Йўллариңгга тикилавериб кўзларим тўрт бўлди! — дея ўрнидан туриб, супадан туша бошлади.

Муҳаббат Ҳожия хола билан кўришар экан, унинг бир кундаёқ ич-ичига ботиб кетган кўзларини кўриб, «бечора она» деб қўйди ичида. Ҳожия хола кўрпача олиб чиққани уйга кириб кетаётган эди, Муҳаббат уни тўхтатди:

— Овора бўлманг, холажон, мана бор-ку, шунинг ўзи бўлади!

— Вой ўлмасам, шундоқ кунда мени йўқлаб келган азиз меҳмонимни эски кўрпачага ўтқазаманми? — деди нолиган тусда Ҳожия хола.

Улар ўтиришди. Ҳожия хола гап сўрашга тили бормаи, Муҳаббатнинг оғзини пойларди. Муҳаббат эса нима дейшини билмасди. Ҳожия хола ўглининг жўнаб кетганини Муҳаббатнинг оғзидан эшитмаса ҳам, унинг ёлғиз ўзи кириб келганиданоқ сезиб олган эди.

— Майли, қизим, — деди у ниҳоят, ўздан илгарироқ Муҳаббатнинг кўнглини кўтаришга тиришиб, — бу кўпга келган тўй, ишқилиб, ой бориб, омон келсин. Фақат ёлғиз қўйиб кетгани ёмон бўлди. Ҳа, айтгандек, уйингга бордингми?

— Бордим, холажон.

— Ойингни ҳам айтиб кела қолмабсан-да. Бу кеча гаплашиб ётардик.

— Ойим, бугунча ўзинг бориб ётиб кела қол, дедилар.

— Онанг барака топсин, қизим, ажаб қилибсан, қизим, сени кўриб, кўнглим анча ёришди. Эрталабдан бери туз тотмаган эдим, — дея кампир оппоқ сочлари учидаги чўлписини жаринглашиб ўрнидан турди.

У Муҳаббатнинг келганидан юраги қоқ ёрилиб кетгудек бўлиб, севинчини ичига сиғдиролмасди. Эртга тонгдан бери гаплашишга одам тополмай, ҳамма гапи ичига тўпланиб қолган кампир тинмай сўзларди, Муҳаббатнинг бў-

йидан, жонидан, ақл-қушидан юз ўргилиб, минг тасаддуқ бўларди.

— Бўйингдан садаға бўлай, қизгинам. Бугундан бошлаб ўғлимнинг ўрнига сени кутаман. Рустам аканг қайтгунча тез-тез келиб тур. Олдин қизим эдинг, энди бўлса ҳам ўғлим, ҳам қизимсан. Сендан бошқа кутадиғанним йўқ. — Хола иккита пишиқ гишт устида турган кичкинагина рух самоварнинг қопқоғини очиб, челақдан сув қўйди, тутантириқни ёндириб ўтхонага ташлади-да, яна гапира кетди:

— Ишқилиб, Рустамжон аканг тез қайтиб келсин. Кўзим тиригида тўйларингни кўрай.

Сал вақт ўтмай, самовар қайнади. Муҳаббат биғиллаб турган самоварни кўтариб супага чиқди-да, хонтахта ёнидаги патнис устига қўйиб, чой дамлади. Ҳожия хола ошхонадан мошкичирини сузиб келди.

— Мана, қизим, — деди лаганни хонтахтага қўяркан, — сен билан гаплашиб баҳам кўрмасам, ўзимдан ўтмади.

Улар овқат еб, чой ичиб бўлишгандан кейин Ҳожия хола жой солиш тараддудига тушди.

— Вой, сиз ўтиринг, холажон, ўринни мен ўзим соламан.

Муҳаббат кампирни ўтқазиб, супа устидаги хонтахта, самовар ва яна бошқа майда-чуйда нарсаларни йиғиштирди. Қалин қилиб икки кишилик ўрин солди. Ҳожия хола супанинг бир четида туриб, тинмай Муҳаббатни олқишлар, бўйларидан ўргилиб-қоқинар, дуо қилар эди.

— Қизлардан ўргилсанг арзийди. Нега деганда, улар онанинг малҳами, жони бўлади. Рустамдан кейин битта қиз кўрганимда эди, ўлгунимча ишларимни қилиб турган бўларди, — деди Ҳожия хола кўрпача устига ўтар экан.

— Жамила опам яқинроқда бўлганларида, сизга анча яхши бўларди. — Муҳаббат ётиш учун холанинг ёнига ўтди.

— Тўғри айтасан, қизим. Опанг қурмагур, икки йилдан бери бораман, деб ёзади-ю, келмайди. Ўзидан ҳам неварамни кўпроқ соғинаман. Шу кунларда ҳар кеча тушимга киради. Узоқнинг фироғи қурсин! Мана, дардим иккита бўлди: Жамилам ёнига Рустам ҳам қўшилди. Қизни ҳам яқинроққа узатган яхши экан!

Ҳожия хола кўрпа ичига кирди. Муҳаббат унинг ёнига ётди. Муҳаббат узун сочларини ёстиқ устидан ошириб ташлаб бир қўлини боши остига қўйди. Кампир дарров ухлаб қолди. Муҳаббат кўзини нечоғлик юммасин, уйқу олмасди.

Унинг хаёлини икки нарса чулғаб олган эди. Биринчиси: мана Рустам соғ-саломат қайтиб келди. Узлиб қолган ўша ширин дамлар яна бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетди. Икковлари ваъдалашган куз ҳам келиб, тўй бўлди. «Хола» деб атайдиган тили ширин кампирни энди у «ойи», «ойижон» деб атайди! Бирданига иккинчи мудҳиш хаёл келиб, Муҳаббатни руҳлантираётган олдинги хаёлини қувиб юборди. У ёнида юмшоқ хуррак отиб ётган Ҳожия холага қараб, қандайдир бир ички ҳиссиёт билан сесканиб кетди: «Эй, эй, дунё! Шундай ширин сўзли онани мендан бенасиб қилмаса эди. Ширин тилаклар, яхши умидлар айрилиқ балосига фарқ бўлиб кетмасайди!» Муҳаббатнинг миясини чулғаган бўлмағур хаёл уни даҳшатга солди. Рустамнинг тақдири ҳақида узоқ ўйлаб кетди. Бироқ у бояги қўрқинчли хаёлни миясидан чиқариб ташлашга қанча уринмасин, барибир хира пашшадек нари кетмасди. Муҳаббат шу хира пашшани ўзидан узоқларга ҳайдаб юбориш учун кўк юзини тўлдирган юлдузларга тикилди. «Ростмикан,— деди у ўзига-ўзи,— наҳотки, ер юзидаги ҳар бир кишининг осмонда ўз юлдузи бўлса? Уларни қизиқ-қизиқ таърифлайдилар. Анавининг эгаси бемор бўлса керак, хира кўриняпти. Катта юлдуз кимники экан-а!» Муҳаббат ловиллаб турган катта юлдузга тикилиб, «балким Рустам акамникидир!» деди кўзини узмай. Шу вақт катта юлдуздан сал нарироқда турган бир юлдуз лип этиб учиб кетди. Унинг «вой, ўлай!» деб қичқариб юборишига сал қолди. «Бир одамнинг жони узилган бўлса-я!..» У бояги ялтираб турган юлдузга тикилиб: «Рустам акамнинг юлдузи — шу!» деди қатъий қилиб. Кейин яна ўзича: «Булар ҳаммаси бўлмағур гап! Наҳотки кишиларнинг тақдири юлдузга боғлиқ бўлса! Майли, нима бўлса ҳам, ўша ёруғ юлдузни танладим. Ҳар куни кечаси шу юлдузни кўздан кечириб қўяман. Рустам акам қайтиб келганларида: «Мана шу сизнинг юлдузингиз», деб ўзларига кўрсатаман!»— ўз режасидан мамнун Муҳаббат Ҳожия хола томон ўгирилиб олди. Сал ўтмай, юлдузларга боқиб турган кўзлари беихтиёр юмилди.

#### 4. ШИЙПОНДА

Кишининг дилига ором берадиган тонгнинг майин шабадаси Муҳаббатни ҳар кунгидек эрта уйғотди. У худди чўчиб уйғонган кишидек кўзини очди. Тонгнинг салқин ҳа-

восидан эти увишиб, энига пахталик нимчасини кийиб, бошига шол рўмолни ташлаб олган Ҳожия хола тўшакнинг бир четида Муҳаббатга тикилиб ўтирарди.

— Ҳа, қизим, нима бўлди? Туш кўрдингми? — деди Муҳаббатнинг чўчиб уйғонганини кўрган кампир.

— Уйғотмабсиз, кеч қолай дебман.

— Ҳали эрта-ку, қизим, самоварга ўт ташлаб қўйдим, қайнасин, ичиб кетасан.

— Кеч қоламан, холажон, чойни далада ичарман. Бафуржа чой ичиб ўтиргани одам тортинади. Иш кўп, одам оз.

— Умринг узоқ бўлсин, қизим, рост айтасан. Сизлар ёрдам бермасанглар қийин.

Муҳаббат ўрин йиғар экан, янада дадилроқ деди:

— Мен энди то душман енгилиб, юрт-эл осойиш топамагунча тинчиб ўтиролмаيمان. Астойдил меҳнат қилиб, яна ҳам кўпроқ ҳосил етказишга бел боғлаганман.

— Раҳмат, қизим, биз қариялар ҳам қараб турмасмиз. Рустам аканг: «Ойи, уйда ўтириб зериксангиз, колхозда бирон иш билан овунсангиз бўлади», деган эди. Уғлим тўғри айтади, арқоннинг кучи қилдан.

Муҳаббат кўрпа-ёстиқларни уйга ташиб кириб, тўрдаги сандиқ устига йиққанидан сўнг: «Холажон, бу кеча бизникига борар эмишсиз, ойим тайинлаб юбордилар», деб эшик томон йўл олди.

— Ҳа, айтгандек, Муҳаббат, онанг нима қилмоқчи, у ҳам колхозга чиқиб ёрдам-пордам бермоқчими?

— Ҳали хабарингиз йўқми, ойим бир ҳафтадан берн даладалар.

— Ундай бўлса, яхши! Биз кампирлар ҳам бир ўйлашиб кўрсак бўларкан.

— Чиқсанглар, бизнинг бригадага чиқинглар, бирга ишлаймиз! — деди Муҳаббат ва шошиб кўча эшигига қараб юрди.

У кўчага чиқиб, эндигина уч-тўрт қадам ташлаган эди, кимдир: «Шошманг, булбулча!» деди. Муҳаббат орқасига қараган эди, амакиси мақтаган Миробидни кўрди. Миробид бир оёғи билан ер чизиб келаётганидан бўлса керак, эрталабки салқинга қарамай, терлаб-пишиб кетган. Юз-кўзи чанг. Узи ҳам анча чарчаган кўринарди. У Муҳаббатга етиб олиб:

— Салом, яхши қиз! Нечук бу томонларга оёғингиз етди? — деди кесатганнамо.

— Ишим бор эди.

Муҳаббат ҳамроҳидан ўзиб кетмаслик учун секинроқ юрди. Миробид Муҳаббатнинг кўнглини овлай кетди:

— Рустамжонни кузатиш мақсадим бор эди, вақт бўлмади. Бу фалокатни кўрмайсизми, келиб-келиб шу кунга тўғри келиб қолса-я! Шу билан овора бўлиб боролмай қолдим.

— Ҳечқиси йўқ. Нима эди у фалокат деганингиз? — қизиқсиниб сўради Муҳаббат.

— Сельпони айтяпман-да. «Тез келсин, мол бор, бўлмаса қуруқ қолади», деб хабар юборибди. Айтгандек, сизга тўғри келадиган калиш бор. Кўп эмас, атиги олти пар. Биттасини олиб қўяман, олдимда ҳеч ким йўқлигида кинг.

— Яна қанақа молларингиз бор? — жўрттага тегишди Муҳаббат.

— Қолганларининг сизга кераги йўқ. Аёллар киядиган духоба пальто бор экану, инсофсиз тама қилиб менга бермади. Лекин ваъда қилди. Илинса бас, сизники бўлади!

— Раҳмат, Миробид ака, ҳозирча ёз. Пальтонинг ғамини сал нарига бориброқ ерман.

— Қиш ғамини ёзда е, дейишган. Бўлса зарар қилмайди.

— Тўғри-ку, бироқ кўнглимга ҳозирча пальто ғами сиймайди.

— И-я, нима сиғади бўлмаса?

— Далада ишим бошимдан ошиб ётибди!

— Ол-ҳа, ҳали колхознинг ишини ўйлаб юрибсизми? — деди Миробид кулиб, кейин гўё яқун ясади:— Сизга нима, стулда ўтирган каттаконлар ўйласин.

— Ҳазил қиляпсизми? — Муҳаббат ажабланди.

Миробид ҳамроҳининг ажабланиб сўрашидан чўчиб кетди:

— Йўғ-э, ҳар нарсага ишонаверасизми! Колхознинг ишини сиз билан биз ўйламасдан, фақат катталаргина ўйлашса иш битармиди. Муҳаббатхон, нима бўлса ҳам ёмон бўлди, мана ҳар кун қанча-қанча йигитларимиз жўнаб кетишяпти, ахир олам одам билан обод. Ҳамма ёқ ҳувиллаб қоладиган бўлди.

— Мен тезроқ борай, кеч қолдим, — деб қадамини тезлатди Муҳаббат муюлишга егганда.

— Шошманг, кечқурун борасизми ёки ўзим уйингизга олиб келайми? — деди Миробид хушода тарзид.



— Овора бўлманг, вақт тополсам ўзим ўтаман!

Муҳаббат кечки карам экилган ернинг этагидан ёқалаб, эвеносининг шинамгина шийпончасини мўлжаллаб йўл олди. Шийпончанинг олдида турган паст бўйли бир қиз қўлини баланд кўтариб қичқирди:

— Муҳаббат опа, келяпсизми?

— Сен шу ерда ётиб қолувдингми, Қумри?— деб сўради Муҳаббат ундан.

— Йўқ, ҳозир келдим. Рустам акам жўнаб кетдиларми, опажон?

— Кетди. Сен тинчмисан?

— Тинчлик қаёқда дейсиз! Эл тинч бўлмаса, биз тинч бўлармидик! Кеча бригадамиздан уч кишига повестка келди, биттаси Собиржон акамга, биттаси Кароматнинг Қосимига.

— Қачон кетишар экан?— куйиниб сўради Муҳаббат.

— Эртага эрталаб соат 9 га чақиритибди. Муҳаббат опа, бугун кучим борича ҳаракат қилиб, эрталик нормамни ҳам бажараман, кузатиш учун жавоб берасизми?

— Хўп, хўп, синглим. Албатта кузат!

— Жон опа, ўзингиздан бошқа ҳеч ким билмасин. Уйимдан шаҳарга деб жавоб оламан. Отам билиб қолсами...

— Муҳаббат нималигини билмайди отанг. Ишқ-муҳаббат ёшларни йўлдан оздириб, юз-кўзини очиб юборадиган бўлмағур нарса, деб тушунади. Шунинг учун ҳам сенга қаттиқ турсалар керак.— Муҳаббат охириги сўзини мийиғида кулиб гапирди. Қумри қачондан бери пинҳон сақлаб юрган севгисини шу вақтга қадар Муҳаббат каби ошкора қилмаганига ачинди.

— Минг қилсинлар, опажон, барибир севганимдан кечмайман, овора бўладилар.— Қумри шундай ҳаяжон билан гапирардики, қалбида ўт бўлиб ёниб турган ҳисларига қаршилик кўрсатмоқчи бўлган кимсани парчалаб ташлагундай кўринарди.

— Хафа бўлма, Қумрижон, отанг ҳам тушуниб қолади.— Муҳаббат уни юпатмоқчи бўлди.

— Сиз отамни билмайсиз. Муҳаббат опа, унинг мақсади бошқа: яқинда жиянининг хотини ўлиб бир ёш боласи билан қолди. Узига тузук туради. Мени ўша жиянига бермоқчи. Ҳаммадан: «Пешанангдаги шу экан», дегани алам қилади.

— Тўғри, отанг, доим турмушдан орқада юради. Бир вақтлар онангни паранжи ёпинишга мажбур қиларди. Ҳам-

ма хотинлар очилиб кетгандан кейингина янглишганини сезгандек индамай қўйди. Шунга ўхшаш, бунга ҳам бир куни тушуниб қолар, вақт ўзи тушунтириб қўяди,— деди ишонч билан Муҳаббат Қумрининг кўнглини кўтариб, у чиндан ҳам вақтнинг кучига ишонарди.

Улар шийпончага етиб келганда кун ёришиб, далага файз кириб келарди. Гўё маслаҳатлашиб қўйгандек, эвено аъзолари бирпасда йиғилишди. Бир гапириб, икки куладиган чўзиқ юзли, бодомқовоқ бир қиз Муҳаббатнинг ёнига аста келиб, тегишди:

— Ҳа, бошлиқ опа, Рустаминг кетиб, тарвузинг қўлтўғингдан тушиб ёрилдими дейман? Нима учун ишни бошламай ялпайиб ўтирибсан?

— Башаранг қурмасин сени!— деди Муҳаббат кулиб ва чайла ёғочига илиб қўйган кетмонини ола бошлади.

Қумри бу шайтони зўр қизга қараб ясама хўмрайди:

— Кўнглига келади ҳам демайсан, қиз бўлмай қизил отга ем бўлгур! Гўё унинг кўнглини сўрадинг-да, а? Қўполдигингдан тўнғак ўргилсин!

Муҳаббат тегишган ўртоғини хафа қилгиси келмай, Қумрининг гапини бўлди:

— Йўқ, Қумри, Каромат тўғри айтади. Утирадиган вақт эмас. Агар шунақанги ўтираверсак, фронтдаги кишиларимизга мадад бера оламизми?

— Яша, Муҳаббат! Тўғри айтдинг!— деди қувониб Каромат.— Кимки фронтга кетган кишилари соғ-саломат қайтиб келишини истаса, ишда ўзини кўрсатсин. Мен ҳам шу бугундан бошлаб, эртага армия сафига узатиладиган Қосимжон акамнинг соғ-саломат қайтиб келиши учун бор кучимни сарф қиламан.

Бу сўз суҳбатга гўё яқун бўлгандек, Муҳаббат бир сўз демай қизларни иш ерига бошлаб кетди. Улар чопиқ учун тайёрлаб қўйилган кузги картошка экилган ерга тушдилар. Ҳар бири ўн ариқдан ажратиб олди... Муҳаббат ҳеч ким билан иши йўқдек бошини кўтармай ишларди. У кетмонни авайлаб уриб, илдиз атрофини бўшатгандан сўнг, бағрига тупроқ босиб кетарди. Қизлар иш билан овора бўлиб, бир-бирлари билан гаплашишни ҳам унутиб қўйдилар. Ҳеч қачон оғзи гапдан бўшамайдиган Кароматнинг ҳам кулгиси эшитилмасди.

Муҳаббатнинг ёнидаги жўякда чопиқ қилаётган Каромат аста пичирлади:

— Ана, қайнананг келяпти.

Муҳаббат бошини кўтариб, икки хотин билан келаётган Ҳожия холани кўрди.

— Қизим, биз ҳам шу ерга тушамизми?— деди етиб келган Ҳожия хола.

— Бригадирга учрашдингларми?— деди жўрттага Муҳаббат, гўё уларнинг чиқишидан хабари йўқ кишидек.

— Сенинг звенонгга юборди.

— Ундай бўлса, жуда яхши бўлипти!— Муҳаббат кетмонини қўйиб, хотинлар олдига келди-да, кулимсираб деди:— Ҳозирча тўпланиб қолган бегона ўтларни уватга олиб чиқиб ташланглар, шунда ҳам бизларга катта ёрдам қилган бўласизлар. Қизлар чопиқдан қолишмасин.

Кампирлар ишга тушиб кетишди. Ҳожия хола Кароматнинг жўягида тўпланиб қолган ёввойи ўтларни уватга таший бошлади. Бегона ўт уюмларидан тозаланган эгат саришта бўлиб қолди.

— Муҳаббат,— деди у,— Ҳожия холамдан ўргилиб кетай. Бахтларига Рустам акам омон-эсон қайтиб келсинлару, бағрилари бутун бўлсин, буни қара, ишим юришиб кетди. Холамдан айланай!

Узун енгларини тирсакка қадар шимариб олган Ҳожия хола, ўз навбатида талаб ҳам қўйди:

— Қизларим, бунақада биз кампирларни зериктириб қўясизлар-ку!

— Вой, ўлмасам, сизларни зериктирмаслик учун нима қилишимиз керак?— деди Каромат унинг гапига тушунмасдан.

— Ашула айтиб беринглар! Зерикиб қолмайлик.

— Муҳаббат,— деди Каромат қаттиқ кулгидан ўзини зўрға тутиб,— буларни зериктирмаслик учун ашула айтиб юбор, ишларининг тайини кетгудай бўлса бизга ҳам зиён бўлади.

— Ўзинг-чи, ўзинг айта қол.

— Менинг «Булбулча» деган унвоним йўқ, ўртоқжон! Булбулнинг навоси олдида ҳақканинг қақиллагани кимга ёқади!

Ҳамма кулиб юборди.

— Муҳаббатхон, айта қол, қачондан бери ашулангга илҳақ бўлиб юрган эдик,— деди Ҳожия хола.

Ёрдамга келган бошқа кампирлар ҳам унинг сўзини қувватлаб, «айта қолинг, қизим, айта қолинг», деб қистай бошлашди. Муҳаббат, Ҳожия холанинг сўзини ерга ташлолмасди, пастроқ овозда ашула бошлади:

Сув оқар ҳамма вақтда,  
Сандиғинг темир тахта,  
Сендан ўзгани десам —  
Қон қусай лахта-лахта!..

— Кам бўлманг!..

Яна бир неча олқиш садолари эшитилди.

— Ҳақиқатан ҳам чин булбулсиз-да, опагон,— деди Қумри.

— Тўғри айтасан, Қумри. Раис акам бекорга, Ҳалиманинг сингlisi, деган эмаслар,— деди бир кетмон тупроқни картошка бағрига боса туриб Каромат.

..Октябрь байрамларидан бирида колхознинг катта клуби колхозчилар билан лиқ тўлди. Тантанали мажлисдан сўнг, колхозчиларнинг илтимоси билан Муҳаббат саҳнага чиқиб, Ҳалима Носирова айтадиган «Ушшоқ» ашуласини ижро этиб, ҳамманинг олқишига сазовор бўлган эди. Шунда колхоз раиси Муҳаббатнинг кифтига қоқиб, «Менинг қизим — Ҳалиманинг сингlisi кичик булбулча бўлади», деб колхозчиларга мақтанган эди. Шундан бери колхозчилар Муҳаббатни «Булбулча» деб атай бошлаган эди.

— Булбулчадан ўргилиб кетай! Айтавер, қизгинам, ашуланг ўқ бўлиб душман кўзига санчилсин!— деди Ҳожия хола. Унга ҳаммадан Муҳаббатнинг: «Сендан ўзгани десам — қон қусай лахта-лахта!» дегани таъсир қилиб, йиғлаб юборди. У кўз ёшларини рўмолининг бир учига артар экан: «Илоҳим, ниятингга ет, қизим!— деди.

Муҳаббат ашуланинг авжига чиққанда Каромат унга жўр бўлди. Кейин бошқа қизлар қўшилди. Ашула тугаб, иш жимлик билан борар экан, Муҳаббат кампирлардан бирига мурожаат қилди:

— Холбуви хола, сиз энди қўя қолинг, эртага Қосимжон акам кетадиганлар. Сиз уйга боринг, йўлга ҳозирлик кўринг.

Кампир рўмолининг учини елкасидан ошириб орқасига ташлагач, деди:

— Хотиржам бўл, қизим, ҳаммасини кечаёқ тайёрлаб қўйганман. Вақт эрта, бир оз ишлаб турай. Қосимжон аканг ҳам хайрлашиб келгани тоғасиникига кетган.

Шу маҳал эрталабки нонуштага таклиф этиб, шийпонда занг қоқилди.

— Қани, кетдик!— деди ҳаммадан илгари ариқнинг бошига чиққан Каромат.

— Биз ҳам жўякни бошига етказиб чойга чиқамиз, ўртоқжон,— деди Қумри.

— Э, бўла қолмайсанми!— Каромат Қумри чопаётган ариқнинг у бошидан тушиб, унга ёрдамлаша кетди.

Қизлар икки ариқдан чошиб, баравар чойга чиқишар экан, Муҳаббат кампирларни ҳам таклиф этди.

— Йўқ, холанг айлансин, биз уйдан ичиб келганмиз!— деди Ҳожия хола янги эгатга ўтаётиб.

— Сизлар бораверинглар, қизим! Сизлар келгунча анча ернинг ўтини ташиб қўямиз,— деди уни қувватлаб Холбуви хола.

Бригаданинг шийпонидоги, қулоғига занжир боглаб қўйилган катта куб шақиллаб қайнаб турарди. Унинг қоп-қоқ тешикларидан бурқираб чиқаётган буғи йўлга тушишга тайёр турган паровозни эслатарди. Нима учундир эрталабки чойни ичиш учун ҳамма эвенолардаги колхозчилар шу шийпонга тўпланган эди. Қумри севган йигити Собиржоннинг ёнига келиб, оғзини гапга жуфтлади-ю, лекин ҳеч нарса дея олмай, тик туриб қолди. Унинг Собиржонга айтдиган бир дунё гапи бор эди. Буни пайқаган Собиржон кўзини қисиб, чеккада ўтирган йигитлар томон ўтиб кетди.

У чўнтагидан блокнотини олиб, «Қумри, кечқурун соат тўққизу ўттиз минутда теракзор боғ олдида кутаман, хўпми?» деб ёзди. Остига «Жавобини кутаман» дейишни ҳам унутмади. Кейин блокнотидан шу варақни йиртиб олиб, тўрт буклади, панжаси орасида қисиб, куб ёнида турган Муҳаббатга қичқирди:

— Булбулчахон синглим, мумкин бўлса, бизга ҳам чойдан берсангиз!

— Кела қолинг, Собиржон ака, бугун сизларга бенавбат,— деди чойнакларга қайнаган сув бураётган Муҳаббат.

Собиржон Муҳаббатнинг ёнига бориб, унинг қўлидан чойнакни олар экан, хатни секингина тутди. Буни ҳеч ким пайқамади. Тўда-тўда бўлиб ўтирган чоллар, йигитлар, қиз ва жувонлар чой билан овора эдилар. Муҳаббат пайт топиб хатни Қумрига берди.

Қариялар ўртасида чой ичиб ўтирган оқ яктакли, ўрта яшар бригадир Жамолиддин ака қўлидаги пиёлани бўшатгач, чой қуйиб ўтирган чўққи соқолли колхозчига узатди. Сўнгра гардишига қизил ҳошия тикилган қалпоғини бошидан олиб, ўрнидан турди, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Унинг кечагина қирдирган боши шийпоннинг бир четидан

тушаётган қуёш нурида ялтираб гурарди. У қалпоқ ушлаган қўлини кўтарди:

— Қадрли ўртоқлар! Ҳаммамизга маълумки, душман катта куч билан бостириб келяпти, Ватанимиз шу кунларда хавф остида турибди. Жонимиздан ҳам азиз бўлган она-Ватанимиз бошидан шундай оғир кунларни кечираётган бир вақтда биз совет граждандари қараб туришимиз мумкинми? Йўқ! Лаънати Гитлер совет халқини қул қилмоқчи. Унинг хом хаёлларини пучга чиқариш учун ўзимизда бўлган барча имкониятларни фронтга сафарбар қилишимиз керак. Мана, Собиржон билан Қосимжон каби баҳодир комсомол йигитларимиз ҳам эртага фронтга жўнайдилар. Ўртоқлар, совет даврида ўсиб-улғайган ҳамма йигитлар шу икки дўст каби Ватанини севади. Кўрдиларингми, эртага фронтга кетадиган одам бугун ишга чиқипти. Бундан билиниб турибдики, бизнинг азамат йигитларимиз колхозини севади, манглай тери тўкиб, бўстонга айлантирган колхозини жонидан ҳам ортиқроқ кўради, колхознинг гуллаб-яшнаши учун, халқимизнинг озодлиги учун душман билан тап тортмай жанг қилади. Мен ҳам душмандан қасос олиш учун фронтга жўнамоқчи эдим, бироқ раҳбар ўртоқлар кузгача сабр қилинг, дейишди. Йигим-теримдан сўнг Собиржонлар орқасидан етиб бораман. Муҳаббат, раиснинг маслаҳати бўйича бригадага сен бош бўласан.

Чоллар тўдасида Махсум амаки ҳам ўтирарди. У Муҳаббатнинг номини эшитиши билан еб турган нони оғзида қолди. Жамолиддин аканинг ўз ўрнига бригадир қилиб Муҳаббатни қолдириши фигонини фалакка чиқариб юборди. Утирган ўридан ирғиб туриб, чўкка тушиб олди. Бригадирнинг гапини бўлди:

— Тағин нима гап? Кўзларинг фақат менинг жиянимни кўриб қолганми? Она сути оғзидан кетмаган қиз болани ҳаммаларинг бир бўлиб, бир балога мубтало қилмоқчимисанлар? Бригадага бош бўлмайди! Звенодан ҳам бўшатиб қўйинглар.

Махсумнинг феъл-атворини яхши билган Жамолиддин ака унинг гапига ортиқча парво қилмади. Фақат қизларгина ҳайрон эди. Ешлардан бири: «Ҳа, одам исн ёқмаган сассиқ чол» деб тўнғилади. Буни эшитган Жамолиддин ака «яхши эмас» дегандек пастки лабини тишлаб қўйди. Махсумга қараб бепарвогина деди:

— Бригадир бўлса нима қилади, устига тоғ ағдарила-

дими? Қийнаиб қолса, кўпчилик бор, ёрдам беради, қўлаб-қўлтиқлайди.

— Йўқ, бригадир, сизларнинг ниятинглар холис эмас. Болани яккалаб қўйиб, жиртак чалмоқчисизлар.

Энди Жамолиддин ака ошқора кулди:

— Эҳ, Махсум ака, Махсум ака! Уйлаброқ гапирсангиз-чи! Бригадирлик ўйинчоқ эмас, иш — куч талаб этади, киши танлайди. Бу ишни ҳар кимга ҳам топшириб бўлмайди. Муҳаббатга ишонганимиздан унга юклаяпмиз. Мана, сал вақт ичида звеносини оёққа турғизиб олди. Ишонамизми, бригадани ҳам аглайди. Қийналса, кўпчилик ёрдам беради.

— Ёрдам беришмай қўя қолсин. Лекин мен унинг бригадир бўлишига розилик бермайман.

— Майли, бу ҳақда яна кейинроқ гаплашармиз,— деди вақтнинг бекор ўтаётганини кўрган Жамолиддин ака. Лекин гапининг калавасини йўқотиб қўйди. Қўлидаги қалпоғи билан терлаб кетган пешанасини артиб, айтмоқчи бўлган гапини шу қалпоғи ичидан топиб олмоқчи бўлгандек унга тикилиб қолди. У бошини кўтариб, куб яқинида ўзидан кўзини узмай тикилиб ўтирган Муҳаббатга қараркан, гапининг учини топиб олди:— Синглим, менинг ўрнимни эгаллаганингдан сўнг комсомол номини колхозчилар олдида оқлашинг керак.

Чой қуйиб ўтирган чўққи соқол чол унинг гапини маъқуллади:

— Раисимиз тўғри маслаҳат берапти, Жамолиддин, бригадани қариларга топшириб бўлмайди, чунки қарилар тез чарчаб қолади. Йигитларга топшириш ҳам мумкин эмас. Нега деганда, улар фронтга жўнашлари керак. Ичимизда бригадани аглайдиган қизларимиз кам эмас. Улардан биттаси Муҳаббат — Булбулчамиз бўлади. Сендан кейин Булбулча бош бўлса, ишимиз сусаймасдан яна ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

«Тўғри» деб колхозчилар бир оғиздан чолнинг гапини тасдиқладилар.

Чой ичиб бўлганлар ўринларидан туриб, далага тарқай бошлади.

## 5. МАХСУМНИНГ РЕЖАСИ

Бир неча кундан бери калласи хумдек шишиб юрган Махсум кечки овқатни иштаҳасизлик билан еб, дастурхонга наридан-бери фотиҳа қилди.

— Онаси, ташқари эшикни занжирлаб ол, мен келгунча очиқ қолмасин!— деб кўчага чиқиб кетди. У Муҳаббатларникига бормоқчи, тунов кунни шийпонда бўлган гап учун она-бола иккаласини узиб-узиб олмоқчи эди. Лекин нима учундир оёғи тортмади. Уйга қайтай деса, у ерда юраги сиқилади. Ноилож, диққатини ёзиш илинжида чойхонага йўл олди. Кечга томон одам билан лиқ тўладиган чойхона кейинги кунларда фэйзини йўқотгандек. Унинг гули бўлган юраги ўт ёш-яланглар фронтда. Шундай бўлса ҳам, самоварчи Абдурасул пучуқнинг аччиқ чойи қўшни қишлоқдаги чойхўрларни ҳам чақириб оларди.

Махсум бу ерга баъзан-баъзан чиқиб беданаларнинг питпилдигига қулоқ солганча бир чойнак чойни эрмак қилиб ўтирарди. Мана, ҳозир ҳам келиб, атрофга назар ташлади. Тўрдаги сўрида тенгқурлари ўтирарди, лекин уларнинг олдига боришни истамади. Тунов кундаги гапдан кейин қариялар унинг кўзига ёмон кўриниб қолган эди. Имкон борича улардан четроқда юради, ҳатто шийпонда тушликни ҳам улардан бошқа ўтириб қиларди. Қариялардан бири чақирган эди, «йўқ» ишорасини қилди. У Миробидни қидирарди. Миробид тунов кунни магазинда унга яширинча беш метр сатин тутиб: «Сизда бир зарур ишим бор», деган эди. Ҳозир шу гап эсига тушиб, уни чойхўрлар ичидан ахтарди. Махсум унинг доимо шу ерда бўлишини яхши биларди. Чиндан ҳам шу ерда экан. Бир четда ўтирарди. Махсумни кўриб, гўё ҳурматини қилгандек ўрнидан қўзғалиб қўйди.

— Келинг, амаки! Айланиб чиқибсиз-да,— деди Миробид хушомадгўйлик билан чой тутиб.— Ишлар оғирмасми?

— Оғир бўлганда нечора?— деди Махсум ҳамон диққати ёзилмай.

— Сизга қийин, ёшингиз ўтиб қолган. Айни ҳовуз бўйидаги супага кўрпача ташлаб, ёнбошлаб ётадиган пайтингиз.

— Ўзингизнинг ишларингиз яхшими, Миробид иним?

— Бизники нима бўларди, амаки, доим бир хилда. Сельпо омон бўлса бўлди!— керилиб қўйди Миробид.

— Уйланиш керак, иним. Ёшлик ҳам ғанимат.

— Кейинги кунларда ўзим ҳам шуни ўйлаб юрибман. Уйим ҳам битди.— Нима учундир Миробид бирдан лабининг танобини қочирди:— Қизлар сероб, қирқини кўриб, бирини олса бўлади.

— Балли! Қиз бозори касод. Лекин сиз кечиктирманг.



— Иложим йўқ кечиктирмай.

Махсум «нечун» дегандек унга тикилиб қолган эди. Миробид чертиб, мақсадни ёзди:

— Мойилроқ бўлиб юрган йигити кечагина фронтга кетди. Сал совисин. Яна балога қолмайлик.

Махсум гап ким тўғрисида бораётганини пайқаса ҳам, ўзини билмасликка солди.

— Бир оз сабр керак. Сал уни унутсин. Ана шунда сизнинг оталигингиз керак бўлади.

— Иншоолло, иним, иншоолло.

— Хизматингизни қуруқ қўймасман, амаки!— деди бир оздан кейин айёрона боқиб Миробид.

— Гап ундамас!— деди-ю, лекин кўнглида нимадандир умидвор бўлиб қўйди Махсум.— Бу савоб иш, савоб иш!

Миробид ўз мўлжалидан хурсанд бўлди. У Махсумдан бир оз ҳайиқиб юрар, агар у рози бўлмаса, гўё Муҳаббатга эришуви мумкин эмасдек бўлиб кўринар эди. Шунинг учун ҳам уни ҳар кўрганда саломини қуюқлаштириб, баъзан-баъзан камчил моллардан унга ошириб турарди. Шу билан Махсумнинг кўнглини топди. Бугунги ошкора гап эса, режасининг тўғрилигини тасдиқлади. Ўз навбатида Махсумнинг ҳам ўз режаси бор эди. У диний урф-одатларни қоралаб колхозда лекциялар ўқийдиган муаллим Рустамни жини ёқтирмайди. Миробид бўлса мўмин-қобил йигит. Урф-одатларни ҳурмат қилади: ҳар йили беш-ўнта кексани йиғиб ота-боболарининг арвоҳига хатми қуръон қилдиради, ифторга чақиради. Дастурхонлик йигит. Бунинг устига ёғли жойда ишлайди. Утган йили данғиллама иморат ҳам солиб олди. Махсум амакини жуда яхши кўради. Дўконига тузук мол келса, сира унутмайди. Махсумнинг эса бозор-ўчар билан бир оз алоқаси бор. Бу жиҳатдан Миробид унга жуда маъқул. Куёв бўлса Махсумнинг пичоғи мой устида бўлади!

Махсум Миробид билан хайрлашгач, шулар ҳақида узоқ ўйлаб ўтирди. Унинг оқсоқлиги, Муҳаббатнинг кўниш-кўнмаслиги ҳам хаёлига келмади. Наҳот, унинг сўзини, отаси ўрнидаги кишининг сўзини қайтарса!

Махсум амаки шу хаёллар билан ўридан туриб, кеч бўлса ҳам Муҳаббатларникига йўл олди. Шу бугуноқ ишни бошлаб, пишитиб қўймоқчи бўлди. Йўл-йўлакай қоп-қоп режалар тузиб борди. Ваҳима билан эшик очган Санобар опага очиқ юз билан бош ирғади. Лекин ҳовли юзида Муҳаббат кўринмагач, алланечук бўлиб кетди.

— Қизинг қани?

— Гаплашиб ётамиз, деб ўртоғиникига кетган эди. «Бир томондан йўғи ҳам яхши» деб кўнглидан ўтказган Махсум, майингина қилиб қўшиб қўйди:

— Чарчайди, зерикади қиз бечора. Ёш, ўйнасин. Бировникига боргандан кейин изми ўзида бўлмай қолади.

Қайнағасининг кутилмаган бу мулоимлигидан Санобар опа чўчиди. Шундай бўлса ҳам ичида: «Одамларга ўхшаб гапирадиган кунинг бор экан-ку», деб супага таклиф этди.

— Тинчликми? Бемаҳалда қаёқдан келяпсиз?

— Тинчлик, шукур! Сенларнинг ғаминг. Ҳаммада бир оиланинг ташвиши бўлса, меники иккита. Муҳаббатингни ўйлайман,— Махсум супанинг бир четига ўтирди,— бўйи етган қиз — пишиб турган олма. Кўрган узсам дейди. Бунинг устига вақт оғир. Эркакларда уят қолмади. Далада ҳам, идорада ҳам кўрган кўзлари — Муҳаббат. Бири бўлмаса бири панд бериб қўйиши мумкин. Ахир бекорга уни звеновой кўтариб, энди бригадага мўлжаллаётганлари йўқ. Бу маҳалда мушук бекорга офтобга чиқмайди.

— Йўғ-э! — Санобар опа чўчиб тушди.

— Ана шу-да, келин. Ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. «Қизим каттакон бўлди», деб қувониб юрибсан. Ўртада шайтон бор, келин! Эҳтиёт шарт. Қачонгача кетидан пойлаб, тўрт кўз бўлиб юрамиз. Эгасининг минг пойлагани-ю, ўғрининг бир пойлагани...

— Раисимиз отаси тенги одам, наҳотки ёмон ният билан бригадирликка мўлжалласа?! — Санобар опанинг ҳамон ишонгиси келмас, унга сари Махсум ҳужумни кучайтириб борарди:

— Соддасан, келин, соддасан! Бўлмаса, нега ўзларининг келинлариними, қизлариними бу ишга рўпара қилмайдилар? Бу бир баҳона, Муҳаббатни вақт-бевақт у ёқ-бу ёққа қақириб туриш учун бир баҳона. Сен инон, келин! Бу йўли!

Махсум ўзининг куйиниб гапириши, ишонса бўладиган далиллари билан Санобар опани авраб олди. У лақ этиб қўлга тушгандек бўлди. Назарида қизи бузилиб кетаётгандек, иснодга қолаётгандек туюлди.

— Нима қил дейсиз, мулла ака, бригадирликни олмасинми? — деди ночор қолиб Санобар опа.

— Бригадани олмаслик билан иш битмайди. Звеносидан ҳам наф йўқ! — деди қандайдир ишонч билан Махсум.

Санобар опанинг гангиб, жавдираб турганини кўрган ва ўз режасини муваффақият билан амалга ошираётган Махсум отини қамчилаб қолди:

— Энг яхшиси, эгасига топшириб қутулиб қўя қолиш. Эгаси ўзи кутиб олади. Қиз боланинг ғурури эрга тек-кунча!

— Шу кунда ким уйланай деб турибди, мулла ака. Йигитлар фронтда.

— Топилади, келин, насиб қилгани топилади!

— Худо билар, бу юрган йигитларнинг ҳеч бирига рози бўлмас.

— Нима, кутгани борми? Ё ҳали ҳам муаллим йигитда илинжи борми?

— Шундайми, билмадим...— деди очиқ айтиб қўя қолишга ийманиб Санобар опа. Нима учундир очиқ айтишга журъат эгмади. Лекин бу гапда ҳам Махсумнинг бир сакраб тушишини кутган эди, бундай бўлмади. Амаки бепарвогина фикрини баён этди:

— Эй, содда келин, фронт кетган — кетди. Ундан битта-яримтаси омон қайтмаса, қолгани ё ўлади, ё ногирон бўлиб қайтади. Муаллимини кутишидан фойда йўқ.

— Кўнгли борга ўхшайди ўшанга,— деди охири журъат билан Санобар опа. У энди ўзини тутиб олган эди.

— Кўнгил, нима деган нарса, келин. Эрта баҳорнинг ели — ўтади-кетди. Сен билан мен рози бўлсак, иложи қанча!

Санобар опа Махсумнинг бу хатти-ҳаракатининг сўнгида яна бошқа бир мўлжали ҳам борлигини сезиб қолди, унга қизиқди. Ҳазилга олгандек ўсмоқчилади:

— Бирорта куёв ҳам топиб келганга ўхшайсиз-а, мулла ака?

— Бор!— деди муродига етгандек ишокч билан Махсум.

— Ким экан?

— Яхши йигит. Тегли-тахтли. Қизингни кўндирсанг бўлгани.

— Тагин Миробид чўлоқ бўлмасин?— дарров фаҳмлади Санобар опа.

— Уша! Чўлогинг нимаси! Бир оёғи билинар-билинмас сал оқсайди, эркак учун айб эмас. Сен уни билмайсан. Хизр назар қилган йигит! Қайси оёғи бутун унга ўхшаб данғиллама уй-жой солиб қўйибди! Сен қисқа ўйлама, келин. У муаллимга ўхшаган қуруқ савлат эмас. Ундан кўра

сен Миробиднинг қизингга мойиллиги борлигидан қувон, бу қизингнинг бахти. Сўраса, ким унга қизини бермайди? Санобар опа қизи номидан бидиллай беришни ўзига эп билмай, индамасдан қўя қолди. Буни амаки онани ўз гапига оғдирган ҳисоблаб, ўрнидан турди, этагини қоқиб, эшикка юрди. Хайрлашар экан:

— Шундай, келин, фурсат қўлдан кетмасин. Қизинг билан гаплаш, кўндир. Шу ташвишдан қутулайлик, — деди.

Санобар опа «ҳа» ҳам демай, «йўқ» ҳам демай, орқасидан эшикни занжирлаб олди.

## 6. Й У Л Д А

Прохладнийдан Нальчикка қатнайдиغان шаҳар-атроф поезди жўнаш учун гудок берди. Пастда Иброҳимнинг ёнида гаплашиб турган Рустам гудокни эшитиши билан дўстини қаттиқ қучоқлаб хайрлашди ва жойидан қўзғалган поездга сакраб чиқди. Унга икки ҳафтадан бери бир вагонда ҳамсуҳбат бўлиб келган қадрдон дўстидан ажралиш ниҳоятда оғир туюлди. Икки дўст йўлга чиққанларидан бери Кавказнинг Прохладний шаҳрига етиб келгунларича бирга бўлишди. Гаплашилмаган гап қолмади. Иброҳим ҳам дилкаш йигит экан. Рустам баъзан хаёлга чўмиб кетарди, шунда у: «Элат, йигит бўлинг, юракни дарё тутинг», деб елкасига уриб қўярди. Бу атрофларда бир неча йил аввал бўлган экан, поезд қайси станцияда тўхтаса, ўша шаҳарнинг мақтовини қилиб қоларди. «Сафар ҳам бир илм. Мана, баҳона билан қанча ерларни кўриб оляпсиз, географиясини ўрганяпсиз», деб куларди. Чиндан ҳам, Рустам ўйлаб қараса, Муҳаббат билан хайрлашиб сафарга чиққандан бери бир талай жойларни, номини эшитиб, ўзини кўрмаган бир қанча шаҳар-қишлоқларни кўрибди: Каспийдан пароходда ўтиш, Боку, Тбилиси... Ҳамма вақт Иброҳим бирга бўлди, ҳатто пароходда ёнма-ён бир каютада ётишди. Назаридан ундан ажралмайдигандек, ҳатто бирга жанг қиладигандек бўлиб кўринарди. Йўқ, ундай бўлиб чиқмади. Начора, мана энди ажралишди. Иброҳим вртага Краснодар шаҳридаги ҳарбий мактабга жўнайди. Рустам эса Нальчикка кетмоқда. Рустам қишлоғидан чиққанда ҳам ёнида ҳамқишлоқлари бўлганидан ўзини унчалик оғир ҳис этмаган эди. У Иброҳим билан хайрлашгач, ёлғиз қолгандек бўлди. Шунинг учун хомуш тортиб, ва-

ғондағи дуч келган пастки полканинг бир четига ўтирди. Ёнида бир йигит узун қилиб ўралган махоркани буруқсатарди. Поездда жангчилардан ташқари ерли халқлардан қам бўлиб, уларнинг кўпчилиги шаҳар боворига деҳқончилик маҳсулотлари олиб келган хотин-қизлар эди. Рустамнинг рўпарасида элликлардан сал ошган бир хотин саватидан пул чиқариб санарди. Шу очиқ юз хотинга қараб ўтириб, кўнглининг ёришганини ўзи сезмай қолди. Бирдан ўзида ҳазилга мойиллик сезд:

— Хола, пулингиз кўпга ўхшайди, санашиб юборайми?— деди кулимсираб.

— Майли, ўғлим, санаша қолинг,— деди кампир ҳам кулиб.

— Қўлим эгри-да, холажон, ўғирлаб қўйишим мумкин.

Кампир Рустамга тикилиб, самимийлик билан сенсираб гапира кетди:

— Қўли эгри йигитга ўхшамайсан. Кассир бўлганмисан, пулни кўришинг билан санагинг келиб қолди. Яхшиси, менга ўғил бўлиб қўя қол. Шунда ҳаммасини таги билан бераман. Сен тенги бир ўғлим бор эди, яқинда фронтга узатдим, лекин унинг кўзи кўк эди. Сеники қора экан. Қора бўлса ҳам, майли. Кўнглинг оқ бўлса бўлди.

— Ҳой, Фрося, қора кўзни ўғил қилмай куёв қилиб ола қолмайсанми?— деди кулгига кулги қўшиб унинг ёнида ўтирган хотинлардан бири.

— Нима бўпти, куёвликка арзийдиган йигит.

— Хола, куёв бўлсам, қизингизни фронтга олиб кетаман-да, майлими?

— Кета беради-да! Эр қаерда бўлса, хотин шу ерда.

— У ерда яшаш учун бошпана ҳам, тирикчилик учун вақт ҳам топилмайди-да.

— Тўғри, ўғлим. Олдин меҳнат, кетидан роҳат, деганларидек, тинчгина ҳаёт кечиришни истаган одам аввал фронтга бориб душманни енгиши керак. Бу ерда ҳам тинчгина тирикчилик ўтказадиган киши қолмади. То душман енгилмагунча, тинч кун кечиришни тушимизда ҳам кўролмаймиз.

— Очиқ кўнгли экансиз, сизга куёв бўлган йигит баракка топади,— деди Рустам.

— Сен-чи? Сен бўлмайсанми? Дарров айнадингми?— деди хотин кулимсираган бир тусда Рустамга қараб. Рустам ҳам унинг саволига жавобан «иложим йўқ» дегандек мийиғида кулиб қўя қолди.

— Нальчикка кетаётганга ўхшайсизлар, қора кўзларим,— деди бир оздан кейин, пулларини ёнига солиб Фрося хола,— тугилган юртларинг узоқдир-а? Энди бизга ҳамшаҳар бўларкансизлар. Танишиб қўйялик, исминглар нима? Мен Ефросинья Петровнаман, Фрося хола ҳам дейишади.

Рустам бу очиқ кўнгила хотиннинг саволига дарҳол жавоб берди:

— Мен Рустам Шокировман.

— Дўстингизники-чи?

— Яхшиси, ўзлари айтсинлар,— деди Рустам. Аслида шериги билан ҳалигина, станцияда танишган, исми-шарифини билмасди.

— Меники ҳам керакми,— кулгига олди йигит,— марҳамат, касбим тракторчи, ўзим Ўзбекистоннинг Паркент районидан бўламан, исмим Фозил, фамилиям Юнусов.

— Сен жуда ҳам булбул экансан-ку. Мана шунақа қувноқ кишиларни иқим севади. Поезддан тушгач, уйимни кўрсатиб қўяман. Келиб турасизлар, хўпми?— кампир саватидан рўмолга тугилган махорка олиб, бир қисмини Фозилга узатди:— Сен чекадиганга ўхшайсан. Ма, ол!

— Раҳмат, холажон, уйдан ғамлаб чиққанимиз бор,— Фозил унинг қўлини қайтарди.

Фрося холанинг ёнида ўтирган хотинлар: «Олинг, иним, олинг, холангизнинг қўлини қайтарманг. Сизга меҳри тушиб қолди!»— дейишди. Фозил ноилож олди. Худди шундай бир қисмини Рустамга ҳам узатди.

— Сизларникида ким чекади?— махоркадан ўрар экан, сўради Рустам.

— Ҳеч ким, ўғлим. Кам-кўстимга яرار, деб бир озгина эккан эдим.

— Сотолмадингизми?

— Сотдим. Тагида озгина қолди. Поезддан кечикиб қолмай деб, келавердим.

— Паркентлик бўлсангиз узум сотиб, бозор ишларидан хабардорсиз. Кампирнинг махоркасини йигитларга пуллаб бермайсизми, яхши бўларди,— деди Рустам Фозилга ҳазил аралаш.

Бу зерикиб ўтирган Фозилга ёқиб тушди:

— Махоркангизни сотиб берайми, хола, жуда эпчилман-да.

— Э, болам, қўйсангиз-чи, яхшиси, йигитларга бир қисмдан улашиб чиқинг.

— Нима учун? Ҳозир сих ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган қилиб пуллаб келаман.

Фозил махоркани кўтариб полкаларда ўтирган йигитларга улашгани кетди. У бир оздан сўнг қўшни вагондан келиб, бўшаган рўмолга ўроғлик бир нарсани кампирнинг қўлига тутқазди.

— Ҳой, ўғлим, бунинг нима?— деди Фрося хола рўмолини ғижимлаб кўриб.

— Ҳеч нарса: бир қучоқ раҳмат ва бир думалоқ соевун!— русчасига икки букилиб салом берди Фозил.

— Эпчил экансиз-ку,— деб кулишди вагондагилар.

Шу пайт поезд станцияга кириб борди.

Жангчилар ўз бошлиқларининг командаси остида дарҳол сафга тизилиб, тайинланган ерга жўнашди. Улар сал юргач, яна Фрося холага дуч келишди. Фрося хола кўчанинг четида борарди. У бир қўли билан елкасидаги юкли қопни ушлаб, иккинчи қўлида оғир саватини зўрға кўтариб борарди. Рустам Фрося холанинг юки оғирлигига ачиниб: «Уроғқ лейтенант, рухсат этинг, шу кампирнинг юкини бир оз кўтаришиб борай», деди. Лейтенант: «Дарров қадрдон бўлиб қолибсизлар-да», деди-ю рухсат берди. Рустам чопганича бориб холанинг елкасидаги қопни олди. 23 ёшга кириб бундай оғир юкни кўтарган эмас эди! Бир оз юрганидан кейин юк оғирлик қилиб, қаддини яна ҳам эгиб қўйди. Оёқларидан дармон кетиб, тиззаларининг кўзи қалтираб кетаётгандек бўлди. «Яхшики, саватини ҳам сўраганимда бермагани!» деди ичида. Юкни ерга қўйиб бир оз дам олгиси келди, бироқ Фрося холадан номус қилди.

Бир оз юргандан кейин шундай терлаб кетдики, бадаида шунча сув борлигига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Нам гимнастёркасига ҳам тегди.

— Чарчадинг шекилли, ўғлим, менга бера қол,— деди орқасидан келаётган Фрося хола.

— Йўғ-э!— деди шошиб Рустам ва номусдан ўзини оқлади:— Кун ҳам иссиқ экан!

Йигитни ортиқча қизартиришни истамаган хола индамай қўя қолди. Сал кейин торгина кўчанинг бошига келиб, шу ердаги очиқ эшиклардан бирига кирди.

— Уйингиз узоқ эмас экан-ку,— деди Рустам етиб келганига севиниб.

— Келдим, ўғлим, шу бизнинг уйимиз бўлади. Кўриб олдинг, истаган пайтингда тортинмай келиб тур!— деди Фрося хола Рустамнинг елкасидан қопни оларкан.

Рустам рўмолчаси билан терларини артиб, у билан самимий хайрлашди.

## 7. ИЛК МАШАҚҚАТЛАР

Жангчилар аллақачон кетиб қолишган эди. Рустам сафдан ажралиб қолганига юраги бир оз ҳовлиқди, нафасини ростлаб олгач, юришини тезлатди. Ҳарбий мактаб дарвозасида турган соқчи Рустамнинг орқада қолиб кетганидан хабари бор экан шекилли, суриштириб ўтирмай ичкарига киргизиб юборди.

Уларни шу куниёқ ювинтириб, курсантлик формасини бердилар. Оҳори тўкилмаган кийим ва янги этик кийиб ясаниб ташқарига чиққан Шокиров бир хилда кийинган йигитлар орасидан Юнусовни ахтара бошлади. У шунча ахтарса ҳам тополмай, ниҳоят: «Юнусов,, қаёқдасиз?» деб чақирди. Юнусов атайин Шокиров ёнидаги дарахтга суяниб, унинг аланглаб ўзини қидираётганини кузатиб турган эди. Рустам чақириви билан унга овоз берди.

— Тавба, ҳамманглар бир онадан туғилган Ҳасан-Хусандек бўлиб қолибсизлар, бундан ярим соат илгари ўзингиз тугул, соянгиздан ҳам таниб олардим,— деди Рустам кулимсираб.

— Ҳа, Ҳасан-Хусанлар бўлмай, киммиз? Чиндан ҳам Ҳасан-Хусанлармиз!

— Бу гапингиз рост!— тасдиқлади Рустам.

Улар биринчи батальондаги тўртинчи ротанинг курсантлари бўлиб, қабул қилинганларидан сўнг ҳақиқий ҳарбий машғулотлар бошланиб кетди. Ҳарбий машқлар аввалига Рустамга оғирлик қилди. Кечқурунлари чарчар, тунлари уйқуга тўймас эди. Ёшлигидан жисмоний меҳнат билан кўп шуғулланмагани шу ерда асар қилди. Фозил эса колхоз далаларида меҳнат қилиб, пишиб кетганиданми, ҳарбий машқларни писанд қилмас, аксинча, кун ўтган сари руҳи енгиллашиб, ўзини тетик ҳис этар эди.

— Дадил бўлинг, Рустамжон!— деб қўярди Фозил баъзан элатининг чарчаётганини кўриб. Унга сари Рустам қизарар, лекин руҳи тетик эканини таъкидлар эди.

— Чидайман, дўстим. Мана шу ерда тобланиб олишим шарт. Фронтда вақт бўлмайди.

Бунинг учун астойдил ҳаракат қиларди. Кунлар ўтган сари тобланиб борар, номус кучи уни тетикликка ундар,



Ўзи ҳам бошқаларга етиб олиш учун тинимсиз уринар эди. Бора-бора машқ ва машғулотлар кўнгилли ва қизиқарли бўла бошлади.

...Улар тактика машқи ўтказар эдилар. Рустамнинг ёнида ётган Фозил Юнусов қаршидан бостириб келаётган «душман» томонга қараб пулемётни тўғрилар экан, Рустамга тегишди:

— Дискани тўлдириб беришга кучингиз етадими?

Бу гап Рустамнинг иззат-нафсига тегди:

— Ҳа, бўлмаса-чи! Мен энди кечаги Шокиров эмасман, ҳаммасига ҳам кучим етади.

— Тўғри айтдингиз. Сизда ўзгариш катта. Зийраксизда, дарров ўзингизни тиклаб олдингиз,— деди Фозил дўстига оғирроқ гапириб.

Взвод командири лейтенант Смирнов мудофаа участкасини кўздан кечириб, ҳар бир курсантнинг тепасида тўхтаб, душманга қаршилиқ кўрсатиш, ўт очиш, белгиланган муддатда атакага кўчиш тартибларини тушунтириб ўтарди. У усти ўтлар билан ниқобланган Шокировнинг окопи тепасида тўхтаб, таажжубланди:

— Ия, бу нимаси?— деди Шокировнинг окопи ичидаги ерга ёзилиб қўйилган сатин гимнастёркасини кўриб.

Шокиров йўл учун уйдан олиб чиққан гимнастёркасини иккига бўлиб, ўзи билан олиб юрар эди. Захроқ ерда машғулот ўтказишга тўғри келган пайтларда шу гимнастёркани тагига соларди. Бугун ҳам шундай қилган эди.

— Ёнбошимга ер ботмасин, деб тагингизга кўрпа солибсиз-да!— деди кулиб командир.

Рустам қулоғигача қизариб кетди.

— Кўрпа эмас, ўртоқ лейтенант, эски гимнастёркам. Форма ифлос бўлмасин деб...

Лейтенант кўрдикки, курсантнинг ўзи ҳам бу ишдан хижолатда. Ичида «зиёли!» деб қўйди ва окоп тепасида нималарнидир бир оз ўйлаб турганидан сўнг, деди:

— Ўртоқ курсант, формани аяманг. Эскиса, янгиси топилади. Кийим сиздан азиз эмас. Диққатни машққа беринг. Биз банкетга бориш учун тайёрланаётганимиз йўқ.

Шу маҳал Рустамдан сал нарида ётган бир жангчи лейтенантга доклад қилиб қолди:

— Ўртоқ лейтенант, «душман» бостириб келмоқда!

Лейтенант Смирнов Шокировнинг охирги гапини эшитмади.

У «душман» томонни кўздан кечириб туриб, баланд овоз билан буйруқ берди:

— Жангчи ўртоқлар, диққат қилинг, «душман» яқинлашиб келмоқда. У белгиланган мўлжалга етиб келмагунча бирорта ҳам ўқ узманг. «Ут оч!» командасини кутинг.

Лейтенант бошқа курсантлар олдига кетди. Рустам қўлидаги пулемёт дискаларини ўққа тўлдириб, Юнусовнинг рўпарасига қўйди. Қаршидаги «душман» мудофаага яқинлашиб кела бошлагач, ўт очилди, кейин лейтенантнинг «Қарши атакага!» деган буйруғи момақалдироқдек гумбурлаб, оғизма-оғиз кўчди. Ирғиб ўринларидан турган мудофаачи курсантлар «ура» садолари остида «душман»га ташландилар. Юнусов найзабозлиқ қилиб, рақибининг қўлидаги милтигини бир уриб учираб юборгандан кейин, унинг белидан қаттиқ қучоқлаб, бир силкитиб елкасига кўтариб олганича лейтенант Смирновнинг олдига келтириб ташлади. Тоза кулги бўлди. Унга сари жангчи аччиғларди...

Икки лейтенант ҳужум билан мудофаа хулосалариши чиқаришди. Қўлга киритилган муваффақиятлар ва ҳужум пайтида йўл қўйилган хатолар тўғрисида бирма-бир гапириб ўтдилар.

Куни билан машқ қилиб чарчаган Рустам казармага кела солиб ўзини каравотга ташлади.

— Махорка ўраб берайми?— деди унинг ёнига келган Юнусов ҳазиллашиб. Рустам аччиғи чиққандек индамади. Буни сезган Фозил гапни бурди:— Туринг бўлмаса, кинога борамиз, жуда мақташяпти!

Ночор қолган Рустам номус зўридан аста қўзғалди. Лекин ўрнидан туриб, ҳовлига чиқиш ўрнига, тумбочкадан дафтар олиб, нималардир ёза бошлади.

Фозил қизиқди:

— Нималарни ёзаяпсиз, ўртоқ Шокирова?— деди у дўстининг қўлидаги дафтарчага энгашиб.— Кўрсак мумкинми?

— Яширин нарса эмас, марҳамат, ўқишингиз мумкин!— Рустам ёзиб бўлгач, дафтарчани Фозилга узатди. У дафтарчани олиб варақлай бошлади: «Бугун клубдаги кинога, дўстим Юнусовнинг зўрлашига қарамай боролмадим. Чунки тактика машқидан чарчаб келган эдим...»

— Ия, балли-е, ҳали шунақа нарсалар билан дафтар тўлдириб юрибсизми?

— Билмайсиз, Фозилжон, икки-уч йилдан кейин қизиқ

бўлади. Ахир мен умримда кинодан қолган одаммасман. Демак, ҳали чиниқмабман.

— Ҳа, бежирим, чиройли папкани кўтариб юриб, нозик тортиб қолгансиз-да. Энди маца бу машғулотларни чертиб-чертиб ёзиб қўйсангиз арзийди. Бу сиз учун янгилик!— Юнусов дафтарчани варақлаб, яна бир ерини ўқий бошлади. У бир оздан кейин қаҳ-қаҳ солиб кулди:— Узингизни ерга уриб, мени меҳнат қаҳрамони қилиб қўйибсиз-ку. Бу яхши эмас, мен районда беш йил тракторчи бўлиб, нормамни 120—150 процент қилиб бажарганимда ҳам бунақа мақтов эшитмаганман.

— Нима, дафтарчамни қалбаки сўзлар билан тўлдирибманми?

— Тўғри-ку, шундай бўлса ҳам...

— Биласизми, ўртоқ Юнусов, шу дафтарчам билан икковимизни тарозида тортиб бормоқдаман. Қани нима бўларкин? Қанча вақт ичида сизга ўхшаб, чарчамайдиган бўларканман. Дафтарчани беринг-чи!— деди Шокиров қўлини чўзиб.

— Жуда қизиқ экан, бу ёғини ҳам кўрай, шошманг,— деб дафтарчани варақлай бошлади. У бир ерини ўқийганга яна беихтиёр хахолаб кулиб юборди:— Тавба, шуни ҳам хотира дафтарчангизга ёзиб қўйдингизми? Эслаш уят-ку, буни бировга кўрсатиб бўлмайди. Муҳаббат ўқиб қолса, ношуд экан, деб айниб кетади-я,— деди кулгидан зўрға тўхтаб.

— Нима экан ўзи? Қани, ўқинг-чи? Наҳотки, мен уят нарсаларни ёзган бўлсам.— Шокиров ҳайрон бўлди.

— Мана эшитинг,— Юнусов кулгидан ўзини тийиб ўқий бошлади: «...Ҳарбий мактаб майдончасида машғулот қилиб турган эдик. Бир метр келар-келмас машқ гови устидан сакрашга тўғри келди. Ҳамма курсантлар сакраб ўтиб кетишди. Мен бўлсам сакрай олмадим, оёғимнинг учи пилиниб қолиб, юзим билан ерга ағдарилиб тушдим. Пешанам ғурра бўлди. Ҳаммадан ҳам қўлимдаги машқ милтиғимнинг учиб кетгани ёмон бўлди».

— Шуми сизнинг уят деяётганингиз?— деди Шокиров.

— Бўлмасам-чи!

— Йўқ, дўстим, агар шу сирларни яшириб кетганимда уят бўлиши мумкин эди. Бунинг учун Муҳаббат мендан айниб кетмайди. Эҳтимолки, меҳри яна ҳам ортади. Чунки мен шунча қийинчиликларни қандай қилиб босиб ўтаётганимни яширмасдан рўйи-рост ёзиб бормоқдаман. У бунинг

учун мендан хурсанд бўлади. Ростлик — муҳаббат эл-чиси.

Юнусов дафтарчани ёпиб, унга узатди-да:

— Шундай қилиб, кинога бормайсизми? — деди.

— Бугунча йўқ.

Сал ўтмасдан старшина Рустамни йўқлаб келиб қолди:

— Нима учун дўстларингиз билан кўнгул очадиган ўйинларга қатнашмай, бу ерда ётибсиз? Сизни комбат чақиряпти.

Шокиров кителени бир кўздан кечириб, тугмачалари қадағлигига тўла ишонч ҳосил қилгач, ўзига оро бериб, батальон командири ҳузурига йўл олди. Батальон штабида батальон командири ёлғиз ўзи ўтирарди. Рустамни кўриши билан унга бошдан-оёқ разм солди, диққат билан докладыни тинглади. Столни айланиб Рустамнинг ёнига ўтиб, гўё жиддий гап бошлади:

— Осмондаги ва ердаги разведканинг берган хабарларига қараганда, сиз жуда зерикар эмишсиз. Курсантлар билан волейбол ва турли ўйинларга қатнашмасмишсиз. Қондани бузиб, кўп вақт казармада ўтирармишсиз, баъзан бевақт ўринга чўзилиб ётармишсиз.

Рустамнинг бетига бирдан қон тепди. Кўнгулдан «Ана холос, тамом бўлдим-ку!» деб турганида батальон командири бу саволларни жавоб олиш учун ёки жазолаш учун айтмаётганини билдириш ниятида яна савол ташлаб, ўзи жавоб қайтарди:

— Қийинлик қиляптими? Мумкин! Нозиккина муаллим эдим денг. Лекин казармада ётиш билан бўлмайди. Коллективдан ажралманг. Бугун ҳам зерикиб ўтиргандирсиз деб, чақиртирдим. Шаҳарга чиқадиган бир топшириқ бор.— У стол тортмасидан бир конверт олиб, унга тутди:— Мана шу нарсани полк штабига олиб борасиз. Ёнингизга бир шерик ҳам олинг. Шу баҳона билан шамоллаб ҳам келасиз.

— ЕСТЬ,— қўлини чаккасига олди Рустам.

— Отбойга албатта етиб келинг.

Рустам штабдан чиқиб, нима гап эканини ўз старшинасига айтиб, ёнига Юнусовни олди.

Шаҳарнинг катта кўчалари ёруғ, лекин бу кўчаларнинг тун қоронғилиги кичик кўчаларга улоқтириб ташлангандек, ён кўчалар зим-зиё. Одамлар кам. Одамлар ҳаракатида уруш даврининг асабий бир ҳолати сезилиб турибди.

Икки ўртоқ катта ёруғ кўчадан ўнгга бурилиб, қоронғи

тор кўчада салгина юрган эдилар, бирдан аёл кишининг қалбларни ларзага солувчи товушини эшитиб қолдилар. Икки ўртоқ олдинма-кейин товуш келган томонга, нарироқда кўринган шарпага «ким у?» деб югуришди. Тўда шарпадан иккитаси ажралиб қочди. Рустам олдинда, кетинда Фозил қувиб бориб, юз метрча нарида уларни ушлаб олдилар. Лекин қисқа олишувда Юнусовнинг бир қўли сал лат еди.

Икки йўлтўсарнинг қўлларини орқасига боғлаб, воқеа содир бўлган ерга қайтиб келганларида, у ерда ҳамон икки аёл дағ-дағ титраб турарди. Бирининг товуши Рустамга таниш туюлди. У бирдан:

— Фрося хола!— деб юборди.

— Вой, кимсан, болам?— Фрося хола шошиб қолди.

Бу орада тўпланиб қолган одамлар уларни гаплаштирмади. Етиб келган милиционер йўлтўсарларни ҳайдаб кетди. Шокиров билан Юнусовни ҳам гувоҳлик беришларини илтимос қилди. Улар милицияга боргунча ҳам Фрося хола миннатдорчилигини айтиб тугатолмади. Воқеанинг гафсилотини тушунтирди.

— Синглимникидан келаётган эдик, билмадим, бу умринг қисқа бўлгурлар, қаёқдан пайдо бўлиб қолди... Кела солиб, Катянинг қўлидаги соатга ташланишса бўладими!— Фрося хола яна бирдан шошиб қолди:— Ҳа, айтгандай, танишинглар, бу қизим Катя, қўрққанимдан таништириш ҳам эсимдан чиқиб кетибди.

Улар танишишди. Қиз, Юнусовнинг чап қўлини ҳадеб ушлаб қўяётганини кўриб:

— Ёмон оғрияптими?— деди ачиниб.

— Сал. Назаримда эти узилганга ўхшайди.

— Ёмон бўлди-ку!— Қиз яна ачинди.

— Ҳечқиси йўқ, тузалиб кетади.

Милицияда иш битгач, улар кўчага чиқишди. Фрося хола миннатдорлигини айтиб тугатолмасди.

— Яхши ҳам сизлар келиб қолдинглар, бўлмаса, бу қуриб кетгурлар, бизни нима кунга соларди! Мингдан-минг раҳмат. Сизларни ҳам йўлдан қўйдик...

— Зарари йўқ...— деди Рустам.

— Майли, энди сизлар ишларингга бораверинглар, биз ўзимиз кетамиз.

— Сизларни уйингларга қўйиб, шу ёқдан айланиб кетсак ҳам бўлади,— деди Рустам холанинг ёнига ўтиб.

— Яна овора бўласизларми?

— Овораси борми, хола,— деди дарров Фозил, лекин ўзи Катяга қараб қўйди.

Катя «меҳрибонлигингиз учун раҳмат!» дегандек ишора қилди.

Икки ўртоқ она-болани эшигигача кузатиб қўйгач, Фрося хола яна миннатдорчилик билдириб, қатъий илтимос қилди:

— Энди, дам олиш куни албатта келинлар. Кутаман!

Бу таклиф, нима учундир, Рустамдан ҳам Фозилга ёқиб тушган эди. У «нима дейсан?» дегандек, Рустамга кўз ташлаб қўйди. Лекин Рустам аниқ ваъда беролмаслигини айтди. Хола «келинлар» деганича қолди.

— Қизи жойида-ку!— деди Фозил улар билан кайрлашиб сал юришгач.

— Онасининг қизи-да. Онаси ёмон хотинми?

— Рустам! — деди хўрсингандек Фозил,—бир келсак келайлик, биздан нима кетди.

— Нима бало, жигарингиздан урдими дарров?

Фозил индамади. Енидан папирос олиб, буруқсатиб чекди.

Икки ўртоқ тайин қилинган жойга ошиқишди.

...Лат еган қўли баҳона бўлди-ю, Фозил бир неча кун машгулотга чиқмади.

Фозилнинг қўли лат еганидан хабар топган Фрося хола бир марта ўзи хабар олиб кетди. Кейин кун оралаб Катя келиб турди. Ҳар келганда нимадир олиб келар, Фозилнинг: «Мен иштаҳаси бўғиладиган касал эмасман», дейишига ҳам қулоқ солмасди.

— Мен олиб келаётганим йўқ, онам бериб юборяпти,— дерди Катя кулиб.

— Ўзингиз қачон олиб келасиз?— тегишди бир куни Фозил.

— Қачон десангиз, шунда!

Эртасига унинг хилма-хил совға олиб келганини кўрган Фозил:

— Бутун бир взводни меҳмон қилса бўлади-ку!— деди.

— Майли, марҳамат! Уларнинг ҳам уй-жойи узоқда. Турли ноз-неъматни кўнгиллари тусайди. Менинг акам ҳам қаердадир сизлар сингари хизмат қилиб юрибди. Онам нараса берса, нуқул: «Аканга олиб кетаётганингдек қувонаман», деб қўяди.

— Шундайми! — қошини чимириб, бир кўзини қисди Фозил.

— Бўлмасам-чи,— деди ўз навбатида Катя ҳам эркаланиб, табассум билан.— Ҳамманглар бир дарахтнинг барги. Биринглар тепасида, яъни узоқроқда, биринглар пастда — яқинроқдасизлар. Ё нотўғрими?

— Тўғри! Тўғри, Катяхон! Сиз гапирасизу, нотўғри бўладими? Сиздай қизлар хато гапирмайди!

Катя ҳам қувонди, ҳам уялди.

— Кундан-кун жуда булбул бўлиб кетяписиз!— деди Катя уялинқираб, бошини қуйи солиб. Фозил ҳам ҳазилга олди:

— Сиздай қиз қаршимда туради-ю, булбул бўлмайманми!

— Сизнинг юртингиз сербоғ дейишади, булбул бўлсангиз ажаб эмас.

— О, балли, энгдингиз. Катя, офарин! Булбул эдимү, гулсиз эдим. Назаримда гулимни шу ерда топдим.

— Қўйинг-э,— деди сакраб ўрнидан турар экан Катя.

— Энди ҳеч келмайман!

Лекин унинг бутун хаттти-ҳаракати ва гап-сўзи: «авваллари кун оралаб келсам, энди кунда келаман», дер эди. Чиндан ҳам, шу кундан бошлаб улар жуда аҳил бўлиб қолишди. Ҳол-аҳвол сўрашдан ҳам кўра, ёшларгагина хос суҳбатлар кўпроқ бўладиган бўлди. Энди Фозил шу ерда туғилган, шу ерда кўпдан бери истиқомат қилиб келаётган одамга ўхшар эди. Ҳар қандай оғир машқ ва машғулотларни ҳам писанд қилмас, ўзини энгил ҳис этар эди.

— Кундан-кун жуда яшнаб кетяписиз-ку!— деди буни пайқаган Рустам.

— Яшнаймиз-да! Ё ҳаққимиз йўқми?— қувноқ жавоб берди Фозил.

— Яшнанг, дўстим, яшнанг. Ярашади. Севганингиз олдингизда.

Фозил «севганингиз» сўзини бировдан биринчи марта эшитаётганиданми, юраги тўлқинланиб кетди, кўнглига қандайдир ёқимли илиқ нур қуйилаётгандек туюлди. Кўзлари чарақлаб, ҳаяжони тўлқин уриб, тилига жуда тотли сўзлар келди.

— Энди, Фрося холаникига борайлик ҳам демайсиз, ўзингиздан жуда тинчиб қолдингиз шекилли?— деди Рустам Фозилнинг: «Фрося холаникига бир борайлик», дейишларини атайин ёдига солиб.

Лекин Фозил бўш келмади.

— Борсак, бораверамиз! Қани, қачон боргингиз кел-  
япти?

— Бунисини сиз айтасиз. Мендан кўра бориш сизга  
қизиқроқ,— деди Рустам рашки келгандек.

Буни Фозил сизди ва ғалати бўлиб кетди. Кўнглидан:  
«Наҳот Катяни қизганяпти?» деган фикр ўтди. Гапни чу-  
ватмай, индамасдан тамаки ўрай бошлади. Шунга қарамай,  
келаси дам олиш куни боришга қарор бердилар. Чунки  
Фрося хола айттириб юборган эди. Улар ҳовлидан казар-  
мага кириб келишар экан, дневальный Рустамга хат тутди:

— Бир ўйнаб юборсангиз бўларди.

— Ўқиб чиқай-чи, яхшилик бўлса жоним билан,— деди  
конвертни олаётди Рустам.

Рустам шоша-пиша дераза олдига қўйилган курсига  
ўтирди. У конвертни очиб, антиккандек ўқий бошлади. Бу-  
ни кўрган Фозил жўрттага гап қотди:

— Ўртоқ Шокиров, биз ҳам эшитайлик.

Рустам бир ерга етказгандан сўнг, хатдан бошини кў-  
тармай:

— Шошманг, дўстим, олдин ўзим ўқиб чиқай, сизлар  
учун ҳам ёзилган ери бўлса, ўқиб бераман,— деди.

— Ўқий беринг, ўртоқ Шокиров, ҳазиллашяпман, сиз-  
ни соғиниб хат ёзган бечора қизнинг нималар дейишини  
яхши биламиз.— Фозил гўё кунда севганидан қўшалоқ хат  
олиб турадиган кишига ўхшаб билимдонлик билан гапи-  
рарди.

Рустам катак-катак қоғоз бетидаги хатнинг биринчи  
саҳифасини тамомлагандан сўнг, у ёғига кўз югуртиб  
чиққач:

— Мана сизлар бопи, эшитсаларинг бўлади...— деб то-  
вуш чиқариб ўқий бошлади: «Колхоздаги деярли ҳамма  
ишларни биз хотин-қизлар қўлимизга олдик. Менинг зве-  
ном ҳам мўл ҳосил олиб, мажбуриятни бажарди. Бошқа  
звеноларда ҳам иш яхши. Яқинда Жамолиддин акамни  
ҳарбий комиссарлик чақириб, армияга юборадиган бўлиб  
қолди. У бригадани менга топширди. Бригадага бошчилик  
қилиш қанчалик оғир бўлишини илгари ҳам билар эдим,  
начора, қабул қилдим! Қандай қийинчиликлар бўлса, сиз-  
га берган ваъдам туфайли, муҳаббатим туфайли бардош  
бераман ва ғолиб чиқаман. Сиз бунга амин бўлинг! Ҳожия  
холам сиз кетган куннинг эртасигаёқ менинг звеномга иш-  
га чиққан эдилар. Ҳозир ҳам ишлаб турибдилар. Кўнг-  
лингизни тўқ қилинг, холамни ёлғизлатиб қўяётганимиз



йўқ. Кечалари дарс столингиздаги китобларингизни ўқиб ўтираман. Азизанинг унашиб қўйган куёвидан қора хат келди. Рустам ака, Азизани шу кунда кўрсангиз, бир бурда бўлиб қолди. Қизиғи шуки, куёвининг ўлимини ўйлаб куйган сари ғазаб билан кучга тўлиб кетмоқда, звенода унинг олдига тушадиган азамат йўқ. Мен звенони унга топширган эдим...»

Рустам хатнинг у ёғини ўқимай, хомуш тикилиб қолди. Орага тушган жимликни Фозил Юнусов бузди:

— Мана бу қаҳрамонлик! Бизнинг иродани ўлим ҳам, энг яқин кишимизнинг ўлими ҳам синдиrolмайди!

— Бун муҳаббат дейдилар, Фозилжон. Муҳаббатга ўлим йўқ, муҳаббат мангу.

Фозил ўлимнинг аччиқ аламини жасорат билан енгаётган нотаниш Азизани тасаввур қиларкан, кўз олдига Катя келди. У «Фозилжон, мен Азизаман», дегандек ишонч билан унинг кўзига қараб турарди. Катя унинг кўзига чнада кўркам ва меҳрибон бўлиб кўриниб кетди.

— Рустамжон! — деди у кейин. — Муҳаббатхонга хат ёзсангиз, Азизага ҳам, албатта, салом айтарсиз, шунда бизникини ҳам унутманг. Матонатига балли!

— Ҳа, албатта айтаман, — деди Рустам ишонтириб, кетидан қўшиб қўйди: — Ажойиб қизларимиз бор-да, ҳам меҳрибон, ҳам матонатли!

Иккала ўртоқ индамай қолди. Гўё узоқдаги Азизанинг қайғусини ўртоқлашаётгандек эдилар.

## 8. ЯНГИ ТАНИШЛАР

Даҳлиздаги стол устига сув тўлдирилган катта кас-трюлни қўйиб, идиш-товоқларни юваётган Фрося хола ичкари уйга қараб:

— Катя, бўла қол, қизим, келиб қолишади, — деди.

Уйдан чиқиб келган Катя, узун киприкли мовий кўзларини онасига тикиб:

— Менга нима иш буюрасиз, ойижон, дарсимни тайёрлаб бўлдим, — деди.

— Ичкари хонанинг полини ювиб, стол устини тартибга сол. Яна қора кўз ўғилларим бизни шалтоқ экан, деб ўйлашмасин

— Келишармикан? — нима учундир ишонқирамас эди Катя. Гарчанд Фозилнинг ваъдасини олган бўлса ҳам, юра-

ги дов бермас эди. Лекин Фозилнинг олдига тез-тез бориб туришини онасидан яширгандек, бу ваъдани ҳам онасига айтмаган эди.

— Келишади, болам, бугун албатта келишади. Қани, тезроқ бўла қол!

Катя ичкари кириб, полни арта бошлади. Унинг назарида ҳозир Фозил кириб келаётгандек туюларди. Сал ўтмай у онасидан ҳам ортиқроқ интизорлик билан кўзи эшикда бўлиб қолди. Бироқ меҳмонлардан дарак бўлмади. Утган якшанба она-бола уларни қош қорайгунча эшикдан кўз узмай кутишди.

— Энди келишмайди, ойи, эртага ўзингиз ёриб, хабар олиб келасиз,— деди умидсизланган бир тарзда Катя.

Ефросинья Петровна ўзи туғиб катта қилган болалари сингари оналик меҳри тушиб қолган бу ўғилларига атаб тайёрлаган овқатларни олиб, эртасига ҳарбий мактабга борди. У икки ўғлини ўз кўзи билан кўриб, кўнглини тинчитиб келди. Мана, бугун ҳам ўтган галгидек ўғилларини кутиш учун тонгдан бери тинмай югуриб-елди, бирпаснинг ичида икки марта кўчага чиқиб келди. Катя уйни йиғиштириб, стол устларини меҳмон кутишга мослагандан кейин, ошхонада уймалашиб юрган онаси олдига чиқиб келди:

— Ойи, яна менга буюрадиган нима ишингиз бор?

— Йўқ, энди-чи, қизим... — Ефросинья Петровна бирдан гапини йўқотиб қўйди. — Юз-қўлларингни ювиб, дурустроқ кўйлагингни кийиб ол.

Катя кулиб, онасининг гапига хандон солди:

— Ойи, мени кийинтириб нима қиласиз! Еки қора кўз ўғилларингиздан бирини куёв қилиш ниятингиз борми?

— Ҳа, куёв қилсам арзимайдими! — деди ғурур билан она, назарида қизи «қора кўз ўғилларини» камситаётгандек.

Катя хахолаб кулиб, онасининг елкасидан қучоқлади.

— Жуда кўп нарсалар тайёрлабсиз, меҳмондорчилик тўйга айланиб кетмасин тағин!

— Ўзинг ҳам ичингда жон деяётганга ўхшайсан. Яна бирортасини танлаб олган бўлма!

Кутилмаган бу сўздан Катя бирдан қулоғигача қизариб кетди. Онасини қучоқлаб турган қўллари бўшашди. Онасининг орқасида тургани жонига ора кирди. Онасининг кўзи шу маҳалда унинг қизарган юзига тушганда Катя сирини яширишдан ожиз қоларди. Қиз ўзини дарров ўнглаб олди. Гапни чалғитиш учун онасидан сўради:

— Ойи, сиз дадамга севиб текканмисиз? Унинг ички сирларини қандай қилиб билиб олгансиз?

— Ҳа, қизим, ёшлигимда ҳам пишиққина эдим...— деди она, лекин тафсилотини айтмади. — Отанг кишининг қадрига етадиган одам эди! Назаримда ҳали ҳам тирикдек. Оз бўлса ҳам жуда ширин ҳаёт кечирдик.

Шу маҳал кўча эшиги тақиллаб қолди. Бу тақиллаш Катянинг юрагида акси садо бериб, энтиктириб юборди. Бир лаҳзага шошиб қолди.

— Оч, нега анграйиб қолдинг! — деди она қизининг ҳолатини тушунмай.

— Келдингларми? — дея эшикдан Катя бошчилигида келаётган меҳмонлар қаршисига юрди у.— Келиб юзини ёруғ қилдинглар, бўлмаса, мана бу қизимдан балога қолган эдим. Нуқул, келишмайди, дейди, уялтиради.

— Бундай экан, бундан ҳам эртароқ келган бўлардик, — деди Рустам Ефросинья Петровна билан самимий кўришар экан.

Ефросинья Петровна меҳмонларни ўтқазгани жой тополмас, шундоқ ҳам тоза стулларни, нима учундир, олди-га туган фартуғининг бари билан артар эди.

Меҳмондорчилик, суҳбат дарров самимий тус олиб кетди. Катя дам ўтмай меҳмонларни овқатга таклиф этар, оппоқ майда тишларини кўрсатиб жилмаяр эди. Баъзан баъзан хола кириб:

— Тортинмай олиб ўтиринглар, ҳозир мен ҳам кираман, — деб столга нимадир қўйиб кетар, гоҳ-гоҳ қизини койир эди: — Олсанг-чи, сен ҳам меҳмонмисан?

Ефросинья Петровна ташқарида ишини тугатиб, кириб ўтиргач, меҳмонларни жонлангирмоқчи бўлгандек, деди:

— Биз хотинлар билан ўтириш зерикари бўлса, ҳозир Пётр Максимович ҳам келади. Айтганман.

Кўп ўтмай Ефросинья Петровна бир эркак, икки аёлни бошлаб келди.

Эркак қирқ ёшларда, ўрта бўй, кенг елкали, қадди-басти ўзига ярашган пишиқ одам эди. Этли лаби, дўнгроқ пешанаси унда қандайдир вазминлик касб этиб турарди. Бу киши Пётр Максимович эди. У остонадан ҳатлаши билан қўлини чўзиб, йигитлар билан силтаб-силтаб кўришди. Ҳол-аҳвол сўраш орасида Ефросинья Петровна ва Катяга ўша тунда кўрсатган меҳрибонликлари учун ташаккур ҳам айтиб улгурди. Кейин хотинини уларга таништирди:

— Евдокия Васильевна!

Лекин қизини таништиришга улгурмади. Унинг елкаси-га кўлини ташлаб турган Катя гавсия этди:

— Менинг курсдошим, бўлажак медичка, Светлана!

Ефросинья Петровна меҳмонларни ўтиришга таклиф этар экан, Пётр Максимович Фозилдан сўраб қолди:

— Қўлингиз яхши бўлиб кетдими?

Фозил қўлининг тузалиб кетганига анча бўлганини айтса-да, қизаринқираб Катяга қаради. Буни Катя айтганини пайқаган эди. Катя она қуйган виноли рюмкани Фозилнинг ёнига сураб экан, қулоғига аста деди:

— Мен бугундан бошлаб сизни ҳамиша «Федя» дейман, майлими?

Пётр Максимович билан Катянинг гапи уни шошириб қўйди: бир-икки рюмкадан кейин очилиш ўрнига, нечук-дир хомуш тортиб қолди. Буни сезган Рустам тегишди:

— Мунча куёвларга ўхшаб сузиласиз, олинг!

Фозилни бу ҳолатдан яна Пётр Максимовичнинг ўзи чиқарди. У, нима учундир, Ўзбекистон ҳақида бир талай саволлар берди. Пахта билан қизиқди. Унинг бу саволлари оддий қизиқишдан кўра, бошқа каттароқ мақсадни сездириб турарди.

— Урта Осиё республикалари энди бизнинг аслаҳоналаримиздан бирига айланди. Партизанликда қолган кўпларнинг оилалари ўша томонга кўчирилган. Тинчроқ.

— Тўғри, — деди уни қувватлаб Рустам, — йўлда шунча кўп завод ускуналари ортилган эшелонлар кўрдикки, асти қўяверасиз.

— Душманнинг ҳужуми жуда шиддатли, ҳали бизнинг ҳам партизанлик қилишимизга тўғри келмаса дейман...

Боядан бери Пётр Максимовичнинг муддаосини яхши фаҳмловмай турган Юнусовнинг чеҳраси бир оз ёришди.

— Унда оилангизни кўчириб юборасизми?

— Шундай қилишга тўғри келади. Фашистлар уларни омон қўярмиди!

Унинг сўзини қизи Светлана бўлди:

— Мен ҳам сен билан қоламан, дада, бир кишичалик фойдам тегар.

— Енгилтак бўлма! — деди Евдокия Васильевна.

— Кеча ўзинг ҳам қолмоқчи эдинг-ку, нега бугун яна айниб қолдинг, ойи?

— Юрагим яхши бўлганда сен тентак билан баҳслашиб ўтирмас эдим. Менинг ёнимда ким бўлади?

— Унинг юраги ярамайди, — хотинининг сўзини тас-

диқлади Пётр Максимович, — Бўлмаса ҳали ёш, ўзим билан бўлишарди. Светланасиз қийналиб қолади. Бир ҳафтадан бери шунинг жанжали.

— Унинг гапига қулоқ солма, Пётр Максимович, болалик қилаверади, — деди Евдокия Васильевна гўё ҳализамон отаси розилик бериб қўяётгандек шошиб.

— Юраклари ёмон бўлса бегона жойга бориб, ўрнашиб, тинчиб кетишлари қийин. Агар лозим топсангиз, бизнинг қишлоққа юборинг. Мен уй ичимни огоҳлантираман, ёрдамлашадилар, — деди Рустам. У уй ичим деганда асосан Муҳаббатни кўзда тутган эди.

— Уйлаб кўрамиз, бу илтифотингиз учун ташаккур! — деб қўйди Пётр Максимович.

Бу орада Ефросинья Петровна катта товоқда қовурдоқ кўтариб кирди:

— Ҳой, йигитлар, гапни қўйинглар. Овқат совуб кетади. Винодан қуйинглар.

Меҳмонларнинг кам иштаҳалигини кўриб, бирдан кўнглидан ўтди: «Нега улар дастурхонга қарашмайди. Юртда уруш-қирғин бўляпти-ю, нега бу хола стол тузатиб, бизни меҳмон қилиб ўтирибди, бирор нияти борми ўзи, деб ўйлашяптими? Йўғ-э! Наҳотки...» деб яна ўзига ўзи тасалли берди. Шунда ҳам кўнгли ўрнига тушмади, шубҳасини енгиб, юзида марҳамат табассуми билан изоҳ берди:

— Бу зиёфат нимага деб ўйламанглар. Бу сизларга азбаройи меҳрим тушганидан, сизларнинг яхшиликларинг эвазига. Ҳа, одамни одамга яқинлаштирадиган меҳрибонлик, очиқ кўнгилик ва яхшилик. Яхшилик бўлсин. Қани, болаларим, дастурхонга қаранглар, еб ўтиринглар. Тортинманглар. Бўлмаса, хафа бўламан-а!

Хола столни айланиб, меҳмонларнинг қаршилигига қарамай, тарелкаларга товуқ гўшти, қовурдоқ солди. Кейин ичгиси келаётган кишидек тезгина идишларни тўлдирди, қадаҳ кўтарди:

— Бизга қасд қилган душманнинг умри қисқа бўлсин. Ҳар ким ўз юртида тинчгина яшасин!

У икки ўртоққа қараб қўйди. Бу билан: «Сизлар ҳам юртингларга омон-эсон қайтиб боринглар», демоқчи эди. Ҳамма баравар кўтарди. Фозил алоҳида ҳаракат билан Катянинг уриштиришини кутиб турар экан, Катя буни пайқаб, севги завқининг оғушида маст қизлардек ноз билан қўлини олиб борди. Фозил уриштирар экан, астагина шивирлади:

— Сизнинг соғлигингиз учун!

Озгина бўлса ҳам ичилган вино ўз вазифасини бажарар эди. Лола ранг бўлиб кетган Катя, энди тап тортмай Фозил билан тегишиб гаплашарди.

— Фозил, — деди у бир вақт, — бугундан бошлаб мен сизни «Федя» дейман ва сенсирайман майлими?

— Майли, — деди бу самимийликдан яшнаб Фозил. — Сенсирасангиз майли-ю, лекин узоқлашиб кетмасангиз бўлди.

— Асло! Ҳеч қачон!

Катя стол остидан Фозилнинг қўлини қаттиқ қисди. Бу суҳбатнинг оддий суҳбатлардан эмаслигини сезган Ефросинья Петровна меҳмонлар шамоллашиб ҳовли айланиб юрганида Рустамни бир четга олиб сўраб қолди:

— Уртоғингиз уйланганми?

Бу бирдан берилган дангал савол Рустамга эриш кўринса ҳам, ажабланмади. Чунки унга Фозил билан Катянинг анча ўқинлашиб қолгани маълум эди.

— Йўқ. Уйланмаганман деганди. Қўшни қишлоқдан. Гапига қараганда, унинг ҳеч кими йўқ.

Ефросинья Петровна бундай жавобни кутмаган эди.

— Ҳеч кими йўқ дейсизми? Қариндошлари ҳам-а?

— Ҳа, отаси колхоз тузилиши даврида қулоқлар томонидан чопиб ташланган экан. Онаси эса эрини ўлдирганлардан ўч олиш мақсадида паранжисини улоқтириб ташлаб, қишлоқ советининг активларига қўшилиб кетибди. 1931 йили партиёга ўтипти. Шундан сўнг Тошкентдаги партиё мактабининг бир йиллик курсини тугатгач, партиё топшириғи билан ўз районига қайтипти. Уч йил бурун вафот этган эмиш. Фозил уч йилдан бери ўзи, ёлғиз яшар экан.

Ефросинья Петровна астагина «бечора» деб қўйди-да:

— Яхши йигит кўринади, — деди хулоса ясагандек.

«Демак, онасига ҳам ёқипти, — деб қўйди кўнглида Рустам. — Ишинг беш, дўстим!»

Кун оққач, икки ўртоқ меҳмонлар билан қуюқ хайрлашиб жўнашар экан, Ефросинья Петровна тайинлади:

— Жим бўлиб кетманглар, болаларим, соғиниб қоламан!

— Яна кўришамиз, — деди Пётр Максимович қўл сиқшар экан.

— Албатта.

Икки ўртоқ мамнун эди. Айниқса, Фозилнинг хур-

сандчилиги чексиз эди. Буни кўрган Рустам жиддий бир оҳангда деди:

— Бу ҳаракатларингиз ҳаммаси астойдилми? Яна тузлиғига тош отиб кетманг.

Фозил ялт этиб унга қаради.

— Нима қилди?

— Онаси ҳам сезилти. Мендан сизни суриштирди.

— Нима дедингиз?

— Емонладим. Уйда хотини, учта боласи бор, дедим.

Катя сўзларига ишонмасин, дедим.

— Йўғ-э! — шошди Фозил.

Рустам қаҳ-қаҳ солиб кулди-да, дўстини қучоқлади:

— Яхши қиз, эҳтиёт қилинг, Фозил!

## 9. ФРОНТ САРИ

Бир ҳафтадан бери қовоғини осиб олган ҳаво тушдан кейин биринчи қорни ташлади. Ҳамма ёққа оппоқ чойшабини ёйгач, тинди. Осмонга хиралик солиб турган қуюқ булут тоғ томонга қуйилиб, йилтиллаган юлдузлар кўринди.

Ўринлари ёнма-ён Рустам билан Фозил «подъём» командаси билан сапчиб турганларида, ёз бўйи атрофга ҳуск бериб турган полк ҳовлисидаги дарахтларнинг шохи қордан эгилган, ёнидан ўтган кишига «менга тегма, эҳтиёт бўл, нақ бошингга тўкиламан», деб турар эди.

— Қиш деган мундоқ бўпти! — деди эрталабки зарядкага чиққан Рустам, — ҳавонинг тозалигини қаранг.

— Маза! — деб қўйди Фозил ҳам.

Улар казармага кириб кийиниб чиққунларича жимжит, сокин ҳавода изғирин бошланган, дарахтларнинг шоҳларидаги қорлар шув-шув ерга тўкилмоқда эди.

— Ие, буниси чатоқ-ку, — деди нонуштадан кейин сафга ўтар экан Рустам. — Қулоқларга игна санчяпти-ку!

— Бу қорнинг заҳри, — тажрибакорлик қилди Фозил, — ҳализамон босилиб қолади.

Лекин лейтенант Смирнов взводини сафга тизиб, шаҳарнинг марказий кўчаси орқали ғарб томонга эргаштириб кетганда ҳам изғирин авжида эди. Шимолдан эсаётган изғирин ўнг томондан келиб уриларди, шинелдан ўтиб баданларига игна каби санчиларди.

Изғирин тобора кучайиб борди, йигитларо қафтлари

билан муздек бўлиб қолган юзларини ишқаласалар ҳам кор қилмасди.

Икки елкасини чиқариб, бошини ичига олиб келаётган Рустам ўнг тарафда ғоздек тик юриб кетаётган Юнусовга қараб ниманидир демоқчи бўлган эди, изғирин юз-кўзларига санчилгандай бўлиб кетди. Ўзича ғўлдираб қўйди. Ундан кўра тетик Фозил дўстига қараб раҳми келди, кулиб: «Зиёлисиз-да, дўстим, нозиксиз», деди.

Лекин бу ҳазилидан ўкинди. Чунки Рустам жуда совқотган, иложини топса бошини шинелига буркаб олгудек эди.

— Мунча совуққа йўқсиз, лабларингизгача кўкариб кетибди? — деди у ачиниб.

— Уни айтасиз, тилим ҳам гапга келмаяпти,— деди ҳазиллашгандек Рустам.

Рустам атрофига қаради: совуқ еяётган ёлғиз у эмас экан. Руҳи бир оз кўтарилди: кўпчилик нима бўлса, у ҳам шу!

Рустамнинг ёнида бораётган лейтенант Смирнов гўё изғиринни писанд қилмасди: қадди тик, қадам ташлашлари дадил. Лекин у жангчиларнинг аҳволидан хабардор эди. Шунинг учун бўлса керак, взводга луқма ташлаб қўйди:

— Бу ернинг изғирини ёмон. Бўлмаса кун совуқ эмас. Полк қишки иссиқ кийимлар олган, машғулотдан қайтган заҳотимиз кийиниб оламиз.

— Уша кийимларга етиб боришга кўзим етмай қолди, — деди Рустам кулимсираб ва қулоқларини яхшилаб ишқалаб олди.— Иссиқ уйда ўтирадиган вақт ҳам келиб қолар. Ҳозирги энг зарур вазифа шу оғир шароитга ўрганиш бўлиб қолди. Иссиққа ўрганиб қолсак, урушга борганимизда нима қиламиз? Бостириб келаётган душманга «шошмай тур, мен исиниб чиқай» деймизми? Йўқ, унақада душманни севинтириб қўйишимиз мумкин.

— Тўғри, душманни севинтирмаслик учун ҳар қандай шароитда чиниқиб олиш керак,— деди ёнидаги ҳамроҳи.

Лейтенант Смирнов уларнинг совуқ еганига раҳм қилдими, ёки машғулотга кечикдими, югуриб взводнинг олди-га ўтди-да, чоптириб кетди. Ҳалигина бурунлари ачишиб, қулоқлари қизариб, лаблари кўкарган жангчиларнинг манглайларида майда терлар пайдо бўлди. Смирнов взводни тепаликка чиқиш олдида тўхтатиб, қадамлаб юришга команда берар экан, ҳазиллашиб қўйди:

— Кун анчагина исиб қолди.



— Ёмон бўлмади! — жавоб қайтарди Рустам.—Теримиз қотгандан кейин баттар бўлмаса бўлди.

— Терни қотирмаймиз-да!

Чиндан ҳам у терни қотиришга қўймади. Бугунги машғулот темасини эълон қилиб тушунтирди. Кейин изғириндан букчайиб турган узоқдаги дарахтни кўрсатиб, ўша ерга «душман» мудофаа тутиб ётганини айтди. Вазифа ўша «душман»ни у ердан суриб, позицияни эгаллаш эканини уқтиргач, взводни бўлинмаларга бўлиб юборди. Улар тайинланган жойларга бориб, эндигина ҳужум бошлаган ёдилар, мудофаа тутиб турган взводдагилар бирдан ўринларидан туриб, «бас, ортиқча уринманглар» ишорасини қилиб, кела бошладилар.

Етиб келган рота командири Дмитриев Смирновнинг қулоғига пичирлади:

— Штабдан шошилиш буйруқ бор: тезда казармага етиб боришимиз керак.

Иккала командир ўз бўлинмаларини тез қадамлар билан казармага етказиб келганларида, бир қанча бошқа бўлинмалар ҳам машғулотдан қайтган, олағовур, турлитуман гаплар юрар эди.

— Фронтга жўнар эканмиз!

— Йўқ, бошқа жойга кўчамиз.

— Қаёққа бўлса бўлсин, яхши бўлди. Машғулотлар ҳам жонга теккан эди, яхшиси, албатта, фронт!

Бу жумбоқ узоққа чўзилмади. Сал ўтмай батальон командири Белоусов взвод командирларини чақириб, буйруқни ошкор қилди:

— Фронтга жўнаймиз. Жангчиларни ҳаммомга тушириб, иссиқ кийинтиринг. Тезлатинг. Қачон жўнашимиз ҳақида қўшимча хабар қилинади.

Белоусовнинг гап-сўзи ва ҳаракатида қандайдир шошинқираш, ҳатто ҳовлиқишга ўхшаш бир нарса бор эди. У командирлардан ҳар галгидек: «Саволлар йўқми?» деб ўтиришни ҳам эсидан чиқариб:

— Ювинишни тезлатинг! График бузилмасин! — деди-ю, тарқатиб юборди. Ўзи эса улар орасидан тезгина юриб, штаб томонга ўтиб кетди.

Смирнов казармага кириши билан рота старшинаси бўлинмани сафга тизиш учун команда берди.

— Иссиқ кийимлар олинганми, ўртоқ старшина? — сўради Смирнов саф ёнида бораётиб.

— Ҳаммаси тахт!

Рота қиш уйқусига кириб яланғочланиб олган сиренвордан бориб, пастга тушди. Бу ер жангчиларга таниш эди.

Жангчилар чўмилишга кириб кетгач, Смирнов кийим-бошлар тепасида турган старшина ёнига, тахтадан ясалган тўсиқ орқасига ўтди. Иссиқдан бугриқиб кетган старшина ювиниб чиққан жангчиларнинг эски кийимларини қабул қилиб, белидан камар билан боғлаб қўйилган иссиқ уст-бошларни улашарди.

Рустам шошмасдан обдан ювинди. Ҳатто Юнусовнинг орқаларини совунлаб қўйди. Иссиқдан бўртиб, бир оз энтикиб кийим-бош олиш учун тахта тўсиқнинг олди-га келди, старшина янги шинелга ўралган кийим-бошни унга узатаётган эди, тўсиқнинг у бошида турган Смирнов аралашди:

— Ўртоқ старшина, бу кишига ҳу анави кийимни олиб беринг!— У солдатча пўстинга ўралган катта тугунни кўрсатди.— Бу жанублик азамат совуққа нимжонроқ.

У тугунда шинель ўрнида пўстин бор эди. Шокиров иссиқ устига яна баттарроқ қизариб кетди.

— Ҳожати йўқ, ўртоқ лейтенант, кўп қатори кийинганим дуруст,— деди Рустам ночор.

— Пўстин полк бўйича фақат битта сиздагина эмас, ўртоқ курсант.

Старшина пўстинга ўралган кийимларни келтириб Рустамга берди. У уст-бошини уйнинг бир чеккасида турган скамейкага қўйиб, иссиқ баданидан бурқираб чиқиб турган буғ аралаш намни сочиқ билан арта бошлади. Тугунни ечиб, кийимларни кияётган эди, Карпаков келиб қолди:

— Э-ҳа, ўртоқ Шокиров, старшина қариндошингизми дейман. Буни қаранг, пўстин бўлганда ҳам чаканаси эмас экан!— у скамейка устидаги пўстинни олиб томоша қила бошлади.

— Сизга ёқадими? — хижолат тортиб деди Рустам.

— Оҳо, бўлмасам-чи!

— Келинг, шинелингизга алмаштирамиз,

— Нега? Узингиз-чи?

— Менга ёқмаяпти.

— Шу-я? Шу пўстин-а? Қўйинг-э!

— Ҳа! Бунақанги кийимни киши қаҳратонда ёз гаштини суриш учун кийса ярашади. Мен эса қиш нашъасини сурмоқчиман.

Карпаков хахолаб кулди:

— Қиш нашъасидан қуруқ қоламан, деб қўрқяпсизми? Қишнинг бояги нашъасининг ўзи ҳам бир умрга етиб қолар!

— Йўқ, дўстим, бир ҳисобда сизники ҳам тўғри. Уни бир умр эслайдиган бўлиб қолдим. Лекин, барибир, бу пўстин мен учун жуда қўпол, умримда киймаганман.

Рустам пўстинни кийиб баъзи бир ҳаракатларни қилиб кўрди. Ҳеч бир ишга қовушмайдиган бўлиб кўринди. Бунинг устига ҳўл ёқасига жуни ёпишиб ғашини келтирди.

— Уртоқ Карпаков,— деди у журъат йиғиб,— шунинг сиз олинг. Ҳар ҳолда кийиб юргансиз. Мен бунда кулги бўламан, қовушмаяпман.

— Менга ҳам оғир юк бўлади, дўстим, керак бўлмаса қайтариб беринг,— деди Карпаков.

Рустам пўстинни кўтариб старшина олдига борди. Смирнов ташқарига чиқиб кетган экан. У ерда лейтенантни кўрмаган Рустам «Жуда яхши бўлди, старшинани йўлга солиш мумкин», деб ўйлаб тахта тўсиққа яқинлашди. Қабул қилиб олган эски кийим-кечакларни бир чеккага саранжом қилиб тахлаётган старшина унга қараб:

— Ҳа, ўртоқ курсант, сиғмадингми? — деб сўради.

— Сиғишга сиғди-ю, лекин жуда қўпол бўлиб кетдим.

— Қўполлиги ҳеч нарса қилмайди, ўрганиб кетасиз. Агар ёқмаган бўлса бирортасиникига алиштириб оларсиз. Менда ҳеч нарса қолмади, бўлмаса жоним билан бешқасини берардим.

Ночор қолган Рустам пўстинни кийиб, эшикдан чиқди. Ташқарида ротани сафга тизаётган Дмитриев Рустамни кўриши билан: «Ана, 60 градуслик бўронни ҳам писанд қилмайдиган бўлиб олибсиз-ку, ўртоқ Шокиров», деб тегишди. Бу гап Рустамга жуда оғир ботди. Ийманиб бориб сафга турди. Дмитриевнинг гапини тўғри тушунган Смирнов:

— Бунинг учун менга раҳмат айтинг, ўртоқ курсант, — деб кулиб қўйди.

— Раҳмат айтаману, лекин ҳазилга нишон қилдингиз-да.

— Совуқдан асрабми? — деди Смирнов унинг гапига ҳайрон бўлиб.

Карпаков Шокировнинг елкасига қоқди:

— Бу дўстимиз Тошкентнинг иссиғидан безор бўлган, совуқ билан танишиш нияти бор экан. Пўстин совуқ билан танишиб олишга йўл қўймайди, демоқчи.

— Шундай ҳам танишиб оласиз, ўртоқ курсант! Қани, кетдик,— деди Дмитриев ва юришга команда берди.

У ротани казарма олдида тарқатиб, кўп ҳам узоқлашиб кетмасликларини таъкидлади ва жангчилардан тўрт кишини ажратиб, қизил аскарлик дафтарчасини ёзиш учун олиб кетди.

Юнусов ётоққа кириб хомуш бир тарзда каравотига ўтирди. Йўлакдаги йигитлар орасидан уни тополмаган Рустам ичкари кириб дам олмоқчи бўлди. У каравот устида пешанасини икки кафтига олиб, жимгина ўтирган Юнусовни кўриши билан унинг олдига келди.

— Ҳа, элат, ётоққа ҳаммадан илгари кирадиган ода-тингиз йўқ эди, нима бўлди? — деди.

— Бу ёққа ўтиринг, биродар! — Юнусов ёнидан унга жой кўрсатди. — Нима қиламан энди?

— Нимани? — деди Рустам ўтиргандан сўнг. — Нимани нима қилмоқчисиз?

— Катяни айтяпман. Ахир унга хабар бериш керак эди. Жилла бўлса, хайрлашиб кетмабсан, деб хафа бўлади.

— Лейтенант Смирновдан рухсат олиб, бориб кела қолсангиз бўлади. Жавоб берар.

Юнусов дик этиб ўрнидан турди-да, чиқиб кетди. Рустам тумбочка тортмасидан турли қоғозларни олиб, кераксизларини йиртиб, бир четга ташлади. Муҳаббатдан келган бир хатни қайта-қайта ўқиб чиққанидан сўнг, чўнтагига солди. Тортма ичидан бир варақ қоғоз олиб, жўнаб кетаётганини севгилисига маълум қилмоқчи бўлди.

Рустам кўзини қоғоз устидан узмай қўлидаги ручкасини қитирлатганича хат ёзиб ўтирганида, Юнусов боягидан ҳам ғамгин бир тусда қайтиб келиб, унинг ёнига ўтирди. Дўстининг авзойи бузилиб кетганини кўрган Рустам сўради:

— Нима бўлди, жавоб беришмадими?

— Ҳа, ҳеч қаёққа мумкин эмас эмиш! — у зарда билан қўлини силтаб қўйди.

— Бўлмаса, хат ёзинг, почтага ташлаб юбора қоласиз. Бизнинг ҳаётни билади-ку!

— Почтадан ҳали қачон етиб боради-ю... Уни ҳозир кўришим керак.

— Ундай бўлса, хатни бирор боладан бериб юборинг.

— Бу фикрингиз тўғри!

Юнусов севиниб кетди. Дарров қоғоз-қалам олиб хат ёзишга ўтирди. У жуда шошар, поезд кетиб қолаётгандай шошар эди. Кўп ёзиб ўтирмай, мақсадни лўнда қилиб айтиб қўя қолди. Тезда тўрт буклаб конвертга солди. Йўл-йўлакай тупуклаб ёпиштирганича эшикка югурди. У асабдан терлаб ҳам кетган эди. Дарвоза олдида бир чеккага ўтиб кўчадан ўтаётган йўловчиларга назар ташлаб турди: унинг бахтига битта ҳам бола кўринмасди. Катталардан илтимос қилгани ботинмас, уларни ишдан қўяётганга ўхшарди. Шу ҳолда анчагача дарвозада туриб қолди. Ниҳоят, сумка кўтариб кетаётган бир аёлдан илтимос қилишга журъат этди. Аёлга аввалига мулойимгина салом бериб, кейин илтимос қилди:

— Опажон, бир ишим бор эди, шунга ёрдам беролмайсизми?

— Қўлимдан келадиган бўлса, марҳамат!

Хотин тўхтаб Юнусовнинг оғзини пойлади. Юнусов мақсадини шошиброқ тушунтириб, қандай боришгача айтиб берди ва қўшиб қўйди:

— Тезроқ натижасини билсам яхши бўларди.

У хатни аёлга бергач, қайтиб Шокиров олдига келди. Жангчи дўстлари билан бирор соатча гаплашиб ўтиргач, Катяни кутиб олиш мақсадида тўрт кўз бўлиб ташқарига чиқди. Дарвоза олдида Катя эмас, балки тез ҳаракатидан юзлари анчагина бўриққан, кўзларида ачиниб аломати бўлган бояги хотин турарди. Юнусов хотиндан ҳовлиқиброқ сўради:

— Топдингизми? Уйда эканми?

— Уйини топдим, лекин ўзини тополмадим. Уйда ҳеч ким йўқ экан.

Хотин хатни қайтиб берди. Севгилиси билан учраша олмай жўнаб кетишга кўзи етган Юнусов бегона хотин олдида ўзини тетик тутиб, раҳмат айтиб хатни олди-да, казармага қайтди. У қаттиқ хафа эди.

Кечга яқин ҳарбий мактаб майдончасида батальон саф тортди. Батальон командири Белоусовнинг ўзи оркестр садолари остида бўлинмасини бошлаб дарвозадан чиқди...

Станция одам билан лиқ тўла бўлиб, уларнинг ҳаммаси фронтга отланган жангчилар эди. Белоусов батальонини вагонларга бўла бошлади.

Сафарга отланиб турган эшелоннинг ҳар бир вагонидан бурқираб тутун чиқмоқда эди. Жангчилар иссиқ вагонларга кириб олишгач, ўзларига ўрин танлай бошлашди. Юнусов қалпоғини бостириб олганича вагон эшиги олдида туриб қолди. У тўрт атрофга назар ташларди. Юнусовнинг назарида Катя одамлар орасида уни ахтарётганга ўхшарди. Лекин қанча қарамасин, бу ерда аёл кийимидаги биронта ҳам одам кўринмасди. Ниҳоят, умидини узиб ичкарига кириб кетмоқчи бўлди. Икки қадам юрганидан сўнг яна орқасига ўгирилиб қаради. Диққатини икки-уч юз метрча нарида саф тортиб келаётган жангчилар тортди. Уларнинг ёнида рўмолини юзи аралаш ўраб олган бир хотин келарди. Саф яқинлашгач, қарасанки, Фрося хола! У шошиб қолди. Қувониб кетди. Ернинг сирғанчиқлигига ҳам парво қилмай ўзини вагондан ташлаб, ўша томонга чопди. «Фрося хола менинг кетаётганимдан хабар топиб келаётибди», деб ўйлади-да, энтикиб сўради:

— Катя қани?

— Ана! — деди Юнусовга ғамгин қараб Ефросинья Петровна.

Катя сафнинг ўнг қанотида келаётган эди. У солдатча кийиниб олганидан Юнусов тезда пайқай олмаган эди. Севгилисини кўриб севиниб кетган Катя лабларининг бир чети билан кулимсираб, Юнусовга қаради:

— Федя, мен бу ердаман! — деди секингина.

Саф тортиб келаётган жангчилар бир взводга яқин бўлиб, ҳаммаси Катя сингари бўйи етган қизлар эди. Юнусов саф билан эргашиб келди. Қизлар сафини бошлаб келган ёшгина лейтенант эшелоннинг ўртасидаги бир вагон олдида тўхтади.

— Шу вагон сизларники бўлади, — деб тарқалишга рухсат этди.

Катя одамлар орасидан югуриб ўтиб, Юнусовнинг олдига келди. У бир онасига, бир Юнусовга тикилиб олгандан кейин:

— Ойимлар бу ишимга рози бўлганлар. Сен ҳам қарши бўлмасанг керак, Федя, — деди эркаланганга ўхшаб. Унинг севганига муштоқлиги кўриниб турарди: — Кеча кечқурун шунча қилдим, сизни чақириб беришмади.

— Интизом! — кулиб қўйди Юнусов, кейин Ефросинья Петровнани кузатиб деди: — Холамга қийин бўлибди!

— Менинг тўғримда ўйламанглар, болаларим, кўпчилик нима бўлса, мен ҳам шу. Бирга кетаётганларинг кўп яхши бўлди. Мен шунисига хурсандман.

Она қанчалик ўзини босишга, бардошли қилиб кўрса-тишга уринмасин, кўзи ёшга тўлиб турар, товуши титрарди. Унинг қизариб кетган кўзларига қараб Юнусов «уйда тоза йиғлабди» деб ўйлади. Ефросинья Петровнанинг шахти паст, аввалги сергап, қувноқлиги йўқ. Бир оз сўлганга ҳам ўхшарди.

Ефросинья Петровна ичидаги ҳамма дарду ҳасратларини гапириб қолиш ўрнига, бошини қуйи солиб, индимай турарди. У гапириш ўрнига ҳамма фикрини йиғиб, ниманидир қаттиқ ўйларди. Эҳтимол, у ўзини овутиш учун шундай қилаётгандир. Эҳтимол, болаларидан ажралиб қолаётгани учун пайдо бўлган дунё-дунё ғам-ғуссаларини шу хаёл билан енгмоқчи бўлаётгандир. Ахир, бир бутун оила эгаси бўлган она оқибатда ёлғиз бир ўзи катта ҳовлида қолса, бундан ҳам ортиқ алам борми? Бундай минутлар фақат Ефросинья Петровнагагина эмас, ҳар кимга ҳам оғир туюларди. Бироқ у ўзини тутишга уриниб, барча кучини тўплаб, мана шундай дамларни енгиб чиқишга уринар эди. Қуйилиб келган ёшларини қайтариб юборишга интиларди. Юнусов уни шу пайтда қандай мудҳиш хаёллар чулғаб олаётганини сезиб, тасалли бермоқчи бўлди:

— Кўп ташвиш тортманг, хола. Ҳаммаси ўтиб кетади. Тинч ва бахтли кунлар ҳали олдинда.

— Э, ўғлим, кетаётганларингга хафа бўлмай бўладими. Бироқ иложимиз қанча! Ишқилиб, соғ бўлсаларинг бўлди.— Фрося хола томоғига тиқилиб келган тўлқинни аранг босди. Юнусов гапни чалғитиш учун Катядан сўради:

— Светлана ҳам битирдимиз? У қани?

— Комиссиядан ўтмади. Бўлмаса фронтга бирга кетамиз, деб юрувди. Онасига ўхшаган, юрагида ўзгариш бор экан!

— Дадасининг айтгани бўлибди-да.

— Йўқ, кейинги вақтда дадаси ҳам: «Сен фронтга кетгинг келса, кетавер, онангга бошқа одамни қўлиб берармиз», деб кўнган эди. Ҳа, ростдан ҳам, Пётр Максимович ҳозир райкомда ишламайди. Қандайдир топшириқ билан куни кеча фронт томонга кетди.

Бу топшириқни Юнусов биларди. Бир куни Рустам иқ

ковини батальон сиёсий раҳбари чақириб қолди. Икки ўртоқ боришса, у ерда Пётр Максимович ҳам ўтирган экан. Салдан кейин у мақсадини очди:

— Мен сизларга бир илтимос билан келдим, партиянинг топшириғи билан душман орқасида ишлашга кетяман. Бу — сир, лекин сизларга ишонаман. Оилам ҳар эҳтимолга қарши эвакуацияга тайёр туриши керак. Лекин хотинимнинг юраги ярамайди. Бирор ерга бориб, ўрнашиб олгунча, юраги чидамаслиги эҳтимол. Агар сизларга оғир келмаса, уйлариңгиз адресини берсанглару, тўғри ўша ерга бориб тушса.

— Бу яхши гап, — уни қувватлади Шокиров, — касал одамга йўл азобидан кейин яна тузук жой тополмай қийналиш жуда оғир. Тўғри меникига бориб тушаверсинлар. Бўш уй ҳам бор.

— Бизникида ҳам топилади, — қўшиб қўйди Юнусов.

Пётр Максимович икки ўртоқнинг бу меҳрибонлигидан миннатдор бўлиб, адрес ва уйга кузатув хатини олган эди. Бундан олдин ҳам улар бир-икки кўришишган, анча иноқлашиб қолишган эди. Бу учрашувлар меҳрибонлик ва иноқликка самимийлик бахш этган эди.

Юнусов шу учрашувни хаёлидан ўтказгач, фикрига хулоса ясади:

— Светлана онаси билан бўлгани яхши. Онасининг дарди оғир.

— Тунов куни касали бир хуруж қилди. Света иккаламиз олдида эдик, жуда қўрқиб кетдик. Оёқ-қўллари муздай бўлиб қолди.

— Ўзбекистонга кўчамиз дейди, бечора, йўлда ҳоли чатоқ бўлиб қолмаса гўрга эди! — Гапга аралашди Ефросинья Петровна.

Шу маҳал: «Ҳамма жой-жойига чиқсин!» — деган команда бўлди. Паровоз кетма-кет гудок берди. Вагондаги қизлар чувиллашиб, Катя қолиб кетаётгандек, «тез бўла қол!» деб бақаришарди. Катя онасининг бағрига ташланиб, унинг юз-кўзларидан ўпди. Кўзида ёш йилтиллади. Она ошкор йиғлаб юборди. Енида турган Юнусовни ҳам бағрига олди. Кўз ёши билан тасдиқланган самимий сўзлари билангина эмас, оналик меҳри тўла юраги билан ҳам хайрлашиб қолди. Поезд жилиб, кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб турди.



## 10. ИЛК ТУҚНАШУВ

Эшелондагилар бир неча кундан кейин уруш ҳиди келиб турган ярим вайрона станцияда вагонлардан тушди. Узоққа отадиган тўпларнинг овози бемалол эшитилиб турарди. Шунга қарамасдан бир неча соат пиёда юришга тўғри келди. Қош қорайиб, уруш вайроналари янада даҳшатлироқ бўлиб кўринадиган пайтда Белоусов ўз батальонини сердарахт бир қишлоқнинг бўсағасида тўхтатди. Ўзи ёнига алоқачини олиб, қишлоқнинг бомбадан тошлари ўйнаб ётган бир кўчасига кириб, тезда кўздан ғойиб бўлди. Икки соатча ўтгач, мамнун қадам ташлаб жангчиларнинг олдига келди. Дарахтларга суяниб дам олаётган бўлинмасини одатдагидек шошинқираш билан сафга тизиб, гапнинг хулосасини айтиб қўя қолди.

— Биз керакли манзилга келдик. Биз келиб қўшилган полк душман билан жанг қилиб юксак маҳорат қозонган. Ноаник ва жанговар операциялар ўтказгани учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Биз шу полкнинг жангчилари бўлдик.

Кейин у рота командирларини бир четга олиб, фармоишлар бера бошлади.

Дмитриев ротасини қишлоқнинг шарқ томонига олиб чиқиб, окоп қазита бошлади. Бу ерда қачонлардир жанг бўлган бўлса керак, нураб кетган эски окоплар ҳам бор эди. Кун совуқ, айниқса, бир неча кун иссиқ вагонда бўлганлари учун жуда ҳам совуққа ўхшаб кўринарди.

Ҳар бир бўлинма ўз участкасини олиб мудофаа гайёргарлигини бошлади. Атроф жимжит. Олис-олислардан бўғиқ гумбурлаш эшитилади. Қишлоқ орқада. Унда деярли аҳоли йўқ...

Яқин кунларда ёғиб ўтган қорнинг қирмочи музлаган ернинг кўз ойнагидек йилтиллайди. Фақат чуқурлардагина қор уюми бор. Уларни ҳам изғирин тароқлаб кетган — юзларидаги тарам-тарам чизиқлар шамолнинг қаёққа ўтганини билдириб турибди.

Яхлаган ерни ўйиб окоп қазиш албатта, оғир. Лекин жангга тайёрланган ва жанг кутаётган солдатлар учун бу ҳеч гап эмас. Худди шундай бўлди. То тушгача деярли ҳамма жангчилар ўз окопларини қазиб бўлдилар. Фақат Шокиров билан Юнусовга қўшни бўлган Назаровнинг окоп қазишга раъйи бўлмади. Эски бир окопнинг у ёқ-бу ёғини

паридан-бери қиртишлаб ичига кириб олди. «Тузатиброқ қазиб ол, керак бўлади»,— деганларга: «Бу ерда қишла-масак керак-ку»,— деб кулиб қўйди. Лекин унинг бу га-пини «жанг бошланса балки илгарилаб кетармиз», деб ту-шунган жангчилар Назаровга аҳамият бермай қўйдилар. Ҳатто уни қўллаб-қўлтиқловчилар ҳам топилиб қолди. Аммо кун оғиб, изғирин бошланганда Назаров ўзини бош-қача тутиб қолди. Унинг ҳеч нарса билан иши бўлмай, тумшайиб окоп четига ўтириб олди. Лаблари кўкариб кет-ган, юзидаги сариқ туклар тиккайиб, кўзлари маъюс тер-миларди. Атрофдагиларнинг «Туо, ҳаракат қил!»— деганига парво қилмади. Бу гап лейтенант Смирновнинг қулоғига бориб етгач, у хабар олгани Назаровнинг олди-га келди — ахир у ҳар бир солдат учун, унинг соғлиғи учун жавобгар.

— Хўш, ўртоқ Назаров, тобингиз қочдимми?

Ўрнидан оғир қўзғалган Назаров совуқ таъсир қилган кишилардек бесўнақай туриб жавоб берди:

— Билмадим. Ҳамма ёғим қақшаб кетяпти.

Ўзини атайин шу кўйга соляпти, деб шиддат билан келган лейтенант бу жавобдан кейин бўшашиди. Эҳтимол, чиндан ҳам касалдир? Врачга одам юборди. Врач иссиқ-роқ ертўлага олиб кириб, юрагига, ўпкасига қулоқ солди, иссиғини кўрди. Смирнов ҳам шу ерда эди. Врач Назаров-нинг кўкрагига қулоқ солиб туриб, унинг орқасида турган лейтенантга кўзи ва юз ҳаракати билан «ҳеч нарса пай-қамаяпман» деган ишорани қилди. Шунга қарамай, кечаси билан мириқиб ухлашни айтиб, қандайдир порошок ҳам бериб кетди. Назаровни эртасига ҳам ўша аҳволда кўрди-лар. Бу воқеани эшитган Белоусов шундай деди:

— Бу ҳийла! Ишга солинг. Совқотаётган бўлса югур-тиринг, қорга ағанатинг. Бир эпчил йигитга бириктириб қўйинг, ўзи тузатиб олади.

Смирнов ҳам худди шундай қилди. Уша заҳотиёқ На-заровнинг олдига йўл олди. Йигирма метрча қолганда буй-руқ берди:

— Жангчи Назаров! Олдимга чопиб келинг!

Назаров оғир қўзғалди.

— Чопиб, деяпман!— буйруғини такрорлади Смирнов. Мажбур бўлган Назаров совқотган оёқлари билан ла-панглаб югурди.

— Гап шу, ўртоқ Назаров: бу хилда танбалларча ўти-риш ярамайди. Анави тепани кўряписизми? Ўшангача беш

марта чопиб бориб келинг. Жангчи Карпаков, буйруқни! назорат қилишни сизга юклайман.

— Хўп бўлади!— деди ўрнидан дик этиб туриб Карпаков.

Бунақа ишларга суяги йўқ Карпаков Назаровни олди-га солиб ишга тушиб кетди. Йўл-йўлакай уни атайин ча-либ йиқитди, болаларча ҳазиллашиб, қорга ағанатди. Гар-чанд Назаров норозилик билдирмаса ҳам унинг гижина-ётгани сўник кўзларидан кўриниб турарди.

— Сен мендан хафа бўлма, оғайни! Биринчидан, мен буйруқни бажаряпман, иккинчидан, сендек азамат йигит-нинг совқотиб ўтиришингга раҳмим келади, учинчидан, бир бўлинмадамиз — иснод келтиришингни истамайман.

Назаров чурқ этмасди. Лекин елиб-югуришлари ва Карпаковнинг ҳазиллари беиз қолмади. Назаровнинг юзи-га қон югуриб кўзлари чарақлай бошлади. Жонланиб, бир-икки кулиб ҳам қўйди.

Карпаков кириб келгач, Шокировлар окопида унинг ҳикояси бошланди.

— Уртоқ Карпаков, у сизни ҳамшаҳарим, дейди, цу тўғрими? Сиз Назаровни илгаридан билармидингиз?— тегишгандек сўради Шокиров.

— Ҳа, билардим,— хуш ёқмай жавоб қайтарди Карпаков,— бир заводда ишлар эдик. Танишга танир эдим, ле-кин сирдош эмасдим. У бизда сартарош эди. Ҳар ҳолда уста эди. Ҳафсала қилса, қарини ёш қилиб юбориш қўли-дан келарди. Биз шунисига ишқибоз эдик. Энди аввалги Назаровга ўхшамайди, бошқача бўлиб қолибди. Киши ҳам дарров шунақа ўзгариб кетадими!

Шу маҳал взвод командирининг алоқачиси буйруқ олиб келиб қолди.

Қишлоқда катта-катта саройлар қулаб, ходалари ўйнаб ётарди. Саройнинг яқинига борган жангчиларнинг димо-фига дуд ҳиди урилди.

Шокиров билан Юнусов орқа девори қулаб тушган са-рой ичига кириб, бир томони тупроқ тагида қолиб кетган ходаларни суғуриб олиб, кўрсатилган ерга таший бош-лашди. Бу ерда ўнга яқин жангчи ходалардан сол ясамоқ-да эди. Ҳамма иш иложи борича шовқинсиз бажарилаёт-ган бўлса ҳам, болта товушини тийиб бўлмасди. Унга яқин болтанинг мих устига олдинма-кейин келиб тушиши сокин тун бағрига ўқдек қадаларди. Дарёнинг у қирғоғига жой-лашган душман болта товушини эшитдими ёки ҳар кунги

одатини қилибми, бирдан ракета отиб ҳамма ёқни ёритиб юборди. Бу ҳали уруш суронида чиниқмаган янги жангчиларга ғалати таъсир қилди. Уз-ўзидан баъзиларнинг товуши ичига тушиб кетди. Чўчиб ўзини ерга таппа ташлаб ётиб олган Шокиров: «Лаънатилар, пайқашганга ўхшайди!»— деди ёнида ётган Юнусовга. Лекин бу ноҳўя ҳаракати ўзига ҳам эриш кўриниб, сапчиб ўрнидан турди. «Юринг Фозилжон!»— деб яна саройга кириб кетди. У музлаб қолган тупроқ остидаги ходани суғуриб олгач, кўтариб келди-да, уста жангчилар олдига қўйди, нафасини ҳам ростламай, тайёр бўлган солни бир неча жангчилар билан дарё бўйига олиб кетди.

Бу ерда бир бўлинма қорни ёриб, бир неча окоп тайёрлаётган экан. Туни билан тайёрлик ишлари тугамади. Бу тайёрлик зўр бир тўқнашувдан дарак берарди. Чиндан ҳам шундай бўлди. Тонг қоронғисида солга тушиб, кечув бошланди. Душман буни кутмаган бўлса керак, олдинига ракета отишдан нарига ўтмади. Лекин ўнг томонда узлуксиз отишма борарди. Вақтни ғанимат билган Белоусов ўзи қирғоқда туриб раҳбарлик қилди, эшкакчиларни тез-тез алмаштирди. Батальоннинг ярмидан кўпи ўтиб, олди бўлинмалар у қирғоқда окоп қозишга киришганда, бирдан пулемёт сайраб қолди. Ёлғончи тонгнинг қора пардасида гулхан учқунларидек учган ўқлар у қирғоқдагиларнинг устидан ўтиб, бу қирғоққа тушарди.

Рустам билан Фозил худди шу пайтда солга ўтаётган эдилар. Улар отишмадан гарангсиб қолишди. Пайтнинг нозиклигини сезган Белоусов солга сакраб ўтиб, буйруқ берди:

— Туманов! Карпаков! Эшкакка ўтинлар! Қани, олға.

Худди шунга махтал бўлиб тургандек, иккала жангчи ҳам дарҳол солга сакраб ўтди. Улар Шокиров билан Юнусовни ёнларига олдилар.

Туманов билан Карпаков аввал жанг кўрган жангчилар бўлиб, машқ пайтларида кўзга ташланиб қолган эпчил ва довиюрак йигитлар эди. Улар кўпдан бери хизмат қилиб келган, жангда кўзи пишиган ва бир неча шиддатли жангларда мардлик кўрсатиб, танилган йигитлар эди. Уларни кўрган киши қадди-қоматлари, ўткир ва тийрак кўзларига назар ташлаши биланоқ, жангнинг кўзини билиб ҳаракат қиладиган йигитлар эканлигига шубҳасиз ишониб қўя қоларди.

Сергей Туманов шериги Карпаковга қараганда анча новча бўлиб, икки кифтида биттадан одам бемалол ўтира оларди, қўли эса Шокировнинг қўлига иккита келарди, унинг шу бастига қараганда боши ҳам катта бўлиши керак эди. Лекин унинг калласи жуссасига номутаносиб — кичкина бўлиб, ҳар гал кийим-кечакларини алмаштирмоқчи бўлганида, энг кичик пилотка, энг катта пойфазал излайвериб тинкаси қурирди. Карпаков ўрта бўйли, келишган, қирра бурун. Унинг ҳар қандай ҳолатда ҳам бир хил жилмайиб, кулимсираб турадиган одати бор. Мана, ҳозир ҳам жангчилар тақдири оғир аҳволда бўлишига қарамай, у кулимсирагандек эшкак дастасини ушлаб турарди. Унинг жилмайиши ҳамма жангчиларга, ҳатто Дмитриев билан взвод командири лейтенант Смирновга ҳам ёқиб кетди. Чунки жангчилар боягидек нафасларини ичларига ютиб жим туришни унутишган эди. Уларнинг руҳлари анча кўтарилиб, бир-бирларига ёрдам бериб, сол устига жойланиб ола бошладилар. Карпаков билан Туманов солни ўқнинг оқимига тескари буриб сузиб кетди.

Ўқ ҳамон ёғиларди. Уларга қарши бизнинг томондан тўплардан жавоб қайтариларди. Гўё дарёдан ўтиб бораётганлар устида ўқ ва снарядлардан ўтли камалак кўприк пайдо бўлгандай. Солдаглар ҳар эҳтимолга қарши автоматларини тайёр тутиб, қарши қирғоқдан кўз узмас эдилар. Лекин қирғоққа етишга сал қолганда сувга келиб тушган минадан бетинч бўлиб шошиб қолишди. Миналар кетидан ёғилган ўққа жавоб қайтаришга мажбур бўлишди. Машаққат тортиб қирғоққа етишлари билан командани кутмасданоқ ўзларини солдан ерга ота бошладилар. Шалоплаган овоз эшитилди. Кимдир сувга тушиб кетди шекилли. Дарёнинг у қирғоғига чиқиб олишгач, Белоусов:

— Лейтенант Дмитриев, сиз ротангизни ўнг қанотга олинг!— деди ва ўзи дарахтлар оралаб, чап қанотга қараб кетди.

Смирнов рота командирининг буйруғини олганидан кейин взводини эргаштириб келиб, сийраклашиб қолган дарахтлар тагига жойлаштирди. Лекин улар окоп қазишга улгуришмади. Хужумга ундаб буйруқ келди. Ўрмонга ўхшаган дарахтзор ичида ўринларидан туриб олдинга ташланган жангчиларнинг «ура» садолари кучли момақалди роқдек гумбурлаб, атрофни ларзага келтирди. Тинимсиз отилаётган ўқлар бир оз камайгандек бўлди. Қўл пулемётини кўтарганича чопиб бораётган Шокиров, ўнг қанотда-

ги дўнгроқ ерга чиқиб олгач, душманни ўққа тутди. Юнусов душман пулемётининг ўрнашган ерини пайқаб олиш учун олдинга силжиб ўтиб, кузата бошлади. Шу вақт ўзидан унча узоқ бўлмаган ерда қора шарпа сезгандек бўлди. Кўзини шу шарпадан узмай милтигини тўғри-лаб, тепкини босган эди, ҳалиги шарпа бир тўлғаниб, турган ерида ағдарилиб тушди.

Унг қанотдаги қаршилиқ бир оз камайгач, Белоусов туришга буйруқ берди-да, йигитларни бошлаб атакага кириб кетди. Дўнгликда ётган Шокиров шеригидан ўқ тўлдирилган дискни олди-да, пулемётига тезда ўрнатиб, югуриб кетаётган жангчилар устидан ошириб, душманнинг орқа томонини ўққа тутди, жангчиларнинг душман линиясига етиб боришига кўмаклашди.

Душманнинг қаршилиги анча сусайиб қолди. Атакага юраги дов бермаган немис солдатлари окоплардан чиқиб қоча бошлашди. Лекин душман олислаб кетмай, асосий мудофаа линиясига чекинди шекилли, яна қаршилиқ кўрсатиб, миномётини ишга солиб юборди. Пайтдан фойдаланиб, қўл пулемёти билан олдинга салчиб ўтган Шокиров немис окоплари устига етиб бормасдан бирданига тўхтаб қолди. Унинг кўзи қонга тўлиб душманин излар, душман эса кўринмасдан аллақачонлардан ўт очарди. Энди маълум бўлдики, ҳозиргача душман турган куторда унинг омонат окоплари бор экан. Шунга қарамай, жангчиларнинг руҳи кўтарилиб кетди.

Катта бир шаҳарни озод қилгандек қувончи ичига сиғмаган Юнусов терлаб, қорайиб кетган юзини артиб, Шокировнинг олдига эмаклаб келди. Унинг ғалаба севинчидан кўзи ёнар, нафасини ростлаб ололмас эди:

— Ҳа, туёғини шиқиллатиб қочмас экан! Отган ўқларим нечасига текканини билмайману, лекин учтасининг оёғи осмонга бўлиб ағанаб тушганини аниқ кўрдим. Ҳатто биттасининг жони чиққанидан: «Муттер!» деб юборганини ҳам эшитдим.

Шокиров ўртоғининг қувончидан мамнуи бўлиб, кулиб қўйди.

Душман хуторни ташлаб асосий окопларига чекиниб олгач, майдон бир оз тинчигандек бўлди. Лекин биринчи жанг кўраётганлар назарида ҳамон отишма борарди. Санитарлар ярадорларни судраб четга олиб чиқишар, баъзи бирларининг ярасини боғлаб, хавфсизроқ ерга ётқизиб қўйишар эди.

Шинели устидан камарини сириб боғлаган, қалпоғини бостириб кийиб олган Катя қушдек учиб юрар эди. У бетиним ёғаётган ўққа парво қилмай ярадорларни панага олиб, уларни ўлим хавфидан қутқарарди. Қоматига ўлчаб тикилган бежирим шинелининг у ер-бу ерига қон теккан.

Яраси боғланган жангчилардан бир нечасини келиб тўхтаган аравага чиқариб қўйди. Оғир ярадорларни аравага жойлаштириб жўнатгач, яна олдинга елиб кетди. Энди бир ярадорнинг ёнига эмаклаб бориб, ярасини боғламоқчи бўлган эди, у мовий кўзларини унга миннатдор бўлгандек бир тикди-да, юмди.

— Қани, азамат, менга опич, сенинг мардона ишинг бу ерда тугади!

Унинг руҳи енгил, ўз ишидан жуда мамнун эди. У ярадорга ўгирилиб қараб, бирдан чўчиб кетди. Ярадорнинг ранги боягидан ҳам оқариб кетган эди. У жон ҳолатда ярадорнинг кўкрагига қулоғини қўйди. Шовқин-суронда ҳеч нарса эшитолмади. Кейин қўлини олиб, томирини ушлаган эди, сесканиб кетди — унинг бармоқлари алақачон музлаб қолган эди. Шунда ҳам унинг ўлганига ишопмай, қовоғини кўтариб, қорачиғига қаради. Бутун вужуди титраб, орқага сапчиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Бу унинг қўлида биринчи ярадорнинг ўлиши. Учиб турган дайди ўқдан кўрқмаган, ҳар қадамда изғиб юрган ўлимдан ҳайиқмаган Катя беихтиёр қичқириб юборди ва мурдани ташлаб, кўзи тушган томонга аввалига чопиб, кейин ёнидан ўтган икки-уч ўқдан чўчиб, эмаклаганича илгарилаб кетди.

Унинг товушини таниган Юнусов ётган еридан бош кўтарди:

— Катя, бу сенмисан! Нима қилди?

Бундай даҳшатли пайтда киши бир оғиз илиқ сўз ёки яқин кишининг салгина далдасига муҳтож бўлади. Юнусовнинг товушини эшитган Катя гўё паноҳ излагандек унинг олдига югурди. Етиб боргач, унинг бағрига ўзини ташлади, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Нима қилди?

— Бир ярадор ўлиб қолди! — деди Катя, гўё жанг майдонида одам ўлиши ғайри табиий воқеадек.

Юнусов дарров тушундики, у кўрқиб кетган. Қиз бола эмасми! Юнусов нима деб далда беришини билмай, бошини кўксига олиб, сочини силади. Шокиров флягасини тутди:

— Бир-икки ҳўпла!

Катянинг қўрқиши узоқ чўзилмади. Ёнларига келиб тушган мина портлаб, гўё ели билан унинг қўрқувини учириб юборди. Бунинг ўрнини Юнусовнинг меҳри босиб, мина портлашидан уни пана қилди:

— Эҳтиёт қил ўзингни, Федя!

— Сен ўзингни эҳтиёт қил, жоним, менга бало ҳам урмайди!

— Менга ҳам!— бирдан дадиллашди Катя. Энди у мурдадан чўчиб кетган қизга ўхшамас эди.

— Катя,— деди ана шунда Шокиров, унинг ўзига келганига ишонмай,— бугунча сен ўзингни эҳтиёт қилиб, орқа томонда санитарлар олиб чиққан ярадорни боғлаб, кузатиб турсанг ҳам бўлади. Мен сендан жуда хавотир оляман.

— Сен қўрқма! Бизга ҳеч нарса қилмайди.

Худди шу пайтда буларнинг атрофида снарядлар ёрила бошлади. Бир жангчининг сал наридан: «Ёрдам беринг!»— деган товуши келиб қолди.

— Ана, мени чақиряпти,— деди Катя ва Юнусов билан хайрлашмаёқ, товуш келган томонга чопиб кетди.

— Ўзингни эҳтиёт қил, Катя,— деганича орқасидан қараб қолди Юнусов.

Катя нимадир деди, лекин Юнусов эшитмади. Бир оз тинчиган отишма яна қизиб кетди. Смирновнинг олға сурилиш ҳақидаги буйруғи келди. Биринчи бўлиб Юнусов сакраб туриб, олдинга учиб кетди. Душман окопларида қимирлаб қолишган, унда-бунда бақа ранг шинеллар кўринар эди. Юнусов шуни кутгандек илгарилаб борарди. Бир тепача орқасига ўтиб нишонга ўқ узди. Бир ўқи аниқ теканини кўриб, «Ҳа, лаънати, шу сенинг қилмишингга лойиқ!» деб қўйди. Кейин қаёқдандир пайдо бўлган бир немис унинг устига бутун оғирлиги билан ташланиб, босиб тушди. Лекин у бўш келмай тезда ўзини ўнглаб олиб, устидан ағдариб ташлади, бошини кўтариши билан башарасига қараб ўқ узди. «Бу лаънатидан қутулдим-ов» деб ёнига қараган эди, орқасида турган яна бир фашистга кўзи тушди. У ўқ узгунча бўлмай душман ўт очди. Уқ Юнусовнинг қўлидаги милтиғини учириб юборди. Юнусов шунда ҳам бўш келмай, икки сакрашда душманининг олдига етиб, қўчқордек калла қилди. Давангирдек фашист қоп-қора қонга беланиб, чалқанча йиқилиб тушди. Унинг қўлидан автоматини тортиб олган Юнусов тепачадан ўтиб



кўздан ғойиб бўлди. Шу орада худди у кўздан ғойиб бўлган тепалик орқасида бир мина портлади.

Шу ердан ўттиз қадам бериди командирнинг «Олга!» буйруғи билан келиб қолган Назаров чуқур бир окопда ўзини тириклар қаторидан ўчириб қўйгандек ваҳима ичида ўтирарди. Фашистнинг Юнусов билан юзма-юз келганини кўриши билан эси чиқиб кетди, бўлмаса уни Юнусовга етиб келгуничаёқ ўқ билан саранжом қилиши мумкин эди. Лекин юраги дов бермади. Кўзини чирт юмиб, бошини окоп ичига олди. Юнусовнинг қаҳрамонлигини кўрмади ҳам. Мина портлаши билан яна ҳам баттар ерга қапишиб кетди.

Юнусовнинг жуда қисқа ва лекин ажойиб жангини анча наридан кузатиб турган Шокировнинг мина портлашидан юраги шувиллаб кетди. Бир оз кўз тикди, лекин Юнусовни кўрмади. Отишма қизигандан-қизиб борарди. Бу орада бўлинма қисқа-қисқа чопиб илгарилаб келди. Отишма бир оз тинчигач, Шокиров тепачага келиб, Юнусовни тополмади. Одам таниб бўлмайдиган бир-икки мурда қонга беланиб ётарди.

Кечга бориб отишма тугади. Душман Белоусов батальонини дарёнинг бериги томонига улоқтириб ташлашга қанча уринмасин, чоғи келмади. Кечгача икки-уч муваффақиятсиз атакага кўчган душман, кун оққандан кейин танк ташлади. Бу вақтда авиация қўриқчилигида дарёдан ўтиб олган совет артиллериячилари уларнинг танбехини бериб қўйди. Етти танкдан иккитасигина орқасига қочиб улгурди. Қолганлари улкан қора тобутдек очиқ далада қаққайиб қолаверди. Биттасидан чиқиб қочмоқчи бўлган фашистларни Катя ўққа тутиб, Белоусовнинг ташаккурини олди.

— Лекин, сингил,— деди у,— бундан кейин сен у томонларга ўтаверма. Кўпроқ санитар йигитларни юбор.

«Хўп бўлади!» деб розилик билдирган Катяни сал ўтмай Белоусовнинг ўзи пулемётчилар олдида кўриб қолди. «Яхши эмас» деган ишорани қилди. Қиз ўз муваффақиятларидан хурсанд эди. Лекин отишма тугаб қош қорайганда Катя кўринмай қолди. Қидириш бекор кетди. У на ўликлар, на тириклар орасида бор эди.

— У ўладиган хилидан эмас! Сабр қилинглар, ер остиданми, осмонданми пайдо бўлиб қолади,— деди уни яхши билган, унинг ишларини мақтаб ўтирган Карпаков.

— Юнусов ҳам йўқ. Иккови бир ердадир, ҳадеб ваҳима қилаверманглар,— гапга аралашди Туманов,— жанг танца майдони эмас, дарров ҳисоб-китобини қилиб бўлса.

Ярадорларни жўнатиб, ўликларни кўмиб ҳам бўлишди, лекин Катядан дарак йўқ эди.

Шокиров бу гапларга унча эътибор бермас, кўз олдидан ўша машъум тепача ва портлаган мина кетмас эди. У Катянинг ҳалок бўлганига ишонмас, бирор ердан чиқиб қолар, деб умид қилар эди. Лекин Юнусовнинг тақдири уни қаттиқ ташвишлантирарди: тирикми, ўликми?

Чарчаш, ташвиш Шокировнинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди. Карпаков олиб келган бўтқани истар-истамас еб ўтирар экан, кимдир унинг номини айтиб, сўраб қолди.

— Бу ёқдаман!— деди у жонланиб. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида йўлда бирга келган ҳамроҳи Иброҳим Исаев лейтенант формасида кулиб турарди. Шокировнинг юраги дукиллаб кетди. Исаев жангчиларни оралаб келиб, кучоғини очди. Икки элат самимий кўришдилар.

— Хўш, аҳволлар қалай, Рустамжон! Биринчи тўқнашувга ҳам кириб чиқдингиз. Ҳисоб-китобни бошлаб юбордингизми!— Исаев ўзининг унвонини ҳис қилиб турган ва жанг кўриб чиниққан командирдек гапирарди.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?— ўз навбатида сўради Рустам.

— Мен ҳам шу полкдаман.

— Менинг бу ердалигимни қаёқдан билдингиз?

— Билиш эмас, бир ҳафтадан бери кутаман. Сизларнинг мактабингиздан кишилар келишини билганимдан кейин ўзимча хомчўт қилиб чиқдим. Бундоқ қарасам, шу командада сиз борга ўхшайсиз. Юрагимга қулоқ солсам, у ҳам шундай деб турипти! Мана, тўғри чиқди. Келинг, бу ёғини қўя беринг. Фронт шунақа, бугун топиштириб, вртага ажратади, индинга яна топиштираверади. Хўш, уйдан гапиринг. Муҳаббат хат ёзиб турибдими?

— Бўлмасам-чи!— деди бирдан жонланиб Рустам.— Лекин ўзим мактабдан чиққандан бери хат ёзганим йўқ. Энди ёзаман.

— Дарров ёзинг. Хавотир ҳам олиб ўтиргандир. Биздан ҳам салом денг. Ҳа, ростдан ҳам Муҳаббатга айтинг, бизникига борсин, Раҳима билан танишсин. Биз қайтиб боргунимизча улар дўстлашиб туришсин. Буни қаранг, ўғ-

лим катта бўлиб қолибди.— Исаев кўкрак чўнтагидан хотини билан ўғлининг расмини олиб кўрсатди.

Рустам унинг хотини Раҳима билан ўғли Баҳодирнинг жавдираб турган кўзларига тикилар экан, юраги шув этиб кетгандай бўлди. Назарида икки жуфт кўз ўсиқ килриklar орқали йўқотган кишисини излаётгандек жавдирарди.

— Баҳодир неча ёшга кирди?— деб сўради Рустам.

— Уч ёшга, жуда ширин бўлган даври-да. Қани энди шу вақтда олдида бўлсаму, гапиртириб, чучук тилларига маст бўлиб ўтирсам. Хотиним, Баҳодиржон катта бўлиб қолди, адаси, йўлингизни пойлаб остонада ўтиргани ўтирган, деб ёзипти.

Исаев суратни қўлига олиб, бир оз тикилиб турганидан кейин, уни ўпиб, чўнтагига сола бошлади. Унинг ҳаракатларига тикилиб турган Шокиров қизиқчилик қилиши келди:

— Кимни ўпдингиз, Иброҳимжон, Раҳимахонни эмасми?

— Икковини дўстим, икковини ўпдим. Ахир, икковини ҳам соғинганман-да!— деди қошларини чимирган Исаев.

Бир оз жимликдан кейин Шокиров ачинган оҳангда гапирди:

— Иброҳимжон, биз билан бирга келган Фозилжон деган йигит эсингиздами? Шу дўстимнинг ҳалок бўлгани ёмон бўлди-да.

— Ҳа, танийман. Қачон ҳалок бўлди?

— Ҳали. Йиқилган жойига бориб топа олмадим. Кўниб юборишган шекилли...

— Шошманг, шошманг! Юнусовни айтяпсизми? У тирик! Ҳалигина замбилда олиб кетишди.

Севинганидан ўрнидан туриб кетган Шокиров «ура» деб дўстини қучоқлаб олди.

— Ростданми?

— Бўлмаса-чи! Бу масалада қизиқчилик қилиб бўладими?

— Хайрият, тирик экан. Ярадор бўлса, тувалиб кетар, азамат, бир неча фашистнинг болаб таъзирини берди.

Бу хушxabар билан Шокировнинг иштаҳаси ҳам очилиб кетди. Ёнидаги котелокни олиб, меҳмонни таклиф этди. Емаганига қўймади:

— Олинг, олинг!

Исаев тотинган бўлди. Суҳбат яна қизиб кетди. Исаев кетар олдида бир варақ қоғозга хотинининг адресини ёзиб берди:

— Муҳаббатга бугун албатта хат ёзинг! Бизникига борсин!— деди.

## 11. КАТЯНИНГ ҚОРА КУНЛАРИ

Катяни ҳайдаб кетаётган немис солдати линиядан узоқлашгач, автоматини елкасига илиб, унинг ёнига ўтдида, қалбаки илжайиш билан: «Рус қизи, мен рус қизини ёқтираман», деб шилқимлик қилди.

— Рус қизининг нимасини яхши кўрасан: ўзиними ёки шапалоғини?— деди Катя тундлик билан.

Катя жангда асир тушиб қолган эди. У Юнусовнинг олдидан кетганидан кейин, бир неча ярадорни опичиб хавфли жойдан четга олиб чиқди. Бир вақт бир оғир ярадорни кўтаришиб орқага ўтиб кетди. Қайтиб келса бўлинма ўз жойида йўқ — илгарилаб кетибди. «Биз олдинга кетяпмиз, яшасин!»— деб қувонганича гала чумчуқлардай учаётган ўқлар остида олдинга чопиб кетди. Кўз олдида бир жангчи ўқ еб йиқилди. Унга қараб эмаклаб кетди, уни судраб келаётганида бақа ранг шинель кийган иккита немисга дуч келиб қолди. Ярадорни авайлаб ерга қўйиб, автоматини қўлига олгунча немислардан бири ўқ узди. Уқ Катянинг барини ялаб, ярадорга тегди. Катя ўзини ўнглагунча етиб келган немис унга ташланиб, қўлидан автоматини тортиб олди. Катя жон аччиғида немиснинг қўларини ғажиб ташлади. Аламига чидолмаган бири пошнасига нағал қоқилган калта қўнжли этиги билан бошига тепди. Катя шундан кейин нима бўлганини билмайди. Кўзини очса, душман қўлида. Қаршисида ўтирган биттаси тиржайиб, сув таклиф қилди. Кейин билса ҳушига келгунча унга бириктириб қўйилган санитар экан. Бир оздан кейин у Катяни бир офицерга топширди. Солдат, мана, ҳайдаб бормоқда.

Катя ўзининг аянч аҳволдан изтиробда. Агар қўли орқасига боғлиқ бўлмаганида солдатга бир ташланиб кўрарди. Унга тирик асир тушиш ўлимдан даҳшатли эди. Бўлинмадагилар эшитса нима дейди!

Узоқда қишлоқ кўринди. Унга яқинлашишлари билан солдат ўзига оро берди: кийимларини тўғрилади, қалпо-

ғини тузатиб кийди, автоматини ўнглаб ушлаб олди. Улар қишлоққа киришлари билан ўннга бурилишди. Солдат эшик олдида турган чуваккина соқчига нималардир деди. Кейин Катяни ичкарига имо қилди. Уни йўлакда қолдириб, ўзи бир хонага бош суқиб бир нарса сўради, кейин эшикни катта очди, Катяни киритиб юборди.

Катя ичкари кириб, ранги заҳил, сап-сариқ офицерни кўрди. Ундан мурда ҳиди келарди. Офицер узун ва ингичка бармоқлари билан сийрак сочларини таради. У жуда мағрур эди.

Шу пайт эшик очилиб, ичкарига яна олти киши кирди. Булар ҳам асирлар эди. Ҳаммаси ярадор. Ҳатто биттасининг кўзидан бошқа бутун юзи бинт билан ўраб ташланган. Бинтдан қон сизиб чиққан эди. Катя ерга қаради. Кимдир йўталди. Бу йўталиш таниш туюлиб, Катя бошини кўтарди. Йўтал келган томонга қараб, Назаровни кўриб қолди. Унинг бирор ери яраланган эмас, лекин чап қўли бўйнига осиглиқ эди. У бошқаларга қараганда бирмунча тетик, кўзларида қандайдир хотиржамлик чақнаб турарди.

— Сиз ҳам асир тушдингизми?— сўради Катя унга ачиниб.

— Ҳа, мени ҳам ушлаб олишди...— ердан кўзини узмай жавоб берди Назаров.

Катя яна нимадир демоқчи бўлган эди, озгин офицер рухсат бермади. Узи Катяга саволлар бера бошлади:

— Ёшингиз нечада?

— 20 га кирдим.

— Яхши! Эрга текканмисиз?

— Йўқ.

— Бу яна яхши! Бизга эрга тегмаган қизлар қўл келади. Комсомолмисиз?

— Йўқ.

— Болшевикми?

— Йўқ.

— Буниси ҳам соз! Бизга шунақанги қизлар ёқади. Нима қилиб фронтда юрибсиз, мажбур қилдиларми?

— Йўқ.

Ҳамма сўроққа бир текисда йўқ жавобини олиб хурсанд бўлаётган офицер бу галги жавобни эшитиши биланок: «Нима, нима?» деб бақариб юборди. Унинг кўкиш хира кўзларида бирданига ўт чақнаб, қонсиз юзларида

газаб чизиқлари пайдо бўлди, лабини қимтиб, тишларини гижирлатганича кўзларини Катяга тикди:

— Мажбур қилишмаган бўлса, нега олдинги линияда юрибсан?

— Гражданлик бурчимни бажариб юрибман,— хотиржамлик билан жавоб берди Катя.

— Шундай қилиб ҳозирги жангда ўз ихтиёрим билан урушаётган эдим, дегин?

— Шундай.

Офицернинг кўзи яна катталашиб, қорачиғи ўйнай бошлади. Борган сари юзи буришиб, лаблари бир нуқтага йиғилиб келиб, жуда кичиклашиб борарди. Чўзиқ юзи ва узун бурнини оқ рўмолчаси билан артиб олгач, асирларга қаради:

— Буни қайси биринг танийсан?

— Мен! — Бошини кўтариб жавоб берди жангчилар ўртасида ерга тикилиб турган Назаров.

— Айт-чи, бу большевикми?

— Билмадим... — Назаров нафаси ичига тушиб кетгандек секин жавоб берди.

— Нега билмайсан, гапир! Бу большевикми?

— Мен уни яхши танимайман.

Офицер эшик олдида турган солдатни чақириб ўз тилида нимадир деган эди, у шинелининг устки чўнтагига солиб қўйган расми стол устига ташлаб, жойига бориб турди.

Расмга тикилиб турган офицер:

— Бу ўзинг бўлишинг керак, шундайми? — деди Катяга хўмрайиб.

-- Ҳа.

— Бу ким?

— У севган йигитим.

— У қаерда?

— Фронгда.

— Уни ҳам қўлга туширганимизда сен билан бирга дорга осардик! — деди тишини гижирлатиб офицер.

Асирлардан бири луқма ташлади:

— Йўқ, жаноби офицер, уни осиб тўғрисида орзу қилмай қўя қолинг!

— Уни осолмасак, ўрнига сени осамиз!

— Бу мумкин, лекин уни осолмайсиз, у ўлимни немисларга қиммат тушириб, мардларча ҳалок бўлган.

Жангчининг гапларига қулоқ солиб ўтирган Катя бир-

дан сакраб тушди, унинг қалбида муштумдек муз пайдо бўлиб, бутун вужудини музлатиб юборгандек, юраги узлиб кетгандай бўлди, титраб бақирди:

— Уни ҳаётдан маҳрум этган босқинчиларга латнатлар бўлсин!

Боягидек титраб ўтирган офицер ўрнидан турди-да, тескари тарсаки қўйиб юборди. Полга ағдарилиб тушган Катя чурқ этмади. Фақат калтак зарбидан мўматалоқ бўлиб кетган юзини силаб қўйди.

— Хотин кишига кучинг етдими?

Юнусов тўғрисида гапирган жангчи Катянинг стулдан коптокдек думалаб тушганини кўриб, ортиқ чидаб туролмади. У муштини тугди:

— Жаноби офицер, огоҳ бўлинг, яқинда калтак навбати ўзингизга қайтиб боради. Ушанда додламасангиз бўлгани!

Тўппончасини суғуриб, ингичка бармоқлари орасига маҳкам қисиб олган офицер жангчига қараб, уни ўртага нмлади.

Жангчи унинг нима қилмоқчи бўлганини пайқаб, шаҳдам қадам ташлаб уйнинг ўртасига чиқди:

— Марҳамат, отишингиз мумкин. Барибир битта-икки-тамизни отиб ташлаганингиз билан мақсадингизга етолмайсиз. Совет халқи сизларга қул бўлиб ўзини боғлаб бермайди. Галаба биз билан! Бунга ишончимиз комил.

Офицер жангчининг сўзи тугамасданоқ ўқ узиб юборган эди, уйнинг ўртасида турган жангчи йигитнинг қўлтиғидан ўтиб, Катяни бошлаб келган солдатга боряб тегди. Бўкириб ерга бесўнақай йиқилган немис оғзини икки-уч очиб юмгач, жим бўлди. Офицер бу тасодифдан яна ҳам тутақиб кетди, иккинчи ўқ билан жангчини йиқитди.

Назаров қони қочган офицернинг юзларида пайдо бўлган даҳшатни кўриб оқариб кетди. У учинчи ўқни менга қаратиб отса керак, деб ўзини жангчилар орасига олди. Офицер тўппончани Катяга тўғрилаб уни ҳам огмоқчи бўлди-ю, лекин нима учундир ниятидан қайтди, жойига бориб ўтирди. Телефон трубкасини олиб, ким биландир хушомад қилиб гаплашди. Охирида: «Чиройли, йигирма ёшда», деб қўйди.

Немис тилига унча-мунча тушунадиган Катя гап ўзи тўғрисида бораётганини сезиб, лабини буриб қўйди.

Офицер имоси билан бир солдат Катяни олиб чиқиб кетди. Улар кўчага чиқишди. Солдат катта йўл билан орқага ҳайдаб кетди. У уч километрча ҳайдаб боргач, апро-

фини кўриқчилар ўраб турган ҳовлига олиб кирди. Солдат Катяни шу ҳовлида қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб чиққан узун бўйли немис бўйга мос келмаган калта шинелга ўралганича Катяни бошлаб бориб, ҳовлининг четидаги саройга киргизиб, устидан қулфлаб қўйди.

Салдан кейин қош қорайиб, сарой ичини қоронғилик босди. Моғор босган зах саройда қолган Катя ўзи тўғрисида ўйламай қўйди. Унинг фикр-хаёлини Фозил Юнусовнинг хотираси чулғаб олган, у билан бирга юрганлари, ширин суҳбат қуришиб ўтирган дамлари ва айниқса, тинч келажак тўғрисидаги орзу-умидлари қалбини тирноқларди. Унинг бу хаёллари мисоли бир денгиз, Катя унда қанча сузмасин, барибир, қирғоққа чиқа олмайдигандек, балки у шу хаёл денгизидан қирғоққа чиқиб кетишни истамас эди ҳам.

Катя хаёлга чўмиб ўтирганида эшик очилиб, ўзига таниш солдат кириб, уни бошлаб олиб чиқиб кетди. Катя солдатнинг имоси билан бир хонага кирди. Оёқ устида турган чўчқадек думалоқ офицер Катяни кўриши билан, диванга бориб ўтирди-да, юмшоқ тил билан суҳбат бошлади. Бу офицернинг фронтдаги қисмлар сони ва характери эмас, мамлакат ичкарисидagi кишиларнинг кайфияти қизиқтирарди. Керакли материални ололмаган офицернинг ғазаби қўзиб кетди. Ном сўрашдан бошланган суҳбат тўппонча ўқталиш билан тугади.

— Шинелсиз ҳайданг!— деб буйруқ берди у эшикда турган солдатга. Бесўнақай, найнов солдат Катяни олиб чиқиб кетди. Қишнинг изғирин тунида кўйлакчан бораётган Катянинг бутун вужудини совуқ чулғаб олди, тиши тишига тегмай титраб бораётганини кўрган солдат шинелининг тугмасини ечиб, «қучоғимга кел» дегандек ишора қилди. Катя ундан жирканиб, ўзини тетик тутишга уринди. Лекин совуқ ўз ишини қиларди. Совқоғиб бораётган Катя аҳволининг нима бўлишини тасаввур қилолмай қолди. У қўлга тушган вақтда онаси билан Юнусовни қачон бўлмасин учратишга ишончи бор эди. Озгин немис офицернинг кабинетида Юнусовнинг ҳалок бўлганини эшитгач, ҳамма умидлари пучга чиқди. Дунё кўзига тор кўрина бошлади. У ҳатто ўлишга ҳам тайёр эди.

Солдат Катяни кўча бўйлаб бир оз ҳайдаб боргач, қамниш билан ёпилган уйга олиб келди-да, эшик олдида турган соқчига топшириб, қайтиб кетди.



Соқчи Катяни қоп-қоронғи уйга итариб, эшикни қуллаб қўйди. Муқкалаб кетган Катянинг боши кимнингдир оёғига бориб тегди. Чўчиб кетган бу одам «Ким бу?» деганича Катянинг туришига ёрдамлашди. Совуқдан тили гапга келмаган бечора қиз «Мен!» дея зўрға жавоб берди. Унинг овозини эшитган ҳалиги йигит ирғиб ўрнидан турди:

— Йигитлар, туринглар! Узимизники! Севқотганга ўхшайди, ёрдам берайлик!

Йигитлардан бири шинел билан кулоқчинини ечиб Катяга берди. Иккинчиси устидаги жун жемперини ечиб узатди. Катянинг йўқ дейишига қўйиншмади...

Деразанинг синиқ кўзларидан физиллаб кираётган изғирин шинелдан ўтиб баданига игна каби санчилаётган Катя эрталабга бориб ўзини оғир сеза бошлади. Фашистлардан еган калтаги устига қишнинг аёзли совуғида кўйлакчан йўл босиб келгани ҳам таъсир қилмай қўймади. Борган сари ранги ўчиб, бўшашиб борарди. Тонг отгач, хона тўрида ўтирган Назаровга кўзи тушиб қолди. У қаёқдандир топиб олган адёлига ўралиб ўтирарди. Катя уни кўриши билан севиниб кетди. Ўрнидан турмоқчи бўлган эди, қимирлай олмади.

— Уртоқ Назаров, сизни ҳам шу ерга олиб келишди-ми?— деди Катя зўрға.

Назаров ўрнидан туриб, адёлини қўлтиқлаганча унинг олдига келди:

— Ҳа, келтиришди. Билмадим, энди нима қилишди.

— Сизни-ку, билмадим, аммо мени ўлдиришди,— деди Катя хотиржамлик билан.

— Ростданми?

— Ҳа, улар мени отишлари керак.

— Қўйинг, шунчаки пўписа қилишгандир. Ахир уларга ҳам заводларда ишлаш учун одам керак дейишади.

— Уларга бизга ўхшаган одамнинг кераги йўқ. Улар сотқинни яхши кўришади, агар сотқинлик қилмоқчи бўлсангиз, айтинг, ҳозироқ бу азобдан озод қиладилар.

Назаров Катяга назар ташлаб олгач:

— Ўлсам ҳам унақанги ишни қилмасман,— деди ва шу заҳотиёқ гапни бошқа ёққа бурди:— Катя, менинг тўғримда Юнусов ҳеч нарса деганми?

— Йўқ, нима эди?

Назаров ичида севиниб кетди.

— Шунчаки сўраяпман. Биз жуда қалли эдик. Аттанг,

сара йигит эди. Шундай йигит ўлиб кетса-я,— деди чин юракдан ачинган бир тарзда.

— Балки ўлмагандир...— деди Катя умидлангандек.

— Йўқ, ўлгани рост, мен ҳам ўз кўзим билан кўрган эдим. Сиздан яшириб, йндамай қўя қолган эдим. Ошкора бўлгач, гапиришга тўғри келди.

Катя бошини қўли устига қўйиб, сукунат ичида Фозилни ўйлаб кетди.

Назаров бир оз ўтиргандан кейин:

— Менинг хотиним ҳам душман қўлида ҳалок бўлган...— деб қўйди.

— Нима дейсиз, ростданми?

— Ҳа, рост. Ўз хотиним ҳақида ёлғон гапираманми? Қайнанамдан хат олдим, бомбардимонда қолибди.

Катянинг Назаровга раҳми келди. Уни ўзи сингари, сеvimли кишисидан ажралиб, гам ўтида ёнаётган бир киши деб ҳис қила бошлади.

Тушки овқатдан кейин уларни ташқарига олиб чиқдилар. Устига брезент ёпилган машинага солиб қаёққадир олиб кетдилар. Машинада Катянинг ёнида кетаётган Назаров: «Бирга бўламиз шекилли», деди севиниб. «Ҳа, бирга ўладиганга ўхшаймиз», деди Катя. Бу жавобдан Назаровнинг бадами қалтираб кетди.

— Қўйинг-э, нафасингизни иссиқ қилинг, Катя!

— Қўрқманг, балки бошқа томонгадир,— деди яна Катя, унга раҳми келиб.

Машина станцияга етиб келгач, орқасини вагонга тўғри қилди. Катяни кўтариб ичкарига олган йигитлар, печга яқин ерга ётқизиб қўйдилар.

— Хайрият, орқага кетар эканмиз!— деб юборди севиниб Назаров

## 12. ПАРТИЗАНЛАР

Самолёт олдинги линияга яқинлашиши билан баландга кўтарилиб, булутлар орасига кириб кетди. Душман мудофасидан отилган ўқлар кўкда кўздан ғойиб бўларди. Бир текис ғувиллаб бораётган самолётга душман зенит тўпларининг гумбурлаган овози деярли эшитилмасди. Тўп ўқлари булут пардасини йиртиб ўтиб ёрилар, аммо самолётга тегмас, у ўз йўлида давом этар эди.

Пётр Максимович тушган бу самолёт душманнинг орқа

томондаги партизанлар отряди жойлашган Ўрмонга бор-гунча жуда кўп қаршиликларга дуч келди.

Ўрмонга етиб боргач, қўниш жойини аниқлаб олгандан кейин пастга шўнғиб, ерга қўнди. Пётр Максимович самолёт эшигини очиши билан пастда уни кутиб олиш учун келганларини кўрди. Тун қоронғисиди уларни яхши кўролмаса ҳам овозларини аниқ эшитди.

Пётр Максимович улар билан қадрдон дўстлардек қўл сиқишиб кўришгач, қора пальтоли бўйдор бир йигитга қаради:

— Сиз Солдатовсиз-а? Биз танишмиз!

— Ҳа, шундай...

— Уртоқ Солдатов, самолётда ўқ-дори билан қурол-аслаҳалар бор. Кийим-кечаклар ҳам олиб келганмиз. Тез тушириб олиш керак.

— Ҳаммаси эркалар кийимими?— кулди Солдатов.

— Биламан, ичларингда битта қиз ҳам бор, унга ҳам уст-бош келтирдим.

— Раҳмат, Пётр Максимович! Жуда зарур эди. Уша қизга пойафзал керак. Урушнинг касофати-да, оёғидан яраланган экан, совуққа чидаёлмаяпти.

— Ярадорлар бўлса керак. Жўнатасизми?

— Ҳа, жўнатамиз.

— Ундай бўлса, ўша қизни ҳам жўнатиб қўя қолинг.

— Кўнмайди, Пётр Максимович.

— Нега?

— Унга бир неча марта айтиб кўрдик, бўлмади. Ҳеч қаёққа кетмайман, дейди. Ростини айтсам, жўнатиб юборишга кўзим қиймайди. Керакли одам. Разведканинг жони.

— Яраси оғир эмасми?

— Яраси битгану, совуққа чидамайди.

— Ундай бўлса, майли, юраверсин.

Солдатов ёнида турган ўрта бўй, яғриндор йигитга кўрсатма берди:

— Сен одамларинг билан қурол-аслаҳа, кийим-кечакларни самолётдан тушириб уйга элтиб бер.— Иккинчи йигитга ўгирилиб, унинг кифтига қўлини қўйди:— Сен ярадорларни самолётга жойлашга ёрдам бер. Ҳамма иш узоғи билан ярим соатда бажарилиб бўлиши керак!— у соатига қараб қўйди.— Мана ҳовир бирдан ўн беш минут ўтди. Бирдан қирқ беш минут ўтганда Пётр Максимович икковимиз рапортингизни кутамиз. Қани, бошланг!

Солдатов Пётр Максимовични бошлаб, ертўлага жўнади. Улар дарахтлар ичида анча юришди. Ҳар томонга кетган сўқмоқ йўллари кесиб, тўппа-тўғри кетмоқда эдилар. Биринчи келган одамнинг адашиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Бир оздан кейин атрофи яхшилаб ниқобланган ертўлага кириб боришди. Ертўла кенг ва файзли эди.

— Жуда яхши бўлди. Бугундан бошлаб зўр иш бошлаймиз, — деди Пётр Максимовичнинг келганидан мамнун бўлган Солдатов.

— Шу вақтгача ишинглар зўр эмасмиди?

— Командиримиз Дмитрий Яковлевич ҳалок бўлгандан бери ишимизнинг унуми йўқроқ. Партизанлар мисоли бургут, уларнинг талабига жавоб берадиган командир йўқ эди-да.

— Эшитишимча, шу кунгача сиз ёмон бошқариб келмагансиз. Ортиқча камтарлик қилмасангиз ҳам бўлади.

— Хужумларимиз чакки бўлмаса ҳам, мен ёш бўлганим учун тажрибасизлик қилиб қолдим. Одамларимизнинг кўпчилиги қуршовда қолган жангчилар. Баъзилари душман қўлидан қочиб келиб қўшилишган. Жанг қилишни билишади. Лекин командирлар йўқ.

— Тайёрлаш керак. Довюрак ўртоқларни кўтаравериш керак. Ҳар тўқнашув — бир имтиҳон.

Солдатов 1940 йилда ҳарбий мактабни битириб, лейтенант унвонини олгач, Украинада хизмат қилди. Уруш бошидан фронтда. Душман билан бўлган бир катта тўқнашувда яраланиб, немисларнинг орқа томонида қолиб кетди. Эмаклар бўлса ҳам ўзини душман кўзидан олиб қочган лейтенант бир уйга кириб борди. Уйнинг эгаси меҳрибонлик кўрсатди. Солдатовга дори-дармон топиб келиб, даволай бошлади. Кўп ўтмай тузалиб қолган лейтенант, қишлоқ йигитларидан беш-ўнтасини йиғиб, кичик отряд тузди. Орадан бир оз ўтгач, одамларининг сони элликка етди. Қурол-аслаҳалар билан шайланиб олган Солдатов отряди кўп ишларни қилди. Душманнинг ўқ-дори омборларига хужум қилиб, портлатиб юборди. Алоқа йўлини узиб, коммундурадаги ҳамма босқинчиларни қириб ташлади. Темир йўл кўприklarини бузиб, фронтга келаётган душман гучларини бир неча кунлаб тўхтатиб қўйди. У бундан уч ой бурун отряди билан Дмитрий Яковлевич Яснов отрядига келиб қўшилди, ўзи шу отряднинг сиёсий раҳбари бўлиб қолди. Икки ҳафтадан кейин тунги жангда Яснов ҳалок бўлди. Шундан бери отрядга яна ўзи бош бўлиб

қолган эди. Отряддаги кишиларнинг сони ошиб, икки юз кишига етгач, уни бошқариш ҳам мураккаблашди. У яширин обкомга мурожаат қилди. Собиқ майор Пётр Максимович Денисов шунинг учун келган эди.

Пётр Максимович отряднинг ҳол-аҳволи, унинг кучлари билан атрофлича танишиб чиқди.

— Жуда яхши, ўртоқ Солдатов, мана энди бирга ишлай берамиз,— деди у отряд аҳволдан мамнун бўлиб.

Шу вақт ертўлага бир қиз кириб келди. У бир неча ерига ямоқ тушган фуфайка кийган, бошига ўраб олган рўмоли ҳам эски эди. Қиз кўзларини ўйнатиб Пётр Максимовичнинг олдига келди-да:

— Ўртоқ майор! Мана бу муҳим маълумот сизга, — деб бир варақ қоғозни унга узатди.

Пётр Максимович қизнинг қўлидан қоғозни ола туриб исмини сўради:

— Исмин Аня, Пётр Максимович. Мени танимаяпсизми? Мен Светадан бир йил илгари техникумни тугатган эдим. Уйларингга ҳам борганман.

Пётр Максимович унга қараб кулди:

— Бу ёқларда нима қилиб юрибсан?

— Қисмимиз орқага чекинди. Мен ярадор бўлиб, қолиб кетдим. Шундан кейин оёғимнинг оғришига ҳам қарамай қочдим, бу отрядга етиб олдим.

— Яхши қилибсан, қизим. Ҳозирча сенга рухсат. Бор, янги кийим беришади, кийиб ол.

Пётр Максимович Аняни жўнатгач, қўлидаги қоғозга тикилди.

— Ўртоқ Солдатов, соатингизга қаранг-чи!

— Иккидан энди ўн минут ўтди, — жавоб берди Солдатов соатига қараб.

— Агар ҳозир жўнасақ, тўртда темир йўлга чиқиб борамизми?

— Жадаллаб юрсак чиқишимиз мумкин.

— Ундай бўлса, сиз жангчиларни отлантинг. Соат тўрт-беш ўртасида ҳарбий асирлар ортилган эшелон ўтар экан. Йўлини тўсиш керак.

Солдатов ташқарига чиқиб, бир неча минутдан сўнг қайтиб кирди-да, керакли одамларнинг тайёргилигини билдирди. Пётр Максимович саф тортиб турган партизанлар олдига чиқди.

— Ўртоқлар, биз муҳим бир жанговар вазифани бажаргани кетяпмиз. Сизлар бундай операцияларни анча

кўрган бўлсаларингиз керак. Лекин бу операциянинг бошқа операциялардан фарқи шундаки, биз душман эшелонини тўхтатиб, асоратга олиб кетилаётган ўз кишиларимизни қутқариб қолишимиз керак. Бу мураккаб операция биздан темир интизом, мустаҳкам уюшқоқлик билан ҳаракат қилишни талаб этади. Тушунарлими, ўртоқлар?

— Тушунарли! — деган яқдил садо янгради сафдан.

Пётр Максимович сафнинг олдига ўтиб бошлаб кетди.

Тун сокин. Ҳеч ким тун тинчлигини бузмас, гўё бузишни ўзига эп билмас эди. Отряддаги бундай интизом Пётр Максимовични севинтириб юборди. «Интизом жойида! Солдатов ўта камтарлик қилган экан!» — деб қўйди ичида.

Партизанлар етиб келгач, Пётр Максимович Солдатов билан маслаҳатлашиб, операция планини тушунтирди. Бундай операцияларда чиниқиб қолган халқ қасосчилари учун кўп сўзнинг ҳожати йўқ эди. Шунинг учун ҳам Пётр Максимович режани лўнда қилиб айта қолди. Кўринишдан кийим-бошлари қўпол бўлса ҳам, ҳаракатлари чаққон партизанлар иккига бўлиниб, темир йўл полотносининг икки томонида позиция эгалладилар. Солдатов бошлиқ бир кичик группа гитлерчилар формасини кийиб, немис автоматлари билан қуролланиб, кўприк остига кирдилар. Солдатов немис тилини биладиган бир партизанга қиладиган ишини қайта-қайта тайинларди.

— Дадил бўл, дўстим. Шу мен айтган сўз билан немисни сал чалғитиб берсанг бўлди, бу ёғини ўзимиз эплаймиз.

Немис тилини биладиган ёш партизан умрида биринчи марта душман билан юзма-юз туриб хотиржам гаплашадиган бўлганидан бир оз ташвишланар, шошиб қолишидан қўрқар эди. Бу ташвишини сезган Солдатов ўзининг немис тилини билмаганидан ичида қаттиқ ачинди.

— Ҳамма иш сенга боғлиқ, дўстим! — деб қўйди охирида у яна.

Йигит бош ирғаб қўйди. Лекин бутун хаёли келадиган состав ва немис билан бўладиган «дипломатик суҳбат»да эди.

Орадан кўп ўтмай тун сукунاتини узоқдан келаётган составнинг гулдураши бузди. Пишқириб келаётган паровознинг ўтли кўзлари кўринди, гўё аждардай ўт пуркаб келмоқда эди.

Солдатов ўз кишилари билан кўприк остидан чиқди. Дарров қизил чироқни ёқиб, из ўртасида у ёқдан-бу ёққа

силкитиб «Тўхта! Йўл бузуқ!» сигналини бера бошлади. Паровоз бирдан гудок бериб, юришини секинлатди. Салдан кейин у пишиллаб тўхтади. Пайтни ганимат билган Солдатовлар паровоз қаршисига югуришди. Улар қаршисига чиққан немис офицери аввалига нима гаплигини биллолмай хавотирланган бўлса ҳам, немис формасини кўриб анча тинчиди. Шундай бўлса ҳам, жиддий оҳангда сўради:

— Нима ҳодиса рўй берди?

Солдатов тайёрлаган ёш партизан немис қўшинининг бутун ҳарбий тартиб-қондасини ўрнига қўйган ҳолда немисчалаб тушунтирди:

— Биз темир йўл соқчиларимиз. Бундан бир километр нарида из ёрилган.

— Бу, албатта, партизанлар иши! — деди шошинқираб немис офицери.

— Йўқ, совуқдан бўлса керак. Бу атроф партизанлардан холи! — деди хотиржамлик билан йигит.

— Ремонт қилишяптими?

— Ҳозиргина пайқадик ва хабар қилдик.

Шу пайт бирдан составнинг орқа томонида шов-шув бошланиб, бир-икки ўқ ҳам узилди. Немис офицери бу ногаҳон ўқдан чўчиб, суриштиргунча бўлмади, Солдатов унга тўппонча ўқтаниб, қуролсизлангирди, унга ёш партизан ёрдам берди. Унинг группасидан икки киши тўхталиш сабабини машинистга тушунтирмоқчи бўлиб, паровозга чиққан ва уни товуш чиқартирмай саранжомлаган эди. Шу орада Пётр Максимович бошлиқ состав орқасидаги партизанлар Солдатовларнинг бу томонда немисларнинг диққатини тортиб турганидан фойдаланиб ҳужумга ўтган эдилар.

Бу кутилмаган воқеадан саросимага тушиб қолган фашистлар ўнглашиб олгунларича партизанлар ўзларини вагонларга урдилар. Немис соқчилари учун кутилмаган отишма бошланиб кетди. Вавиятни дарров англаган асирлар вагонлардан сакраб туша бошлашди. Уларнинг баъзилари ўлжа қуролларни олиб, партизанларга қўшилиб кетишди.

Дафъатан қилинган ҳужум ўз самарасини кўрсатди. Отишма узоққа чўзилмади. Отряд операцияни муваффақиятли тугатди. Гитлерчилар асоратига олиб кетилаётган юзларча кишиларимизни озод қилди. Бир неча немис соқчилари асир олинди.

Ҳалигина вагондан виқор билан тушиб келган, тўхташ

сабабини кибрланиб суриштирган офицер гоҳ Солдатовга, гоҳ немис тилини билган ёш партизанга қараб-қараб илтижо-ла кўзларини жавдиратар, отиб ташламасликларини илтимос қилар эди.

Партизанлар бутун ишларини тугатиб бўлишгач, составни портлатиб ташлашди, кўприк остига мина қўйиб, ўрмонга чекинишди. Ўзларига маълум маршрут билан маконларига йўл олишди.

— Уртоқ майор,— деди Солдатов маконларига етиб келиб, янги келган кишиларни ертўлаларга тақсимлаб бўлгач, Пётр Максимович олдига келиб,— овоз қилинган бир қизнинг аҳволи оғир. Дам ўтмай алаҳлайди, аллакимнинг номини айтиб чақиради.

— Ёшми?

— Ёш. Ҳарбий формада.

— Яраланганми?

— Ярасини пайқамадим. Лекин бир юзи кўкариб кетган. Иссиғи баландга ўхшайди.

Пётр Максимович бошқа ҳеч нарсани суриштирмай, касал қиз ётган ертўлага кирди. Унинг пешанасини ушлаб кўрди, кўкрагига қулоғини қўйиб, юрак уришини тинглади. Касал ёнарди. Ярим юмуқ кўзларига тикилиб қолди, бир нарсга эсига тушгандек сесканиб кетди.

— Аня шу ердами? — деди ўзини босиб Пётр Максимович.

Уни чақирдилар.

— Хизмат, Пётр Максимович? — деди чопиб келган Аня.

— Аня, сен бу қизни танидингми?

— Йўқ. Ким бу? — Аня касалга тикилди.

Касалнинг сочлари бетартиб, тўзиб кетган, бир юзи шишиб, кўкариб ётар эди.

— Агар янглишмасам — Катя-ку... Вой бечора Катя, шу аҳволга тушиб қолдингми? — деб йиғлаб юборди Аня, қизнинг ёнига ўтириб, юзларини силади.

Пётр Максимович Солдатовдан сўради:

— Докторларингиз бор-а?

— Ҳа. Чақирамиз. Қани, Аня, йиғлаб ўтиришдан фойда йўқ, докторга югур! — Солдатов Анянинг бошига ўраб олган иссиқ рўмолини тузатиб, буйруқ берди: — Яна шу бўйича кетма. Буларни ечиб жомакорларингни кийиб ол. Чўнтагингда ҳеч нарсанг бўлмасин, йўлга қуролсиз чик!



— Хўп бўлади, сиз айтгандек қиламан,— деди-ю, югурганича чиқиб кетди.

Салдан кейин Катя босинқираб Фозилни чақира бошлади.

### 13. МЕҲМОНЛАР

Қор устида эгри-бугри из қолдириб кетаётган Миробид бир оз юрганидан сўнг, кўча четига чиқиб дам ола бошлади. У сельпога кетмоқда эди. Шу ерда машина кутишга қарор қилди. Бироқ на машина, на арава кўринарди. Изгиринда жунжиётган Миробиднинг тоқати тоқ бўлди. Ниҳоят, оёғидан совуқ ўтиб, кесаклаша бошлагач, орқасига қайтмоқчи бўлди. Лекин унинг бахтига шу вақт ўқдек келаётган енгил машина кўриниб қолди. Миробид қўлини кўтармоқчи бўлиб турганида машина унинг рўпарасига келиб тўхтади. Ундан ўрта яшар бир рус аёли тушди. Орқасида бир қиз ҳам кўринди. Бу Евдокия Васильевна билан Светлана эди.

«Булар шу ерда қолишар экан», деб Миробид машина олдига юрмоқчи бўлиб, жойидан қимирлаган эди, оёғининг ногиронлигини кўрган Евдокия Васильевна унга жойида тураверишини имо қилиб, яқинроқ келди:

— Сиз шу ерликмисиз?

— Ҳа, нима эди?

— Ундай бўлса, Ҳожия хола деган кампирнинг уйини биларсиз? Рустам Шокиров деган ўғли ҳам бор...

— Ҳозир у фронтда.

— Ҳа, тўғри.

Миробид машинадаги қундузли пальто кийган, тивит рўмолли Светланага назар ташлаб қўйди.

— Мен уларни яхши биламан,— деди кейин.

— Билсангиз, уларникига борадиган йўлни кўрсатиб юбормайсизми?

— Марҳамат! — деди кибрлиб Миробид.

Миробиднинг машинага ўтирмоқчи бўлганини кўрган Евдокия Васильевна уни овора қилгиси келмади.

— Шу ердан кўрсатиб юборсангиз ҳам бўлади, иним. Ишингиздан қолманг, — деди.

— Ишим йўқ, тушунтирганим билан барибир тополмайсизлар, бекорга овора бўласизлар. Яхшиси, ўзим кўрсатиб қўя қолай.

Миробид шахт билан машина эшиги бандини ушлаб, уни очди-да, кўзига оловдек ёниб кўричаётган қизнинг олдига ўтирди. Аёл шофер ёнидан жой олгач, машина ўрнидан кўзгалди.

Пётр Максимович оиласи ҳақида қанча қайғурмасин, барибир, йўл азобидан қутултиролмади. Чиндан ҳам Евдокия Васильевнанинг юраги ишдан чиқиб қолган экан. Йўлда бир-икки марта ёмон безовта бўлди. Агар бунинг устига борадиган ери аниқ бўлмаганида жуда ҳам қийин бўларди. У Рустамдан жуда миннатдор эди. Мана энди улар барча қийинчиликларни орқада қолдириб, меҳрибонлик қилган нотаниш бир ўзбек йигитининг қишлоғига кириб келмоқдалар. Кўзга нотаниш манзаралар, пастак қамиш уйлар Светага жуда ғалати кўринамоқда. Йўл ёқасида қорга қатор санчилиб қаламдек турган мирзатераклар унга жуда ёққан эди.

— Қаердан келяписизлар? — деб сўради Миробид Светадан.

— Жуда узоқдан, Нальчикдан.

— Ҳожия холада ишларингиз борми?

— Уғлидан салом олиб келяпмиз.

— Шу ерда турасизларми?

— Ажаб эмас...

— Жуда яхши. Сизнинг томонлар ҳозир бетинч, тўстўполон! Бу ерлар тинч. Сизларни Рустам Шокировнинг ўзи таклиф қилган бўлса керак, албатта?

Света гапининг асл маъносига тушуна олмаганидан «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беролмади. Миробид гапни ҳижжалай бошлади. Света қарши савол беришга мажбур бўлди:

— Кечирасиз, гапингизга тушунмадим. Очиқроқ айтинг.

— Ҳожия холамникида турсанглар керак. Рустам розилик берган бўлса онаси нима дерди, ёлғиз ўғлининг раъйини қайтарармиди? — пичинг аралаштириб жилпанглади Миробид.

— Рустам: «Онам жуда ажойиб хотин, боши осмонга етади», деб бизни сира қўймади. Шу ўғилнинг онаси бўлса, яхши кампир бўлиши керак, — гапга аралашди Евдокия Васильевна.

«Оббо хумпар-эй, қизини эмас, онасини ҳам ром қилиб олибди-я!» — деб кўнглидан ўтказди Миробид, ғайирлиги келди. Меҳрибонлик қилган бўлиб гапирди:

— Ҳожия хола йўқ дегудек бўлса, мен олиб кетаман.

Бизникида тураверасизлар. Бўш уйларимиз кўп. Истасанглар ҳозироқ олиб кетганим ҳам мумкин. Шундай қила қоламизми?

— Йўқ, йўқ, раҳмат. Борайлик-чи аввал...— деди Света.

Миробид Светанинг келишган қомати билан жозибали кўзларига тикилар экан, Муҳаббатга бўлган ҳамма уринишларини унутиб қўйган эди. Дам-бадам қизни бошидан оёғигача кузатиб ўтирган Миробид: «Оббо Рустам-эй, қаерда бўлмасин, қизларнинг жононини топиб юради-да. Бу ерда Муҳаббат эди, у ерда бу ҳурилиқони илинтирибди», дерди ичида.

— Муҳаббат деган қизни танийсизми? — деб сўраб қолди бир маҳал Света.

— Ҳа, танийман. Уни сиз қаёқдан биласиз? — Миробид ўйланиб қолди. Наҳотки Рустам Муҳаббат тўғрисида бунга гапирган бўлса.

— Яхши юришганими? Соғлиғи дурустими?

— Юрипти. Яқинда бригадир қилиб кўтаришди. Иши беш. Кўришиб тураман.

Света ялт этиб Миробидга қаради. Лекин ҳеч нарса демай ундан кўзини олиб, қор қоплаган олис далаларга тикила бошлади. Миробиднинг илмоқли бу гапи Светланага ёқмаган эди. Боядан бери гашига тегиброқ келаётган бу бегона йигит бирдан кўзига хунук кўриниб кетди. Лекин ўзининг оловлигини қилиб, ачитиб олишни эп кўрмай тилини тийди. Бунинг устига бегона жой! Бу ҳақда онаси ҳам йўлда бир-икки эслатиб қўйган эди. Миробид эса атайин шилқимликка мойна бир йўл тугар, уни спнамоқчи, иложи бўлса ўзига бугунданок ром қилиш нияти ҳам йўқ эмас эди. Унинг назарида, бундай очиқ қизлар маишатга яқин бўлади. Шу билан бир вақтда у Муҳаббатга қарши режалар ҳам тузиб борарди. Узоқдан келаётган шу қиз бу ҳангомада бош ролни ўйнайди.

Миробид буларнинг келишидан хурсанд бўлиб кетди. «Рустам шу қизга уйланад эмиш», деб маҳалла-кўйга гап тарқатади! Борди-ю, «уйланад эмиш» демасдан, «уйланиб, уйига юборибди» деса бирёв оғзига урармиди? Бу овоза, албатта, Муҳаббатнинг ҳам қулоғига етади. Гап тамом, вассалом. Кўрибсизки, ошиғи олчи-да! Бу орада Муҳаббат тўғрисида ҳам унча-мунча гап чуватиб қўяди, буни Ҳожия хола эшитгудек бўлса, тагин яхши.

Миробид ўз манъалига етиб қолган чавандоздек мағ-

рур борарди. Унга таниш бу далалар ҳар вақтдагидан кўра чиройлироқ кўринарди. Сельпога бориш ҳам хаёлидан кўтарилган эди.

Машина тор кўчага бурилиб салгина юргач, бир уй олдида тўхтади. Миробид пастга қушдек енгил сакраб тушди ва кўча эшигини ярим очиб чақирди.

— Ҳожия хола! Ҳов, Хожия хола! Меҳмонлар келишди, кутиб олинг.

Унинг чийилдоқ товушини эшитган қўни-қўшнилари уйларида югуриб чиқишди. Шошилганидан калишини пойма-пой кийиб олган Ҳожия хола кўйлагининг этагига ўрала-ўрала кўча эшигига келиб:

— Келган ким, Миробид,—деди эсанкирагандек.

Евдокия Васильевна Ҳожия холани таниб сўрашди. Хола ҳеч нарса тушунмас, Миробид бачканалик қилиб кулар эди:

— Хола, сиз бу ерда келин қиламан деб ташвишланиб юрибсиз. Рустамжон биратўла она-болалигини юборипти.

Ҳожия холанинг қулоғига гап кирмас эди.

— Бачкана бўлма, болам, ҳазилнинг ҳам вақти бор. Булар ким? Рустамжоннинг олдидан келишиптими?

— Ўзлари келишмаган, Рустамжон юборипти. Кўчиб келишяпти. Рустамжон тушкур, сизни тўй ташвишидан қутултирибди. Энди бир яхши зиёфат қилиб берасиз-да. Пул бўлса, бир қора қўйни ўзим олиб келаман. Думбажигар қилиб бир закуска қилайлик.

Миробиднинг гапларига Ҳожия холанинг жаҳли чиқди.

— Ажаб қипти-да, ўғлим. Яхши йигитнинг ризқи ҳамма ерда бутун, бировларникига чанг солиб юрмайди.

Бу гап Миробидга айилдек ботди. Бундай қараса кампир тупроққа қориб ташлайдиган. Дарров гапнинг турқини ўзгартирди:

— Холам тушмагур-эй, ҳазилни ҳам билмайсиз-а. Дарров жаҳлингиз чиқади. Ўғлингизнинг олдидан келишгани рост, лекин кимликларини ўзингиз билиб оласиз,—деди Миробид ва меҳмонларга қаради:— Марҳамат, юкларингни туширишларинг мумкин.

Хола меҳмонларга такалуф кўрсатиб, орасида Миробидни ҳам чақиб оларди.

— Ўғлимнинг олдидан келишган бўлса бошим устига. Ўғлимни кўриб келган кўзларидан айланай, босган қадамлари кўзим устига. Ўғлимнинг ўзи омон келса, бўлди. Эртаю кеч ниятим шу. Ким билан яшашни ўзи билади.

Хола меҳмонларни бошлаб ичкари олиб кирди. Уйга таклиф қилди. Меҳмонлар тушунмаса ҳам, ўзининг ода-тича, ширин сўзини қўймасди. Улардан айланиб-ўргиларди. Анчадан бери тахмондаги тахи бузилмаган кўрпачаларни олиб сандал четига солди, меҳмонларни таклиф этди:

— Сандалга ўтир, маржа, совуқ қотгандирсизлар. Неча кун йўл юрдинглар? Қийналиб кетгандирсизлар.— Миробидга қараб:— Айт, ўтиришсин!— деди.

Миробид Евдокия Васильевна билан Светланани сандалнинг тўрига таклиф қилди. Чалакам-чатти фотиҳа тортиди. Кутилмаганда орага жимлик чўкди. Бу жимликни боядан бери хола билан Миробид ўртасида бўлиб ўтган гапдан беҳабар Евдокия Васильевна бузди:

— Биз ўғлингизнинг олдидан келдик, Рустамжон кўпдан-кўп салом айтди.

Хола гапга тушунмаса ҳам, ўғлининг номини эшитиб яшнаб кетди.

— Вой, ўргилиб кетай, сизлардан. Уғлимни кўрган кўзларингиздан гиргиттон бўлай!— Ҳожия хола гўшти қочган кафти билан Евдокия Васильевнанинг кифтига қоқиб, Светлананинг пешанасини силади. Евдокия Васильевна ҳамма гапни гапириб бўлгач, чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб Ҳожия холага узатди:

— Рустамжон бериб юборган эди.

Ҳожия хола хатни олиб, худди ўқишни биладиган кишидай тикилиб қолди. Кейин чор-ночор Миробидга тутди:

— Ма, болам, ўқиб чиқар-чи, нималар дебди ўғлим бечора!— Унинг кўзида оналик ёши айланарди.

Хатни қўлига олган Миробид атрофга бир назар ташлаб олгач, аста ўқий бошлади:

— «Онажон, сиздан бемаслаҳат бир иш қилиб қўйдим. Бу ишим учун, албатта, уришмасиз деб ўйлайман. Шу хатни олиб борувчи Евдокия Васильевна билан Светлана менга яқин кишилар. Ойи, шуларни яхши қабул қилсангиз, юқоридаги менинг хонамда туришсин, деб ўғлингиз Рустамжон».

— Вой, айланай, жуда яхши бўпти. Сен маъқул кўриб юборасан-ку, мен йўқ дейманми, болам! Буни қаранг-а, барака топкур мендан истиҳола қилибди! У юборса мен йўқ дермидим! Ёлғизликдан қийналиб юрган эдим. Жуда яхши қипти-да. Кўпчиликдан айлансанг ҳам арзийди. Ай-ниқса, кечаси ҳамма ёқ ҳувиллаб кетади.

Сандалнинг бир четида ўтирган қўшнилardan бири сўраб қолди:

— Миробид, сўрагин-чи, балким Рустам шу қизга уйлангандир. Бўлмаса нега юборсин?

— Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур?— деди Миробид атрофга айёрона назар ташлаб.

— Авваламбор, бундай бўлмаган гапни қўйинглар,— деб койиб берди Ҳожия хола.— Дарров бичиб-тўқиманглар, уят бўлади, меҳмонларнинг кўнглига келади. Рустам-жон Муҳаббатни деган. Сўзида туради.

— Хола, бу вақтдаги ёшларнинг ичидагини билиб бўладими? Муҳаббатни яхши кўрган бўлса, шу ерда яхши кўрган-да. У ёққа боргандан кейин... кўҳликкина нарса экан,— деди бояги қўшни хотин хандон солиб,— хўп деса, бу ердигисини ҳам олиб бераверасиз-да, хола, сиздан нима кетди!

Хола гапнинг ҳазилга ўтганидан севинса ҳам, орани очик қилиб қўя қолгиси келди:

— Ўзларингнинг ҳам эр деса, оғзиларингнинг сувни келадиган бўлиб қолибди. Кўп алжираманглар. Яхшиси, ўзидан биламиз. Қани, ўғлим, сўра-чи, уялма, ҳаммаси очди бўлади-қўяди.

Миробид ишга киришди:

— Рустам билан қачон танишгансиз? Уни кўрганингизга анча бўлдимми?— Светланадан жавоб олгач, аёлларга қараб «таржима» қилди:— Ҳали турмуш қурганимизча йўқ. Рустам акам қайтганидан кейин тўйни шу уйда қиламиз, деяпти.

Бояги бидирлаб гапираётган аёл рус тилини унча-мунча тушунар эди. Светлананинг гапларини тўла англамаган бўлса ҳам, маъносини уққан эди. Миробиднинг тескари таржимасига лабининг бир четини тишлаб, кулимсираб қўйди. Кўпчилик олдида изза бўлган Ҳожия хола ерга тикилиб қолди, лекин бўш келмади:

— Ажаб қинти! Менга боши омон бўлса бўлгани! Сизларга ташвиши тушмай қўя қолсин!

Холанинг энсаси қотганини сезган қўшнилари аста-секин тарқалишди. Хола дастурхон ёзди. Бу орада Светлана бир чамадонни очиб, ичидан Рустамнинг Муҳаббат билан бирга тушган расмини олди ва «Хола, мана буни кўринг», деб унга узатди. Ҳожия холанинг кўнглидан: «Агар шунга уйланмоқчи бўлса, бунинг қўлида Муҳаббат иккаласининг расми нима қилади? Ҳаммаси тўқима гап!» деган мулоҳаза

ўтди. Қўшниларнинг тарқалиб кетганига ачинди, бўлмаса кўнглига келган шу гапни айтган бўларди. Уларнинг вакилидек ўтирган Миробидга:

— Жудаям унақага ўхшамайди. Миробид болам, тагин бичиб-тўқиётган бўлма. Бунақа ишга ҳазил қилиб бўлмайди. Ейилиб кетса, эл оғзига элак тутолмайсан! Бу бечора уларнинг суратини ардоқлаб юрипти...

— Хола, олдин гапга тушунинг,— деди Миробид бўш келмай,— бу расмни Муҳаббатга қайтариб бериш учун олиб келдим, деяпти.

Ҳожия хола яна тилини тишлаб қолди. Пайтни ғанимат билган Миробид меҳмонлар билан хайрлашиб ўридан турди. У сельпога боришга кочиққан эди. Эшик олдида бир оз ўйланиб тургач: «Яхшиси, Махсум амакига хабар қилай. Темирни қизиғида бос, деганлар, ҳозир айни вақти, бу олов биқсиб ўчиб қолмасдан тезроқ алангалатиш керак, токи гувиллаб, бутун қишлоқни тутсин. Аламига чидалмаган Муҳаббат аччиқни аччиқ кесади хилидан қилиб, бизга хўп деб юборса борми — марра меники-да!» деб юриб кетди. У ишининг ўнгидан келишига шубҳаланмас эди, Қора терга тушиб, Махсум аканинг уйига етиб келди. Саңдал тўрида ўтириб, қуръон ўқиётган чол Миробидни кўриши билан китобни йиғиштириб, ёстиқ устига қўйди. Уридан чаққон туриб, меҳмонга пешвоз юрди:

— Келсинлар, Миробидбек, келсинлар. Қандай шамол учирди?

Калишини остонада ечиб улгурган Миробид «Бисмилоҳу раҳмонур-раҳим» деб қўлини Махсум акага чўзди ва дарров гинахонлик ҳам қилди:

— Уэлари соғ-саломат юриптиларми? Мен кўргани келмасам, сиз бормайсиз ҳам!

— Қани, тўрга! Тавба, ҳозиргина эслаб турган эдим-а! Хиэрни йўқласам бўлар экан.

— Кўнглимиз яқин-да, амаки!— ўтира туриб гапирди Миробид. Махсум фотиҳа ўқиб, кафтини юзига тортди.

Миробид ҳам фотиҳа ўқир экан: «Иншоолло, ишимиз ўнгидан келсин», деб қўшиб қўйди.

— Хўш, оламда нима гап? Қанақа янгиликлар топиб келдингиз?— сўради Махсум.

— Худо бераман деса, қоңилган еридан олтин топади киши!

— Хўш, хўш, тагин нима гап?— Махсум қизиқиб қолди.— Яхшилиқми?

— Яхшилиқ бўлганда қандок! Ишимизнинг ўнгидан келгани шу!

Махсум киприклари қисқа ва сийрак кўзини унинг оғзига қадади, энгашиб қулоқ тутди.

— Ҳозир Рустамнинг олдидан Ҳожия холамнинг уйига икки аёл келди. Биттаси бўйи етган қиз. Чиройликкина. Назаримда Рустамга қарашли бўлса керак.

— Уйланиптими?— шошиб қолди Махсум.

— Уйланган бўлса ҳам ажабмас. Ҳозирча яширишяпти. Уйланмаган бўлса ҳам унинг олдида Рустамнинг тили қисқлиги бордир-да, онаси билан уйига юборган. Ким билади, қизга тегиб қўйган бўлса ёқасидан гиппа бўққанми!

— Ажаб бўпти, баттар бўлсин. Узи дидимга ёқмай юрарди, энди жойини топибди.

— Чиқаси келган молга эгаси сабаб бўлади, дейишадди,— деди тетиклашиб Миробид.— Энди шундан фойдаланиб, иш бошлайлик. Айни пайти.

— Қандай қилиб? Қай йўл билан?— Махсумнинг бошига бир фикр келмас, қувончини ичига сиғдиrolмас эди.

— Масалан, Рустам уйланибди, деб. Агар шундай деб гап тарқатсак, Муҳаббат қасдма-қасдликка ҳам розилик бериши мумкин.

— Бу гапингиз дуруст. Сизга сўз берганимдан бери бетингизга қарашга уялиб юрибман. Қиз тушмагурни кўндириш қийин бўляпти.

— Менлигимни билдирганмидингиз? Энди очиқ айтаверинг. Шу гаплардан кейин балки йўқ демас. Ўзим ҳам ўтда-бетда сўз ташлаб юрибман.

— Бутун гапни рўйирост очиқ айтаман. Энди тап тортадиган ери йўқ. Қани, нима дер экан.

— Амаки, бу ишга тез киришиш керак. Шу бугуноқ бошланг. Иложи бўлса тезроқ тугатиш керак.

— Нега тез тугатиш керак? Ахир, бу ишни тезда битириб бўлмайди-ку?— ҳайрон бўлиб сўради Махсум.

— Хонаси шунча!— Махсумни шубҳага тушириб қўймаслик учун Миробид баҳона ҳам топди:— Олди баҳор. Экиш-тикиш бошланиб кетгандан кейин ярашмайди. Ҳозир айни пайти.

— Бу гапингиз тўғри! Битадиган ишнинг тезроқ битгани яхши.

— Бунинг устига, замона оғир, тагин бирорта эпчил ишимизнинг белига тепиб қўймасин.



— Бу гапингиз тўғри, ўғлим. Бугун пайшанба. Бунинг устига бир одам келадиган эди. Эртага эрталаб бораман.

— Майли, амаки. Шундай қилинг. Энди мен жўнай. Вақт ҳам кетди,— деб ўрнидан қўзғалди Миробид.

— Ие, ие, қуруқ кетасизми, жилла бўлмаса бир пиёла чой ичиб кетинг,— деб мулозамат қилган Махсум Миробидни эшиккача кузатиб чиқди. Орқасидан қараб туриб: «Худоба шукур, бу ишдан ҳам қутуладиган бўлдим», деб қўйди. Кейин ичкаридан эски бир курак олиб чиқиб, эшик олдидаги қорни куради, бир ерга тўплаб, нима учундир, устидан курак билан бир-икки уриб ҳам қўйди. Атрофга қараб, қаердадир қағиллаётган қарғани қидирди. Тополмаса ҳам ўзича сўзланиб қўйди:

— Сайра, жонивор, қишга ярашасан. Қор бўлсин!

Махсум бирпас куракка суяниб тургач, оёғидаги қорни қоқиб ичкарига кирди. Эшикнинг занжирини солди.

#### 14. МУҲАББАТНИНГ КУЗ ЕШЛАРИ

Бомдод намозини ўқиб бўлгач, фотиҳани юзига тортиб, ўрнидан турган Махсум даҳлиздаги яхлаб қолган калишини кийиб, «Кампир, эшикни занжирлаб ол, очиқ қолмасин!» деб чиқиб кетди.

Қишнинг охиригидан бўлишига қарамай, ҳаво ҳали совуқ эди. Бундан икки кун илгари ёққан қор эриш ўрнига қалинлашиб бораётгандек кўринарди. Тўнига ўралиб, рўмолини салла қилиб, қулоғигача ўраб олган Махсум Ҳожия холаникига қараб кетди.

Аввал Муҳаббатларникига бормоқчи бўлган эди. Ҳатто намоз ўқиётганида ҳам шуни ўйлаб, икки марта адашиб кетди. Ниҳоят: «Яхшиси, олдин Ҳожияникига бориб, келган аёлларни ўз кўзим билан бир кўрай. Балки Миробид мени алдагандир. Яна ёлғон чиқиб, уялиб қоладиган иш бўлмасин. Кўриб қайтсам, Санобар билан Муҳаббатни кўндиришим осон бўлади», деб кўнглига тугиб қўйган эди.

У чойхона олдидан ўтиб кетаётганида ичкаридан чиқиб келган Абдурасул ака тегишди:

— Йўл бўлсин, овгами, жуда эрта чиқибсиз-ку?

— Бозоргадир,— деди яна биттаси.

— Бу ёқда бозор нима қилади? Бозорга у ёқдан борилади!— деди орқа томонни қўли билан кўрсатиб Абдурасул ака.— Ёки бу кишиники бошқа томондами?

— Ҳа, гапинг тўғри, Абдурасул. Одатда Махсум акамнинг бозорлари доим тескари бўлади.

Бундай гаплар Махсумнинг қулоғига кирадиган пайт эмас эди. Эшитса ҳам қайрилиб қарамади. Ҳожия холаникига тез бориб, орқасига қайтиши керак, бўлмаса, Муҳаббатни уйдан тополмайди.

Қиз бригада бошлиғи бўлганидан бери у жиянини қидириб, бир неча марта уйига борди, аммо тополмай қуруқ қайтди. «Қаерда юради қиз бола?» деб гижинарди-ю, қаттиқроқ гапиришга ботинолмасди. Кирадиган эшигини қаттиқ ёпиб қўйишдан ҳайиқарди.

Совуқдан қотиб кетган қорни гарчиллатиб кетаётган Махсум соқол-мўйловини қиров босганча тўппа-тўғри Ҳожия холанинг ҳовлисига кириб борди. Тивит рўмолини пиджаги устидан кўкраги аралаш ўраб, ҳовлидаги қорни кураётган Светлана ўзи томон келаётган чолни кўриб «холога қарашли киши бўлса керак», деб кутиб турди-да, яқин келгач, саломлашди.

— Қизинка, жуда яхши. Спасибо! Курайвер, қизинка, курайвер!— дея Махсум айвонга юрди.

Сандалнинг оловини бозиллатиб Евдокия Васильевна билан «тиллашиб» ўтирган Ҳожия хола дераза кўзидан Махсум кўриниши билан афти буришиб, нима учундир юраги орзиқиб кетди. Кўнглининг бир четини гашлик босди. Холада бирданга пайдо бўлган бундай ўзгаришни сезган Евдокия Васильевна сўради:

— Сизга нима бўлди, хола. У киши ким?

Ҳожия хола унинг саволига жавоб бериш учун сўз тополмай қўли билан Махсум акани кўрсатиб:

— Плохо бу одам, жуда плохо!— деёлди фақат.

Айвонга кириб келган Махсум Ҳожия хола билан қуюқ сўрашди. Русча-ўзбекча сўзларни аралаштириб Евдокия Васильевнанинг ҳам аҳволини сўради. Кейин яна Ҳожия холага ўгирилди:

— Ҳа, кампир, севиниб қолдингизми? Эшитиб хурсанд бўлдим. Яқин кишининг кўнгли ҳам яқин бўлади-да. Кеч-қурун эшитган эдим, бомдодни ўқиб йўлга тушавердим. Мана, қалдирғочини юборипти, ажабмас, кетидан ўзи ҳам қанот қоқиб келиб қолса.

Махсумнинг пойгакка чўкка тушаётганини кўрган Ҳожия хола уни юқорига қистади:

— Вой, бу нима қилганингиз, тўрга чиқинг.

— Ишим зарур, ҳозир кетаман, йўл усти кирдим.

Шундай деса ҳам у ўрнидан туриб юқорига ўтди. У сандалга жойлашиб олгач, бошидан рўмолини ечиб, соқол-мўйловидаги қировларни артди, икки қўлини сандалга суқиб, оловга тоблай бошлади. Сандалда бемалол ўтирган Евдокия Васильевнага қараб кулжмсиради:

— Маржа, сандал хорошоми?

— Орқадан совуқ уришини айтмаса, оёққа дуруст,— деди кулиб Евдокия Васильевна.

— Ўрганиб қолади,— деди Махсум Ҳожия холага қараб.— Кампир, булар печкага ўрганган. Бизга ота-бобомиздан қолган сандалимиз ўн чандон яхши. Зарари йўқ, ҳозирча сандалда ўтира турсин, кейинроқ печка ҳам топилиб қолар, шундаймасми?

— Печка ҳам бор, Махсум, анави уйда. Рустамнинг дарсхонасида...

Махсум нимадан гап бошлашини билмай ўтирган эди, Ҳожия холанинг ўғлини тилга олиши сабаб бўлди. Вақтни ганимат билган чол мақсадига кўчиб қўя қолди.

— Рустамжоннинг олдидан келишинги-да!

— Ҳа, Рустамнинг олдидан келишинги,— деди Ҳожия хола.

— Қалай, Рустамжоннинг тани-жони соғ экаими?

— Ҳа. Булар у фронтга кетгандан бир ярим ойдан кейин йўлга чиқилган экан.

— Қандай топиб келишинги?

— Рустам адресимизни берган экан.

— Жуда яхши. Ҳа, айтгандек, булар доим шу ерда туришади-да, кампир?

— Уруш тамом бўлгунча туришармиш.

— Кейин-чи, кейин кетишармишми? Рустамнинг келишини кутишса керак?

— Унисини билмадим. Балки Рустам эртароқ келар, балки кеч. Ҳар ҳолда буларнинг кетиши унга боғлиқ эмас. Хотин бечоранинг дили ўйнайдиган касали бор экан. Шаҳарларига бир-икки бомба тушган экан, касали тутипти, кейин дўхтирлар тинчроқ ерга боришингиз керак, дейишпти. Ахир, урушга яқин эмиш-да. Уйинг куйи ўр Гитлер ҳаммани сарсон қилди. Данғиллама уй-жойлари бор экан...

— Шундай денг? Бечоралар... Қизи ҳам чаққонгина кўринади... Қўл-оёқлиги яхши-да... Мени кўриши билан саломлашди.

— Келганидан бери тингани йўқ. Ҳали у ишга уннаб кетади, ҳали бу ишга. Жоним кириб қолди, асти қўяверинг.

Бир неча кундан бери уйга қарамай қўйган эдим. Мазам йўқ эди. Ҳамма ёқни саранжом-сарихта қилди-қўйди. Уйим келинларнинг уйига ўхшаб қолди...

— Ҳожия, ўз оёғи билан кириб келганнинг хосияти бор. Китобда ҳам шундай дейилган. Яхшиси, қўлдан чиқармай қўя қолинг. Ҳозирги ўз қизларимиздан ўн чандон яхши кўринади. Мусулмон қилиб динимизга киргизиб олсангиз, савобга ботасиз. Дунёда энг катта савоб иш — шу!

— Уғлимнинг танлагани бор, Махсум, бўлмаса олиб берардим,— деди жўрттага Махсумнинг гашига тегиб Ҳожия хола.

— Хўш, ўғлингизнинг танлагани сизнинг ишингизни қилиб берармиди? Ҳозирги келинлар ёки онангни дейсан, ёки мени дейсан, деб туриб олади. Қарабсизки, шундан кейин боқиб катта қилган болангиз сизга қайрилиб қарамай қўйибди.

— Жуда ерга уриб юборманг, Махсум. Қарс икки қўлдан чиқади, ширин сўз бўлиб, айланиб-ўргилсанг, ҳамма келин ҳам ёмонлик қилавермайди. Маза-бемаза гапларни гапиравериб уларни ёмон отликқа чиқарадиган ўзимиз...

— Ҳа,— Махсум бўшашди,— шундай қилиб ўғлимнинг танлагани бор, буни келин қилмайман денг?

— Ҳа, умр-мураса қилувчи мен эмас, ўғлим бўлади. Шундай экан, унинг танлаганини олиб бераман-да, Махсум.

— Кимни танлабди? Бизнинг колхозданми?

— Эшитган бўлсангиз керак?

— Йўқ, кампир, асло хабарим йўқ.

— Айтсам жаҳлингиз чиқмайдими?

— Нега энди, гапираверинг.

— Сизнинг жиянингиз Ашуралининг қизини танлаган. У ҳам ўғлимни яхши кўради.

— Бўлмаган гап!

— Нега бўлмаган гап бўларкан.

— Нега деганда, уни Миробидга кўнгил қўйган, деб эшитганман. Агар рост бўлса, яқинда икковлари бозорга тушишган эмиш. Эғнидаги фасон пальтони кўрдингизми?

— Ҳа, кўрганман.

— Ушани Миробид олиб берган эмиш. Яна томошага ҳам тушишипти. Миробидга кўнгил қўймаган бўлса, у билан бошлашиб кинога кирармиди?

Ҳожия холанинг тили айланмай қолди. Безгак тутаётган бемордек қалтираб, нима дейишини билмай ҳайрон бўл-

ди. Чунки бир вақтлар Ҳожия холага: «Миробид акам духоба пальто ваъда қилдилар», деган эди. Мана ҳозир ўша гапни хаёлидан ўтказган хола, Махсумнинг гапларига ишонгандек безовталана бошлади. Бироқ Муҳаббатга бўлган ишончи ғолиб келиб, бир неча минут сукунатга кетган кампир очиқ айтиб қўя қолди:

— Ишонгим келмайди. Муҳаббат унақа қизлардан эмас. Бозорга тушган бўлса бордир, аммо у билан тил бириктиришга кўнглим чопмайди. Рустамни ёқтирмаса Миробид сўтакдан бошқаси қуриб қоптими?

— Ҳозирги ёшлар шайтонни йўлдан уради. Рост бўлмаса, Миробид бекорга пул сарф қилиб пальто олиб берармиди? Эрта-индин одам қўяман, деб юрганмиш. Қишлоқда тузукроқ ким ҳам қолди?

Чолнинг гапларига қулоқ солиб ўтирган Ҳожия хола-нинг мияси гангиб қолди: «Ким билсин, балки ростдир? Анчадан бери келмай ҳам қўйди. Мен унинг ичидагини қаёқдан биламан...» Бу хаёлдан бош кўтариб, шартта деди:

— Ихтиёри ўзида, кимни хоҳласа ўшанга тегади. Рустамжонга насиб қилгани ҳам бордир!

Шу пайт Светлана вақиллаб қайнаб турган самоварни кўтариб келиб, холанинг ёнига қўйди. Кейин дастурхон, чойнак-пиёла олиб чиққани ичкарига кириб кетди. Холанинг хафа бўлганини сезган Махсум кўнглини кўтармоқчи бўлди.

— Ҳожия, хафа бўлмасангиз ҳам бўлади. Жияним ҳам сиз айтгандек чиқмади.

Ҳожия хола индамади. Бундан ортиқ ўтиришнинг ишга зарари тегишини билган Махсум ўрнидан кўзгалди. Уйдан дастурхон олиб чиққан Светлананинг «ўтиринг» дейишига очиқ юз билан:

— Спасибо, қизинка!— дея калишини кия бошлади. «Эрталабки муштдан ҳам қуруқ қолма» деган мақол эсига тушдими, жириш нондан бир чимдим оғзига ташлаб, ташқарига чиқди. Бир оз юргач, совуқ таъсир қилдими, рўмолини яна салла қилиб, бошига ўради. Қадамни тезлатди. У жуда мамнун эди... Келгани жуда яхши бўлди. Ҳожия жаҳл билан Муҳаббатга бир-иккита гап қилса, Рустамнинг олдидан келган қизни эшитиб жон-жаҳонни куйиб юрган жиянининг кўнгли совиб қўя қолади. Шундан кейин маслаҳатига кўнса ажабмас. Иши юришиб кетади. Кўнгли тинади. Рустамга қараганда Миробид мўмин-қобил, ундан минг марта яхши! Рустам янгича... Агар Муҳаббат унга

тегиб, икки янгича бир бўлса борми, Махсумни бир чеккага чиқариб қўяди. Жиянини Миробидга берса-чи, унда пичоғи мой устида бўлади. Иззат-икромга кўмилиб кетади...

Махсум йўл бўйи шу хаёллар билан бўлиб Муҳаббатларникига етиб келганини ҳам сезмай қолди. У ҳовлига кириши билан гапира кетди:

— Санобар, Санобар! Тинч ўтирибсанми, келин?

Санобар опа кеча ҳамма гапни эшитган эди. Кўнгли хира бўлиб туни билан аллақандай тушлар кўриб чиқди. Анчадан бери тушига кирмайдиган эри юзига қарамасмиш. Эрталаб туриб Муҳаббатдан яширинча йиғлаб ҳам олди. Кейин бир вақтлар гул бостириб қўйган дўппини олиб, эрмак қила бошлади. Махсум товуш берганда ҳам қизининг ўйи билан банд эди. Махсумни кўриб ишини йиғиштирди. Эри ҳурмати, унинг истиқболига юрди. Кўнглидан: «Яна келяпти, бугун-эрта миямни қоқиб қўлимга берадиган бўлди!» деган гап ўтди. Шундай бўлса ҳам ўзини босиб олиб сандал четига кўрпача солди.

Калишини ечиб, ўзини сандалга урган Махсум ака бир оз исиниб олгач:

— Бугун ҳам қизинг йўқми?— деди оила бошлиғидек.

— Шу ерда, мулла ака. Уйда ўтирипти. Хат ёзяпти.

— Ҳа, яхши!— хотиржам бўлди чол.— Муҳаббат! Ҳо, Муҳаббат! Бу ёққа чиқ, қизим!

Ичкаридан чиқиб келган Муҳаббат саломлашгач, сандалнинг ўнг томонига ўтиб ўтирди.

Махсум режалари юзага чиқиб қолганидан гапни чўзмоқчи эмас эди. Шунинг учун гапни керак ердан бошлаб қўя қолди:

— Қизим, сенга бир-икки оғиз гапим бор эди. Оғир ботмаса айтаман. Отанг ўрнида отангман, сенлар тинч — мен тинч.

— Гапираверинг, амаки!

— Энди, қизим, биз қариб қолдик. Ҳозирги ёшлар қарини одам ўрнида кўрмай қўйишган. Аслида қариялар табаррук бўлади. Қари билганни пари билмайди, дейдилар. Бригадир бўлмагин, бўлмагин, деб жағим оғриди. Гапимга қулоқ солмадинг. Мана, оқибати шуми? Ҳали қиш. Шу вақтданоқ ярим кечагача идорада қолиб кетасан. Эртамнинг уйингга келиб ётгани ҳам вақт тополмай қоласан. Ёзу биз учун яхши бўладими? Мен шунақанги бўлишини билган эдим. Ҳали қараб тур, бундан кейин қуруқ туҳ-

матлар бошингга ёғилади. Маҳалла-кўй ўртасида иснодга қолдирмасанг, деб қўрқаман.

— У нима деганингиз, амаки? Нима қилибман?— деди Муҳаббат амакисининг гапларига тоқат қилолмай.

— Киши шарманда бўлганини ўзи билмай қолади, қизим. Мана, бўйинг етди, тузукроқ ердан чиқса узатайлик, орзу-ҳавас кўрайлик, деб кўп гапирдик. Эшитишимга қараганда, хоҳлаганинг бор экан. Авваллари жаҳлим чиқди! Бизнинг зотимизда қиз бола биронтасини хоҳлаб эрга теккан эмас. Сен бошлаяпсан. Хафа бўлсам ҳам, замонасига яраша, деб қўя қолдим. Хўш, энди нима бўлди? Элу юрт олдида қандай бош кўтариб юрасан? Сенга қилган яхшилиги шу бўлдими? Таги паст пастлигига борди. Энди қалайсан?

Ҳамма гапдан хабари бор Муҳаббат чурқ этолмай ерга тикилди, ерга тикилганича жим ўтираверди.

— Нега индамайсан, гапир. Бийрон эдинг-ку!

Муҳаббат бу гал индамади. Бўлган гапни туни билан минг бир тарозига солиб чиққан Санобар опа орага тушди:

— Қўйинг, амакиси, ўзининг етим ўсгани ҳам етар. Пешанасидагини кўрар!— Она кўзига ёш олди.

Муҳаббат чидаб ўтиролмай ирғиб ўрнидан туриб, уйга кириб кетди. Унинг ҳам ўпкаси тўлган эди. Ўзи ҳам кечаси билан озмунча қийналдими! Ўйлаб-ўйлаб ўйининг охирига етолмасди. Рустамнинг анчадан бери хат ёзмай қўйганини ҳам шунга йўйган эди. «Шундай нияти бор экан, очиқ айтиб қилавермайдими? Нега яширади?» деб хуноб бўларди. Очиғини айтса, гўё оғир ботмайдигандек эди.

Рўмолининг учига кўзини артиб олган Санобар опа Махсумга қараб, жуда нозик нарсани илтимос қилаётгандек андиша билан сўради.

— Суриштирдингизми, мулла ака, шу рост гап эканми?

— Ўз кўзим билан кўриб келдим. Бу гапни мен кеча эшитган эдим. Аввал сенга ўхшаб ишонгим келмади. Кейин, балки ростдир, ҳозирги йигитларнинг тайини борми, буниси чиройлироқ кўрнниб қолган бўлса оққан-қўйган, деб ўйладим. Жигар экан-да, ётиб ухлай олмадим. Эрталаб ўрнимдан туриб Ҳожиянижигига бордим. Келини ҳовлисидаги қорни кураётган экан. Онаси Ҳожия билан сандалда ястаниб гаплашиб ўтирипти.

Санобар опанинг нафаси оғзига тикила бошлади. Унга ҳаво етмаётганга ўхшарди. Махсумнинг оғзидан чиқаётган ҳар битта сўз токдек миясига тегиб, икки қулоғини

шип битириб қўйди. У «Наҳотки? Наҳотки?» дерди, холос.

— Энди бўлар иш бўлди, келин! Емоннинг бети қурсин,— яна гап бошлади Махсум.— Қизингни кўндир. Уша мен айтган ишни қилайлик. Сен ҳам тинчи, мен ҳам тинчий!

Санобар опанинг ҳуши ўзига келди:

— Ким? Уша Миробидгами?

— Ушанг нимаси? Ҳали ҳам бўлса Миробидда ҳаё бор. Кеча олдимга келувди, ҳамма гапни эшитипти. Шундай бўлса ҳам, юрагига қўл солдим, ҳали ҳам кўнгли бордай. Кел, қизингни кўндир, келин. Энди кутишдан фойда йўқ.

Санобар опа барча бўлиб ўтган гап-сўзларни бир-бир хаёлидан ўтказиб, бўшашди:

— Кўнармикан?

— Кўндир-да. Обрўйи бир тўкилишга тўкилди. Энди ўйлашиб совчи келади. Бу томонини ҳам очиқ айт. Лаънати калта дум шаънимизга доғ тушириб кетди,— Махсум кўзига ёш олган бўлди.— Унга ҳам тикилган бало бордир. Укамнинг арвоҳи ёқасидан тутади!— Махсум бошига салла қилиб ўраган рўмолчасини олиб, титраган қўллари билан нурсиз кўзларини артди.— Шундай, келин, энди бўшаштирма. Сен бугун қизинг билан гаплаш, кўндир.— У товушини пасайтирди:— Қизингдан хабардор бўлиб тур, тагин ўзини бир нарса қилиб қўймасин!

Титраб кетган Санобар опа «йўғ-эй» деб юборди.

— Эҳтиёт шарт, келин! Мен кетдим. Эртага хабар оламан, пишитиб қўй.

Санобар опа чурқ этолмади.

## 15. НОТАВОН ОШИҚ

Район ижроия комитетидан чиққан Муҳаббат трамвай остановкасига қараб кетди. У бошини қуйи солганича кўзи билан ер чизиб борарди.

Кечаги гапдан бери дардини ичига ютиб юрган Муҳаббатнинг ранги сарғайиб, кўзлари киртайиб қолган эди. Райижрокомда унинг сўлиб тушганини кўрган танишлар: «Сизга нима бўлди, тобингиз қочдимиз? Докторга кўрсатинг!»— деб маслаҳат беришди. Қошки дарди доктор тузата оладиган дард бўлса экан! У чиндан ҳам озиб-тўзиб



кетган, кўзларидаги оловлар сўнганга ўхшар эди. Трамвай кутиб турган ерида ҳам фикри-зикри Ҳожия коланинг уйига келган меҳмонларда эди. Эрталаб колхоз идорасига кета туриб, йўл-йўлакай Кароматларникига кириб, ундан очиқ-ойдин сўраб билмоқчи бўлди.

Миш-мишлар ва амакисининг гапига ишонгиси келмаган Муҳаббат гапнинг анигини Кароматнинг оғзидан эшитгач, астойдил ишонди. Ушандан кейин Рустамнинг севгиси қалбаки экан, деган фикрга келишга мажбур бўлди. Ушандан бери мясини чулғаб олган хаёллар уни ўз ҳолига қўймасди. Уйлайвериб боши қотди.

Муҳаббат хаёл билан трамвайга чиқиб, бир чеккага ўтирди. Фикрини йиғиб, билет учун энди пул узатган эди, пиллапояда пайдо бўлган Миробид: «Шошманг, Муҳаббатхон, ҳозир ўзим оламан», деб унинг қўлини қайтарди. Билет олиб, Муҳаббатнинг ёнига келиб ўтирди.

Муҳаббатнинг юрагига шу пайтда қил сизмас эди. Қани энди ҳеч ким индамаса-ю, қирга чиқиб кетса! Ҳеч ким йўқ жойга бориб, товушининг борича бақириб йиғласа, юрагини бўшатса! Уйда йиғлагани онасидан истиҳола қилади. Онасининг яримта кўнгли эзилади. Шу Муҳаббатни деб ёшлигида бева қолган бўлса ҳам, бошқа турмуш қилмади. «Бир эр бўлса кўрдим, энди қизимнинг бахтини берсин», деди. Мана ўша бахт тилаган қизи эрга тегмай бева бўлиб ўтирибди! Муҳаббат яхши биладикки, онаси ундан баттар куйиб кетяпти. Бечора, кечаси билан уҳ тортиб чиқди. Шунда ҳам ўзининг қийноғи кўзига кўринмай, нуқул қизига: «Уҳла, болам, эртага ишинг кўп. Хаёлингни бузма!» дерди. Муҳаббат бўлса онасини овуларди. Эрталаб Муҳаббат йўлга чиқар экан, кичкина боладек унга тайинлаб қолди:

— Машина, трамвайлардан эҳтиёт бўл!

— Хўп, ойижон, хавотир олмай ўтиринг!

Кўрғондан чиқаётганда Муҳаббат орқасига назар ташласа, онаизор қизининг изидан қараб турибди. Кўзида ҳалқа-ҳалқа ёш! Муҳаббатнинг кўнгли баттар эзилиб кетди.

Муҳаббат шуларни эслаб борарди. Ҳатто ёнига Миробид келиб ўтирганини ҳам унутган эди. Миробид бўлса «Нимадан гап бошласам суҳбатимиз файзли бўларкин?» деб режа тузарди. У кеча Махсумдан «ҳисобот» олган, назарида ишнинг бориши дуруст эди. Энди шу ишнинг

ривожи учун ўзи ҳам яна йўл қидирарди. Охири ўйлаб-ўйлаб, гапни узоқдан бошлади.

— Баҳор ташвишида юрибсиз шекилли?

— Юрмасак бўлмайди. Қаргаларнинг куйиб-ёниб қариллашини эшитяпсиз. Бу баҳорнинг яқин қолганидан ноласи.

— Энди, Муҳаббатхон, бунақа нарсаларни сиз биласиз, деҳқон қизи — деҳқонсиз. Бизларга тўрт фасл баравар. Мол бўлиб турса, план тўлса бўлгани. Ҳа, айтгандек, пальтонгиздан хурсандмисиз? Ўртоқларингизга ёқдими?

— Ярашипти дейишяпти, ишқилиб.

— Ҳаваслари келиб, кўзлари ўйнаяпти денг? Ўзи бир учраб қолди-да. Бахтингиз бор экан...

Муҳаббат ичида: «Шу ҳам бахт бўлса ўлсин!» — деб индамади. Суҳбат узилиб қолди. Миробид гапни яна нимадан бошлашини билмасди. Лекин у Муҳаббат билан узоқроқ ҳамсуҳбат бўлиш ниятида эди. Гап топгунича трамвай ҳам шаҳар четидаги охириги остановкасига келиб тўхтади. Биринчи бўлиб ўрнидан турган Муҳаббат орқадан тушмоқчи бўлган эди, Миробид уни тўхтатди:

— Милиционер ҳуштак чалиб қолмасин, қизартирганига арзимамайди.

Муҳаббат олдидан тушди. Сўзига кирганидан Миробид яшнаб кетди. Дарров муддаога қўча қолди:

— Менинг қорним пиёз пўсти бўлиб кетди. Авзоингиздан сизники ҳам тўққа ўхшамайди. Юринг, шаҳарга тушган колхоз машиналари қайтгунча овқатланиб оламиз. Барибир ҳозир машина йўқ.

— Қани, кўрайлик-чи, зора ўтиб қолса.— Муҳаббат розилик бермади.

Машина кута бошлади. Чиндан ҳам ҳеч машина ўтмасди. Муҳаббат зериккандек бўлди.

— Машина ўтмаяпти-ку.

— Елгон гапираманми сизга, Муҳаббатхон! Машина бирор соатлардан кейин кўпаяди. Қани, юринг, бекор турганингиздан кўра, овқатланиб кела қолайлик.

— Қаерда овқатланмоқчи эдингиз?

— Райпонинг ошхонасида. Танишим бор.

Муҳаббат Миробидга эргашиб ошхонага кириб борди. Миробид Муҳаббатни энг четдаги стол ёнига ўтқазди, яна бир стулга қалпоғини қўйиб, ўзи пилдилаб қаёққадир ғойиб бўлди. Муҳаббатнинг чиндан ҳам қорни очган эди,

мажлис бунча чўзилади, деб ўйламаган экан. Бунинг устига, кечадан бери иштаҳаси ҳам йўқ.

Миробид ошпаз ўртоғини топиб, унга мўйлов қилди. То у иккита лағмон тўғрилзгунча буфетга ўтди. Стаканга қуйилган ароқни кўтариб туриб орқасига бир қараб қўйди. Закускага қурт шимиб, Муҳаббатнинг ёнига келиб ўтирди:

— Бирпас сабр қиласиз, Муҳаббатхон, ҳозир тайёр бўлади. Тузатиброқ лағмон бермоқчи. Бошқасига қарзмиз.

Икки юз грамм ароқ Миробиднинг тилини ечиб юборган эди. Гапириб гапини тугатолмасди.

— Нима бало, мунча сергап бўлиб қолдингиз? Ошпаз ўртоғингиздан тилингизнинг калитини олиб келдингизми?

— Булбул ёнимда ўтирганидан кейин булбул бўлман-да, ё бўлмайманми?

Муҳаббат унинг ичиб келганини энди пайқади ва қайриб ташлади:

— Бачканалик қилманг!

— Бачканаликмас, сизнинг ҳурматингиз.

Миробид чўнтагидан папирос чиқариб стол устига қўйди-да, ичидан биттасини суғуриб олиб, лабига қистирди. Олифталик билан тутунини буруқсатиб чекди. Бу орада овқат келди. Миробид кайф қилиб қолганидан, Муҳаббатни ҳам таклиф этмай ўзи ейишга киришиб кетди. Тугамаган папиросини ташлаб юборишга кўзи қиймай, тупуги билан ўчириб ёнига қўйди. Миробиднинг апир-шапир овқат ейишини кўрган Муҳаббатнинг иштаҳаси яна бўғилиб кетди. Бир-икки қошиқ олиб четга суриб қўйди. Миробид шундагина ҳушига келиб қолди:

— Ие, нега смайсиз? Олинг! Олинг, Муҳаббатхон!

— Тўйдим! Раҳмат!

— Ундай бўлса ихтиёр ўзингизда...— деди Миробид ва қосадаги овқатга ачингандек бир-икки қараб қўйди. Агар Муҳаббат: «Олинг, увол бўлиб қоляпти», деса еб юборишга ҳам тайёрдек эди.

Бунинг пайқаган Муҳаббат мийиғида кулиб, ичида: «Ҳа, хасислигинг очилиб қолди-я!» деб қўйди.

Улар кўчага чиқишди. Энди унинг оғзи ботирлашган эди:

— Сизга ачиниб кетяпман, Муҳаббатхон. Ҳаммадан ҳам сизга қийин бўлди. Шунақанги бетайин йигитларни чайнаб ташласам!..

— Хафа бўлманг. Кўргилик экан...— жўрттага шундай деди Муҳаббат.

— Тўғри, Муҳаббат, менинг куйинганим ҳеч қаяққа бормайди. Ҳар ҳолда йигитларнинг шаънига иснод келтирди-да. Уқимишли йигит, комсомол аъзоси эмиш. Минг лаънат шунақанги ўқимишликка! Сизни ишонтирганидан кейин ташлаб кетиши тўғрими, ахир? Йўқ, тўғри эмас! Ҳеч ҳам тўғримас!

Муҳаббат Миробидни бир оз босиш учун деди:

— Қўяверинг, бу унинг иши. Кўнглидагини топгандир-да.

— Уша танлаган қизи сиздан яхши бўптими? Кўрдим. Дидига қойилман, Ҳожия хола уйининг қути ўчадиган бўлди.

Муҳаббат индамади. Бирдан Миробид савол ташлаб қолди:

— Хўш, сиз энди нима қилмоқчисиз?

— Нима қилар эдим, бўлар иш бўлди. Узимни ўтгачўққа урармидим. Мен аҳдимни бузганим йўқ. Гуноҳкор эмасман. Лаънат унга келади.

— Тўғри, у сизнинг олдингида гуноҳкор. Сиздан воз кечган бўлса ҳам, ўшани деб юраверасизми?

— Ҳеч кимни демайман! Бўлди энди!— деди Муҳаббат қатъий.

— Шу билан ҳаммаси тамом бўлди демоқчисизми?

— Ҳа, ҳаммаси тамом бўлди.

— Янглишасиз, Муҳаббатхон. Агар сизнинг ўрнингизда бошқа қиз бўлганида шартта биттасига тегиб, унинг кўзини ўйнатган бўларди.

Катта йўл ёқасига етишгач, Миробид «энди машина тўхтатсак ҳам бўлади» деб ўйлаб йўлга кўз тикди. У баъзан оғир-оғир тебраниб кетар, баъзан уҳ тортар эди. Дам ўтмай Муҳаббатнинг бош-оёғига суқли кўз ташлаб қўярди. Нимадир демоқчи бўларди-ю, ботинолмас эди. Охири гап бошлади:

— Муҳаббатхон! Сиз бераҳмсиз. Севган кишининг аҳволидан хабар олмайсиз... Биласизми, мен сизни севаман. Бу тўғри, ишонинг, мени гуноҳкор қилиб, ҳар қандай жабру жафоларни бўйнимга ортиб қўйсангиз ҳам чидашга мажбурман. Бу ишқ яқиндагина пайдо бўлгани йўқ. Рустам кетмасдан илгари бошланган эди. Бироқ айтолмай юрардим. Чунки ошиқ-маъшуқларнинг орасига суқилиш йигитнинг иши эмас. Агар Рустам вафосизлик қилмаганида бу дардим ичимда қолиб кетган бўларди. Энди гапиришга тўғри келди. Сиз хўп десангиз, тўйни бошлаб юбора-

миз. Нима дейсиз, Муҳаббатхон? Сиздан ҳазар қилган Рустам бизни кўриб ўкинчи ичига тушсин.

Муҳаббат шартта кесиб, жавоб қилди:

— Мен турмушга чиқмайман. Майли, Рустам келиб, у билан мураса қилаверсин...

— Нега?

— Негалиги шуки, бир қалбимга икки севги сиғмайди. Севгисиз ҳаёт ҳаётми? Ўзига хат ёздим. Қани, нима деб жавоб қайтараркин? Балки бошқа важи бордир, балки ҳаммаси ғийбат, фитнадир.

Миробид бирдан ҳушёр тортиб кетди, шошиб қолди.

— Йўқ. Муҳаббат, бу рост гап. Ахир уларни йўлда бошлаб мен кўрдим. Холаникига олиб бордим. Ҳаммасини ўз қулоғим билан эшитдим. Рустам бирга тушган расмларингни ҳам бериб юборибди.

— Шошманг,— деди Муҳаббат Миробиднинг сўзини бўлиб,— нега бериб юборди экан!

— Қайдам...

— Ҳўш, мени унутган бўлса суратни йиртиб ташламай, бериб юборишдан мақсади нима? Ёки бевафолик қилган севгилисини кўриб юрсин дептими? Қизиқ!

Миробид сурат ҳақида гап очганидан ўйланиб қолди. У суҳбат чалкашиб бораётганидан чўчиб, «Қани, Муҳаббат, кетдик» деб кўча ўртасига тушди-да, ўтиб бораётган машинани тўхтатди. Муҳаббатни ўтиришга таклиф этди. Машина юриши билан Муҳаббатнинг пинжига суқилиб, хиралик қила бошлади.

— Кўп ўзингизни қийнаманг, жонгинам. Мен сизнинг майин сочларингизни силаб эркаловчи кишингиз бўлишни кўпдан орзу қилиб юрардим. Йўқ, деманг, розилик берсангиз, уй ичида ипакли кийгизаман. Маҳалла эмас, район бўйича сизнинг олдингизга тушадиган келич бўлмайди...— Қўлини аста олиб бориб унинг тиззаси устига қўйган эди, ҳуши ўзига келган Муҳаббат жеркиб ташлади:

— Шилқимлик қилманг. Рустам мени чиндан ташлаган бўлса, турмушга чиқишим мумкин, лекин шунда ҳам сизга эмас. Буни яхшилаб эшитиб олинг!

Шофер орқасига қараб қўйди.

Муҳаббатнинг гапидан сўнг қаддини ростлаб ўтирган Миробид гижинди:

— Ростми? Ростдан менга тегмайсизми?

— Ҳа, умидингизни узинг!— деди Муҳаббат чўрт кесиб.

Миробид икки-уч минут жим боргач, шоферга буйруқ қилди:

— Тўхтат машинани! Бу ёғига ўзи кетаверсин!

Муҳаббат мийиғида кулиб қўйди, ёнидан пул чиқариб шоферга узатди.

— Энди машина менинг ихтиёримга ўтдими?

— Ҳа, сизнинг ихтиёрингизда!— кулиб жавоб берди шофер ҳам.

— Ундай бўлса, қани, машинани бўшатиб қўйинг. Мен ўзим кетаман,— деди Муҳаббат Миробиднинг кўзига дадил қараб.

Миробид ҳеч нарса тушунолмагандек безрайиб ўтирган эди, шофер эшикни очди:

— Қани, яхши йигит, тезроқ бўшатинг, вақтим йўқ!

Шофернинг вазоҳатидан ҳайиққан Миробид кайфи тарқаб, кўча ўртасида қолди.

## 16. ЖАСОРАТ

Жанг кимнинг нимага қобиллигини ва унинг қалбида бор-йўғини очиб ташлайди. Бу ерда дардингни тил яширолмайдди. Биринчи мина атрофингда портлашидаёқ кўзингда аксини топиб, қалбингни очиб беради.

Рустам Шокиров ҳам шундай бўлди. Бутун ўқиш даврида кўзга ташланмаган, ҳатто баъзан кулгили ҳазилларга нишон бўлган бу оқ кўнгил, тўпори йигит, фронтда ўз ўрнини топиб олди.

Тўғри, Юнусов ярадор бўлган, Катя ном-нишонсиз йўқолган биринчи жангда кўп қатори, фақат командирларнинг буйруғи билан иш кўрди. Машқ пайтида, қулоғига кирганларни қўлашга ботинмади. Хато қилиб қўйишдан қўрқди. Унинг назарида душман ўқдан йиқилмайдиган бўлиб кўринарди, ундан қўрқинқираб юрди. Йўқ, кунлар ўз ишини қилди. Ундан кейинги тўқнашувда таваккал деб бир-икки мустақил ҳаракат қилди. Жанг қизиб турганда бундай қараса, бир тепалик орқасидан тўхтовсиз мина учяпти. Билдики, пулемётдан тўғри отиб уни йўқотолмайди. Ирғиб ўридан туриб чап қанотга ўтиб кетди. То ўша миномётлар кўрингунча эмаклади, кейин пулемётини ўша ерда бўлган бир дарахтнинг йўғон айрисига қўйиб, сидирғасига ўқ узди. Нима учундир ўқ узиш пайтида кўзини юмиб олган экан, бир вақт очса. миномётчилар миномётлари

ёнида думалаб ётибди, иккитаси пилдилаб орқага қочиб кетяпти. Уларни ҳам нишонга олди. Энди нима қилишини билмай турган эди, бирдан «ура» саздалари янграб, атрофидан жангчилар олдинга югуриб ўта бошлашди. Кейин билса, ўша миномётлар атакага халақит бериб турган экан. Бу таваккал қилинган жасорат оғизга тушиб, ҳатто полк командири қўлини сиқиб табриклади. Шу сабаб бўлди-ю, Шокиров ўзини тутиб олди. Кейинги яна бир тўқнашувда таваккал билан эмас, тадбир билан иш тутиб, бирдач сойдан чиқиб қолган бир тўда душман автоматчиларининг йўлини то ёрдам келгунча матонат билан тўсиб турди. Ана шу жангдан кейин Белоусов бир йиғилишда мақтаниб қўйди:

— Батальонимда Шокировга ўхшаганлардан яна беш-олтита бўлса, катта йўлга чиқиб олардим. Назаримда, одамнинг жасорати ҳам то вақти-соати келгунча денгиз тўлқинидай юракнинг тагида тинч ётади шекилли-да. Бутун ўқиш даврида бирор иш билан Шокировнинг ялт этиб кўринганини эслолмайман.

— Фронт катта синов,— гапга аралашди рота командири Дмитриев,— ўша олган илмларидан энди имтиҳон беряпти.

— Ҳаёт имтиҳонидан ўтяпти, денг.

— Бу ҳам тўғри.

Бу гаплардан, албатта, Шокиров беҳабар эди. У кўн қатори ҳаёт кечирар, Муҳаббатдан хат кечикиб қолишидан ташвишланар эди.

Пулемётчиликни асл касбим деб танлаб, уни астойдил ўргана бошлаганда лейтенант Иброҳим Исаев халақит бериб қолди. Одатдагидек сиполик билан кириб келган Исаев индамасдан Шокировнинг қўлидан қўл пулемётни олиб бир четга қўйди:

— Буни бошқа бировга топширамыз.

— Ўзи нима гап, Иброҳимжон?

— Автомат осасиз энди. Разведкачилик қиламыз.

— Йўғ-э, унга ўқиган эмасман!— деди одатдаги соддалиги билан Шокиров.

— Ҳамма нарса ҳам ўқиб ўрганаверилмайди, бу ишга юрак билан жиндек фаҳм бўлса бўлди.

Шокиров ҳеч нарса тушунмасди.

— Элат,— деди охири Шокиров,— мундоқ тушунтиринг, ўзи нима гап?

— Гап шу: менинг разведкачилар вазодимни сизлар-

нинг батальонингизга юборишди. Шу ерда ишлаймиз. Езводим тўламас. Шу ердан кишилар танлаймиз. Бу ҳақда буйруқ олганман. Кимни десам шуни беришади. Ахир, бу разведкачилар! Жумладан, рўйхатда сиз ҳам борсиз. Ё нотўғри қилибманми? Ҳали бу билан ҳам қутулмайсиз. Ўзингиз билган эпчил йигитлардан бир-иккитасининг номини ҳам айтасиз.

— Иш катта-ку, ўртоқ Исаев.

— Полк разведкачилари взводи бўлади-ю, иши кичкина бўладими? Полкнинг энг абжир жангчилари шу взводда бўлиши керак.

— Иши ҳам шунга яраша бўлса майлику-я,— деди Шокиров Исаевнинг баланд кетганидан ўнғайсизланиб. Бундай гапларни Исаев гапираётган бўлса ҳам Шокировни тер босди. У индамади.

Шу куни кечқуруноқ уни лейтенант Смирнов чақириб қолди:

— Ҳа, ўртоқ Шокиров, разведкачиликни орзу қилиб қолдингизми? Бизники ёқмадими?

Шокиров ҳайрон бўлди:

— Нега ёқмайди?

— Розилик берибсиз-ку! — Смирнов қараса, Шокировнинг қулоғигача қизариб кетяпти, бу иш Исаевнинг эпчилиги эканини биларди, дарров далда берди: — Майли, ўртоқ Шокиров, ўтганингиз яхши. Разведка полкнинг кўзқулоғи, сиздек йигитларнинг унда бўлгани яхши.

Шу суҳбатдан бир соатча вақт ўтгач, яна Исаевнинг ўзи келди:

— Қани, Рустамжон, кетдик!

Ана шу кундан бошлаб Шокиров разведкачи бўлиб, кундузи ухлаб, кечаси «ов»га чиқади.

Шокиров разведкадан тонгга яқин қайтган бўлса ҳам, узоқ ухлолмади, уйқуси қочди. «Нега Муҳаббат хат ёзмай қўйди?» — шу ташвиш уни бир неча кундан бери безовта қиларди. Ўйлаб ўйининг охирига етолмасди. Бугун ҳам шу фикр уйқуни кўзидан барвақт қувди. У ертўладан ташқарига чиқди. Кундан бирпас кўзини очолмай турди. Атроф жимжит. Ҳаво очиқ, лекин кун совуқ, худди қуёшдан совуқ игналар ёғилаётганга ўхшайди. Кузатувчилардан бошқа ҳамма ертўлаларда. Баъзи ертўлалардан кўкка тутун ўрмалайди.

Шокиров қаёққа боришини билмай, ертўланинг лабига ўтирди. Наҳот, фронт ҳам шунақа жимжит бўлса? Мамла-



кат ичкарисидаги бирор одамга айтсанг ишонмайди. Муҳаббат ишонармикан? У ишонади, Рустам нима деса ишонади. Рустам ҳам унга ишонади-ку, демак, у ҳам ишониши керак. Ё ишонмасмикан? Йўғ-э, ишонади, албатта, ишонади! Шу пайт миясига: «Бир немисларнинг гашига тегиб қўймайсанми?» деган фикр келди. Тезда ичкари кириб Исаевни уйғотди.

— Ие, ухламай, нима қилиб юрибсиз? — деди Исаев ҳайрон бўлиб.

— Тўйдим. Уйқу одамни семиртиради.

— Тўғри, разведкачига семизлик тўғри келмайди. — Исаев ирғиб ўрнидан туриб кийинди. — Хўш, нима гап? — Шокиров режасини айтиб берди.

— Бўлганда қандай? Қани, бошланг! Нима, керак?

Шокиров бир қоғозга ёзиб берди. Вазодидан чиққан бу ташаббусдан севиниб кетган Исаев елиб-югуриб аллақайёқдан бир қоп ва қора бўёқ топиб келди:

— Бўладими? Бўёқ-чи, етадими?

— Жойида!

Шокиров ишга киришди. Дарров тўрға поя ёғоч топиб келиб, рамага ўхшатиб бир-бирига михлади, унга қопни тортиб расм чизишга киришди. Эшикнинг тагида Исаев ҳеч кимни яқин келтирмай пойлоқчилик қилиб турди. У ҳаммани бирдан қойил қолдирмоқчи эди.

Тушдан кейин Шокиров ишини тугатди. Рамадан кўзининг соққаси ўйнаган савдойи Гитлер қараб турарди.

— Энди қаерга қўямиз буни? — сўради ўз ишидан мамнун бўлган Шокиров.

— Қош қорайсин, жойини ўзим топиб бераман!

Кеч киргач, Исаев суратни икки-уч солдати билан олиб бориб тун қоронғисида душман билан ўзимизникилар ўртасида бўлган очиқликка қўйиб келди. Исаев кутганидек, буни немислар дарров пайқай қолмади. Ой чиқди. Тун ёриди, лекин душман суратни ҳали ҳам пайқамасди. Ёки пайқаса ҳам индамас эди. Исаевнинг фикрича, немислар жуда типирчилаб қолишлари керак. Чунки суратга ўқ отолмайдилар!

— Ўғирлашга одам юборади! — деди Шокиров. — Бизга шуниси керак.

Тонг отгунча ҳам ҳеч нарса бўлмади. Сабри чидамаган Исаев ҳафсаласи пир бўлиб, Шокиров билан яна икки кишини кузатишга қўйиб, ўзи ертўлага қайтди. Сал ўтмай, тасир-тусур бошланиб кетди.

Иш Шокиров айтгандай бўлди шекилли, суратга иккитаси эмаклай бошлади. Уларнинг кетидан яна бошқаси кўринди. То улар суратга етиб келгунча Шокиров сабр қилиб, автоматини тўғрилаб ётаверди. Суратга уч метрча қолганда ёнидаги шериги билан «ўлжа»ни тақсимлаб олиб, ўт очди. Сурат ўғрилари етиб келган жойларида ер тишлаб қола қолишди. Ундан кейин душман томонда шов-шув бўлиб турди-ю, лекин суратга ҳеч ким келмади. Аламига чидалмаган душман бирпас мичомётдан тусмоллаб ўқ ёғдирди.

— Бу ҳам бизнинг фойда, — деди Шокиров шеригига, — ўқининг камайгани яхши!

Исаев ана шу отишмадан уйғониб кетган эди.

Шундан кейин кечгача майдон жим турди.

— Энди тунда ўғирлайди! — деди Исаев постларни алмаштирар экан. — Эҳтиёт бўлинглар. Арзонга бериб қўйманглар. Бир кило қоракуя билан битта эски қоп кетган-а!

— Тўғри, — кулиб қўйди Шокиров. — Аслида у махлуққа эски қоп ҳам ҳайф!

Ҳақиқатан ҳам кечаси ўғирлаб кетибдилар, лекин эвазига ўша атрофда беш-олтита мурда сочилиб ётарди.

— Майли, шунга ҳам розимиз, нима дедингиз, Шокиров, битта эски қопнинг нархи шунча бўлар-да бозорга олиб борганда! Ё қимматми? Қимматмасдир!

Бу жанговар эрмак ташаббускори Шокиров яна оғизга тушди. Белоусов буни «жангчининг чечанлиги, топқирлиги» деб атади.

Фронтда кўзга кўриниб, тилга тушган жангчининг обрўйи билан баравар хизмати ҳам мураккаблашади, энг оғир ва масъулиятли топшириқ унга юклатилади. Тез кунда Шокиров шундайлар қаторидан ўрин олди.

Муҳаббатнинг ёзмай қўйганидан Шокиров ҳайрон бўлса ҳам, лекин кўнгли тинч ва муваффақиятларидан мамнун эди. Шунда ҳам баъзан ўй суриб кетарди: «Амакис: яхши одаммас-да, бетинч қилса ўша бетинч қилади Муҳаббатни. Ё почта йўлда тугилиб қолаётганмикан? Ундай деса, бошқалар олишяпти-ку! Йўқ, бу ерда бир бало бор...»

Бирдан Шокировнинг кўнглига ғулғула тушди. Ирғиб ўрнидан туриб, Иброҳим Исаевни қидириб кетди. Аксига у ҳам бу атрофда кўринмас эди. Уни қидириб бирдан қўшни окопдаги бир ҳангама устидан чиқиб қолди.

— Қайтдим, ичак-чавоғини ағдариб ташлайман,

— Хўш, кейин нима бўлади?

— Унга ҳам йўқ, менга ҳам. Дунёда битта ифлос кам-да.

— У-ку яна сеникига ўхшаган биттасини топиб олади, икки ўртада сенинг умринг қийноқда қолиб кетади, тўғри-ми, Шокиров? — унга мурожаат этди фиғони кўкка чиқиб кетган қўшинисини тинчитаётган Карпаков, жуда хотиржамлик билан.

— Узи нима гап? — сўради Шокиров.

— Бир қиз билан юрар экан, эр қилиб кетиб қолибли. Шокировнинг юраги шиғиллаб кетди. Кўзи олдига Муҳаббат келди.

— Йўғ-э! Нега эр қилиб кетади? — деди Шокиров ажабланиб.

— Ё пастигидан, жўн одамлигидан, ё севгиси ёлгонлигидан, — деди кулиб Карпаков

Бу жавоб Шокировнинг ҳушини ўзига келтирди, кейин тажрибали кишидек салмоқлади:

— Агар ўзи жўн одам бўлса-ю, севги даъвосини қилиб юрган бўлса — ёлгон, севгани ёлгон. Ундан қутулибсан, дўстим, ачинма, хурсанд бўл. Борди-ю, яхши одам бўлганида эр қилиб кетмас эди, чин севгини юракдан чиқариб ташлаш учун юракнинг ўзини кўкракдан юлиб ташлаш керак.

— Мана, кўрдингми, дўстим, — деди фикрига Шокировнинг қўшилганидан дадилланиб Карпаков, — масаланинг тагини Шокиров очди. Энди сен хафа бўлмай қўя қол. Ёмоннинг бети қурсин.

Шу маҳал ташқаридан Исаевнинг товуши келди. Шокиров ертўладан чиқди. Лекин унинг хаёли ертўлада, бояги гапларда эди. Энди кўз олдидан Муҳаббат ҳеч кетмай қолди. Назарида эр қилган нуқул ўшанга ўхшаб кўринарди. У Исаевни қидириб чиққанда Муҳаббатдан хат келмаётганининг сабабини кўпроқ почтадан кўраётган эди, энди эса Муҳаббатнинг ўзига тақай бошлади. Айбдор Муҳаббат. Шундай бўлса ҳам Исаевга мурожаат этди:

— Иброҳимжон, уйдан хат-пат олдингизми?

— Нима эди?

— Бизникидан хабар йўқ. Тинчликмикан, ишқилиб?..

— Бунинг йўли бор, дўстим, хавотирланманг. Мен буғуноқ, уйимга, Раҳимахонга хат ёзаман. «Хатни олгач, Ҳожия холамники билан Муҳаббатхонларникига бор. Тинчликларини дарров хабар қил», дейман. Олам гулистон! Бунақа ишларга бизнинг хотин чаққон!

Аслида Шокиров ҳам шуни илтимос қилмоқчи эди, Исаев қорни тўқлик қилиб, олдин айтиб қўйганидан кейин Шокиров миннатдорлик билдириб қўя қолди:

— Болаларингиз бор, алахситиб қўймасмиканмиз?

— Ие, қизиқмисиз, Рустамжон! Шунақа кунларда бири-биримизнинг кунимизга ярамасак, қачон яраймиз? Баҳона билан қишлоқларингни кўриб, шамоллаб келади. Ҳа, айтгандек, Рустамжон, — деди топшириқ эсига тушиб Исаев, — бугун пистирмага борасиз-а! Қўйинг, бунақа миш-мишларни, хаёлингизни бузманг. Бориб яхшилаб дам олинг.

Шокиров ертўлага кириб чўзилди-ю, барибир ухлолади. Эр қилиб кетган ўша қиз хаёлидан кетмас эди. Бу воқеа унга қаттиқ таъсир қилган эди.

— Э-ҳа, ҳалиям ётибсизми? Қоронғи тушиб кетди-ку, туринг, кийининг. Чуқур жардаги анавиларнинг ўрнига борар эканмиз, — деди Туманов кириб.

Шокиров дик этиб туриб, тезда кийина бошлади:

— Фрицларга қўшни бўлар эканмиз-да.

— Ҳа, шундай, қўшни бўламиз. Кечаси билан нағмасини эшитиб чиқамиз. Лаънатиларнинг ҳатто соясига ўқ отгим келади.

— Уларнинг соялари ҳам заҳарли дейишади.

— Тўғри айтасиз, уларнинг сояси тушган ерда ўт ҳам кўкармайди. Ханжар эсдан чиқмасин, Шокиров!

— Олдим.

— Йўлни биласиз-а, қисқасини?

— Ҳа.

— Бўлмаса кетдик.

Ҳали ой чиқмагани учун ҳамма ёқ қоронғи. Фақат еру заминни қоплаган оппоқ қорнинг оқлигигина ёруғлик сочиб турибди. Улар энг олдинги қатордаги окопларга етиб, энди чапга — жарликка бурилиб кетмоқчи бўлиб турганларида, бирдан осмонда немис самолёти пайдо бўлди. Мудофаа тепасидан бир айланиб ўтиб, «бетараф ер» устига ракета-парашют ташлади. У ҳамма ёқни ёритиб аста-секин пастга туша бошлади. Унинг ёруғи кучли эди, бунинг устига шошмасдан тушиб келарди. «Бетараф ер»нинг бир қисми кундузгидек бўлиб кетди. Ракета ёритган бу участкада одам тугул паррандани ҳам кўриш мумкин эди. Самолёт яна бир доира ясамоқчи бўлиб учиб кетди. Ракета разведкачилардан ўнгроққа тушмоқда эди. Шундай бўлса ҳам иккала ўртоқ ерга қапишиб олди. Туманов Шокировнинг елкасига туртди:

— Қани, кетдик, оғайни, бўлмаса ишимиз чатоқ бўлади, эндиги ракета бизнинг тепамизни ёритиши мумкин. Унда узоқ ётиб қоламиз. Пайқаб қолишса, автоматни ҳам, пулемётни ҳам, снарядларни ҳам аямайдилар биздан.

Икки дўст ўрнидан туриб, қисқа-қисқа югуриб жарликка тушиб кетди. Улар шохлари тарвақайлаб кетган ёввойи дарактлар тагига кириб, яшириниб олишди. Бу вақт самолёт нурли ракетасининг иккинчисини ҳалигина улар ётган ерга ташлади.

— Ҳа, лаънати, бирор шум ниятинг бор-ов, бу кечаси... — деди Туманов.

— Яхши ниятли кечаси ҳам борми уларнинг? — деди Шокиров.

— Ҳар куни бунақа барвақт бошламас эди-да.

Разведкачи самолёт «бетараф ер» устидан ҳамон айланар эди. Ҳамма нарсани синчиклаб кузатарди. Бир-икки айлангач, қуруқ қайтмаслик учунми, уч-тўртта бомба ташлаб, кўздан ғойиб бўлди.

Самолёт кетиб, ракета-парашют сўниб бўлгач, Туманов билан Шокиров яшириниб ётган ерларидан чиқиб, манзилга йўл олишди. Йўл ботқоқлик ва чакалақзордан ўтарди. Дам ўтмай юзларини соғуқда қотган хивичлар саваларди. Баъзан сирғаниб кетишарди. Улар душманнинг чап флаңгига, на танк, на машина юра оладиган, соғуқ тушгунча билчиллаб ётган ерга ўтиб бормоқда эдилар. Бу ердан душман энди фойдаланиши мумкин эди. Мақсад у ерда эрталабгача пистирмада туриб, душманнинг хағти-ҳаракатини кузатиш.

Иккала дўст командир тайинлаган нуқтага етиб атрофни кўздан кечирди: қорлар босилган, оёқ излари...

— Бу ерда одам юрган-ку? — ажабланди Шокиров.

— Мен ҳам шунга ҳайронман, — деди Туманов изларни текшириб, — бу бизнинг кеча кечаси келган разведкачиларнинг изи эмас. Биринчидан, улар ҳу анави ерда бўлишган, иккинчидан, улар пиймада. Бу пийма изи эмас, этик эзи. Демак, душманники. Қўлида таёғи ҳам бор. Ҳалигина ўтган.

— Демак, жуда ҳушёр бўлишимиз керак.

— Шубҳасиз. Қани, оқ маска халатни кийинг. Кўзни тўрт қилинг.

Разведкачилар қулай ер топиб, кузата бошладилар... Теварак атроф сув сепгандек жимжит. Баъзан тун бўйи машъум овоз билан мудофаа устида бетиним учиб юради-

ган немис самолётларидан ҳам дарак йўқ. Онда-сонда узоқда отилиб турган милтиқ товушини ҳисобга олмаганда тинчлик даврини эслатадиган бу жимжитликдан ажабланган Шокиров яна ҳушёрлашди.

— Бу бир шумликнинг бошланиши бўлмаса эди! — деди у Тумановга.

— Эҳтимол.

Туманов папирос тутатиб, енгиди чекди. Шокиров хаёл сурди:

— Шу ердан кечаси ўтмоқчи бўлиб, кундузи кўздан кечириб кетган бўлсалар нима дейсан, Туманов?

— Бу тўғри! Топдинг, Шокиров, — бирдан жонланиб кетди Туманов, — ҳар ҳолда фриц сайилга чиқмаган.

Лекин вақт ўтарди-ю, душман томонда ҳеч қандай ҳаракат сезилмасди. Разведкачилар энди ҳафсалалари пир бўлиб, зерика бошлашди. Шокиров увушган оёғини ёзиб юбориш учун ҳатто у ёқдан-бу ёққа юриб ҳам кўрди. Туманов муштугини тозалади.

— Шокиров, Сашанинг олган хатидан хабаринг борми? — деди Туманов тозалаб бўлган муштугини пуфлаб кўриб, у ёқ-бу ёққа юриб турган Шокировга.

— Севган қизининг ташлаб кетгани ҳақидагими?

— Ҳа. Саша ёниб кетибди. Ҳали келаётсам маст, оёғида турулмайди. Ҳа, лаънати, эр қилиб кетибсан, энди хат ёзиб нима қиласан, топишганинг билан яшайвер. Хотиннинг ёмонидан жоҳилроқ махлуқ йўқ.

— Тссс! — деди Шокиров ва ўзи ерга ётди.

Душман томондан тошга урилган темир овози эшитилди. Кейин англаб бўлмайдиган бўғиқ товуш келди. Салдан кейин узоқда одам шарпаси кўринди. Икки ўртоқ разведкачимиз олдиндан тайёрлаб қўйган ерларига биқиндилар.

— Тўртта экан! — деди салдан кейин Туманов.

— Кўряпман; бирортасини қўлга туширсак яхши бўларди.

— Паст кетма. Ақалли иккитасини дегин?

— Қани энди!

— То рўпарамизга етиб келгунча қўйиб берамиз. Таваккалми? — деди Туманов.

— Бўпти! Ё устидан, ё остидан. Лекин бирдан олдидан чиқсак, шошиб қолиши ҳам мумкин.

— Бизни пайқамаса бўлди.

Тўрт немис солдати ипга тизиб қўйилгандек кетма-кет

келмоқда эди. Сал вақтдан кейин уларнинг гавдаси аниқ кўрина бошлади. Шокиров битталаб санаб чиқди.

— Тўғри, тўртта экан,— деб қўйди кейин.

Бундай пайтда катта қалб кучи, асаб бутунлиги керак. «Ё ўлиш, ё қолиш!» деган гап шундай вақтда жуда тўғри келади! Ахир, қаршидан келаётган душман ҳам қўлсиз-қуролсиз эмас, у ҳам ўз тайёргарлигини кўриб чиққан!

Икки разведкачимиз чидам билан ўзларини босиб, нафасларини ичларига ютиб, кузатардилар. Булар ҳам ўз қурол ва қалблари билан бир қаторда тажриба ва жасоратларига, тўсатдан қиладиган ҳужумларига ишонар эдилар. Бўлмаса, ортиқча хавотир олмай-келаётган тўрттала ёвни ҳам бир залп билан қириб ташлашлари мумкин эди. Лекин улар бу ўрмалаётган заҳарли илонларнинг тўрттовини ҳам асир олиш фикрига тушиб қолишди.

Чиндан ҳам душман ҳеч нарса пайқамай, бамайлихотир келарди. Энг олдингиси пакана, шинелли, унинг орқасидигининг боши бемалол кўришиб турарди. Тўрттовининг ҳам бўйнида автомат. Тўсатдан энг кейинда келаётган биттаси йиқилиб тушди. У тургунича бошқалари қараб туришди. Новчаси нимадир деб гўлдиллади. Ора тобора қисқариб борарди. Ана йигирма метр, ана ўн беш, ана ўн метр қолди...

— Тўхта! Қўлингни кўтар!..— иккала разведкачимиз бирдан автомат ўқталиб биқиниб ётган еридан чиқди. Шокировнинг товуши сал титрагандай бўлиб кетди. Энг олдинги немис орқасига қочмоқчи бўлган эди, Туманов ўқ узиб юборди. Немис ёнидаги пастликка ағанаб кетди. Қолганлари тош қотиб қолган эди.

— Ўт, Шокиров, қуролларини ол!— деди Туманов, ўзи автоматини ўқталиб турганича.

Лекин иш Туманов айтгандек бўлмади. Шокиров иккитасининг автоматини ерга олиб ташлаб, энди учинчисига қўл чўзган эди, у устига ўзини ташлади, босиб тушди. Шошиб қолган Туманов етиб келгунча Шокиров эпчиллик билан ёнидан ханжарини олиб, немиснинг биқинига суқиб юборди, душман бир инграганича ағдарилди. Шокиров мурда устидан ҳатлаб, қуролсизлантирилганларнинг қўлини боғлади. Сергей Рустамнинг моҳирлик билан бажараётган жанговар ишига қараб турар экан, боя ўқ узиб қулатганининг пастликдан ўрмалаб чиқиб, автоматини Шокировга тўғрилаётганини кўриб қолди. Арслондек бир сапчиб, унинг қўлига тепиб юборди. У яна пастга ағанаб кетди.

Кетидан Туманов ўзини устига отди. Кучининг борича босиб томоғидан бўғди. Хириллаб чиқаётган бўғиқ овоздан чўчиб кетган Шокиров қўллари орқасига боғланган иккитасини қорни билан ерга ётқизиб, ўзи Тумановнинг ёнига тушди. Икки кишилашиб унинг ҳам оғзига латта тиқиб, пастликдан олиб чиқишди.

Иккала ўртоқ ҳам терлаб кетган, нафаси оғзига тиқилиб, ҳарсилларди.

— Униси ўлди шекилли?— деди Туманов биқинига ханжар тиқилганини кўрсатиб.

— Капут!

— Қани бўлмаса ҳайдайлик буларни, ҳализамон тонг отиб қолади.

Икки ўртоқ уч асирнинг бўйинларига автоматларини осиб, қўлларини боғлаб, йўлга тушдилар.

Тонг булути ухлаган еридан қўзғалиб, денгизларга сув ичгани кетмоқда эди. Салқингина изғирин ҳам турган. Лекин иккала ўртоқнинг ёқаси ечиқ эди.

Улар ўз манзилларига етиб келгунча уфқ оқариб, хом сут рангига кирди, кейин қонталашди, сал ўтгач, қизарди. Бу вақтда окоплардаги жангчилар нонушта тараддудига тушиб қолдилар. Худди шундай пайтда Шокиров билан Туманов асирлар билан етиб келишди. Разведкачилар взводининг бошлиғи сифатида доим икки кўзи «ов»да бўладиган Иброҳим Исаев биринчи бўлиб уларни пайқади. Елиб уларнинг қаршисига борди:

— Мана, буни разведка дейдилар! Қил солиб оғзидани оладиган эпчилларим бор-да! Яшанг, Рустамжон!

Шокиров «яшанг» ёлғиз ўзига айтилганидан ўнғайсизчаниб ретди. Шартта кесди:

— Нега энди «яшанг» битта менга бўлди. Ўртоқ Туманов-чи? У бўлмаса битта ўзимнинг қўлимдан ҳеч иш келмас эди. ўртоқ Исаев.

Аввало, Исаев Шокировнинг юзга бундай дейишини кутмаган эди, шошиб қолди. Кўнглига ғалати бир фикр келса ҳам айтолмади, жилмайиб, сийпалади:

— Бердисини айтгунча сабр қилинг-да, ўртоқ Шокиров. Тумановни яхши биламан: азамат йигит, взводингда кимлар бор, деса бошлаб тилга олинадиганлардан...

Орага тушган бу ўнғайсизлик узоқ чўзилмади. Исаев ўзига хос чаққонлик билан асирларни кўздан кечириб, қуроолларини бўйнидан олдириб, иккита бошқа жангчи билан штабга олиб келди.



Шокиров Исаевга қаттиқроқ гапириб қўйганидан кўнгли ғаш бўлса ҳам, ертўлага кирди-ю, дарров ухлаб қолди. Ухлаш олдида Туманов деди:

— Шокиров, қизиқ гурурли командиримиз бор-да! Лекин ўзи азамат, бунга гап йўқ.

Шокиров тушундики, ҳалиги гап Тумановнинг иззатнафсига теккан.

— Сал шошинқираб қолган, хафа бўлмайсиз, Туманов.

Туманов индамади, сал ўтмай хурраги эшитилди. Шокировнинг ҳам қовоғи оғирлашиб, кўзи юмилиб борарди, дам ўтмай ухлаб қолди ..

Асирлар штабни жуда қувонтириб юборган эди. Ҳар вақт жадал билан иш тутадиган Белоусов сиқиб тортилган камари остига қўлини тиқиб роса суриштирди. Бир неча қоғозни тўлдириб ташлади. Кейин барча воқеани полк штабига билдирди. Полк штаби асирларни ўз ҳузурига дарҳол етказиб келишни буюрди.

Асирларни ҳайдаб олиб кетишди. Икки соат чамаси вақт ўтгач, телефон яна Белоусовни чақириб қолди.

— Алло! Ҳа, мен. Иккаласини ҳамми? Бугуноқ ҳужжатларини тўғрилаймиз. Хурсандман.— Белоусов трубкани қўйиб, штаб бошлиғига деди:— Туманов билан Шокировни мукофотга тайёрланг. Тезда. Икковини менга чақиртиринг.

Штаб алоқачиси разведкачилар ертўласига елиб кетди. Бу вақтда иккала азамат ҳам «ким ўзар» ўйнагандек бири олиб, бири қўйиб ҳуррак отарди. Бирдан кириб қолган алоқачи кулиб юборди:

— Ҳа, ўртоқ қўш бомбавозлар, ортиқчароқ юк органсизлар шекилли, мотор хириллаб қолибди.

Бу гапдан бошлаб Туманов, кейин Шокиров уйғонди.

— Соат неча бўлди?— сўради алоқачидан Туманов.

— Вақт билан ишларинг бўлмасин, дарров кийининглар, Белоусов чақиряпти.

— Нима гап, тинчликми?— қизиқди Шокиров.

— Бизнинг фронтда тинчлик, лекин қўшни фронт ҳужумга ўтипти. Информбюро маълумотига қараганда, ишлар зўр. Анча-мунча шаҳарлар озод қилинипти. Сталинградда душманни исканжага олишипти.

— Ростданми? Қуршаб олишиптими?

— Қуршаганда қандай, худди кекирдагидан бўғишипти! Қани, тезроқ кийининглар, штабда сводка бор, ҳаммасини билиб оласизлар.

Ўзларининг тунги ишларидан мамнун икки ўртоқ бу хабарни эшитиб, жуда ҳам яшнаб кетди. Своджани тезроқ ўқиш учун жадаллаб батальон штабига кириб боришди. Белоусов уларни кўриши билан, гапиртиргани қўймай, табриклаб кетди.

— Қўлга туширган «тиллер»ингдан полк штаби жуда хурсанд. Айни шу кун учун жуда керакли маълумотларни беришипти. Полк командири менга сизларга ташаккур билдиришни топширди. Муваффақиятларингиз билан табриклайман!— Белоусов қўлини чаккасига олиб честь берди.

Иккала ўртоқ эса бундай пайтларда айтиладиган тантанали иборани такрорладилар:

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Кейин Белоусов уларни ёнига ўтқазиб, қўлга тушган немисларнинг қандай мақсад билан қаёққа кетаётганларини айтиб беради.

— Катта штабларимиздан бирига иш билан келаётган генералнинг йўлини тўсмоқчи бўлишган.

— Йўғ-э!— чўчиб кетди Шокиров.

— Кундузи маршрутларни аниқлашган экан.

— Изларини кўрган эдик!— деди шунда Туманов жарликдаги изларни эслаб.

Шокиров «эсладим» дегандек, унинг гапини маъқулади.

Белоусов чақмоқ кўзларини қисиб, алоқачисига ишора қилди.

Хурсандлигидан, қалин лаблари йирик ва бениҳоя оқ тишларини беркита олмас, янада қалин тортгандек кўриларди.

Командирининг ишорасини билган чаққон алоқачи битта фляга билан учта кружкани Белоусов ёнига келтириб қўйди. Командир имоси билан флягадан сув аралаштирилган спирт қўйди. Биринчи бўлиб спиртли кружкани Белоусов қўлига олди.

— Қани, ўртоқлар, сизларнинг соғлиғингиз ва муваффақиятингиз учун!

Шокиров ўзида йўқ хурсанд эди. Кимга қарамасин, унинг юзида табассум кўрар, ҳатто стол устидаги кружка ҳам кулиб тургандек эди!

Штабдан чиқиши билан уни бир жангчи тўхтатди:

— Ўртоқ Шокиров, роса омади келган йигитсиз-да. Хурсандчилик устига хурсандчилик. Мана бу хат сизга, ҳозиргина келди. Ё битта ўйнаб ташлайсизми? Қаҳрамон-

ни ўйнатсак, уят бўлмасмикан, ўртоқлар!— деди у атрофига қараб.

Жангчи ўз ҳазилига жавоб олгунча Шокиров бир сапчиб хатни қўлга киритди-ю, беш-олти қадам чопиб, кейин тўхтади. Хат Муҳаббатдан эди! Рустамнинг бутун вужуди титраб, ҳаяжонда хатни очди. Очди-ю, ўқиши билан турган ерида ўтириб қолди. У хат ўқиётган кўзларига ишонмас эди.

«Рустам ака! Мен Сизга нима ёмонлик қилган эдим, менда нима қасдингиз бор эди? Гуноҳим Сизни севганимми? Элу юртнинг кўз олдида йиғлаб Сизни кузатиб қолганимми? Меҳрибонлигимми? Менга кўнглингиз йўқ экан, очикъ айтиб, орани очикъ қилиб кета қолсангиз бўлмасмиди? Ахир, мен этагингизга ёпишиб олганим йўқ эди-ку? Етимликда қийналиб ўсганим етмасмиди, бунинг устига, Сиз мени оёқ ости қилиб, севганингизни онаси билан уйингизга юбормасангиз? Мен энди нима деган одам бўлдим, элу юрт олдида қандай бош кўтариб юрдим? Шарманда бўлиб қийналиб ўлсин дедингизми? Ҳали ҳам душманларим чапак чалиб қолишди — кеча амаким келиб шунақа гаплар қилиб кетдики, ер ёрилмади, ерга кирмадим. Бутун қишлоқда дув-дув гап. Дўстларим куйиниб, душманларим шодлигидан уйингизга келиб хотинингиз билан қайнанангизни зиёрат қилиб кетишяпти. Фақат менгина кўчага чиқолмайман. Номусдан уйга тиқилиб ўтирибман. Раҳмат! Бундай муруввағни сиздан кутмаган эдим! Майли, омон бўлинг. Ҳожия холам билан севгилингиз Света бахтига соғ-саломат қайтиб келинг. Мен сизга ёмонлик тиламайман, фақат ўз пешанамга йиғлайман. Муҳаббат».

Муҳаббат!.. Муҳаббат!.. Наҳот шу хатни Муҳаббат ёзган бўлса? Рустамнинг ўйлари чувалашди...

## 17. ЯНГИ ДУГОНА

Юз берган кўнгилсиз воқеадан куйиб-пишган Каромат уйда ўтиролмади. Махсисини кийиб, пальтосини эгнига илди-да, қозикдаги рўмолини олиб ташқарига чиқди. Ҳовлида бир оз шамоллаб тургач, рўмолини ўради. Муҳаббатнинг синиқиб кетган гулдек юзига ачинган Каромат «Яхшиси, Ҳожия холаникига бориб, ўша қиз билан учрашаман. Агар шу гаплар рост бўлса, шундай шармандасини чиқарайки, қилган ишига пушаймон бўлсин!» дея йўлга тушди.

Тўғри кириб, Ҳожия хола билан қисқагина кўришли, сандалга ўтираркан:

— Хола, меҳмонингиз қани?— деди қўполроқ оҳангда.

— Нариги уйда, қизим. Жой қилишяпти. Ўзлари алоҳида туришармиш,— деб жавоб берди хола.

— Олдига кирсам майлими, хола, қизида ишим бор эди?

— Ҳозир ўзлари чиқиб қолишади. Жой қилиб бўлишди. Печкага ўт ёқиб қўйишмоқчи эди.

— Нима, улар шу ерда туришадими?

— Ҳа, қизим. Доктор экан. Бугун районга тушиб чиқди. Колхозимизга доктор қилиб юборишяпти.

Каромат севишиш ўрнига лабини қийшайтирди:

— Амалини сўраётганим йўқ, хола.

— Ҳа, мунча тутақмасанг, қизим? Ҳали сенинг жаҳлинг шунчалик чиққан бўлса, Муҳаббат нима қилаётган экан?

— У менга ўхшаб енгилтак эмас-да, хола, ич-этини еб, ўзини босиб юрипти. Ҳар қалай, яхши иш бўлмади!

— Нимаси ёмон?

— Бор деса, келаверадими?

— Муҳаббатнинг ўрнига келин бўлиб келибдими?

— Ҳа, бўлмаса-чи?

— Бекор, қизим, ҳаммаси ёлғон. Мен роса суриштирдим. Кеча Муҳаббатникига бориб, уларни тинчитиб келмоқчи эдим. Света мен ҳам бораман, унга берадиган нарсам бор, деб йўлимни тўсди. Кейин ишга овора бўлиб боролмадик.

— Борганларингда яхши бўларди. У бечора қаддини кўтариб қолармиди.

Шу кейинги сўз Ҳожия холага оғир ботди. Кўнглида йиғилиб ётган дардини тўкди:

— Қадди букилиб қолган бўлса, шунақа қилиб юрармиди?

— Нима қипти?— ҳайрон бўлиб қолди Каромат.

— Тунов кун Миробид Светага бир қанча гапларни гапирган экан. Ундан кейин Махсум келди. У ҳам жиянидан арз қилиб кетди.

— Нима деди?

— Нима дерди? Миробид пальто олиб берипти, кинога олиб тушипти. Қўйинг-чи, ўшанга тегишга ваъда берипти, деди. Мен бу гапларнинг ҳеч қайсисига ишонгим келмади, нега деганда Миробидни ҳам, Махсумни ҳам жуда яхши

Силаман. Улар ёлгон гапириб, иложи бўлса, пирини алдаб кетадиган одамлар. Кеча намоз асирда Ҳайитвой кириб келди. Муҳаббатни кўрдим, деб қолди. Қаерда, десам, Миробид билан ошхонадан чиқиб, легковойга тушиб кетди, деса бўладими! Сўраганларимга пушаймон қилдим. Анча кундан бери оёғини тортиб қўйганига ҳайрон бўлиб юрган эдим, энди сабабини билдим.

— Қўйинг, холажон, бўлмаган гаплар,— деди Каромат ишонгиси келмай.

— Ҳайитвойнинг гапига ишонмайсанми? У ёлгон гапирмайди. Мен қаёқдан билай, қизим, балки Миробид шайтон йўлдан урган бўлса ургандир...

Каромат холанинг гапларига нима деб жавоб беришини билмай, лол бўлиб қолди. Ким билсин, Муҳаббат қасдма-қасдликка юрган бўлса юргандир, деб ўйлади-да:

— Хола, мен бу сирни аниқ билиб, хабарини сизга етказаман,— деди қатъий кетиш ҳаракатига тушиб.

— Шошма, қизим, Светани ҳам у билан бир учраштир. Муҳаббатда зарур ишим бор, олиб боринг, деб ҳалигина қистаётган эди.— Ҳожия хола деразани очиб, Светани чакирди.

Нариги уйдан чиқиб келган Света остонада тўхтаб:

— Вой, мен сизни Муҳаббат деб ўйлабман,— деди ва Каромат билан қўл сиқишиб сўрашди.

— Агар вақтингиз бўлса мен билан юринг, Муҳаббатларникига олиб бораман.— деди Каромат кўришиб бўлгач.

— Ҳозир чиқаман!

У ёқаси қундузли пальтосини кийиб, тивит рўмолини бошига ўради. Токчадаги суратни газетага ўраб, қўйнига тикди. Печкага ўт қалаётган онаси олдига бориб:

— Ойи, мен Муҳаббатникига кетяпман. Хавотир олма!— деди.

Ҳожия хола билан гаплашиб турган Каромат Светанинг ҳаракатларини кўриб «олов-ку, қиз тушкур», деб қўйди.

Ҳали ҳам гумони тарқалиб битмаган Каромат Светлана йўл-йўлакай гапга солиб борди. Унинг гумонидан асар ҳам қолмади. Светлананинг очиқ кўнгиллиги унга ёқди. Ўзи шўх Каромат шунақа «шайтон» қизларни ёқтирарди.

Улар гап билан бўлиб етиб келишганини ҳам билмай қолишди. Эндигина колхоз идорасидан қайтиб, звеноларга иш тақсимлаб ўтирган Муҳаббат ташқаридан келган то-

вушни эшитиб, бошини кўтарди. У айвонга чиқиб келган Кароматни кўриб севиниб кетди, лекин унинг ёнидаги Света гашини келтирди. «Менда нима иши бор экан ёки Миробид айтган расми ташлаб кетгани келаётганмикан?» деб ўйлади ичида Муҳаббат. Айвонга чиқиб келган Каромат тегишди:

— Мана, Муҳаббат, кундошингни олиб келдим. Яна юмдалашиб кетма!— кетидан хахолаб кулди.

Муҳаббат Светага қўл чўзган эди, у қайтарди.

— Йўқ, ўртоқжон, биз мана бунақа қилиб кўришишимиз керак,— деди ва уни қучоқлаб олди, юзларидан ўпди. Муҳаббат ўзини тортиб:

— Қўйинг, шундай кўришаверсак ҳам бўлади,— деган эди.

— Йўқ, бу кўришиш ҳам, ўпишиш ҳам мен учун эмас, Рустам Шокиров учун! «Муҳаббатнинг иккала юзидан мен учун ўпиб кўришинг», деган. Мен у йигитнинг илтимосини бажармоқчиман, холос!

Муҳаббат Светанинг гапларига ҳайрон бўлиб қолди. У шу тарзда бир оз тургач:

— Ростми, агар шундай бўлса...— деди-да, унинг бағрига ўзини олди.

Бир чеккада томоша қилиб турган Каромат хахолаб кулар эди.

— Муҳаббат, сизни соғ-саломат кўрганимдан жуда хурсандман,— деди унинг ёшли кўзига қараб Светлана.— Рустам кўпдан-кўп салом айтди. Тани-жони соғ. Яқинда фронтга кетишди. Сизга мана буни бериб юборди.— Светлана газетага ўроғлиқ сурат билан конвертни Муҳаббатга узатди.

Муҳаббат жуда шошиб қолган, туш кўраётганга ўхшарди. Ҳаяжондан титраган қўллари билан газетани очиб бошлади. Шу вақт унинг кўзи суратдаги севгилисининг кўзига тушди-ю, юрагини эзиб ётган мудҳиш дардлар бир зумдаёқ йўқолди. Рустамдан кўзини узмас, чеҳраси борган сари очилиб, севги кургаклари гунчага, гунча эса гулга айланиб бораётгандек туюларди. Муҳаббат худди севгилиси билан гаплашаётгандек лаблари пичирларди, қизларга ҳос табассум билан унга термиларди.

— Рустам акамга нималарни гапиряпсан, Муҳаббат, биз ҳам эштайлик?— кулиб луқма ташлади Каромат.

— «Рустам ака, кечиринг мени», деяпман, ўртоқжон!— Муҳаббат суратдан кўзини узмай жавоб берди.—

Мен у кишининг олдида гуноҳкорман. Рустам акамнинг олдидагина эмас, сизнинг олдингизда ҳам, Света. Сиз ҳам мени кечиринг!

— Нега менинг олдимда гуноҳкор бўлар экансиз?

— Сизни Рустамнинг севгилиси экан, деб тушунтиришган эди. Мен бўлсам, ишониб, шаънингизга доғ бўладиган нарсаларни кўнглимдан ўтказган эдим.

— Ҳали шунақа денг?— Света бир сесканиб тушди.— Муҳаббат, эшитган бўлсангиз бордир, аммо бу менга туҳмат.

Каромат Ҳожия холадан эшитган гапларини эслаб, жиддий деди:

— Рустам акамнинг олдида сенинг айбинг катта! Қилиб қўйган ишингни биласанми?

— Билмадим.

— Ўзингни гўлликка солма!— деди жаҳл аралаш Каромат.

— Вой ўлай, нима гап ўзи?

— Сен Рустам акамдан ростдан айнаганмисан?

— Вой ўлай, бу йўлда ҳеч қандай гуноҳ иш қилганим йўқ.

— Нега яширасан? Миробид билан юрганинг ёлгонми?

— Бу туҳмат, у билан юрганим йўқ.

— Нега алдайсан? Бозорга бирга борганинг, пальто олиб бергани, қайтишда кинога тушганларинг ҳам ёлгонми?

— Бу рост. Мен уни бозорда учратиб қолдим. Пальтонни у олиб бергани йўқ, ўз пулимга олдим. Фақат савдосини пишитиб берди. Қайтишда машина кира қилди. Кино олдида ўтаётганимизда тушамизми, яхши экан, кўриб кетамиз деган эди, унамадим. Шу билан келавердик.

— Кўзингни оч, Муҳаббат. У чўлоқ билан ҳамтовоқ бўлма, нақ касофатига қолиб кетасан! Ҳожия холам ҳаммасини эшитибди. Фигони фалакка чиқиб ўтирибди.

— Вой ўлмасам. Энди у кишига қандай қилиб кўринаман!

— Бу ёғига эҳтиёт бўл! Муҳаббат амакинг билан Миробид бор экан, сенинг тўғрингда ҳар хил гап тўқила бериши мумкин. Бўлди, кўп ўйлайверма, фойдаси йўқ. Рустам акамнинг хатини ўқи, қани бизга ҳам салом деганмикалар.

Муҳаббат хатни очиб, ичида ўқий бошлади.

— Қаттиқроқ ўқи, биз ҳам эшитайлик.— Каромат дугонасига тегажаклик қилиб елкаси оша хатга қаради. Муҳаббат кўзини қоғоз устида тез-тез югуртириб чиққанидан сўнг,— эшит, Каромат,— деб, овозини чиқариб ўқий бошлади:—«Жонгинам Муҳаббат. Бизнинг уйимизга Света исмли бир қиз онаси билан бормоқда. Бунинг учун юрагингизни ғаш қилиб юрманг. Станциядаги сўзимиз—сўз, кечагидек ёдимда турибди. Сиз Света билан дўстлашинг. Салом билан Рустам».

Муҳаббат хатдан кўзини узиб Светани яна қучоқлади:

— Уртоқжон, мен янглишган эканман, гапнинг тагига етмай сиздан хафа бўлиб юрибман. Келинг, ажралмас қалин дўст бўлишга сўз беришайлик!— унга қўлини чўзди.

Света Муҳаббатнинг қўлини узун бармоқлари орасига олиб қисар экан:

— Менинг мақсадим ҳам шу. Сиз билан яқин дўст бўлиб бирга ишлаш!— деди.

— Жуда яхши. Света, бирга ишласак яна яхши!— Муҳаббат ўрнидан турди-да, сандал устида сочилиб ётган қоғозлар билан суратни олиб, уйга кириб кетди.

## 18. ТЕМИРЧИ ВА УНИНГ ЖИЯНИ

Шокиров билан Туманов пистирмада немис солдатларини қўлга туширганларидан уч кун кейин бошланган шиддатли ҳужум роса бир ой давом қилиб, бир неча қишлоқ ва шаҳар озод этилди. Кейин Шокировларнинг полки иккинчи эшелонга ўтказилди, йўл-йўлакай янги жангчилар билан тўлдирилиб, мана энди бир қишлоқда ўзини тартибга солиб, янги ҳужумга ҳозирлик кўрмоқда.

...Шу кейинги отишмада Белоусов батальонининг йўл-йўлакай овқат пишириб кетаверадиган иккита ошхона арваси ишдан чиқди. Биттасининг бутунлай дабдаласи чиқиб кетди. Иккинчисини тузатса, сонга киритса бўлади. Қиши билан отларнинг тақаси ейилиб кетган эди. Олди баҳор, яхшилаб тайёрлик кўрилмаса, бўлмайди. Буни яхши билган Белоусов старшиналарни ўз ҳузурига йиғиб, алоҳида суҳбат ўтказди, йўл-йўриқ берди.

— Уртоқ Мельников,— деди у бир старшинага қараб,— сиз ошхонангизни ремонт қилдингизми? Билиб қўйинг, яқин орада янгисини олмаймиз.

— Нимэ қилишга ҳайронман, ўртоқ комбат,— деди бўшашиб Мельников.



— У нима деганингиз! Фронтга кеча келдингизми?  
Қишлоққа киринг, темирчи топинг, ремонт қилинг!

Командир олдидан минг бир режа билан чиққан Мельниковнинг мушқулини тасодиф энгил қилди. У отларни сойда сугориб қайтар экан, у билан ёши анчага борган, юз-кўзини соқол босган, қисик кўз бир чол эски рус одати бўйича бошидан шапкасини олиб саломлашди. Ҳаракатидан бир нарса сўрамоқчи экани кўриниб турарди. Мельников отнинг жиловини тортиди:

— Хўш, отахон?

— Сизларда мол доктори борми, ўғлим?— деди чол умидвор бир оҳангда.

— Топилади. Нима эди?

— Сигиримга ўқ теккан эди, анча бўлди-ю, ҳеч тузалмаяпти.

— Кўрангиз узоқми, қаерда турасиз? Шу қишлоқликмисиз?

— Ҳа, ўғлим, шу ерда туғилганман. Анави қатор дарахтларни кўряпсанми, ўшанинг орқасидаги биринчи қўра меники.

— Жуда яхши, отахон, мен ҳозир зоотехник билан келаман. Лекин сизга ҳам бир илтимосим бор, шу ерлик бўлсангиз албатта биласиз, бизга бир темирчи топишга ёрдам берсангиз.

— Топишнинг кераги йўқ, менинг ўзим темирчиман, ўғлим,— деди қувониб кетган чол.

— Жуда яхши, отахон, раҳмат!

Мельников ҳам севиниб кетиб, от чоптириб батальонга етиб келди. Отнинг тизгинини бир жангчига тутқизиб, ўзи зоотехник олдига кириб борди.

— Қани, туринг, ўртоқ зоотехник, бир иш чиқиб қолди.

Мўмин-қобил, нозиккина жуссали зоотехник индамай унинг олдига тушди. Улар тўғри чолникига йўл олишди.

Ҳаво булут. Қуёш кўринмайди. Баъзан шамолнинг кучли қўли билан йиртилиб кетган булут пардаси орасидан қуёш йилтиллаб қолади. Қуёш бир неча зумгина ерни ёритиб туради-да, яна кўздан ғойиб бўлади. Хуллас, шамол булут пардасини гоҳ йиртиб, гоҳ йиртилган ерини яна ўзи қайта тикиб турарди.

Боя чол кўрсатган қатор дарахтлар томонга ўтишгач, қишлоқ учун жанг шу ёқда бўлгани дарров кўзга ташланди. Бомбардимонда қолган айрим дарахтлар таги билан қўпо-

рилганича ётарди. Тўп ўқи каттароқ шохини учириб кетган баъзи дарахтлар худди бир қўлини йўқотган жангчидек хо-муш турарди. Бу томондаги қўраларнинг деярли ҳаммаси ишдан чиққан. Унда-бундагина печь мўрнеидан тутун бу-руқсайди ва болалар кўринади.

Чол кутган кишиларим яна топишолмай қайтиб кетиш-масин дебми, қўрасидан анча берида йўл пойлаб турган экан. Мельников билан зоотехникни кўриб севиниб кетди.

— Мана, отахон, бу киши молларнинг дардини билади-ган профессоримиз,— деди Мельников одатдаги тегажак-лигини қилиб.

Чол: «Жуда яхши! Жуда яхши!» деганича уларни бош-лаб кетди-да, ярми бузилиб, ярми тасодифан сақланиб қол-ган молхонага олиб кирди. Зоотехник кўзойнагини тақиб, сигирнинг атрофини айланиб кўздан кечирди, нима учун-дир унинг сағрисига шапиллатиб бир-икки уриб ҳам қўйди. Кейин кўзойнагини олиб филофига солди. Чолга раҳми кел-гандек бошдан-оёқ разм ташлади.

— Иш чатоқ-ку, отахон. Қаттиқ майиб бўлган,— деди зоотехник,— ҳозирги шарт-шароитда тузатиб бўлмайди.

— Йўғ-е?— чўчиб кетди чол, гўё бутун бойлиги ва бах-тидан ажралаётган кишидек.— Энди нима қилдим? Ҳеч. иложи йўқми?

— Афсуски, йўқ...

Чол ҳайрон бўлиб қолди. Бу гап устига етиб келган кам-пири йиғлаб юборди.

— Рўзгоримизни тебратиб турган шу эди!

Мельников ҳам, зоотехник ҳам бу гапдан шошиб қолди. Зоотехник бу ёғини ҳисобга олмай, гапириб қўйганидан ўкинди.

Мельников ҳамма эпчил старшиналарга хос ҳозиржа-воблик билан уларнинг кўнглига таскин берди:

— Хафа бўлманглар, йўли бор!— деди у, кейин зоотех-никка юзланиб сўради:— Ўзи соғми, гўштини еса бўладими?

— Албатта бўлади!

— Бўпти бўлмаса! Биз сўйгани моллар олиб турамиз. Шулардан биттасига алмаштирасиз, бўлдимми?

Чол эркакларга хос оғирлик билан ўзини тутиб турса ҳам, кампири алақачон кўз ёши билан Мельниковдан ай-ланиб-ўргиларди.

— Ўз кишимизсизлар-да, дарров дардимизни билдинг-лар. Раҳмат, барака топинглар,— дерди кампир миннатдор-чилик билдиришга сўз тополмай.

— Буни келишдик-а, отахон? Энди бизнинг илтимос нима бўлади?

— Бошлаймиз, ўғлим, бошлаймиз. Бугун десанг — бугун, эрта десанг — эртага бошлаймиз. Лекин битта азамат ёрдамчи берасан. Ёрдамчим йўқ, армияда.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг. Битта эмас, иккита ҳам топилади.

Гапнинг нима тўғрида бораётганидан хабар топган кампир бидиллаб кетди:

— Степанинг ўзига ҳам темирчилик тоза хумор қилган. Ҳамма иш қўлидан келади, темирга жон киритмайди, холос. Ишинглар бўлса, буюраверинглар. Сизларнинг хизматларингни қилмаса, кимникини қилади!

Чол-кампир сигирни бошқа бирига алмаштиришдан қувонса, Мельников кўнглидагидек темирчи топганидан беҳад мамнун эди. У батальонга кела солиб темирчига ёрдамчи қидиришга тушди. У темирчига ёрдамчи эмас, тажрибали ҳамроҳ бермоқчи эди.

— Темирчининг зўри керакми сенга ўзи,— деди бир маҳал Туманов унинг йўлини тўсиб,— мана мен-да! Асбоблари борми ахир?

— Борганда кўрасан. Уста ҳам бор, устахона ҳам бор.

— Бўпти-да. Мана мен бораман. Анчадан бери болға ушламай кафтим ҳам қичиб юрувди. Қалай, устанг тетикроқми? Қон қилиб юбормайдими?

Мельников Туманов билан келишган бўлса ҳам, вазвод командири Иброҳим Исаевнинг розилигини олиш қийин бўлди.

— Ҳали олдинда қанча оғир разведка ишлари бор, дам олиши, машқ қилиши керак эди.

— Ҳаммасига кучим етади, ўртоқ лейтенант, хотиржам бўлинг. Дам олиш бизга ярашмайди,— деди касбини соғинган Туманов.

Чаққон старшина Мельников вақтни қўлдан бермай, шу куниеқ Тумановни чол билан учраштириб қўйди.

Эртасига эрталаб темирчи Степан амаки Тумановни бошлаб МТС биносигаги бир томонини снаряд учуриб кетган темирчилик устахонасига олиб келди. Анчадан бери бу ерда ҳеч ким ишламагани кўриниб турарди: хонани юпқа гард босган.

Темирчи усталар ичкарига киришлари билан оёқ остида ётган темир-терсак ва асбобларни йиғга бошлашди.

Сергей тупроққа қоришиб, занг босиб кетган асбобларни бир чеккага олиб қўйди. Степан амаки у ёқ-бу ёққа елиб югуриб етишмаган нарсаларни бутларди. Аллақаердан ярим қоп кўмир ҳам топиб келди. Хонанинг бурчагига кўмиб қўйган темир парчаларини қазиб олди. Вақтни бекор ўтказмай кўрага ўт ёқди.

— Кела қол, Сергей ўғлим, ишни бошлайлик,— деб Тумановни чақирди.

Сергей икки болға, қисқич ва яна уч-тўртта ҳар хил асбоблар кўтариб келиб, сандон олдиға қўйди-да, дамни боса бошлади. Кўмир ёнишга кўпдан муштоқ бўлиб ётгандек, дарров ловиллаб кетди, қизил чўғлари тиниқ ёниб, оқиш тусға кирди.

Степан амаки ҳамроҳининг астойдил ишға киришганидан мамнун эди. Ўз навбатида Туманов ҳам уни ишнинг кўзини билишиға биринчи болға уришидан ишонган эди. Бир неча вақт иш билан ўтган жимликдан кейин чолни гапға солди:

— Амаки, немисларда темирчи уста йўқ эканми? Устахонани ишға солмабди.

— Йўқ экан, ўғлим. Қишлоғимизға бостириб келишгандан кейин ким темирчи, деб жарчи солиб, кўп овора бўлди. Лекин мен дегучи топилмади. Топилиши ҳам мумкин эмасди, чунки уста йигитларимиз фронтда, қарияларимиз бўлса ҳар томонға тўзғиб кетган эди. Хуллас, бу ўртада мендан бошқа уста қолмаган эди.

— Сизни суриштириб, топиб олишмадимми?

— Суриштириб кўришди. Шу МТСға қоровуллик қиладиган Николай Захарович деган бир чол бор эди. Шу чолни чақириб, бизға темирчи устани топиб бер, устахона бор ерда уста ҳам бўлиши керак, уларни сен яхши билишинг керак деб, қистовға олишипти. Николай Захарович, ҳаммасини яхши биламан, бироқ улардан биттаси ҳам қолган эмас, дейишиға қарамай, немис коменданти унга уч кунға муҳлат берган. Шу уч кун ичида темирчи устани топиб бермасанг — ўлдирамиз, депти.

Степан амаки гапдан тўхтаб, кўрадан қип-қизил чўгдек темирни олиб сандонға қўйди-да, бир қўлиға кичик болға олди. Унинг кетидан Сергейнинг болғаси келиб тушди. Икки болға ўз галидан адашмай олдинма-кейин темир устида ўйнаб, сон-саноқсиз учқунлар сачрата бошлади. Степан амаки қисқич билан темирни яна кўрага тикиб, қаддини ростлади-да, ҳикоясини давом эттирди:

— Уч кундан кейин, Николай Захарович қамоққа олинипти, деган гап тарқалди. Фақат унинг ўзи эмас, шу қишлоқнинг ўзидан йигирма уч киши қамаалди. Улар ичида жияним Клава ҳам бор эди. Бечора жуда яхши қиз эди.— Чол оловда чўғ бўлиб ётган темирга тикилди, қисқич билан тортиб олиб, бир-икки болғалади-да, сувга тикиб четга қўйди. Кейин чўнтагидан махорка халтасини олиб, боғичини еча бошлади.

— Улар нима гуноҳ қилишган экан?

— Фашистларнинг қамоққа олиши учун совет граждани бўлишнинг ўзи кифоя эмасми?

— Улар халқимиздан ёмон кўрқади,— деди Туманов.— Жиянингиз сизникида турармиди? Қочиб кета қолмапти-да.

— Гафлатда қолдик!.. Клава мисоли ўз қизимиздек бўлиб қолган эди. У уч ёшлигида укам вафот этди. Мен фарзандсиз эдим. Келиним ёш эди, эр қилди, яна бир қиз кўрди. Шундан кейин уларнинг олдига бориб, Клавани менга беришларини сўрадим. Барака топкур келиним йўқ лемади, «майли, укангизни кўргандек бўлиб юарсиз», деб олдимга солиб берди. Мен уни ўқитиб, маълумотли қилдим. Қишлоғимизга ўқитувчи бўлиб қайтди... Умидларим катта эди...

Степан амакининг товушидан йиғи сезилди. Махоркани устма-уст чекиб, ҳамма ёқни тутунга кўмиб юборди. Қисқичини қўлига олиб яна кўрани чўқилади, яна болғасига ёпишди. Гўё жиянининг аламини ишдан оларди.

— Улдиришдими?— деди Сергей дам босаркан.

— Ҳа,— деди енги билан кўз ёшларини артаётган Степан амаки.— Қишлоқдаги қизларнинг ичида эсли-хушлиси эди. Бир нарса деса, хоҳ катта, хоҳ кичкина — ҳаммага маъқул бўларди. Одамнинг ичига кириб кетарди... Улар қамалгандан бир ҳафта ўтгач, немислар мана бу томондаги катта жар бўйига аҳолини тўплашди. Бошқалар қатори Клаванинг ҳам қўлини орқасига боғлаб олиб келишди. Уни таниб бўлмасди. Юзлари моматалоқ бўлиб кўкариб кетган, сочларининг юлиб олинган ўрни қон талашиб ётарди. Кўйлагининг бутун ери йўқ — узиб ташлашибди. Бечора қизим яланғоч туришни ўзига эп билмай кўйлакнинг йиртиқларини ип билан боғлаб, зўрға эпақага келтирибди. Йиртиқ орасидан баданидаги қамчи излари кўкариб кўриниб турарди. У икки кўзини мендан узмади, ҳатто отгани чуқур ёнига олиб бораётганларида ҳам кўзини

мендан олмади. У чуқур тепасида: «Огажон, хайр энди, қизингиз соф виждон билан ўляпти!» деди.

Степан амакининг овози ўчиб қолди. Шу маҳал булут орасидан чиққан қуёш дераза оша Степан амакининг серажин юзини ёритди. Унинг кўзлари битмас аламнинг аччиқ ёшлари билан тўла, рангпар юзлари айрилиқнинг ўчмас излари билан жиддийлашган эди.

Туманов шу ёшга келиб мўйсафид одамнинг бунчалик ўртаниб йиғлаганини кўрмаган эди. Шунинг учун бўлса керак, чолга нима деб таскин беришини билмас, бу гапни бошлаб қўйганидан ўкинади. «Қўйинг, амаки, хафа бўлманг!»— деса — бу жуда енгилтаклик, «Биз қизингизнинг ўчини оламиз!» деса — чолни қаноатлантира олишига ишонмайди. Охири гапни четга бурмоқчи бўлган эди, чол яна бошлаб қолди:

— Чол-кампир сўппайиб қолдик... Уй жимжит... Бир-биримизга мўлтайиб қараб ўтирамыз...

— Николай Захаровични ҳам отиб ўлдиришдими?

Степан амаки қисқич билан ўчоқдаги чўғдан олиб, ўчиб қолган махоркасини тутатиб бўлгач, жавоб берди:

— Энг олдин Николайни отиб ташлашди.

— Николай Захарович коммунист эдими?

— Йўқ. Темирчи устани топиб бермагани учун уни коммунист деб аташибди. Ҳақиқатдан коммунистдан кам ери йўқ эди. Чунки у мени жуда яхши танирди. Ахир, шу қишлоқдаги усталар ичида энг кексаси мен эдим. Қўй-чи, энг яхши устаси ҳам ўзим эдим. У жонидан қўрқмади. Улсам ўламанки, аммо Степанни кўрсатиб, уларнинг ишини олдинга бостириб юбормайман, деб ўйлаган бўлса керак. Отишга олиб келганларида мени кўрди. Бироқ бош ирғаб сўрашиб қўя қолди. Бошқа одам бўлса ўлим кўзига кўриниб турган бундай бир вақтда: «Мана темирчи уста! Мен ботирлик қилдим!» дегандай қараб ўтарди.

— Ҳа, Николай Захарович халқ олдидаги ўз бурчини оқлаб, қаҳрамонларча жон берибди. Бунинг учун тоғдек юрак керак. Клава билан Николай Захаровичларнинг ҳар бирига олтиндан ҳайкал қўйсанг арзийди,— деди уларнинг жасоратидан завқланиб кетган Туманов.

Эшикдан кириб келган Мельников суҳбатни бўлди:

— Степан амаки, аравани олиб келиб қўйдик, дурадгорлар ёғоч ишларини тугатишипти. Олдин кўчма ошхонамизни тузатиб беринг.

— Хўп бўлади, ўғлим, ошхонани бугуноқ тузатиб берамиз.

— Раҳмат, отахон! Айтгандек, сигирингизни алиштирдик. Агар дидингизга ёқмаса, айтинг. Бугун-эрта яна мол оламиз.

— Жуда яхши, ўғлим. Раҳмат. Бу яхшилигингизни унутмайман!

— Лекин кампирга ёқди.

— Унга ёққан бўлса бўпти-да!

Мельников Тумановнинг елкасига қоқиб: «Ётишга жой тайёрлаб қўяман, кир»,— деб чиқиб кетди.

— Степан амаки, немислар сигирингизга тегишмадими?

— Йўқ, улар соғин молга тегишмайди, бошқасининг изини ҳам қўймади.

— Нега соғинига тегишмади?— Сергей ҳайрон бўлиб сўради.

— Уларга ҳам сут керак-да! Кимнинг соғин сигири билан товуғи бўлса рўйхатга олди. Ҳар бир сигирнинг кундалик берадиган сутини ўлчаб ҳам чиқди. Товуқни ҳам шунақа қилди. Бизнинг ўша кезларда ўн иккита товуғимиз, иккита чўчқамиз, бир сигир ва бир танамиз бор эди. Немислар сигиримиз билан товуғимизни қолдириб, қолган ҳамма молларимизни тортиб олди. Сигирнинг сути билан товуқнинг ҳар кунги тухумини ўз қўлим билан элтиб топширишим шарт эди. Қўй-чи, ўғлим, Совет Армияси қишлоқни озод қилгунга қадар сигир соғиб сут ичолмадик. Товуқнинг тухуми бўлса, бошимизга битган бало бўлди. Ун икки товуқдан ҳар куни саккизта тухум топшириш буюрилган. Товуқ эса олти-еттитадан ошиқ тухум қилмайди. Лаънати немислар бўлса: «Мен билмайман, етмаганига ўзинг туғсанг ҳам саккизта қилиб олиб келасан!» деб дўқ уради, сўкади. Ўлса ўлигини кўрсатар эдик. Кимки товуғини сўйиб қўйса, ўзи сўйилади. Чунки немис армиясини тухум билан таъминлашдан бош тортган кишигина товуғини сўяди, деб хабар қилишган эди. Хуллас, бу гаплардан бош қотади, холос...

Степан амаки тайёрланган мих ва дўнғалак темирларни қўлига олиб, арава турган ерга чиқди. Сергей болгани кўтариб, унинг кетидан эргашди. Ҳовлида дурадгорлар устахонасидан келтирилган кўчма ошхона турарди. Унга ўрнатилган қозон унчалик зарарланган бўлмаса ҳам, ўт ёқиш мумкин эмас эди. Учоқнинг бир томонини нимадир пачақлаб юборган эди. Степан амаки дўнғалак устидаги

темирни қоқиб бўлгач, ўчоқнинг пачақланган ерини тузатишга киришди. У ёнида дастёрлик қилиб турган Сергейни чақирди:

— Уғлим, сенинг ҳам қорнинг очгандир, қарилар овқат билан тирик, дейишади. Чой қайнат!

Сергей чолнинг гапига кулиб, устахонага югуриб кетди. У ичкарида турган челақни олиб сув келтиргач, чойдишга солди-да, кўрага қўйиб, дам бера бошлади. Кучли аланга ичида чойдиш мисдек қизиб, бирпаснинг ўзида вақиллаб қайнади. Сергей сафар халтасидан бир қайнатим чой олиб, дамлади. Консерва очди. Нон қирқди. Кейин Степан амакини чақирди. Устахона ичига кириб келган чол терини артиб, Сергей ёзган дастурхон ёнига ўтирди. У билан кетма-кет Мельников юборган солдат ҳам овқат билан кириб келди. Чол қорни оч бўлса ҳам, иштаҳасиз кишидек секин ер, кўпроқ ниманингдир хаёлини суриб қолар эди. Туманов буни Клаванинг ғамидан деб билиб гап чалфитди:

— Амаки, ошхонани бугун битказамиз деб ваъда бердингиз, ҳали иши кўп-ку?

— Масалан, қанча иши бор?— деди чол хаёли бўлиниб.

— Учоқнинг пачақланган ерини ўтга солиб тузатсак, уни арава устидан олиш керак бўлади. Бугун икир-чикирлар билан кунни кеч қилсак керак.

Степан амаки мийиғида кулиб қўйди. Унинг кулаётганидан ҳайрон бўлган Сергей:

— Нега куляпсиз, бошқача йўли борми?— деди.

— Чиқиб кўр-чи, уғлим, ўтга солинадиган иши қолип-тимми.

Сергей қўлидаги кружкани ерга қўйиб, ташқарига чиқиб кетди. У арава олдига бориб, чолнинг ишига завқ билан тикила бошлади. Учоқнинг пачақланган ери текисланган, яна анча-мунча ишлар қилинган эди. Бирпасда-я! «Степан амаки чакана уста эмас экан!»— кўнглидан ўтказди Туманов ва мамнун табассум билан чолнинг олдига кириб келди.

— Қалай, уғлим, ёқдимми?— Чол хира кўзларини Сергейга тикиб кулимсиради.

— Қойил, отахон! Уруш бўлмаса сиздан кўп нарса ўрганиб кетар эканман,— деди Сергей ўрнига ўтиргач.

— Командирингдан сўраб, олиб қолайми? Икковимиз керак яроқларни тузатиб юрардик. Бундан бу ёқ бу ердан қўшинимиз ўтгани ўтган.



— Йўқ, амаки, мен олдинги линияда бўлишим керак. Агар уруш бўлмаса жон деб қолардим. Мен излаган уста экансиз.

— Ишқибоз бўлсанг қола қол-да, командиринг йўқ демас.

— Йўқ, отахон, бу кунларда темирчилик қилиб ўтиришга сабрим чидамайди.

— Нега ўғлим, бу ўз ҳунаринг-ку! Бунинг ҳам фронтга нафи бор.

— Агар темирчилик билан ёрдам берадиган бўлганимда Бокудан бу ёқларга келиб юришимнинг кераги йўқ эди. Ҳозир биздекларнинг жойи ўқ чақнаётган майдонда. Майли, қисмимиз олдинга силжигунча сизга кўмак бериб тураман. Сизни яхши кўриб қолдим. Шояд унча-мунча ҳунарингизни ўрганиб олсам.

— Ўрганасан, уқувинг бор.

Чол икки чақмоқ қанд билан бир кружка чой ичиб, ташқарига чиқиб кетди. Сергей йигит эмасми, котелокдаги овқатни охиригача еб, икки кружка чой ичиб, дастурхонни йиғиштиргандан сўнг, чиқиб чолга қарашди. Чол чиндан ҳам ишнинг кўзини билар, кутилмаган чаққонлик билан бир талай вақт талаб этадиган ишни бирпасда қилиб қўяр эди. «Ишга разм сол» дегандек гоҳо Сергейга қисик кўзларини тикиб, куларди.

Туманов чолнинг маҳоратига мафтун бўлиб, кеч кириб қолганини ҳам сезмади:

— Отахон,— деди у ишни йиғиштиришгач,— омон бўлсам урушдан кейин қайтишимда бир ҳафта олдингизга тушиб ўтаман. Санъатингизни ўргатасиз.

— Хўп бўлади, ўғлим! Кел, бу ҳунаримни гўримга орқалаб кетмайман, ўргатаман.

Улар устахонани беркитиб ёнма-ён боришарди. Ғирашира қоронғи. Муздай ел юзни ялайди. Кечқуруннинг шовқинли гашти... Степан амаки товуш келган томонга қараб, деди:

— Қишлоғимиз асли ҳолига кела бошлади. Ана, уларни қара!— Степан амаки қўли билан бир уй олдида турган бир тўп қизларни кўрсатди. Сергейнинг кўзи ҳам ўшаларда эди. Степан амаки буни пайқаб, соқол босган юзини нурга тўлдириб кулиб қўйди:

— Ёшсан, ўғлим, тикилсанг арзийди. Айт, қайси бири ёқди?

Туманов ҳам ҳазилга олди:

— Хув, анави, дум-думалоғи кўзимга ўтдай ёниб кўриняпти.

— Ҳа, ҳа, ўша ёқдимиз?— Степан амаки ниманидир эслагандай салмоқлади.

— Тавба, худди хотинимнинг ўзи-я. Одам ҳам одамга шунчалик ўхшайдими?

— Соғинганингдан бу. Киши соғинса шунақа бўлади. Агар сен уларни бир ҳафта илгари кўрганингда, уч кун овқат емасдинг. Клавамнинг ўлиmidан кейин қишлоқдаги қиз-жувонларнинг ҳаммаси тамомила бошқача тусга кириб олишди. Бир йил — ўн икки ойлаб юзига сув тегмаган одамларнинг дидини беришарди. Сочлари кигизга ўхшаб кетган эди. Атайин иркит бўлиб юришди. Ўзлари ҳам ўлгудек тундга ўхшаб муомала қилишарди. Четдан келган одам, бу ердаги қизларнинг ҳаммаси ёппасига жинни бўлиб қолипти, деб ўйлаши мумкин эди. Бу немислардан қутулишнинг бир йўли эди! Мана энди бўлса ювиниб, кийиниб, тўлган ойдек етилиб, ўзларига келишди. Ўйнаб-кулиб юришипти. Қиз ҳуснини эркинлик очар экан, ўғлим.

Сергей қизларнинг рўпарасига келганда Степан амакига бояги гапини такрорлади:

— Тавба, худди ўзи-я. Агар оти ҳам Мария бўлса худди хотинимнинг ўзи дердим.

Степан амакига яхши таниш ва синашта бўлган қизлар: «Нимадан куляпсизлар?» деб у билан Сергейни ўраб олишди. Чол қизиқчилик қилиб тегишди:

— Қизларим, мени қўйиб юборинглар, қарини бошларингга урасизларми?

— Йўқ, амаки, қизларнинг ҳалқасига тушган чиқиб кета олмайди. Биз учун ёш-қари баробар!— тегажаклик қилди қизлардан бири.

— Хўш, ўғлим, сен қоласанми, мен тезроқ уйга етиб боришим керак.

— Юринг, отахон, кеч қолмайлик бўлмаса.— Сергей чолни қўлтиқлаб олди.

Бояги шўх қиз Сергейнинг енгидан тортиб тегишди:

— Сиз қаёққа кетяпсиз?

— Вақтим бўлса жон деб қолар эдим. Майли, старшина рухсат берса, қайтиб келаман. Сўрай-чи...

Сергей қизлар ҳалқасидан чиқиб, Степан амаки билан йўлга тушди. Улар ярим километрча юрганларидан кейин Степан амаки кўчадан сал ичкарироқдаги бир уйни кўрсатиб:

— Ана шу вайрона менинг уйим бўлади. Юр, холанг билан танишиб кетасан,— деди.

Сергей рози бўлиб чолнинг кетидан уйга кириб келди. Степан амаки Сергейни тўппа-тўғри ичкари уйга бошлаб, деворга осиглиқ турган бир суратни кўрсатди. Унда бир қиз кафтини чаккасига қўйганича фикрга чўмиб турарди. Сергей Клаванинг суратига узоқ тикилиб қолди.

— Бечора!

Клава ҳамон кўзини бир нуқтадан узмай, келишган қоматини бир оз букканича ўтирарди. Унинг ёниб турган кўзларига қараган киши ҳалок бўлганига сира ишонмасди: унинг кўзларида ҳаёт барқ урар эди. Сергей расмга ортиқча тикилиб туролмади, кўнгли бузилиб, даҳлизга чиқиб кетди. Унинг кетидан икки қўлини орқага қилганича Степан амаки ҳам чиқди.

Ҳовлидан кампир кириб келди. У Сергей билан қуюқ сўрашди. Шу орада старшинадан миннатдорлигини билдириб, янги сигирини мақтаб ҳам қўйди:

— Қариганимизда сигирсиз қоламизми деб жуда қўрққан эдим. Шукур, яхшилаб ёрдам беришди,— деди охирида у. Кейин яна гапга тушиб кетди: — Вой ўлмасам, сизларни бу ерда нима қилиб ушлаб турибман, овқат пишди, ичкарига киришлар.

— Раҳмат, уйга кирдик, холажон. Интизом! Кеч қолсам бўлмайди, менга рухсат беринг,— деди Сергей.

Кампир ноилож кўнди. Улар ташқарига чиқар экан, Сергей чолга таскин бермоқчи бўлди:

— Хафа бўлманг, отахон, ҳаммаси унут бўлиб кетади...

— Клавам тирилиб келармиди...— деди чол яна кўзига ёш олиб.

Сергей чолнинг яна маъюсланиб келаётганини кўриб, гапни бошқа томонга бурди:

— Айтгандек, эртага қайси вақтда келай?

— Бугунги вақтда етиб келсанг бўлди.

— Хўп, мен кетдим.

Сергей узун оёқларини катта-катта ташлаб бир зумдаёқ қоронғилик ичига кириб, кўздан ғойиб бўлди. У полк штабидан бир оз ўтгач, кўчанинг ўнг тарафида қатор тушган уйлар орқасидаги дарахтзордан старшина Мельниковни қидирди. Тополмай ҳафсаласи пир бўлиб, энди қайтиб кетмоқчи бўлган эди, орқа томондан: «Уртоқ Туманов, бу ёққа!»— деган овоз эшитилиб қолди. Сергей овоз чиққан томонга кетди. Мельников икки жангчи билан бир уйнинг

ҳовлисида ишдан чиққан арава асбобларини кўздан кечирмоқда эди.

Сергей етиб келгандан кейин старшина «Ўртоқ Туманов, юринг, сизга ҳам иш топиб бераман, ётишга ҳали вақт эрта»,— деб уни уйга бошлаб кирди. Бу уй батальон учун олинган озиқ-овқатлар билан тўла экан. Старшина бир оз ёғ-гўшт ва картошка берди, қорни очиб кетганини айтиб, сўради:

— Овқат қилишни биласизми?

Сергей старшинанинг ҳурматини қилиб индамади, ма-саллиғини кўтариб ташқари чиқди.

Бир умр овқат қилиб кўрмаган Сергей ўчоқ бошида капалакдек айланиб, овқат тайёрлашга тутинди. У қўлининг икки-уч ёрини куйдириб, не азоблар билан овқат пиширгач, старшинани излади. Мельников қаёққадир кетиб қолган эди. Сергей уни қанча қидирмасин топа олмади. Овқатни бир ўзи егиси келмай, уйга кириб чўзилди, старшинани кутди. Кун бўйи оғир болга билан курашиб чарчаган Сергей оёғини узатди-ю, кўзи уйқуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Бир маҳал уйғонса тонг отиб кетибди. Старшина эса ёнида чалқанчасига хуррак отиб, ухлаб ётарди.

«Аттанг, ухлаб қолганим ёмон бўпти-ку! Бормаганимга қизлар роса кулишгандир»,— деб ўйлади ўрнидан турар экан Сергей. У наридан-бери ювиниб, нонушта қилгач, тўғри Степан амакиникига йўл олди. Чол эшиги олдида кутиб ўтирган экан.

— Уйқуни юз фойиз қилиб келдим, отахон,— деди Сергей чолга кўришиш учун қўлини чўзар экан.

— Ростини айтавер, қизларнинг олдига бориб уйқулан қолгандирсан. Миянг ғовлаб кетаётгани йўқми? Яна болга билан темир ўрнига қўлингни чақиб олма.

— Отахон, борганим йўқ. Ухлаб қолибман,— иқроп бўлди Туманов.

— Чакки қилибсан...

Степан амаки бугун ҳам кун бўйи тинмади. Бир неча отни тақалади. Қўшни полқдан келган иккита аравани ремонт қилди. Чол ўзининг нафи тегаётганидан ва старшиналарнинг хуш муомаласидан беҳад хурсанд эди.

Тушдан кейин келган Мельников устахона олдидаги ремонтга олиб келинган нарсаларни кўриб деди:

— Отахон, бозор катта-ку. Ҳали сизни чарчатиб қўйишмаса эди.

— Йўқ, чарчамайман. Ўғлим. Яшариб кетдим.

— Яхши! Омон бўлинг. Мана шу яхши хизматларингиз эвазига бизнинг командирдан мукофот.

Старшина қўлидаги сумкани Степан амаки ёнига қўйди:

— Икковинглар баҳам кўринглар.

— Хўш, мукофотинг нима экан?— тегишди чол.

— Ярим литр оқидан олиб келдим.

Старшинанинг сўзини эшитган чолнинг оғзининг таноби қочди:

— Бормисан, ўғлим!

Старшина Сергейнинг ёнига келиб ҳазил қилди:

— Овқатланиб олдингизми? Касал бўлиб қолманг тагин. Нақ Исаевдан балога қоламан.

Туманов ҳам қочириқ қилди:

— Кечаги овқатнинг кучи турипти, ўртоқ старшина.

— Емабсиз-ку, қозонда шу бўйи қолиб кетипти!

— Ўзингиз ҳам меҳмон кутишни ўрнига қўяр экансиз, дўстим. Эслан чиқмайдиган иш бўлди. Қаёққа кетиб қолдингиз?

— Хафа бўлманг, ўртоқ Туманов, бошқа бир ўтирамиз. Отахон, ошхонани олиб кетсам бўладими?

— Бўлади, ўғлим. Мазали овқатлар пиширинглар.

Старшина Мельников Сергейга бир кўзини қисиб чиқиб кетди.

Степан амаки темирни тобидан қочирмаслик учун Сергей билан баробар болға урарди. У руҳланиб кетган, болға урган сари кучга кириб, тетиклашиб бораётганга ўхшар эди.

— Сергей,— деди у болғани ерга қўйиб,— кеча қизларнинг байрами бўлган бўлса, бугун чолларники экан-да!

Сергей фартуғининг этаги билан пешана терларини артар экан:

— Ҳаққингиз бор, отахон, бундан буён ҳар кунингиз байрам бўлади!— деди.

## 19. ҚУВОНЧ

Рустам Шокиров Муҳаббатнинг алам тўла хатини олиб, турган ерида ўтириб қолганидан кейин қандай қилиб ертўласига етиб келганини ҳалигача эслолмайди. У

тунда Туманов билан қилган мардлигини ҳам, Белоусовдан ташаккур эшитганини ҳам, мукофотга тақдим этилганини ҳам унутган эди. У бирдан чуқур ва қоронғи ўрага тушиб кетган кишига ўшарди. Кўзи ҳеч нарсани кўрмас, вужудини изтироб қоплаб олган... Хатни ўқиган кўзларига, тутган қўлларига ишонмас, қайта-қайта ўзини... синаб кўрарди — йўқ, ўзи, қўлида турган хат — Муҳаббатнинг хати! Чақмоқ тезлигида урилган бу зарб уни аввалига қаттиқ эсанкиратиб қўйди. У Муҳаббатни астойдил севгани учун ундан бундай аччиқ хат келишини ҳеч кутмаган эди. Кутмаган кишингдан эшитган сал гап ҳам оғир ботади-да!

Ертўлага қайтиб келгач ҳам, бомба портлаши елиб кетган кишидай анчагача ҳушини бошига йиғиб ололмай узоқ ётди. Эсини йиғиб олганидан кейин ҳам бирор тadbирнинг иложини тополмади. Оддий бир хат ёзиб Муҳаббатни ишонтаришга ақли етмасди. Наҳот, шундай аччиқланган одам Рустамнинг ундоқ эмас, бундоқ эди, деган гапига ишониб қўя қолса! Йўқ, ишонмайди!

Гапнинг нималигидан хабар топган Иброҳим Исаев ўз одатини қилиб, дарров суриштиришга тушиб кетди:

— Қани, хатни бу ёққа олинг-чи!

Рустам боядан бери қўлига олавериб ғижимланиб кетган хатни истар-истамас унга узатди. Исаев аввал конвертдаги печатга қаради, кейин адресини кўздан кечирди, адресидаги ёзувни ичидаги хатга солиштирди.

— Муҳаббатнинг қўлини яхши танийсизми, ўзининг хатими?— Рустам табиб олдида турган касалдай бош қирмирлатиб қўя қолди.

— Уқисам мумкинми?— сўради Исаев.

— Фойдаси йўқ,— деди Рустам.

Шундай бўлса ҳам Исаев хатни кўздан кечириб чиқди. Бирпас ўйга чўмди.

— Аччиқ! Жуда аччиқ!— деди у бирдан.— Лекин масаланинг тагини суриштирмай шошинқираб ёзилганга ўшайди. Мулоҳазадан кўра туйғу устун. Астойдил яхши кўрганда сал шубҳа туғдирган нарса ҳам айил бўлиб ботаверади,— кетини кулгига олди у.— Ростингизни айтинг, ростдан Света билан элоқангиз йўқми? Қиз бола деганининг юрагида гап ётмайди. Сал-пал хушомад қилган бўлсангиз ҳам баъзан чинга айлантириб, бошқаларнинг рашкини келтиришни яхши кўришади. Света деганингиз ўзи қанақа қиз?

— Гап-сўзларидан ажабтовур қиз эди, тагин ким билди!

— Ростини айтинг: у билан юрганмисиз?

— Нима деяпсиз, Иброҳимжон! Бир қилгулик қилиб қўйган бўлсам, шунақа жиғибийроним чиқиб юрардим?

— Шундай денг?

— Ҳа.

— Бўлмаса, дўстим, хафа бўлманг. Ҳақ жойини топади. Дарров эрга тегиб кета қолмас!

— Мен унинг бошқага тегиб кетишидан қўрқаётганим йўқ, Иброҳимжон. Истамаса, кўнгли бўлмаса, бундай хат ҳам ёзмасдан орани очди қилиб қўйиши мумкин. Мен унинг этагига маҳкам ёпишиб олганим йўқ. Мен унинг кўнглига озор етказиб қўйганимдан диққатман, хафа қилиб қўйганимдан юрагим ўртаниб кетяпти. Биласизми, мен уни қандай яхши кўраман, унга шамолни ҳам раво кўрмайман. Буни қаранг, бечора тутақиб кетипти!— Рустам хатни олиб, унга кўз ташлади. Ҳар бир ҳарф уни ўт бўлиб ёндирадди.— Бу беъмани гап қаёқдан тарқалди экан? Наҳот бунга Светанинг ўзи сабаб бўлган бўлса?

— Майли, бўлар иш бўпти. Энди ортиқча фол очишнинг фойдаси йўқ. Иложи бўлса ўзига бир хат ёзинг.

— Нима деб?

— Ростини айтиб-да, нима деб бўларди!

— Ишонмайди. Светанинг ўзи айтган бўлса, ишонмайди.

— Агар астойдил севса — ишонади, борди-ю, орани узиш учун бир баҳона қидириб юрган бўлса — унда бошқа гап. Ёзинг.

Исаев шу гапни айтди-ю, бошқа ҳеч нарса демай, бир четда турган флягадан ҳўплади, кейин Рустамга узатди:

— Ҳўпланг, дориси шу!

Рустам бошини чайқади.

— Йигит бўлинг! Дардга ҳам йигитлик керак!— деб чиқиб кетди Исаев. Нариги ертўлага кирди-да, масалани батафсил тушунтириб Муҳаббатга хат ёзди. «Зудлик билан почтальонга етказ!» деб жангчилардан бирига топширди.

...Лекин Рустам ёзишга ботинолмасди. Нима деб ёзишни, қилмаган гуноҳдан ўзини қандай қилиб оқлашини билмасди. Бу алам етмагандек, бир неча кундан кейин Катянинг онаси — Ефросинья Петровнадан хат келиб қолди.

Хат Рустам билан Фозилнинг номига ёзилган эди. Бечора она қизидан хат узилиб қолганидан ташвишланиб, даррагини айтишларини илтимос қиларди Ҳалок бўлдим, дейишга тили бормай, «Яраланиб госпиталга кетган бўлса ёзолмаётиптимми? Ёки бошқа қисмдами?» деб сўрапти онаизор. Бу хат дард устига чипқон бўлди. Нима деб жавоб қайтаради? Она бечора билса ёниб кетади-ку! Қидириб сабаб тополмасди. Жавоб қайтармаслик — инсофизлик! Ўзининг қўли бормай, Тумановдан илтимос қилди. У ёзиб юборди. Эҳ, бечора она, хатни олгач, сени қандай гам-ғусса чулғаб олади!

Икки-уч кундан кейин бошланган ҳужум ўзининг ўлим билан олишган серташвиш, улуғвор оғушига Рустамни ҳам фикр-ўйлари билан бирга тортиб кетди... Муҳаббат ҳақида ўйлашга гўё вақти етишмасди. Назарида бу можаро аллақачон самарали ҳал бўлгандек...

Бу орада Исаевдан хат олган Муҳаббат Рустамдан қандай уэр сўрашини билмай, Исаевга хат ёзган эди. Бу хатни олган Исаев тун билан ухламай разведкада бўлган бўлса ҳам, Рустамни қидириб кетди. Рустам анча наридаги кузатиш постида эди.

— Суюнчини чўзинг, Рустамжон! — деди у Шокировнинг ёнига эмаклаб келиб.

Рустам ҳайрон:

— Узи нима гап?

— Тўнингизни ечиб олай десам, бу жонивор шинелдан ўзимда иккита.

— Қандай хушxabар? Аввал айтинг-чи, яхши бўлса бош-оёқ сарпо ҳам кийдираверамиз.

— Қайси жамғармангизга? — кулди Исаев.

— Бу ёғини қўяверинг, яхши ишга пул ҳам, вақт ҳам, имкон ҳам топилаверади.

— Шундай бадавлатман денг?

— Чегараси йўқ!

— Бўлмаса инсоф ўзингизга берсин! Мана буни ўқинг! — Исаев Муҳаббатдан келган хатни унинг олдига ташлади.

Хатга бепарвогина қўл чўзган Рустам бир-икки жумласини ўқиши билан энтикиб қолди. Муҳаббат бутун вужуди билан изтиробга тушиб, куйиб-ёниб ўзининг қилиб қўйган ноҳўя иши учун уэр сўрар эди. «Рустам акамнинг юзига энди қандай қарайман, бу кунимдан ўлганим яхши. Ёнди нима деб хат ёзаман», деб арз қиларди Исаевдан



кўмак сўраб, Рустамнинг кўнглини кўтаришини илтимос этарди: «Энди фақат сизга ёлвораман, Иброҳимжон ака, сиз бутун ишдан хабардорсиз. Албатта, мен нодон қизнинг машъум хатидан Рустам акам ёниб кетган бўлсалар керак. Айтинг, мени кечирсинлар, муҳаббатим, ҳурматим ҳақи мени кечирсинлар. У кишига хат ёзаётган вақтимдигидан ҳозирги аҳволим оғир. Гуноҳсиз кишининг кўксига ниш қадашдек даҳшатли иш борми дунёда! У кишига ёзган хатим қанчалик оғир бўлса, инонингки, севгимнинг шунчалик самимийлиги ва поклигидандир. У кишини ҳурмат этмасам, шунчалик хафа бўлармидим! Нима қилсалар у киши ҳақли, мен гуноҳкор бошимни қуйи солиб, қаршилариди турибман. Қилмишимдан минг бор пушаймонман, аммо начора! Ҳозирги ҳолатимни одам боласи тасаввур ётолмайди. Ёшлик экан, суриштирмай лаққа ишониб қўя қолибман. Энди ўзим пушаймонман. Иброҳимжон ака! Рустам акамга бутун гапни айтинг. Мана шу хатимни кўрсатинг. Ишқилиб, менинг узримни етказиб, у кишининг кўнглидан алам доғларини ювишга ёрдам беринг. Бу иш сиздан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди».

Рустам шошилиб қолди, ўзининг постда эканини ҳам унутиб, Иброҳимжонни қучоқлаб олди, қийқириб юборди. Эўр бериб: «Ёлғон демаганмидим!» дерди, қувонч тўла кўзлари чарақлаб ёнар, ҳатто унда бир-икки севинч ёшлари ҳам кўринган эди.

— Секинроқ, Рустамжон, қаршимизда душман турибди-я!— деди уни босиб Исаев.

Рустам қаршидаги душманни аллақачон унутган, хаёлида Муҳаббат билан учрашган сой бўйи, олмазор боғлар, кўм-кўк парклар, охири вокзалда йиғлаб қолган, дунёда ҳаммадан гўзал, ҳаммадан меҳрибон ва ҳаммадан сеvimли Муҳаббат кезиб юрарди. Бутун диққатини унинг бир оғиз ширин сўзи боғлаб олган эди!

Рустамнинг бениҳоя қувониб кетганига душманнинг рашки келдими ёки уларнинг ҳаракатини пайқаб қолдими, бирдан кетма-кет мина ташлаб қолди.

— Ҳа, лаънати, бизнинг қувончимизни кўролмайсан-а?

Иброҳимжон Рустамни мина тушаётган жойдан четроқ олиб кетди. Лекин барибир портлаётган миналар Рустамга таъсир қилмас, унинг хаёлини бузолмас эди. Унинг қувонч тўла кўзига ўлим кўринмас эди.

Исаев дўстининг оғир дардига малҳам топа олганидан

бениҳоя мамнун, унинг қувончига шерик бўлса ҳам, қаршидаги душманнинг қўлидан мудҳиш қонли иш келиши ёдидан чиқмас эди. Шунинг учун у дўстининг севинчидан қанчалик мамнун бўлмасин, уни эҳтиёт қилиши керак эди. «Рустамнинг ўйи энди Муҳаббатга кетиб қолаверади, яна бирор фалокат рўй бермасин», деб уни барвақтроқ бўлса ҳам бошқа жангчи билан алмаштирди. Рустамнинг уялини қираб қаршилиқ кўрсатишига ҳам қарамади.

— Эшитганлар нима дейди, Иброҳимжон?

— Командири яхши қипти, дейди.

Исаев ҳақли эди. Рустам дунёга янги келгандек, қувончи ичига сиғмас эди. Қани энди шу маҳалда қанот чиқарса-ю, севгилисининг олдига учиб бориб, «Муҳаббатхон, ўкинманг. Хато ҳаммада ҳам бўлади. Мен кечирдим!» деса. Энди билса, Муҳаббатни ҳеч қачон ҳозиргидек соғинмаган ва севмаган экан.

Улар ертўлага қайтишар экан, Исаев Рустамдан кўзини узмас, ҳатто унинг севинчига, севгисига рашки келгандек бўлар эди.

Улар пастқам ерлардан ўтиб взводнинг ертўласига кириб келдилар. Кечаси чарчаган Исаев бирпас Рустам билан гаплашиб ётди-ю, бирдан кўзи уйқуга кетди. Рустамнинг:

— Сиз ҳам севиб уйланганмисиз, Иброҳимжон?— деган саволи жавобсиз қолди. Лекин у ажабланмади ва хафа ҳам бўлмади. Унинг учун пинакка кетган дўсти ҳам уйғоқдек эди. Унинг кўзига ҳозир ундан яхши, шу оддий ертўладан чиройли ер йўқ. Ҳамма нарса қандайдир чирой, бошқа киши ҳис этолмайдиган ажиб бир мазмун касб этган эди. Нимага кўзи тушмасин, табассум қилаётган ва суҳбатлашаётганга ўхшарди. Нима биландир шуғулланмоқчи бўлди — бўлмади. Ётди — ухлолмади. Ташқари чиқиб атрофга қаради. Кўзи тўймасди... Шу ҳолатда ертўла оғзида узоқ ўтириб қолди. Қанча ўтирганини билмайди. Бир маҳал Туманов келиб, луқма ташлади:

— Ўтиришинг жуда Робинзон Крузоча-ку! Тинчликми ўзи?

Мудроқ босган киши чўчиб кўзини очгандек ўйини йиғиб олди Рустам:

— Бўлмасам-чи!

— Кўзингнинг ёнишидан жуда хурсанд кўринасан. Ҳаётингда катта бир ўзгариш бўлганга ўхшайди. Муҳаббатдан хат олдингми?

— Хатни Исаев олди-ю, гаштини мен суряпман. Айтчи, Сергей, кеча ҳам кун шунақамиди ёки бугунги кун ўзи шунақа бошқачароқми? Наҳот ҳаёт шундай гўзал, яшаш шундай тотли!

— Жуда гўзал! Агар яқин кишингдан яхши хат олган бўлсанг сен учун жуда ҳам гўзал, ниҳоятда гўзал! Ҳаммаси бекорчи гаплар эканми?— Рустамнинг севинчи Тумановга ҳам кўча бошлади.

— Ҳаммаси!

— Яшасин! Иш деган бундоқ бўпти! Кўнглинг тинчидими? Энди бу ёғига эҳтиёт бўл...

Рустамнинг хаёлидан кечагина бўлиб ўтган қонли тўқнашув ўтди. Унда ёнидаги бир жангчининг икки оёғини тўп ўқи узиб кетган эди.

— Ҳаёт-ку шундай гўзал, урушнинг нима кераги бор?! Ҳар ким ўз юртида хоҳлаганича истиқомат қилаверса бўлмайдими?

Рустамнинг кўнгли шу вақтда юмшоқликка мойиллигидан, қувонч ҳиссиётлари барқ урганидан урушнинг сабабларини яхши билса-да, ички ҳолат билан шундай савол ташлаган эди. Буни тушунган Туманов бу саволга жавоб бермай, балки бу саволни турдирган сабаб Рустамнинг турмушга ва севги истиқболига бўлган муҳаббати, иштиёқи эканини англаб, шунга яраша жавоб берди.

— Дунёда киши қадри билан яшаса, олам унинг кўзига яшариб кўринади, кўркам кўринади, юзга кирган бўлса ҳам яна яшагиси, бирор нафли иш қилгиси келади. Эсингдами, тунов куни мен бир темирчи билан ишлаган эдим. «Фашистлар қишлоққа киргандан кейин уларнинг кирдикорларини кўриб, дунё энди охир бўлибди деб, кўлимни ювиб қўлтиғимга уриб қўйган эдим», дейди. Ҳеч нарса билан қизиқмай қўйибди. Сал вақтда мункайиб қолибди. Энди кўрсанг, икки-уч куннинг ичидаёқ қаддини ростлаб олди. Айниқса, қисм комиссари ишини тақдирлаб икки энлик хат юборган экан, боши кўкка етди. Энди, шу кунлар ўлиб қолсам кўзим очиқ кетади, дейди. Яшариб кетди, кучига куч қўшилди, иши ҳам унумли. Шунақа, дўстим, ҳаётнинг кишига муносабати кишининг унга бўлган меҳрини белгилайди. Кўриб турибман, ҳозир сендан бахтли киши йўқ. Шу ҳаёт учун ўтга киришга тайёрсан. Зотан, аввал ҳам тайёр эдинг, кира олардинг, лекин ҳозиргисида завқ бор, ўта ишонч бор, шиддат бор. Бу ҳаёт муҳаббати, кураш муҳаббати!

Сергей Туманов Рустамнинг юрагидагини топиб гапирган эди. Шунинг учун у яна яшнаб кетди ва қадрдон жанговар дўстини қучоқлаб ўпди:

— Ичимдагини, дўстим, топиб гапирдинг. Ўзинг ҳам олим йигитсан! Улма!

— Тинч яшагани қўймаяпти бу лаънати! Шунинг учун тезроқ қириб ташлай қолсак дейман. Кейин маза қилиб яшардик.

— Рост айтасан, Сергей, бир зўр бериш керак эди. Бир ҳафта урушиб, икки ҳафта мудофаа тутиш ҳам жонга тегди.

— Ҳали кучли бу лаънати ёв, ўзинг кўряпсан, бир сурганча тисартиб олиб кетиш қийин бўляпти. Куч тўп-лаяпмиз шекилли-да. Иттифоқчиларимиз иккинчи фронтни очганида эди, кучи бўлинармиди.

Рустам бирдан ҳушёр тортиб, ҳиссиёт қучоғидан отилиб чиққандек бўлди, қўлида ўйнаб ўтирган бир қарич ёғочни зарб билан узоққа улоқтирди:

— Иттифоқчиларингни қўй, дўстим, уларнинг ваъдаси саратондаги қорга ўхшайди. Ёғмайди!! Астойдил иттифоқдош эмас, бизга юраги ачимайди. Кўзи тарозининг оғир томонида...

Рустамнинг юрагида мавж уриб ётган нозик, майин ҳиссиётлар аста-секин тонгдаги тумандек таралиб, ўрнини иттифоқчиларга бўлган ишончсиз туйғуси боса бошлади. Иттифоқчилар ҳам қаршида ётган душмандек хунук кўриниб кетди, ғаразини қўзғатди:

— Шундай, дўстим, ўз кучингга ишонавер, ўнг қўлинг узилиб кетса, сўл қўлинг билан отишни машқ қилавер.

— Барибир биз енгамиз ва яшаймиз. Яшаш учун тугилганмиз. Ҳаётни астойдил севганимиз учун ҳам енгамиз ва узоқ яшаймиз. Шундай эмасми, Рустам?

— Шаксиз! Лекин бизга бир оз оғир бўлади.

— Оғирликни энди кўраётганимиз йўқ-ку.

— Албатта!— тасдиқлади Рустам.— Машаққат билан эришилган бахт жуда ширин ва мангу бўлади. Эҳ, ҳаёт қандай гўзал!

Рустам яна аввалги, Муҳаббатнинг хатини ўқиган чоғидаги ҳолатга қайтган эди.

— Муҳаббат! Муҳаббат! Мана шу онда қалбимга бир боқсанг эди! Нималар кўрар эдинг, нималар!

Шу маҳалда анча наридан кузатувчининг «Воздух» де-

ган товуши янгради. Икки ўртоқнинг суҳбати бўлиниб, ўринларидан туришди.

— Яйраб дардлашгани ҳам қўймайди, лаънати!— деди Туманов.

— Қора ерга тиксак шунда тинч қўяди,— деди этагини қоқиб Рустам.

Душман томондан пайдо бўлган иккита самолёт жуда баландда йилтилларди. Флангдаги зенитчиларимиз отган ўқ уларнинг атрофида пуфакдек ёрилиб, оқимтир тутун чиқарар, кейин товуши етиб келарди. Безовталаниб қолган самолёт мудофаамиз гепасидан шоша-пиша икки айланиб, кейин кўздан ғойиб бўлди, кета туриб думидаги бомбасини ташлади шекилли, узоқдан бўғиқ гумбирлаш овози келди.

## 20. Т О П Ш И Р И Қ

Икки ўртоқ ертўлага кирганларидан кейин, у ерда извод командири ётганиданми, суҳбатлари узилиб қолди. Салдан кейин паст овоз билан бошланган суҳбат — энди инсоннинг қадри ва уруш ҳақида эмас, балки ўзларига таниш жангчи ва командирлар ҳақида борди. Яраси енгил бўлса ҳам санитария бўлимида қолмай, анча наридаги госпиталга кетган бир танишларидан, уйига вақтида хат ёзмай комиссардан дакки еган яна бир сержантдан кулишди.

— Фронтда кишининг юраги дарров кўриниб қола қолади,— деди суҳбатларига яқун ясагандек Сергей Туманов.

— Яхши ҳамки шундай, бўлмаса жанг қилиш жуда қийин бўларди.

— Мумкинми?— ташқаридан кимнингдир овози келди. У рухсатни ҳам кутмай ертўла остонасида кўринди. У батальон штабининг алоқачиси эди. У ҳар қачонгидек чаққонлик ва тетиклик билан мақсадини баён қилди:

— Лейтенант Исаевни батальон командири чақиради.

Рустам билан Туманов жавоб бергунича бўлмай, ҳар доим қушдек зийрак ухлайдиган Исаев бошини кўтарди:

— Мен шу ердман!

Исаев ечинмасдан, ёқасининг тугмасини чиқариб, камарини бўшатиб ўринга чўзилган эди. Шунинг учун ирғиб ўрнидан турди-ю, эшикка отилди.

— Демак, қандайдир каттароқ топшириқ бор,— деди тажрибали разведкачи Туманов, Исаев чиқиб кетгач.

— Узимиз ҳам анчадан бери каттароқ бир иш қилганимиз йўқ.

Орадан йигирма минутча ҳам ўтар-ўтмас бояги алоқачи яна остонада пайдо бўлди.

— Иккалангизни ҳам штабга чақирингиз!

— Айтмадимми?— деди Туманов тахмини тўғри чиқаётгандек, ертўланинг паст эшигидан энгашиб ташқарига қадам ташлар экан.

Улар кириб борганда батальон штабида полк командири подполковник Гудков билан комиссар Шевченко ҳам ўтиришган экан. Батальон командири Белоусов ҳар вақтдагидек чечанлик билан нимадандир рапорт берарди. Исаев бир чеккада қотиб турарди. Иккала ўртоқ доклад қилганларидан кейин полк командирининг ишораси билан Исаевнинг ёнига ўтириб олишди.

— Зарур бир топшириқ бор,— дея гап бошлади Гудков.— Жуда масъулиятли! Бир соатдан кейин киришиш керак. Акс ҳолда кечикамиз. Командирингиз икковингизни тавсия этди,— деди у, Рустам билан Тумановга қараб.— Қарши бўлмасанглар керак?— дея кулиб қўйди.

Унга қўшилиб бошқаларнинг ҳам юзида табассум пайдо бўлди. Чунки ҳарбий хизматда топшириқ ижрочининг хоҳишига қараб берилмайди, балки тўғридан-тўғри буюрилади. Шунга қарамай, командир меҳрибонлик билан улар олдидан ўтмоқда эди. Туманов ҳам бўш келмади:

— Марҳамат! Тайёرمىз.

— Нима, Шокиров ҳам сизга ваколат берганми?— яна кулди командир.

— Қадрдонлар-да, бир-бирининг юрагини яхши биледи,— гапга аралашди Белоусов.

— Топшириқни бажаргани бирга боравериб, бир кишидек бўлиб кетган денг?— уни қувватлади комиссар Шевченко...

— Бу яхши!— мамнуният билан мўйловини буради командир.— Топшириқ шундай: душман орқасига партизанларга киши олиб ўтасизлар, отряд бошлиғи Пётр Максимович Денисовга хат бор, шуни топширасизлар. Агар у рози бўлса, бир операцияда қатнашасизлар.

Рустамнинг юраги Пётр Максимовичнинг номини эшитгандаёқ «Уша менинг танишиммикин?» деб орзиқиб кетган бўлса ҳам, одоб сақлаб, топшириқни тинглаб турди. Командир суҳбати охирида:

— Тўла тафсилотини биринчи бўлим бошлиғидан ола-

сизлар. Ҳозирча қандай савол бор?— дегандан кейин Рустам чидаб туролмади, юраги ҳаприқиб кетди:

— Пётр Максимович Денисовни мен танисам керак, ўртоқ подполковник,— деди ўрнидан туриб.

Ҳамма ажабланди. Командир унга тикилди:

— Қаёқдан?

— Ҳатто хотини билан қизи меникида, қишлоқда туради.

Шуни айтди-ю Муҳаббатнинг Светага қилган рашки хаёлидан ўтди. Худди шуни сезгандек комиссар Шевченко луқма ташлади:

— Муҳаббат сизга рашк қилган Света деган қиз ўшанинг қизими?

— Ҳа...

Рустам шошилиб қолди, қулоғигача қизариб кетди, дарров тер ҳам босди, ўнғайсизланди.

— Қизарма, йигит, ёшликда бундай гаплар бўлади. Охири хайрли тугаса бас,— деди командир унга далда бериб.— Уша сен билган Пётр Максимович бўлса ҳам ажабмас. Унда жуда ҳам яхши. Лекин сизларни Пётр Максимович эмас, сочлари оппоқ Солдатов деган бобо кутиб олади.

— Ҳушёр бўлинглар. Душман ичига кириб бораётганларингни унутманглар. Атрофларингни синчиклаб кузатиб боринглар.— Ҳар бир разведкачига таниш қондаларни комиссар Шевченко яна бир марта оталарча ғамхўрлик билан такрорлаб чиқди.— Муваффақият билан қайтинглар!— Дастлаб ўзи разведкачиларга қўл узатиб оқ йўл тилади. Тумановнинг қўлини қўйиб юбормай туриб деди:— Менга сизнинг партияга кириш учун ариза берганингизни айтишди. Жуда яхши, мен қувватлайман. Қайтиб келганингиздан кейин бюро бўлади. Шунда аризангизни кўрамиз.

— Раҳмат, ўртоқ комиссар. Миннатдорман!

Бир соатдан кейин разведкачилар партизанлар отрядига кетиши лозим бўлган кишиларни ёнларига олиб, йўлга тушдилар.

Анча жойгача кузатиб келган Иброҳим Исаев ном чиқарган разведкачи дўстлари билан хайрлашар экан, Рустамга далда берди:

— Бу ёғидан энди кўнглингиз хотиржам бўлсин. Муҳаббатга ўзим яхшилаб бир хат ёзиб юбораман. Соғ бориб, саломат келинг!

— Раҳмат! Иброҳимжон, агар малол келмаса, ўша хатни менга беринг, ҳамроҳим бўлсин.

— Марҳамат!— деди Исаев ва ёнидан хатни чиқариб, ҳурмат билан Рустамга тутди.

Қош қорайиб қолган. Шабада пичан ҳидини келтириб димоққа уради. Юлдузлар бекинмачоқ ўйнаётгандек онда сонда ялт-юлт этиб қолади. Ҳамма ёқ жимжит. Узоқ-узоқдан замбарак отишмаларининг бўғиқ овози эшитилади. Баъзан бир неча лаҳза осмон тинчлигини бузиб аллақаяёққадир самолётлар ўтиб қолади.

Рустам Шокиров бошлиқ разведкачилар полк штабида тайинланган маршрут билан оҳиста юриб борадилар. Энг олдинга чиқарилган Туманов ва яна бир киши вақти-вақти билан йўлнинг хавфсиз эканлиги ҳақида сигнал бериб, илгарилаб бормоқда. Ҳеч ким ҳеч нарса ҳақида гаплашмайди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. Аллақадан шохлар орасидаги қушнинг ҳаракати ҳам уларнинг диққатидан қочиб қутулмайди. Бутун борлиқлари қулоғу, ҳар бир аъзолари кўзга айланиб кетган. Душман билан бизнинг мудофаамиз «бетараф» оралиғидан ўтиш оғир эди. Чунки икки томон ҳам бу жойни кўздан қочирмайди.

Нима учундир Рустамнинг кўнгли жуда тўқ. Хавфхатарсиз ўтиб олишига ҳеч шубҳа қилмайди. Кундузги эркаловчи руҳий ҳолатнинг таъсири қалбида ҳали ҳам кезарди. Уни баъзан бир нарса хавотирлантириб қўярди, ёнидагилар — партизанлар томонига ўтиб кетаётган кишилар жанг кўрганми, тасодифан душманга дуч келиб қолсалар эсанкираб қолишмайдими, ваҳимага тушишмайдими?

Рустам шу хаёлда экан, бир неча юз метр олдинда бир киши билан йўлни кузатиб кетаётган Туманов «Тўхтанглар!» сигналинини бериб қолди. Рустам кишиларга ерга ётишни буюриб, ўзи сал олдинга ўтди. Бир оздан кейин Тумановнинг олдидан келган одам:

— Олдиндан ғала-ғовур товушлар эшитиляпти,— деди.

Рустам яна олдинлаб кетди. Туманов тажрибали кўзлари билан олд томонни кузатмоқда эди. Ётиб келган Рустамга кузатган нарсасини доклад қилди:

— Душман. Ҳу анави томонда бамайлихотир гаплашмоқда. Ана, қулоқ сол.

Рустам қулоқ солиб, чиндан ҳам нотаниш товушни



эшитди. Бу товушларнинг бемалол давом этиши уни хотиржам қилди, демак, немислар бу атрофда киши борлигини сезмаганлар.

— Сергей! Сен ўша томонга ўтиб, аста кузатиб қайт. Агар бу томонда ҳеч ким бўлмаса, сал ўнгдан ўтиб кета қоламиз.

Туманов салдан кейин сувга тушгандек, қоронғилик қўйнида кўздан ғойиб бўлди. Рустам у кетган томондан кўзини узмай кузатиб турарди. Яна эҳтиёт учун ўнг томонга ҳам одам чиқарди. Бу икки одам тайинланган ергача бориб, тезда қайтиб келди. Лекин Тумановдан ҳамон дарак йўқ эди. Рустам безовталаниб энди сал олдин сурилган ҳам эдики, дарахтнинг шитирлагани эшитилди. Пастак дарахтдан бир қуш парр этиб кўкка кўтарилди. Шарпа кўринди. Бу Сергей эди. Лекин унинг бошқа томондан келиши қизиқ эди.

— Бу ёқда нима қилиб юрибсиз?— деди унинг қаршисига чиқиб Рустам.

— Назаримда, фрицлар бирор ёқдан келаётган экан шекилли. Яқинроқ бориб қарасам, ўтиришлари омонат Папирос чекишяпти. Туриб қолишмасмикин деб бир оз пойлаб турдим. Йўқ, гумоним тўғри чиқди. Чекиб бўлишгач, сал кайфлари ҳам бор шекилли, бирпас ҳазиллашиб туришди, кейин жўнаб қолишди. Анча ергача кузатиб бордим. Изларидан бориб қарасам, ерда алоқа сими. Қуруқ кетмай деб уни ҳам узиб келдим.

— Ана шу ишни чакки қилибсиз.

— Нега?— ажабланди Туманов.

— То биз ўтиб кетгунимизча, тузатишга чиқиб қолишса нима бўлади?

Ана шунда Сергей қилган хатосига тушунди. Бирпас ҳайрон бўлиб турди.

— Бўлди! Қани, сиз кишилар билан ўтаверинг, мен кетларингдан етиб бораман,— деди у.

Рустам уни тушунди. Сергей яна келган томонига елиб, қоронғилик ичига кириб кетди.

Рустам кишиларини бошлаб маршрут бўйича дарҳол йўлга тушди. Тўхтаганларида кўп вақт ўтиб кетган, шунинг учун жадаллашлари керак эди. Бир маҳал орқаларидан қора терга ботиб Сергей етиб келди: у жуда хурсанд эди!

— Бора солиб, дарров уладим. Сизлар бу атрофдан анча нарига ўтиб кетганларингга ўзимча қаноат ҳосил қил-

гач, яна узиб, бир учини анча беригача чуватиб ташладим,— деб доклад қилди Сергей Туманов.

— Бугунги бурчимизга кирмайдиган ишларни қилдингиз-да.

— Эй дўстим, кўра туриб ёнидан қандай ўтиб кетасан. Ғашинг келади.

— Баъзан ўта билиш ҳам керак,— деди насиҳатомуз бир тусда Рустам.

Рустам Сергейга дам бериш мақсадида бир пастқам жой топиб, чекиш учун кишиларни тўхтатди.

— Фақат енгга олиб чекинглар!— таъкидлади у. Узи Сергейнинг ёнига ўтиб ёнбошлади. Чекмагани учун папирос тутунини ёқтирмас эди. Қўшниси Сергейга тегишиб қўйди:

— Тутунини у ёққа пуфланг!

— Шундай мазали нарсадан бебаҳра бўлиб юрганингизга ҳайронман, дўстим,— дея кулди Сергей.

— Сиз маза қила қолинг.

Бир неча минутдан кейин команда берди:

— Бўлди, чекиш тугатилсин. Папирос қолдиқларини кўминглар, изимиз қолмасин!

Улар мудофаа линиясидан анча узоқлашиб кетишган эди. Бир оздан кейин анча хавфсиз бўлган жарликка тушиб олишди. Унинг ичи билан бемалолроқ кетишди.

Энди осмон юлдузга тўлган, учган юлдузларнинг нури ислари анча вақтгача ўчмай туради. Уфқдан энди кўтарилган ойнинг ўроғи тўнтариглик. Унинг сўл учида бир юлдуз жуда чарақлаб порлайди, гўё ой билан басма-бас ўйнаётганга ўхшайди. Тун бу жарликда жуда ҳам сокин. Тун салқинида ўт-ўланларнинг эти увишгандек. Оёқларга илашади, орқангдан эгилиб қолади. Бундай бўлиқ ўтларда юриш оғир. Бунинг устига, баъзи бўйдорроқлари нохосдан юзингга урилади, кўзингга киради, ғашингни келтиради.

Разведкачиларнинг юриши шунинг учун ҳам анча суст. Йўлнинг паст-баланди, ўсиқ ўт, баъзан қоқилтираётган катта-кичик тошлар тез юришга халақит берарди. Кимдир бехосдан чуқурликка оёқ қўйиб думалаб ҳам кетди. Аллаким бир-икки сўкиниб ҳам олди.

Жар бўйлаб анчагина юришгач, Рустам сочилиброқ кетаётган кишиларига тегишиб қўйди:

— Соғ-саломатмисизлар? Ким чарчади?

— Машина борми?— кулди Туманов.

— Ё опичиб оламан, ё қолдириб кетаман. Кечаси би-

лан тиниқиб ухлаб, эрталаб ўзи изимиздан боради. Бундан сал нарида ғорга ўхшаш ер ҳам бўлиши керак. Ҳали, штабда, зарур бўлиб қолса фойдаланарсизлар, деб таъкидлашган эди.

Рустам бошқаларни дам олишга буюриб, ўзи Сергей билан ўша ғорга ўхшаш жойни кўздан кечиргани четга бурилди.

— Унинг бизга нима кераги бор?— ажабланди Туманов.

— Уруш бошида шу ерда учта жангчи яралари тузалгунча икки ой яшириниб ётган экан.

— Қизиқ! Бўлмаса каттагинадир?

— Ҳозир кўрамиз-да!

Чиндан ҳам ғор шу ерда эди. Утган йил ичида унинг атрофини бўйдор ёввойи ўтлар қоплаган. Бўсағасида ўсган қандайдир паст бўйли дарахт ғор оғзини қоплаб олган. Рустам фонарини паналаб ёқиб, унинг оғзини аранг топди. Ичкаридан моғор ҳиди келарди. Икки ўртоқ ичкари кириб, деворларига кўз ташлашди. Қачонлардир бу ерда одам яшаганлиги сезилиб турарди. Фонарчанинг ёруғидан чўчиган калтакесак шифтдан гизилаб тушганча, қуруқ хасларни шитирлатиб қаёққадир қочди.

— Танишимми, деб инидан чиқди-ю, бегоналигимизни кўриб чўчиб кетди-я!— деди кулиб Туманов.

Иккалови ғорни бир-бир кўздан кечиришгач, ташқари чиқишди. Ғорнинг ҳавоси қанчалик рутубатли эканини ана шунда ҳис этишди!

Улар кишилар олдига қайтиб, йўлда давом этишди. Энди жарликдан юришнинг ўрни йўқ, ундан чиқиб, текис кенгликдан бориб, серқатнов тош йўлни кесиб ўтиш керак эди. Рустам буни ҳамроҳларига тушунтиргач, группани яна иккига бўлди. Олдин кетадиган группага ўзи бошчилик қилиб, орқадан борадиган группага Тумановни бошлиқ қилиб тайинлади. Катта йўлдан ўтиб борувчилар кўзига кўриниб қолмаслик учун энгашиброқ юрди. Бир оздан кейин йўл ёқасидаги пастликроқ ерда пайт пойлаб ётди. Унинг бахтига қарши икки-уч машина кетма-кет келмоқда эди. Уларни ўтказиб юбориш, назарида, анча вақтни олгандек бўлди. Бу йўл охириги оғир марра эди. Ундан нари қийинмас, бу чакалакзорда немис юрмас, унинг малайлари эса қош қорайгач, киришга қўрқар эди.

Мана, охириги машинанинг чироғи милтиллаб ўтиб кетди. Атрофни кўздан кечирган Рустам:

— Орқамдан елиб ўтинглар!— деди-ю, ўзи ўрнидан сапчиб туриб, энгашганча йўлдан ўтиб кетди, бир дарахт орқасига ўзини олиб, бошқаларни кутиб турди. Улар ҳам ўтди. Лекин Туманов группаси кўчанинг у бетида узоқ тутилиб қолди. Бу орада йўлда пайдо бўлган қатор тизилган бир неча араванинг имиллаб юриши разведкачиларни диққат қилиб юборди. Бу араваларда икки-учтадан одам ўтиргани, уларнинг немис кийимида эканликлари ойдинда кўриниб турарди. Айниқса, охиргисининг олдингилардан ўн беш-йигирма метр узилиб орқада келиши бу томонда Рустамни, у томонда Тумановнинг жигибийронини чиқариб юборди. Худди жўрттага орқада келаётганга ўхшарди. Мана у разведкачилар рўпарасига келди. Чапга ўтди. Энди сал нари кетди. Унинг ғилдирагидан чиққан чийиллаш анча узоқлашди, энди аввалгидек жонга тегмайди. Ниҳоят, кўз илғамас даражага етди. Рустам Тумановга ўтавер деб команда берди. Туманов ёнидаги кишиларни олдин ўтказиб, ўзи энди йўлнинг ярмига етган ҳам эдики, бирдан ўқ узилиб қолди. Ногаҳон ўқдан чўчиган Туманов йўлдан жон аччиғида елиб ўтиб, ўзини йўл ёқасига ташлади, кейин шиддат билан чакалакзорга эмаклаб кетди, яна бир-икки ўқ узилди. Лекин ҳеч кимга зиёни тегмади. Буни табиий зарурат юзасидан аравадан тушиб, бир четга ўтган фриц отган эди. Рустам жавоб қайтаришни лозим топмай кишиларини чакалакзор ичига олиб кириб кетди. Аммо ўқ товушидан орқасига чопиб келган гитлерчилар кишиларнинг чакалакзорга яширинганини фаҳмлаб, анчагина ўқ ёғдирдилар.

— Узавер, фриц, ўқинг камайса, юкинг енгиллашадди,— деб кулди Сергей.

— Яхши ҳам аввалроқ пайқамади!— деди Рустам мамнуният билан.

— Жанг қилардик-да пайқаганда!

— Кейин-чи, тонг отгач, орқага қайтиб кетармидик?

Сергей индамади.

Чакалакзор ичига киргач, Рустам компас билан иш кўриб, анчадан кейин мўлжалланган қишлоққа етиб боришди. У кишиларни дарахтзорда қолдириб, ёнига бир кишини олиб, штабда тайинлаганларича, бир уйнинг эшигини тақиллатди. Салдан кейин бамайлихотир йўталиб эшикда бир чол пайдо бўлди. У эшик кесакисини ушлаганча келувчиларга қаради. Яна унинг йўтали тутди. Ҳар йўталганда ўсиқ соқоли серкиллар, елкалари силкиниб

кетарди. Ориқлиги ой нурида ҳам бемалол кўриниб турарди.

— Хизмат, йўловчи,— деди салмоқлаб.

— Гугуртингиз йўқми, папиросимизни тутатиб олсак, девдик,— деди штабда тайинлаганларидек Рустам.

— Киринглар, гугурт бўлса топилиб қолар.

Чол эшикнинг кесақисини қўйиб юбориб, ўзи йўл бошлаб олдинга тушди. Рустамнинг сўроғидан қаноатланган бўлса ҳам, яна ўсмоқчилаб қўйди:

— Гугурт-ку бор, лекин қозонга солгудай туз йўқ.

— Бизда туз бор. Керак бўлса бир оз беришимиз мумкин.

Келувчиларнинг савол-жавобидан тўла қаноат ҳосил қилган чол:

— Яхши келдингларми? Йўлда ҳеч қандай ҳодиса рўй бермадими? Хотиржамликми?— деб Рустамни саволга кўмиб ташлади ва ўтиришга жой кўрсатди.

Рустам унинг саволларига жавоб бериб бўлгач, хатни чиқариб унга узатди, кетидан қўшиб қўйди:

— Артист бўлиб кетинг-е, ўртоқ Солдатов! Ҳаракатларингизни кўриб, аввалига бошқа кўрани тақиллатиб қўйдим шекилли деб чўчиб кетибман-а!

— Шундай қилмасак бўлмайди, ошна,— хатни кўздан кечириб чиққач, сўради:— Кишиларингиз шу яқиндами?

«Ҳа» жавобини олгач, чердакка қараб ишора қилди. У ердан икки киши, ёндаги хонадан уч киши, кўранинг эшиги томондан яна бир неча киши чиқиб келди. Уларнинг ҳаммаси қуролли, ҳатто биттаси кавказча узун ханжар ҳам осиб олган эди.

— Йигитлар,— деди Солдатов,— ташқарида бизга «Катта ер»дан юборилган турли мутахассислар бор. Уларни асосий базамизга бошлаб боринглар. Сен, Коля, отахонга хабар қил. Биз уни ўртоқ Шокиров билан тепаликда кутамиз.

Солдатов Рустам билан ташқарига чиқиб, кишилар кетгунча индамай кузатиб турди, кейин Рустамнинг ёлкасига қўлини қўйди:

— Мана шунақа ишлар, қани, энди биз ҳам отахон қаршисига юрайлик,— деди ва ёнидаги партизанга топшириқ берди:— Постларни кўздан кечиринг.

Рустам Солдатовни Туманов билан таништирди. Учаласи пастқамликдан ўтиб, кенгликка чиқишди. Ой тиккага

кўтарилган. Лекин унинг ўроғидан тушаётган шуъла хира. Юлдузлар милтиллайди. Тун оққаниданми, елдан эт жунжикади.

— Пётр Максимовичнинг соғлиғи яхшими?

— Дуруст. Сиз уни танийсизми?

— Ҳа, агар ўша мен билган Пётр Максимович бўлса.

— У қаерлик эди?

— Нальчик атрофидан.

— Худди ўзи.

— Оиласидан хат олиб турадимиз?— яна қизиқиб қолди Рустам.

— Олади. Жуда кам. Ўзбекистоннинг бир қишлоғида шекилли, жуда кўнгли тўқ. Аввалига, қандай етиб борган экан, яхши жойлаша олдими, деб ташвишланиб юрди. Биринчи хат келиши биланоқ тинчиб қолди. Узига таниш бир кишиникига кетган экан. Тасодифан танишган кишим эди, оиласи яхши экан, деб жуда хурсанд бўлиб юрвди. Хотинининг соғлиғи ёмон, тинчликка, хушмуомалага муҳтож экан. Улар турган хонадоннинг кексаси жуда олижаноб кампир эмиш. Янги бир уйини уларга бўшатиб берган эмиш.

— Дунёда яхши одамлар кўп, ўртоқ Солдатов. Айниқса, бизнинг юртда.

— Бу тўғри. Юртимиз улкан, дўстлигимиз чексиз.— Гапга Туманов аралашди:

— Қишлоқда жуда бемалол юрибсизлар?

— Ўз юртимиз!— деди ғурур билан кулиб Солдатов. Олдиларидан кичик бир анҳор чиқди. Солдатов меҳмонларни шу анҳорни ёқалатиб олиб кетди. Бир оздан кейин уларни бир киши тўхтатди, парол сўради. Салдан кейин мўлжаллаган ерга етишди шекилли, Солдатов ўтиришга таклиф этди:

— Энди бемалол чекишларинг мумкин.

Улар бошқа бир қишлоқнинг энг четидаги кулбада ўтиришар эди. Уй деҳқончасига оддий. Уйнинг бурчагида жинчиरोқ милтилдаб ёнади. Дераза пардаси туширилган. Уй ўртасида содда бир стол, ёнида учта-тўртта табуретка...

Пётр Максимович кўп куттирмади. Солдатовнинг фронт янгиликлари ҳақидаги саволлари тугамасданоқ, бир партизан унинг келаётганини хабар қилди.

Рустам уни зўрға таниди. У аввалгидек галстук тақ-

қан ва шляпада эмас эди. Оёғида ҳам ботинка эмас, анчадан бери мойланмаган, бутазорларда юравериб тимдаланган кўпол этик. Лекин шими галифе эмас. Юз-кўзидаги нозикликка хос аллақандай чизиклар йўқолиб, ўрнини чиниқиш ва тўпорилик олган. Эти ҳам бир оз қочган, анча қорайиб кетган. Лекин жануб русларига хос қўй кўзлари аввалгидан ҳам ўткирроқ чақнайди. Қовоғи остида пайдо бўлган халталар унинг кўп тунларни уйқусизлик билан ўтказишидан хабар бериб турарди.

У шижоат билан эшикдан ҳатлаб, уйда ўтирган кишиларни кўрар-кўрмас салом берди ва қўл узата бошлади. Солдатов билан бугун кўришмаганми, қаттиқ қўл қисиб кўришди ва кўзига қараб кулиб қўйди. Кўришиш навбати Рустам Шокировга келганда қўл узатди-ю, бутун диққатини кўзига жалб этиб қотиб қолди:

— Уртоқ Шокиров? Сизмисиз? Жуда соз! Жуда соз! Жуда хурсандман. Ҳали кўп кўришамиз демовдимми! Мана кўришдик!

У Рустамнинг қўлини шундай самимийлик билан қисдики, Рустам уялиб кетди. Бу билан ҳам қаноатланмаган Пётр Максимович уни бағрига олди, ўзидан сал узоқлатиб кўзига боқди, яна бағрига босди. Бундай оташин ва самимий кўришиш фақат узоқ кўришмаган ота-болалар ва қадрдон ёру дўстлардагина бўлади.

— Келаётган разведкачи сиз эканлигингизни билганимда стол тузаб қўйган бўлардим. Солдатов! Қани, бир нарсанинг эпини қил, бу қадрдонлар билан отамлашмасак бўлмайди. Оббо, Шокиров-эй, фрицни қийқиртириб юрибман, денг? Мактаб ҳам тугаб, фронтга ҳам тушиб юрибсизлар-да! Яхши! Жуда яхши. Сизни кўрганимдан жуда хурсандман.

Солдатов ўрнидан қўзғалар экан, Шокиров олиб келган хатни «Бу ишга кечикмайсизми?» дегандек бир ҳаракат билан Пётр Максимовичга узатди. Пётр Максимович дарров уни пайқаб, жавоб қилди:

— Ҳозир Аня қайтди. Жаноб полковник бугун иш билан тутилиб қолибдилар. Эртага йўлга тушар эмиш. Демак, бугун бўшмиз.

Жавобдан мамнун бўлган Солдатов соқолларини серкилатиб эшикдан чиқди. Унинг орқасидан Пётр Максимович кулиб қўйди.

— Хўш, бизнинг бобой сизларга ёқдимиз? Ажойиб йигит. Ҳали қирққа етмаган. Соч-соқолининг барвақт оқар-

ганидан ўқиб юрган экан, мана бугун бу ҳам иш бериб қолди. Фрицлар уймалашиб ётган пунктларда ҳафталаб қолиб кетади, бирор одам шубҳа қилмайди. Ишни дўндириб қайтади...

Пётр Максимович бир оз жим қолиб, яна Рустамни бошдан-оёқ кўздан кечирди. Кўзларига ишонмас эди. Рустам эса унинг ишдан сўрамаётганидан ҳайрон эди. Ваҳоланки Пётр Максимович у билан бирга ўтиб келганлар билан суҳбатлашган, топшириқ бешикаст бажарилганидан хабардор эди, шунинг учун бу тўғрида Рустамдан ҳеч нарса сўрамас, бунинг устига бугун бирга қилинадиган операция ҳам «жаноб полковникнинг айби билан» эртага қолган эди. Яъни, немис ҳарбий қисмлари орасидаги алоқачи офицер бугун шу яқиндаги қисмдан қайтиши керак, уни қўлга тушириш учун режа тузилган эди. Лекин полковник иш билан бугун тугилиб қолибди — уни кузатиб юрган разведкачи партизан шундай хабар олиб келди. Пётр Максимович шунинг учун хотиржам эди, бошқа нарсалар тўғрисида суҳбатлашарди.

— Қалай, Пётр Максимович, онангиз хурсандми? Бизнинг томонлар ёқиптими? — аҳвол сўради Шокиров.

— Ҳа, мен сизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдиришим керак. Улар она қучоғидагидек хурсанд. Кечагина яна битта хат олдим. Айниқса, онангиздан чексиз мамнун. Одам эмас, фаришта, деб ёзишади. «Шокировни туққан она-да, ёмон бўладими?» дейман ичимда. Бизга жуда олижаноблик кўрсатдингиз. Уларнинг юраги билан бир жойга ўрнашиб олиши енгилмиди? Ҳеч унутмайман! Ҳа, айтгандек, мен сизнинг ички сирларингиздан ҳам хабардорман. Муҳаббатнинг ҳам саломи бор хатда. Света билан шунақа дўстлашиб кетган эмишки, хотиним: «Уни ҳам ўзим туққанга ўхшайман», депти. Ишлари яхши, Света тиббий пунктда, хотиним колхозда болалар боғчасида мураббия эмиш. Иккови ҳам хурсанд. Биз йўқмиз, холос-да.

— Биз ҳам қайтиб қолармиз.

— Албатта! Ҳа, айтгандек, бир шеригингиз бор эди, оти Федямиди?

— Ҳа, Фозил.

— Ундан дарак борми? Катя билан алоқалари жиддий экан шекилли, у жуда кўп хўрсиниб эслайди.

— Катя-я! У қаерда? — шошиб қолди Шокиров.

— Шу ерда!



— А? Йўғ-э!— ишонмади Рустам, хурсандлигидан ишснмагандек бўларди.

— Мана ҳозир чақиртирамиз-да.— Пётр Максимович ўрнидан туриб эшикка юрди, эшик бўсағасида турган партизанга Катяни дарҳол чақириб келишни буюрди.

— Катя қаердан сизларга қўшилиб, қолди? Биз уни ё ҳалок бўлган ёки асир тушиб Германияга жўнатилган деб юрган эдик.

— Кейинги фикрингиз тўғри.— Пётр Максимович Катянинг тарихини айтиб берди.— У ҳозир шунақа партизан бўлганки, асти қўяверинг. Лекин, барибир, қисмини қўмсайди. Баъзан: «Қисмимнинг қаердалигини билсам, ўтиб ҳам кетардим», деб қўяди. Ҳали сизларни кўриб, хархаша қилмаса денг. Фозилнинг дарагини билиш учун ҳам ўтмоқчи шекилли-да!

Рустам энди улар ўртасидаги муносабатни яширмади:

— Бир-бирларини астойдил яхши кўришади.

— Ефросинья Петровнаникида бўлганимиз эсингизда-дир-а?— кўзи билан узоқни кўрсатиб, бошини силкиб сўради Пётр Максимович, лекин жавоб кутмай давом эттирди:— Ушанда сал пайқаган эдим. Солдатликнинг зерикши деб диққат қилмаган эдим.

— Йўқ, жиддий!— Яна фикрини тасдиқлади Рустам.

— Тирикми ўзи? Катя қандайдир алам билан эслайди. Аня деган разведкачи қизимизнинг айтишича, баъзан: «Унақаси бу дунёда йўқ», деб йиғлармиш.

Рустам жавоб бериб улгурмади. Эшикда Катя кўринди. Рустам уни дарров таниди: Катя! Ўзи! Қўнғир сочлари патила-патила, мовий кўзларида қуёш ёнади. Лекин бир оз ориқлаган. Икки чаккасида майда ажинлар пайдо бўлибди. «Бу Фозилнинг қайғуси»— кўнглидан ўтказди Рустам. Катянинг эғнида оддий кўйлак, оёғида тумшуғи оқариб кетган, жўн қора туфли.

Катя эшикдан кира солиб, бошлиғига тўғри қараб одатдаги тетиклиги билан деди:

— Лаббай? Хизмат?

— Мана буларнинг сенда хизмати бормиш. Танияп-санми?

Катя бирдан сесканиб кетди. Тиззасида дармон қурди. Зўрға одимлаб бориб, Шокировнинг бўйнига ўзини ташлади. Ўпкаси тўлиб кетган, ёшини тиёлмас эди. Унинг биринчи саволи шу бўлди:

— Федеядан дарак борми? Тирикми?

Катянинг ёшли кўзлари орзиқиб, Рустамни ютиб юборай дерди. У шундай тикилиб турардики, яхшиликдан бошқа хабарни эшитишга тоқати йўққа ўхшарди. Жон қулогини Рустамнинг оғзига тиккан эди. Рустам унинг ниятидаги хабарни айтди. Катя яна баттар титраб кетди, кўзидан ёшлари дув тўкилди. Яна Рустамга ташланди:

— Ростданми? Мени алдаманг! Ростини билган куним, барибир ўламан. Ростини айтаверинг. Қаерда?

Рустам тафсилотини айтишга мажбур бўлди:

— Биз ҳам ўша куни ўлдига чиқарган эдик, кейин суриштирсак оғир яраланган экан. Кўролмадик. Бир вақт госпиталдан сизнинг номингизга бир хат келди. Нима деб жавоб қилишимизни билмасдан турган эдик, менга ҳам бир хат келиб қолди. Хатидан руҳи тетик. Қаеридан яраланганини айтмапти. Сизни сўрапти. Аччиқ ҳақиқатни ёзиб юборишга мажбур бўлдим.

— Кейин ёзмадими?

— Ҳали келгани йўқ. Ўша хатида: «Энди мен учун уруш тугади. Яқинда қишлоққа қайтсам керак», деган эди.

— Мумкинми?— Эшикда Солдатов билан бир хотин киши кўринди. Хотин ўртада турган столни артиб, дастурхон солди. Ўртада бир шиша ҳам пайдо бўлди. Унинг кўкимтир ранги чироқ ёруғида ҳам тиниқ сезилиб турарди.

Солдатов шишани авайлаб олиб, кружкаларга қуя бошлади ва тегишди:

— Узр, меҳмон ўртоқлар, бизнинг ҳаётга шиша қадаҳлар бардош бермайди.

— Ундан кейин сиз каби ичмайдиганларнинг сирини яширишга ҳам кружка яхши — лабингизга тегизасизлару, яна жойинга қўяверасизлар.

— Бу ҳам тўғри!

Пётр Максимович кружкани қўлига олиб қадаҳ кўтарди:

— Меҳмонлар учун, дўстлик ва муҳаббат учун, соғлиқ ва ғалаба учун!

Пётр Максимович атайин барча зарур ниятларни бир қадаҳга йиғиб айтган эди. Биринчи қадаҳдан кейин ортиқча гап-сўз бўлмади. Яхшилаб овқатланишди. Бу орада тонг ёришиб қолган, шарқ уфқи хом сут рангига кирган, юлдузларнинг ранги ўчган эди.

Кичик бу ўтиришдан кейин Пётр Максимович меҳмонларни дам олишга қўйиб, чиқиб кетди:

— Яхши дам олинглар, бўлажак операциямиз энгил эмас!

## 21. КУТИЛМАГАН ФОЖИА

Пётр Максимович айтган зўр операция эртасига тонг-отарда бошланди.

Рустам билан Сергей тушгача ухлаб, ундан кейин партизанларнинг меҳмони бўлдилар. Партизанлар ўзига хос ҳаёт кечирарди. Рустамнинг улар ҳақидаги тасавури бутунлай бошқача эди. Унинг назарида партизанлар эрталабдан-кечгача қуролланиб юрардилар, ертўлаларда яшардилар. Йўқ, ундай эмас экан. Бутун-бутун қишлоқлар қўллари остида, кишилар ўз уйларида ҳам яшайверар эканлар. Умрида қўлига қурол олмаган кекса деҳқон партизанлар ҳам бор. Улар деҳқончилик қилишаркан, отрядни озиқ-овқат билан таъминлашаркан.

Партизанлик аввалги ибтидоий маъносини йўқотган эди. У кўп қиррали ҳаёт кечирувчи мураккаб коллектив эди.

Бир маҳал Рустамни Пётр Максимович чақириб қолди.

— Қалай, бизнинг ҳаёт сизларга ёқдими?— деди у.

— Жуда яхши, ажойиб ҳаёт.

— Бу қизча қўймаяпти-ку, ўртоқ Шокиров, нима қиламиз?

Шокиров гап нима ҳақида бораётганини дарров тушуинса ҳам, яна аниқлади:

— Катями? Нима дейди?

— Улар билан қисмимга қайтаман,— дейди.— Йўлда қўшилган йўлдош бўлмас экан-да?— кулди Пётр Максимович.— Нима қилдик?

— Билмадим. Бунақа ишга ҳеч дуч келган эмасман, ўзларинг биласизлар. Урнига одам борми, фельдшермиди?

— Эркаклардан бор. Келинг, қисмига кетса кета қолсин, қўймаяпти.

Рустам индамади.

— Катя масаласида келишдик, шундайми?— ўрнидан кўзгалди Пётр Максимович.

Рустам хайрлашар экан:

— Эсимда борнда айтиб қўяй: хат ёзсангиз мендан Светаларга салом денг,— деди.

— Албатта айтаман. Муҳаббатнинг бахти — шундай йигитни яхши кўрипти дейман.

— Йўғ-е!— Рустам қизариб кетди.— Сенинг бахтинг— шундай қизни яхши кўрибсан денг.

— Икковингизнинг ҳам бахтингиз! Севиб, севилмоқ — бахт, жуда катта бахт. Қадрлай билинглар.

Пётр Максимовичнинг сўзидан илҳомланиб кетган Рустам унинг олдидан чиқиб, Муҳаббатга бир хат ёзди. Хатда бўлиб ўтган ишдан на ўкиниш ва на уни таъна қилиш бор эди.

Уша аввалги Муҳаббат, гўё орада ҳеч нарса бўлиб ўтмаган. Ана, улар чақчақлашиб сой бўйидан келишмоқда. Муҳаббат ҳар вақтдагидек шўх, серкулги, баъзан пичинг отиб қўяди. Ана ўша ганиш қиргоқ. Сувнинг оқимиға қараб салқинлаб ўтиришибди. Муҳаббат нимадир демоқчи бўлади-ю, нима учундир сўзини бошлолмайди, ердан ўт олиб унинг учини хаёл билан чирт-чирт узади. Кўзида ёш ўйнайди: «Гитлерга қиргин келсин!— дейди гўё хаёлиға якун ясагандек. Сўнгидан яна қўшади:— Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Ҳожия холамдан ҳам хавотир олманг!»

Бу фронтга келиши олдидан бўлган сўнгги учрашув эди. Шундан кейин у вокзалга кузатиб чиқди, кўзда ёш билан оқ йўл тилаб қолди. «Амин бўлинг, Рустамжон ака, яхши умидлар билан кутаман!»— деди. Ҳа, Рустам амин... У кутади. Орзиқиб кутади, соғиниб кутади. Рустам ҳам уни соғинган. Бир лаҳза кўришга, бир оғиз сўзига муштоқ. Унинг хаёли билан энг мушкул топшириқларни ҳам қандай қилиб бажариб қўйганини билмайди. Кунларни, ҳафта, ойларни санаб ўтказди. Ҳужумимизнинг кундан-кун кучайишини истайди. Уруш тезроқ тугаса-ю, у қушдек қанот чиқариб, қишлоғига учса! Ҳа, уруш албатта бизнинг галабамиз билан тугайди. У омон-эсон юртига, интизор Муҳаббат қучоғига қайтади. Яна тинч ҳаёт бошлайди. Ёнида жонидан азиз Муҳаббат бўлади. Унда кунларни санамайди, санашнинг зарурати ҳам қолмайди. У муродига етган бўлади. Ҳа, у албатта муродига етади. Уруш заҳматлари, бу ўтган совуқ хабарлар хотирагина бўлиб қолади.

Муҳаббат! Муҳаббат! Сен ҳам унинг шу ширин ўйларини ҳис қилаётирсанми? Билади, сенинг қалбингда ҳам шу ўй, шу орзу. Шу ширин орзулар билан ҳаётинг чексиз гўзал ва маъноли. Ишон, албатта ана шундай бўлади! Рустам саломат қайтади, албатта қайтади!

Рустам ширин ўйлар оғушида гарқ бўлиб, хат ёзарди.

Рустамнинг жуда завқ билан хат ёзаётганини кўрган Сергей ҳазил қилди:

— Илҳом келиб қолдими, қалам юритишингиз бошқача?

— Билмайсизми ҳали, шоирлигим ҳам бор. Лекин ҳамма шеърим бир кишига аталгану фақат вафо ҳақида.

— Бундан бир неча вақт илгари илҳомингиз келганда нима ҳақида бўларди?— деди Сергей, Муҳаббатдан аччиқ хат келган вақтни эслагандек.

— Унда илҳом ўлган эди!

Рустам шу гап муносабати билан яна Муҳаббатнинг хатини ёнидан олиб, кўздан кечирди. Унинг ўкинишларидан юраги ачиб кетди ва беихтиёр «Бечора!..» деб юборди. Кейин шу ҳақда ҳам уч-тўрт юпатувчи жумла қўшмоқчи бўлди. Лекин у топган сўзлар Муҳаббатнинг кўнглини кўтаришга ожизлик қилаётгандек кўп қийнади, хати чўзилиб кетди.

Хатни ёзиб бўлгач, Катянинг илтимоси билан партизанлар почтаси орқали юборишга рози бўлди.

— Қараб туринг, бизники сизлардагидан кўра олдир боради!— мақтаниб қўйди Катя.

Хатни жўнатиш баҳонаси билан отряднинг алоқа бўлимига боришди, кишилар билан суҳбатлашишди, лекин барибир, ҳадеганча кеч кирмас эди. Рустам билан Сергей бекорчидек ўзларини қаерга қўйишларини билишмасди. Охири улар кутган кеч кирди. Қуёш ботди. Партизан ўчоқларидаги оловлар ўчди. «Жаноб полковник» бугун ишини тугатгани ва эрталаб тонг қоронғисида йўлга тушмоқчи экани ҳақида разведка хабар олиб келди.

— Полковникнинг иши тугаган бўлса, энди бизнинг иш бошланади!— деди Пётр Максимович, керакли кишиларни тўплашга буйруқ бериб.

Кенгаш анча чўзилди. Бир оғиздан полковникнинг йўлини тўсиб чиқишга қарор қилинган бўлса ҳам, бу ишни қаерда амалга ошириш масаласини муҳокама қилиш чўзилиб кетди.

Биров қирда деди, биров Сосновка қишлоғидан чиқаверишда деди, яна биров ўрмон ёнидан ўтаверишда деди. Ҳар ким ўз фикрини фактлар билан исботларди.

— Шундай қилиш керакки,— деди Пётр Максимович,— иложи бўлса ўқ узилмаса, полковникка ҳам зарар етмаса.

Пётр Максимовичнинг бу гапидан унинг ҳамма таклифларга ҳам қўшилмаслиги кўриниб турарди. Лекин ўзининг аниқ фикрини нима учундир айтмас эди. Эҳтимол ўзиникидан ҳам маъқулроғи чиқиб қолишини кутаётгандир.

— Энг яхшиси, Сосновка қишлоғининг даҳанасидаги анҳор яқинида пистирма қуриш керак,— деди Пётр Максимовичнинг озиқ-овқатлар тайёрлаш бўйича ёрдамчиси, шу ерлик кекса чол.— Кўприк тор, атроф паст-баланд. Яшириниш учун кўп меҳнат керакмас.

Пётр Максимович картадан ўша ерни топди. Диққат билан кўздан кечирди:

— Кўприги қанақа: ёғочми, бетонми?— деб сўради кейин у.

— Ёғоч.

— Қачон солинган?

— Коллективлаштириш даврида.

— Менимча ҳам шу кўприк атрофи ўнг. Нима дейсизлар? Биринчидан, бизга яқин, иккинчидан, бир томони дарахтзор, учинчидан, қишлоқдан ҳам нарироқда.

Энди эътирозлар ҳам бўлмади. Кейин ҳужумнинг тафсилоти ишланди. Ана шунда Рустам бир фикр билдирди.

— Албатта пистирма керак. Лекин эҳтиётдан кўприкнинг бир-иккита ёғочи олиб қўйилса. Улар ҳайрон бўлиб машиналарини тўхтатиши билан ўраб чиқиш керак.

Бу таклиф партизанларга ҳам маъқул бўлди. Ишга тушилди: кишилар танланди, керакли қурооллар ажратилди, группаларга бўлинди. Йўл кузатувчи группа ҳаммадан олдин жўнади. Ундан кейин Сосновка қишлоғини кўздан кечириш учун икки киши юборилди. Асосий куч тун оққандан кейин йўлга тушди. Мўлжал бўйича немис полковниги ўша кўприкка тонг ёришар-ёришмас етиб келади. Шунинг учун партизанлар у ерга бир соатча олдин етиб бордилар. Пётр Максимовичнинг ўзи вазифа тақсимлади. Кейин уларнинг қандай ишга киришганларини кўздан кечириб чиқди. Йўл-йўлакай баъзиларнинг жойларини алмаштирди.

Чиндан ҳам танланган жой ҳужум учун қулай эди. Қишлоқдан чиққан иккала йўл ҳам кўприкка келади. Кўприкнинг бир томони дўнглик: анча-мунча одам яширинса бўлади. Бир томони эса бутазор, дарахтлар ҳам бор. Бу ҳам партизанларга қўл келади. Кўприкнинг нарёғида йўл сал юрилгач, бир тепача орқали ўнгга бурилиб кетади. Худди ана шу ерга Пётр Максимович эҳтиётдан ўз резервини қўйди. Иш шошилмасдан, гўё аввал бу ерда шундай бир операция ўтказилгандек хотиржамлик билан борарди.

Пётр Максимовичнинг хатти-ҳаракатларини кўрган Рустам: «Партия уни бекорга бу ёққа юбормаган экан», деб кўнглидан ўтказди. Унга бўлган ҳурмати яна ошди.

Пётр Максимович ҳамма тайёрликни кўриб бўлди шекилли, Рустам билан Сергейнинг ёнига келиб ўтирди. Одатдаги хотиржамлик ва вазминлик билан сал нарида автоматини артиб тозалаётган Катяга гап қотди:

— Мана шундай ажойиб ҳаётни ташлаб кетяпсан-а, Катя. У ерда зерикиб қоласан.

Катя индамай, кулиб қўя қолди. Унинг хаёлида Фозил кезарди, гўё унинг олдига кетаётгандек хурсанд эди у. Ҳатто унинг кўзига бугунги операция ҳам мураккаб бўлиб кўринмас эди. У ўз хаёли оғушида маст эди.

Пётр Максимович соатига қараб полковникнинг кечикаётганини айтди.

— Шу ҳам немисча иш бўлдим, қани уларнинг ҳар ишни ўз вақтида аниқ қилиши?— дея кулди Пётр Максимович.— Мана, ўн минут кечикди.

Шу вақт машинанинг Сосновка қишлоғига киргани ҳақида хабар келди. Пётр Максимович ўрнидан сапчиб туриб, кўприк ёнида ётган йигитларга буйруқ берди:

— Қани, ишга киришинг!

Бир нечта азамат йигит тезлик билан кўприкка ёпишди, хаш-паш дегунча, келишиб қўйилганидек, кўприкнинг устидан учта тахта олиниб, машина ўтолмайдиган қилиб қўйилди. Улар кўздан ғойиб бўлишди-ю, «машина қишлоқдан чиқди» сигнали келди.

Салдан сўнг машинанинг чироғи милтилаб кўринди. У ошиқмасдан келмоқда эди. Қишлоқдан шиддат билан чиққан бўлса ҳам кўприкка яқинлашган сари секинроқ юрарди. Кўприкка етиши билан бирдан тўхтади. Шофёр ёнидаги ҳамроҳига нимадир деди. Полковник ва унинг ёнидаги офицер мудраб келаётган экан шекилли, ўзи нима гап?— дегандек бошини кўтарди. Худди шу пайт кўприк ёнида пистирмада ётган бешта партизан ўрнидан сапчиб чиқиб: «Жойингиздан қимирламанг!» деб команда бердилар. Бу томондан Пётр Максимович ҳам ўз группаси билан автомат ўқталиб машинага етиб борди. Машина тўрт томондан ўраб олинган эди. Партизанлардан биттаси эҳтиёт юзасидан тезлик билан машина рулини ушлади, шофёрга пастга тушишни буюрди. Битта ҳам ўқ узилмади, фақат шофёр ёнида ўтирган немис даҳшатдан: «Партизан!»— деб бақириб юборди. Уни дарҳол машинадан тушириб, оғзини беркитишди. Пётр Максимович керакли топшириқни бериб, қуролсизлантирилган полковникни бир четга олиб ўтишни буюрди.

— Кўприк тузатилсин!— деб буйруқ берди. То кўприк асл ҳолига келтирилгунча тайинланган кишилар машинани кўздан кечиришди. Бу орада Пётр Максимович таржимон орқали полковникни тергов қилди, унинг ёнида бўлган ҳужжатларни кўздан кечирди.

— Мана бу бизнинг кутганимиз ва сиз учун кераклиги!— деди у полковник планшетидан чиққан картанамо йилтироқ қоғозни синчиклаб қараб, Рустамга узатди:— Еуни аҳтиёт қилинг. Шу қоғоз полковник билган нарсани сизларга айтиб беради.

— Хўп, ўртоқ Шокиров, бу ерда кўп туришимизнинг фойдаси йўқ. Мана кўприк ҳам битди. Ҳали келишганимиздай, йўлга тушинг. Шу битта полковникнинг ўзини олсангиз ҳам бўлади. Бошқалари шу ерда қолсин.

— Хўп.

— Омонлик бўлса ҳали кўп кўришамиз. Оқ йўл.

Даҳшатдан ранги қув ўчиб кетган полковник аллақачон ўзини тириклар қаторидан ўчириб қўйган эди. Шунинг учун Пётр Максимовичнинг ҳар бир ҳаракати унинг ўлимига бир имодек бўлиб туюларди. Лекин у шафқат ҳам сўрамасди. Фақат қурама кийимдаги бу кишига норизо кўз билан қарарди. Асабдан чап юзи ўқтин-ўқтин учарди. Полковникнинг кўрқиб кетганини билган Пётр Максимович уни машинага чиқарар экан, деди:

— Полковник! Агар жонимни сақлайман десангиз, қаршилик қилманг. Мана шу йигит амрига бўйсунинг.

Полковник индамади. Аввалги ерига чиқиб ўтирди. Лекин бу гал у қуролсиз ва икки қўли бир-бирига танғилган эди.

Шофёрнинг ўрнида ўтирган партизанга қараб Пётр Максимович буюрди:

— Ўша тайинланган ергача боргач, булар тушади, сен машинани жарга ағдариб, орқангга қайт. Анави сўқмоқ билан қайт.

Ҳайдовчининг ёнига Катя, орқага Рустам, Сергей ва полковник ўтирди. Қуюқ хайрлашувдан кейин машина кўприкдан ўтди, очиқ далада тезлаб кетди.

Операциянинг муваффақиятли ўтганидан Сергей қувончини ичига сиғдиролмас эди:

— Заб иш бўлди. Катта совға. Энди омон-эсон етказиб олсак бўлди.

— Етказамиз,— деди Рустам қатъий.

— Ўзи ҳам бу атрофдаги душман кучларининг қанча



ва қаердалигини жуда яхши билармиш. Пётр Максимович бир ойдан бери йўлини пойлайди,— дея гапга аралашди Катя. Кўнглига шубҳа тушдими, кетидан қўшиб қўйди:— Аввалгидай самолёт орқали алоқамиз йўқ, бўлмаса хавф-хатарсиз осмондан олиб кетардик.

— Жим, гаплашманг,— деди шофёр қаршидан келаётган машина ёруғини кўриб. Ҳамма нафас олмай, қўллар тиззадаги автомат қўндоғига ёпишди. Йўқ, қаршидаги машина қандай тезлик билан келаётган бўлса, шундай тезлик билан ўтиб кетди. Ундан кейин яна бир-икки машина ўтди. Ҳар бирининг кўриниши ва ҳеч нарсани пайқамай ўтиб кетиши Рустамлар учун бир олам ташвиш, ҳушёрлик синови эди! Ахир, бу атроф душман қўлида, фронт линиясигача анча масофа бор. Бунинг устига йўлда гоҳ-гоҳ машиналар немис патруллари томонидан тўхтатиб текширилиб туради, бўлмаса бу ёпиқ машинада ким кетаётганини ҳамма ҳам пайқамайди.

Рустамнинг ташвиши ҳаммадан тонгнинг кутилгандан кўра тез ёришиб келиши эди. Чиндан ҳам тонг бирдан ёришаётганга ўхшайди. Ҳалигина машина ойнасидан йилтиллаб турган юлдузлардан асар қолмади. Уфқда увода пахтадай қорайиб турган ёз булути бирдан оқарди. Қушлар осмонни тўлдирди. Гўё бу ҳаммаси қасддан бўлаётганга ўхшарди.

Ҳамманинг нафаси ичида. Шофёр ўз ишига моҳир экан. У урушдан аввал ҳам бу йўлдан неча юз марта қатнаган. Йўл таниш, фақат бу йўллар энди унинг ихтиёрида эмас, душман измида, у масъулиятнинг қанчалик зўрлиги ва фахрли иш қилаётганини бутун вужуди билан сезиб, йўлга бутун диққатини берган. Рулга энгагини ургудай ётиб олган. Йўлни ёритаётган нарса гўё машинанинг чироқлари эмас, унинг ҳаяжон тўла кўзи эди!

Мана, манзилга ҳам оз қолди. Яна йигирма километрча эсон-омон юрилса, бас, машина ҳам керакмас, бутун борлиги билан машина суриб бораётган аломат шофёр ҳам бўшайди. У ёғига жар орқали пастқамликлар оралаб ўзлари кетишади. Рустамнинг назарида ҳаммадан оғири ўша жарликка етиб олиш эди. Фронт линиясидан ўтиш ҳам, нечундир унча оғир бўлиб туюлмас эди. Фақат машинадан омон-эсон тушиб, катта йўлдан четга ўтиб олса, бас!

Тонг ёришган сари қаршидан келувчи машиналарнинг сони кўпаймоқда. Ҳатто орқадан қувиб келиб ўтган машиналар ҳам бўлди. Ана, уч юк машинада солдат ўтди.

Ана, немис тиббий машинаси орқа томонга ярадорларни олиб ўтиб кетмоқда. Ана, замбарак ортган машиналар, улар шикастланган замбаракларини ремонт учун орқа томонга олиб кетмоқдалар. Мана энди йўл бирдан бўшаб қолди, гўё қатновчилар тугади. Ана шу сокинлик кутилмаганда даҳшат олиб келди. Қаршидан одатдаги немис енгил автомобили кўринди: усти очиқ. Ичида тўрт-беш одам. Қаршидан ўртача тезликда бепарво кела туриб, шофёр ёнида ўтирган биттаси синчиклаб Рустамлар машинасига қаради. Қаради-ю, нимадир деб қичқирди. Рустамлардан ҳеч бири ҳеч нарса англамади, лекин полковник бирдан жонланиб, машина ойнасига қаради. У машина сал юриб тормоз берди, кейин орқага бурила бошлади. Бунинг ҳаммасини Рустам билан Сергей машина ойнасидан кузатиб боришарди, шофёрга айтишди. Шофёр тезликка тезлик қўшди. Рустам орқадан қувиб келаётган машинадан кўзини узмасди. Масофа борган сари қисқариб келарди. Бир маҳал орқадаги машина ўқ узди. Уқ тегмай ўтиб кетди...

— Баа!— деди Рустам шофёрга ва энди қочиш билан иш битмаслигига кўзи етдими, машинанинг орқа ойнасини автоматнинг қўндоғи билан бир уриб чил-чил қилди. Ёнида халақит берган полковникка ўриндиқдан пастга тушишни буюрди.

— Катя, сиз мана бунга қараб туринг,— деди полковникни кўрсатиб ва ўзи машинанинг орқа ойнасидан қувиб келаётган машинага ўт очди. Унга Сергей қўшилди. Орқа машинанинг шофёр олдидаги ойнаси биринчи сидирга отишдаёқ чил-чил бўлиб, ичидагилар бошларини қуйи олдилар. Лекин улар ҳам пайти-пайти билан ўқ узарди. Улар асосан машинанинг филдирагини кўзларди. Рустам ҳам Сергейга қувиб келаётган машинанинг филдирагини мўлжалга олишни буюрди. Уқ устма-уст келиб Рустамлар машинасининг бир неча ерини чақа қилди. Хайрият, ҳеч кимни шикастлантормади. Бу отишма Рустамларнинг фойдасига ҳал бўлди: бу томондан отилган ўқ қувиб келаётган машинанинг баллонини ёриб юборди. Тез келаётган машина баллони ёрилган томонга оғиб, йўл четида қолиб кетди.

Душмандан узоқлашишлари билан шофёр машинани анғизга қараб бурди.

— Бу ёқдан яқин,— деди у.

Ҳақиқатан ҳам мўлжал қилинган ерга кўп қолмаган эди. Шофёр душман таъқибидан омон-эсон қутулганиданми ёки манзил кўриниб қолганиданми ернинг ўнқир-чўн-

қирига ҳам қарамай елдириб борарди. Катянинг ёнидаги эшик бир марта очилиб ҳам кетди. Тумановнинг полковник тиззасига ўтириб қолишига сал қолди. Рустам бошини тепага уриб олди.

— Машина бировники бўлса ҳам секинроқ ҳайда! Сенга машина керак бўлмаса, бизга жонимиз керак,— деди кулиб Рустам ва машинанинг четини маҳкам ушлаб олди.

— Мана, ҳозир етамиз, шунда бутунлай тўхтатаман.

Шофёрнинг қувонч билан айтган бу сўзлари тугамасдан қаттиқ портлаш машинани улоқтириб юборди. Бошлаб кўзини очган Катя атрофига қараб ҳанг-манг бўлиб қолди. Машина пачақланган. Полковник парча-парча бўлиб кетган. Сергей қора қонига беланган, ундан сал нарида Рустам мукка тушиб ётибди. Шофёр кўринмайди. Бирортаси қимир этмайди. Катя учиб тушган жойидан қўзғалай деб ўнг қўлини ерга тирамоқчи эди, қўл унинг ихтиёрига бўйсунмади. Елкаси билан қўшилиб зирқираб кетди, «рахминг келсин, менга тегма» дегандек шалвираб ётарди. Шундай бўлса ҳам Катя бутун кучини йиғиб, ўрnidан турди. Бошлаб яқинроқда ётган Сергейнинг қошига ўтди. Томирини ушлаб кўрди — урмайди! Бошини кўтариб юзига қаради — таниб бўлмайди! Жон аччиғида гимнастёркасини йиртиб, кўкрагига қулоқ солди. Йўқ, юраги ҳам жим! Катя титраб кетди. Ҳалигина севимли йўлдоши бўлган киши энди унга ваҳимали бўлиб, ўлимнинг совуқ даҳшатини уфурди. Унинг олдидан сапчиб турган Катя яна шундай қўрқув аралаш мизтироб билан Рустамнинг бошини тиззасига олди, бағрига, юрагига қўлини солди. Уники ҳам урмаётганга ўхшаб кетди. Уни қўрқув алдаган эди. Рустам тирик, аммо беҳуш эди. Салдан кейин у инграб ўзининг тириклигини билдирди. Уз қулоғига ишонмаган Катя унинг ёнига ўтиб юзига боқди, юзида қандайдир ҳаракатни кўриб, уни бари билан елпий бошлади. Дам ўтмай исмини айтиб чақирарди. Унинг титроқ товуши Рустамнинг қулоғига кирарди-ю, жавоб қайтаришга мажоли йўқ эди. Катя ҳамон чақириб, жон-жаҳди билан елпирди. Беш минутча ўтгач, Рустам ўзига кела бошлади. Бесўнақай чўзилиб ётган оёқларини йиғди, қўллари билан кўзини ишқалашга ҳаракат қилди. Катя унинг тепасида титраганича дув-дув ёш тўкиб, нима қилишини билмас эди.

Тонг отиб кетган. Шарқ уфқи қуёшнинг ётоғидан чиққанидан дарак бериб қонталашган эди. Ҳавода қандайдир намлик бор. Узоқ-узоқларни кўз бемалол илғайди. Атроф

жимжит: на бир одам, на бир ҳайвон кўринади. Гўё машининг даҳшатли портлаши бутун жонли шовқин-суронни ўзи билан маҳв этган, энди фақат сокинлик, оғир сокинликкина қолганга ўхшарди.

Эрталабнинг салқин ҳавоси ёрдам бергандек, Рустам тезда ўзига кела бошлади. Ҳушига келиб, илк айтган сўзи: «Катя, сиз шу ердасиз», деган савол бўлди. У шундоқ ёнида турган Катяни кўрмасди. Қўли билан атрофни тимирскилаб қолди. Унинг бу ҳаракати Катяни яна даҳшатга солди. У эгилиб, Рустамнинг кўзига боқди. Қандай даҳшат! Ҳалигина бутун оламини кўриб келаётган тийрак кўзлар энди қаршидаги одамни пайқамасди! Портлашнинг зарби кўзини елиб кетганга ўхшарди.

— Кўзим кўрмаяпти-ку,— деди Рустам ўзини ўнглаб ва кўзини ишқалай бошлади. Қўлига қон аралаш қандайдир суюқлик юқди. Ҳамма нарсага тушунган Катя учун унга далда беришдан бошқа чора қолмаган эди:

— Тузалиб қолади. Портлаш қаттиқ таъсир қилганидан.— Лекин ўзи ўпкаси тўлиб йиғларди.

— Йиғлаяпсизми, Катя? Нимага йиғлаяпсиз, бирор ерингиз майиб бўлдимми?

— Йиғлаётганим йўқ, ўртоқ Шокиров...— ёшини артди Катя, лекин ўпкасини тутиб ололмасди.

— Бошқалар қани? Сергей тирикми? Полковник қочмаптимми?

— Сизу мендан бошқа ҳеч ким йўқ бу ерда!..

— Бошқалар-чи?— Рустам сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, бир оёғи бўйсунмади.

Катянинг гапни очиқ айтиб қўя қолишдан бошқа чораси йўқ эди. У бор гапни айтди. Рустам асабийлашиб кетди, ўзича сўкинди. Кейин ўзини босиб шофёрдан хабар олишни илтимос қилди. Шофёр минага дуч келиб дабдала бўлган машина яқинида жонсиз ётарди...

Бу даҳшатли фожиадан на Рустамнинг, на Катянинг фикри ишларди. Энди нима қилишларини билмас эди. Рустамнинг юраги куяр, оғзи қуриб, тили танглайига ёпишар эди.

— Катя,— деди Рустам у турган томонга қараб,— чап кўзим сал-пал нарсаларни пайқаетганга ўхшайди.

— Иккаласи ҳам тузалиб кетади,— унга яна далда берди Катя

Рустам энди ўзини тутиб олган эди. Топшириқни эслаб қаттиқ ташвишланди.

— Катя, полковник ўлган бўлса ишимиз чатоқ, топшириқ бажарилмади деган гап.

— Ҳозирча бу гапни қўя туринг, бўлар иш бўлди. Узимиз нима қиламиз, қаёққа борамиз?

Катянинг заифлик қилаётганини кўрган Рустам бир оз дадиллашди, ўзини бардам тутиб, унинг кўнглини кўтарди:

— Тўғри, бу гапингиз тўғри, Катя,— деди Рустам.— Сал наридан жар бошланарди шекилли. Ўша жарга тушиб олайлик, тагин бирорта ифлос бизни пайқаб, бу аҳволимиз ҳам ҳолва бўлиб қолмасин. Жарда бир ғор бор. Қани, шу ёққа мени бошланг, қолган гапни кейин айтаман.

— Узоқми? У қанақа ғор?

— Борайлик-чи, кўрасиз.

Ўйлаш пайти эмас эди. Катя Рустамга соғ қўлини тутиб, уни ўрнидан тургазди. Лекин Рустам оёғининг оғригидан инграб юборди. Аввалига юришнинг ҳеч иложи йўқдай бўлиб кўринди. Илож қанча! Катяга суяниб йўл босди. Салдан кейин ёғочдан қўполгина қўлтиқтаёқ ясаб, Катяга эргашди. Катя эса сўл қўлини елкасига дурраси билан осиб олган. Унг қўли Рустамнинг кафтида. Ҳаммадан жарликка тушиш қийин бўлди. Рустам бир оёқ билан ҳеч иложини қилолмай қолди. Буни кўрган Катя аъзойи бадани зирқираб турса ҳам Рустамга елка тутиб:

— Опичинг, ўртоқ Шокиров!— деди.

— Йўғ-е! Қандай кўтарасиз, жуда оғирман. Ҳозир узим йўлини топаман.

Рустам эркаклик ҳаёси билан таклифни рад этиб, жарнинг четига ўтириб сурилмоқчи бўлган эди, муккалаб кетди, юзи тимдаланди. Оёғининг оғригидан додлаб юборай деди-ю, Катядан номус қилди.

— Шу ҳам иш бўлдими!— меҳрибон товуш билан жеркиди Катя.— Қани, опичинг.

Ночор қолган Рустам унга опичди. Сал юрмай қўлининг зирқирашиданми, ёки Рустамнинг оғирлигиданми, Катя қора терга ботди. Унинг пишиллашини Рустам эшитиб турарди. Шунинг учун жарга тушар-тушмас:

— Бўлди, Катя, ерга туширинг,— деди.

Катя сир бой бермай, ҳазилга олди:

— Ҳали ҳам бу ёғига опичмоқчи эмасман.

Улар минг бир азобда Рустам билан Сергей бундан уч кун аввал қизиқиб томоша қилган ғорга тушдан кейин етиб боришди.

— Фронтга ҳали узоқми?— деб сўради Катя, пичан

тўшаб солиб, Рустамни горнинг бир четига ётқизгач.— Сизлар шу йўл билан келувдингларми?

— Ҳа, бир оз масофа бор, нуқул пастқамлик.

— Тинч бўлса бас.

— Ким билади. Душман мудофааси орасидан ўтиш керак.

— Бир гап бўлар, қани, аввал бир оз дам олайлик-чи!

— Дам олишнинг фойдаси йўқ, Катя. Кўзларимнинг оғриғи бешимни пармалаяпти. Мана бу боғлаб қўйганингизга санчиқ кирди. Оёғим-ку кесак — ҳеч нарса сезмайди.

Рустамнинг айтмоқчи бўлган фикри бошқа эди. Очиқ айтолмай ўша фикр атрофида сўз юритиб, нуқул ярасининг оғриғини пеш қиларди. Аслида ҳушига келганидан бери оғриқ бирор лаҳза тарк этгани йўқ, аксинча зўрайиб кетган, номус зўридан тишини тишига қўйиб чидаб ётарди. Бу горга етиб ҳам енгил бўлмади, назарида бутун ер қитъасини эмаклаб айланиб чиққандек ҳолдан толди. У шу ётишда фронт линиясидан ўтишига ҳеч кўзи етмас, очиғини айтганда, умидини узиб қўйган эди. Уни тутиб турган Катя, меҳрибон қалбли қиз Катя эди. Шунинг учун юрагини очиқ айтишга ботинолмасди. Чидолмади. Охири айтишга мажбур бўлди.

— Катя!— деди у бошқа бир оҳангда ерга қараб туриб.— Мени қўйинг. Полковникдан олинган мана бу ҳужжат ва картани олиб, сиз жўнанг. Йўлни мен тушутириб берай. Буйруқ бажарилиши керак.

— Сиз-чи?

— Мени қолдириб кетаверинг. Менинг туртиниб-суртиниб майиб оёқ билан юришим осонми!

— Йўқ, бу мумкин эмас. Мен сизни ташлаб кетмайман, ўртоқ Шокиров. Кетолмайман. Мен учун бу уят! Номус!

Рустамга сўзини ўтказолмаётгандек Катя кўзига ёш олди, кўзга чиққан ёшнинг акси товушига ҳам урган эди.

— Ахир буйруқ тез ва ўз вақтида бажарилиши керак, Катя, тушунинг!

— Сизни шу аҳволда ёлғиз ташлаб кетибми?

— Ахир, илож қанча! Мен сизга халақит бераман, вақт кетади. Балки менинг оёғим билан юришнинг ўзимга эмас, сизга ҳам зарари тегар.

— Майли! Нима бўлсангиз мен ҳам шу. Қолишни ўйламай ҳам қўя қолинг. Сиз кетмасангиз мен ҳам кетмайман.

— Минага учган машинамизни кўрган фашистлар изимиздан келиб қолса нима бўлади? Иккаламиз ҳам ҳалок

бўламиз, икки ўртада не-не машаққатлар билан қўлга киритилган ҳужжатлар бир пул бўлади.

Катя бу даҳшатли фикрдан сал чўчиди-ю, лекин дарров ўзини тутиб олиб, бир қарорга келди.

— Ҳужжатлар қани?

— Менда.

— Менга беринг.

— Нима қиласиз? Олиб кетасизми?— жонланди Рустам.

— Бераверинг!— буйруқомуз деди Катя.

Рустам ёнидан чиқариб берди. Катя уни салмоқлагандек кафтида тутиб туриб, кейин тезда ташқарига отилди.

— Катя!— деганича қолди Рустам.

Катянинг назарида изларидан одам келаётгандек бўлиб, нима бўлса ҳам ҳужжатларни яшириш пайига тушиб қолган эди. У ҳужжатни ёрдан четроққа яшириш ниятида эди. У ташқари чиқди. Ёрнинг салқинлиги ва ҳавосининг моғор ҳиди билан тўлалигини шунда пайқади. Лекин парво қилмай, кўзи тушган катта тошга елиб кетди. Ҳужжатларни унинг остига яширди, кўриниб қолмасин деб ёнига яна тошлар ташлади.

Ёрга хотиржам кириб, Рустамга доклад қилди:

— Яшириб қўйдим.

— Ўзимиз ҳалок бўлсак майлими?

— Майли!— деди Катя қатъий.

— Вақт ўтгандан кейин бу ҳужжатдан нима фойда чиқади?

Катя жавоб тополмай қолди ва гапнинг нозик еридан ушлаб, шарт қўйди:

— Бўлмаса юринг, олиб кетамиз.

— Ахир мен жўрттага қилаётганим йўқ-ку, Катя!

— Барибир! Сизни ташлаб кетмайман дедим, кетмайман!

— Шу ҳужжатларни олиб бориб берсангиз, балки ҳужумнинг бошланишига сабаб бўлар, ана унда бир оз кунда дийдор кўришиб қолармиз.

— Йўқ. Ҳужум ўз йўли билан, бизнинг бу ердан бирга кетишимиз ўз йўли билан.

Рустам пайқадими, Катя синса синади, лекин эгиладиган эмас. Чор-ночор қолган Рустамнинг ўзи эгилди:

— Қани бўлмаса, менга бир жуфт қўлтиқтаёқ тайёрланг.

— Бу бошқа гап!

Елиб чиқиб кетган Катя салдан кейин қийнала-қийнала тўртта поя топиб келди. Қаламтарош, пичоқ билан ишга тушди. Рустам ҳам кўмаклашди...

Бу ишлар битгунча кун оғиб қолди. Кечқуруннинг салқин ели қуриган ўтларни шитирлатганча жарни кезиб юрарди. Аллақаерда бойқуш сайради. Чигирткаларнинг чириллаши эшитилди.

Улар оқсоқланганларича яхши ният билан ғордан чиққанларида осмонда биттагина ёруғ юлдуз милтиллаб турарди.

Лекин уларнинг сафари узоқ чўзилмади. Қўлтиқтаёққа кўникмаган Рустам муккалаб кетиб, ҳушини йўқотди. Катя нима қилишини билмасди.

## 22. БАЛОҒАТ

Кун бўйи далада елиб-югуриб юрган Муҳаббат қош қорайганда чайла олдидаги жилдираб оқаётган сув бўйига келди. У қўл ва бетларини муздек сувга пишиб, ўрнидан турди. Соқларини тузатиб, гулдор дуррасини қайта ўради-да, шийпонга чиқди. Осма чироқнинг ёруғида даврә қуриб ўтирган ўнга яқин қария уни очиқ чеҳра билан қарши олди. Муҳаббат пойғароққа ўтиргач, мамнуният билан гапирди:

— Чарчамадингларми, отахонлар? Яхши ҳам сизлар бор экансизлар, бўлмаса анча қийин бўлар эди.

— Чарчашга ҳали эрта, қизим,—деб кулди тўрда ўтирган бир чол.— Бундан икки йил илгари колхозимизда тоғни урса талқон қиладиган одамларимиз бор эди. Ҳамма оғир ишларни барака топкурларнинг ўзлари қилишарди. Бизларга эса енгил-елписи қоларди. Ишқилиб, енгил-елпи бўлса ҳам кечгача ғимирлаб чарчагандек уйга қайтардик. Энди бўлса, ишонадиган азамат ўғилларимиз йўқ. Чарчадик деб ўтириб олсак, бу ишларни ким қилади, қизим. Шунинг учунми ёки ўзимиз чарчамайдиган бўлиб кетдикми, ишқилиб, отдекмиз, болам.

— Тўғри! Тўғри!—деб унинг гапини маъқуллашди ўтирганлар.

— Раҳмат, отахонлар, яна озгина қолди. Кетган азаматларимиз қайта бошлашди. Мана, Собир акам келди. Санаб кўрсам бизнинг бригаданинг ўзидан тўрт киши келяпти.



— Ҳа, қизим, келишяпти, ногирон бўлганлари келишяпти, илоҳим келишсин!— қариялар ўзларига хос салобат билан салмоқлашди

— Ҳозирча уларни енгил ишга қўйишга тўғри келади. Кўпларининг оғирроқ ишларга чоғлари келмайди. Собир акам ҳали қўлларининг докаси ечилмагану, кеча иш беринг деб келсалар-а, барака топкур! Сабр қилинг, иш бўлса қочмас, олдин қўлингизни тузатиб олинг, деб қайтариб юбордим. Азамат ишга ўрганган-да, бекор туролмайди.

Бир оз жимликдан кейин яна ўша тўрдаги чол сўзлади:

— Хўш, қизим, раис билан учрашдингми, нима деди?

— Учрашдик, амаки. Ремонтдан чиққан битта арава бор экан, шуни бизга берадилар. Бундан ташқари, бешинчи бригададан битта от-арава бизга ўтади. Юк машинаси тўппа-тўғри далага келиб, молни ўша ердан ортиб кетадиган бўлди.

— Бу жуда соз бўпти, қизим. Анча оворагарчиликдан қутулибмиз. «Аравага орт, омборга тушир» билан мол ҳам уриниб қолаётган эди. Шу ердан тўппа-тўғри олиб кетгани дуруст.

— Шундай. Энди, амаки, эртага сиз биринчи ва иккинчи звенони олиб қарамга тушасиз. Ҳайитвой амаким картошка чопигини шу ҳафтадан қолдирмай тугатишлари керак. Бўлмаса кечикиб қоламиз.

Муҳаббат амакиси Махсумга қараб, унга ҳам топшириқ берди:

— Сиз бугунги одамларингизни қовун полизга олиб борасиз. Помидор терилгунча машина қараб турмай, қовунтарвуз ортсин. Пиёзга Азизанинг звеноси тушади, нима дейсиз, амакилар?

— Жуда яхши бўлади, қизим. Лекин помидорни нима қилмоқчисан? Уни унча-мунча одам билан эплаб бўлмайди. Шу бугун ўзим ўн икки одам билан ичидан чиқмай тердим, бироқ тўртдан бирини ҳам эплай олмадик. Яна икки-уч кун шундай аҳволда қолса нобуд бўлади,— деди Тешабой ака деган куйгунчак киши.

— Идорадан қайтишимда мактабга кирган эдим. Директор юқори синф ўқувчиларидан бир қисмини ҳашарга чиқаришга ваъда қилди. Агар ўқувчилар чиқса, помидор терилиб қолади. Махсум амаким болаларга бош бўлиб турсинлар. Нима дейсиз, амаки?— сўради Муҳаббат Махсумга савол назари билан қараркан.

— Хўп бўлади, ўнбоши ойм!— деб жавоб берди боядан бери тумшайиб бир четда ўтирган Махсум.

Унинг қўпол муомаласи қарияларнинг гашига теккан бўлса ҳам, ҳеч қайсиси ҳеч нима демади. Бундай вақтда унга бир нарса деб қўйилса, иш бир чеккада қолиб, гап-бозлик, тортишув бошланиб кетарди. Ҳар галгидек бу гал ҳам уни қайириб ташламоқчи бўлишди-ю, бироқ шу пайтда партия ташкилотининг секретари Холмуродовнинг гапи ёдларига гушиб кетди.

Тунов куни шундай тортишувда Махсум бир-икки одамнинг дилини сиёҳ қилиб туриб кетгач, Холмуродов келиб қолди. У гапнинг маъносига тушунгач: «Бу ота билан олишиб юрманглар, фойдаси йўқ, бу кишининг одати шунақа. Сут билан кирган...»— деди. У ёғини айтмаса ҳам ҳамма кулиб юборди. «Шундай, оталар,— деди яна Холмуродов,— бундай одам бирданига катта қозонга тушиб пиша қолмайди. Ёмон гапга ўлса ҳам... Яхшиси, ўзига яраша муомала қилиб кетаверайлик. Уни энди кўраётганимиз йўқ».

Шуни эслаган Тешабой ота Махсумга ҳеч нарса демай, хулосалаб қўя қолди:

— Жуда тўғри, қизим, у эплайди. Тунов куни қовун узишга келган болалар бўлса яна яхши. Махсум уларнинг тилини билиб олган.

Тешабойнинг муддаосини Махсум яхшигина тушуниб турарди. Холмуродовнинг гапидан ҳам хабари бор эди. Ана шу Холмуродов гапи унинг тилини боғлаб, нафасини ичига тушириб юборган эди. Бунинг устига, маймоқ Миробид бошлаган найрангда Махсумнинг ҳам яхшигина роль ўйнаганидан хабардор Холмуродов уни бир ерда холи учратиб: «Ёшларнинг ишига аралашманг, уларга халақит берманг, муккалаб кетасиз. Қариганингизда даллолик ярашмайди!» деб койиб берган эди. «Оббо, бу ишдан ҳам хабар топибди! Қаёқдан билди экан, ким айтган бўлса?» Ана шу куни ҳеч нарса билмаган кишидек Холмуродовга бобиллаб бермоқчи бўлди-ю, кўзига кўзи тушганда журъат этолмади. Холмуродовнинг кўзида Махсум акага шу вақтгача номаълум бўлган қараш бор эди. Бу қараш «мен сенинг бошқа ишларингни ҳам биламан, оёғингни тўғри бос» деб турарди. Ана шундан бери Махсумнинг шаҳти паст, муштдеккина қиз бўлиб кўринган Муҳаббатнинг орқасида катта метин тоғ борлигини, жияни бу тоққа суяниб турганини ҳис этади. Шундан бери Холмуродовдан эмас, ҳатто

Муҳаббатдан ҳам ҳайиқади. Ишнинг бунчалик оқибатга олиб келишини кутмаган эди. Лекин ҳали ҳам бир нарсага тушунмас эди: нега Муҳаббат ўзини ўнглаб олганидан кейин ҳам унга бир огиз сўз демади, пичинг отмади? Келини Санобар бўлса-ку, аввалгидан ҳам меҳрибонроқ!

Ана шуларнинг ҳаммаси Махсум акани эсанкиратиб қўйгандек эди. Нимадандир ҳадиксирарди, қандайдир даҳшатли зарбани кутарди. Миробидни ҳам бир-икки учратганда рўйхуш бермади, очилиб сўрашмади. Буни пайқаган Миробид: «Шахтингиз паст?»— деган эди, «Нимага ҳам баланд бўлсин?»— деди-ю, хайр-маъзурни насия қилди. Яна бир учрашганда ўзини четга олди. Шу даққи чолдан ҳам дакки еган Миробид бир куни атайлаб эшигини қоқиб борди. Чол совуқ қарши олиб, ичкарига ҳам таклиф этмади. Тўмтоқ-тўмтоқ савол-жавоб Миробиднинг кутган мақсадини бермади. «Ўзи тинчликми, амаки, нима гап? Мендан хафа кўринасиз?»— деди охири чўлоқ. Махсум гап чўзмади. «Суриштириб нима қиласиз, Миробид, ҳаммаси ўзингизга аён-ку»,— деди совуққина қилиб. Ҳатто «Бир оз нарса келувди, эртага дўконга кириб ўтинг», деганига ҳам нидо бермади. Шундан бери Миробид «гадой аразласа тўрвасига зиён» деб Махсум билан иши йўқ. Лекин Махсум бугун қилмишларига тавба қилмаган, фақат Холмуродовнинг пичингидан чўчиб қолган, вақти келганда аввалгидек баъзи ерда ачиб қўяр, Муҳаббатдан нолиб юрар, дарди ичида эди. Бугунги Муҳаббатга берган кесатиқ жавоби ҳам ана ўша аламнинг бир нидоси эди. Бироқ қаттиқроқ гапиришга ботинмади, индамади. У пайт пойларди. Чунки бир маҳал бригадани удалай олмайди, деб солган жарининг пучлигини энди ўзи ҳам кўриб турарди. Муҳаббатнинг бригадаси чакки эмас, кишилари аҳил. Бригадада ҳеч ким унинг сўзини икки қилмайди. Бир иш бўлса маслаҳатга чақиришади. Қизларининг-ку жони!

Буларнинг барчаси Махсумнинг танобини тортиб қўйган эди. Баъзан: «Наҳотки доим шунақа омади келаверса, қоқилиб ҳам қолар?» деб қўяр эди ичида.

Ҳозир ҳам Муҳаббатнинг сўзини маъқуллаб ўтирган қарияларга қараб гаши келди. «Бу ҳаммаси Муҳаббатнинг омади келганидан», — деб қўйди ичида ва оғзига нос ташлади. Нос ҳам хуморини ёзмади, юрагининг аллақаери ачишиб турар эди.

Муҳаббаг ўрнидан турди:

— Бўлмаса маслаҳат шу, отахонлар. Яхши дам олинглар. Иш қараб қолмасин.

У қариялар билан хайрлашиб шийпондан чиқди-да, карам пайкалининг ёқасидаги сўқмоқ йўлга тушди. Салгина юргач, қоронғида бировни кўргандек бўлди. Муҳаббат юришини секинлатиб, шарпага тикилиб борар экан:

— Опа, келяпсизми? — деган товуш эшитилди.

— Сенмисан, Қумри? Нима қилиб юрибсан? Ҳали ҳам кетмадингми? — деб сўради Муҳаббат унга яқинлашаркан.

— Сизни кутиб турибман. Олдин ҳу анави йўлда пойладим, кейин балки бу ёқдан юрмасалар керак, сўқмоқ йўл қуруқ-ку, ўша томондан кетадилар, деб бу томонга келиб турибман.

— Хўш, нима гап?

— Ишим ўзингизга маълум, опажон. Собир акам икки марта одам қўйдилар, бундан хабарингиз бор. Лекин отам кўнмай, уларни қайтариб юборди. «Тирик эканман, унга бермайман» дейди. Боя Собир акамни кўрган эдим. У, Муҳаббат опанг билан маслаҳатлаш, мен ҳам гапириб кўраман, Муҳаббат ўртага тушса яхши бўларди, дейди. Жон опажон, ўзингиз бир ҳаракат қилинг!

— Қандай қилиб, Қумрихон? Ахир мен ҳам сенга ўхшаган турмуш кўрмаган қиз бўлсам.

— Бошқа иложи йўқ... — хомушланди Қумри.

— Майли... Эртага кечқурун уйларингга бораман.

— Раҳмат, опажон! — Қумри севиниб кетганидан Муҳаббатнинг бўйнига осилиб олди.

— Сен, Собир акамга айт. Эртага менга бир учрашсинлар, маслаҳатлашиб оламиз.

— Хўп, опажон, албатта айтаман.

— Гап шу.

Икковлари хайрлашишди.

Муҳаббат онаси билан овқатланиб бўлгач, ўз хонасида агрономияга оид бир китобни мутолаа қилаётган эди, Света келиб қолди. Дугонасини кўрган Муҳаббат китобни стол устига қўйиб, ўрнидан турди.

— Агроном бўлиб кетмасангиз, Муҳаббат, — деб кўриша бошлади очиқ чеҳра билан Света.

— Ажаб эмас, Света, қани ўтиринг. — Муҳаббат унга жой кўрсатди. — Ахир, Светахон, ўқиб турмасан бўладими? Агротехниканинг прогрессив усулларини ўрганмай туриб бригадани бошқариб бўладими?

— Тўғри, Муҳаббат, жуда тўғри, — деди унинг гапини тасдиқлаб Света, кейин Муҳаббатни бошдан-оёқ кузатиб сўради: — Хўш, Муҳаббат, Рустам акамдан хат келдими? Ҳожия холам сўраётган эдилар.

— Ҳа, кеча келди. Боя далада холамга шипшитган эдим-ку, пайқамаптиларми?

— Билмадим. Менга ҳеч нарса деганлари йўқ. Соғ-саломат эмишларми?

— Шукур, ҳаммаларингизга салом айтиб юбориптилар. Бироқ мендан хафа кўринадилар.

— Нега?

— Бир вақтдаги гаплардан-да, нимадан бўларди... «Бизни кига келмай қўйибсан. Ойимни ёлғизлатибсан. Илгариги борди-келди, иссиқ меҳр йўқ эмиш» дептилар.

— Тўғри-да! Холамнинг айтишларича, илгари ўқтин-ўқтин бориб турар экансиз, энди нега бормай қўйдингиз?

— Холам ёлғиз эмаслар. Мана сизлар борсиз. Бир томондан, кўнглим тинч. Иккинчи томондан, ростини айтсам, холамнинг олдиларига боришга бетим чидамайди. Ахир, Миробид билан бирга бўлиб кетди, деган гапни холам эшитганлар. Далада кўрсам юзларига қандай қарашимни билмай, гапимни ерга тикилиб турганимча гапириб оламану, жўнаб қоламан.

— Боришингиз керак. Холам ҳаммасини унутганлар, чунки Муҳаббат ҳеч номаъқул йўлга юрмайди, дейдилар. Агар у гапларга ишонганларида Рустам акамга ёзган бўлардилар.

— Холам ёзмаган бўлсалар, мен ёзишим керак.

— Нима кераги бор. Қўйинг. Рустам акамнинг кўнглини гаш қилишнинг нима ҳожати бор?

— Бу ҳам тўғрику-я, лекин сабабини сўраптилар-да. Ахир, жавоб қилишим керак-ку. Яхшиси, бўлган ишнинг ҳаммасини ёзиб, «холамнинг олдиларида ўзимни гуноҳкор санаб, боролмай қолдим», деб иқрор бўламан.

— Иштиёр ўзингизда. Хўш, энди холамнинг уйига қачон борасиз?

— Бораман, Света, албатта бораман. Иложи бўлса, эртагаёқ кириб ўтаман. Холамнинг бағриларига бошимни қўйиб, кечирим сўрайман. Шундай қилмасам ўзим ҳам чидай олмайдиганга ўхшайман.

— Боринг, Муҳаббат, сиз айбдор эмассиз. Айтгандек, Юнусовдан менга хат келди.

— Хўш, тинч эканми?

— Ҳа, тузалиб кетипти. Отпуска беришипти. Колхозда тракторчи эмиш. Катяни эслаб кўп хафа. Елғизлик қурсин, бахтсиз йигит эканман, ота-онамдан ажралиб, кўрган заҳматларим оз экан шекилли, Катянинг фожиаси мени ўртаб юборди, депти.

— Бечора йигитга кўп қийин бўлди-да.

— Катяни айтмайсиэми. У бечора нима қилаётган экан, душман қўлида не-не азоблар тортаётгандир! Уларнинг қўлига тушган киши айтганларига юрмаса тирик қолмайди. Катя бўлса уларнинг йўлига кирадиган қизлардан эмас. Тирик юришига кўзим етмайди!..

Уртага жимлик чўкди. Икки қиз бошини қуйи солганларича узоқ сукунатга кетишди. Уларнинг хаёл кўзлари узоқдаги ерларда — душман чангалида азоб чекаётган Катяни изларди. Света кичкина лабини маҳкам қисганча мовий кўзларини бир нуқтадан узмай, хаёл суриб ўтирган ерида бир сесканиб тушди. Унинг кўзи олдида фашист қийноғида ётган Катянинг сўник кўзлари жавдираб кетди. Света сапчиб ўрнидан турди. У бошини қуйи солиб, ҳамон ўй суриб ўтирган Муҳаббатнинг ёнига келиб, унинг елкасига қўлини қўйди-да:

— Эсиз шундай қиз! — деб юборди.

Муҳаббат нима деб жавоб беришини билмай гангиб, ерга тикилганча жим тураверди. Света қўлини узатиб:

— Хайр, ўртоқжон, мен борай. Кеч бўлиб кетди! — эшик томонга юрди.

Муҳаббат Светани ташқари эшиккача кузатиб қўйгач, супага чиқиб онасининг ёнига ўтирди. Салдан кейин ўрнига чўзилди. У одатдагидек беғубор осмонга тикилиб чарақлаб турган юлдузларга назар ташлади. Чўғдек ёниб турган юлдузларни битта-битта кўздан ўтказгач, ўзи танлаб қўйган катта юлдузга тикилди. Ҳар гал балқиб турган ёруғ юлдуз нима учундир бугун унинг кўзига нурсиздек кўришиб кетди. Кўк гумбазини безатиб турган миллион-миллион юлдузларнинг энг сараси ва энг каттаси бўлган бу юлдуз унинг кўзига борган сари кичиклашиб қолаётганга ўхшарди. Тамомила йўқолиб кетишидан чўчиган Муҳаббат кўзини чирт юмиб олди. Хаёл денгизига шўнғиб кетган қиз кўзини юмиши билан Рустамнинг келишган қаддиқомати пайдо бўлди. Рустам станцияда кузатиб қолган вақтидагидек жилмайиб турарди. Муҳаббат ёшларини тиёлмай турганида овутишга уринган ошиғи ҳали ҳам шундамикан? У фронтда-ку. Ахир, у ерда ҳаёт-мамот жанги

бормоқда-ку! Катя сингари унинг ҳам бошига фалокат тушмаганмикан? Жудолик ўтида ёнаётган Юнусовнинг кунлари Муҳаббатнинг ҳам бошига тушиб қолмасмикан?

Шу пайт Муҳаббатнинг кўзи олдида гавдаланиб турган Рустам бирданига йўқолиб, унинг ўрнида сариқ учқунлар пайдо бўлди. Улар ҳам узилган кинолентаси сингари жи-мирлаб, кўздан йўқолди, кетидан туманли поёнсиз чўл бошланди. Шу туман орасида чўзилиб ётган бир гавда Муҳаббатнинг хаёл кўзига ташланди. Қўлларини чўзиб, мадад сўраётган бу жангчи унинг назарида Рустам бўлиб, фақат Муҳаббатни ёрдамга чақираётгандек туюлди. Кўз юмиб ётишга ортиқ сабри чидамаган Муҳаббат кўзини очиб юборган эди, хаёлини чулғаб олган манзара бирда-нига йўқолиб, унинг ўрнида балқиб турган юлдуз аввалги-дек катта ва равшан кўрина бошлади. Муҳаббат шу юл-дуздан кўзини узмай: «Миямни чалғитиб, юрагимга гулгула солган Катянинг фожиаси бўлса керак. Рустам акам ўлмайди. У тилагига етади!» деб онаси томон ўгирилиб олди.

### 23. МАДАД

Болдирига эски латта ўраб, эгнига жулдур кўйлак ки-йиб олган оёқ яланг Аня катта кўчага тушди. У йўлда уч-раган эски-туски ва чўп-хаслар билан «ўчакишиб», тентак-симон юриб борар эди. Таралмай, тўзиб кетган сочларига бир тутам хасни илаштириб олган партизан қизнинг бада-нига йил бўйи сув тегмаганга ўхшар эди. Фронт томон кетаётган Аня йўлакда гаплашиб турган немис солдатлари яқинига келиб, дарахт тагига оёғини узатиб ўтирди-да, этагидаги «буюм»ларни тўкиб, уларни ўзича саралай бош-лади. Штабнинг топшириғи билан тентак сифатига кириб, шаҳар ва қишлоқларни бемалол кезиб юрадиган Аня не-мисларнинг яқинига бориб, уларнинг гапларини тинглаб турар ва шу билан кўпгина керакли сирларни билиб келар эди. «Тентак қиз» бу атрофда хизмат қилаётган солдат-ларга маълум бўлиб қолгани учун унга ҳеч ким эътибор қилмас эди. У бугун ҳам партизанлар штабининг топшириғи билан «иш»га чиққан. Унинг вазифаси — йўлда йўқолган полковникка немисларнинг муносабатини билиш эди. Ле-кин йўлга чиқиши билан Рустамлар фожиасидан хабар топди. Хас-чўплар билан «овора» Аня қиёфасини ўзгар-тирмай, солдатларнинг гапларини тинглай бошлади.

Солдатлардан бири:

— Хўп қизиқ воқеа бўлипти-да...— деган эди, иккинчиси:

— Тирик қолгани бормикан? — деб сўради. Солдатлардан бири:

— У қанақа хотин? — дегандек қўли билан Аняни кўрсатди. Уни ҳайдаб юбориш кераклигини айтди. Биринчи гап бошлаган ҳамроҳи уни тўхтатиб:

— Хавотирланма, у шу атрофда юрадиган тентак қиз, — деб тасалли берди.

— Шундайми? — дея жойига ўтирган солдат яна сўради: — Ўзи қаерда бўлипти бу иш. Эрталабдан бери штаб оёқда, елиб-югурган.

— Миналанган участкада. Полковник билан улардан уч киши ўлган. Тириги ҳам бўлиши керак. Чунки полковникнинг ёнидаги ҳужжатлар йўқ эмиш.

Аня ана шу гапдан кейин жойида тинчиб ўтира олмади. Бирдан туриб кетай деса, немисларнинг сезиб қолишидан кўрқди. Яна бир оз сабрсизланиб ўтирди-да, кейин яқин орада учиб-қўниб юрган чумчуқлар билан ўчакишган бўлиб, ўрнидан сапчиб турди. Немисларни чалғитиб жўнаб қолди. Воқеа бўлган ерга шошилмай, ўша атрофдаги пистирмада бўлган Пётр Максимовичга учрашди.

Воқеани Пётр Максимовичга хабар қилди. Аввалига Пётр Максимович ишонқирамаган бўлди. Лекин шофёр йигитнинг ҳадеганда қайтавермаслиги ташвишини оширган эди. Худди шундай машъум хабарни яна бир разведкачи ҳам топиб келди. Энди ишонмасликдан бошқа чораси қолмаган эди.

— Аня! — деди у. — Бу вазифани ҳам сенга юклашга тўғри келади. Душмanning мина кўмилган майдонига бориб кўр, ажаб эмаски, омон қолишган бўлса, яширинишгандир, излаб топишга ҳаракат қил.— Пётр Максимович Аняга яқинлашиб, унинг тўзиб кетган сочларини силади:

— Эҳтиёт бўл, зийракликни қўлдан бой берма! Сен у ерни биласанми?

— Ҳа, қишлоқ орқасидаги жарликнинг чап қирғоғида.

— Жуда тўғри, кетсанг бўлади.

Аня у ердан чиқиб қишлоқнинг орқа томонига юрди. У немис солдатлари кўринмайдиган ерларда ҳам ҳолатини ўзгартирмай тентаксимон юриб борар, ўйнар ёки орқасига қайтиб қирқ-эллик қадам юргач, яна ўз йўлига тушиб олар эди. Атрофни қўриқлаб турган соқчилар уни ҳар кўрганда



мазах қилиб кулишар, кесак отиб жаҳлини чиқармоқчи бўлишар эди. Бундай ҳолларда Аня анқовсираб парво қилмасди.

Аня қишлоқ четига чиққач, поёнсиз кенг дала бошланди. У юришини бир оз тезлатди. Атроф жимжит. Узидан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўрган Аня машина фалокатга учраган ерга кесиб чиқадиған қулай йўлни мўлжаллаб кўрди. У ерга олиб борадиған иккита йўл бор. Бири Шокировлар разведкага кетган йўл бўлиб, бу иккинчи йўлга жуда яқин эди. Бироқ бу томондан юрилганда гитлерчиларга тез-тез дуч келиш мумкин. Ҳар қалай, уларнинг кўзидан нарироқ бўлган маъқул. Аня чапга бурилди. Узоқ бўлишига қарамай кенг дала бўйлаб кетди. Жарлик ёқасига яқинлашганда дарахт шохларидан синдириб, «эрмак» қилиб олди. Жарликнинг бу четига ўтиб олгандан сўнг ёғочини ўйнаб тўппа-тўғри ағдарилиб ётган машина томон юрди. Унда ҳеч ким йўқ. Фалокатдан хабар топган немислар эрталаб елиб-югуриб келиб ўз ишларини қилиб кетган эдилар. Улганларнинг ёнларини титишган, полковникнинг жасадини олиб кетишган эди.

Аня томоша қилган бўлиб, атрофга разм солди. Ҳалок бўлганларнинг сони етишмасди. Ана шунда Пётр Максимовичнинг: «Ажаб эмаски, омон қолишган бўлса, яширинишгандир», дегани едига тушди. Чиндан ҳам полковник билан яна икки киши етишмасди. У Катянинг йўқлигини дарров билди. Кўнглидан: «У бу атрофни билади», деган гап ўтиб, узоқда қорайиб турган жарликка қаради. Назарида ўша томонда биров, уни чақираётгандек эди. У атрофни яна бир кўздан кечириб, пастки лабини тишлаб қолди. Тахмин билан жар томонга йўл олди. Йўлни, ўтларни кузатиб борди. Эзилган ўтларнинг ҳар ер, ҳар ерида қон томчилари кўриниб қоларди, бу уни энтиктириб, қадамини тезлатди, жарликка шўнғиб кетди. У издан чиқмай жарлик ичига тушиб олгач, ўзини эркин ҳис қилди. Шунда ҳам эҳтиётлик билан турли ҳаракатлар қилиб қўярди. Кўзи, диққати атрофда, пайҳон ўтларда эди. Катянинг Шокиров билан биринчи дам олган ерига етиб келганда тўхтаб қолди. Оғир яраланган ким бўлди? Катями?

Аня ғор рўпарасига етиб келганида шартли белгилар деярли йўқолганини пайқаб, тўхтаб қолди, ажабланди. Дарахтнинг ерга энгашган шохлари тагигача кўз югуртириб чиққан зийрак қиз, ёнидаги унчалик ўсиқ бўлмаган ўтлар босилиб ётганини ва у ерда ҳам қон томчилари қо-

райиб турганини кўрди. Шу томонга ўтди, босилиб ётган ўтлар устидаги из жарлик четидаги дарахт шохлари тагига келиб йўқолган эди. Дарахт шохларини бир томонга итариб қараган эди, гор оғзини кўрди. У эпчиллик билан ўша ёққа ўтди, горга қаради. Ним қоронғи ертўла жимжит. Аввал кўзи тиниб ҳеч нарса кўролмади. Оёғи билан пайпаслаб ертўланинг ичига ўзини олди. Девор четига келганда оёғига бир нима урилди. Аня чўчиб кетди. Кейин ўзини тутиб, ётган одам эканлигини пайқади.

Гарчанд ўзимизникилардан бирортасини излаб келган бўлса ҳам, юраги орқасига тортиб:

— Ким бу? — деди орқасига бир қадам тисарилиб. Жавоб ўрнига қандайдир инграш эшитилди. Шошиб қолган Аня ташқарига чиқиб, гор оғзини тўсиб турган дарахт шохларининг баъзиларини синдириб, баъзиларини горга ёруғ тушадиган қилиб бир четга эгди. Гор анча ёришди. Бу маҳалда унинг кўзи ҳам кўникиб қолган эди. У дадил кириб пичан устида ётган кишининг бошини олиб ёруққа солди. Унинг кечаги келган разведкачилардан бири эканини таниб, ҳам чўчиб, ҳам қувониб кетди. Разведкачи ҳеч нарса пайқамас эди. Аня товуш бергач, ётган киши зўрға:

— Катя, ҳали ҳам шу ердасиз? — деди.

Бу ётган Рустам Шокиров эди. Кеча у Катя билан йўлга чиқиб, йўлда мажолсизланиб, ҳолдан толгач, ётиб қолди. Салдан кейин ҳушидан кетди. Яна бир оз юрдилар. Яна шу аҳвол такрорланди. Шундан кейин Рустам:

— Катя, менинг энди жуда мазам қочди. Бу аҳволда фронт линиясидан ўтиш ўнғайми! Яхшиси, мени қолдириб кетинг! — деди.

Шеригининг аҳволи қандайлигини кўриб-билиб турган Катя энди ҳеч нима деёлмай қолди. Фақат ночорлигидан ўкинди, кўзига ёш олди. Чиндан ҳам нима қила оларди? Арслондек йигит ҳар юз қадамда ҳолсизланиб тургач, нима ҳам қилиб бўлади? Ноилож Катя:

— Бу жойда сизни қаерга қўйиб кетаман, ахир? Ҳамма ёқ очиқ-ку, — деди кўзидан ёшини артиб.

Рустам ҳам ҳеч нима демади. Катя узоқ ўйлаб ўтирмай, Рустам билан орқасига қайтди. Яна минг бир азоб билан горга қайтиб келишди. Ана шунда Рустам қаттиқ туриб олди:

— Катя, энди сиз кетинг. Ҳужжатни етказинг. Ҳужум қанча тез бошланса, менга шунча яхши.

Катянинг жавоб қайтаришга қурби етмади, фақат:

— Сизни қандай ташлаб кетаман!..— деб йиғларди.

— Мажбурсиз, Катя!

Катя чор-ночор йўлга тушди. Рустамни бағрига босиб, йиғлаб хайрлашар экан, деди:

— Сиз ташвишланманг. Хужжатларни топширгач, эртага бир-икки жангчи билан кечгача келаман, сизни олиб кетамиз.

Катядан кейин кечаси билан иситмалаб, алаҳлаб чиққан Рустам туннинг қандай ўтганини билмади. Фақат бир-икки оғзи қуриб, сув ичганини эслайди. Шунинг учун у Аняни Катя деб ўйлаган эди. Назарида ҳали ҳеч нарса вақт ўтмаган, Катя шу ерда тургандек туюлган эди.

— Мен Катя эмасман, Аняман. Мени Пётр Максимович юборди. Елғиз ўзингизмисиз? Яна кимлар бор?

Рустам бўлган воқеани қисқача айтиб берди.

— Иссиғингиз баланд, ярангиз оғирми?

Яраси оғриғини чидам билан енгаётган Рустам тишини тишига босиб, инграб қўйди-да, унинг саволига жавоб бермай: Катядан хабарингиз бўлдими, у ўтиб кета олдимикан? — деб сўради.

— Хабарим йўқ.

— Сиз нима қилиб юрибсиз?

— Мен сизни излаб келдим. Мен ҳозир бориб, хабар бераман.

Рустам индамади. У яна бир инграб қўйди. Аня бу ерда узоқ турмай ертўла оғзига келиб, ташқарига қулоқ сола бошлади. Узоқдаги катта йўлдан аҳён-аҳёнда ўтаётган машина овозлари эшитилиб қолар, бу атрофда эса ҳеч кимса кўринмас эди. Бир оз қулоқ солиб, кузатиб тургач, Аня ташқарига чиқиб, ўт билан гор оғзини беркитди. У жарлик ичидан сўқмоқ йўлга тушиб, орқага қайтди. Аня келган томонидан юришга сабри чидамади, чунки у томондан юрса ҳаяллаб қоладигандек эди. Нима бўлса ҳам яқин йўлдан борганим маъқул, деган фикрда Аня тош кўча томонга юрди. У ағдарилиб ётган машина ёнидан ўтиб, кўчага тушиб олгандан сўнггина тентаксифат ҳаракатлар қилиб югура бошлади. Фронт томонга кетаётган душман солдатлари Анянинг аҳволини кўриб ундан чўчишар, ўзларини бир четга олишар, айримлари эса кўчанинг у четига ўтиб кетарди. У штабга етиб боргандан сўнг ўзини наридан-бери тузатиб, Пётр Максимовичнинг олдига кириб келди. Солдатов билан суҳбатлашиб ўтирган Пётр Максимович Аняни

кўриши билан сўзини тўхтатиб, ялт этиб унга савол назари билан қаради.

— Пётр Максимович, — Аня Солдатов ёнидаги бўш стулга ўтира туриб гап бошлади. У қаттиқ чарчаган эди. — Миналаштирилган ерда машина портлапти. Разведкачилардан икки киши у ерда ҳалок бўлипти. Жарлик ичидаги кўздан пана ғорда бир разведкачимиз оғир яраланиб ётипти. Унинг айтишича, Катя кечаси ҳужжатларни олиб линиядан ўтиб кетганмиш.

Анянинг гапини тинглаб ўтирган Пётр Максимовичнинг бурун катаклари керилиб, пешанасидаги ажинлар қалашди. Тугашиб кетган қалин қошлари бир-биринга мингашиб қимирламай туриб қолди.

Солдатов ҳам индамади. Аня терини артиб, чарчаган бўлишига қарамай бошлиқларининг буйруғини кутарди.

Орага чўккан жимликни Пётр Максимовичнинг ўзи бузди:

— Оғир! Жуда оғир! Шундай, Аня: сен, қизим, ҳозир яна ўша томонга жўна. Яқин қишлоқдан бирида Шокиров учун жой ҳозирла. У ерга қош қорайиши билан докторимизни бошлаб бор. Тегишли чораларни кўрсин. Ҳозирча еб-ичишга нарсаси олиб кет. Таъкидлайман: шошма, эҳтиёт бўл.

— Хўп! — яна жонланди Аня. Бир кружка муздек суя ичиб ташқарига чиқди. Дим хонадан чиққан Аняга шамол ёқиб, бағрини очди, тетиклаштирди.

Аня бу гал орқасидан бирон исковичнинг эргашиб қолишидан қўрқиб, чакалакзордан тимдаланиб ўтиб, пастқам ерлардан елиб-югуриб Шокировнинг олдига кун анча пастга тушганда етиб борди. Рустамнинг иссиғи жуда баланд. Анянинг биронта саволи ёки илтимосига жавоб беришга қодир эмас эди. Аня яхши ҳам йўлда эрталаб Пётр Максимович шу фалокат туфайли юборган бир партизанни учратиб қолгани! Икковлари бир бўлиб, замбил ясашди. Беҳуш ётган Шокировга сув ичириб, манглайига латта ҳўллаб ёпиб, ўзига келтиришди. У мисдек қизирди. Баъзан алаҳларди. Икки партизан уни қўлбола замбилга солиб, таниш партизан кампирнинг хутордаги ярим вайрона кулбасига олиб кетишди. Шокиров бутунлай ҳолдан толган, атрофда нима иш бўлаётгани билан иши йўқ эди. Баъзан: «Катя, сиз кетаверинг!» деб ўзича гапириб қўярди.

Аня шериги билан Шокировни кўнгилдагидек ерга жойлаб, докторга кетаётганда қуёш аллақачон ботиб, зичиё тун бошланган эди. Бундан фойдаланган Пётр Максимович бир кичик группа партизанлар билан келди, ҳалок бўлган Туманов ва шофернинг жасадини шу яқиндаги мазорга кўмиш маросимини ўтказди.

#### 24. «НАҲОТ ШУНДАЙ ИГИТ КҮР БҮЛИБ ҚОЛСА!»

Батальон командири Белоусов кўпни кўрган, оғир табиатли одам. Бу оғир табиатлилик жангда жуда зарур нарса. Шунинг учун ҳам у жангу жадалда шочмаслиги, ўзини вазмин тутиши билан тезда бошқа командирлардан ажралди. Ундаги бу ажойиб хислатни полк командири Гудков дарров пайқаб, қадрлади. Одатда севимли бўлиш ишончни орттиради, бу ишонч эса фронтда масъул топшириқлар беришга олиб келади. Шунинг учун Гудков Белоусовнинг батальонини керакли участкада тутиб, унинг ихтиёрига разведка взводини ҳам юбориб қўйган, унга «кўз-қулоқ бўлиб тур» деб тайинлаган эди. Бу эса Белоусовга қўшимча масъулият юклаган эди.

Белоусов Шокировларни разведкага юборар экан, разведканинг самарали чиқиши учун қўлидан келган барча чораларни кўрди. Уларни ўзи анча ергача кузатиб қолди Муваффақиятлар тилади. У Шокировларга ишонар эди. Улар синовдан ўтган. Лекин бу галги топшириқ ҳар галгисидан масъулиятли эканини ҳам яхши биларди. Шунинг учун уларни кузатгач, то қайтиш муддати етгунча ҳам озми-кўпми ташвишланиб турди, аммо улар кечика бошлагач, ниҳоят даражада безовталаниб қолди. Унинг бу ҳаракатларини кўрган киши уни ўша оғир табиатли, вазмин ҳаракатлар қилувчи одам демас эди. У бир ерда узоқ ўтиролмай қолди. Икки-уч марта нарироққача одам юбориб кўрди. Разведкачилар взводининг командири Иброҳимжон Исаевни ёнидан жилдирмади.

— Жуда кечикиб қолишди-ку, ўртоқ Исаев, — дерди у ертўла оғзидан узоқларга тикилиб. Гўё фронтчиларнинг ҳаммаси бирдан уйқуга кетгандек ҳамма ёқ жимжит. Битта-яримта ўқ чақнаб тургани ҳам тузук бўлар экан.

Белоусов тун уфқидан кўзини олиб, осмонга тикилди. Осмон ҳар вақтдагидек сокин, юлдузлар чамани кўзичи тиндиради. Баъзи юлдузлар бир ерда туравериб зериққан-

дек, дўстлари қошига учиб қолади. Излари нурли шаклдек анча вақтгача ўчмай туради. Ҳали ой чиқмаган. Лекин унинг шарпаси шарқ уфқида сезилиб туради. Бу кулларда сий тунинг иккинчи ярмидан кўринади.

Белоусов ёнига Исаевни олганича батальон штаби бўлган ертўла бўсағасида узоқ ҳаёл сурсиб ўтириб қолди. Бу орада ой кўтарилди. Ҳалигина ёқимли бўлган шамол энди танларни жунжитиб, гашни келтира бошлади. Буни пайқаган Исаев шинел олиб чиқиб Белоусовнинг елкасига гашлади.

— Ҳар ҳолда уларнинг кечикиши бежиз эмас. Пётр Максимовичнинг «кетишди» деб хабар берганига ҳам анча бўлди. Бу орада у ерга икки марта бориб келса бўларди. — салмоқлади Белоусов шинелни елкасига тортиб.

— Немис полковниги қаршилиқ билдириб қолганмикин? — деди Исаев.

— Қуролсиз киши нима ҳам қила олади. Бошқа бир фалокат рўй берган, Исаев! — деди Белоусов ўрнидан қатъий туриб, — фол очиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Қаршисига икки киши чиқаринг.

— Есть, — ўрнидан ирғиб турди Исаев.

— Зийрак, қадами тезроғидан юборинг.

— Хўп.

Исаев елкасидаги бегона шинелни ертўла ичига ирғитиб ташлаб, ўз взводи томонга елиб кетди. Унинг шарпаси кўздан ғойиб бўлгани ҳам йўқ эди, бирдан тасир-тусур отишма бўлиб қолди. Белоусов ўқ узилган томонга қаради. Қандайдир товушлар ҳам эшитилди. Кейин ўқ тинди. Бу отишма Белоусовнинг ташвишини ўзи билан олиб кетиб, уни янада ҳушёрлантирди. Ёнида бўлган алоқачисини ўша томонга: «Нима гап, билиб кел», — деб жўнатди, ўзи, типпа-тик туриб, ўша ёқдан кўзини олмасди. Алоқачиси кетди-ю, унинг кетидан Исаев пайдо бўлди.

— Уртоқ старший лейтенант, фронтдан бир қиз ўтган, у сизни сўраяпти, — деди ҳарбий одатича тик қотиб Исаев.

У гапини тугатмасдан уч-тўртта жангчи кийим-бошлари титкиланиб кетган, қора терга ботган, сочлари тўзиган, граждан кийимидаги ориққина бир қизни олиб келиб қолишди. Қиз савол беришларини кутмасдан ўзини танитди. У Катя эди, бўлган воқеани ҳаллослаб қисқача айтиб берди. Ана шунда Белоусов бу читтакдек чаққон қизни таниб қолди. Эшитган гаплари қанчалик даҳшатли бўлмасин, барибир, Катяни командирлик меҳри билан бағрига босишга

Ўзида куч топди. Катя эса меҳрибон кишининг ана шу иккй оғиз сўзига илҳақ бўлиб тургандек бўшашиб тушди. Қўйнига яшириб олиб келган немис полковнигининг ҳужжатларини зўрға Белоусовга узата олди.

Катя худди биров орқасидан келиб тақимига бехосдан ургандек, шилқ этиб ерга йиқилиб кетаётган эди, Исаёв суяб қолди, ертўлага олиб кириб ётқизди. Катя энди нима учундир йиғлар эди, товушини чиқармай йиғлар эди.

Белоусов врачга одам юборди, ўзи кружкада сув тутди, пешанасини ҳўллади:

— Бечора қиз! Мана бу матонат! Ҳужжатларни етказиб келишгина уни ушлаб турган экан, хотиржам бўлиши билан асаблари қўйиб юборди. Ҳеч нарса қилмайди, ҳушига келиб қолади,— дер эди Белоусов унга биров бир нарса деяётгандек ўзига далда бериб.

Елиб-югуриб етиб келган батальон санитар взводииниң командири дарров Катянинг ёқасини очиб, юрагига қулоқ солди, томирини ушлади.

— Жуда қаттиқ толиққан кўринади!— деди у ва олиб кетишга Белоусовдан ижозат сўради, у розилик берди,— ҳозир дори-дармон қиламиз, ўзига келади. Хавфли эмас!

Икки киши эҳтиёт билан замбилда олиб чиқиб кетди. Катя замбилга ётқизилгач, унинг кўзлари толиққанидан ичичига тушиб кетгани аниқ кўринди. Тиббий бўлимда дори-дармон қилишгач, машинада шу яқиндаги дала госпиталига жўнатишди.

Катя тонг ёришиб, қушларнинг шовқин-сурони оламни тутган вақтда ўзига келди. Қошида ўтирган ҳамшира қувониб уни табриклаган бўлди. Ўз енгиллигини қилиб, югурганча чиқиб кетиб, навбатчи докторга хабар бериб келди. Салдан кейин кирган қора кўзойнакли доктор Катяни сурштирди, ярасини кўздан кечирди.

Катя ўзига келди-ю, лекин тарқоқ фикрини йиғиб ололмади, нуқул чанқар эди, ҳамширанинг қултумлаб ичиришига қониқмас, симирарди. Лекин ҳеч қандай овқатни кўнгли тусамас эди. Ана шунда Шокиров эсига тушиб, безовталанди.

— Ҳамшира,— деди у,— бу фронтга яқин госпиталми?

— Шундай.

— Бир нарса илтимос қилсам мумкинми?— ҳамшира нима ишингиз бор эди, дегандек унга қулоқ тутди. Катя давом этди:— Кичик бир хат ёзиб берсам, шуни Белоусовга етказсангиз.

— Яна Шокиров ҳақида бўлмасин?— кулди ҳамшира гўё унинг ичидагини топгандек.

— Шундай! Сиз уни қаёқдан биласиз?— ажабланди Катя.

— Ҳали эрталаб командирларингиз келишганда гаплашишган эди. Агар сўраса, хотиржам бўлсин, у ёқдан хабар қилишди, хавфсиз жойга кўчиришибди, дейишимизни таъкидлаб кетишган эди.

— Қандай яхши!— деди гўё Шокиров тузалиб кетгандек қувониб Катя. Ана шунда хурсандликданми, кўнгли нордон нарса истаб қолди. Енгилгина қўзғалиб чиқиб кетган ҳамшира иккита қимизак олма топиб келиб унга тутди:

— Кўнглингизни очади, ғарч-ғурч чайнаб енг!

— Сиз-чи?— деди биттасини олиб Катя.

— Менинг ташвишимни қилманг. Есам топилади.

Чиндан ҳам олма Катянинг кўнглини очди. Кечқурун бир оз иссиқ овқат ичиб, тезда ухлаб қолди.

Катя эрталаб узоққа отар тўпларнинг гумбурлашидан чўчиб уйғонди. Осмонда самолётлар овози тинмасди. Узоқда портлаган бомба ва снарядларнинг портлаши бўғиқ эшитиларди, крест қилиб қоғоз ёпиштирилган деразаларни зирқиллатар эди

Катя нима воқеа эканини ҳали аниқлаб етгунича йўқ эди, ҳамшира кириб қувончли хабар етказди:

— Бизникилар ҳужумга ўтди. Тонготарда бошлашган эди, анча сурилиб қолишибди.

— Қаёқдан билдингиз?— ҳаяжонланди Катя.

— Келган ярадорлар айтишяпти.

Ҳамширанинг айтгани ярадорларнинг устма-уст келиши билан тасдиқланди. Одатда ҳужумда кўп киши яраланади. Кечагина бўш турган кўпгина ўринлар кечга бориб тўлди. Тиббий ходимларнинг қўллари-қўлларига тегмай қолди. То тушгача Катя олдидан узилмаган ҳамшира ҳам кечга бориб бирон марта киролмади. Уни ҳам сафарбар қилибдилар. У фақат ётиш олдида бир кириб чиқди:

— Зерикмаяпсизми? Мана бу китобни ўқиб ётинг. Ишимиз кўпайиб кетди. Ҳужумимиз жуда тез бораётган эмиш. Қулоқ солинг, замбаракларнинг товуши эшитилмай қолди.

Ҳақиқатан ҳам эрталабки гумбурлаш энди сезилмас эди. Ана шу ҳамшира эртаси ҳам доктор билан бир кирди-ю, яна йўқ бўлиб кетди. Ундан кейинги кун ҳам



худди шундай бўлди. Унинг ўрнига баъзан бошқа бир кампир хабар олиб қўярди. Тўртинчи ёки бешинчи кун эса (Катя ҳисобда адашган эди) у ўзида йўқ хурсанд кириб келиб, Катяни қучоқлади ва хушxabар етказди:

— Шокировни олиб келишди. Кўзлари боғлиқ.

Катя йўқолган кишисини бирдан учратиб қолгандай ўрнидан ирғиб туриб кетди. Шошиб-пишиб уни ҳамширадан суриштирди. Хурсандлигидан йиғлаб, ҳамширанинг юзларидан ўпди.

— Ўз кўзингиз билан кўрдингизми? Тетикми? Ҳеч нарса демадимми?

— Мен унинг Шокиров эканини касал тарихини тўлдирётганимда билиб қолдим. Олдимда одамлар кўп эди, суриштиролмадим. Ҳаракатидан анча вазмин киши кўринади.

— Вазминлик ҳам гапми, ажойиб инсон. Бунақаси кам бўлади.

— Башарасидан кўриниб турибди.— Унга қўшилди ҳамшира,— агар яхши одам бўлмаса полк командири ўз машинасида ёнига иккита одам қўшиб юборармиди!

— Қайси палатага қўйдинглар?

— Иккинчи қаватда. Алоҳида хона ажратишди.

— Чиқиб кўрсам бўлармикин?

— Билмадим, докторлар рухсат этишмас.

— Бўлмаса, ҳамшира, сиз ўз ишингизга бораверинг, сизга гап тегмасин. Мен ўзим бир ҳаракат қилиб кўраман.

«Майли» деганича ҳамшира чиқиб кетди. Катя ўзини сал-пал тузатиб палатадан чиқди, лекин иккинчи қаватга қаёқдан чиқишни билмай туриб қолди. Бу атрофда зина йўқ эди. Сўрашга мажбур бўлди. Иккинчи қаватда ҳам палаталар кўп экан. Қайси бири эканини билмай, яна сўрашга мажбур бўлди.

Бир хонадан бир қучоқ чойшаб қўлтиқлаб чиқиб келаётган ўрта ёш аёл энг бурчакдаги палатага ишора қилди. Уша палатани энди тақиллатишга қўл чўзган эди, ичкаридан ёшгина, қарашлари шўхлиги ва енгиллигидан хабар бериб турган бежирим оқ халатли ҳамшира чиқиб келди.

— Сизга ким керак?— деди Катянинг йўлини тўсиб.

— Сержант Шокиров.

— Мумкин эмас!

— Кўп турмайман, бир минутга.

— Йўқ, мумкин эмас, докторнинг фармойиши шун-

дай,— деди такаббурилик билан бежирим халатли ҳамшира, қошларини чимириб.

— Утинаман!

— Мумкин эмас дедим, мумкинмас. Йўлда қаттиқ уринган. Ҳозирча жононлар суҳбатига муҳтож эмас у!

— Ахир, биз жанговар операцияда бирга бўлганмиз.

— Нима қилибди бирга бўлган бўлсангиз! Энди, энди бирга бўлмайсиз, бу ер госпиталь.

Катя бу жўн ҳамшира билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзинга эп билмай, пастга тушиб кетди. Шундай бўлса ҳам номини айтиб, ўзидан салом топширишни бежирим халатли қўпол ҳамширадан илтимос қилди.

Катя пайт пойлаб Шокировни даволаётган доктор ҳузурига кирди. Ундан дўстининг аҳволини суриштирди. Доктор тиббий ходимларга хос дангаллик билан ҳамма нарсани айтиб қўйди.

— Кўзларининг кўриши жуда гумон денг?— яна такрор сўради Катя.

— Бир кўзининг ҳеч ҳам кўрмаслиги аниқ, гавҳарни оқиб тушган. У бириси ҳам қаттиқ жароҳат топган. Ким билади, яна бир мўъжиза рўй бериб, сал-пал кўрса ҳам ажабмас! Лекин бу жуда олис гап. Ҳа, кечирасиз, сизнинг исмингиз нима?

— Катя, нима қилди?

— Катя дегани сизми? Жуда яхши! Шокиров алаҳлаганда сизнинг номингизни бир-икки тилга олган эди. Бирга разведкага борганмидинглар? Ҳа, шунинг учун бўлса керак. «Катя, эҳтиёт бўлинг, қўлга тушиб қолманг» деб илтимос қиларди. «Бу Катя дегани ким экан?» деб ҳайрон бўлган эдим. Менман денг. Сиз Шокировнинг кими бўласиз?

— Таниши, жангчи дўсти.

— Жуда яхши!— доктор Катянинг жавобини суюқроқ тушуниб, лабида жилмайиб қўйди,— урушда, синглим, шунақа кўнгилсиз тасодифлар бўлиб туради. Хафа бўлманг. Биз, докторлар, реалист бўламиз, очигини айтамыз.

Катя бу «реалист доктор» олдида ўпкасини зўрға тутиб турган бўлса ҳам, ташқарига чиққанда ўзини эплотмай қолди, ҳўнг-ҳўнг йиғлади: наҳот шундай йигит кўр бўлиб қолса!

Утиб кетаётган бояги бежирим халатли ҳамшира Катянинг йиғлаётганини кўриб, кўнгли бўшашдими унинг олдига келиб, елкасига қўлини қўйди.

— Фойдаси йўқ, йиғламанг,— деди мулойимгина.

— Ахир кўзи энди ҳеч кўрмас эмиш-ку, киши хафа бўлмайдимми!

Ҳамшира пастки лабини тишлаб, чўчигандек бўлди, яна бир:

— Фойдаси йўқ,— деди-ю, ишига ўтиб кетди.

Катя эса, фойдаси борми-йўқми, ўпкаси тўлиб йиғлар эди, ёшини тиёлмай йиғлар эди: наҳот шундай йигит кўр бўлиб қолса!!!

## 25. ШОКИРОВНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Бир оёғи билан икки кўзи боғланиб қўйилган Шокиров кечга томон ўзига келди. У қалин тўшак устида ётганини сезиб: «Ўзимизнинг томонга ўтибман шекилли», деб ўйлади. Назарида жароҳатларининг оғриши бир оз босилиб, бошининг айланиши тўхтагандек.

Илгарига қараганда бирмунча енгиллашиб қолган бўлса ҳам, сержант Шокиров тўшакдан туролмай ётиб қолганига ва қайтиб дўстларининг олдига боролмаслигини эслаб қаттиқ хўрсиниб қўйди. Унг қўлини кўзига олиб бориб: «Қай маҳал бўлди экан» деб, бинтини сал юқори сурган эди, уй ичи қоп-қоронғи бўлиб кўринди. Кечаси экан. «Наҳотки ҳеч нарса ёқмаган бўлишса! Йўқ, уйнинг ичи шунчалик қоронғи бўлиши мумкин эмас. Ахир ҳеч бўлмаса чироқ ёқишган бўлишарди. Бу кўзимнинг ишдан чиққанини кўрсатади. Чунки бинт ичида ҳам шунақа қоронғи эди-ку». Шокиров ётган ерида яна бир хўрсиниб қўйди. Унинг бу хўрсиниши жароҳат оғриқларини енгиллашдаги инграшларидан кучлироқ бўлди. Кўзидан бинт сурган қўлини олиб кўкраги устига қўйди ва даҳшат аралаш ўйга чўмди. Унинг юраги орқасига тортиб, дунёдан гўё умидини узгандек ёниб кетди: кўзим олдида балқиб турган ёруғ жаҳон қани? Қани мен учун бошланаётган ширин ҳаёт, ўқиш, меҳнат қилиш! Ҳаммаси қоронғилик дарёсида ғарқ бўлдимми? Энди мен шу ҳасратда яшашим керакми? Кўр бўлиб-а! Кенг ва ёруғ жаҳон кўзим олдида игна тешигидан ҳам тор бўлиб қолса-ю, мен худди шу тешикда сиқилиб ётган ип сингари чўзилиб ётаверишим керакми? Ҳа, тўғри. У ип фойдали ип, тикиш-қавишда фойдаси тегади. Мен-чи? Мен ҳаётда кишиларга тамомила кераксиз бўлиб қолган, ташланди ипман. Бунақанги ипларни кишиларнинг ўзлариёқ оёқлари остидан йиғиштириб олиб, бир чеккага улоқтириб

ташлайдилар. Бу жуда тўғри. Кишиларга халақит бериб, уларнинг насибаларига шерик бўлиб яшагандан кўра, йўқ бўлиб қўя қолиш афзалроқдир. Шундан бошқа илож йўқ. Ахир, мен энди онамни ва Муҳаббатнинг гулдек очилиб турган юзларини кўролмайман-ку! Муҳаббатнинг кулганда юзларига яна ҳам ҳусн қўшиб юборадиган кулгичини бир умр кўролмайман! Балки у мени энди рад этар, рад этиши табиий! Бунга у ҳақли. Мендек ногиронни нима қилади? Балки рози бўлар, бирга яшар: кейин фарзанд... Уни тиззамга ўтқазиб ширин тилларини эшитсаму, лўппи юзлари билан жажжигина лабларини кўролмасам! Жавдираб турган ўткир кўзларини силасаму, қалин киприклар ора ўзимга тикилиб турганини сезмасам. Оила бошлиғи бўлиб, ота номини олсаму, лекин эшикдан беш танга топиб келолмасам. Хўш, Рустам, қолган умрингни шу ҳасратда ўтказишга розимисан?

Шокиров ўзига шу саволни берди ва шу заҳотининг ўзидаёқ «йўқ» деб қатъий жавобини олди. «Йўқ, асло мумкин эмас, агар кўзим очилмагундек бўлса, яшашнинг қизиғи қолмайди» — деди.

Эшикдан кириб келган ҳамшира «уф, уйнинг ҳавоси бузилиб кетибди-ку» деб хонанинг дераза форточкасини очди. Шокиров бошини шу томонга ўгириб, бинт орқали деразага тикилди. Ҳеч нарса сезмади. Ҳамшира форточкани очиб бўлгач, Шокировнинг ёнига келиб, ҳол сўради:

— Дурустмисиз, ўртоқ сержант?

— Раҳмат. Бир нав,— сир бой бермади Рустам.— Исмимгиз нима, синглим.

— Исмим Катя. Бу ерда яна битта Катя деган қиз бор. Уни танисангиз керак.

— Ие, у бу ерда нима қилиб юрибди?

— Кўлидан яраланган.

— Ҳм, яраси оғир эмасми?

— Йўқ. Боя сизни йўқлаб келган эди, йиғлай-йиғлай чиқиб кетди. Айниқса, докторнинг олдига кириб чиққанидан сўнг ўзини тутолмади. Жуда раҳми келди.

— Шошманг, Катя,— Шокиров кўлини чўзиб, уни тўхтатди,— нега у докторнинг олдидан йиғлаб чиқди экан, хабарингиз бўлмадимми?

— Унинг айтишича, доктор сизнинг кўзингизни очилмайди деган эмиш. Шундай йигит кўр бўлиб қоладими деб, йиғлайвериб юрак-бағримни эзиб юборди.

Шокиров ҳамширанинг оғзидан аччиқ ҳақиқатни

эшитиб, пастки лабини қаттиқ тишлади. У шундай куч билан тишлаб турганини ўзи ҳам сезмади. Ботиб кетган тишлари орасидан қон тирқираб чиқаётганини кўрган ҳамшира:

— Вой, ўлмасам, ўртоқ сержант, бу нима қилганингиз? Лабингизни қонатиб юбордингиз-ку!— деди ачинган бир тарзда.

— Майли, қўяверинг, қонай берсин!— деди Шокиров чуқур уҳ тортиб, юрагидаги ҳамма ҳовурларини чиқариб олгач.

— Нега ундай дейсиз? Ярангизнинг азоби камлик қилаётганмиди?

— Энди фойдаси йўқ. Мен учун ҳаммаси барибир бўлиб қолди.

— Уртоқ сержант, тушунолмадим. Нима барибир бўлиб қолди?

Шокиров ҳамширанинг саволига жавоб бермай, хаёл сургандек ундан сўради:

— Катя, вақт қай маҳал бўлди?

— Ҳали кун ботгани йўқ.

— Ҳм... Шундай денг! Ботишига қанча бор?

— Бир соатча.

Шокиров яна ниманингдир ўйини сургандек жим қолиб, кейин сўради:

— Госпиталимиз неча қаватли?

— Икки қаватли. Аввал мактаб бўлган экан.

— Биз пастки қаватдамизми?

— Йўқ, юқори қаватдамиз.

— Шунинг учун ҳавоси тоза экан. Дераза шу томондами?— Шокиров қўлини чўзиб ҳамшира форточка очган томонни кўрсатди, лекин нима учундир ранги оқариб кетди, товуши титради. Унинг хаёлидан қандайдир мудҳиш фикр ўтганга ўхшарди. Аммо буни ҳамшира сезмади.

— Ҳа, худди шу томонда. Муздай ел эсаётганини сезмаяпсизми?

— Ҳа, сезиб турибман.— Шокиров бу сўзни жуда паршонҳол айтди. Унинг кўз ости асабий титраб кетди. Лаби ҳам учди. Яна боя қонатган лабини тимдалади. Ўзининг ўзгариб кетганини сездириб қўймаслик учун гапни қисқа қилди, ўзгартирди:

— Мендан Катяга салом айтинг.

— Ҳозир бориб айтаман. У олдингизга кирмоқчи эди.

— Кераги йўқ. Чарчадим. Ҳозир гаплашмайман.

— Майли, дам олинг.— Ҳамшира ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Ҳамшира чиқиб кетиши билан эшик яна очилиб ичкарига Иброҳимжон Исаев кириб келди. У ҳамма воқеадан хабардор эди. Лекин ишонмас эди. Шунинг учун қанчалик шошиб келган бўлмасин, ўзини тутиб, Шокировнинг ёнида нафасини ичига ютганича гапирмасдан унинг аҳволини кузата бошлади. Одам келиб олдида тўхтаганини сезган Шокиров:

— Катя, сизмисиз?— деган эди.

— Рустамжон, мен Иброҳимжонман,— деб унга қўл узатди, астойдил кўришди. Лекин бу даҳшатдан шошиб қолган эди. Нима қилиб Шокировнинг кўнглини кўтаришни билмас эди. Гапни Шокиров бошлади:

— Нима қилиб юрибсиз?

— Сизни кўргани келдим, дўстим. Ярангиз азоб бераётгани йўқми?

— Азоб бермаганда нима бўларди?

— Нега ундай дейсиз?

— Энди фойдаси йўқ, Иброҳимжон. Мен фриц билан уришиб бўлдим. Менга деса энди бу жароҳатим мени истанганча қийнасин.

— Унақа деманг, дўстим. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Рухингизни туширманг. Ҳали Берлингача қувиб борамиз-а!

Шокиров Исаевнинг шунчаки муомала қилаётганини дарров пайқади. «Ҳамшира Катя айтган аччиқ ҳақиқатни бу ҳам билар экан», деб ўйлади. Бу ҳақдаги суҳбатни фойдасиз билиб, сўради:

— Пётр Максимович отряди бизларга қўшилдими?

— Йўқ, улар кейинги сафардаги жангда қўшилишлари керак эмиш.

— Сиздан бир илтимос, Иброҳимжон, Пётр Максимовични кўриб қолсангиз, унга мендан кўпдан-кўп салом айтинг.

— Ваҳима қилманг, ҳали ўзингиз кўришасиз, суҳбатлашасиз. Кеча рақияда сизни сўраган эди.

Шокировнинг асаби титраб қолганиданми, ёки хафалигининг ошиб кетганиданми, бундай сохта тасаллиларга кўнгли йўқ, аксинча жаҳли чиқарди. Бу илтифот ва кўнгил кўтариш унга кичик болага ўхшатиб масхара қилаётгандек туюларди. Шунинг учун Иброҳимжон Исаевнинг тасаллисидан баттар газабланиб кетди, чўрт кесди:

— Иброҳимжон! Бу сохта гаплар кимга керак! Нега мени кичкина боладек алдайсизлар. Сизларга бу гапларни ким ўргатяпти ўзи. Биласизларки, энди кўзим кўрмайди, тун билан куннинг менинг учун фарқи йўқ. Берлингача бирга ёв қувамиз дейишнинг нима кераги бор? Кўрмасам ҳам товушингиздан ёлғонлигини сезиб турибман. Ундан кўра, уруш шунақа бўлади, бировни нобуд қилади, бировни ногирон қилади, хафа бўлманг, деб аччиқ ҳақиқатни айтиб қўя қолсангиз бўлмайдимиз? Ахир мен ҳеч нарсага фаҳми етмайдиган гўдак эмасман-ку!

Иброҳимжон Исаев шошиб қолди. Нима деб далда беришни билмади. Аслида у дўстини бунчалик хафа қилиб қўйишни ўйламаган эди. Ахир бу аччиқ ҳақиқатни унга қандай айтади, қайси тил билан айтади. Аввалам, у бу аччиқ ҳақиқатга ишонмайди: докторлар ҳам адашуви мумкин-ку! Наҳот, кечагина ажойиб ишларни бажариб юрган азамат йигит бугун бутунлай кўрмайдиган бўлиб қолса! Йўқ, бу мумкинмас! Жилла бўлмаса, сал кўрару, ўз йўлини ўзи топиб юрар-ку! У боя докторга учрашди. Ахир у ҳам «албатта энди кўрмайди» дегани йўқ, фақат, дарди оғир, деди. Ахир не-не оғир дардлилар тузалиб кетади-ку!

Ана шулардан яхши хулосага келган Иброҳимжон Исаев дўстига астойдил юрагидан тасалли берган эди. Унинг хафа бўлганини кўриб шошиб қолиши табиий эди. Шокиров асабдан титрарди. Қўлини қаерга қўйишини билмас, гоҳ у ерини, гоҳ бу ерини ушлар, баъзан чойшабини гижимларди. Буларнинг ҳаммасини хафа бўлиб кузатиб турган Исаев ёниб кетди, дўстига жуда раҳми келди. Ўзинг оғирликка олиб деди:

— Рустамжон, ўзингизни ортиқча қийнаяпсиз. Мен сизни дардга бунақа енгил деб ўйламаган эдим. Мен билган Рустамжонга ҳеч ўхшамай қолибсиз. Дардга ҳам оғирлик, сабр керак. Сизни разведкачи деб ким айтади. Ҳали командирларимиз келишмоқчи, улар олдида ҳам шунақа қилиб ўтирсангиз-а! Ана унда шармандавозлик бўлади.

Шокиров чурқ этмас эди. «Гапиравер, ҳар қанча гапирсанг қулоғим эшитилади, қулоғим бутун» дегандек, бошини қўйи солиб олган эди. Дўстининг гапини тан олса ҳам, ичини ўртаётган изтироб «Ҳаммасини биламан, лекин начора?» дейишга қўймас эди. Бу алам бошида ногоҳ чақилган чақмоқдек уни шошириб қўйган, ақлини карахт қилиб, сезгиларини чархлаб кетган эди. Шунинг учун ҳам унда

ақлдан сөзги устун келиб, минг бир талвасага соларли, бунинг устига, дардинг янгилиги ўзини босиб олишига халақит берарди. Дўстининг гапига тан берса ҳам, унга бир оғиз жавоб қайтаришга қурби етмади. Дўстини ортиқ қийнашни ўзига эп билмаган Исаев яна бир оз ўтириб далда берди-да, қуюқ хайрлашиб палатадан чиқди. Унга Шокировнинг гапи жуда қаттиқ таъсир қилган эди. Анча ергача қандай қилиб борганини билмади. Эрта кузнинг нафаси анқиб турган борлиқни вужуди сезмас эди. На кўкдан тўда-тўда учган қушлар, на ёзнинг ўтганидан ўкингандек шошиб-пишиб чийиллашаётган чигирткалар, на бандидан узилиб ҳали ерга етиб тушмаган япроқларни чирпирак қилиб юрган ёқимли шамол унинг диққатини тортарди. Унингча, дунёда фақат Шокировнинг аччиқ алами бор. Ана шу аччиқ алам вақт ўтган сари унда яллиғланиб, қасосга, душмандан олинадиган қасосга айланди. Гўё Шокировнинг ўрнига ҳам у сафда қолган эди, гўё унинг ишини ҳам ўзи қилиши керак. Ана шунда Шокиров яшнаб кетадигандек, ожиз кўзлари очилиб кетадигандек туюларди. Туюларди-ю, унинг билагига куч қуйилиб, мушталари қисиларди, кўзлари ғазабдан ёниб, қасос ўти билан тўлиб-тошиб чақнарди!

Уни хомуш кузатиб қолган Шокиров эса минг ўй гирдобида қалқиб ётарди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, ҳеч нарсанинг умидида қалби ёнмас ҳам эди. Уни даҳшат ўзининг ёндирувчи қучоғига олган эди. Ҳалиги ҳамшира Катянинг гапидан кейин бор умидларининг чўғи ҳам ўчиб бўлган, энди унга фақат уфқида битта ҳам ялт этган юлдузи йўқ келажак кўринарди. Бу келажак унга ҳеч нарса ваъда этмайди. У ёлғиз! У ҳеч кимга керакмас, унга ҳам ҳеч ким керакмас! «Бундай бефойда умрдан мақсад борми?» дер эди кўнгли. Яна ўзи «йўқ, сира йўқ!» деб жавоб берарди.

Шокиров бу даҳшатли ўйлар оғушидан чиқолмас, назарида ҳаётнинг ҳеч қанча аҳамияти қолмагандай эди.

Кичиккина палатада ёлғиз ётган Шокиров даҳшатли бир режа тузди. Гарчанд бу даҳшатли режа бўлса ҳам, амалга оширилиши шарт бўлган заруратга айланди: у яшамоқчи эмас эди! Шу ёвуз ва мудҳиш хаёл билан кеч куз шамоли кираётган дераза томонга қараб, ўзича дедиз «Очиш осон бўлармикин? Очилмайдиган дераза бўлса-я! Майли, ҳечқиси йўқ. Бир кўзини синдириб бўлса ҳам эвини қилиш мумкин. Лекин сал эл оёғи тинсин. Бундай иш-



ларни кечаси қилиш энгил. Катя ҳали: «Кун ботишига бир соатча қолди», деяётган эди, демак, яна бир оз сабр керак».

Ёвуз мақсадни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган Шокиров асаблари тортилиб, яна даргазаб бўлиб, ёниб-ўртаниб тунни кутди. Бу орада кечки овқат ўтди. Икки марта ҳамшира келиб кетди, бир марта қандайдир укол қилди. Буларнинг ҳеч бири уни қизиқтирмади. Шифтга қараб ётаверди. Коридордаги ҳаракатлар тинди. Тун тинчилиги чўкди, ҳамма ёқ жимжит.

Палатанинг тиниқ ойнаси орқали юлдузлар мўралади, аммо уларни Рустамжон кўрмас, фақат туннинг салқинроқ шамолини ҳис этарди. Шамолнинг салқинлаб боришидан тун оғишини сезарди. Вақт секин ўтар, ҳар дақиқа унинг шундоқ ҳам чарчаган асабларини баттар эзгилар, миясини бир-биридан мудҳиш қора ўйлар чулғаб келарди. У бора-бора ҳеч нарсанинг фарқига бормай қўйди. Фикри ҳеч нарса сезмас даражада карахтлашди, ўйлари чувалиш қудратига ҳам эга бўлмай қолди. Энди унга яшашнинг сира мантиқи қолмагандек, дунёда азобдан бошқа нарса йўқ. Ҳамма азоб унинг бошида, модомики яшашдан маъно йўқ экан, азобдан ҳам тезроқ қутулиш керак. Бунинг давоси ўлим!

Тун сокин. Деразадан юлдузлар мўралайди. Госпиталда ҳаракат тингандек. Соатига уч-тўрт марта келиб, хабар олиб турган ҳамшира қиз ҳам бир оз дам олиш учун ётди шекилли, икки соатдан бери дарага бўлмади. Шокиров бу овлоқликдан фойдаланиб каравотга туриб ўтирди, аммо ўрнидан туришнинг иложини тополмади. Яраланган оёғи ёноч сингари букилишга келмасди. Шундай бўлса ҳам у бир амаллаб тўшак устидан тушиб, эшик томонга эмаклади. Лекин бу ҳам тўғри келмади, бутун бадани зирқираб кетди, кейин ёнбоши билан пол устида чўзилиб судрала бошлади. Мадордан қолган Шокиров эшик олдига етиб келгунича икки ерда дам олишга мажбур бўлди. Пол устида қаддини кўтариб ўтиргач, юзларидан оқиб тушаётган терларини артиб, эшик тутқичини ахтарди. Бироқ қанча уринмасин, иллагини тополмади. Жаҳли чиқиб кетган Шокиров: «Тфу, лаънати!»— деб девор таги билан судралиб кетди. У ҳарсиллар, қора тер қуйиб келар, қўллари титраб эди. У дераза тагига бир амаллаб етиб келгач, тинкаси қуриб, анча вақт ҳансираб туриб қолди. Фурсатни бой бермаслик учун толиққанига қарамай, иккинчи қўлининг тирсагини дераза токчасига қўйиб, қаддини кўтаришга ҳа-

ракат қилган эди, қўли сирғалиб полга ағдарилиб тушди. Жанг майдонида югуриб келиб, кези келганда баланд-баланд тўсиқлардан сакраб ўтиб юрган сержант энди эса пастаккина деразага чиқолмай, ич-ичидан куйиниб кетди. «Аҳвол шу. Бундан буён ўзгача бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, тезроқ ҳаракат қилмоғим зарур»,— деди-да, жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб деразага тармашди. Майиб оёғи таёқдек қотиб, зирқираб оғришига қарамай, дераза токчасига чиқиб олди. У ерда омонат ўтириб деразанинг юқори илгагини очишга ҳаракат қилди, бир амаллаб очди, кейин тутқичини ушлаб, ўзига тортган эди, дераза тавақаси ўзига тегиб тақалиб қолди. Шокиров ишнинг яна мушкуллашганини кўриб, қийнала бошлади. Чунки энди сурилишнинг асти иложи йўқ эди. Уйланиб ўтириш вақти эмас эди. У тутқични маҳкам ушлаганича ўзини бир томонга зарб билан олмоқчи бўлган эди, ярадор оёғи деворга урилиб, бутун аъзойи баданини қақшатиб юборди. Дераза тутқичи ҳам қўлидан чиқиб кетиб, полга йиқилди. У шундай зарб билан йиқилдики, беихтиёр бақириб юборди, муздей тер босди-ю, ҳушидан кетди. Тонг отиши олдидан палатага кириб келган ҳамшира Шокировни дераза тагида кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. У Шокировнинг тепасида бир оз тургач, воқеага тушунгандек бўлди-ю, лабини тишлаганича уйдан югуриб чиқиб кетди. У иккинчи қаватдан қушдек учиб пастга тушди-да, тўппа-тўғри докторнинг кабинетига кириб келди. У ҳаллослаганича:

— Уртоқ доктор, сержант Шокиров дераза тагида беҳуш ётибди!— деди.

— Нима учун?— деганича ўрnidан турган доктор ҳамшира билан иккинчи қаватга чиқиб келди. У бир Шокировга, бир очиқ деразага қараб, масалага тушунди, бошини чайқади. Кейин ҳамширага қараб:

— Келинг, жойига ётқизиб қўяйлик,— деди. Улар сержантни жойига ётқизиб қўйишгач, доктор ҳамширага деразани ёпиб қўйишни буюриб, чиқиб кетди. Кабинетига келганда ҳам унинг хаёли Шокировда эди. Бу мудҳиш виятнинг шунчалик хайрли тугаганидан ичида қувониб қўйди. Шундай бўлса ҳам «Нега уни ёлғиз қўйган эканмиз», деб ҳайрон бўларди. Бир оз ўзини тутиб олиб, ёнида бир-икки ҳамшира билан яна Шокировнинг олдига чиқиб борди, у ёқ-бу ёғини кўриб, юрагини эшитди. Қандайдир укол буюрди. Уколнинг таъсирини кузатаётгандек ундан кўзини узмай турди. Бу ҳодисадан хабар топган бош врач

кириб келди. У ҳам Шокировнинг томирини ушлаб кўрди, атрофга қараб: «Яхши бўлмапти», деди. Унга ҳеч ким жавоб қайтармади. Ортиқча кишиларни олиб, бош врач чиқиб кетди. Салдан сўнг Шокиров ўзига кела бошлади. У бир қўли билан пайпаслаб қаерда ётганини бильоқчи бўлиб турганида доктор нима учундир, унинг қўли устига қўлини қўйиб, аҳволини сўради:

— Ўртоқ сержант, аҳволингиз яхшими?

Шокиров жавоб бериш ўрнига бир инграб қўйди, салдан кейин ҳушини йиғдими, бир томонга ағдарилмоқчи бўлди. Доктор: «Шундай ётаверинг, ҳозир ярангизни қайта боғлаймиз»,— деб уни тўхтатди.

— Майли бўлмаса!— деб Шокиров ўзини тутиб олди. Ана шу пайтда яна бош врач эшикни очиб, кимларнидир ичкарига таклиф этди. Қирганлар Шокиров хизмат қилган полкнинг командири билан комиссари бўлиб, иккеласининг ҳам елкасига оппоқ халат ташланган эди. Уларни тунда бўлиб ўтган воқеадан бош врач хабардор қилгандиги уларнинг юз-кўзларидан, ҳаракатларидан кўриниб турарди. Бошлаб комиссар Шевченко Шокировнинг қошига келиб, унинг пешанасига қўлини қўйди. Полк командири уни бошдан-оёқ кўздан кечирди, кейин оғир бир товуш билан сўради:

— Ўртоқ сержант, саломатлигингиз қалай?

Зийрак Шокиров командирининг товушини дарров таниб, ўзини ўнгламоқчи бўлгандек ҳаракатлар қилди ва ўзини тетик тутишга уриниб, товушига дадиллик берди:

— Дуруст, ўртоқ подполковник!

Лекин унинг товуши титрарди. Қаттиқ руҳий кечинмаларни шу яқинда бошидан кечирган кишининг ясама дадиллиги яққол сезилиб турарди. Буни пайқаган полк командири Гудков комиссарга қараб қўйди, бошини силкиб у айтмоқчи бўлган фикрни тасдиқлади ва Шокировга деди:

— Ўртоқ сержант, полк командири ўртоқ Гудков билан икковимиз сизга полк жангчиларининг саломини олиб келдик. Улар сизнинг тез кунда соғайиб кетишингизни сўраб қолишди.

— Раҳмат! Кўп раҳмат!— деди Шокиров ҳаяжондан титраб. Унинг лаблари учиб кетди.

Гудков Шокировнинг ёнига стул суриб ўтирар экан, сўз бошлади:

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, ўртоқ сержант?

— Разведка тўғрисидами? Муваффақиятсиз чиққани-  
ними, ўртоқ подполковник?

— Уни эмас, шу кечаси бўлган воқеани. Нима иш қилмоқчи эдингиз?

Шокиров ўз қилмишидан пушаймон эмас эди. Шу билан бирга, буни яширишнинг ҳам ортиқчалигини билди.

Шартта жавоб берди:

— Ўзимни деразадан ташламоқчи эдим.

— Нега, ўртоқ сержант, ахир сиз чидамли, не-не оғирликларни кўрган жангчи эдингиз-ку.

— Ҳа, тўғри, ўртоқ подполковник. Ҳамма нарсага чидай олсам ҳам, кўр бўлиб ёруғ дунёда яшашга чидашим мумкин эмас.

— Нима, сиз кўр бўлиб қолар эмишсизми?

— Мана, ҳеч нарсани кўрмаяпман, ҳатто сизларнинг шарпангизни ҳам сезаётганим йўқ.

— Ҳозирча кўрмаётган бўлишингиз мумкин, лекин очилиб кетади, ўртоқ сержант! — деди Шокировнинг боғлоқли кўзига ҳамон тикилиб турган Шевченко.

— Комиссар тўғри айтяпти, докторларимиз кўзингизни даволайдилар, кейин очилиб кетади. Лекин ҳозирча сабр қилмоқ керак.

— Очилмас эмиш, ўртоқ подполковник.

— Ким айтди? — Гудков билан Шевченко бараварига бир вақтда сўрашди.

— Катя доктордан сўраган экан.

Бош врач бир қадам олдинга ташлади.

— Ҳали шунақа денг! — Гудков докторга бир хўмрайиб қараб қўйди. — Бу бўлмағур гап, миш-мишга ишонманг. Кўзингиз соғайиб кетади.

Шундан кейин палата жимиб қолди. Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Бош врачнинг пишиллаб нафас олиши эшитилиб турди. Доктор ерга боққанича жим. Бу жимликнинг маъносини бузиш учун комиссар яна Шокировга далда берди. Кейин хайрлашди:

— Дадил бўлинг, сержант!

Шевченко билан Гудков олдинма-кейин докторнинг кабинетига кириб келгач, ўтиришни ҳам унутиб, одатдаги шижоат билан сўради:

— Хўш, нима учун унинг кўзини очилмайди дедингиз?

— Ахир мен унга шу бўйича қолади деганим йўқ.

— Бўлмаса ким айтди?

— Балким Катянинг ўзи тўқигандир.

— Катяни бу ёққа чақиринг.

Доктор, ёнида оёқ-қўллари қалтираб турган ҳамширага Катяни чақиринг ишорасини қилди-да, ўзи Шевченко билан Гудковга жой кўрсатиб, ўтиришларини сўради. Шевченко доктор кўрсатган стулга ўтирар экан:

— Ҳар ҳолда яхши қилмагансизлар. Жангчининг руҳини тушириш душманнинг иши!— деди.

Салдан кейин озиб-тўзиб кетган, бир қўли бўйнига осиб Катя кириб келди. У ўз командирларини кутмаган чоғда кўрганиданми, шошинқираб қолди, худди шундай шошинқираш билан уларга салом берди. Улар эса бу шошинқирашни ўз қилмишидан чўчиш деб тушунишди. Комиссар Шевченко авзойини ўзгартирмай сўради:

— Катя, сенга нима бўлди? Илгариги доно ақлингни қаерга ташлаб келдинг?

Катя ҳеч нарса тушунмас эди: ўзи нима гап, деб ўйлади у. Бундан ажабланган комиссар командирга қаради. Барча ажабланарди. Подполковник Гудков Катянинг қўлтиғидан ушлаб, Шевченко ёнидаги стулга бошлаб келиб, ўтқазгач:

— Қани, гапир-чи, сен, ёки сержант Шокировнинг ҳалок бўлиши тарафдоримисан?— деди уришаётган киши сингари.

— Мен ўртоқ подполковник, сержантнинг фақат соғайиб кетиш тарафдориман. Ўзи нима гап? Мен ҳеч нарса тушунмаяпман.— Катя турганларнинг ҳар бирига назар ташлаб чиқди. Бу гапларда бир сир борлигига энди тушунди.

— Шундай экан, нимага Шокировга кўзинг очилмас эмиш дединг.

— Мен уни ҳали кўрганим ҳам, гаплашганим ҳам йўқ-ку, ўртоқ комиссар.

— Ростми?

Яна ҳамма ҳайрон бўлиб бир-бирига қараб қолди. Катя оқариб кетган эди.

— Уртоқ подполковник, чин сўзим, комсомол сўзи, ишонинг.

— Бўлмаса у қаёқдан билди?

— Мен бу алам юрагимга сиғмай, ҳамшира Катя билан дардлашган эдим. Наҳотки у Шокировга етказган бўлса!

— У ким?— деди Гудков бош врачга қараб. Бош врач ёнида турган қизга кўз ташлади. У ҳамшира Катя эди.

— Сен гапирган эдингми? — деди сөзини иложи борича юмшатишга уригиб Гудков.

Боядан бери гуноҳнинг гардакига тушиб қолишдан чўчиб турган ҳамшира қиз Гудковнинг юмшоқ тил билан сўрагани юрагига далда берди шекилли, кўп ўйлашиб ўтирмай, очигини айтиб қўя қолди:

— Ҳа, сержантга мен гапирган эдим.

— Ҳали ҳамма ишни булғаб юрган мен эдим дегин! Ярадорларнинг кўнглини кўтариш ўрнига уларни ваҳимага солиб, қийнаб юрибман дегин. Бу ҳамширалик эмас, ёвузлик! Ёвузлик. Жуда яхши!! Ҳали бу ёвуз ишинг учун жавоб берасан!! — Подполковник Гудковнинг кўзлари чақнаб, нафрати қўзғаб кетди. У ўзини аранг тутиб турарди. Қалбида тўлқин урган нафратнинг зўридан дудуқланарди, қизариб, титраб турарди. Қараса, бўлмайдиган, шундан кейин ҳамшира Катядан кўзини олиб, «мана шундай кишиларни тутиб тургани уялмайсизми? Тарбиялаганингиз шуларми?» — дегандек госпиталь бош врачига қаради. У ҳам терга ботиб кетган эди.

Бошланган ноҳуш сукутликни яна Гудковнинг ўзи бузди. У бир четда хомуш турган фельдшер — партизан Катянинг олдига бориб, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Бизни кечир, Катюша! Сухбатдошни ҳам танлаш билиш керак.

Шундан кейин Гудков билан Шевченко қисқагина хайрлашиб жўнаб кетишди. Лекин Катя куни билан ўзига келмади. Бу тушунмовчиликдан кўнгли хира бўлиб юрди. Ҳеч кимга қўшилмади. Қўлини боғлатишга ҳам кирмади. Аламини китобдан олди. Китоб қаҳрамонликдан баҳс этарди. У аста-секин Катянинг кўнглини ёза борди. Ана шунда бирдан яна Шокировнинг тақдири унинг хаёлини босиб келди. Китобни йиғиштириб ташқари чиқди. Кун оғган. Гўё кун оғиши билан атрофга тинчлик ҳам чўкиб келган. Гўё осмондан цемент ғоз тумшугини осмонга қилганича турибди. Гўё осмондан сув сўрамоқда. Ундан парироқдан кичкинагина ариқ оқади. Суви тиниқ. Катя шундан соғ қўлини ботириб-ботириб ювиб, юзини ҳам қўлаб олди. Шундан кейин Шокировнинг олдига йўл олди. У Шокировнинг эзилиб ётганини биларди. Шунинг учун у билан нималар тўғрисида, қандай гаплашмоқни кўнглидан ўтказиб олди. Ахир унинг кўнглини кўтариш қавил иш эмас!

Катя зинадан аста чиқиб борар экан, кутмаганда ҳамшира Катя дуч келиб қолди. У нимадир деб гап қотди, лекин Катя парво қилмай чиқиб кетаверди. Нарироқ боргач, орқасига қараса, у ҳамон қараб турибди. Катянинг орқасига қараганигами илжайиб қўйди. Бу ўринсиз илжайиш Катянинг гашини келтирди: «Тагин илжайди-я!»

Катя кириб борганда Шокиров чалқанча ётарди. Энди у ёлғиз эмас, бир кишини бу палатага киритибдилар. Янги ярадор юзини деворга қилиб ётарди: уйғоқми, ухляяптими — билиб бўлмас эди.

Катя аста бориб Шокировнинг каравоти ёнидаги курсига ўтирди. У нима учундир титрар эди. Ана шу титраган товуш билан Шокировга салом берди. Унинг кўзига Шокиров жуда ориқлаб кетгандек кўринди. Кўзларини боғлаган оқ дока сочларини янада қоп-қора қилиб кўрсатарди. Катянинг саломига Шокиров дарров товуш бера қолмади. Кўринишдан қаттиқ хаёл суриб ётарди. Буни Катя: «У мени эшитмади», деб тушунди ва қўлини унинг қўлига қўйиб, ўзини тутиб деди:

— Яхшимисиз, ўртоқ Шокиров!

Ана шунда Шокиров уня дарров таниди:

— Сизмисиз, Катя?

— Ҳа, мен! — нима учундир Катянинг товуши яна титрай бошлади. Шокиров унинг қўлини сиқиб қўйди.

— Аҳволингиз яхшими?

— Нимасини сўрайсиз, Катя, мана шу, кўриб турганингиз.

— Доимо шундай бўлиб қолади, дейсизми, ахир мутахассислар бор, дори-дармон бор, тузалиб кетасиз. — Шундан кейин Катя бошқа томондан яқинлашмоқчи бўлди: — Унақа умидсизликка тушманг, Муҳаббатни ҳам ўйланг, ахир у сизни бунақа сал оғирлик олдида умидсизликка тушади деб ўйламас.

— Муҳаббатми? Энди ора очик. Кўр кимга керак.

— Қўйинг-е, ундай деманг! Наҳот Муҳаббат шундай энгил-елпи ўйласа! Ахир ишқибозликка от чопиб, пойгада майиб бўлганингиз йўқ. Аввалам, мен кўзингиз кўрмайдиган бўлиб қолишига сира ишонмайман. Иккинчидан, сиз менга ҳикоя қилиб берган Муҳаббат унақа қизлардан бўлиши керак эмас.

— Далилим бор, Катя.

— Далил? — ҳайрон бўлди Катя.

— Ҳа, ана шу далилим кўзим майиб бўлибдики, хаёлимдан кетмайди, ҳатто кеча тушимга ҳам кирибди. Ёз кунларидан бирида Муҳаббат иккаламиз Тошкентдаги Пушкин номли истироҳат боғига бормоқчи бўлдик. Бу боғ биздан кўп ҳам узоқ эмас. Трамвайда Ҳадра остановкасида тушиб, кўчанинг чап томонидан, йўлқадан кетаётган эдик, қаршимизда кўзи ожиз бир киши пайдо бўлиб қолди. У биздан остановкани сўради. Мен тушунтирдим. У таёғи билан йўлни пайпаслаб юриб кетди. Орқасидан қараб жуда раҳмим келди. Муҳаббатга: «Сиз шу ерда тура тулинг» — деб кўрнинг кетидан югурдим, остановкагача етаклаб олиб бориб қўйдим. Қайтиб келганимдан кейин суҳбатимиз ўша киши тўғрисида кетди. У ёшгина йигит эди. Шунда Муҳаббат: «Шу йигитни ҳам севган қиз бормикин?» деб унинг севимли бўлишига шак келтирган эди. Мен у вақтда Муҳаббатнинг бу гапига унчалик эътибор бермаган эдим. Эҳтимол, менга тегишли бўлмаганидан шундай қилгандирман. Мана энди ўша бечора йигитнинг куни ўзининг бошимга тушди. Муҳаббатнинг гапи эса қулоғимдан кетмайди. Гўё менинг шундай бўлишимни билгандек гапирганга ўхшайди. Энди у мендан юз ўгиради. Ун гулидан бири очилмаган қизга мен кўзи ожиздан бошқаси қуриб қолибдими! Мени етаклаб юриш учун яхши кўрадими? Мен энди кишиларга тирик товонман: берса ейман, урса ўламан!

— Уят сизга шундай дейиш, ўртоқ Шокиров. Эшитган бегона одам нима дейди!.. «Душман билан курашга жонингни тиккан эдинг-ку, нега энди бир аъзойинг сал майиб бўлиши билан ўзингни бахтсизлар қаторига ўтказиб қўйдинг», деб масхара қилмайдими?

— Тўғри, Катя, бу кундан ўлим афзал. Мен жонимни тиккан эдим.

— Ана шу жонингизни тиккан элу юрт яна: «Сенинг ҳаётда ҳали ўрнинг бор!» деса, сиз нима дейсиз? Тўйдим, керакмас дейсизми?

Шокиров индамай қолди. Катя уни нозик еридан ушлаган эди. Ахири у куюниб деди:

— Сиз Муҳаббатсиз яшашнинг менга қанчалик оғирлигини биласизми, Катя?

— Биаламан! Жуда яхши биаламан! Лекин ҳали Муҳаббат сизни ташлаб кетиб қолаётгани йўқ-ку. Балки у шундай қилмас. Мен аминманки, у бундай қилмайди, у сизни астойдил севади, модомики, астойдил севар экан, бу оғир



кунингизда учсангиз — қаногингиз, қўнсангиз — қуйру-  
гингиз бўлади!

Бу гаплардан кейин Шокиров анча бўшашиб тушди. Муҳаббат худди шу Катянинг ўзи бўлиб, тасалли бераёт-  
гандек бўлиб кетди. Унинг томирларига умид қони югур-  
ди. Катянинг қўлини олиб сиқиб қўйди.

— Ким билади, Катя, қандай яшайман. Ҳар ҳолда оғир  
бўлди. Ишламай-кучламай, эртаю кеч кўкка қараб ётиш  
жуда оғир. Қачонгача ётасан киши!

— Вой, нега уйда ётар экансиз? Кўп қатори ишлайсиз.

— Нима деяпсиз, Катя, одамни масхара қилманг. Ни-  
мэ иш ҳам қўлимдан келарди энди!

— Йўқ, ўртоқ Шокиров, беҳазил. Қишлоқда холам  
яшар эди. Унинг мен тенги ўғли бор эди. Бир ёз буғдой  
ўримида фалокат рўй бериб, иккала кўзи ожиз бўлиб қол-  
ди. У ҳам аввалига тоза куйди. Кейин уни кўрлар жамияти  
топиб олиб ўқитди, ҳунар ўргатди. Ҳозир бир артелда би-  
нойидай ишляпти. Ҳаёти яхши, уйланган, битта ширин  
қизчаси бор.

— Йўғ-эй! Артелда ишляпти денг. Хотини туртмай-  
дими? Боласи жуда шириндир-а! Бечора!

— Китобларни шариллатиб ўқийди. Уларнинг ўз ҳарф-  
лари бор экан. Бир куни Островскийнинг «Пўлат қандай  
тобланди» китобини олиб келган экан, овқатдан кейин  
ҳаммамизга ўқиб берди. Корчагиннинг ҳаётнинг маъниси  
ҳақидаги сўзларини ёд қилиб олибди.

Шокиров кайфи тарқаётган кишидек дам ўтган сари  
ҳушёрлашиб, тиниқ фикр юрита бошларди. Катянинг ми-  
сол билан айтган сўзлари уни жуда ҳам руҳлантириб  
юборди.

— Катя, ажойиб қизсиз-да. Одамнинг ичига кириб ке-  
тасиз-а! Қани энди Муҳаббат ҳам сизга ўхшаган бўлса!

— Гарчанд Муҳаббатни кўрмаган бўлсам ҳам, амин-  
манки, у мендан ҳам яхши, ҳаётни мендан ҳам чуқур тушу-  
нади. Ахир сиздай йигит биринчи дуч келган қизни сев-  
магандир!

Шу пайт палатанинг эшиги очилиб, хонага олдин док-  
тор, кейин замбил кўтарган иккита эркак санитар кириб  
келди.

Доктор Катяга қараб, табассум билан деди:

— Қизим, гапларингиз тугадими?

— Ҳа, тугади,— деди ҳайрон бўлиб Катя.

— Бўлмаса энди хайрлашинг, сержант жўнайди.

— Қаёққа?— докторнинг гапига қулоқ солиб турган Шокиров шошинқираб сўради.

— Мамлакат ичкарисига.

— Ҳолим келармикан, жуда дармоним йўқ-ку!

— Қийналиб қолмасмикин? Йўллар жуда ўнқир-чўнқир-ку!— гапга меҳрибонлик билан аралашди Катя.

— Машинада эмас, самолётда кетади. Ўртоқ Гудков билан Шевченко ёрдам беришди.

— Ундай бўлса, яхши!— деди Катя ва Шокировнинг замбилга ўтишига ёрдамлашди. Шокиров: «Хайр, Катюша!» деб унга қўл чўзар экан, Катя энгашиб унинг юзидан ўпди ва йиғламсираб деди:

— Хавотирланманг! Албатта тузалиб кетасиз, биз ҳали кўришамиз. Албатта кўришамиз, соғ бўлинг!

Охирги сўзларига кўзидан оққан ёш қўшилиб кетди, у ўпкасини туюлмаб эди.

## 26. СОФИНИШ

Эрталабки нонуштага дастурхон ёзаётган Санобар опа уй ичида ашула айтаётган қизининг майин овозини эшитиб қолди. Кечагина тушган илк совуқдан жунжиб рўмолга ўралиб олган она ашуланинг оҳангини эшитса ҳам, сўзларини англамагач, рўмолини сал қулоғидан суриб, завқ билан айтилаётган ашулани тинглай бошлади.

Кўзим бўлди менинг гирён

Меҳрибонимни соғиниб...

Қизининг ёқимли овозини эшитган Санобар опанинг оналик меҳри жўш уриб кетди.

У ортиқча тинглаб туришга сабри чидамай, деди:

— Барака топ, қизим! Ниятингга ет!

Муҳаббат айвонга чиқиб келар экан: «Нима деяпсиз, ойна?»— деб кулимсиради.

— Нима деярдим, қизим, овозларинг ашулага буюрсиз дейман! Кела қол, қизим, чой тайёр бўлди.

Муҳаббат мамнун келиб сандалга ўтирди. Унинг юзида қандайдир ташвиш бор эди.

— Одамнинг овози ашуладан бошқа тагин нималарга буюриши мумкин, ойнажон?— деди у боягидек кулимсираб. Лекин унинг қалбида қандайдир оғир дард ётгани юз-кўларидан кўриниб турарди.

Она қизининг атайин ўсмоқчилаётганини билди. Унинг сўлинқираган кўзига қаради, оналик меҳри билан кулиб қўйди:

— Шунчаки айтяпман-да, қизим.

— Шу вақтгача шунчаки гапирадиган одатингиз йўқ эди. Бир нарсадан хабарингиз борми? Шунчаки бўлмаса керак. Айта қолинг, яна бошқа нималарга буюради?

Санобар опа чойнакка бир сиқим чой солиб биқирлаб қайнаб турган самоварнинг жўмраги тагига тутиб, қайноқ сув қуя бошлади.

— Айтмайсизми, ойи!— деди Муҳаббат ойисига савол назарини ташлаб.

— Ҳали ҳам боласан, қизим, бир гап қулоғингга кирмасин, тагига етмасанг қўймайсан. Умрингнинг охиригача овозинг ашулага буюрсин демоқчиман. Бу — бахтли бўл, ҳеч гап кўрма, ташвиш тортма, қўнғироқдек овозинг бир нафас бўлса ҳам ашуладан тўхтаб, йиғига ўтмасин деганим бўлади.

Бу қанчалик яхши ният билан айтилган бўлмасин, Муҳаббатнинг қалбини зирқиратиб юборди. Чунки она Рустамдан анчадан бери хат келмаётганидан йиғилган ташвишларини мана шу икки оғиз сўзга жамлаган эди. Буни Муҳаббат дарров тушунди, ғалаги бўлиб кетди. Демак, онаси ҳам Муҳаббатдек зўр хавотирда экан! Муҳаббат бўшашди:

— Шу кунда нуқул ашула айтгим келади.

-- Айтавер қизим. Йиғи душманнинг бошидан бери келмасин! Кўнглингни сира ғаш қилма!

Санобар опа чойнакка самовар устига қўйди. Дастурхонга нонни синдириб, сопол косадаги қаймоққа тўғрай бошлади. Муҳаббат кўрпачада сирли ажойиботни кўраётган кишидек кўзини бир нуқтадан олмай, тикилганича хаёлчан, жимгина ўтирар эди. Унинг хаёли ўзи кўрмаган фронтда кезиб юрарди, ундан Рустамни қидирар эди.

— Ол, қизим!— деди Санобар опа нонни тўғраб бўлагач, косани унинг олдига суриб қўяркан. Муҳаббат кичкина бир бурда нонни қаймоқ ичидан олиб оғзига солди. Қўлини артиб:

— Узингиз еб қўя қолинг,— деб, косани онаси олдига сурди.

— Нега, қизим? Ол! Қорнинг очиб қолади.

— Егим йўқ.

Санобар опа ҳозиргина завққа тўлиб ашула айтаётган қизини хомуш қилиб қўйганидан ўкинди. «Уйламай гашириб қўйибман. Узи бечора зўрға юрган вақтида нимага ҳам ўшанақа дедим», деб куйина бошлади ичида. Кейин

қизига далда беришга ўтди. Ўзи ташвишланиб юрган юракнинг бошқа бир одамга далда бериши қанчалик оғир бўлса, Санобар опа ҳам шунчалик қийналиш билан қизини юпатарди:

— Кўп ўйлайверма, қизим, юргандир. Бирор кўнгилсиз воқеа юз берган бўлса, худо кўрсатмасин у кунларни, хат-пат келиб қоларди.— У Муҳаббатга чой узатди.— Бу яқин орада Раҳима опанларникига ўтганинг йўқми? Рустам аканг унинг эри билан бирга эди шекилли, бир бориб кўр! Раҳимага хат келгандир, билиб келасан.

— Кечаги шанба Қумри иккаламиз райкомдан келаётганда кирган эдик. Иброҳимжон акадан хат келаётган эмиш.

— Рустам тўғрисида ҳеч нарса ёзмаптими?— шошинқиради Санобар опа.

— Йўқ, ҳеч нарса демаптилар, деди-ю, Раҳима опанинг ўзи ғалати бўлиб кетди. Мендан бир нарсани яшираётганга ўхшайди. Тағин ким билади — менга шунақа кўриндим! Эрта кузда бир-бирлари билан ажралишиб кетишган экан, дейди.

— Балки, ростдир, қизим.

Муҳаббат онасига бир қараб қўйди. У шу қарашида: ойи, ажралиб кетишган бўлса усти-устига келиб турган хат бирданига тўхтаб қоладими? Агар у тинч бўлса шу вақтгача жилла қурса, бир марта ёзмасиди, демоқчи эди, аммо севгилисининг тақдири тўғрисида онаси билан тортишиб ўтиришни ўзига эп билмади. Муҳаббат пиёладаги чойни наридан-бери ҳўплаб, бўлмасига кириб кетди. У сандиқнинг устидаги кўрпачани пастга олиб, қоғозга ўраб қўйган расмини очиб, Рустамга тикила бошлади. Бир вақтлар у билан бирга юрган қувноқ чоғлар эсига тушди. Сурат гўё: «Қайғурма, эркам, мен ҳаётман. Яқинда бориб қоламан. Энди севги завқларини умрбод бирга-бирга тота-миз. Ташвишинг бекор! Дадил бўл! Соғлигингни эҳтиёт қил. Биз шодлик ва висол учун яратилганмиз»,— дер эди. У чуқур хўрсинди. Унинг қалбида ёнаётган шубҳа ўти бутун вужудини қоплаб олгандек танасини жимирлатиб, кўзлари олдида чақмоқ чакқандек бўлиб кетди. Буларнинг ҳаммаси соғиниш ва севги ҳисларининг кучи ва тўлқини эди. Муҳаббат Рустамнинг қоп-қора ўсиқ қошлари остидаги ўтқир кўзларидан кўзини узмас эди. Қани шу суратнинг тили бўлса-ю, тўйиб-тўйиб гаплашса, юрагидаги бутун аламларини дув тўкса, енгил тортса!

Муҳаббат Рустамнинг юмуқ турган лабидан ўпгиси ке-

либ, оғзини суратга олиб борди-ю, уялди, ўпмади, ўполмади, титраб кўкрагига босди. У кўкрагига босиб турган расм эгасининг йўлини кутаётган кишидек дераза ойнаси оша ҳовлига тикила бошлади.

Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаб олган. Колхоз даласи ҳам қалин қор тагида. Мана, супанинг атрофига ҳусн бериб ёз бўйи хушбўй ҳидларини таратиб турган атиргулларни ҳам қор босиб ётибди. Муҳаббатнинг кўзи шв гулларга тушди. Супанинг четида ердан бир оз кўтарилиб кўмилган гулларнинг қишки кўриниши унинг кўзига худди қатор қабрчаларга ўхшаб кетди. «Оҳ, бечора!» деб юборди Муҳаббат беихтиёр. Наҳотки шу гул сингари умри қисқа бўлса! Наҳотки бераҳм ўлим уни ўз қаърига тортиган бўлса! Наҳотки зolim ўлим уни мендан жудо қилган бўлса!

Муҳаббатнинг кўнгли эзилиб, мудҳиш хаёл аллақаяқларга бошларди, қалбини эзарди. Унинг кўзларида ёш пайдо бўлди. Ахир йиғламай бўладими, жонидан азиз кишиси бир неча ойдан бери дом-дараксиз йўқ бўлиб кетса, на икки энлик хат бор, на бир оғиз хушxabар! Нима учундир унинг хаёлига нуқул мудҳиш фикрлар келарди. Бу балки анави қўшнисининг эридан «қора хат» келганиданмикин?

Онасининг бояги гапи Муҳаббатнинг юрагига баттар ғаш солиб қўйди. Тўғри айтадилар. Менинг овозим ашуладан йиғига ўтиши мумкин, жондан азиз бўлган кишининг дом-дараксиз йўқ бўлиб кетса, йиғига ўтгани шу-да.

Муҳаббат Шокировнинг сўнги хатини ёнидан қўймай олиб юрарди. Суратни авайлаб бир четга қўйиб ана шу хатнинг бир ерини ўқий бошлади:

«Муҳаббатхон, кечиринг, янглишибман! Дўстим Исаев шу тўғрида мени қаттиқ койиб берди. Уйлаб кўрсам, у ҳақли экан. Агар киши истаса, жангга кириб кетаётган пайтида ҳам ёзишга вақт топса бўлади, деди у. Бу тўғри, албатта. Сизни ҳатто интизор қилиб қўйганим учун узр сўрайман. Бундан сўнг ҳар ҳафтада ёзиб туришга ваъда бераман».

«Тўғри, у аввал ўзи айтгандек, ҳар ҳафтада ёзиб турди. Энди-чи! Нега энди ёзмай қўйди. Аввал орамизда сал тушунмовчилик бор эди. Энди йўқ-ку! Йўқ, у тинч эмас, бўлмаса албатта ёзарди! Раҳима опам ундан хабардор бўлиши керак, чунки Иброҳим акам унинг тўғрисида доим ёзиб туради»,— деб ўйлади-да Муҳаббат ёнидаги расмга яна тикилди. Юзига оқиб тушаётган ёш томчиларини артиб, расмга тикилаётган эди, эшик ғиқ этиб очилиб қолди.

Муҳаббат пошилганича расмий яширди. Ичкарига кириб келган Света эди.

— Бекитманг, Муҳаббатхон, мен ҳам бир кўрай, --- деди у кулги аралаш уйнинг тўрига юрар экан. Муҳаббат орқа-сига қараб деди:

— Вой ўлай, сизмисиз? Келинг. Мен бошқа одам деб ўйлабман.

Муҳаббат билан кўришаётган Света унинг ҳам акс этиб турган юзи ва йиғидан қизариб кетган кўзларига қаради:

— Нима бўлди сизга, ўртоқжон, ўзи тинчликми? — хавотирланган бир тусда сўради Света.

— Ўзим, шундай, Рустам акамнинг расмига қараб туриб кўнглим бузилиб кетди.

— Кўп ўйлайверманг, Муҳаббатхон, касал бўлиб қоласиз. Бирор хабар келдими, мунча жижинак бўлаверасиз. Фронтда шунақа гаплар бўлиб туради. Разведкачи бўлганидан кейин баъзан душман орқа томонига ўтишга ҳам тўғри келади. У ердан қанақа қилиб сизга ёзади. Ҳадеб ваҳима қилаверманг-да. Айвонда ойингиз ҳам хафа бўлиб ўтирибдилар. Бу яхши эмас, ўртоқжон. Бардош керак! Бунақа қилаверсангиз мен хафа бўламан. Эшитган одам нима дейди? Хат ё бирор хабар келганми ўзи?

— Йўқ, — бўшашди Муҳаббат.

— Света, сиз отангиздан хат олганингизга беш ойча бўлди, шекилли! Ушанда отангиз: Шокировни шу бугун кўрдим. Менинг олдимга ўтиб келишди, деган эди, шундайми?

— Тўғри, — тасдиқлади Света дугонасини кузатиб туриб.

— Худди шу разведкага кетаётган кунни ёзган хатини асраб қўйган эдим. Рустам акам ўша хатида: «Светанинг отаси билан учрашиш олдида турибман. Балки шу кечаси уни кўрсам керак», деб ёзган эди. Ана энди бир ўйлаб кўринг-а, менимча, отангиз билан учрашган кечаси бирор фалокатга йўлиққан.

Светанинг ҳам фикри чувалашиб, кўнглини ҳам тумани қоплаб олди. У масаланинг бу мудҳиш томонини ўйлаб кўрмаган экан. Тўғри-да, агар у қисмига эсон-омон қайтиб келганида эди, шу вақтгача бирорта хат ёзиб қолар эди. Бунинг устига, отасидан ҳам хат йўқ. Бу ажабланарли эмас, у ўзи кам ёзади. Лекин шу кунларда хати келиб қолса қандай яхши бўларди!

— Қисмига хат ёздингизми, Муҳаббат?

— Яқинда ёздим. Ҳали жавоб йўқ.

Бу билан ҳам Муҳаббатни чалғитолмаган Света уни юпатиш учун уйдан олиб чиқиб кетишга қарор қилди: зора ҳавода кўнгли ёнлса.

— Муҳаббатхон, юринг, медпунктга борамиз. У ердан Қумриларникига ўтамиз. У бизни таклиф этган-а!

— Эсимда бор. Ўзим ҳам сал туриб Қумриларникига бормоқчи бўлиб турган эдим.

— Бўлмаса, тезроқ отлана қолинг.

Муҳаббат суратни сандиққа солар экан, Светанинг кўзи кўк духобага қалампир нусха гул солинган дўппига тушиб қолди:

— Шошманг, Муҳаббат, буни ўзингиз тикдингизми? — деди у сандиққа энгашиб.

— Ҳа, қўлим бўш-бўшларида эрмак қилган эдим.

— Рустам акамгами?

— Бошқа кимга бўлар эди!

Света дўппини сандиқдан олиб бир оз томоша қилиб турганидан кейин, яна жойига қўйди.

Муҳаббат кўрпаларни сандиқ устига йиғиб бўлгач, қозиқда илиғлик турган қора духоба пальтосини кийди, рўмолини ўради. Айвонга чиқиб, Светанинг ёқаси қундузли пальтосини олиб, қўлига тутди. Света пальтосини кийиб, тугмасини солар экан, Санобар опага деди:

— Холажон, бизникига боринг. Ҳожия қолампир сизни соғинган эмишлар.

Сандалда ўтириб сурп белбоқнинг четига илон изи нусха солаётган Санобар опа унга қаради:

— Бораман, қизим. Ўзим ҳам бир бориб гаплашиб ўтириб келмоқчи эдим.

— Боринг, албатта, боринг! — деганича Света Муҳаббатни қўлтиқлаб ҳовлига туша бошлашди.

Бир ҳафтадан бери дам тиниб, дам бўралаб ёғаетган қор кундузлари пайдо бўлган сўқмоқ йўллари кечаси билан кўмиб юборарди. Тиззадан келадиган қалин қор икки қизнинг юришларига халақит берар эди. Капалакдек учиб тушаётган майда қор учқунлари остида олдинда кетаётган Муҳаббат орқасига қайрилиб деди:

— Света, сизнинг ишингиз дуруст, қишин-ёзин бирдек боради. Мана бизлар бўлсак қишда иш тополмай зерикиб юрибмиз.

— Менинг ишим ҳам камайиб қолди. Дала шийпонла-

рига чиқиш йўқ. Хотинларнинг ҳаммаси уйда. Болалари эса ўзлари билан бирга.

— Бу қор ишнинг белига тепди. Далада ўғит гашиётган араваларимиз ҳам беш кундан бери саройдан чиқмай қолди,— деди Муҳаббат ва ёлғиз оёқ йўлдан ўтиб, катта йўлга тушиб олди. Кўча четидаги томини кураётган бир бола курагини тўлдириб, қизларнинг етиб келишини кутиб турар эди. Улар томнинг тагидан ўтаётганларида устларига иргитиб юборди. Қуруқ қор Муҳаббат билан Светанинг бошлари устига сочилиб тушди. Тўсатдан устига келиб тушган қордан чўчиб кетган Муҳаббат елкаларини қоқиб, томга қараб деди:

— Қилиғинг қурсин бола бўлмай, шу ҳам иш бўлди!

Томдан хахолаб кулаётган таниш ўсмир яна тегишди:

— Қор — оқлик, опажон, хафа бўлманг, ёруғликка чиқасиз, тагин ҳам бахтли бўласиз! Оқ кунлар келади!

Света бошидан қорларни қоқиб бўлгач, Муҳаббатнинг елкаларидаги қорни тозалар экан, кулгига олди:

— Хафа бўлманг, ўртқжон, ростдан ҳам оқлик бўладиган бўлса, яна бир курак ташлай қолсин!

Муҳаббат бир оз юриб боргач, дугонасидан сўради:

— Бунақанги ирим-сиримларга сиз қандай қарайсиз?

— Қанақа ирим-сирим?

— Бояги боланинг «Оқлик бўлади, яна ҳам бахтли бўласиз», деганига ўхшаш.

— Ҳеч ишим тушмаган.

— Албатта менинг ҳам бунақаларга ишонгим келмайди. Ирим-сиримлари тўғри чиқаверса, ҳеч бир одамнинг ҳаётида кўнгилсизлик рўй бермас эди. Айрим вақтларда иримлар тасодифан тўғри чиқиб қолади. Шундан кейин одамлар: «Ирим деган нарса тўғри экан», дейишиб, унга ихлос қўйишади, ўзларини қийнаб юришади. Света, сизга бир қизиқ нарса айтиб берайми? Лекин кулмайсиз. — Муҳаббатнинг лабига кулги чиқди.

— Нега куламан!

— Рустам акам кетган куни кечаси уйқум келмай, осмонга тикилиб ётдим. Шунда бир юлдузни танлаб, Рустам акамники деб қўйган эдим. Шундан кейин ҳар куни шу юлдузга бир қараб қўймасам, махоркаси тугаган кашандадек хумор қиладиган бўлиб қолдим. Ҳавога булут чиқиб, юлдузлар кўринмай қолса, эртаси кечгача шу юлдузни кўришга ошиқиб юрар эдим. Ҳаводаги булут 2—3 кунлаб



туриб қолгудек бўлса ижирғанишларимни асти қўяверинг. Шунда, балки бирор нарса бўлдим, деб юрагимни гаш қилиб қўядиган бўлиб қолдим. Агар ўз ихтиёримни иримга топшириб қўйсам, ақл-ҳушимдан ажралиб қолишим ҳам ҳеч гап эмас эди. Шундан кейин юлдузлар билан иш тутмай қўйдим. Уша юлдуз ҳали ҳам аввалгидек чарақлаб турипти. Рустам акам эса дом-дараксиз.

Муҳаббатнинг кўнгли яна хиралашди. Буни сезган Света Муҳаббатнинг елкаси оша қучоқлаб деди:

— Жуда чарчабсиз, Муҳаббатхон. Бир-икки кун дам олинг. Одам деган бунақа унар-унмасга хафа бўлавермайди. Сизнинг бу ҳолатингиз яқин кишиси аллақачон нобуд бўлган одамни эслатади. Сизни мен бундай кўнгли бўш деб ўйламас эдим.

— Йўқ, Света, хоҳ хафа бўлинг, хоҳ хафа бўлманг, Рустамжонга бир нарса бўлган. Юрагимга қулоқ солсам, қандайдир ёмон сезги туюлади. Авваллари ҳеч бунақа эмас эдим. Кейинги вақтларда юрагим бир нохуш хабарни сезаётганга ўхшайди. Тушларим ҳам безовта.

— Бу кўп ўйлаганингиздан.

— Авваллари ўйламасмидим?

— Шундай бўлса ҳам! Бу гал бундай бўлишининг сабаби қўлингизнинг бўшлиғи, авваллари далада иш билан овунар эдингиз.

— Эҳтимол! — тан бергандек бўлди Муҳаббат. Лекин ичида «чиндан шундайми?» деб қўйди.

Света узоқдан қараб медпункт эшиги ёнида бир-икки одам борлигини кўриб:

— Мен тутилиб қоладиган кўринаман! — деди.

— Эҳтимол бекорчилардир!

— Йўқ. Аनावи чолни бугунга тайинлаган эдим.

Чиндан ҳам медпункт олдида турганлар Светани пойлаётган эканлар. Света эшикни очиб кутиб ўтирганларни ичкари киритди-да, Муҳаббатга деди:

— Сиз кутманг, Муҳаббат, анча тутилиб қоламан. Сиз Қумриларникига бораверинг. Қўлим бўшади, етиб бораман.

Хона Муҳаббатнинг юрагини сиқар, далада юравергиси келар эди, шунинг учун дугонасининг таклифини қаршиликсиз қабул қилди. Света билан енгил хайрлашиб, йўлга тушди. Қор ҳамон ёғарди. Дарахтларнинг нимжон новдалари обкашдек эгилган. Майда-майда ўт-ўланлар қор билан ҳурпайиб, курс бўлган товۇқни эслатади. Аллақаерда қарға қувониб хониш қилади. Ҳаво тоза. Муҳаббат

кўкраги тўлиб нафас олар, кўзи олис-олисларга, кимнидир кутгандек, термилиб қоларди. Чиндан ҳам унинг кўзларига бу йўллар таниш. У шу йўлдан Рустамни фронтга жўнатган эди. Яна шу йўлдан уни кутиб олиш ниятида қалби урарди. Қор эса бу йўлларни кўмиб ётибди.

## 27. ҚИЗЛАР

Ошхонадан чиққан Қумри ҳовлининг у четидан юриб келаётган Муҳаббатни кўриб: «Опажон, бормисиз?» — дея унинг қаршисига югурди. Қулочини ёзиб борган Қумри Муҳаббатнинг қорли пальтоси устидан қучоқлаб:

— Келадиган кунингиз ҳам бор экан-ку! У уйимга бориб турар эдингиз, бу ёққа келмайсиз? Ёки янги уйим сизга ёқмадими? — деди уни ҳадеганда қўйиб юбормай.

— Унақа дема, Қумрихон, сенга ёққани — менга ёққани. Ишқилиб, ўзинг хурсандмисан?

— Раҳмат, опажон! Кела қолинг, қизларнинг келишгани боя эди. Света қани? Сизникига кетган дейишган эди-ку! — деди Қумри Муҳаббатни уйга бошлаб.

— Келади, медпунктда қолди.

Муҳаббат айвонга чиққач, рўмоли билан пальтосидаги қорни қоқиб, ечди-да, Қумрига узатди.

— Бу йил қиш яхши келди, опажон, еримиз ҳам семирадиган бўлди, — деди Қумри Муҳаббатнинг пальтосини ола туриб.

— Семирсин, Қумрихон. Бу йилги ниятимизга яраша ҳосил олишимиз учун ҳаво ёрдамлашмоқчи.

Қумри пальтони айвондаги қозикча илиб қўйгач, Муҳаббатни уйга таклиф қилди. Эшик очилиши билан ичкарида ўтирган қизлар ўринларидан туришиб, Муҳаббат билан кўриша кетишди.

Каромат Муҳаббатнинг қўлидан ушлаб: «Қани, Булбулчахон, тўрға чиқинг!» — деб уни юқорига бошлади. Хонтахта атрофига тўшалган кўрпачаларни босиб юқорига ўтган Муҳаббат:

— Шундай ўтиришларни ташкил қилиб яхши қилиб-сизлар. Қиш бекорчилигидан зеркиб юргандан кўра мана шундай йиғилишиб турганимиз яхши! — деди.

Қизлар йиғим-теримдан қутулишган кунлари шундай йиғилишлар қилиб қишни кўнгилли ўтказамиз деб ваъдалашган эди, бироқ кечки кузак дала ишлари билан банд

бўлиб, бу тўғридаги маслаҳатларини унутиб юборишган эди. Бир ҳафтадан бери дам тиниб, дам бўралаб ёғаётган қср уларнинг қизлар мажлиси тўғрисидаги маслаҳатларини яна эсларига туширди. Қумри қайнанасининг маслаҳати билан бошлаб берган эди.

У эрталабдан бери қайнанаси билан тиниб-тинчимай ўчоқ бошида ўралишади: нимадир ёпади, нимадир пиширади. Ҳавонинг совуғига қарамай, калта нимча кийиб, кўйлагининг енгини тирсагигача шимариб олган Қумри ўчқ боши билан уй ўртасига танда кўйгандек югуриб-елади. Ичкарида қайнаб турган самоварни дамлаб кўйиб, яна ташқарига чиқиб кетди. Кўп ўтмай бир лаган тандир сомса кўтариб кирди. Меҳмонларни дастурхонга таклиф қилди:

— Еб-ичиб ўтиринглар! — Муҳаббатни алоҳида қис-тади: — Булбулчахон опа, анави писта-бодомлардан чақиб кўринг, жуда яхши экан. Кеча Собиржон акам атайлаб бозордан олиб чиқдилар.

— Раҳмат, едим. Узи қани?

— Қизлар уялишмасин, деб чиқиб кетдилар. Ола қолинг, опажон, ният қилиб олинг, зорама-зора Рустам акам тезда келиб қолсалар.

— Хўп, синглим, хўп, астойдил ният қилиб ейман! — Муҳаббат пистадан бир қисим олиб, олдига кўйди.

— Мен ҳам ният қилиб олай-чи, қани, нима бўлар экан, — деди ҳазилга олиб Азиза, иссиқ сомсадан битта-сини ушатар экан.

— Бекитмай кўя қол, Азиза, бизни билмайди дйсанми? Ер тагида илон қимирласа биламиз. Ҳайдар акам билан қачондан бери донлашасан. Яширмай, тўғрисини айт-вер. — Уни чўкиди қизлардан бири.

— Ҳали ҳам ичида Ҳайдар акасини ният қилиб саятган бўлса керак, — деди Каромат кулги аралаш. Уй ичинда қизлар кулгиси босди. Яна гапни Каромат илиб кетди:

— Қайси хилватга ўтсанг, иккаласига дуч келасану, тагин яширади. Яширма. Ҳайдар ака ёмон йигит эмас. Бу ичидан пишган: «Ҳеч ким билмайди, эртага тўй деган кун билдириб ҳаммаи ҳайрон қиламан», — деб юрипти шеклли.

— Алдама, қачон бирга юрдим?

— Узини оппоқ қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Узингга муносибини топдингми — топдинг. Нега энди биздан яши-расан. Мана, Қумрини олайлик. У отасидан қанчалик жаф-

ру жафоларни кўрмади! Шундай бўлса ҳам севгисини яширмай, ошкора тутди, муродига етди.

Муҳаббат писта пўчоқларни тарелкага ташлар экан, Қумрига қараб салмоқлади:

— Сенга раҳмат, кичкина бўлсанг ҳам ақлинг расо экан. Мен отангнинг дўқидан қўрқиб, орқангга қайтармансан деб ўйлар эдим!

— Опажон, агар сиз орага тушмаганингизда жуда қийин бўлар эди. Олдингизга йиғлаб келганимдан бир кун илгари бизнинг уйимизда бўлган тўполонни кўрмадингиз. Онам йиғлаган, отам бақирган, болта кўтарган. Бир маҳал қулочлаб отиб қолди. Текканда паққос ўлган бўлар эдим. Отам аламига чидолмай уришга югураётган эди, ойим: «Қўйинг отаси, бир фалокатни бошламанг, қўни-қўшни эшитса нима бўлади», деб қўлига ёпишди. Билмадим, Собир акамнинг нимаси унга ёқмай қолган экан!

— Қалай, энди тотувмисизлар, Қумри? Утган куни отанг шу ҳовлидан чиқиб кетаётганини кўрган эдим. Келиб туради шекилли? — деди қизлардан бири.

— Ҳа, келиб турадилар. Кўз тегмасин, ёмон эмас, — деди Қумри, кейин Муҳаббатга қараб кулиб сўради: — Муҳаббат опа, ўшанда сиз отамга нима деган эдингиз? Ўша куни сиз келиб кетганингиздан кейин менга бир ўқрайиб қўйди. Совчилар борганда ҳайдаб юборади деб, қўрқар эдим. Йўқ, қайтага ўзи бош бўлиб, патир ушатиб, уларни хурсанд қилиб жўнатипти.

— Шунда сен терингга сиғмай кетган бўлсанг керак? — кулимсираб унинг сўзини бўлди Азиза.

— Бўлмаса-чи! Шу куни Собир акамнинг йўлини кутиб, ундан суюнчи олдим. Муҳаббат опамлардан эр-хотин икковимиз чексиз миннатдоримиз. Агар Булбулчахон опам отамга пўписа қилмаганларида бу ҳангама узоққа чўзиларди. Айтгандек, опажон, ўшанда отамга нима деган эдингиз? Айтиб беринг!

У Муҳаббатни қистай бошлади.

— Нима дер эдим, ёшларнинг йўлига тўсиқ бўлманг, ҳар ким ўз кўнгли тусаган ошни ичадиган давр, дедим. Сиз халақит берманг, Қумрининг ақл-ҳуши ўзига етарли. Сизнинг бўйингизни ерга ҳам қилмайди, дедим. Шунда ҳам ўз сўзини бермади. Мен уни боққанман, ихтиёр менда, кимга берсам шунга тегиши керак, деди. Бу гапи менга қаттиқ ботди. Ахир у ҳаммамизни ҳақорат қилаётган эди-да. Жаҳлим чиқиб, оғир гапириб юборибман.

— Нима дедингиз? — сўрашди қизлар.

— Хоҳлаганингизга ўзингиз тегинг, амаки. Агар яхшиликча рози бўлмасангиз, бригадамиздаги ҳамма қизлар бир бўлиб сизни судга берамиз, дедим.

Қизлар яна кулиб юборишди.

— Оббо сиз-эй, роса ўхшатган экансиз-ку, — деди кулгидан аранг тўхтаган Каромат. — Келинглар, бу ғийбат бўлди. Утган ишдан туш яхши. Барибир биз енгдик. Энди отасининг ўзи эсласа ҳам уялади. Келинглар, энди ўйин қиламиз. Анчадан бери ёзилишганимиз йўқ. Булбулчакон — Муҳаббатнинг товушини ҳам соғиндик.

У уй тўрида қозикда турган дуторни олиб, Муҳаббатга узатди.

— Қўйинг, Каромат, чала олмайман.

— Нега? Хафамисиз?

— Кўнглим хира. На ашула ва на дутор юрагимга сиғади.

— Опажон, нега шаҳдингиз паст? Ёки меникига келганингиз учунми?

Муҳаббат Қумрига қараб уни юпатди:

— Нима деяпсан, синглим. Бунақа гапни қила кўрма. Сенинг ширин турмушингни кўриб севинганимдан юрагим ёрилгудек бўлиб юрибман. Тағин ҳам шу ерга келганимдан бери ўзимни анча енгил ҳис қиляпман. Дуторни Азизага беринглар, у чалади.

Каромат дуторни Азизага узатди. Дуторни олган Азиза созини тўғрилар экан:

— Қумри, ўйинни сен бошлаб берасанми бўлмаса! — деди.

— Йўқ, Азиза, олдин бошқалар турсин. Қайнанам кўриб қолса уяламан.

— Ўйнашга келганда уялиб қолдингми? Ўғлини севганингда уялмовдингми? — Уни чўқиди Каромат. Нима деб жавоб беришини билмай қолган Қумри бирдан қизариб кетди. У ёқ-бу ёғини тузатиб деди:

— Майли, чал, ўйнайман.

— Нимага ўйнайсан, «Роҳат»гами?

— Йўқ, «Тановар»га.

Азиза «Тановар» куйини чалди. Қумри унинг оҳангига қўлини шақиллатиб ўйинга тушиб кетди. Унинг кичкина бўйи билан ингичка бели оҳангга мослашгандек авжиги чиққанда буралиб-буралиб кетарди. Қуруқ томоша қилиб ўтиришни эп кўрмаган қизларнинг баъзилари қўл

ларини чертишди. Уйинга берилиб кетган Қумри «Тановар» тугагандан сўнг гални бошқа қизларга ўтказишни ҳам унутиб:

Оқ шойидан кўйлагим, кўз тикканлар илмасин,  
Сизга берган кўнглимни дўсти-душман билмасин,—

деганча яна ҳам шўхроқ йўрғалаб кетди. Ана шунда қайнанаси кириб келиб қолди. Қайнанасининг келганини кўрган Қумри ҳуркиб ўйинни ҳам, ашулани ҳам баҳрида кечиб, ўзини бурчакка — таҳмон томонга урди.

— Вой, айланай, бу нима қилганинг. Тур, ўйнайвер! Еш деган шунақа бўлади. Мен розиман. Уйнайвер, айланай. Ешлигингда ўйнаб қол, қаригандан кейин ўйнамай кўя қоларсан. Мана, агар мен ҳам сизлардек еш бўлганимдамиди, ўлай агар, ҳеч кимга қистатмай ўйнайверар эдим,— деди кампир бир чеккадан жой олиб ўтирар экан. — Мен сени энди кўрибманми? Уз кўлимда катта бўлгансан. Ҳа, мен сенинг ўйинчилигингни билиб туриб олганман. Уялма!

Кампирнинг гапидан гурр этиб кулги кўтарилди. Қумри қайнанасининг гапидан енгил тортиб, ўртага тушди. Янги ўйин бошлади. Лекин барибир қайнанасининг юзига қаролмас эди.

Ҳамма бирма-бир ўйнаб чиққандан сўнг, Азиза дуторни қайта сошлаб туриб, деди:

— Холажон, энди Муҳаббат битта ашула айтиб берсин. Ахир унинг «Булбулча» номи бор.

— Айтгандек, тўғри, дуторни унга бер, қизим. Муҳаббатдан ҳам эшитайлик. Муғамбир кишилардек жим ўтиравормасин!

— Ҳа, рост, булбул турган ерда олашақшақнинг шақиллагани кимнинг қулоғига ёқарди, — деди Азиза ҳазилга олиб.

— Булбул ёзда сайрайди, ҳозир эса қиш, — деб ўзини четга ола бошлади Муҳаббат. Унинг гапини бошқачароқ тушунган Каромат янада маъноли қилиб бурди:

— Сабр қилинг, ўртоқжон, ёз ҳам, баҳор ҳам бўлиб қолар.

Муҳаббат ноилож дуторни олиб, тиззаси устига қўйди. Кўнгли қанчалик ғаш бўлмасин, ўртоқларининг раъйини қайтаришни ўзига эп билмади. Лекин кўнглига ашула сиғмас эди. Шундай бўлса ҳам ўзини зўрлаб ашула танлай бошлади. Аксига олиб бирортасига тили келмас, аксин-

ча хаёли бошқа ёқларга кетиб қоларди. Ҳатто уни ваҳима босди, кўнглидан ўтказди: «Ўзи нима бўляпти менга? Нега мунча ўзимни бугун тутолмай қолдим. Яхшиликка бўлсин-да, ишқилиб». У ўзини хаёдан чағитиш учун дуторнинг торини чертиб, чалиб кўрди. Кейин секингина томоғини қириб олиш учун йўталди, гўё ашулага йўл очиш учун қилгандек бўлди. Жуда мушкуллик билан бошланган соғиниш ашуласи нарироққа бориб, табиий бир тусга кирди, Муҳаббатнинг бутун вужудини қоплаб олди... Бу берилиш табиий шаклда тингловчиларни ўзига тортиб олган эди. Ҳеч ким чурқ этмас, ўтирганларнинг бутун гавдаси қулоққа айланиб кетганга ўхшар эди. Соғинган юракнинг мунгли торини чертган бу майин ашула шу кунда жуда кўнглига яқин эди. Бунда ҳам севимли кишини соғиниш, ҳам шу ҳижронга сабаб бўлган қора кучга қарши исён барқ уриб турарди. Шунинг учун ҳам бу ашула шу кунларда кенг ёйилиб, ўз тингловчиларини мафтун этарди. Муҳаббатдай оқори тўкилмаган товушлар ижросида жуда ҳам габний жарангларди. Тингловчилар ашула авжига чиққанда Муҳаббатнинг кўзида ёш айланганини пайқаб, уни қизартирмаслик учун бошларини қуйи олишди. Чиндан ҳам у бутун қалби билан ёниб айтарди.

Ашула тугагандан сўнг кампир Муҳаббатни алқай-алқай ўрнидан турди, уни дуо қилди:

— Муроди-мақсадинга ет, қизим!

Қайнасанинг кетидан Қумри ҳам чиқди. Салдан кейин икки қўлида икки коса суюқ ош билан остонада кўринди.

Каромат эшикни очиб, Қумрининг қўлидан косаларни олиб, қизлар олдига қўйди. Охириги косани келтиргичи Қумри жойига ўлтирар экан:

— Олинглар, совиб қолмасин,— деб қизларни овқатга таклиф қилди.

Муҳаббат дуторни бурчакка суриб қўйиб, овқатга ҳам иштаҳаси бўлмай, дастурхон попуқларини ўйнаб ўлтирарди.

— Вой ўлай, ичмайсизми, бу нима қилганингиз, олинг! — деди Қумри Муҳаббат олдидаги овқатнинг бузилай турганини кўриб.

— Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Қумрихон, бемалол ичаверинглар.

— Шу ҳам гап бўлдими, янгича қилиқларингизни қутлаймиз, қаёқдан сотиб олдингиз,— деди Каромат кесатиқ билан, Муҳаббатни овқатга ундаб. Азиза уни қўллаб кетди.

— Бойникни бойтеват қизганади дегандек, бизларни ҳам ичмасин деяётган бўлсалар керак. Ана, бўлмаса менинг ҳам ичмаганим бўлсин.— Азиза аразлагандек қошиқни косага қўйиб, рўмолчаси билан оғзини арта бошлади.

— Ичинг, Азиза, ичинг, мана мен ҳам ичаман, — деди Муҳаббат ва ноилож қошиққа қўлини чўзди.

Қайтадан ича бошлаган Азиза Муҳаббатга меҳрибонлик килди:

— Гапиринг, ўртоқжон, бирор ерингиз оғриётгани йўқми? Нега хомушсиз, бунақанги одатингиз йўқ эди-ку.

Муҳаббат унга, «Дардим сизга маълум эди-ку, яна нимасини сўрайсиз», дегандек қараб қўйди ва деди:

— Ичимни қоронғилик босиб кетяпти.

— Орқага ташланг, ётиб қоласиз, опажон, — деди Қумри чиндан ҳам Муҳаббатга раҳми келиб.

Ҳақиқатан ҳам Муҳаббатнинг кўнгли ҳеч нарса тусамас, қандайдир мудҳиш бир хабарни сезаёгандек юраги сиқилиб борарди. Агар ўртоқларининг таънасидан уялмаса ҳозирнинг ўзида бу тор хонадан чиқиб кетар, то ҳолдан толгунча қорли далада кезиб юрарди, то юраги бўшагунча йиғлаб, ичини бўшатиб оларди.

\* \* \*

Света касалларни қабул қилиб, уларга дори-дармон берганидан кейин, Қумрининг уйига бориш учун ташқарига чиқди. У Муҳаббат кетган ёлғиз оёқ йўлдан юрди. Бу йўл колхоз идораси ёнидан ўтар эди. Узоқроқ бўлса ҳам шу йўлдан юра бошлаган Света ўз-ўзидан севиниб кетди. Йўл-йўлакай почтага ҳам кириб кўраман, балки отамдан хат келиб қолгандир, деб қадамини тезлатди. Эшигига клеёнка қопланган почта олдида тўхтади. Эгнига илашган қорларни қоқиб, ичкарига кирди. Света таниш почтачи жувонга туйнукдан эгилиб қаради.

— Бирор хушxabар борми?

— Келинг, Света, ҳозирча сизларга хат йўқ. Сабр қилсангиз келиб қолар.

— Муҳаббатга-чи!

— Ашурова Муҳаббатми? Унга бор шекилли, бир кўзим тушгандек бўлган эди.— Почтачи стол устидаги қутидан хат қидира бошлади. Света икки кўзини почтачининг қўлидан узмай, ҳаяжон билан тикилиб турарди. Почтачи кичкинагина оқ конвертни олиб:



— Ашуровага бор экан,— деди. Света сеvingанидаг чапак чалиб юборди.

— Сиз уни бугун кўрасизми, Света?— деди почтачи жувон унга яқинлашар экан.

— Ҳозир унинг олдига кетаётган эдим.

— Манг, бўлмаса, Муҳаббатга бериб қўярсиз,— деб почтачи конвертни Светага узатди. Конвертни олиши билан адресига кўзи тушган Светанинг ранги бирданига оқариб кетди. У титроқ товуш билан:

— Вой, бу унинг қўлига ўхшамайди-ку,— деди.

— Нима бўпти? Конвертни кўриб айтяписизми? Ваҳима қилманг, бирор хати чиройлироқ ўртоғи ёзиб бергандир-да! Нега рангингиз ўчиб кетди?

Света турган ерида қотиб қолган, Муҳаббатнинг кўнгли хира бўлиб, гумонсираб юрганлари ростга айланганга ўхшаб кетди. Нохуш хабар бўлса қандай қилиб олиб боради? Светанинг оёғи тортмай қолди, нима қилишини билмасди.

— Ваҳима қилманг, боринг, суюнчисини олинг. Биринки ойдан бери кунда кирар эди бечора.

Почтачининг гапи унга анча тасалли бериб, ўзини тугиб олди. Ҳалигина даҳшатли бўлган ўйлари энди ўзига эриш кўринди. Қандайдир енгил тортиб почтадан чиқди. У елиб борарди. Буриқиб кетган юзига тушган қор муздек туюларди. Сал ўтмай ҳаяжонининг зўри ва пальтосининг оғирлигидан қора терга тушиб кетди. У елмоқчи бўлар, тиши едирилиб кетган калиши қўймасди. Баъзан йиқилгудек сирганиб кетарди. У Қумриларнинг эшиги кўриниши билан қадамни секинлатди. Бир оз нафасини ростлаб олмоқчи бўлди. Упкални қўлтиқлаб киришим яхши бўлмас, деди ўзига-ўзи. Нафасини ростлаб бўлгач, у ёқ-бу ёғини тузатди, хаёлини йиғиб олди. Ҳамманинг олдида хатни бермасликка қарор қилди. Худди шу фикрда Қумриларнинг қўрғонига кириб борди. Қизлар ўтирган эшикни очиб:

— Урталарингиз тўлсин. Ўтираверинглар!— деди ўринларидан туриб ўзини қарши олаётган ўртоқларига қараб. У ҳамма билан кўришиб чиққач, Муҳаббатнинг ёнига келиб ўтирди. Қумри ташқарига чиқиб кетди-да, бир коса овқат келтириб унинг олдига қўйди.

— Олинг, ўртоқжон, кечикканингизга хафа бўлиб турган эдим.

Света Қумрининг қўлини қайтармай ошга қаради. Бир-

икки устма-уст ҳўплади. У тезроқ Муҳаббатни олиб чиқиб кетиб, бир четда унга хатни бермоқчи эди. Наридан-бери овқатни ичиб бўлгач, қизларга қараб деди:

— Мени кечиринглар, бир топшириқ бор, шуни бажаришим керак. Муҳаббатни раис зуд айтиб юборган эди.

Ҳамма ҳайрон бўлди. Муҳаббат ҳам «Тинчликми ўзи» дегандек унга боқди.

— Нима гап экан?— сўради Каромат.

— Билмадим.

Шошинқираб қолган Муҳаббат ўрнидан аста қўзғалди.

— Сизлар қўзғалманглар. Ишим битса, ҳозир қайтаман.

Светанинг ҳам қўзғалаётганини кўрган қизлар: «Сиз қаёққа?» деб қолишди.

— Бирга келинг деган эдилар.

Қизлар чор-мочор икки қизни кузатдилар. Айвонга чиққач, Света Қумрини қучоқлаб, деди:

— Уртоқжон, Муҳаббатни билмадим-ку, лекин мен кела олмасам керак, хафа бўлмайсиз.

— Нега?

— Ҳавони кўриб турибсиз-ку, беморлар жуда кўп. Болалар у ёқда турсин, катталар ҳам шамоллаб қолишяпти. Колхозчилар меяи қидиришиб, уйма-уй юринса яхши бўлмайди.

— Хоҳламаган кишига баҳона кўп бўлади,— деди Қумри унинг қучоғидан бўшаб, пальтосини миҳдан олар экан.

Муҳаббат билан Света кийинишиб, кўчага чиқишди. Қизларнинг чувиллашган товушларини эшитган кампир ўчоқ бошидан югуриб келди:

— Вой айланай, ош қиялман, қаёққа борасизлар?

— Раис акам чақираётган эмишлар, ойи. Муҳаббат опам билан Света кетишяпти,— деб жавоб берди Қумри.

— Бўлмаса тезроқ келишсин!

Муҳаббат билан Света кўчага чиқиши билан кун жуда совуққа ўхшаб кетди. Қор ҳамон ёғарди. Ҳамма ёқ оппоқ. Буларни Муҳаббат унча сезмас, хаёлидан: «Нега раис чақирди экан, эрталаб кўрган эдим-ку», деган фикр ўтди. Света эса жўрттага гап бошламоқчи эмас, медпунктда айтмоқчи эди.

Света медпунктга етиб келгач, Муҳаббатни ичкари олиб эшикни беркитди.

— Сизни райс акам чақиргани ёлгон, ўни мен тўқидим. Мана бу хат сизга келган экан, қизлар олдида бергим келмади, баҳона қилдим. Суҳбатингизни бузганим учун кечиринг.

Муҳаббатнинг қулоғига хатдан бошқа сўз кирмаган эди. У хат билан ўртоғини қўшиб қучоқлади. У йиғлар, ўп-касини тутолмай йиғлар эди.

— Тавба қилдим, худди кичкина болага ўхшайсиз-а, йиғлашдан нима фойда, хатни ўқисангиз-чи,— деди Света уни йўлга солиб.

— Омон эканми, ўртоқжон?

— Омондирки, хат ёзган. Нега йиғлайсиз?

— Суюнганимдан йиғлаб юборибман.

— Суюнган киши шунақа йиғлар эмишми?

— Энди йиғламайман. Бу олти ойдан бери йиғилиб ётган юрак зардоби бўлади. Қани, хатни очайлик,— деди Муҳаббат, бироқ қўли титраб, конвертни очолмасди. У бутунлай эсанкираб қолганди.

Шу вақт Муҳаббат конверт устидаги хатга тикилиб, бирданига Света сингари ўзгариб кетди. Унинг бутун вужудини титроқ босиб, қўл-оёқлари бўшашиб кетди. Нимадир томоғига тиқилиб келарди. Муҳаббатнинг ёмон аҳволга тушиб қолганини кўрган Света дарров унинг қўлига ўтди:— Вой, сизга нима қилди? Юрагингиз ўйнаб кетди?

Муҳаббат конвертдаги бегона хатдан диққатини тортиб ололмасди. Конвертни очиш ҳам эсидан чиққан эди. Эсини йиққандек бўлиб конвертни очишга қанча ҳаракат қилмасин, қўллари титраб удалолмади, охири дўстидан илтимос қилди:

— Юрагим ўйнаб, қўлим бормаяпти!

Света конвертни олиб очди, хатга кўз юритди-ю, ранги қум ўчиб кетди. Товушини чиқариб ўқияшга журъат этолмади, қурби етмади.

— Ўзингиз ўқинг, ўқиёлмайман!— деди-ю, қўлини куйдираётгандек Муҳаббатга тутди. Ночор қолган Муҳаббат унга тикилди. Тикилди-ю, вужудини муз қоплаб, тиззаларидан дармон қуриб, бир четда турган курсига оғир ўтирди. Ҳақиқатан ҳам хат полвонни йиқитадиган даражада даҳшатли эди. Рустам кимгадир айғиб туриб ёздирган бу хат бутун бир ҳаётнинг фожиаси бўлиб, тўсатдан ўқиган кишини ўртаб юборар эди. Даҳшатдан хираланган Муҳаббатнинг кўзлари ўқиди:

«Муҳаббатхон! Хоҳ хафа бўлинг, хоҳ бўлманг, очик ёзишга мажбурман, бошқа иложим йўқ. Кўп ўйладим, хафа бўлдим — бошқа чора тополмадим. Узоқ хат ёзмаслигимнинг сабаби ҳам мана шу андишам бўлди. Мен жуда оғир яраланганман. Бошим гўрга кирмаган бўлса ҳам, гўристон қоронғилиги ўз қаърига олган, яъни икки кўзим кўрмас бўлиб қолди. Бу ҳам етмагандек, бир оёғим ҳам қаттиқ яраланган, балки у ҳам ишга ярамас, вақт келарки, кесиб ташлатишга мажбур бўларман. Муҳаббат! Тақдирга тан бермасдан иложимиз қанча! Келинг, мен ногирондан энди умидингизни узинг. Жилла бўлмаса, сиз эркинроқ яшанг, тенгингизни топинг. Энди сиз осмонда, мен қоронғи ўрадаман. Севиб, яхши умидлар билан шунча кутганингиз учун сизга мингдан-миг раҳмат! Энди ортиқ кутиб ўтирманг. Кутишни сиздан илтимос қилишнинг ўзи мен учун жуда оғир нарса!..»

Муҳаббатнинг бардоши хатнинг шу еригача етди. Муштумдек юрагини исканжага олиб сиқиб келаётган даҳшат нафасини бўғиб қўйди. У беихтиёр ўкириб йиғлаб юборди. Рангида қон қолмай, дока рўмондек оқариб, кўзлари тентакларча жавдираб кетди. Салдан кейин яна бир фарёд уриб, ўзини курсига ташлади, товуши ичига тушиб, жим бўлиб қолди. Шошиб қолган Света шкафдан нашатир спирти олиб устма-уст ҳидлатди, бошини тиззасига олиб, тўзиб кетган сочларини текислади. Ҳушдан кетган Муҳаббат анчадан кейин ўзига келиб, бир йил-ўн икки ой ётган касалдек дармонсизланиб ўрнидан турди. У бир неча дақиқада сўлиб тушган эди. Ўзининг қаердалигини, аниқлаётган кишидек атрофга аланглаб, кейин эшикка юрди. У қарар эди-ю, кўзи ҳеч нарсани кўрмас эди, девонадек паришон-ҳол юриб борар эди. Кўчада биров кўрса уят бўлар-ку, деган нарса хаёлига келмас, ҳаёт ўзининг аввалги мантиқини у учун йўқотган эди. Ҳалигина тинган қорда ҳолдан толиб, бепарво борарди, пальтосининг олд тугмаси солинмаган, рўмоли қўлида, бир учи қорда судралиб борарди...

Шу изтиробда ётиб қолган Муҳаббат бир ҳафта бошини кўтаролмади. Ўзи тиригу, руҳи ўлиб бўлган эди. Қани ичига туз кирса! Бир одамга бир оғиз гап гапирса! Эрта-лабдан кечгача олдидан узилмаган ўртоқлари унинг бир оғиз сўзига, жиндак бир табассумига зор эди. Бу орада-ку, Санобар опа ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Қизидан яшириб чет-четда юрагини бўшатиб оларди. Бу кўнгилсиз

хабар бутун қишлоққа тарқалди. Бу дардга Ҳожия холаники келиб қўшилди. Уғлининг аҳволидан хабар топган бечора она куя-куя кўрпа-ёстиқ қилиб олди. Кундан-кун шамдек сўниб борар эди. Шаҳардан чиққан бир қариндоши бир-икки кун қараб тургандан кейин тушиб кетди. Кундузлари Ҳожия хола ёлғиз қолар, Света билан унинг онаси ишларига кетар эди Ҳожия холанинг бу ёлғизлиги Муҳаббатга куч бағишладими, у ўрнидан туриб, холадан хабар олди. Рустамнинг китобларини кўриб куйиб-ёнган бўлса ҳам, икки дардман бир-бирини суяб, оёққа туришди. Лекин иккисининг кўнглига чироқ ёқса ёнмас эди. Иккаласи бир-бирига ўзини тетик қилиб кўрсатишга уринар, шу билан бир-бирига тирговуч бўларди.

Мана бугун шу воқеанинг учинчи ҳафтасининг охириги кун. Уша кунлар ёққан қорлар аллақачон эриб бўлган, кундузлари илиқ, кечалари салқин. Дала ишлари озми-кўпми бошланиб қолган, дала Муҳаббатнинг ҳовурини ўзига тортиб олаётганга ўхшайди.

Муҳаббат даладан қайтаётиб, йўл усти Ҳожия холаникига кирди. Кампир билан бирпас гаплашиб ўтиргач:

— Ойим хавотир олиб қолмасинлар, хола, менга рухсат беринг, — деди ва ўрнидан қўзғалди.

— Майли, болам, майли! Узоқ йўқ бўлиб кетма, кириб тур, — деди уни кузатиб сарпойчанг эшикка чиққан Ҳожия хола.

— Келиб тураман. Бизникига ҳам боринг.

— Хўп, болам, онангга салом де.

Кечки изғириндан йўллардаги кўлмакларнинг бети муз парда боғлаган. Изғириндан бет ачишади. Бўлмаса кун совуқ эмас.

Кўчада жунжиб қадамини тезлатган Муҳаббат эшигига келгунича қизиб кетди. Ҳовлисига кириши билан айвонда дўмбиллаб ўйнаётган болага кўзи тушди.

— Баҳодирмисан, вой бўйгинангдан ўргилай! Қачон келдинг? — деб қулочини ёзганча айвонга чиқиб келган Муҳаббат кўк духоба пальто кийган дўмбоққина болани бағрига босди. Муҳаббатнинг овозини эшитиши билан қўлидаги капалак ўйинчоғини ерга ташлаб, унинг бағрига отилган Баҳодир: «Опамминам телдим. Ҳозил телдим», деб бидирлай бешлади. Муҳаббат Баҳодирни кўтариб, юзларидан ўпаркан:

— Дадангдан хат келятими? — деб сўраган эди.

— Ҳа, адамдан сулат ҳам телди. Лустам амакимдан ҳам телди, — деди Баҳодир кичкина қўллари билан Муҳаббатни бўйнидан қучоқлаб.

Муҳаббат Баҳодирни кўтариб ичкари кирди. Санобар опа билан гаплашиб ўтирган Раҳима Муҳаббатни кўриши билан ўрнидан турди:

— Вой, келганингизни ҳам билмай қолибмиз, — деди ва қулочини ёзди. Муҳаббат Баҳодирни кўтарганича унинг олдига келиб, болани ерга қўйди. — Қайси шамол учирди?

Раҳима кўришиб бўлганидан кейин жойига ўтираркан, деди:

— Иброҳимжон акам, Рустамжондан хабар борми? Муҳаббатнинг олдига бориб билгин, дебдилар. Рустам акам яраланиб кетган эканлар.

— Сизга Рустам акамдан ҳам хат келган эмиш-ку, — унинг сўзини бўлди Муҳаббат.

— Ким айтди? Йўқ! — деди Раҳима ва сал қизарди.

— Мана Баҳодир айтди.

— Вой онанг тилингдан айлансин, ҳали гап тушунтирадиган бўлиб қолдингми?! — деб Раҳима боласини қучоқлаб, юзидан ўпди.

— Баҳодирни кичкина деяписизми? Бунинг ҳамма нарасага ақли етади.

— Йўқ, Муҳаббатхон, гап бундай: қаёққа борасиз деб сўраган эди боя отланаётган вақтимда. Мен Муҳаббат опангни олдига, Рустам амакингдан хат келган-келмаганини билиб келамиз деган эдим. У янглиш тушунибди.

Бу гап Баҳодирнинг болалик иззат-нафсига тегди шекли, ўзиникни маъқуллади:

— Рост. Ҳали бувимга Лустам акамдан хат телди деди.

— Вой, бўйинг чўзилгур, қачон айтдим? — Раҳима хижолат аралаш хахолаб кулиб юборганича ўғлини бағрига босди. — Бўлмаган гап, Муҳаббатхон, ишонманг бунга. Агар хат келган бўлса, суюнчи олмай, беркитиб ўтирармидим!

— Қайдам, — деди Муҳаббат дастурхондан битта олма олиб Баҳодирнинг қўлига тутар экан. Санобар опа пиёлага чой қуйиб Раҳимага узатди:

— Муҳаббат, сен опанг билан гаплашиб ўтир, — дея ўрнидан туриб эшикка чиқиб кетди.

Пальтосини ечишни ҳам унутиб қўйган Муҳаббат она-си чиқиб кетгандан кейин ечина бошлади. У пальтосини миҳга илиб қўйгач, Рустамдан хат олганини билдирди.

— Хўш, нима дептилар? Соғлиқлари яхши эканми?

— Оғир ярадор бўлиптилар.

— Қачон келишларини айтмаптиларми?

— Йўқ, — деди Муҳаббат бир хўрсиниб. — Хатларига қараганда қайтишлари гумонга ўхшайди.

— Нега? Сабаби борми? — ажабланди Раҳима.

— Сабаби шу, Раҳима опа: менинг ёш умримни заҳарлаб, гулдек юзимни кузги баргдек сарғайтириб қўйишни истамас эмишлар.

— Шундай денг! Сиз нима демоқчисиз? — ўсмоқчилади бу нарсадан хабардор кишидек оғирлик билан Раҳима.

— Нима дердим. Бу фикрингиз нотўғри, дедим, чунки ўйламасдан гапиряпсиз, дедим. Мен Рустам акамдан юз ўгириб кета олмайман. Ахир менинг ундан юз ўгиришим мумкинми! Сира мумкинмас, қурбим етмайди. Шундай оғир кунда юз ўгирганимдан ўлганим яхшимасми!

Раҳима худди Баҳодирни қучоқлаб олгандек Муҳаббатни бағрига босиб:

— Раҳмат, синглим, менинг асл синглим бўлдингиз! — деди. Унинг кўзида ёш ўйнади.

— Олдин синглингиз эмасмидим?

— Олдинлари шунчаки тутинган синглим эдингиз, энди туғишгандан ҳам афзалроқсиз. Чин севган киши ёрига ана шундай вафодор бўлиши керак. Шундай деб хат ёзиб юбордингизми?

— Ҳа, кечаги ҳафта юбордим.

— Жуда яхши қилибсиз, кўнглимиз тинчипти. Гапнинг ростини айтсам, Муҳаббатхон, Баҳодирнинг гапида жон бор эди. Менга ҳам Рустам акамдан хат келган.

— Нега мендан яширдингиз? — Муҳаббат савол тарзида Раҳимага қаради.

— Шошманг, синглим, ҳозир ҳаммасини айтиб берман. Бундан беш кун илгари Рустам акамдан хат олдим. Хатда, Раҳима, кўзим яхши кўрмайди, ҳозирча ўқиш-ёзишга ярамайди, дебди.

— Нима деяпсиз, менга ёзган хатларида сира кўрмайди деганлар-ку! — шошиб қолди. Муҳаббат.

— Йўқ, ундай эмас. Хат ўқиш қийин эмиш, холос.

— Оғзингиздан ўргилиб кетай, опажон, шояд шу рост

бўлса. Мен ҳар қандай оғир аҳволга тушиб қолсалар ҳам розиман-ку, аммо оз-моз кўрганларига нима етсин!

— Ҳа, кўрганга нима етсин! — уни тасдиқлади Раҳима.

— Хўш, опажон, шундан кейин...— Муҳаббат уни тезроқ гапиришга ундади.

— Докторларнинг айтишига қараганда, яна бир оз очилиши мумкин эмиш. Аммо ҳозир у менга қоронғи. Агар шу аҳволда қолгундек бўлса, уйга қайтиб бориш мен учун жуда оғир бўлади. Борди-ю, Муҳаббат аҳволимни кўргач, орамизни боғлаб турган севги ипларини, телефон симларини йиғиштириб олаётган алоқачи каби орқасига орқалаб кета бошласа, нима қиламан. Мен биламан, у кўр кишини ёқтирмайди, дебдилар.

— Вой ўлай! — Муҳаббат икки қўли билан юзини бекитди. — Энди тушундим. Рустам акамнинг чўчиганларига сабаб бор. Мен у вақтда ўйламай гапирадиган эси паст эдим,— деди. Муҳаббатнинг ёдига Рустам билан Пушкин номли истироҳат боғига кетишаётганида йўлда учраган кўр киши тушди.

— Опажон, мен яна хат ёзиб юбораман. Уша кундаги бемаъни гапларим учун Рустам акамдан кечирим сўрайман. Сиз ҳам ўз хатингизда Муҳаббат шундай деяпти, деб ёзинг.

— Хўп, синглим, Рустам акам менга ёзган хатларнда, Раҳима, сиз, Муҳаббатнинг фикрини олинг, у нима дер экан, деб илтимос қилган эканлар. Шунинг учун хатни яшириб турган эдим.

— Агар Рустам акам энди керак эмас, деганимда ёзиб юборар эдингизми?— Муҳаббат юрагининг бир чети ачишиб кетгандек бўлиб сўради.

— Бўлмасам-чи!!! Албатта ёзиб юборган бўлар эдим!

— Шундай деб ёзиш учун қўлингизга ручкани қандай ушлай олар эдингиз?

— Сиз: «У менга даркор эмас», деб айта олганингизда, менинг ҳам қўлим ёза олар эди.

Шу вақт эшикда Санобар опа кўринди. Қизининг рўшнолигини кўриб, қувониб деди:

— Айланай, Раҳимахон, сиз келганингиз учун Муҳаббатнинг ҳам чеҳраси очилиб кетди. Наҳотки бир ойдан бери тишининг оқни кўрсатмаса-я. Яхши гап яхши-да. Одамнинг дилини очади.

Муҳаббат уялиқираб ерга боқди. Унинг кўнгли энди анча таскин топган эди.



Чойхоначи Абдурасул ака счёт товуши чиқаётган очиқ дераза ёнидан ўтиб, коридорга кириб борди. У ёпиқ эшик олдида тўхтаб «парткабинет» деб ёзиб қўйилган хатга тикилиб қолди. Чаласавод Абдурасул ака ҳарфларга яхши кўзи ўтмаса ҳам қизил рангли бежирим ойна остида гўё ўзидан нур чиқараётгандек ялтираб турган иккита сўзга тикилиб қолди. У шу сўзнинг ҳар бир ҳарфини диққат билан кўздан ўтказиб чиққанидан кейин эшик тутқичидан тортиб ичкарига кириб борди.

Эрталабдан бери сиёсий ишлар билан банд бўлиб ўтирган Холмуродов қўлидаги ручкани сиёҳдонга тиркаб қўйди-да, «Келсинлар» деб Абдурасул акани қарши олди.

— Келган эдим, — Абдурасул ака девор остига қўйилган стуллардан бирига ўтириб жавоб берди.

— Хизмат?

— Мен шу чойхонанинг баҳридан ўтмоқчиман, ўртоқ партком.

— Чойхонанинг баҳридан ўтмоқчиман дейсизми? Негача? — ҳайрон бўлиб сўради Холмуродов.

— Бундоқ ўйлаб қарасам, мен тенгилар ҳаммаси далага чиқиб кетибди, шумшайиб бир ўзим қолибман. Келинг, мен ҳам тенгқуларимдан қолмай, далага чиқай.

— Далага? — Яна ҳайратда сўради Холмуродов.

— Ҳа, далага. Иложи бўлса Муҳаббат қўлидаги қариялар билан бўлсам.

Холмуродов Абдурасул акани сояпарвар, шу чойхоначиликдан бошқа нарсага ярамайдиган нимжон одам деб ўйлар, шу сабабли бўлса керак, унинг юрагида шунчалик ғайрати борлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг ҳозирги илтимоси кесакдан чақмоқ чиққандек туюлди. Уни яна бир бошдан-оёқ кўздан кечирди. Соддагина, озғин бир чол. Соч-соқоли унчалик оқариб кетмаган бўлса ҳам, баргадек қотиб кетганидан дармондан қолган қарига ўлшарди. Энди эса у аввалгидек кўринмади, кекса қайрағочни эслатди. Кўзида ҳам ўт бор.

Холмуродовнинг кўнгли чолдан сув ичиб юмшади, унинг илтимосига мойиллик сўради:

— Чойхонани нима қилмоқчисиз?

— Тура беради-да, бўри эдими, ўрмонга қочиб кетади?

— Ахир чойхона ҳам бизга керак. Кечқурунлари ишдан

қайтган колхозчилар дам олгани олдингизга чиқишар эди. У ерга тўпланганлар фақат чой ичмайдилар-ку. Маданий-оқартув ишларимиз бор.

— Бўлмаса, фронтдан қайтган бирорта ногирон қўйса ҳам бўлади.

Холмуродов ўйлаб қолди. Энди у Абдурасул аканинг далага чиқишига қарши эмас эди-ю, лекин ўрнига кимни тавсия этишни билмас эди. Шу вақт эшик тақиллаб, остонада почтальон кўринди:

— Рухсат этинг!

— Марҳамат!

— Телеграмма! Эгасини уйидан тополмадим, сизга ташлаб кетсам мумкинми?

Холмуродов индамасдан телеграммани олиб, кўз ташлади. Шунда почтальон сайраб қолди:

— Хушxabар! Рустамжон акам келаётган эмиш.

— Ўқидингми?! — кулди Холмуродов.

— Юрагим чидамади! — ростга кўчди почтальон бола.

У терлаб кетган, кўзлари ёнар эди. — Баъзан сал кўз қиримни ташлаб қўяман. Борди-ю, нохушроқ хабар бўлса, эгасига бера солиб қочаман. Нохуш хабар элтиш, нима учундир, одамга ғалати туюлади. Нуқул мана шунақа хушxabар бўлса-ю, велосипедни зинғиллатиб, тарқатиб юрсанг.

— Хушxabарга нима етсин! — ўзича гапириб қўйди Абдурасул ака.

— Яхши, қолдириб кетавер. Улар ҳаммаси далада, ўзимиз етказамиз.

— Кечикмасин-а! — деди почтальон болалик қелиб, олди-кетига қарамай эшикдан чиқиб кетар экан.

Холмуродов унинг болалигидан мийиғида кулиб қўйди:

— Кечикмайди, йигитча!

Холмуродовнинг фикрини Рустам, Муҳаббат, Ҳожия хола, Санобар опа бир томондан, Махсум, Миробид иккинчи томондан чулғаб олган эди. Рустам ҳақида кейинги ойларида келган хабардан биринчи томони жуда ёниб кетган, кўнглига чироқ ёқсанг ёнмас эди. Махсум эса сиргида билдирмаса ҳам ичидан мамнунга ўхшаб юрарди. Бундан сал бурун Миробид билан терсроқ бўлса, энди яна апоқ-чапоқ, оғиз-бурун ўпишади. Бундан бир ҳафта бурун Холмуродов Миробидни Махсум аканикидан хурсанд чиқиб кетаётганини кўрди. Эртасига Муҳаббатни қулоқ бошидаги сада остида хафа бўлиб ўтиргани устидан чиқди.

— Ҳа, қизим, тинчликми?

— Тинчлик! — деди Муҳаббат, лекин кўзини ердан олсмади.

— Утиришингдан тинчликка ўхшамайди-ку!

Холмуродов қўймагандан кейин Муҳаббат айтишга мажбур бўлди. Эрталаб йўлини тўсиб чиққан Махсум яна аввалги гапни қўзғабди. «Қўйинг шу гапларни, амаки», деган экан, чолнинг феъли айнаб кетибди, «Нима, кўрга ҳасса бўлмоқчимисан», деб гаъна қилибди.

Ана шуларни эслаб туриб, Холмуродов ўзича фикр қилиб кетди: Рустамни яхшилаб кутиб олиш керак!

У ўрнидан туриб, Абдурасул ака олдига келди:

— Майли, бу илтимосингизни кейинроқ бир ўйлашиб кўрамиз, ҳозирча сизга бошқа бир илтимос бор. Мана бу телеграммани Муҳаббат билан Ҳожия холага етказасиз. Кейин Рустам келадиган куни самоварни ўшаникида қўясиз. Унгача яна кўришамиз.

— Хўп, жоним билан!

Абдурасул чойхоначини кузатган партия ташкилотининг секретари Холмуродов Рустам Шокировни кутиб олиш тўғрисида маслаҳатлашмоқ учун раисни қидириб кетди.

Абдурасул чойхоначи эса йўлни тўғри далага, Муҳаббат бригадасига олди. У мамнун эди, телеграмма баҳонаси билан Муҳаббатнинг ҳам олдидан ўтади, балки унинг ўзи «Қаёқда юрибсиз, Абдурасул ака, эртадан кетмонни олиб чиқаверинг», — деб қолар.

Абдурасул ака чолларга хос тетиклик билан елиб борарди.

Баҳор ўзининг ҳаётбахш нафаси билан ҳар куни минг бир ҳусн кашф этади. Кечагина келган қалдирғоч уя ташвишида. Катта-кичикнинг чаккасида баҳор элчиси гунафша, аллақерда мусича кукулашади, бир-бирига хушомад қилади. Ариқлар киши қалбини қитиқлаб ёқимли чулдирайди.

Анчадан бери далага чиқмаган Абдурасул ака ўзини дарров енгил ҳис эта бошлади. Кўзи яшнаб ётган кўм-кўк далага тушиши билан юрагида тугилиб ётган, ўзи ҳам яхши билмаган кўнгил ғашлари бирданига ёзилгандек бўлди, тани дарддан пок бўлган бемордек севиниб кетди. У сал нарида кетмонларини кунда ялтиратиб меҳнат қилаётган бир тўда колхозчиларни кўриб, улар томонга юрди. Шарқираб оқаётган бир тегирмон сувли ариқдан сакраб ўтиб,

шудгор бўйлаб кетди. Бу ер Муҳаббатнинг иккинчи эв-  
нссига қарашли бўлиб, помидор учун жой ҳозирлашаётган  
эди. Ариқларнинг кемтик ерларини тўғрилаётган бир чет-  
даги аёлга салом берди Абдурасул ака:

— Ҳорманг, янгал!

— Бор бўлинг!

Аёл бошини кўтариб алик олди. Бу аёл Санобар опа  
эди.

— Ия, Санобар, сизмисиз?

— Ҳа, мен. Танимадингизми?

Санобар опанинг эри Ашурали ака Абдурасул аканинг  
улфати эди. Гарчанд Ашурали ака анча кичик бўлса ҳам,  
иккаласи сирдош ва қадрдон эди. Ашурали тирнклигида  
борди-келди қилиб турган Абдурасул ака кейинчалик бу  
оилага кам кириб-чиқадиган бўлиб қолган, Махсумнинг  
феълени ёқтирмас эди. Махсум кўп кирадиган жойга у кам  
кирарди. Шунинг учун Санобар опани анчадан бери кўр-  
маган эди.

— Рост, танимабман. Бой бўласиз.

— Тани соғлигим — туман бойлигим.

— Ҳа, айтгандек, Ҳожия холам шу яқиндамасми?

— Тинчликми? — кўнглига гулгула тушди Санобар  
опанинг.

— Тинчлик. Ўғиллари келаётган эмиш.

— Вой оғзингиздан ўргилай! Қачон келармиш? — Са-  
нобар опа шошиб қолди. Кетмонни ариқда қолдириб, Аб-  
дурасул ака олдига келди, қўлидаги телеграммага қараб  
турди.

— Шу телеграммада айтганми?

— Ҳа, ўзлари қаердалар?

— Ҳу нариги сойда пиёз ўташяпти, менга қолдира қо-  
линг, ўзим бериб қўяман, сал туриб ўша томонга ўтаман.

— Ҳали ҳам эски пишиқлигингиз бор-а, суюнчини бе-  
гона қилмоқчимисиз!

— Суюнчисини ўзим бераман, бундан кўнглингиз хо-  
тиржам бўлсин. Бир тўппи қийиғи билан сизники, қачон  
келсангиз нахт.

— Раҳмат! Раҳмат, келин! Ҳазиллашдим, Рустамжон-  
нинг келишининг ўзи ҳаммамиз учун катта суюнчи! Ке-  
чиктирмай бериб қўясиз-да! — Абдурасул ака телеграм-  
мани унга узатди. Кейин Муҳаббатни сўради.

— Унга ҳам телеграмма борми?

— Йўқ. Шу ҳамманларга. Муҳаббатда бошқа ишим

бор. — Юраги чидамай айтиб қўя қолди у. — Ишга чиқ-  
мокчиман.

— Жуда яхши-да, дала баҳаво, баҳрингиз очилади.  
Қачонгача самоварнинг остига чўп тиқиб, тутун ҳидлаб ўти-  
расиз.

— Рост айтасиз, келин. Лекин сиз ҳам шуни Муҳаб-  
батхонга жиндай шипшитиб қўйсангиз. Мана, яхши кунлар  
олдинда, бизда ҳам қолмас, келин!

Санобар опа чойхоначининг нимага имо-ишора қила-  
ётганини фаҳмлаб, ичидан қувониб кетди: «Зора ўша  
кунларга еткизса!»

Абдурасул ака Муҳаббатни қидириб йўлга тушиши  
билан Санобар опа ҳам ҳаяжонланиб, иш қилолмади:  
шундай хушxabар келади-ю, тинч туриб бўладими! У ҳам  
Ҳожия хола томонга севинчини ичига сиғдиролмай елиб  
кетди.

Чойхоначи яна ўша бир тегирмон сув оқаётган ариқ-  
нинг кўпригини қидириб юрмай, торроқ еридан ҳатлаб  
ўтди-да, Санобар опа айтгандек шийпон томонга юрди.  
Ана шу шийпон орқасида қизлар ишлашарди. Абдурасул  
ака шийпонга яқинлашуви билан қизларнинг ўзларини кў-  
ришдан аввал товушларини эшитди. Улар ашула айти-  
шарди:

Ишқ бошқа, ҳавас бошқа,  
Бу йўлда хато қилма!

«Қизлар балол!» деб кўнглидан ўтқизган Абдурасул ака  
ўзига томон келаётган бир одамга кўзи тушди. Авъалига  
ким эканини ажратолмади. Кейин Муҳаббат эканини та-  
ниб, қадамини тезлатди. Лекин Муҳаббат анча наридан  
чапга бурилиб кетди. Ана шунда Абдурасул ака товуш  
беришга мажбур бўлди:

— Муҳаббат қизим, мен сенинг олдинга келаётган  
вдим.

Муҳаббат товушни эшитиб аввал тўхтади, кейин қар-  
шисига юрди.

— Лаббай, отахон! — деди у етиб келиб.

Абдурасул ака дардини айтди. Муҳаббат уни ишла-  
гани чиққан деб мийиғида кулди:

— Ишлагани чиқибсиз-ку, керакли қуролни унутибсиз-  
да! Бу милтиқсиз жангга кириш деган сўз, амаки!

Абдурасул чойхоначи: «Бугун сенинг олдиндан ўтяп-  
ман, чиқ десанг, эртадан чиқаман», дейишга ботинмас-  
дан, узр сўрагандек бир йўсинда деди:

— Бугун қуролни шу ердан топиб берасиз, қизим, эртага ўзим олиб келаман.

— Майли! Майли! — деб кулди Муҳаббат отани хижолатга қўйганидан ўзи ҳам ийманиб. Ана шунда Абдурасул ака очилиб кетди:

— Аслида, қизим, далага бир хушxabар олиб чиққан эдим, ҳозир онангга бердим, — Муҳаббатни куттирмай айтиб қўя қолди: — Рустам азамат келаётганмиш. Бундан буёқ мени «Қутлуғ оёқ амаки» десанг ҳам бўлади!

Муҳаббат бу кутилмаган хушxabардан қотиб қолди. Отаси тенги одам олдида севинишини ҳам, йиғлашини ҳам билмас эди. Унинг бу ҳолатини Света енгилаштирди. Муҳаббат нима қилишини билмай турганда узоқдан бирорнинг чопиб келаётганини, дам ўтмай унинг номини такрорлаётганини пайқаб қолди. Нафаси оғзига теқилиб, чопиб келаётган Света эди. У етиб келганда жуда нафаси оғзига теқилиб қолган, гапиришга тили келмас эди. Шундайми ёки севинчи ичига сиғмаганиданми, етиб келиб, Муҳаббатнинг қўйинга ўзини ташлаб, бўйнидан қучоқлади, юз-кўзларидан ўпди. Охири энтикиб:

— Шокиров келяпти!! — деёлди. Ана шундагина Муҳаббат уни жон-жаҳди билан бағрига босди, томоғини сиқиб келган севинч йиғисини унинг елкасига тўкди. Ёнди ўзининг ортиқчалыгини сезган ва уларни уялтиришни истамаган Абдурасул ака лип этиб қўрғон орқасига ўтди. У ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.

\* \* \*

Муҳаббат бошини ювиб бўлганидан сўнг сочини майдалаб ўрдиргиси келди-ю, бироқ вақти ҳам, ўриб қўядиган одам ҳам бўлмагани учун иккита қилиб қўя қолди. У ўз бўлмасидаги шкафга илиб қўйган оқ крепдешин кўйлагини олиб кийгач, уйнинг тўридаги бурчакда турган ойнага қаради. Янгича мода билан тикилган нафис кўйлак ўзига ярашганини пайқаб севинди-ю, лекин ойнадан кўзини узмай тикилиб турганича оқ кўйлак кийиб боришни муносно кўрмади. У кўйлаклари орасидан хонагласини танлади. Михда илиғлик турган чаманда гул дўппини олиб уйдан чиқиши билан супа атрофидаги гулларга кўзи тушди. Қишда қорнинг тагида қолиб кетган гуллар қад кўтариб куртак чиқара бошлаган эди. Ўзига таниш бўлган гулларнинг шохлари ҳар томонга қулоч ёйганича

мавж уриб туриши унинг кўзига энди жуда чиройли кўринди. Ваҳимали кунларда кишининг кўзига ҳар бир нарса қўрқинчли бўлиб кўринар экан. Мана, қор тагида қабристон тусини олиб ётган гуллар энди қандай кўркам! «Мен ўз яқин кишимни кутиб олиш олдида турганимдек, улар ҳам аёзли қиш совуқларидан қутулиб, баҳорни кутиб олишмоқда. Энди улар ҳам эркин нафас олишади, қуёшдан баҳраманд бўлиб, барқ уриб ўсишади, ял-ял очилишади», деган фикр ўтди Муҳаббатнинг хаёлидан айвондан тушаётиб.

У эшикка чиқиши билан Каромат, Азиза, Қумрига рўбарў келди. Улар ўртоқларининг севинчли онларида ҳамроҳ бўлгани келишаётган эдилар. Каромат кўчада учратганини баҳона қилиб, одатий қизиқчилиги билан деди:

— Ҳа, Муҳаббатхон, бизлар келгунча ҳам сабрингиз чидамай кўчага чиқиб қолибсиз, мунча!

— Келишларига етиб бораманми, мундоқ Ҳожия холамга қарашай деб, эртарақ чиқувдим.

— Бугун Ҳожия холамнинг ғамини емасанг ҳам бўлади. Бутун колхоз чеварлари ўша ерда: бири нон ёпган, бири супуриб-сидирган, бири чой тараддудида.

Каромат ҳақ эди. Кеча раисни дала бошида топган Холмуродов бу ишнинг моҳиятини яна бир марта раисга эслатган, унинг ўзи бош-қош бўлишини илтимос қилган эди. Зийрак раис учун бу ишора етарли эди. У кечқурун маслаҳат ўтказди: ким станцияга чиқади, ким Ҳожия холага қарашади.

Қизлар Ҳожия холаманикига етиб келганда эшик олдиларига сув сепиб супурилган, қиртишланган эди. Эшек тепасига ёпирилиб тушган балх тутнинг пастки шохлари боғлаб, юқорига кўтариб қўйилган эди.

Ошхонада куйиб-пишиб нимагадир қарашаётган Ҳожия хола қизларни кўриб, уларга пешвоз юрди:

— Келинлар, қизларим, бўйларингдан холаңг айлансин, келинлар. Айвонга ўтиринлар.

— Биз ишга келдик, хола,— тегишди Каромат.

— Нима ҳам иш бор, қизим, мана бу барака топкур ёшлардан қоладими!

Ҳожия хола иш йўқ дейишига қарамай, қизларга ярашаси қолган экан. Бири кулча ясашга қарашди, бири сомса тугди, яна бири ўтин ёрди. Муҳаббатни холи топган Ҳожия хола уни бир четга имлади.

— Бу ёққа қара, қизим,— у уйга бошлаб олиб кириб

кетди. Бошқалардан сир тутгандек товушини пасайтириб деди: — Сенга атаб қўйган битта суюнчим бор. Шунни кўр, сенга ёқармикин. Ўзи ҳам бу яқин орада сандиқдан чиқмаган эди, Рустамжоннинг келаётганини эшитиб, эрталаб олиб қўйдим.

Ҳожия хола тахмонда тахлоғлиқ кийим-бош орасидан тилла зирак олиб, кафтида Муҳаббатга узатди:

— Яхши ниятда асраб юргандим.

Холанинг гапларидан қизариб терга ботиб турган Муҳаббат кафтида йилтиллаб турган зиракни кўриб, нима дийшини билмай қолди.

— Хола, хафа бўлмайсизми? — деди охири журъат қилиб у.— Умримда зирак тақмаганман. Ундан кейин биз комсомолларга... Айб эмас-ку... тақишмайди.

— Вой, шунақами? Энди нима қилдим?

— Ўзингиз тақа қолинг!

— Вой ўлмасам, қариганда ёш келин бўлар эканманда, қўй қизим.

— Бўлмаса, жойига солиб қўйинг, тураверсин.

Шу вақт ташқаридан бировнинг ярим чин, ярим ҳазил товуши келди:

— Хола, ҳов Ҳожия хола! Қора бўрдоқини қаерда бўғизлай?!

Бу Абдурасул чойхоначи эди. У правление ажратган қўйни олиб келиш учун эрталаб тонг қоронғисида фермага жўнаган эди, энди етказиб келди. Отни саройга топшириб, қўйни бу ёққа етаклар экан, муюлишда Махсумга дуч келиб қолди.

— Ҳа, Абдурасул, қўй етаклаб қолибсиз!

— Эй, ҳали хабарингиз йўқми, қаҳрамон келяпти, пойқадамига сўямиз.

— Қадамига қўй сўйиладиган қаҳрамон ким экан ўзи?

— Ана, холос!— деди Абдурасул жўрттага Махсумнинг ғашига тегиб.— Ўзингиз шу қишлоқлик, шу колхозликмисиз ёки Қарқарадан ҳозир келдингизми! Бутун қишлоқ кечадан бери оёқ устида-ю, бу кишининг ҳали хабари йўқ!

— Чўзмай гапириб қўя қолинг!— деди энсаси қотиб Махсум.— Ким экан?

— Рустамжон-да, Шокир чавандознинг ўғли!

Махсумнинг энсаси баттар қотиб, «ҳмм» деганича Абдурасулга йўл берди. Унинг таъби тирриқ бўлганини фаҳмлаган чойхоначи яна тегишиб қўйди:



— Кечикманг, Ҳожия холаникига кириг, бутун эл-юрт шу ерда бўлади!

Махсум чурқ этмади. Абдурасул аканинг наздида у бир қарич чўкиб кетгандек туюлди. Ичида ўйлади: юрт қатори жимгина юрсангу, шунақа шумшук бўлмас эдинг. Ёшларнинг ишига араллашиб нима қиласан қариган чоғингда!

Абдурасул ака ана шу ўйлар билан хушнуд бўлиб, Ҳожия холаникига кириб келган ва уни чақирган эди. Айвондан кўриниш берган Ҳожия хола каттагина қўйни кўриб, қўй учун эмас, элу юрт ичидаги обрўйи учун қувониб кетди. Бўлмаса, эрталаб муборакбод қилиб кирган Холмуродов билан раис қўйга одам юборганларини шипшитиб кетган эдилар.

— Беҳнинг тагига ола қолинг, иним, йўл устидан кўра четроқ.

— Хўп бўлади! Иккига тоғора тўғрилаб қўйинг.

Хола айтган ерга қўйни олиб ўтган Абдурасул ака дарров жиндак чуқурча қазиб, қўйни бўғизлаб юборди, ҳашпаш дегунча беҳига осиб, терисини шилди, нимталаб ташлади.

— Заб семирган экан, жонивор, ичини ҳам мой босиб кетипти! — деди у ўчоқ бошидан чиқиб келган Ҳожия холани мўлжаллаб.

— Баракали бўлади! — деб қўйди унинг кўнглини кўтариб хола.

Атлас кўйлак билан иш қилиб юрган Муҳаббатни кўрган Светанинг онаси унга ўзининг болалар боғчасида киядиган халатини олиб чиқиб берди:

— Мана буни кийиб олинг! Хонатлас ҳали кўп керак бўлади.

— Раҳмат! Сиз-чи?

— Мени қўяверинг,— деди Светанинг онаси ва меҳмонлар ўтирадиган катта уйни тузатгани кириб кетди. Салдан кейин Ҳожия холани чақирди. Муҳаббат билан олдинма-кейин бошлашиб кирган Ҳожия хола дастурхон ясатишга асраб олиб қўйган қанд-қурслари ва мева-чеваларини қутисидан олиб ўртага қўйди. Улар ичида қовун ва шафтоли қоқидан тортиб ҳовлидаги узумнинг майизигача бор эди. Буларни кўриб, Муҳаббатнинг лабига беихтиёр кулги чиқди:

— Шафтоли қоқигача асрабсиз-а?

— Рустам болам кетибдики, ҳар йили унга атаб қури-

тиб қўяман. Бу йилгисига оғзи тегадиган бўлди,— деди ўз ишидан мамнун меҳрибон она гўштдор лабдек қалин бир шафтоли қоқини қўлига олиб туриб.

Шу пайт Света уйга кирди. Кўчадан топиб келган янгилигини айтиб қўя қолди:

— Станцияга битта машина чиқадиган бўлди. Холмуродов билан яна икки ўртоғи чиқар экан. Раис бошлиқ ҳамма шу ерда бўлар экан. Сиз ҳам чиқмайсиз, тушундингизми? — деди у Муҳаббатга қараб. Кутилмаган бу ҳазилдан Муҳаббат пастки лабини тишлаб, қизариб кетди. Буни пайқаган хола тасалли берди:

— Бизга омон-эсон келса бўлди. Шунчага чидаган, станциядан келгунча ҳам сабр қилармиз.

Югуриб уйга кирган Каромат Ҳожия холанинг гапини бўлди. Каромат одатдаги қизиқчилигини қилиб, холага тегишди:

— Хола, қирчиллама ўртоқларингиз келишди!

Унинг гапига тушунган Ҳожия хола:

— Қизи тушкур, секинроқ! — дея эшикка юрди.

Шу атрофдаги ишга чиқмайдиган қари кампирлар: «Ҳожиянинг ўғли келаётган эмиш», деб ҳассаларига таянганларича бир-бирларига хабар қилишиб, йўлга чиқишган эди. Белларини катта рўмол билан боғлаб олишган кампирлар Ҳожия хола билан битта-битта кўришиб чиққанларидан кейин айвонга чиқишди. Оғзида битта ҳам тиши қолмаган тегишқоқ Чинни буви паст лабини бурнига теккундек чўччайтириб ҳазиллашди:

— Ҳой, буни қара, Бувисора, Ҳожиянинг ўзи унча-мунча келинлардан қолишмас экан. Ҳовли юзини ёғ тушса ялагудек қилиб қўйипти. Емон кўздан ўзи асрасин, ҳали унда тўртта жувоннинг кучи бор. Сен бўлсанг, қаддингни тўғри тутиб юролмайсан! Уял!

Ҳамма ўтириб бўлгач, Бувисора фотиҳага қўл очди:

— Жумлайи мўминнинг боласи қайтиб келсин. Шулар қатори бизларники ҳам эшикдан кириб келсину, уйимизда Ҳожияники сингари хурсандчилик бўлсин.

Яна бири қўшди:

— Омон-эсон келин тушириб олсин!

Ҳожия хола кампирлар билан сўрашиб бўлгач, ўридан туриб пастга тушар экан:

— Муҳаббатхон қизим, бувиларинг олдига дастурхон ёз! — деди.

— Вой, айланай, Муҳаббат ҳам шу ердами? — деди

ажаблангандек Бувисора. Ҳожия хола дарров жавоб тўқиди:

— Ҳа, атайлаб чақиртириб келдим. Света билан она-си ишда эди. Қарасам, бир ўзим каловланиб қоладиганга ўхшадим.

— Ажаб қилибсан! — уни қувватлади, Чинни буви. — Ахир, шу уйга келадиган бўлганидан кейин уяти борми, расм-русумларимиз бор бўлсин!

Кампирларнинг одатини билган Ҳожия хола атайлаб Муҳаббатнинг ёнини олди:

— Қизим бечора кўп уятчан. «Бормайман, хотинлар гап қилиб юришади», деб туриб олди. Уй ишларининг урдасидан чиқолмаслигимни айтганимдан кейин, раҳми келиб, рози бўлди. Бувилари, айбга қўшмайсизлар-да. Қўлимда катта бўлган қиз, келиб-кетиб юрган уйи.

— Ҳа, айланай, бемалол хизмат қилиб юраверсин, — деди яна Чинни буви.

Муҳаббат кампирларни деразадан кўрибоқ юраги шув ётиб кетган эди: ана энди етти иқлимга гап бўладиган бўлдим! Йўқ, Ҳожия холанинг усталиги ва Чинни бувининг қўллаб-қўлтиқлаши унга далда берди. Гўё у Ҳожия хола орқали ўзига ижозат олгандек эди. Шундай бўлса ҳам уялинқираб, улар олдига салом бериб чиқди. Унинг кечикиб чиққанини уялди, деб тушунган Чинни буви яна гапга тушди:

— Бу шафтоли қоқи кампирлардан уялма, қизим! Улар ҳам бир вақтлар сен каби бўйи етган қиз бўлишган, яхши уй, қадди-қомати келишган ақлли эрни орзу қилишган. Бошидан ўтган бировга кулса, уят бўлади.

Муҳаббат кампирлар ёнбошига ёстиқ қўйганидан кейин, токчадаги самоварни олиб ҳовлига тушди. Ўчоқ бошига бориб, янгигина узилган иссиқ нондан бир дастасини олиб келди, кампирлар олдига ушатди. Шунда бировнинг эшикда чақирган овози келди:

— Лаббай! — югуриб йўлакка ўтган Муҳаббат бир эркак билан қуюқ сўрашди ва ичкарига таклиф қилди. У киши гапириб кириб келарди:

— Рустамжоннинг келаётганини эшитдим, биринчи дуч келган машинага қўл кўтардим. Назаримда машина ҳам ўрмалаётганга ўхшаб кетди: қани, етсам!

— Раҳмат! Раҳмат! — дер эди Муҳаббат.

Бу Рустамжоннинг фронтчи ўртоғи Фозил Юнусов

эди. У фронтда яралангандан кейин узоқ вақт госпиталларда ётди. Охири бир оёғини тўпигидан кесиб ташлашди — тузатишнинг иложи бўлмади. «Раҳмат, азамат, энди сен фриц билан урушиб бўлдинг!» деб уйига жўнатишди. Аввалига бир оёғининг ногиронлигидан ўксиган Фозил, кейинчалик кўникиб, колхоздан ўз ўрнини топиб олди. Оёғига ҳам шунақа протез қилдириб олдики, унча-мунча одам унинг чўлоқлигини сезмайди. У бундан аввал ҳам Ҳожия хола ва Муҳаббатнинг олдига келиб кетган, ҳатто қишда Ҳожия хола олдида ётиб ҳам кетган эди. Рустамдан анча вақт хат-хабар бўлмай кетганда далда бериб турган, қизиқ-қизиқ гаплар тўқиб, холани овутиб юрган шу Фозил эди. У холанинг ҳурматини қозонишга аллақачон сазовор бўлган эди. Ҳозир ҳам Ҳожия холани кўриб, кўришмасданоқ деди:

— Хўш, хола, қалай, менинг айтганим келдими?

— Келди, болам, келди! — дея бағрига босди хола. — Қушсанлар, болам, бир-бирининг тилингни тушунасанлар.

Фозил Юнусовнинг келганини уй деразасидан кўрган Света онаси билан чиқиб келиб, эски қадрдонлардек кўришдилар. Уни кўриши билан туғилиб ўсган шаҳри ёдига тушган Света дарров дугонаси Катяни суриштирди.

— Ҳозир госпиталдан тузалиб чиқиб, бир запас қисмда хизмат қиляпти. Унвони ошган. Ишим яхши дейди. Яқин орада фронтга жўнаса керак дебди, кейинги хатида, — деди хомуш тортгандек Фозил. Кейиндан яна кўшиб қўйди: — Ҳаммамиз учун ёлғиз ўзи урушадиган бўлди.

— Омон бўлса бас! Омон бўлса бир куни кўришасиз, — деди Светанинг онаси Фозилга тасалли бериб. — Ёши улғайганда Пётр Максимович юрибди-ку, немис орқасида.

— Ҳа, айтгандек, Пётр Максимовичдан хат келиб турибдими?

— Кам ёзади. Аввалдан хат ёзишга ҳафсаласи йўқ. Академияда ўқиб юрганларида ҳам бир ойда бир ёзарди.

Она бу билан ёлғиз Фозилни эмас, қизини ҳам овутмоқчи эди. Чунки анчадан бери хат йўқ, Света қаттиқ ташвишда эди.

Танишлари билан сўрашиб бўлгач, Фозил Абдурашул ака олдига ўтиб, унга кўмаклашган бўлди. Кутмаган-

да улар иноқлашиб кетишди. Абдурасул ака Фозилдан Рустам билан қаерда учрашганидан тортиб, урушни қанақа бўлишигача суриштирди

— Ҳамма ёқни гумбур-гумбур, тарс-турс босиб кетар экан-да, иним. Рустамжон шулар ичида юрган денг! Бора-калло! Отаси ҳам чавандоз, ўтюрак киши эди. Тақимига босган улоқни бировга бермасди. Отасининг боласи-да Рустамжон,— деди Абдурасул ака Фозилнинг ҳикояларидан завқланиб кетиб. Унинг назаридан Рустамдан зўр жангчи йўқ, ҳамма жангни Рустам қилаётгандек эди.

— Поезд нечада келади? — деди Фозил гапни бўлиб.

— Вақти бўлиб қолди.

— Бу ердан ҳеч ким кутгани чиқмайдими?

— Йўқ. Чиқадиганлар правлениега йиғилишади.

Ҳайрон бўлган Фозил шошинқираб қолди: шундан-шунга елиб-югуриб келиб кутгани станцияга чиқмаса қандай бўлади! Йўқ, у чиқиши керак. Шу мақсадда шошган эди-да!

У Абдурасул акадан суриштириб, билиб олгач, қуйиб турган чойини Абдурасул ака олдига сурди:

— Ўзингиз эрмак қилаверасиз. Мен станцияга кетдим!

— Кетиб қолишгандир,— уни қайтармоқчи бўлди Абдурасул ака.

— Йўлини топаман!— шиддат билан чиқиб кетди Фозил. Яна ёлғиз қолган Абдурасул ака ўн челақ сув кетадиган «шоҳ самовар»ни артиб-тозалаб, оловини туташтириб юборди. У бугун, Холмуродов айтгандек, ҳунарини кўрсатиши керак. Охирги меҳмон жўнаб кетгунча ҳам шақиллаб қайнаб турмаса ҳисобмас! Бўлмаса зил-замбил самоварни орқалаб чойхонадан олиб келармиди!

Абдурасул ака сал нарида шўрвага олов ёқиб юборган ошпазга гап қотди:

— Оловни тезлатинг, жўра, ҳадемай келиб қолишади. Ошни ҳам шунда дамлайсизми?

— Йўқ, ичкаридагида. Бу қозон сал юпқалик қилади. Учоқ ҳам саёз.

— Ишқилиб, бопланг-да! Бугун ҳамма нарса бопланиши керак.

Ошпаз индамади, чўмични қозонга ботириб, майда-майда шопира бошлади. Абдурасул ака бир пиёла чой узатиб тегишди:

— Қани, жўра, бизнинг чойнинг тузини кўринг!

Шу вақт айвонда кампирларнинг кулгиси кўтарилди-да, ошпаз билан чойхоначининг диққатини тортди.

— Кампирларнинг суҳбати вангу,— деди чойни хўп-лар экан ошпаз.

— Чинни буви бор жойда шунақа кулги кўпроқ бўлади.

Ҳақиқатан ҳам кампирлар суҳбатини Чинни буви қивитиб ўтирарди.

— Бувисора!— деб жўрттага унинг гашига тегиб қўйди Чинни буви.— Келининг билан муросанг яхши бўлиб кетдими? Тунов кунлари аччиқ-араз бўлиб юрган ёдинг.

Келини масаласи Бувисоранинг энг нозик ери эди. Бу ҳақда гап очилса у бировга сўз бермас эди. Шунинг учун ҳам у қачондан бери ковшаб улгурмаган нонини бир ямлаб ютиб, гапира кетди:

— Келинмас, бир балои азимни олганман. На режани биледи, на мени ҳурмат қилади. Шовлага палов ёғини солади. Наҳотки хўрдага муштумдек пиёз тўғраса-я! Учоққа ўт ёқса, ёғи доғ бўлгунча бир боғ шох кеткизади. Ҳой, болам, исроф қилма, десам, балога қоламан. Тунов кун кириганингиздаги мошкичирини кўринг, турган-битгани ёғ. Ушанда ошхонага кириб қолсам, икки ошлик ёғ қозонда турибди, тагин ундан бир чўмичини олганим-да шундай ёғли бўлди.

— Қўй, қўй, бўлди, Бувисора, агар ўша кунги мошкичирингни ёғли десанг, кам ёғи қанақа бўлди, тўппондай эди-ку. Мен ёғлари тугаб қолган эканми, деб ўйловдим. Сен қоқшоқнинг қўлинг теккан экан-да.

Яна айвонда кулги кўтарилди. Бувисоранинг нафъси ичига тушиб кетди. У Чинни бувига гап қайтаришга журъат этмас, бирига ўн жавоб олишини биларди. Шунинг учун ичида алам қилса ҳам зоҳиран оғир ўтирди.

Муҳаббатнинг ўз ташвиши бор эди. Энди кампирларнинг гаплари унинг қулоғига кирмас, висол муддати яқинлашган сари Рустамни қандай кутиб олиш ташвиши босарди. Қани энди хилват бўлса-ю, бағрига ўзини ташлаб, бўйниларидан қучоқласа, юз-кўзларидан ўпса, шунча йил юрагида йиғилиб ётган дард-армонларини бир неча томчи севинч ёшлари билан тўкиб солса! «Уксиманг, Рустамжон ака, менинг кўзларим сизнинг кўзларингиз бўлади. Сиз кўзларингизни майшатда, айш-ишратда йўқотганингиз йўқ. Муҳаббатимнинг кўзлари ёруғ дунё-

ни бутун нафосати билан кўрсин, шоду хандон яшасин, беармон яшасин, деб ўтга кирдингиз, жонингизни тикдингиз. Бундай кишининг кўзи эмас, қалби дунё кўради, бутун вужуди кўз бўлади. Мен то ўлгунимча ёнингиздаман, кўзингизга кўз, қўлтигингизда таёқман», деса, айла-ниб-ўргилса! Афсус, бунинг ҳозир иложи йўқ. Бу сўзларни ҳозир айтолмагани билан барибир буни амалда қилади, бу ниятларини рўёбга чиқаради...

Машина эшик олдида тўхтаб, никоҳ келгандек қий-чув билан олдин болалар кирди, кетидан икки-учта ўспирин кўринди, кейин Холмуродов, Фозил Юнусов ва Рустам кўринди.

Рустам ҳарбий гимнастёркада бепогон. Оёғида янгигина этик, бошида юлдузи йилтиллаб турган пилотка. Белини ҳарбийчасига сириб боғлаган, кўзида қора кўзойнак, қўлида чиройликкина ҳасса! Госпиталда узоқ ётганиданми, юзлари анча оқаринқираган, унинг акси бўлиб, пилотка четларидан тўлқин уриб чиқиб турган қоп-қора сочлари яна ҳам қора кўринарди, жилва берарди.

Рустамнинг қаршисига ҳаммадан олдин пешвоз чиққан Ҳожия хола йиғлаб келиб, бағрига босди, айланиб-ўргилиб кифтларига қоқди. Ўзича нималарнидир гапирар, савол берар, яна ўзи жавоб қайтарар эди, гоҳ у юзидан, гоҳ бу юзидан ўпар, гиргиттон бўлар эди. Атрофда турганлар: «Бизга ҳам навбат келсин»,— демагунича онаизор соғиниб кутган арзандасини бағридан қўйиб юбормади.

— Нега йиғлайсиз, кампир? — деди уни бир четга олиб раис,— кулинг, қувонинг!

— Ўзим ҳам билмайман, бу йиғи савил қаёқдан кел-япти!..

Ҳовлида бўлганлар навбати билан бирин-кетин Рустам билан кўришар экан, Муҳаббат навбат кутгандек бир ёнда, ўртоқлари даврасида ҳаяжондан титраб айтадиган сўзи бору, уни ҳижжалаётгандек бир тарзда турар эди. Каромат бундоқ қараса, бу эркаклар, кампирлардан қизларга навбат келадиган эмас. Шунда одатини қилиб шангиллади:

— Ҳой, яхшилар! Бизлар ҳам бор!

Ана шунда Рустамни қуршаб турган эркаклар бир четга ўтишди, хотин-халаж орқага тисарилди.

— Юр, ўртоқжон! — деди Каромат Муҳаббатга. Қизлар Рустамнинг олдига келишгач, «аввал Муҳаббат кўришин!» дегандек унга қўйиб беришди. Ҳаяжон ва

кўпчилик салобатидан қора терга ботиб, юзлари бўртиб кетган Муҳаббат салом бериб, Рустам ёнига ўтди, унинг узатилган қўлини жон-жаҳди билан сиқиб кўришди. У Рустамнинг ҳам қўллари титраётганини ана шунда сездди. Лекин иккаласи ҳам тузуккина сўз айтолмади.

— Яхши юрибсизми? — деди Рустам.

— Омон-эсон келдингизми? — деди Муҳаббат. Кейин у яхши ният билан қишда эрмак қилган дўппини нимчаси остидан олиб, Рустамга кийгизди, титраган товуши билан:— Бошингиз омон бўлсин!!— деёлди холос. Аста айтилган бу сўз ҳамма нафасини ичига ютиб турганидан жаранглаб эшитилди. Қувончидан яна йиғлаб юборган Ҳожия хола қилтиллаб келиб Муҳаббатни бағрига босди.

— Умрингдан барака топ, қизим!— деди.



# ИККИНЧИ КИТОБ



**Бадний қайта ишловчи  
НАБИ ЮСУФИИ**

## 29. ҚАНОТСИЗ ҚУШ

Куз олтин хазина калитини деҳқонлар қўлига топширди: улар меҳнат ҳосилини йиғиштиришмоқда. Қариқартанглардан бўлак ҳамма далада. Кўча-кўйни бошига кўтариб ўйин-кулгидан бўшамайдиган болакайлар ҳам йўқ. Каттароқлари пахта теримида, қолганлари мактабда. Хуллас, қишлоқ эгасиз ҳовлидек ҳувиллаб қолган. Қарғаларнинг қағиллашию чумчуқларнинг чирқиллашини ҳисобга олмаганда, ҳамма ёқ сув сепгандек жимжит. Йиғим-терим бошланибдики, аҳвол шу. Ҳамма шовқин-сурон, ўйин-кулги, тарала-бедод далага кўчган. Қишлоқда қолган чол-кампирлар остона ҳатлаб, ташқарига чиқишмайди. Уларнинг ҳам ўзларига яраша юмушлари бор-да...

Ҳожия хола ҳовли саҳнидаги хазонни супуриб, йиғиштириб олгач, сув иситишчун ўчоққа ўт ёқди. У бир сидра кир ювмоқчи эди. Муҳаббат келин бўлиб келганидан бери холанинг юмуши ҳайтовур енгиллашди. Кечки овқатдан бошқасига хола қўл урмайди. «Энди сиз дам олинг», дейди Муҳаббат. Бироқ геримга тушилганидан кейин иши кўпайиб, рўзғорга қараёлмай қолди. Эрталаб барвақт кетади, кечқурун қош қорайгандан кейин қайтади.

Хола ташқарида ўз иши билан банд. Рустам Шокиров ўса ичкарида. У бошини кафтлари устига қўйганича, тўшак устида анчадан бери хаёл суриб ётибди. Кейинги пайтларда у серхаёл бўлиб қолди. Ўзи истамагани ҳолда, турли-туман фикрлар унга асокаш бўлиб, аллақаяқларга судраб кетади, борлигини унутишга мажбур қилади. Хаёл суришнинг яхшилиги шуки, бир нафас бўлса ҳам, кўзининг ожизлиги, мудҳиш туйғулар эсидан чиқади. Ўзини соғлар сирасида юргандек ҳис этади. Мана, ҳозир ҳам у хаёлан жонажон

мактабида, талабалар орасида юрибди. «Рустам ака!» деб югуриб келган болаларнинг бошини силайди. Уларнинг қирмизи галстук учини ўйнаб туриб бераётган саволларига жавоб қилади... Кейин Муҳаббат билан аҳд-паймон қилган йиллари ёдига тушиб, кўнгли олам-жаҳон севинчга тўлади. Анҳор бўйидаги учрашув... Қандай тотли эди ўша дақиқалар! Муҳаббат, унинг севги тўла ёниқ кўзлари, ширин табассуми. Жилмайганида ўзига хўб ярашиб турадиган кулдиргичлари. Айниқса иссиқдан бўртган юзлардаги марварид терлар... Булар Рустамга аён кўрингандек бўлади. Ана ўша кулгиси чиройли, истараси иссиқ қиз уни жон-дилдан севди, йўлини кутди. Рустам ожиз бўлиб қайтганида ҳам севгисига содиқ қолиб, у билан бир ёстиққа бош қўйди. Эҳ-ҳа, шунга ҳам талай вақт бўлибди. Севги заминидан янги ниҳол ўсиб чиқди, уларнинг иттифоқини яна ҳам мустаҳкамлади, узилмас занжир билан боғлади.

Рустамнинг хаёлига ўғли Адҳамжон келди. «Наҳотки, унинг юз-кўзларига оталик меҳри билан бирор марта боқолмасам? Жавдираб турган мунчоқдек кўзларини, лўпли юзлари билан жажжи лабларини кўришдан умрбод маҳрум бўлган бўлсам?!» Рустамнинг кўнглини ёритиб турган ширин хаёллар бирпасда йўқолиб, дили хиралашди. У ожизлигини, айниқса кўпчиликдан, қайноқ меҳнат қўйнида жавлон ураётган тенгқурлари, ёру биродарларидан ажралиб, уйда қамалиб ётганини асло тан олгиси келмасди. Фронтда не-не қийинчиликларга бардош берган Рустам бунақанги ҳаётга чидаёлмас эди. Ахир, нимага ҳам чидасин? Туғилиб-ўсган уйда бемалол қадам ташлай олмай, сонсиз-саноксиз тўсиқларга урилаётганигами? Ҳали деворга, ҳали эшик кесақисига, ҳали дарахтга пешанаси тегиб, кетма-кет гурра бўлаётганигами? Оёғи остидаги идиш-товоқларни босиб олиб, синдираётганигами? Бир кўнгилсиз воқеа хаёлидан сира нари кетмайди.

...Тўйдан сал илгарироқ, Ҳожия хола ўчоқ бошида ош дамлаётган эди. Ишдан қайтган Светага «Ош пишгунча, сен шакароб тайёрла, қизим»,— деди. Света боғюга ўтиб, помидор, пиёз, бодринг узиб чиқди. Ҳовли ўртасида, гуллар ёнидан оқаётган ариқчага келиб яхшилаб ювди. Кейин супага чиқиб шакароб тайёрлади. Хушхўр бўлсин деб кўк қалампир узгани яна боғчага кириб кетди. Уйда ёлғиз ётавериш дикқинафас бўлиб кетган Рустам шу пайт ҳовлига чиқди. Битта-битта юриб, супага кўтарилди-да, кўрпача томонга қадам қўйиши билан косадаги шакаробни босиб

олди. Рустам чўчиб, мувозанатини йўқотди. Қалқиб, сал нарида ётган пичоқни босиб олди. Оёғидан тирқираган қон бир зумда шолча ва кўрпачаларни бўяди. Света боғчадан чиқиб қарасаки, иш чатоқ. Қўлидаги қалампирни гул тагига ташлаб, Рустамнинг ёнига югурди.

— Вой ўлмасам!.. Кечиринг, Рустам ака, айб менда! — деганича тиббий пунктга югурди.

Светанинг ўкинчини эшитиб, хола ҳам чопиб келди. Света йод билан дока келтиргунча, у кигиз куйдириб, Рустамнинг оёғини боғлади.

— Қўйинг, хола, йод суркаймиз.

— Йўқ, қизим, қон тўхтади. Йодни кечаси суркаймиз.

Орадан нохушликни кўтариш учун Рустам «ҳечқиси йўқ, тузалиб кетади», деб онаси билан Светага тасалли берди. Лекин ичидан ўтганини фақат ўзи билди.

Дастурхонга ош келди. Бироқ «олинг-олинг» дейишарди-ю, қўллари лаганга бормас эди. Учовлари ҳам бошларини қуйи солиб, ғамгин ўтиришарди. Яхши ҳам Евдокия Васильевна билан Муҳаббат кириб келишдию уйга жон кирди...

Бугун ҳам Рустамнинг юраги ҳар галгидек сиқилиб ўрнидан турди. Ташқарига чиқиб, ҳовлида кир юваётган онасининг ёнига борди.

-- Ойи, вақт эртами ҳали?

Ҳожия хола ўғли нима сабабдан вақтни сўраётганини дарров фаҳмлади.

— Йўқ, ўғлим. Адҳамжонинг ҳализамон келиб қолади.

Рустамнинг юрагига бирдан чироқ ёқилгандай бўлди. Беихтиёр кўча эшиги томон юрди. Эшик олдида тўхтаб, узоқларга «тикилди». У ҳар куни шу таҳлитда тўрт-беш марта ташқарига чиқиб, эшик ёнида турар, Муҳаббатнинг йўлини пойларди. Унинг назарида Муҳаббат ўғлини кўтариб келаётгандек бўлаверарди. Шу турганича, унга на кузнинг изғиринию на рутубати таъсир қиларди. Мана, ҳозир ҳам шундай. Рустам анча турди. Муҳаббатдан ҳадеганда дарак бўлавермагач, кетига қайтди. Яна мудҳиш хаёллар оғушига тушиб қолмаслик учун бир неча муддатдан бери машқ қилаётган дуторини қўлига олди. Муҳаббатдан ўрганган куйини такрорлаган бўлди. Лекин дутор унга кажровлик қилгандек туюлди. У Муҳаббатнинг қўлида бошқача сайрайди-да. Дуторни жойига қўяётган эди «ғийқ» этиб эшик очилди. Рустам сергакланди.

— Ойи, сизмисиз?

— Йўқ, менман Рустам ака. Зерикмадиңгизми? — Бу Муҳаббатнинг овози эди.

— Ие, сизмисиз? Ҳорманг, чарчамай келдиңгизми?

Муҳаббат ҳозиргина йўлини тўсиб, бир талай панднасиҳат ўқиган Махсумдан дили хуфтон эди. Уйга келакелгунча амакисининг гапларидан кўнгли ғашланди. Ҳатто дугоналари билан бирга юриш ҳам кўнглига сиғмай, ўзи ёлғиз йўлга чиқди. Амакисининг гапларидан қўланса ҳиди келарди. Шу гапларни эрига айтиб, юрагини бўшатгиси келса ҳам, Рустамнинг таъбини хира қилишни истамади. Шунинг учун эшикдан кириши биланоқ ўзини тетик ва хурсанд кўрсатишга тиришиб, ўғлининг тилидан гап қотди:

— Яхмат, адажон. Ойинлани чайчатганим йўқ, ёйдамлашдим.

Муҳаббат болани Рустамга узатди. Бола қушдай талпиниб, отасига интилди. Рустам кўзи соғ одамлардай ўғилчасига тикилиб, пешанасидан ўпди-да, уни бағрига босганича бурнини «оҳ, оҳ» деб гўдакнинг сочига ишқай бошлади.

— Ҳой адаси, нима қиялпсиз? — сўради Муҳаббат эрининг қилиғига ҳайрон бўлиб.

— Ҳидлаяпман, гулимни ҳидлаяпман. Бунақанги ёқимли ҳид дунёда бўлмайди...

— А. шунақа денг, — завқланиб кулди Муҳаббат. — Бошқа болаларда ҳам бўлармикин бундай ҳид?

— Ахир, ҳар кимники ўзига — ой кўринади кўзига, деган гапни эшитмаганмисиз? Мен гарчи...

— Мен ҳамми, — эри нима демоқчи бўлганини билиб, гапини оғзидан олди хотин, — шу денг, яслига элтиб қўяман-у, кейин кечгача минг хил хаёлга бораман. Яслидан яна олгач, жон ўзимники бўлади.

— Мени айтмайсизми, Муҳаббатхон. Кундузни-ку бир амаллаб ўтқазаман. Кеч кириши билан фикру хаёлим эшикда бўлади.

— Фақат ўғлингизни соғинасизми?

— Ўзингиз ҳам биласизу буни. Сиз бўлмасангиз бу еримта жоним қаёққа сиғарди... — Рустам оғир хўрсинди.

— Нархимни ошириб юборманг. Талтайиб кетаман, Рустам ака.

— Мен бор гапни айтдим. Лекин сиз...

— Рустамжон ака, — гапни илиб кетди Муҳаббат, — кўнглиңгиз тўқ бўлсин. Шамол хас-чўпни учиради. Хар-

сангни ҳам кўтарсин-чи! Биламан, сизга қийин, ёлғиз қийналасиз. Ҳадемай, Адҳамжон ўсиб, сизга... (Муҳаббат «асокаш бўлади» демоқчи эди, лекин вақтида тилини тийиб, гапини тўғрилаб олди) кўмакдош бўлади, қўлтигингизга кириб дала-тузга, биз ишлаётган ерларга бошлаб боради. Баҳри дилингиз очилиб қайтасиз.

— Тилингизга шакар, — деди ичидан бир хўрсиниб Рустам. — Даланинг ўзини кўрмасам ҳам, ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олсам қанийди... Фронтдалигимда шу далаларни соғинганим-а! Кўз ўнгимдан доим дала шийпоингиз, шийпон олдидаги гулзор, сиз турардингиз.

Эҳ... қандай ширин хаёллар сурардим... Биласизми, гулларнинг ранги ҳали-ҳали эсимда: оқ, қизил, сариғ...

— Рустам ака, Самадбувани биласиз-а? — деб гапни яна чалғитди Муҳаббат. — Юқори маҳаллалик ўзи. Уша киши оқ гулга қизил гулни пайванд қилган экан, бир тупда ҳам оқ, ҳам қизил гул очилаётганмиш...

— Ҳа, гул яхши нарса... фронтдалигимда далани эсласам сиз, сизни эсласам дала эсимга тушарди. Ҳозир ҳам шундай. Эҳтимол, далага чиқолмайдиган бўлиб қолганимдандир. Қани энди Адҳамжон тезроқ катта бўла қолса!

— Балки унгача кўзингиз ҳам очилиб қолар? Ахир, профессор Филатов очилиши мумкин деган-ку.

— Кошкийди...

Муҳаббат ўтган йили Рустамни одессалик машҳур кўз доктори Филатов ҳузурига олиб борган эди. Шунда профессор Рустамнинг кўзини муолажа қилиб, дори-дармон ёзиб бергач: «Кўриш томирларингизга путур етган. Ёшларнинг томири ўсиб, қувватга киради. Бир-икки йилдан кейин чироқ нурини кўрадиган бўласиз. Шунда клиникага келиб, учранг», — деган эди. Профессорнинг бу гапи Рустамни севинтириш ўрнига, бешбаттар хафақон қилди. Шунда Муҳаббат кўнглини кўтариш учун қилмаган ҳаракати қолмади.

Мана ҳозир ҳам Рустам тақдиридан нолиб, бошини ҳам қилиб ўтирганида, Муҳаббат ана шундай гаплар билан кўнглини кўтарди.

— Рустам ака, ахир, сиз жангчи, яъни бардошли одамсиз. Филатовнинг гапига ишонинг. Арзимаган ишга куйиниб, ҳар нарсани ичингизга солаверманг. Ахир, сиз улоқ чопиб майиб бўлганингиз йўқ-ку. Кишиларнинг бахти ва ўрки учун жонингизни тикиб, фронтга кетдингиз. Борди-ю қайтмаганингизда нима бўларди? Ожизлигингиз

умрбод эмас. Ҳозирча вақтингизни чоғ қилиб ўтираве-ринг. Худо хоҳласа, кўзингиз кўрадиган бўлиб кетади!

— Ҳзим ҳам анча кўникиб қолдим. Сиз борсиз, она-миз борлар, Адҳамжон... Бир одамнинг бахти шунчалик бўлар-да...

— Манави гап — гәп! — Муҳаббат шарақлаб кулди.

Рустам бир оз жим тургандан сўнг кафтини хотини-нинг елкасига қўйиб, яна ўз «достони»ни бошлади:

— Муҳаббатхон, жонгинам, профессорнинг айтгани бўлгандир? Ҳеч бўлмаса, сизнинг юзингизни тагин бир марта кўрай!

Муҳаббатнинг юраги орзиқди. Чунки профессор Фила-тов Тошкентдан аллақачон Одессасига кўчиб кетган. Буни Муҳаббат, Света ва Фозилдан бошқа ҳеч ким билмайди. Рустамдан сир сақлашади. Агар буни эшитиб қолса, этни еб, адои-тамом бўлади. Нима қилсаям, кўнглининг бир чеккасида профессорга илинж сақлаб қўйган-да. «Кўзим-га шу одам рўшнолик бера олади. Ишқилиб, бахтимга ум-ри узун бўлсин», деб такрорлайди баъзан. Хўш, шундай экан, Муҳаббат қайси тил билан уни кетиб қолди дейди? Йўқ, Рустамнинг кўнглини чўктирувчи бундай нохуш гап-ларни айтгандан кўра, тилини чайнаб, ичига ютиб юбор-гани яхши!

— Олиб бораман, Рустам ака, албатта, олиб бораман. Фақат ҳозир мавриди эмас. Йиғим-теримни олайлик, ун-гача кўзингиз ҳам анча дармонга киради.

— Майли, Муҳаббатхон, сабр қиламан...

Ўзига қолса, Муҳаббат Рустамни ҳозироқ Филатовга олиб боради. Бироқ ўртада Адҳамжон бор. Ташлаб кетиб бўлмайди уни: ҳали эмчакдан чиққан эмас. Олиб кетай деса, яна қийин. Суяги қотмаган бола билан қаҳратон қишда узоқ сафарга чиқса, уни дардчил қилиб қўйиши мумкин. Муҳаббат шуларни ўйларкан, Адҳамжонни Рус-тамдан олиб, йўргагини бўшатди. Чақалоқ қўллари бў-шаши билан, бармоғини сўра бошлади.

— Нима қиляпти? — сўради Рустам.

— Қаранг-а, қорни очиб, ҳадеб қўлини сўряпти, — кул-ди Муҳаббат.

Шунинг устига Ҳожия хола кириб келди.

— Вой келин, қачон келдинг? Сезмай қолибман, — деб хола дастурхон ёзишга унади.

— Ҳозир келдим, менга бера қолинг, — Муҳаббат қай-нонаси қўлидан дастурхонни олиб, хонтахта устига ёзди.



Кейин Адҳамжонни енгил-елпи ўраб, Рустамга тутқазди-да, кампир кетидан чиқиб кетди. Косаларда овқат олиб келиб ўртага қўйди. Ҳожия хола овқат орасида гап бошлади:

— Ишларинг дуруст кетяпгими? Каромат чеварники қалай?

— Ҳозирча баравармиз. Сал бўшашсам, ўзиб кетиши мумкин.

— Каромат бало чиқди, умрингдан барака топкур. Гапдаям бор, ишдаям.

— Ойи, қудангиздан хабар топдингизми? Бугун далада кўринмадилар,—Муҳаббат ташвишланиб сўради.

— Боя келиб кетди. Дуся холангнинг тоби қочган экан, уни ташлаб далага чиқолмабди. Бизга хат бор экан, олиб келибди. Нима хат экан, кўргин-чи, келин?— У чўнтагидан бир конверт чиқариб келинига узатди.

Тўйдан кейин кўп ўтмай, Санобар хола ёлғиз қолганини рўкач қилиб, Евдокия Васильевналарнинг кўчиб киришларини саза қилган эди. Бу гап ҳаммага маъқул бўлди. Нафсиламр айтганда, Санобар холага оғир Ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз яшашдан ёмони йўқ. Дуся хола шу томонини ўйлаб, кўчиб киришга рози бўлди. Света келгач, Санобар хола қизининг уйдан кетганини ҳам унута-ёзди.

Муҳаббат хатни ўқиб чиқиб:

— Сизни собесга чақиршибди, Рустамжон ака. Эртага шийпонга ўтсангиз, бирорта машинада бориб келасиз,— деди.

Овқатдан сўнг Ҳожия хола кўп ўтирмай чиқиб кетди. Рустам ёстиққа ёнбошлар экан:

— Фозилни кўрмадингизми, бугун дараги бўлмади?— деб сўради.

— Ҳа, кўрдим. Бедапоя бузишяпти, ишлари жадал. Юринг, овқатланиб келасиз, деган эдим, «Пичоғимиз мой устида, Муҳаббатхон, шундай долзарбда тракторчи зотини оч қўйишармиди?» деб унамадилар.

— Ҳа, меҳнатга ўзини тиккан у. Фронтда ҳам бирпас тек туrolмас эди. Баъзида якка ўзи ўйлаб немисга бас келарди. Юрагида ёли бор йигит. Севгилиси Катяни айтмайсизми. Агар у бўлмаганидами, Муҳаббатхон, мен ўша машинамиз милага урилган ерда ўлиб кетган бўлардим. Бир қўлидан яраланганига қарамай, ҳам ўзини, ҳам мени ўлимдан қутқазди.

— Катядан хабар бўлмай қолди-я? — хавотирланиб сўради Муҳаббат.

— Мен ҳам ҳайронман. Фозилнинг бахтига ишқилиб, омон юрган бўлсин. Бечора яхши ният билан иморат солди.

— Уруш тугагандан кейин хат ёзган эди, шекилли?

— Ҳа, эсимда.

Рустам тинчлик даврида ҳам кутилмаган фожиалар рўй бериши мумкин, демоқчи эди-ю, аммо:

— Сабр қилиш керак, бирор ердан дараги чиқиб қолар,— деб қўя қолди.

Муҳаббат ўғлини йўргаклай бошлади. Кейин каравоғчага ётқизиб, Рустамга юзланди:

— Китоб ўқиймизми?

— Улманг. Ўзим ҳам айтайми, деб турувдим.

Муҳаббат тоқчадан китобни олиб, кеча тўхтаган жойидан ўқишга киришди.

### 30. ДУСТ ЕМОН КУНДА...

Фозил шу қишлоқда турғун бўлиб қолди. У Рустамдан илгари фронтдан қайтиб, ўз қишлоғи Паркентда ишлаб юрарди. Бир куни дўстининг онаси Ҳожия холани, Евдокия Васильевна билан Светаларни кўргани келди.

Ҳожия хола ёлғизликдан зерикканини айтиб: «Ўғлим, бизникида қола қол. Рустам келгунча йўқлигини билдирмай тур», деб ялинди. Фозил оналик меҳри жўш уриб турган бундай меҳрибон кампирнинг гапини ерда қолдирмас эди-ю, бироқ «колхоз билан ҳисоб-китоб қилиб, сўнг келарман», деб тайсалланди.

Аслида бошқа андишаси бор эди. Света шу уйда туради. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, бўйи етган қўғирчоқдек қиз, «шунинг илинжида келди бу гўрсўхта» деган гап тарқалмасмикин? Бир шалоқ оғзидан чиққан бир оғиз тутқасиз сўз минг оғиз бўлиб болалаб кетиши мумкин! Бунақа гаплар Катянинг қулоғига етса борми!..

Рустам келгандан кейин эса хола илтимос қилмаса ҳам, қолишга мажбур бўлди. Чунки унинг ёнида бўлиши шарт эди. «Бир қўлтиғига Муҳаббат, иккинчи қўлтиғига мен кириб, кўнглини овлаб турмасак бўлмайди», деди-да, ўша ҳафтанинг ўзидаёқ кўчиб келди.

Муҳаббат Фозилни МТС трактор бригадасининг механигига учраштирди. Шу-шу Фозил рулевиклик қилади. Бўшаб қолганида келиб, Рустамнинг ёнидан жилмайди.

Гоҳ оқшомлари Рустамларникига йигитлар — Собиржон, Эрбўта ва мактаб ўқитувчилари йиғилишади. Дутор чалиб, ўйинга тушишади, ашула айтишади. Ишқилиб; бир нафас бўлса ҳам, Рустамнинг кўнгли ёришса, лабида салгина табассум уйғонса, буларга бундан бўлак нарсанинг кераги йўқ. Йигитларнинг бари фронтдан қайтган жангчилар. Ораларида бирон жойидан жароҳатланмагани йўқ ҳисобда. Ҳар ҳолда бутунроғи Фозил. У ҳам чап оёғининг тўпиғидан ажраган. Протезга шунчалик ўрганиб кетганки, юрганда ногиронлигини ўзи ҳам сезмайди.

Фозил уззукун қишлоқда. Унинг бирдан-бир эрмаги — трактор. Гоҳ унинг шикаст-рехтини тузатса, гоҳ гурилла-тиб, далани бошига кияди.

Номи ҳадемай эл оғзига тушди. Колхоз раиси шундай йигитни қўлдан чиқариб юбормасликни ўйлаб қолди. «Ватансиз, сўққабош йигитнинг орқа этагида оғирлиги бўлармиди? Бугун бу ерда бўлса, эртага у ерда, индинга қаерда бўлишини худо билади». Шу хаёл билан раис Фозилни ҳузурига чақиртирди:

— Ўғлим, меҳнаткаш йигит экансан. Менга ёқиб қолдинг. Бўш ётган уйлاردан бирини сенга берайин. Кўп ремонт талаб қилмайди. Кейин колхозимиздаги қизлардан кўнглинг хоҳлаганини танла. Кўпчилик бўлиб, уйлантириб кўямиз.

Фозил раиснинг саховатидан мамнун жилмайди. Қўлини кўксига қўйиб:

— Раҳмат, раис тоға, илтифотингизга қуллуқ! Менга уй керакмас, Паркентда бошпанам бор,—деди.

— Ие, кетмоқчимисан?— таажжубланиб сўради раис.

— Йўқ, кетиш учун келган эмасман. Мақсадим шу ерлик бўлиб қолиш.

— Ундай бўлса, уйни ол, ўғлим. Номингга расмийлаштириб бераман. Ўзингники бўлади.

— Мен Рустам Шокировга яқинроқ туришим керак. Агар мени уй-жойли қилмоқчи бўлсангиз, унинг ёнидан томорқа беринг,— деди Фозил.

— Ундай бўлса, жуда соз! Буни бугун-эрта правлениеда кўриб, қарор чиқариб берамиз. Уй учун беш-олти туп терак кесиб олишингга ҳам рухсат этамиз. Устадан ёрдамлашамиз.

Раис уйланишдан сўз очган эди, Фозил:

— Йўқ, раис тоға, бунисини ўзимга қўйиб берасиз,— деди.

Фозил севгилиси фронтда юрганини, тўй у келгандан кейин бўлишини айтишга ийманди.

— Уй битаверсин-чи. Кейин кўрармиз,— деб қўшиб қўйди.

Аслида Фозил одам қўйса, унга жон-жон деб тегадиган қизлар қишлоқда кўп эди. Халол меҳнати билан ёшу қари ўртасида иззат-обрў қозониб бораётган Фозил Юнусовга ҳар бир қизнинг ҳаваси келарди. У фақат меҳнати билан эмас, балки яхши хулқ-атвори, одамийлиги, гап-сўзининг бамаънилиги, катта-кичikka бир хилда муомала қилиши билан ҳам ажралиб турарди.

Фозил қизлар билан учрашиб қолганда иш устида бўлса ҳам, бир нафас ўтириб суҳбатлашини яхши кўрарди. Гоҳ лутф гаплар билан, гоҳ латифалар айтиб кулдирад, ўзи ҳам хандон отиб куларди. Кейин ирғиб ўрнидан турарди: «Кечирасизлар, «қора шерим» кутиб қолди», дея трактори томон чопиб кетарди. «Жуда қизиг-а! Одатда қизлар йигитлардан қочса, бу қизлардан қочади» деб одамлар ҳайрон бўлишарди.

Қизларнинг ишбошиси Каромат ҳам бир куни «Ишлашни «қора шер»нинг эгасидан ўрганиш зарур!» деган эди.

Муҳаббат дам олгани чиққанини кўриб, Каромат унинг ёнига келди. Майсага ёнбошларкан:

— Булбулчахон, чарчадингми?— деб ҳазил қотди.

— Ўзинг чарчабсан-ку. Келибоқ ётиб олдинг,— деди кулиб Муҳаббат.

— Сенга ўхшаб севгим билан ёнимда бўлганда-ю, ҳу анави,— у қўли билан Фозилнинг тракторига ишора қилди,— «қора шер»дай ишлардим-а.

— Кўп ўкиनावерма, ўртоқжон. Қора хат келганларнинг кўпи тирик чиқяпти. Қайтганлариям бор. Зора Қосимжон аканг ҳам тирик бўлса...

— Еш болага ўхшатиб овутасан-а?! Ҳе...— Каромат бир қўл силтаб ўрнидан турди.

— Нега жаҳлинг чиқади? Келганларни кўрмайсанми?

— Кўряпман-у, лекин меники қайтмайди. Қора хат Қосимжоннинг командиридан келган,— хўрсинди Каромат.

— Еўлмаса, «қора шер»нинг эгаси билан таниш. Овсин бўлайлик...

— Жим! — овозини иложи борича пасайтириб шивирлади Каромат. — Жим! Яна биров эшитиб қолмасин!

Муҳаббат Кароматни синамоқ учун айтди бу гапни, Кароматнинг жаҳли чиқиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Шундай бўлишини билганида, дугонасини ранжитмас эди, албатта.

— Қўй, Каромат, хафа бўлма. Бир ҳазиллашдим-да. Фозил акам юрагида ёли бор асл йигит. Унинг худди ўзи-га ўхшаган диловар ёри бор. Оти — Катя.

Дарҳақиқат, Фозил фақат Катяга илинж сақлар эди. Қандай ҳам сақламасин? Илк муҳаббатининг биринчи куртаги Катяни кўриб, гунча очган. Эртаю кеч кўнгли мудом Катяни қўмсайди.

Катянинг хаёли Фозилга ёлғизлигини билдирмас. Кўзи олдида ҳамиша Катя турар. У билан гаплашар, чақчақлашар эди... Мана, ҳозир ҳам тун ярим бўлганига қарамай, Фозил тракторида эски бедапояни ағдаряпти. Пича мизғиб, тиниқиб олишни ўйламайди ҳам. Қўли рудда-ю, хаёли Катя билан аллақарларда кезади. Мана, соқин тун, теракзор. Катянинг эғнида енгил шойи кўйлак, сочи орқага турмакланган. Оёғида баланд пошнали оқ туфли. Оппоқ билагида олтин соати нур сочиб турибди. «Катюша, сени орзиқиб кутганимни билсанг эди!» деб бағрига босгандек бўлади Фозил...

Уруш тугагач, кўп ўтмай Катядан хат олди. Хатда: «Федя, ғалабамиз билан сени табриклайман! Бизнинг қисмимиз Германия территориясига кириб борганининг учинчи куни уруш тугади. Шу куни қисмимизда катта байрам бўлди. Жангчилар, офицерлар бир-бирлари билан қучоқлашиб, ўпиша кетишди. Ана шу дақиқаларни сен ҳам кўрганингда, кўзларинг қувончга тўларди! Уч йиллик тортган азобим шу ондаёқ унутилгандек бўлди. Федя, кўришадиган кунимизга яқин қолди! Унгача сени гоёибона бағрига босиб, ўпиб қолувчи Катя».

Фозил Катянинг ана шу хатини олганидан кейин ро-са севинди. Уша кундан бошлаб, уйнинг чала ерларини битказишга киришди. Битта уйнинг полини қоқиб, деворини қумсувоқ қилди. Ҳафсала билан оқлаб, эшик-деразаларни мойлади. «Катя келиб қолар», деган умид билан яна анча ишларни қилди. У тўй тараддудига ҳам тушиб қолган эди. Бозорга тушиб, севгилисига бошдан-оёқ сарпо олди. Рўзғор асбобларини бир сидра тайёрлаб қўйди. Тўй учун новвос харид қилиб, подага қўшди. Лекин ўша хат-

дан кейин Катядан ҳеч дарак бўлмади. Шунга ҳам беш ой бўлиб келяпти. Ҳатто жанг майдонидан тез-тез хат ёзиб турадиган Катя нега бирдан жимиб кетди? «Тинчмикан, ёки?» У бир сёсканиб тушди. Фозил севгилиси тўғрисида хаёл сурар экан, ҳар гал шундай бўларди. Гоҳо руль қўлидан чиқиб кетганини ўзи ҳам билмай қолиб, тракторни зўрға йўлга солиб оларди. «Наҳотки муҳаббатимиз фожиа билан тугаса? Йўқ, йўқ, ундай бўлмайди! Ахир, уруш тугади-ку. Катя омон-эсон келади. Фақат мени куйдириш учун шундай қилаётгандир. Ҳар ҳолда қиз бола-да, унинг ўзига яраша ноз-карашмаси бўлади!» Фозил ўзига-ўзи шу хилда далда бериб, тетиклашиб оларди.

### 31. СВЕТА

Ёз бўйи кишининг баҳри дилни очиб, танасига ором берувчи майин шабада ноябрь ойнага келиб, салқин, ҳатто этни жунжитадиган изғиринга айланди. Қуёш тик кўтарилиб, саховат билан нур сочиб турган бўлса ҳам, эрта-лабки изғирин ҳали кучини йўқотмаган. У қуёш билан ўчакишгандек гоҳ кучаяди, гоҳ сусайгандек бўлади. Кучайганида дарахт баргларини учириб, кўчаларга, ҳовлилар саҳнига, томлар устига сочади. Олтиндек сарғайиб, қовжираб ётган хазон уюмлари бошқаларникига қараганда Фозилникида айниқса кўпроқ.

Аёлсиз ҳовли табиий, супуриб-сидирилмаган бўлади. Фозил бунга парво қилмай чиқиб кетаверади. Йўқ, у асли озодаликни яхши кўради. Бироқ, шу кунларда бунақа ишларга фурсати йўқ. Пахта терими тугагунча, бедапояларни, картошка, помидор ва полиз экинларидан бўшаган ерларни шудгордан чиқармаса бўлмайди. Йўқ эса, кузги иш баҳорга қолади.

Пахта терими бошланмасдан аввал Муҳаббат, Света ва Каромаглар бу ҳовлидан хабар олиб туришарди. Айниқса Каромат дам Светани, дам Муҳаббатни қистаб: «Юр, ўртоқжон, қўлимиз бўшлигида Фозил аканинг ҳовлиларидан хабар олайлик. Ҳеч бўлмаса, сув сепиб супуриб келайлик», дерди.

Фозил билан унинг севгилиси Катянинг саргузаштини Муҳаббатдан эшитгандан кейин, Муҳаббатнинг кўнглида Фозил Юнусовга нисбатан алланечук илиқ туйғу пайдо бўлди. Йўқ, бу том маънодаги севги эмас, балки чинакам

сингиллик, дўстлик ҳиссиёти эди. У Катя тўғрисида эшитганларини дугоналарига айтиб берганида, Азиза, Қўмри ва бошқа қизларнинг оғизлари очилиб қолди. Уларнинг назарида, йил-ўн икки ой далада тинмай меҳнат қилганлари, мўл ҳосил етиштириб, ҳаммасини давлат мудофаа фондига топширганлари — буларнинг ҳаммаси Катянинг жасорати олдида арзимайдиган иш бўлиб туюлди.

— Ана, қиз бола деган бундоқ бўлибди,— деди Қўмри. — Қизман деб ўтирмай жанг майдонида ўзини кўрсатибди. Йигитлар ҳам анойи эмас. Ном чиқарган қизни сайлаб севишади.

Шунда Каромат:

— Йўқ, ўртоқжон, бизни ҳам кўп ерга урма. Биз бўлмасак, бу ердаги ишларни ким қиларди? Галабада ҳиссамиз бор, деб фахрлансак арзийди,— деб жавоб қилди.

Терим бошлангач, Фозилнинг ҳовлисидан хабар олишга қизларнинг қўли тегмай қолди. Муҳаббат звеносидаги қизларнинг юз килограммдан камига шартлашгани йўқ. Нормани бажармаган кишининг номи шу кунгича шийпондаги тахтага тушади, бригада аъзоларига кулги бўлади.

Фозил тун ярмидан оққандан сўнг, ишни мўлжаллаган ерига етказди шекилли, тракторини тўхтатиб уйига қайтди. Шундагина роса чарчаганини сездди. Каравотига ётиши биланоқ маст уйқуга кетди.

Бировнинг «Фозил ака, ҳў Фозил ака!» деган овозидан чўчиб уйғониб кетди. Яна бирпас чўзилиб ётмоқчи эди, эшик тақиллаб, яна бояги овоз эшитилди. Фозил ичигиб ўрнидан турди-да, ташқарига югурди. Эшик орқасида Света турарди.

— Келинг, синглим, тинчликми?

— Тинчлик, уйингни саранжомлаб берайми, деб келган эдим. Анчадан бери хабар ололмадим. Безовта қилдим шекилли?— Света ичкари кирар экан, Фозилга назар ташлади.

— Нега энди, Сапураҳон, сизни мен безовта қилмаган бўлсам бўпти.

Света қишлоққа келганидан бери уни Сапура деб чақирарди. Чунки унинг номини эслаб қолиш қарияларга қийин туюлди. Ҳар куни ишлари тушиб турадиган бу қизнинг исмини колхозчилар осонгина Сапураҳонга айлантириб олишди.

— Айтгандек, Муҳаббатни кўрган эдим. Рустамжон акам собесга борар эканлар. Соқолларини тарошлаб қўяркансиз.

— Жоним билан.

Фозил уйга кириб кийимини алмаштирди. Кейин шкаф тортмасидан устарасини олиб, дўстиникига чиқиб кетди.

Света ҳовли саҳнини супуриб, хазонларни картошка ўраининг четига гўплади-да, ўт қўйиб юборди. Бир чеккада сочилиб ётган жўхориларнинг пўстини арчиб, қогга солди. Ҳовлидаги ишларни тугатиб бўлгач, уйга кирди. Намат устини ҳафсала билан супурди. Идиш-товоқларни сочиқ билан артди. Кейин каравот устини тузатиб, оқ чойшаб ёпиб қўйди. Света ҳамма ишларини тугатганидан кейин, икки дераза ўртасидаги деворга илиб қўйилган рамкадаги суратга тикилди. У бу суратни жуда кўп кўрган. Нальчикда ҳам Катя бу суратни Светага кўрсатган эди. Катя суратда ниҳоятда яхши кийинган. Сочларини ҳафсала билан тараб, орқасига турмаклаган. Упа-эликдан ҳам бир оз ишлатиб, яна ҳам чиройлироқ кўриниш учун лабининг ёнига хол туширган.

Ушанда Фозил ваъдалашган ерида, яъни Нальчикдаги номи кетган суратхона ёнида севгилисини узоқдан кўриб, ҳайрон қолган эди. «Катянинг тенги йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас! Бунақанги қизни Нальчикдан, йўқ, бутун Шимолий Кавказдан ҳам топиб бўлмайдилар! Унинг ўзи битта яратилган!» Фозил шаҳарнинг гавжум маркази бўлишига қарамай, севгилисини бағрига босгиси келган эди. Лекин ўзини тийганди. У севгилисининг биллагидан маҳкам ушлаганича фотографияга кирар экан:

— Узгариб кетибсан-ку, Катя. Эҳтиёт бўл, қарчиғайлар кўп. Чангалларига тушиб қолмагин тагин,— деганди кулиб.

— Ёнимда бургут бўлганидан кейин, қарчиғайларга йўл бўлсин,— деб кулган эди Катя ҳозиржавоблик билан.

Ана шу сурат, орадан тўрт йил ўтган бўлса ҳам, ҳамон туси ўзгармаган. Катянинг кўзларидан бахт учқунлаб турибди. Лабига қўнган табассум муҳрдек қотган. Светанинг рўпарасида сурат эмас, дугонасининг жонли қиёфаси вамоёндек эди. Света унга тикиларкан, юраги орзиқиб кетди. Юраги аллақандай мудҳиш воқеани сезгандек вужудиши титроқ босди. «Қадрдон Катюша. Нима бўлдий-



кин сенга? Нега дом-дараксиз кетдинг? Фозилинг ҳамон йўлингга интизор. Хатинг тўхтаб қолган бўлса ҳамки, нохуш хаёлларни ўзига яқин келтирмайди. Тўрт йил орзумид билан кутган ёрини уруш тамом бўлгандан кейин йўқотиб қўйиш... қанчалар оғир».

## 32. ЮРАКҚА ЯНА БИР ЗАРБА

Фозил кириб келганида, Рустам уйда ёлғиз эди. Муҳаббат тонг ғира-ширасидаёқ пахтазорга жўнаган. Ҳожия хола эса қуёш кўтарилиши биланоқ Адҳамжонни йўрғаклаб, яслига олиб кетган. Шундан кейин ҳовлига яна жимлик чўккан.

Рустам кўрпачада чалқанча ётиб, бошини кафтига қўйганича, хаёл суради. Илгаригидан эти қочиб, ёноқ суяклари бўртиб чиққан. Чаккасида уч-тўртта чизиқлар ҳосил бўлган. Энди зиёлиларга ўхшаб олифта кийинмайди ҳам. Ёқаси букик тўр кўйлак устидан пахтали нимча ва шим кийган. Хонага печь ёқилган бўлса ҳам, бу кийимларини ечмайди. Утиравериб пайлари бўшашиб кетган шекилли, салгина совуққа эти увишади.

Фозил эса, ҳали ҳам тетик, бақувват, бардам. У яна ҳам тўлишган, бир оз тана қўйиб, кифтига одам ўтирса бўладиган даражага етган. Ҳаётдаги аччиқ-чучуклар, машаққатларнинг акси уриб, юриш-туришида вазминлик пайдо бўлган. Унинг эғнида ҳам пахтали нимча билан шим, оёғида керза этик.

Дўстининг шарпасини сезган Рустам ўрнидан туриб ўтирди. Салом-алиқдан кейин Фозил стулни ўртароққа сурди:

— Собесга борадиган киши шу вақтгача оёғини узатиб ётаверадими? Қани, ўтиринг.

— Кимдан эшитдингиз, дўстим?— деди Шокиров.

— Муҳаббат Сапурадан тайинлаб юборибди, соқолингизни кириб қўяр эканман.

— Э, шундайми? Қайси устага боришимни билмай турган эдим. Шу кунларда камнамо бўлиб кетдингиз?

Фозил қозикдаги сочиқни олиб, дўстининг ёқасига қистирди. Совун кўпиртириб Рустамнинг соқолини ивитди. Устарани тошқайроққа бир-икки суртиб соқол олишга тутинар экан:

— Эшитдингизми, Ҳайдаралини самоварчиликдан бў-

шатишди. Қизлар далага чиқса бурнидан ип ўтказиб суд-раймиз, дейишяпти,— деди.

Фозил бундай деяётганининг боиси — Ҳайдарали чўлоқ исмли самоварчи шу қишлоқлик Азиза деган қизнинг бошини роса айлантириб, ўзи шаҳардан уйланиб олган эди.

Рустам совунли лабларини қимирлатиб кулиб қўйди. Фозил «сартарошлик»ни тугатиб, устара-қайроқларини саранжомлаётганида, Ҳожия хола кириб келди. У Фозилга гинахонлик қилди:

— Нега келмай кетдинг? Очин-тўқин ишлайверсанг касал бўлиб қоласан-ку, ё ҳалиям ётсираяпсанми?

— Йўқ, холажон, иш ниҳоятда кўп. Ўзим ҳам Рустамдан хижолат бўлиб юрибман.

— Ҳа, ўғлим, келиб тур. Одамнинг таптани одам олади. Қани ўтир-чи, чой тайёр.

Хола дастурхон ёзди. Светадан эрталаб Санобар опа бериб юборган қаймоқни ўртага қўйди. Катта чойнакка чой дамлаб, дастурхон четига ўтирди. Йигитлар нон бўктирилган қаймоқни тугатишгач, бир-икки пиёладан чой ичишди-да, ўринларидан туришди. Ҳожия хола ўғлининг ўқитувчилик давридан қолган костюми билан пальтосини сандиқдан олиб кийдирди. Рустам қоракўл қулоқчинини бостириб олгач, дўстининг қўлтиғидан олиб ҳовлига тушди.

Улар кўчада кетишаётганида, муюлишда гаплашиб турган Махсум билан Миробидга Фозилнинг кўзи тушди. Иккала ҳамсуҳбат дарров ажралиб, бири қишлоқ маркавига, иккинчиси дала шийпонига йўл олди. Фозил дўстини тўхтатиб:

— Каламушлар суҳбатини бузиб қўйдик шекилли? — деди.

— Бу нима деганингиз? — ҳеч нарса тушуна олмай сўради Рустам.

— Миробидни айтаман-да, икки оёқли каламуш. Кўчанинг бошида Махсум амаки билан гаплашиб турган экан. Бизни кўриб, хайр-маъзурни насия қилди. Хабарингиз йўқ, мен Миробид билан Махсумнинг сирларини яхши биламан. Миробиднинг магазинига яхши мол келди дегунча, Ҳайдарали билан Махсумнинг пайтавасига қурт тушади. Улар магазин билан уйларига овлоқ йўлдан қатнаганларини кўп кўрганман.

— Кўриб туриб индамайсизми? — зарда билан сўради Рустам.

— Нима қилай, биринчидан, бу қишлоққа янгиман. Иккинчидан, сизнинг ҳурматингиз, ўртада Муҳаббат бор. Ахир, Махсум Муҳаббатнинг амакиси-ку!

— Шундай андишага борган бўлсангиз, янглишибсиз, — Рустам дарғазаблигини яшира олмади.

Фозил хижолат тортди:

— Янглишган бўлсам бордир, аммо Муҳаббатнинг андишасини қилмай иложим йўқ...

— Қойилман-е, дўстим, фронтдаги жасоратингиздан асар ҳам қолмаганга ўхшайди. Кўнглингизга оғир олмангу, фронтда адолат учун жанг қилган эдингиз. Энди «ўзингни бил, ўзгани қўй» қабилида иш тутмоқчимисиз? Каламушларнинг шунақанги сирларини била туриб, уларга ён боссангиз-а! Буни текинхўрларни ҳимоя қилиш дейилмай-дими...

— Фақат шинель кийган пайтда жангчи эдим, деган фикрни миянгиздан чиқариб ташланг, — деб давом этди сўнгра Рустам, — ҳозир ҳам жангчисиз, буни унутманг! Шундай экан, йўлингизда учраган ҳар қандай ғаламисга зарба беринг, юз-хотир қилиб ўтирмай!

— Хўп, дўстим. Энди ҳеч кимни аямайман!

Икки дўст можароси шийпонга яқинлашганда тугади. Ҳар томондан ғала-ғовур, бақирӣқ-чақирӣқ, узоқ-яқиндан қизлар ялласи, арава гупчакларининг ғичирлаши эшитилади. Шу вақт шийпонга илиб қўйилган темирни кимдир жаранглатиб ура бошлади.

— Эрталабки чойга етиб келибмиз, — деди Фозил.

Теримчилар бири этагини тўлдириб, баъзилари қопларини орқалаганларича шийпонга кела бошлашди. Кўпчилик оғзидан учиб чиқаётган сўзлар бир-бирига улашиб, чувалашиб кетганидан Рустам ҳеч нарса тушуна олмай, бир чеккада турарди.

Муҳаббат Рустамнинг олдига келиб қўлтиғидан ушлади-да:

— Қани юринг. Машина тайёр бўлгунча шийпонда ўтира турамиз, — деб даврага бошлади.

Кўп ўтмай одамлар шийпонга йиғилишди, чойга ҳозирлана бошлашди. Сафарга тайёр паровоз каби буғ сочаётган самовар шарақлаб қайнаб турибди. Ёшлар қарияларга чой ташишяпти. Бригада бошлиғи Жамол ака калта пўстинга ўралиб олган, чап қўли елкасига осиглиқ. У эрта баҳорда фронтдан қайтган бўлса ҳам, қўли ҳамон ишга ярамайди. Шу кунларда ҳам зирқираб оғриб туради. Куз

изғирини пўстин ичидаги тивит рўмолга ўралган нимжон қўлларига игнадек санчилади.

Унинг бригадани бошқатдан қабул қилгудек ҳоли йўқ эди. Партия мажлисида «Қўлим сал тузалсин, кейин бир гап бўлар», деб тихирлик ҳам қилди. Лекин Муҳаббат ўша кунларда ҳомиладорлик отпусказида бўлиб, бригада Ҳайитбой отага вақтинча топширилган эди. Куч-қувватдан кетган чол қанча ҳаракат қилмасин, ишни уддалаёлмади. Собир билан Эрбўта эса шофер. Сўлоғи чиқиб кетган иккита эски машинани колхозда шулардан бўлак эплайдиган одам йўқ. Правление яна Жамолиддин акани қистади. Ҳадеб йўқ деяверишга бети чидамади. Тўғри, иш ёмон бўлмади; ҳосил мўл. Октябрь байрами арафасида бригада давлат планини бажариб, колхоз кўчма Қизил байроғини олди. Ана, у ҳозир шийпон тепасида қилпираб турибди. Лекин Жамолиддин аканинг жони қийналиб кетди. Ҳозир ҳам оғриқ зўридан лабларини қимтиб, давра атрофидан ўтди-да, Рустам билан сўрашгач, Фозилга:

— Сиз, биродар, Рустамжонни тез-тез олиб келиб туринг. Бу ерда зерикмайдилар. Кўпчиликмиз, — деб Муҳаббат тарафга ишора қилиб, кўз қисди.

— Хўп бўлади, Жамолиддин ака, — деди Фозил кулиб, узатилган пиёлани олиб Рустамнинг қўлига тутқазар экан.

Чойдан кейин Жамолиддин ака Фозилни эргаштириб бориб, иккита катта тарвузни кўтартириб келди. Бирини сал нарида бир-бирига гал бермай ўтирган аёлларга қолдирди, иккинчисини эркакларга сўйдирди.

— Қани, олинглар. Муздек бўлса ҳам ширин кўринади, — деди Жамолиддин ака.

Қўл узатаётган чоллар Рустамни ҳам таклиф этишди.

— Қани, Рустамжон, ўғлим, сиз ҳам олинг-чи.

Рустамнинг қўли тарвуз қолиб, ўртадаги чойнакка урилди. Чойнак ағдарилди. Рустам нима қилишини билмай, хижолат тортди. Ҳайитбой ота тасалли берди:

— Майли, ўғлим, майли. Ҳечқиси йўқ.

Ёт товукдек ҳеч кимга қўшилмай бир чеккада ўтирган Махсум ичида ғудуллаб қўйди: «Бу кунингдан баттар бўл...» Махсум фақат жиянига ачинарди. У Муҳаббатни овлоқ ерда учратиб: «Қизим, сенга қийин бўлди... Гулдек юзингни сўлдирдинг. Тилли-жағли дардисарга йўдиқдинг. Эр бўлиб у сени эмас, сен уни боқасан энди. Наҳотки, ўзингга шунчалар жабр қилсанг?! Чурвақаларинг уч-тўрт-

та бўлганидан кейин нима қиласан, ҳолинг нима кечади? Илгари гапимга қулоқ солмаган эдинг. Мисоли душманинг бўлиб кўриндим. Мана энди гармдори чайнаётгандирсан?» деганди. Бунга Муҳаббат: «Амаки, бош синса бўрк ичида, қўл синса енг ичида, бир кунимизни кўриб кетармиз!» — деб мулоим жавоб бериб қўя қолган эди.

Тарвуз тугади, ҳамма ўрнидан турди. Шийпонда Махсум, Рустам ва Фозиллар қолишди. Махсум ҳам туриши керак эди. Лекин у ичида асраб юрган икки оғиз «насиҳати»ни Рустамга ҳозир гапиргиси келди. Шунинг учун ҳам колхозчиларнинг тарқалишини кутиб, жойида ўтираверди. У Рустамга яқинлашиб:

— Ўғлим, сенга айтадиган бир режам бор эди, — дея гап бошлади. — Эркак киши тўрт-беш танга топиб рўзгорини тебратиб туриши керак. Аммо сен меҳнат қилолмайсан. Худо буни сенга кўп кўрди. Орттирган илминг ҳам энди нон бермайди. Шундай эмасми, ўғлим? Қайси мактабга бориб дарс бероласан?

— Хўш, амаки, нима қил демоқчи бўласиз? — деди Фозил бу галлар дўстининг эскирган ярасини янгилаётганини пайқаб.

— Мен демоқчиманки, яшаш учун бирорта кори хайр топмоқ керак.

— Қанақа кори хайр экан, амаки? — Фозил таажжубланиб сўради.

Рустам ҳамон бошини ҳам қилганича, ғамгин ўтирарди.

Нима қилсин? «Нонхўр, жома даррон» (нон еб, тўн йиртиб юрувчи) бўлишга ўзининг тоби бормиди? Билади — ёш, бунинг устига Муҳаббат болали боши билан ишлайди, «бу ўн кунликда фалонча ишлабман» деб қоғоз пулларни Рустамга тутқзади. Гоҳ қовун, гоҳ тарвуз кўтариб келади, хуллас, эркак киши бажарадиган ишни ўтаб, рўзгор тебратади.

— Жигаримнинг шавҳарисан, ўғлим, — гапида давом этди Махсум. — Сенга ёмонликни раво кўрмайман. Агар хўп десанг мен сенга эски илмимни ўргатайин. Ёшсан, миянг бутун. Ҳафсала қилсанг, қуръонни бир йилда ёд оласан. Тўй, маърака, маросимларда уйнинг тўри сеники бўлади. Ҳам қорнинг тўяди, ҳам қўлингга пул тушади. Қарабсанки, тез орада кимсан, Мулла Рустам домла — обрўйинг баланд, давлатманд бўлиб турибсан-да!

Фозил ғазаби қайнаганидан икки чаккасидаги томир-

лари ўйнаб кетди. Махсумни келиштириб сўкай деди-ю, яна Рустамдан андиша қилиб, унинг оғзига қаради.

Рустам эса ўзида йўқ бўлиб ўтирар, кўр кўзидан чиққан ёш киприкларига ҳалқа-ҳалқа бўлиб йиғилган эди. Фозил уни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаган эди.

— Соқолингизни куя есин, амаки, топган маслаҳатингиз шу бўлса...

Рустам фақат шу гапни айтишга ярадию дик этиб турганича машина пойлаш учун маст одамдай гандираклаб-гандираклаб катта кўча томонга юрди.

### 33. ТУЗОҚ

Махсум меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди, одатдагидек катта уйга бошлаб кирди. Хотини сўзсиз-сўроқсиз уйга бостириб кирганликлари учун ҳаммасидан баравар гина қилмоқчи эди-ю, аммо иржайиб кулиб турган Ҳайдарга, унинг сичқон думидай ингичка мўйловига кўзи тушиб пиқ этиб кулди-да, фаранг рўмолини юзига тортиб, «келинглар» деганича даҳлизга чиқиб кетди.

Махсум хонтахта атрофига яна биттадан кўрпача тўшаб, меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди.

— Келин ойимнинг ошини соғиндик. Мана, гўшт-ёғ, ҳозиргина сўйилган қўйники, — деди Миробид қўлидаги рўмолни Махсумга узатаркан.

— Дарров ўринлатиб ташлайди-да, келин ойингизни биласиз-ку, — деб Махсум калишини оёғига илди.

Ҳайдар қўйнидан икки шиша ароқ чиқариб хонтахтага тиклади, сўнг бир махфий сир айтадигандек Миробидга энгашди.

— Соз-ку, — деди у даҳлизга ишора қилиб, — ёшга ўхшайди?

Миробид кулди:

— Жим! Махсум ака эшитса хафа бўлади.

Бу — Махсумнинг иккинчи хотини бўлиб, туғмагани учун ёш кўринар, Ҳайдар чўлоққа ўхшаш коскилар кўрганда, оғзидан суви келиши шундан эди.

Махсум дастурхон кўтариб кирди, стол устидаги шишаларга кўзи тушиб, яна калишини кийди:

— Бай-бай, газак керак экан-ку. Шолғом шўрва бор, ҳозир иситиб келаман.

Миробид шифтга қаради: — Уринманг. Анави беҳилардан бирини уза қоламиз.

— Йўқ, йўқ. Уриниши борми, ҳозир иситиб келбман.

Ҳайдар энди уйга разм солди: шифтда қатор-қатор анор, беҳи, узум, нок осиглиқ. Қадимий токчаларда рангбаранг чинни идишлар, тахмонга терилган кўрпа-ёстиқлар устига рўйжо ёйилган бўлса-да, бир чеккаси атайлаб очиб қўйилган: шойи, бахмал, беқасам кўрпа-ёстиқлар кўриниб турибди. Ерда қалин қашқари гиламлар. Бурчакдаги қопларда ун, гуруч, мош...

Махсум учта косани патнисга териб кирди:

— Шолғом яхши нарса. Куз қировини еган шолғом минг хил дардга даво. Узиям хил-хил пишибди. Мана, иссиқина...

Ҳайдар буйруқ кутмай шишалардан бирининг оғзига тиқилган қоғозни олди-да учта пиёлага ароқ қуйди.

— Менга қуйманг, мен ичмайман,— деди Махсум.

— Биз билан-а? Биз билан ичмайсизми?— Миробид гина қилди.

— Майли, мен шароби шариф ича қолай. Мусаллас бор,— деди Махсум.

— Шунақами? Ҳа, майли,— деди Миробид ортиб қолган ароқни иккита пиёлага суриштириб қуяркан.— Кўлимни ҳали ҳеч ким қайтармаган эди-да.

Махсум индамади. Даҳлиз томонга бир қаради-да, токчадан мусаллас солинган идишни олиб, пиёласини тўлдирди.

— Қани, кетдик,— деди Ҳайдар пиёлаларни жаранглатиб уриштираркан.— Йлоҳо, келин ойимнинг оши бузилмасин!

Махсум пиёлани бўшатиб, мўйловини артди:

— Бузмайди...

— Келин ойимнинг ошини еганинг йўқ,— деди Миробид Ҳайдарга кўз қисиб.— Шу чоққача аянинг ошидай ширин ош емаганман десам ишонавер.

— Мендан ҳам устами ошга?— Ҳайдар Миробидга тикилди.

— Сен ҳам устасан-ку, аммо аянинг ошида бошқача маза бор.

Махсум хотинининг мақтовини ҳузур қилиб эшитса-да, «бузиб қўйма, ошни» деб тайинламоқ учун ташвишланиб ўрнидан турди.

— Пиёлангизни бўшатиб кетинг,— Махсумнинг этагидан тортди Миробид.

— Хўп, хуп,— чўккалади Махсум,— банияти шифо... бай, бай, бай... тагин мени маст қилиб...

— Маст бўлмайсиз, Махсум ака, хотиржам олаверинг,— деди Ҳайдар.

— Олам ҳадис-да, ука. Яна аср ўқигани чиқиб, юмалаб юрмай...

Баравар кулишди. Махсум деразани қия очиб, ошхона томонга кетди. Ҳайдар мўйловини бураб, Миробидга хушомадгўйлик қилди:

— Яна бир пиёла берсак тайёр бўлади. Гапни бошлайверинг.

— Ҳа. Бошлаймиз.

Махсум товоқчада жизза кўтариб кирди.

— Гуручни ивитиб қўйибди. Девзира-да, ивитмаса бўлмайди.

— Қани ўтиринг,— ёнидан жой берди Миробид. Сўнг Ҳайдарга қаради:— Қуй, мўйлов.

— Бўлди-е, менга кифоя.

— Биз, Махсум ака, Миробид билан дўконида яримтани уриб чиққанмиз. Томоғингизнинг қичиғи босилгани йўғу, «бўлди» дейсиз. Қани олинг буни, мусаллас-ку ахир,— деди Ҳайдар.

— Асрни уйда ўқиб қўя қоларсиз,— деди Миробид ҳам қистаб.— Олинг. Бугун бир отамлашсак отамлашибмиз-да...

— Шундайми, а? Ҳай, худо ўзи кечирсин...

Яна пиёлалар жаранглади, яна икки пиёладан устмаует ичилди.

— Айтганингиздек ароққа шолғом яхши хуруш бўлар экан. Билмай юрган эканмиз,— деди Ҳайдар кавшаниб.— Миробиддан гап сўранг. Дўконда нима учун кўз ёши қилганини айтиб берсин.

— Кўз ёши? Ношукурлик қилманг, ука, худонинг қаҳри келади. Ҳамма омад сизда-ку,— деди Махсум.

— Минг қатла шукур-ку, аммо бу оламдан армонда ўтмасам дейман,— хўрсинди Миробид.

— Астаффирулло денг. Сизда армон нима қилсин?— Махсум синчковлик билан Миробидга тикилди.

— Ўша эски дард,— деди Ҳайдар гапга қўшилиб.— Ҳали Рустамни шаҳарга олиб кетишди машинада. Муҳаббатхон уни кузатиб дўконга кирди. Конфет, печенье олди. У чиқиб кетди-ю Миробид менга шишани узатди, оч, чайлик, деди. Ичдик. Устма-уст икки стаканни ичиб, дў-



коннинг ичкарасига кириб кетди. Кирсам, йиғлаб ўтирибди. Уша эски дард. Кўрдими, жинни бўлади-қолади. Бирор иложини топмасангиз, бўлмайди, Махсум ака.

— Бир учраштирсангиз, икки кийим бахмал бераман, Махсум ака,— бошини қуйи солиб ўтириб гапирди Миробид.

— Битта гилам ҳам беради,— деди Ҳайдар замлаб.

Ҳайдар уларни холи қолдириб, ташқарига чиқди. У ошхонага кириб, оташкурак билан бир чўғни қистириб олди-да, чўғ устига мошдек-мошдек наша қўйди. Сўнг қоғоздан карнайча ясаб нашанинг тутунини сўра бошлади.

Махсумнинг хотини ҳайрон, бир чеккада уялинқираб, қисилиб турарди.

Ҳайдар нашани чекиб, чўғни ўчоққа ташлади, қаддини ростлаб, аёлга бошдан-оёқ разм солди.

— Намунча тикиласиз?— деди Махсумнинг хотини.

— Тарам-тарам юзлар, жон олувчи кўзлар...

— Вой ўлай...

Ҳайдар бир сакраб аёлнинг ёнига ўтди-да, қучоғига тортмоқчи бўлган эди, қулоғига тарсаки тушиб, чеккан нашасининг кайфи бир нафасда ҳавога учиб кетди.

— Ифлос экансиз-ку...— деди овози қалтираб аёл.

Ҳайдар юзини силаб-силаб, тарсакининг изини кеткизиб кирганида хона жим, Махсум ҳам, Миробид ҳам ерга тикилиб ўтиришарди.

— Хўш, келишиб олдиларингизми? Айтдим-ку, гилам ҳам беради. Агар нақд пул десангиз...

— Беш минг сўм бераман,— деди Миробид.

— Мен қўшмачи эмасман,— деб «гап тамом» дегандай ўрнидан қўзғалди Махсум.— Бахмалингиз ҳам, пулингиз ҳам ўзингизга буюрсин. Ўзимники ўзимга етарли.

— Биламиз,— деди Ҳайдар кесатиқ билан.— Сизда тилло ҳам бор. Бойсиз. Лекин, бир савоб иш қилинг деб кирган эдик-да.

— Мен қўшмачи эмасман,— деб такрорлади яна Махсум газаби келиброқ.

— Расво бўлдик-ку,— деди Миробид Ҳайдарга шивирлаб.— Сенга айтган эдим-ку, бундан иш чиқмайди деб...

Махсумнинг таъби хира тортиб, юзи сўлғинлашганини кўриб, хотини таажжубланди:

— Бой, сизга нима бўлди? Тобингиз қочиб қолдимиз?

— Ичиришиб қўйди, ёқмайди десам ҳам қўйишмади,— деди Махсум.

Аёл айвондан тўшак ва ёстиқ келтириб ошхонанинг бурчагига жой қилди.

— Келинг, бирпас ётинг. Ҳозир ошни дамлайман.

Махсум тўшакка чўзилди. У бир нималар деб гудуллади. Аммо аёл буни мастликка йўйиб, қозон ёнида ўралашарди. У бир пиёла чой қўйиб, Махсумнинг устига борди:

— Мана, иссиққина ичинг, кўнглингизни босади...

Махсум чойни ичиб чўзилди-ю, аммо кўп ётмасдан, бир нарса чаққандай сакраб ўрнидан турди. У тўғри катта уйга кирди. Тахмон ёнига бориб бахмал кўрпа қатига қўл чўзди. Ундан бир даста қоғоз пул олиб, чўнтагига солди. Унинг ҳаракатини кузатиб турган Ҳайдар кулди.

— Миробид дейман, хазинага кириб қолган эканмиз-ку, билмабмиз-да.

— Керакми, қанча керак?— Махсум ҳам кулди.

— Пул керак эмас бизга, Махсум ака, жон керак,— деди Ҳайдар яна узилиб қолган гапга кўчиб.

— Йўқ, бўлмайди. Бу иш менинг қўлимдан келмайди. Худо бор, имон бор, шарм-ҳаё дегандек...

— Жиянингизда шарм-ҳаё қолмаган,— деди Ҳайдар Махсумга тик тикилиб.— Ҳа, мазасини қилиб юрибди.

— У нима деганингиз?— ҳаяжон билан сўради Махсум.

— Ўзингизни гўлликка солманг,— деди Ҳайдар юкени бир тиззасига ағдариб.— Биласиз. Биласиз-ку, индамай-сиз. Шарм-ҳаё эмиш...

Махсумнинг тоқати тоқ бўлди:

— Нимани билар эканман? Кимга индамас эканман?

— Муҳаббатга индамайсиз. Уша бўйни йўғонга индамайсиз. Биламиз, ўша кўрга қаноат қилиб юргани йўқ. Мазасини қилиб юрибди. Қандини урсин!

— Ким экан, у бўйни йўғон? Фозилми?

— Айтдим-ку, биласиз деб... у баччағар хотин олмай ҳаммага шерик бўлиб юрибди,— деди Ҳайдар гўё тутаққан киши қиёфасига кириб.

— Қўйинг-э... Ишонмайман... У Рустамга дўст... Келганидан бери бир ёмон гапи чиққани йўқ!

— Шунақасиз-да. Кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка оласиз ўзингизни. Майли, маззаларини қи-

лишсин, биз қора ботир бўлмайлик,— деди ҳалидан бери сўзга аралашмай ўтирган Миробид.

— Биров кўрибдими?— тутақиб кетди Махсум.

— Мен кўрганман. Ҳа, мен. Бир куни дала айланиб ариқ бўйига борсам, тракторнинг тагида ётишибди. Шарпани эшитиб, сапчиб туришди. Муҳаббатхон ерга қаради, Фозил илжайиб турибди. Кўзимни қисиб қўйиб, йўлимда кетавердим.

Махсумнинг жони ҳалқумига тикилгандай бўлди. У қо-виқдан салласини олиб, бошига кийди.

— Қаёққа, Махсум ака?

— Асрни ўқиб келай.

— Биз ўтираверайликми?

— Унисини ўзинглар биласизлар.

Икки уфат мулзам бўлиб, Махсумнинг кетиданоқ кўзғалишди. Ош дамлоғлигича қолди.

#### 34. СОБЕСДА

Район социал таъминот бўлими (Райсобес)да Рустамни мудир иссиқ қарши олди. Хона гавжум экан. Дево-рлар тагидаги стуллар деярли банд. Шокировни пойгакдаги бўш стулга ўтқаздилар, у дўстлари билан сўрашди. Тўп-ланганларнинг ҳаммаси ўзига ўхшаган кўзи ожиз киши-лар бўлиб, ҳар гал район таъминот бўлимига келганида учратиб турарди. Уларнинг лабларида кулгидан асорат йўқ. Ҳаммаси камгап, нохуш одамлар. Рустам мудирга яқинроқ ўтирган аёл кишининг товушини эшитди. «Бўйи етган, йигирма ёшлар атрофидаги қиз бўлса керак», деб ўйлади у. Аёл қўнғироқдек жарангдор овозини кўз-кўз қилгандек, тинмай гапирар, ҳазил қилар, хонани тўлдириб куларди. Рустам: «Бу аёл соғ бўлса керак,— деб фикр қилди.— Ҳа, у соғ. Еруғликдаги табиат манзараларини кў-ради, гулни искаб, гулдай яшнайти. Еруғ жаҳон уники, истаган ерига бора олади. Бизга ўхшаб ўз уйида пешана-сини деворга уриб ғурра қилмайди. Оёғи остидаги пичоқ-ни босмай, чеккага олиб қўяди. Боягидек кўпчилик ўрта-сида тарвузга қўл чўзиб, чойнакни ағдаргач, кўраётган кунига лаънатлар ўқимайди. Ҳа, у соғ, қаҳқаҳали кулса арзийди. Кулавер, синглим». Рустам ана шуларни хаёли-дан ўтказиб турганида, мудирнинг овози эшитилиб қолди:

— Қадрли ўртоқлар! Сизларни чақиришимизнинг сабаби — область Кўрлар жамиятидан бизга ўртоқ Долгова вакил бўлиб келган. Бу киши жамият ва унинг корхоналари ишидан гапириб бермоқчилар. Марҳамат, Зоя Кузьминична.

Долгова портфелидан қоғоз ва яна бир нарсани чиқариб, стол устига тақ этиб қўйди-да:

— Ўртоқлар, аввал исм ва фамилияларингизни ёзиб олмақчиман,— деди.

У худди товуқ дон чўқигандек ручкани тикирлатиб, ўтирганларнинг исми шарифини, туғилган йили, қайси қишлоқ советидаги қайси колхозда, нечанчи бригадада истиқомат қилишини ёзиб ола бошлади. Рустамнинг ҳисобича ўн уч кишининг рўйхатини шундай тез ёзиб олдики, эъди унинг соппа-соғлигига ҳеч шубҳа қолмади.

Зоя Кузьминична рўйхатни портфелига солар экан, гап бошлади:

— Ўртоқлар! Мени кўрмаётгандирсизлар, албатта. Мен ҳам сизларга ўхшаган кўзи ожиз одамман. Демак, ҳаммамиз бирмиз. Лекин сезиб турибман, сизлар тушқунликда қолиб, руҳий азобда эзилаётган мискиндек ўтирибсизлар. Шундай бўлиши табиий, албатта. Нега деганда, сизлар, биринчидан, коллективдан, фойдали меҳнатдан маҳрум бўлиб, уйда ётибсизлар. Ҳа, оламда бундан ёмон нарса йўқ. Ҳатто давлатдан олаётган нафақангиз ҳам ўзингизга татимаяпти. Яшашнинг қизиғи йўқдек туюлади. Мен-чи, мен ўзимни чинакам бахтиёр сезаман. Чунки кўпчилик, коллектив ичидаман. Меҳнат қиламан, роҳатини кўраман. Сизлар ҳам худди шундай бўлишларингиз мумкин. Чунки бизнинг Кўрлар жамиятимиз хоҳласангиз, иш беради, ҳунар ўргатади. Бундан ташқари, кўрлар учун Брайль системасидаги алифбе бор. Уни билиб олиш унча қийин эмас. Шунда истаган олий ўқув юртида ўқиш мумкин. Ҳатто олий математика масалаларини ҳам шу кўрлар приборида ечишга имкон бор. Узоққа бормамай ўзимни гапириб бера қолай. Лекин эзмаликка йўйманглар, ўртоқлар.

Мен Украинадаги қишлоқ хўжалик институтининг биринчи курсида ўқир эдим. Уруш бошланган йили институтни мамлакат ичкарасига кўчирмоқчи бўлишди. Аммо станцияда душман самолётлари эшелонимизни бомбардирмон қилди. Қий-чув, йиғи-сиғи, ғала-говур бўлиб кетди... Бир вақт ҳушимга келсам, ҳамма ёқ қоронғу... Госпитал-

дан чиққач, нажот излаб, Кўрлар жамиятига келдим. Мен қулоч ёзиб кутиб олишди. Ўзимни ўнглаб олгунимча менга ёрдам бериб туришди. Аввало, ишладим. Брайль системасида ўқиш-ёзишни ўргандим. Кейин Ўрта Осиё Давлат университетига кирдим. Шу йил САГУни тугатиб, яна жонажон қорхонамга қайтдим. Мана, олий маълумотлиман. Кўр бўлиб қолганимдан кейин «Энди ҳаммаси татом. Гармсел шамол яшнаб турган дарахтларни, кўм-кўк кўкариб турган экинзорларни қовжиратиб кетганидек, менинг барча орзуларим, келажакка боғлаган истак ва тилакларим ҳам қалбимда қолиб кетди. Энди мисоли кераксиз тошдек ётаверасан Зоя», деб ўйладим. Қадрли ўртоқлар, кимки ҳалол меҳнат қилиб гаштини сураман деса, кимки мен ҳам одамман, одамларча яшашни истайман деса область Кўрлар жамияти правленнесига бориб мурожаат қилсин...

Зоя Кузьминична сўзини тугатгандан кейин гўё ҳаммага жон киргандек туюлди. Ўтирганлар бир-бирлари билан шивирлашиб қолишди. Рустам Шокировнинг ёнида ўтирган бир йигит ўрнидан шарт туриб, гапирди:

— Зоя Кузьминична бор гапнинг ҳаммасини айтиб қўйдилар. Ҳақиқатда, юрагида умиди бўлган ҳар бир тирик жон у кишининг фикрларига қўшилмасдан иложи йўқ. Мана, мен бу йил Брайль системасида ўқиш-ёзишни ўрганиб, музика мактабига кирдим. Икки йилдан кейин битираман. Истаган мактабимда музикадан дарс бера оламан. Кимсан — ўқитувчи номим бўлади. Моддий жиҳатига келганда, турмушим яхшиланади. Бир умр диққинафасликдан қутулганимни айтмайсизми! Мана, Рустам Шокиров ўқитувчи бўлган экан. Агар у Брайль системасини ўрганиб олса, яна ўйнаб-кулиб ўз касбини давом эттираверади. Инчунин, қолган ўртоқлар ҳам ҳаётдан ўз ўринларини топиб оладилар.

Рустам ўрнидан туриб:

— Имконияти бўлса, шу алифбени ўз жойимизда ўргатсанглар. Жамиятга қатнаш шахсан менга оғирлик қилади. Уйим узоқ, бир ўзим юролмайман,— деди ўкинган бир тарзда.

— Ҳечқиси йўқ, олиб кетамиз. Ётоғимиз бор, ўша ерда тураверасиз. Фақат ўқишга, ишга ўргатиб қолмай, жамиятимиз кўчада юриш қоидаларини ҳам ўргатади. Кейин бир ўзингиз бемалол юроладиган бўласиз.

— Буниси жуда яхши экан. Фақат...

— Нима «фақат», ўртоқ Шокиров?— сўради Зоя Кузьминична.

— Онам бор, оилам бор...

— Ие, ҳали шунақами? Мен қадди-қомати келишган, кўҳликкина йигит экан, танишиб олайми, деб ўтирувдим. Бу ёғи чатоқ бўпти-ку!

Ўтирганлар хахолаб кулиб юборишди.

— Сиз ҳам кўрмайсиз-ку. У кишининг кўҳлик эканини қаердан билдингиз?— деди ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб мудир.

— Сиз бизларни ҳеч нарсани кўрмайди деб ўйламанг. Тўғри, кўрмасак фақат кўзимиз кўрмайди, холос. Биз қалбимиз билан кўрамыз. Бизнинг кўриш қобилиятимиз бармоқларимиз билан қалбимизга ўтган.— Зоя Кузьминична Рустам Шокиров томонга ўгирилиб сўзини давом эттирди:— Уйингиз олис бўлса, бунинг зиёни йўқ. Бунинг иложини ҳам топамиз. Менда адресингиз бор. Ўқитувчи юборамиз, уйингизда ўқитади.

— Раҳмат, Зоя Кузьминична! — деди Рустам.

Йиғилиш тугади. Музика мактабида ўқиётган йигит Шокировни қўлтиқлаб ташқарига бошлаган эди, Зоя Кузьминичнанинг овози эшитилди:

— Ўртоқ Шокиров, менга яқинроқ келинг.

Рустам овоз келган жойга бориб тўхтади.

— «Коммунизм» колхозидан экансиз. У ер узоқ эмасми?— сўради Кузьминична.

— Унчалик эмас. Ун километрча келади. Нима эди?— деди Рустам.

— Уша жойда ёрдамчи хўжалигимиз бор.

— Бирга олиб кетай, бўлмаса.

— Йўқ, кейин ўзим борарман.

— Хўп, ихтиёрингиз...

Рустам ҳамма билан хайрлашиб, кўчага чиқди. Эрбўта кутиб турган экан. Машинага ўтириб қишлоққа жўнашди...

Чайладаги кўнгилсиз воқеа ҳамон унинг юрагини тирнарди. То собесга етиб келгунча Эрбўта унинг кўнглини кўтаришга кўп ҳаракат қилди: ҳар хил латифалар айтиб берди, лекин ўзи айтиб, ўзи кулди. Рустам тишининг оқини ҳам кўрсатмади.

Қайтишда Эрбўта яна дўстининг кўнглини овламоқчи бўлди. Лекин бу гал ҳам ҳеч иш чиқмади. Шундан кейин

бир вақтлар Муҳаббат билан Миробид овқатланган ошхона олдида машинани тўхтатди:

— Қани, тушинг, дўстим. Бир қоринни тўйгазиб олмасак бўлмайди. Рулни ушлашгайм дармон қолмади. Эрталаб «заправка»нинг мазаси бўлмаган эди,— деб Рустамни ошхонага бошлади.

Аслида унинг қорни оч эмас эди. Пахта пункти олдидаги чойхонада икки жуфтгина иссиқ сомсани еб, устидан икки чойнак чойни ичиб олган эди. Ҳозир эса, дўстини бошқа «йўл» билан хурсанд қилмоқчи. Икки коса чўзма лағмон билан бир стакан ароқ келтириб столга қўйди.

— Мана, дўстим, лағмон келтирдим. Озгина иштаҳа очари ҳам бор. Икки дўст бир хурсандчилик қилайлик, — деди.

— Сизга мумкин эмас-ку. Рулдаги кишисиз... Қанақа бўларкин?

— Менга мумкин бўлмаса, сизга мумкин. А, лаббай? Сиз ичсангиз мен ичгандек бўламан. Қани, кўтаринг!

Рустам ўйлаб ўтирмасдан стаканни бўшатиб, ўрнига қўйди, кейин овқатланишга тутинди. Шу пайт Зоя Кузьминичнанинг «кўҳлик экансиз...» деган гапи эсига тушиб, пиқ этиб кулиб қўйди. «Дўстимнинг чеҳраси энди очилди», деб Эрбўтанинг ҳам жони ўзига келди.

— Бормисиз, дўстим! Битта кулиб гапиришингизни кутавериб саргайиб кетдим-ку. Азбаройи, куёв бўлиб гўшангада ўтирганимда ҳам, бунчалик азоб чекмагандим.

Рустам яна кулди. Бу сафар унинг ёдига Эрбўта воқеаси тушган эди.

Гўшангага кириш олдида ўртоқлари уни тўхтатиб: «Сен ирим-сиримларга қаттиқ риоя қилишинг керак. Биринчи бўлиб хотинингнинг оёғини босишга ҳаракат қил. Агар эпчиллик қилиб у босиб қўйгудек бўлса, шўринг қурийдим. Умр бўйи хотинингнинг турткисини еб ўтасан. Эридан баланд келадиган хотинларни кўрганмисан? Ана ўшалар гўшангада эрининг оёғини босган, тушундингми, ландовур?» дейишган экан. Эрбўта қанча уринса ҳам, эвини қилолмабди. Чаққон келин куёвдан олдин отини қамчилаб, унинг оёғини босиб олибди. Жаҳли чиқиб кетган Эрбўта келиннинг биқинини чимдиб олган экан, келин бечора «Вой, биқиним!» деб чинқириб юборибди. Шу-шу тонг отгунча бир-бирлари билан гаплашишмабди. Эрбўта оёғини босиб олгани учун келин-

дан, келин эса, биқини оғриётгани учун куёвдан аразлаб, тескари қараб ўтиришибди.

Рустам ошхонадан чеҳраси сал очилиб чиқди, Эрбўтанинг латифалариданми, ёки унинг гўшангадаги ҳангамасиданми ё бир стакан ароқнинг кайфиданми, ишқилиб, Рустамнинг кўнгли ёзилгандек бўлди.

### 35. ХУСУМАТ

Қуёш ботиб, қош қорая бошлаганда колхозчилар уйларига тарқала бошлашди. Муҳаббат бригадасидаги қиз-жувонлар билан бирга қайтмоқда. Унинг Адҳами Кароматнинг қўлида. Каромат ҳаммадан илгари пахтасини топшириб боғчага югурган, Адҳамжонни кўрпачасига ўраб олиб чиққан. Ушандан бери болани онасига бермай кўтариб келяпти.

— Бера қол энди,— деб Муҳаббат қўл чўзса:

— На мунча қизғанмасанг. Сенга берган худо менга ҳам бериб қолар,— дея ҳазилга олиб, болани олиб қочади. Дугоналар ўртасида яна кулги кўтарилади.

Бу — Кароматнинг кундалик одати. Адҳамжонга меҳри тушиб қолган. Муҳаббат сингари болани кўрмаса, туролмайди. У эмизгани боғчага йўл олса, Каромат ҳам кўпинча эргашиб боради, боланинг қорни тўйгач, қўлига олиб ўйнатади, юзларидан чўпиллатиб ўпиб қийнайди. Хуллас, бағиллатиб йиғлатмагунча онасига қайтариб бермайди. Бир куни у худди шундай қилиб, Адҳамжонни йиғлатиб берганида Муҳаббат беихтиёр: «Қилиғинг курсин, ўзингдан ҳам совуқ!» деб жеркиб берди. Шунда Каромат:

— Ҳали сиз болали бўлиб, биз қилиғи совуққа чиқиб қолдикми,— деди-да, Муҳаббатдан ранжиб кетиб қолди. Бир неча кунгача гина сақлаб юрди. Муҳаббат йўғида яширинча боғчага бориб Адҳамни кўриб келса ҳамки, Муҳаббат олдида унга қайрилиб ҳам қарамади. Дугонасини хафа қилиб қўйган Муҳаббат унинг кўнглидаги ғуборини тарқатгунча роса ялиниб-ёлворди. Охири Каромат яна Адҳамжонни қўлига оладиган, ўйнатадиган бўлди.

Каромат муюлишга борганда, Адҳамнинг юзларидан ўпди. Бурнининг учини чимчилаб йиғлатди, яна ўпди, яна йиғлатди.



— Уртоқжон! Шунақа ҳам қийнайсанми болани!—  
дея койиб берди Муҳаббат.

— Гар истасанг гулу райҳон ҳовлингда ўстир, ўзганики асқатмайди, аслида ётдир,— деб шоирлик қилди Каромат.— Минг меҳримни қўйсам ҳам меники эмас экан-да. Сал қийнасам дакки эшитаман. Ўзимники бўлганда маза қилиб йиғисини эшитиб ўтирган бўлардим...

Муҳаббатнинг қўлига боласини топшириб, анча илгарилаб кетган дугоналари кетидан югурди Каромат.

Адҳамжон кўп йиғламади. У онасининг қўлига ўтиши билан бир-икки хўрсиниб, овуниб қўя қолди.

Муҳаббат уйига келиб Рустамнинг таъби хиралигини фаҳмлади. Овқат ейилиб, чой ичилгандан кейин Ҳожия хола хонасига чиқиб кетди. Дастурхонни йиғиштириб, ўғлини каравотга ётқизган Муҳаббат эрининг ёнига келиб ўтирди.

— Нима гаплар бўлди собеса?

— Ҳеч гап... Тинчлик,— Рустам нохуш жавоб қилди.

Муҳаббат печка ёнига бориб, устидан човгунни олди. Кулини тушириб, бир-икки бўлак кўмир ташлади. Човгунни яна печнинг устига қўйиб, қайта сўради:

— Нега хомушсиз? Бирор гап бўлдим?

— Ҳеч гап йўқ. Айтишга арзимайди...— жавоб берди Рустам. У Махсумнинг бемаъни сафсатасини Муҳаббатга айтгиси келмади. Бунинг ҳам дилини сиёҳ қилишнинг нима кераги бор? Шундай ҳам қаттиқ чарчаган. Дам бериш ўрнига, яна кўнглини ғаш қилиш инсофсизлик бўлади! Лекин Муҳаббат қистовга олди:

— Айтинг, бир гап бўлган. Йўқса бунчалар дил хуфтонликка бормас эдингиз!

— Муҳаббат, ажаб гапирасиз. Қачон гўдакдек ўйнаб кулаётган эдим? Тақдирим...

— Йўқ-йўқ, Рустам ака, мени ҳам гўдак деб тушунманг. Менга айтмасангиз, кимга гапирасиз?

— Ҳасса билан солай дедим, аммо ҳассам бошқа бировга тегиб кетмасин деб қўрқдим,— деди зўрға ўзини босиб Рустам.

— Кимни?

Рустам дала шийпонида Махсумнинг сурбетлик билан имомлик ёки сўфилик касбини таклиф этганлиги, бунинг учун «ўз илмини» ўргатмоқчи бўлганлигини гапириб берди. Гапира туриб ўпкаси тўлиб кетди. Лабларини қаттиқ қисиб, Муҳаббатнинг елкасига бош қўйди. Кўз

косасида тўпланган ёш Муҳаббатнинг кўксига думалаб тушди.

Муҳаббат Махсумнинг андишасизелигидан қаттиқ ғазабланди. Ахир, Рустам ўқитувчилик йилларида колхозчилар йиғинида динга қарши лекциялар ўқирди, «Иломнинг келиб чиқиши», «Рўзанинг киши соғлигига зарари» тўғрисида тушунтириш ўтказарди. Энди, ўз эътиқодига қарши имомлик ё сўфилик қилиб кун кечирсинми?

— Хусумати бор бизда,— деди Муҳаббат,— хафа бўлманг, унинг адабини ўзим бераман.

\* \* \*

Махсум меҳмонлар кетгандан кейин уйига кириб, ўт бўлиб ёнди. Муҳаббат Рустамга турмушга чиқишга розилик берганини эшитиши биланоқ унга ота ўрнида насиҳат қилган, у сўзимдан қайта олмайман, Рустам ака Ватан учун курашиб кўздан ажраган деганида, «кўрга ҳасса бўласанми?» деб таъналар қилган эди. Икки ёш қўшилгандан кейин эса, ҳар нарсадан қийиқ топиб Муҳаббатни, унинг онасини қойиб юрди. Аммо улар парво қилмагач, гинаси хусуматга айланди... Мана энди Миробид билан Ҳайдар қасос ипининг учини ушлатиб қўйди...

Махсум зўрға тонг оттирди. Бомдодни мачитда эмас, уйда ўқиб, апил-тапил кўчага чиқди. У йўл пойлади.

Муҳаббат жуда эрта уйғонди. У ҳасй дамлаб, онаси ва Рустам билан бирга нонушта қилди. Сўнг боласини кўтариб, яслига йўл олди. Муюлишда Махсумга кўзи тушиб, бориб салом берди, сўнг ётиғи билан гап бошлади:

— Амакижон, дадамнинг арвоғи ҳурмати, сиздан ўтиниб сўрайман, бизга халақит берманг! Мен шу куёвингизга турмушга чиққаним учун ўзимни бахтиёр деб биламан! Сизга ёқмаган бўлса бордир. Лекин у билан мен бирга яшайман-ку! Ё бирор нарса сўраб уйингизга боряпманми? Бизни тинч қўйинг...

— Гуноҳим, тирикчилик йўлини топиб берганим бўлдими?— ўшқирди Махсум.— Қачонгача эшакдек ишлаб эр боқасан?! Эркак бўлгандан кейин тирикчилик тизгинини қўлга олсин-да!

— Имомлик биланми? Сўфилик қилсинми? Куёвингиз сиз ўйлаган кишилардан эмас! У очидан ўлса ўладик, худо сотиб, пайғамбарни пеш қилиб кун кечирмайди!

Сиз унинг руҳини туширибсиз. Эримни ҳақоратлаганингиз — мени ҳақоратлаганингиз бўлади! Дўст бўлиб, душманнинг ишини тутмоқчи бўлсангиз, сиздек амакининг юзига қарамаймиз. Яхшиси, турмушимизга аралашманг,— деганича Муҳаббат шартта ўгирилиб кетмоқчи эди, Махсум уни тўхтатиб қолди.

— Шошма, гап бор!

Муҳаббат орқасига қайрилиб, амакисига тикилди.

— Хўш, яна қанақа гап?

— Гап жуда кўп. Менга қара, ҳаёсиз! Анави бўйни йўғон қачонгача сизларникига кириб юради?

Муҳаббат сесканиб тушди.

— Ким экан ўша бўйни йўғон, амаки?

— Нега ўзингни гўлликка соласан? Тракторчини айтаман-да. Сенларникида унга нима бор?

— Кирса нима бўпти? Куёвингизнинг қалин дўсти-ку.

— Қалин дўст эмиш. Бунақа дўстларни яхши биламан!

— Нимани биласиз, амаки? Очиқроқ айтинг.

— Очиғи шу, уйингга кирмасин! Колхозчилар ўрта-сида бадном бўлмайин десанг, у келгиндини уйингга киргизма.

— Нима, бир гап эшитдингизми?

— Ҳа, эшитдим, ҳамманинг оғзида дув-дув гап.

— Қанақа гап?— ҳеч нарсага тушунолма, ҳайрон бўлиб сўради Муҳаббат.

— Қанақа бўларди. Тракторнинг тагида учрашиб туришингни эшитдим. Ўзинг-ку ўзинг, мендай махсум-зоданинг номига доғ туширганинг нимаси?!

— Вой ўлай! Қўйинг-эй, амаки.— Муҳаббат электр токи ургандек сапчиб тушди, аъзойи баданини қалтироқ босди, чакка томирлари қонга тўлиб, қулоғи ғувиллади. У боласини қўлидан тушириб юбормаслик учун бағрига қаттиқ босиб, девор тагига ўтирди.

— Утиринг-чи, амаки, бу гап кимдан чиқди?

Махсум чўкка тушиб, Муҳаббатнинг юзига тикилди, ўз сўзининг таъсири қандай бўлишини синчковлик билан кузатиб турди. Муҳаббат оқариб кетган, қалтирамоқда. Аммо, бир нафасдан сўнг Муҳаббат ҳаяжонини сал босиб сўзга кирди:

— Ҳақиқий амаким бўлсангиз мени оқлаб олинг, бўҳтончини ушлаб, бўйнига қўйиб бер, деб талаб қи-

линг, мен ҳам бу гапни охирига етказмай қўймайман,— деди.

— Ешсан, ўйнаб-куладиган вақтинг. Биламан, кўрга ҳасса бўлиб уйда ўтиргинг келмайди,— деди Махсум.— Шундай экан, обрўйинг борида этагингни қоқ... Мана, Миробид қизлигингдан бери кўз тикиб юрибди, битта боланг иккита бўлмай ўшанга тегиб ола қол...

— Туф,— деб ўрнидан сакраб турди Муҳаббат, сўнг Махсумнинг устида тик боқиб деди:

— Колхозчиларни йиғдираман. Йиғинда бузуқлигимни бўйнимга қўйиб беролмасангиз, Рустам акамнинг ҳасаси билан ўзим бошингизни ёраман...

Муҳаббат ортиқ чидаб туролмади. У шартта орқасига ўгирилиб, чопиб кетди. У аламга чидолмай ҳўнграб йиғларди. У далага бормай, уйга қайтди.

Эндигина ҳовлини супуриб уйга кирган Ҳожия хола Муҳаббатни, бирон нарсаси эсидан чиқиб қолгандир, деб ўйлади. Аммо унинг йиғлаб келаётганини кўриб, бир калишини оёғига илиб, бир калишини қўлда кўтариб, айвонга отилди:

— Вой ўлмасам, қизим! Нима бўлди, тинчликми? Нега йиғлаяпсан?— дея Муҳаббатни сўрига ўтқазди.

Қайнасаннинг пинжиги кириб, Муҳаббат бешбаттар ҳўнграб юборди. У: «Амаким... амаким» дерди, холос. Ҳожия хола. Махсумга бирор нарса бўлибди шекилли, деган хаёлга бориб, ботинар-ботинмас:

— Нима бўпти Махсумга, ўлибдими?!— деб сўради.

— Йўқ,— деди Муҳаббат,— ўлганда мени бунчалик қақшатмасди.

— Ие, шунақами? Нима деб қақшатди сени у имонсиз?

— Айтишга тилим бормади... Мени Фозил акамга ўйнаш қилди, эрингдан чиқиб, Миробидга тегиб ол, дейди,— пиқиллади Муҳаббат.

— Вой имонсиз, вой чайқовчи-эй! Энди бир қилмаган иши танфурушлик қолибдими. Сўлқиллаган сатанг хотинини бера қолсин, ўша Миробидга. Ҳаммани ўзига ўхшаш ҳезалак фаҳлмай ўлсин...— Қайнана, Махсум мадрасада ўқиб юрган вақтларда қишлоқда тарқалган латифага ўхшаш гапларни ҳам териб ташлади. Муҳаббат кулгиси қистаб, йиғидан тўхтади. Вайсаб-вайсаб чарчаган Ҳожия хола неварасини келинидан олиб:

— Сен,— деди,— бу гапларни сира яширмай эрингга

айт, болангни яслига ўзим олиб бора қолай... У имонсизни учратсам, соқолини битталаб юламан!..

Рустам хотинидан бу гапни эшитиб, тили лол, дили сиёҳ бўлиб қолди. Ҳожия хола келгунча эр-хотин чурқ этмай ўтиришди. Рустам гоҳо уҳ тортиб қўярди, холос.

— Ургилай қизим. Ҳар нарсани ўзингга олаверма. Амакингни биласан-ку, мияси чириб қолган одам,— деди қайнана қайтиб келгач, Муҳаббатга тасалли бериб.— Рустамга текканингни кўролмайди! Бир томони қариндошчилик, дегандай. Фозилдан сени қизғанаётгандир? Е одам ҳодис, Фозил бирон ножўя гап айтувдими сенга?

— Йўқ, ойи!

— Ундай бўлса, орқадаги гап — оғилдаги ахлат деб парво қилмай кетавер. Ишқилиб бу хунук гап Фозилнинг қулоғига етиб бормасин-да!

Ҳожия холанинг сўзи Рустамни ҳушёр торттирди:

— Ойи, Фозил аллақачон эшитган буни. Муҳаббатга гапирган Махсум амаки Фозилга индамаган дейсизми?

— Рост, ўғлим. У роя-андишани билмайди. Бунинг олдини олиш керак!

— Қандай қилиб? — сўради Рустам.

— Муҳаббат билан бирга бориб, Фозилни топ. Унга тушунтир, хафа бўлиб юрмасин. Бўлмағур гапларга кўнглини хира қилмасин.

Ҳожия холанинг сўзи билан Рустам кийина бошлади.

— Ойи, наҳотки, Махсум шунақанги тухматларни ёдирса? Келиб-келиб ўз жиянига-я! — деди Рустам.

— Менингча, бу амакингдан чиққан гап эмас. Унга биров ўргатган. Уша ғаламис Миробид билан Ҳайдарларнинг иши бу! Мана, мени айтди, дерсан...

Рустам билан Муҳаббат Фозил ишлаётган эски бедапояга бориб, уни топишолмади. Трактори бедапоя ўрта-сида турибди-ю ўзи йўқ.

Қаёқдайкин?

Махсум амаки Ҳожия хола айтгандек, Муҳаббатни кўргандан кейин колхознинг энг чекка бригадасида ер ҳайдаётган Фозил Юнусовни излаб кетди. У тўппа-тўғри Юнусовнинг ёнига бориб, жияним Муҳаббатни бузясан, деб дағдаға бошлади. Фозилнинг вужудини титроқ босди. Хаёлида йўқ гапни айтиб, маломат қилаётган бўхтончини бир уриб эзиб ташлагиси келди. Лекин бу шахтидан қайтди-да, шартта ўгирилиб қишлоқ томон йўл олди

Света кириб келганда Фозил уйдаги нарсаларини йиғиштириб бўлган, икки қопни тиклаб, яна икки-уч тугунни тайёрлаб қўйган, яйдоқ столда ўтириб Рустамга хат ёзмоқда эди. У бу ишга камоли берилиб кетганидан, Светанинг кириб ёнида тик турганини ҳам пайқамасди.

— Ҳа, бошқа уйга кўчяпсиэми?— сўради Света.

Фозил сесканиб тушди:

— Келинг, Сапурахон, яхши келдингиз. Мана чойнак, пиёла, косаларни олиб келинг. Бари бир йўлда синади,— деди.

— Нега синади, қаёққа бормоқчисиз?

— Паркентга, қишлоққа қайтаман. Манави хатни Рустамга бериб қўйинг.

— Ўз бошингизни олиб қочиб, бошқаларни маломатда қолдириб кетар экансиз-да,— деди жиддий қиёфада Света.

— Гапдан сиз ҳам хабардормисиз?— таажжубланди Фозил.

— Мен ҳам, Ҳожия хола ҳам, Рустам акам ҳам — ҳамма эшитди...

— Рустам?

— Ҳа, Махсум аввал Муҳаббатни сўкибди, у келиб Рустам акага айтибди.

— Рустам ҳозир қаерда?

— Уйда. Сизни чақириб кел, деди.

— Йўқ, Сапурахон, мен бормайман. Унинг юзига қандай қарайман? Хатда бор гапимни айтдим. Илтимос, бериб қўйинг.

— Қўрқоқлигингизни билмаган эканман. Шу юрак билан жанг қилганингизга ҳайронман. Бўхтонни фош қилиш ўрнига, жуфтакни ростламоқчисиз...

— Ҳа, бўхтонликка — бўхтон,— деди куюниб Фозил.

— Буни Рустам акаям билади.

— Шундайми?— қувонди Фозил.

— Йўқ эса-чи.

— Ундай бўлса юринг, туҳматчиларни бирга фош қилайлик.

Фозил ташқи эшикка ҳам қулф солмай Ҳожия хола-никига жўнади.

Светани Фозилни чақириб келишга юборгач, Рустам қаёлга ботди. «Нега Катядан хат-хабар йўр-а? У бўлганда-ку, Фозил бунақанги маломатларга қолиб юрмас

вди-я... Бетавфиқ Махсум, шундай покиза йигитнинг юрагини ноҳақ ранжитдинг-а...»

Оёқ товушини эшитиб Рустамнинг хаёли бўлинди:

— Муҳаббатхон, сизмисиз?

— Йўқ, болам. Ҳали вақт эрта. Нима овқат қилай деб сендан сўрагани кирдим,— деди Ҳожия хола.

— Фозилга қийин бўлди-да, ойи.

— Нимасини айтасан, болам. Фозилжонингга ҳам, Муҳаббатингга ҳам — ҳаммамизга қийин. Оғзингдан қонинг келгур Махсум, ҳамманинг дилини баравар сиёҳ қилди. Ана, келишди,— деди Ҳожия хола Света билан Фозилни ҳовлида кўриб.— Айтмадинг-ку, нима овқат қилай?

— Фозил келяптими?

— Ҳа, ана.

— Бир сиқим ош қила қолинг, бўлмаса.

Эшикдан Фозил бош эгиб кирди. Ҳожия хола унинг елкасини силади.

— Киравер, ўғлим, кўз тутиб ўтирибди. Хафа бўлма.

— Ручка билан уриб тил торттирмай қўя қолай, дедим-у...

— Йўқ, йўқ, болам, шайтонга ҳай бер.

Фозил ўзини Рустамнинг қучоғига отди, Рустам эса унинг елкасига қоқиб: «кўнгилни ғашлатманг, ким ишонарди бу гапга?» деб унга таскин бера бошлади.

— Эй дўстим, Муҳаббатнинг юзига қандай қарайман, внди?

— Ҳечқиси йўқ,— деди Рустам,— мен сизга қандай ишонсам, унга ҳам шундай ишонаман.

Остонада Ҳожия хола билан Света кўринишди.

— Светадан гап сўра, ўғлим,— деди Ҳожия хола.

— Нима гап экан?— сўради Рустам.

— Фозил ака ҳамма нарчасини йиғиштириб қўйибди,— деди Света.— Қишлоғига кетармиш. Мана сизга хат ҳам ёзиб қўйган экан,— хатни Рустамнинг қўлига тутқазди Света.

— Кетмоқчи бўлганим рост,— деди Фозил,— лекин внди ҳеч қаёққа кетмайман.

— Шу гапларнинг устига кетиб бўлармиди, болам. Одамлар «рост экан-да, Фозил қочиб кетибди» дейишмайдими? Кейин ҳаммамиз ерга қараб қоламиз-а.

— Ҳеч қаёққа кетмайди,— деди Рустам.— Қани, овқатни тезроқ қилинг.

— Хўп, ҳозир,— деди Ҳожия хола, сўнг Светага юзланди:— Юр, Сапурахон, менга қарашворгин.

— Қуруқ тухматдан, ҳўл балодан асрагин, деб шуни айтарканлар-да...— Фозил оёғини узатиб ўтирди.

— Ҳа-я,— деди Рустам. Сўнг ёстиқ тагидан қоғоз пул олди.— Манг, дўстим, магазинга чиқиб келинг. Бу тухматларни ароққа қўшиб ичиб юборамиз.

— Йўғ-ей...

— Йўқ деманг. Светани юбораман: Евдокия Васильевнани айтиб келади. Чақчақлашиб ўтирамыз.

— Пулни жойига қўйинг бўлмаса,— деди Фозил,— ўзимдаям бор. Иккитаси етадимми?

— Сизнинг пулингизга сизнинг уйингизда ичамиз,— деди Рустам.— Манг, олинг. Бизга оқидан, хотинларга вино олиб келинг. Бўла қолинг, дўстим.

Муҳаббатнинг кўнгли кечгачаям ўрнига тушмади. Ҳар гал чаноқлардан пахта олганида: «сен ўз оқлигиндан баъзи одамлар юрагига ҳам берсанг бўлмасмикин» дегандек узоқ тикилиб турар, сўнгра этакка ташларди. Вужуди ўт бўлиб ёнар, аламидан лабини тишлар, ҳамма билан уришгиси, далани бошига кўтариб дод солгиси келарди. Ниҳоят, у чидамади. Этагини бир четга улоқтириб амакиси ишлаётган томонга тез юриб кетди.

Унинг ҳолатини кузатиб турган Каромат олдини тўсиб чиқди:

— Менга қара, тентак хотин. Бир ишни қилишдан олдин хўп ўйлаб кўриш керак. Бориб амакинг билан уришмоқчимисан? Бундан нима фойда? Қайтага шаллақи, энгилтак, тентак деган ном чиқариб оласан.

— Нима қилай бўлмаса, ўртоқжон,— Кароматнинг елкасига бош қўйди Муҳаббат.

— Холмуродовга арз қил. Текширсин. Оқни — оққа, қорани — қорага ажратсин,— деди Каромат.— Юр, мен бирга бораман.

Партком секретари кабинетига ёлғиз ўтирган экан. У столга энгашиб, нималарнидир ёзаяпти. Муҳаббат билан Кароматни кўриб, қоғоздан бошини кўтарди.

— Келинлар, тинчликми?

— Тинчлик. Бир иш билан келган эдик,— хомуш жавоб берди Муҳаббат.

— Нега кўзингиз қизарган? Йиғладингизми?

— Йўқ.— Муҳаббат «йўқ», деди-ю, шунинг устига



ҳўнграб юборди. Холмуродов талмовсираб, унинг ёнига келди.

— Нима гап ўзи?

Муҳаббатнинг қалбини қамраб ётган дарду алам томоғидан хиппа бўғиб олгандек бўлди. Тили калмага айланмади. Дугонасининг аҳволини кўриб, Каромат Холмуродовга воқеани батафсил гапириб берди. Холмуродов қоровулни чақирди:

— Манави хатни Махсумга элиб бер. Шу бугун соат олтида етиб келсин!

Кейин Муҳаббатга юзланиб:

— Хафа бўлманг, синглим. Йўво тарқатиб, одамларимиз ўртасига раҳна солаётганларнинг танобини тортиб қўямиз!

Муҳаббат Холмуродовга раҳмат айтди.

Ҳожия хола келини эшикда кўриниши билан чопиб борди:

— Вой ўргилай, келдингми, ошни сузолмай турувдим. Кароматойни бошлаб келганинг заб яхши бўпти-да.

Муҳаббат хонтахта устидаги шишаларни деразадан кўриб, қайнанадан сўради:

— Нима гап, ойи?

— Меҳмон бор, кираверинглар...

— Зерикмай ўтирибсизми, Рустам ака, келинг, Фозил ака,— деди Муҳаббат.

— Келдингизми? Жуда соғинтириб юбордингиз-ку.— деди Рустам сархушлик билан.

— Вой ўлай,— деди-да Муҳаббат, қизариб секин ташқарига чиқиб кетди. Рустам кетидан гапирганича қолди.

## 36. ЗОЯ ҚИШЛОҚДА

Ҳавонинг авзойи ўзгарди. Совуқ шамол одамнинг юз-кўзига санчилиб, қўл ва қулоқларини ачитади. Кўкда сувиб юрган булутлар қувлашакам ўйнаб, кейин бир-бири билан қўшилиб кетади. Қуёш шу булут ортида қолиб кетган. У ўзининг нури тифи билан гоҳо булутларнинг юпқароқ жойидан бир карч кесиб, ернинг жамолини кўриш учун ўзига туйнук очиб олади. Лекин булутлар ҳам бўш келмайди, дарров бир-бири билан тутшиб, бояги туйнукни беркитади.

Бу икки йўловчи иссиқ кийиниб олган. Шунинг учун уларга рутубатли куз ҳавоси ҳам, изғирини ҳам писанд эмас, йўлларида давом этишади... Улардан бири — Зоя Кузьминична Долгова, иккинчиси — унинг котиби Мария. Улар эрталаб ҳаво айниб турганини кўришса ҳам, «Коммунизм» колхози томон йўл олишаверди. Тўғри, Мария: «Бир оз сабр қилайлик Тағин бирон нарса ёғиб юбормасин. Нотаниш йўлларда ҳолимиз нечук кечади унда», — деди. Лекин Долгова унамади. Бир ерда ўтиравериш шаҳарда жонига теккан эди-да.

Уйдан чиққанларига беш кун бўлди. Шу беш кун ичида жуда кўп қишлоқларда бўлишди. Кўзи ожиз кишиларнинг уйларига бориб, ҳолидан хабар олишди. Долгова Кўрлар жамияти ва унга аъзо бўлган одамларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини гапириб берди. Кўпчилик ожизларнинг қалбида умид учқунланиб, «биз ҳам бирон касб-ҳунарнинг этагидан ушласак бўларкан-ку», — деб хурсанд бўлдилар.

Командировка муддати тугади... Бугун у корхонасига қайтиши керак. Ҳамма иш кўнгилдагидек бажарилди. Фақат директорнинг топшириғи қолди. Буниям бажарса — олам гулистон. Ердамчи хўжаликдан йиғиштириб олинган ҳосил корхонага қанча тез етиб борса, шунча яхши. Ҳеч бўлмаса тушки овқатга маза киради-ку. Ҳавонинг авзойига қараб ўтираверса, яна бир эмас, бир неча кун қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Зоянинг эса кутишга ҳам сабр-тоқати йўқ. Шунинг учун Мариянинг фикрини рад қилиб йўлга чиқди.

Эрталабки изғирин авжига чиқиб борарди. Аксига олиб, шамол қаршидан эсяпти. Рўмолларини юзларигача ўраб, пальтолариинг ёқасини кўтариб олишган. Иккала аёл уфққа туташиб кетган дала йўлидан қоқилиб-соқилиб боришяпти. Йўлга тош, шағал тўкиб, усти шиббаланмагани учун пиёдалар тугул отлиқларни ҳоритади. Шоферлар кўпинча машиналарини авайлаб узоқ бўлсаям, нариги айланма йўлдан юришади.

Йўл азобидан қутулишнинг энг қулай чораси — хаёл суриш. Мана, Зоя ҳам шу дамларда жонажон Украинасини, ўз туғилиб ўсган қишлоғини тасаввурига келтирди. У ерда ҳам худди шунақа тош тўкилган йўл бор. Уша йўлдан Зоя сон-саноқсиз марта юриб, мактабига қатнаган. Кошкийди, ҳозир ўша тош йўлдан кетаётган бўлса: сал ўтмай ота-онасини, укаларини кўрарди. Уларни бағ-

рига босиб, тўйиб-тўйиб ўпарди. Йўқ, шум тақдир унинг бошига нималар солмади. Зоя энди қишлоғига бормас. Борса ҳам жигарбандларини кўра олмас! Зоя шуларни хаёлидан ўтказаркан, онасини ҳам, отаси, укаларини эслаб, оғир хўрсинди.

Хаёл денгизининг тўлқини Зояни кўп суздирди. Фақат ёрдамчи хўжаликка етиб боргандан кейингина, бу денгиз уни ўз оғушидан қўйиб юборди.

— Мана, чайламизга ҳам етиб келдик,— деди Мария.

Чайланинг сиртида ҳам, ичида ҳам одам зоти кўринмайди. Синчков Мария ҳамма ёқни кўздан кечириб чиқди. Чайланинг чап ёнбошига осилган қозонда биқирлаб шўрва қайнапти. Тут шохига илиб қўйилган тўр халтанинг оғзидан икки шишанинг учи чиқиб турибди. Лекин эгасининг ўзи йўқ. Йўқ, бор экан. Ҳу анави карам уюми ёнида кимдир ивирсиб юрибди. Ундан сал берида лавлаги, қовоқ уюмлари кўринади. Демак, ҳамма экинлар йиғиштириб олинган. Мария Зоя Кузьминичнани чайла ёнида қолдириб, одам кўринган томон йўл олди.

Зоя пичан устига ўтирди. Ердан битта чўпни олиб, оғзига солиб ўйнаганича яна хаёлга чўмди.

Бу томонларга, сентябрнинг иккинчи ярмида Ғаниев билан аравада келганди шекилли. Ушанда экинзорларни айланиб чиқишди. Сабзидан икки донасини суғуриб олиб, ариқчада чайётганида Ғаниев: «Сабзимиз кўп эмас — атиги 30 сотих, картошка бир гектар, шолимиз уч гектар», деган эди. Зоя ана шуларни хаёлидан ўтказар экан: «Тавба» шунча ердаги ҳосил қани? Икки арава шоли олдик, холос-ку?» Мария билан бригадир Бакировнинг гаплашиб келаётгани Зоянинг қулоғига чалинди. Бакиров Зоянинг олдига келиб, мулозамат билан сўраша бошлади:

— Қани, юринг ичкарига, меҳмон. Ризқ-насибадан қочиб бўлмайди, бирга баҳам кўрамиз,— деди.

— Нимани баҳам кўрмоқчисиз?

— Нимани бўларди, қайнатма шўрвани-да,— дегач, кейин у Марияга ўтирилди:— Қозондагини кўрмаганминдинг?

— Кўрувдим. Тутнинг шохидагиниям кўриб турибман.

Бакиров муғамбирона илжайди:

— Бўпти-да! Қани, юринглар!

— Раҳмат! Мана шу ерда бир оз гаплашиб олайлик... Одамларингиз қани?

— Эрталаб жавоб берворгандим, ҳаво айниб турганига. Ҳар кимнинг уйида кам-кўсти бор, қиш тараддуси дегандек...

— Ҳосилни олиб бўлдингларми?

— Бўлдик ҳисоб. Фақат ташиб кетиш қолди.

— Шолининг ҳаммаси янчилиб ҳам бўлдимми?

— Ҳа.

— Бўлмаса, нега жўнатмаяпсиз?

— Бор шолини аллақачон жўнатганман. Лекин картошка билан карамга машина тополмаяпман.

— Ҳали шолининг бори ўшамиди? Наҳот, уч гектар ердан икки тоннаям шоли чиқмаса?

— Деҳқончилик — қиморвозликдай бир гап, Зоя Кузьминична. Олчи келиб қолса, эплаёлмай эсингиз кетади. Ишингиз юришмаса, уруққа куйиб тураверасиз. Кейин, колхоз сизга икки дунёда ҳам серҳосил ерни бермайди. Одам Ато замонидан бери экин экилмаган ерлар экан. Сув тахчил. Бунинг устига ер тошлоқ. Колхознинг ўзи бунақанги ерлардан қутулолмай гаранг. Чунки планига зарбаси тегади-да. Биз бўлсак, ер беришди деб суюниб юрибмиз...

Зоя Кузьминична сув тигизлигини уч-тўрт марта ўшитган. Корхона директори Ғаниев шу боисдан қишлоққа келиб, раис Аҳмаджон ака билан гаплашган. Шундан кейин ёрдамчи хўжаликка озроқ бўлса ҳам ариқдан доимий сув оқиб турди. «Ким билади,— деб ўйлади Зоя Кузьминична,— шоли сувда битади дейишади. Эҳтимол, картошка, карам ва бошқа экинларни суғорганда, шолини сувдан тортиб қўйишгандир?»

— Машина топишга яна бир ҳаракат қилиб кўринг. Тагин қолганиям совуқда нест-нобуд бўлиб кетмасин! — деди у.

— Топилмаяпти-да, Зоя Кузьминична, йўқ эса, аллақачон элтиб берардим-а. Колхозники ўзидан ортмайди. Пахта ташийдиган машиналарга сира тил тегизиб бўлмайди.

— Демак, илож йўқ денг?

— Йўқ-да. Бўлса-ку... Қани юринглар, Зоя Кузьминична, аввал таом — баъдаз калом деганлар. Ҳар нарсага куйинавериш ярамайди. Дунёда битмайдиган иш йўқ.

— Раҳмат, ўртоқ Бакиров! Узингиз бемалол... Биз бо-райлик...

— Нима деяпсиз? Тайёр овқатни ташлаб қаёққа бораркансиз?..

— Йўл олис, кеч қолмайлик. Колхоз идорасига киришимиз керак. Раисга учрашадиганмиз,— деди Зоя.

Мариянинг сезишича, Бакировни ички бир ҳаяжон босиб, авзойини ўзгартириб юборди. Қувноқлик йўқолиб, бирдан хомуш тортди. Бакиров буни совқотиш аломати қилиб кўрсатиш учун кафти билан юзларини ишқалади:

— Шу изғиринда иссиққина шўрвадан ичиб, йўлга чиқсаларинг ёмон бўлмас эди...

— Раҳмат, ўзингизга буюрсин.

Икки йўловчи уватлар бўйлаб анчагина юришди. Изғириннинг забти пасайиб, ҳаво бир оз илигандек туюлди. Баданга игнадек санчилаётган эрталабки совуқ шамол тинди. Осмондаги паға-паға булутлар бир-бирига қўшилиб, кул ранг тусга кирди. Зоя пальтосининг тугмаларини ечиб, рўмолини қўлига олди. Мария ҳам худди шундай қилди. У оқиб тушаётган терларини рўмолчасида арта туриб, боядан бери айтмоқчи бўлиб келаётган гапини юзага чиқарди:

— Зоя Кузьминична, менинчга, бир ғалати сир бор.

— Масалан? — сўради Зоя.

— Ким билади, балки мен адашаётгандирман. Раисга учрашадиганмиз деганингизда, Бакировнинг ранги бирдан ўзгариб кетди чоғимда.

— Шунақа де? Қизиқ. Унинг раисга боғлиқ жойи йўқ-ку... Тагин билмадим.

— Ҳар ҳолда бу ерда бир гап бор. Маишати ҳам чаканага ўхшамайди!

— Айтгандек, тутда нимани кўрдинг? Менга айтмадинг ҳам.

— Сабил қолгур шиша газаги билан осифлик турибди.

Зоя Кузьминична лабини буриб, жирканган бир тарзда қўлидаги рўмолни бир силкиб қўйди:

— Ҳимм...

Деворлари нураб қолган ҳовлилар, ёмғир сувидан бўғотлари ювилиб кетган пастак томлар ёнидан ўтиб, бир оздан сўнг қишлоқ мактабига етиб боришди. Ундан сал нарида клуб, кейин колхоз идораси бор.

Зоя Кузьминична билан Мария кириб боришганида, Аҳмаджон ака, Холмуродов, Муҳаббат ва яна уч-тўртта киши колхоз пахта планини тўлдирганлиги муносабати

билан кўнгилли кеча уюштириш тўғрисида маслаҳатлашиб ўтиришган экан. Маслаҳатлари пишиб қолган экан шекилли, раис ўтирганларга дарров жавоб берди. Аҳмаджон ака, Холмуродов, Зоя ва Мариялар қолишди

Муҳаббат ташқарига чиқишга чиқди-ю, лекин яна қайтиб ичкарига киргиси келди. Кечагина Рустам собеса бўлганида шаҳардан чиққан бир рус аёлини кўрдим, деганди. «Уша аёл шу эмасмикан? Нега келдйкан-а?» деб қизиқди Муҳаббат.

— Уртоқ Долгова, келинг,— деди Аҳмаджон ака.— Бирор хизмат борми?

— Ёрдамчи хўжалигимизга чиққан эдим. Директоримиз Ғаниев сизни ҳам бир кўриб қўйгин, деган эдилар.

— Раҳмат, раҳмат! Қалай, Ғазимбек ўзлари яхшиларми?

— Ҳа, ўзлари тузуклар. Аммо корхонамизнинг иши чатоқ.

— Нега? — қизиқсиниб сўради раис.

— Ҳали у, ҳали бу етишмайди. Бирини топсангиз, иккинчиси топилмайди.

— Масалан? — астойдил куюниб гапга аралашди Холмуродов.

— Масаланмў? Не машаққатлар билан етиштирган ҳосилимиз далада ётибди. Олиб кетайлик десак, машина тугул, эшак аравамиз ҳам йўқ.

Аҳмаджон ака ялт этиб Холмуродовга қаради. Икковининг кўзи бир-бири билан тўқнашди. Кейин Аҳмаджон ака Зоя Кузьминичнага ўгирилди-да, сўради:

— Янглишмасам, ёрдамчи хўжалигингларга яқиндан бери анча машина келиб кетди-ку...

— Бригадирнинг айтишича, ҳеч қаердан киракаш машина топилмаётган эмиш...

— Топилмаслиги тўғри. Лекин ўзи топиб келяпти-ку. Тагин нуқул «Студде-Беккер» машиналар. Қаёқдан олибди уларни?

Раиснинг бу гапида жон бор эди. Эрталаб у Холмуродов билан идора олдида гаплашиб турганида, иккита «Студде-Беккер» ўтиб қолди. Бирининг кабинасида Бакиров ўтирибди. У кабинетдан тушиб келиб аввал раис ва партком секретари билан кўришди. «Пешинда кобили шўрва қилиб тураман, ўтинглар», деди. Сўнг яна кабина-

га чиқди. Раис олдинги машинага шоли, орқадагисига картошка юкланганини пайқади. Шунда Холмуродов тўсатдан:

— Бу муттаҳам, яна кўрларнинг нонини туя қилиб юрган бўлмасин,— деб қолди.

— Нега ундай дейсиз? — деб сўради раис.

— Шаҳарга борса, нариги тош йўлдан кетиши керак эди, уйига ташияпти чамамда...

— Бугун Бакиров икки машина юк олиб бориб ташлабдими? — Зоядан сўради раис.

— Йўқ. Индамади-ку.

Раис билан Холмуродов сукутга боришди. Улар бири бири билан яна кўз уриштириб олгач, раис Холмуродовга:

— Эрталабки тахминингиз тўғрига ўхшайди,— деди.

— Девор бўлмаса кўчани кўрадиган бўлиб қолганмиз, Аҳмаджон ака,— деб кулди партком секретари. Сўнгра Зояга ювланди: — Назоратни бўшаштирворибсизлар-да ўзларинг ҳам...

— Хўш, энди нима қилмоқчисизлар? — деб сўради Аҳмаджон ака.

— Қайдам. Бориб, Ғазимбек Расулович билан маслаҳатлашиб кўрай-чи. Балки ўзи бирон ердан машина топар.

— Ҳа, ўлманг. Далада турган ҳосилни бугун-эрта нима қилиб бўлсаям олдириб кетинглар. Бундан аввалгиси нима бўлганини участка соқчисига айтиб, биз аниқлатиб берамиз.

— Директоримиздан арқон сўраган экансиз-а,— деди Зоя Кузьминична бирдан эсига тушиб.

— Ҳа, сўраган эдим.

— Олишингиз мумкин экан.

— Жуда яхши, эртагаёқ олдириб келаман.

Боядан бери жим ўтирган Муҳаббат гапга аралашди:

— Бугун иложи йўқми, Аҳмаджон ака?

— Нимайди?

— Арқон жуда зарур. Пахта ташувчиларга жуда қийин бўляпти. Эрталаб аравакашларимиз сўкиниб-сўкиниб зўрға жўнаб кетишди.

— Ундай бўлса, Булбулча, қизим, Собирнинг машинасидан хабар ол. У кунжарага кетган эди. Келган бўлса, арқонга жўнасин.

— Хўп, раис ака.

Муҳаббат ирғиб ўрнидан турди. Лекин турган ерида

тўхтаб қолди. Унинг кетмаётганини кўрган раис ажабланиб:

— Ҳа, қизим, яна нима гапинг бор? — деб сўради.

— Аҳмаджон ака, агар сиз хўп десангиз, машинани қуруқ жўнатмасак. Ҳарна ёрдам-да. Бир машина юкларини элтиб берсак қандай бўларкин?

— Жуда яхши! Узинг шунга бош-қош бўла қол, қизим. Ичинг куяётганини сезиб турибман.

Муҳаббат югурганича чиқиб кетди.

— Сиз бу жувонни танисангиз керак, ўртоқ Долгова? — деб сўради Холмуродов.

— Йўқ, танимаيمان. Энди кўришим.

— Бизда урушда кўзини йўқотиб келган бир йигит бор, Шокиров деган. Ушанинг хотини бўлади. Звено бошлиғимиз.

— Шокиров дедингизми? У кишини танийман. Утган куни собесда кўришгандик.

Бир оздан кейин эшик очилиб, Муҳаббат билан Собиржон кириб келишди. Муҳаббат арқон учун тайёрланган ҳужжатни раисга узатди. Аҳмаджон ака унга қўл қўяр экан:

— Нима қилишингни Булбулча айтгандир, шундайми Собиржон? Бир хизмат қиласан-да. Савоб иш, кам бўлмайсан! — деди раис.

Собиржон ҳужжатни чўнтагига сола туриб:

— Хўп бўлади, ака, — деди.

Зоя Кузьминична раис ва Холмуродов билан хайрлашиб ташқарига чиқди. Кабинага ўтириш олдидан:

— Чин дўстлик қилдингиз, — деб Муҳаббатни қучоқлаб ўпди.

— Нима, хайрлашяпсизми? Ҳали эрта. Машинага чикинг, мен ҳам бораман. Ёрдамлашиб юбораман.

Осмонда кул ранг булут қуюқлашган эди. Ёмғир томчилари янги дугоналарнинг юзларига келиб тушди.

### 37. ОСОНЛАШГАН МУШКУЛ

Корхона ҳовлиси гавжум. Иш соати тамом бўлганига қарамай, ишчилар ҳамон тарқаб кетишмаган. Улар ёмғирда нам бўлаётган канопларни ичкарига, бостирма ичига ташиб киришмоқда. Бир қисм ишчилар ҳовли ўртасига те-



риб қўйилган арқон букталарининг устига брезент ёпиш билан банд.

Ғазимбек тайёр маҳсулотларни сотиш учун Сирдарёдаги бир савдо ташкилоти билан гаплашиб қўйганига бир ҳафта бўлди. Нимагадир, улардан дарак йўқ. Бугун эса тайёр маҳсулот ёмғир тагида қолиб намланмоқда. Ишнинг ўнгидан келмагани шу-да. Шулар сотилса, корхона тангликдан сал қутулган бўлармиди? Бунинг устига яна бир ташвиш чиқиб қолди. Кўрлар жамияти арқон эшадиган олтита ярим автомат олган экан. Ранс шуларнинг ҳаммасини Ғазимбек корхонасига инъом этса бўладими!

Жамият ранси буни жўрттага — Ғазимбекни шарманда қилиш учун, «ана ёрдам керак бўлса, ол» деб қилдимиз, ёки у корхонани ҳақиқатан олға бостириш ниятидами — буни Ғазимбек тушунолмади. Зотан, яқинда бўлган президиум мажлисида Ғазимбек Ғаниев хом ашё етишмаслиги, транспорт йўқлиги—буларсиз ҳеч иш қилиб бўлмаётгани ҳақида куюниб гапирган эди. Президиум аъзолари унинг сўзи ҳақлигини билсалар-да, ёрдам беришга илож топмаган, «сабр қилинг, ишларимиз юришиб кетар», дейиш билан уни овутмоқчи бўлган эдилар. Мана, энди ярим автоматлар беришди.

— У-бу демасдан станокларни олиб кетаверинг,— деди жамият ранси Пиримқулов.

Уруш вақтида гарчи кўрлар сони ошган бўлса-да, бирорга янги корхона очилмади, ҳатто цехлар ҳам ташкил қилинмади. Бор корхоналарда эса ётоқ, дастгоҳ ва хом ашё етишмайди.

Ғазимбек арқон эшадиган машиналарни Пиримқуловнинг қийин-қистови билан ташиб олди. Ғазимбек аслида ярим автоматларни олганига хафа бўлмади. Бироқ, ишчиларга қўлда қиладиган иш топиб беролмаётганидан кейин, автомат станокларга иш қайда? Омбордаги озроқ хом ашё ишчиларни сал кам бир ой иш билан таъминлаши мумкин. Агар ярим автоматлар ишга солиб юборилса, бир ойга етадиган канопни беш кунда чийратиб қўлингизга топширади. Қолган йигирма беш кун яна иш талаш билан ўтади! Ахир, эски касибчилик усулидаги арқон эшиш билан электрда юрадиган станоклар ишини таққослаб бўладими? Хом ашёнинг танглигини, колхоз ва совхозлардан ташиб келтириш иши ўта машаққатли эканлигини эслаган сайин, Ғазимбекнинг ташвиши борган сари ортарди. «Майли,— дерди у,— ҳозирча станок-

лардан фойдаланмай тураман. Ахир, бу ҳол доимий эмас-ку. Орқамизга офтоб тегиб мўл-кўл хом ашёга эга бўлиб қолармиз? Ана ўшанда ярим автоматларни гувиллатиб юргизиб юбораман». Шунақанги фикрларни кўнглига тугиб, Ғазимбек станокларни ташиб келтирди. Бироқ, иш унинг ўйлаганича бўлиб чиқмади. Эртаси куниеқ Пиримқулов ўзи билан икки устани бошлаб келиб, ярим автоматларни ўрнатишга буюрди. У Ғазимбекка: «Тезда ўрнатиш ва фойдаланиш зарур! Янги йил учун катта план олдиқ, тўрт баравар ортиқ. Техникасиз, қўл билан плани бажара олмаймиз», деб таъкидлади. Бу воқеа Зоя Кузьминична районга жўнаб кетган кунининг эртасига содир бўлди. Ушандан бери мана тўрт кундирки, арқон эшадиган эски дастгоҳларни йиғиштириб ташлаб, ўрнига янгилари ўрнатилмоқда. Монтёрлар цехнинг бурчагига шчит ўрнатиб, резинка ғилоф ўралган шнурларни ер остидан станокларга келтириб улашяпти. Шу бугун иккита станок монтаж қилиб бўлинди. Станокни Ғазимбекнинг ўзи синаб кўрди. Ограничителдан ўтаётган бир қисм каноп истаган ўлчовингизда чийланиб ғалтакка шундай тез ўраладики, асти қўяверинг. Ғазимбек ҳам, уни кузатиб турган ишчилар ҳам машинадан мамнун бўлишди.

Ҳаво айниб, ёмғир ёға бошлаши билан Ғазимбек Рустамов билан Собировни чақиртириб, ҳовлидаги канопларни ичкарига ташиб киришни буюрди. Ўзи ҳам қаердандир тирсаклари йиртилиб кетган пахтали камзул топиб, кийиб олди-да, ташиб киритилаётган канопларни сариштаси билан бир ерга тахлай бошлади. У пешанасидан оқиб тушиб кўзларини ачитаётган терни ҳам артиб олишга вақт тополмай ишлаётганида, ҳовлидан машина моторининг овози, кейин устма-уст босилган сигнал товуши эшитилиб қолди. Унинг кетидан болаларнинг чуввоси, катталарнинг ташвишли овозлари келди. Ғазимбек: «Бу қанақа машина? Қаердан келди»,— деб ҳайрон бўлди. Балки сирдарёликлардир? Ҳа, ўшалар, арқонга келишган. Шу пайт, Зоянинг: «Ғазимбек Расулович қайдалар?» деган товуши янгради. Ғаниев муовинининг овозини эшитиб, ўрнига бир ишчини қўйди. Машина олдига чиқиб борганида, кузовнинг орқа томонида совуқдан ранглари қув ўчиб қалтираётган Марияни кўрди. У кузовда туриб, карам тушираётганларга ёрдамлашарди.

— Мария, туш пастга. Бу ёғини ўзимиз өплаб оламиз,— деди Ғазимбек унинг рўпарасида тўхтаб.

Мария қаршилик кўрсатмади. Тушиб, ҳужралардан бирига кириб кетди. Зоя Кузьминична Ғазимбекнинг қўлига олиб кабинетга бошлади. Ғазимбек кутилмаганда карам олиб келган муовинидан ниҳоятда хурсанд бўлди. Юзига майин табассум югурди.

— Колхоз раиси одамгарчилик қилди. Айтганингиздек яхши киши экан. Шофёри ҳужжат билан келган, арқон бериб юборинглар,— деди Зоя Кузьминична тунука печка карнайига қўлини тутиб иситар экан.

— Ҳосилни йиғиб бўлишибдими?

— Бўлишган. Шофёр яна бир қатнашга розилик билдирди. Унга арқонни бериб тезроқ жўнатиш керак.

Ғазимбек ташқарига чиқиб кетди. Зоя Кузьминична печка ёнида яна бир оз исингач, стулга келиб ўтирди. Дам олмай кун бўйи юргани учунми, ёки ёмғирли нам ҳавонинг таъсириданми, ишқилиб, унинг бўғинлари бўшашиб, мудроқ босди. Эшикнинг қарсиллаб очилиши Зояни чўчитиб юборди. Ичкарига кириб келган Мария, стол устига қайнатилган картошка билан бир бўлак нон қўйди. Картошканинг гупиллаб анқийган хушбўй ҳиди Зоянинг димоғига урилиб, иштаҳасини очиб юборди. Ана шундагина у эрталабки нонуштадан бери туз татимаганини эслади. Мария келтирган бир стакан чойни ҳам ичиб улгургани йўқ эдики, машинанинг гувиллаган мотор овози эшитилди. Кейин овоз аста-секин узоқлашиб, эшитилмай қолди.

Ичкарига боягидек мамнун ҳолда жилмайиб Ғазимбек кирди. У ўрнига ўтирмай, қўлини орқасига қилганича, хонада битта-битта қадам ташлаб юрар экан сўради:

— Зояхон, ёрдамчи хўжалигимизда яна нима гаплар бор?

— Гап шуки, Ғазимбек Расулович, назаримда биз, қўли эгри одамга дуч келганмиз. Юлдузни бенарвон урувчи деяверинг...

— Нима, бирорта сир сездингизми?

— Аниқ айтолмайман, албатта. Ҳар ҳолда анча қил-вир ишлар бўлганга ўхшайди. Бўлмаса, шунча ердан шугина картошка билан, шугина шоли унадими? Бу мумкин эмас, сира ҳам ишонгим йўқ! Колхоз раиси билан партком секретарининг ҳам улардан шубҳаси борга ўхшайди. Участка соқчисига айтиб, текширтириб кўрамиз, дейишди.

— Ожизларнинг ризқига кўз тикишдан баттар пасткашлик бормикин оламда. Аммо айб ўзимизда. Илгарироқ пайқамабмиз. Энди минг текширтирган билан бир нарса деб айбини гарданига қўйиш маҳол.

— Уни бўшатиб юбориш керак! — деди Зоя қўл силаб.

— Бу ишни ҳозир қилиб бўлмайди. Ҳосилни ташиб олайлик, кейин бошқа гап.

— Айтгандек, колхозда Муҳаббат номли бир жувон билан танишдим. Шокиров деган кўзи кўр фронтчи йигитнинг хотини экан. Карам ортишда бизга ёрдамлашиб юборди барака топкур! У билан анча суҳбатлашдик, ҳатто сирлашиб ҳам олдик. Энди бу ёғиниям эшитинг. Муҳаббат корхонамизнинг нима ишлаб чиқаришини суриштириб қолди. Ҳаммасини гапириб берувдим, «қамишни қаердан оласизлар?» деб сўради. Анча узоқдан, Чирчиқ соҳилларидан ўриб келтирамиз, деб жавоб берган эдим, «Бизда катта тўқайзор бор, қамиш сероб. Шу ердан ўрсанглар бўлмасмикан?» деди. Қайтиб келаётганимизда, идора олдида машинани тўхтатиб, қамиш ўришга раисдан рухсат ҳам олиб берди.

— Ростданми? — Ғазимбекнинг қувончдан кўзлари порлаб кетди. — Қандай яхши-я? Ахир, йўлимиз анча қисқаради-ку. Раҳмат, Зоя Кузьминична, катта иш қилиб келибсиз! Эртадан бошлаб деҳқончилик маҳсулотларини ташиб олишгайм ўзингиз киришинг.

— Хўп бўлади, Ғазимбек Расулович, — деди-да, Зоя ташқарига чиқди.

Ғазимбек столга энгагини тираб эртанги ишларни бирма-бир ҳаёлидан ўтказаётганида Нуся кириб келди. У табуреткани Ғазимбекнинг яқинига суриб ўтирар экан:

— Шўрлик директор, ишларинг яхшими? — деди киноя билан.

— Нега шўрлик деяпсан? — энсаси қотган бир тарзда сўради Ғазимбек.

— Шўрлик эмасмисан? Аҳволингга бир қара: тирсаги йиртилган эски пуфайкада бўлсанг. Соқолинг ўсиб кетибди. Наҳотки, ишинг шунчалар кўпки, ўзингга қарашга қўлинг тегмайди?

Ғазимбек кафти билан юзларини силаб кўрди. Дарҳақиқат, соқоли ўсган. Янги келтирилган автоматлар билан овора бўлиб, бош қашлашгайм вақти йўқ. Ахир, тўрт кундан бери арқон цехи ишламайди-да. Ишчилар бекор

юришибди. Хом ашё йўғида бошқа гап эди. Станокларни зудлик билан жойларига ўрнатиб, ишни юргизиб юборилмаса, корхона планига ҳам, ҳамёнига ҳам катта зиён етади. Шунинг учун ҳам Ғазимбек ҳар куни идорасида бирпасгина бўлади, холос. Цех бошлиқларига топшириқлар бериб, ҳужжатларга имзо чекади. Шундан кейин арқон цехига кириб кетганича қайтиб чиқмайди. Слесарлар билан биргалашиб ишлайди, уларга ёрдам беради. Хуллас, ўзи ҳам дам олмайди, ўзгаларга ҳам дам бермайди.

— Соқол олдириш эсга ҳам келмабди, Нуся,— деди ҳамон тиканаклик юзларини силаб Ғазимбек.

— Озиб ҳам кетдинг. Яхшиси, шу ишингни қўя қолсанг ҳам бўларди. Бир бутун корхонани гарданингда кўтармай, кичикроқ мансабда ишласанг ҳам очдан ўлмасмиз?

— Нима деяпсан ўзинг? Эсинг жойидами? Мен ҳеч маҳал ўзим учун ишлаган эмасман!

— Бўлмаса ким учун ишляяпсан?

— Кўпчилик учун, кўпчилик манфаати учун! Тушундингми? Мана бу кўздан ажралиб қолган ишчиларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун!

— Эҳе, олижаноб мақсадинг бор экан-ку. Кўпчилик иши учун ишлайман деб бурнингдан тортса йиқилиб тушадиган ҳолатга келибсан. Бари бир бу корхонани эпқага келтира олмайсан.

— Нега келтира олмас эканман.

— Негалиги шуки, камчиликлар ошиб-тошиб ётибди. Ҳар қадамингда бир тўсиқ: хом ашё йўқ, шалоқ араваю қирчанғи от!.. Шундай экан, бекорга уринишнинг нима ҳожати бор?

— Сен менга ачиняпсан, шекилли-а, Нуся? Ачинмай қўя қол, менга жин урмайди. Яхшиси, дўстликнинг бошқа йўлини тут!

Ғазимбек кейинги сўзларига урғу бериб, жаҳл аралаш гапирди.

— Дўстликнинг яна қанақа йўли бор экан?

— Чин дўст дўстига далда беради. «Бўшашма, бардам бўл. Ишинг ўнглиниб кетади», деб унинг руҳини кўтаради. Куч-қувват, чидам ва матонат билан ишлашга ундайди. Сен бўлсанг... э, қўй-е...

Нуся индамай қолди. Унинг нафаси ичига тушиб кетган эди. Нуся бир вақтлар ҳам калта ўйлик қилиб гапи-

риб қўйгани учун Ғазимбекдан дакки еган эди. Ҳа, айтгандек, бу воқеа урушга кетиш олдида бўлган. Чақириқномаси қўлига теккан Ғазимбек Нуся билан тунги сайрагачиқди. Улар Комсомол кўлининг атрофида аллапайтгача айланиб юришди. Қайиқда сузишди. Севишган икки ёш бир-бирларидан ҳеч кўз узишолмасди. Худди қайтиб кўришмайдигандек суқланиб тикилишарди. Нуся хомуш тортиб, дили тобора қоронғилашарди. Икки гапининг бирида хандон отиб кулишларидан асар қолмаган. Кўлда сузиб юришаркан, уруш бошланганидан бери кўнглида тугиб юрган ушбу гапини айтишга журъат этди: «Ғазимбек, жонгинам! Яхшиси ҳарбий заводлардан брига ишга кириб ол. Бронь беришади, фронтга бормайсан. Шу ерда, ёнгинамда бўлардинг». У шу гапни гапирди-ю, лекин ўзи кутган жавобни ололмади. «Унақа заводларга сен кир, агар менинг ўрнимни билинтирмайман десанг. Менинг ўрним эса фронтда! Ҳарбий заводда ишлаб, бизларга ёрдам бериб турсанг — бўлак гап. Биз эса, душманни «тупроғимиздан қувмасак бўлмайди!» — деб шартта жавоб берди Ғазимбек...

Мана энди иккинчи бор янглишди. Ғазимбекдан яна дакки эшитди. Нуся айбига иқрор бўлган кишидек бир оз жим турди-да, сўнгра бошини кўтариб:

— Кечирасан, жонгинам. Хафа қилиб қўйдим шекилли? — деди.

— Ҳечқиси йўқ, — деб Ғазимбек ўрнидан турди. Нуся билан ҳовлига чиқиб, ҳужрасига ўтиб кетди.

Эрталаб Ғазимбек сал уринган бўлса-да, ҳали кўчалик ҳисобланган костюми билан кечагина сотиб олган ёмғирпўшини кийиб, ташқарига чиққан эди, ҳовли юзини супуриб юрган Нусянинг чеҳраси ёришди:

— Манави бошқа гап! Энди директорга ўхшабсан. Ҳа, йўл бўлсин?

— Министрликка, зарур иш чиқиб қолди. Хўш, сенга нима олиб келай?

— Писка олиб кел.

Ғазимбек хахолаб кулиб юборди. Нуся унинг кулгисига қўшилди. Кеча Ғазимбек соқолини қирмоқчи бўлиб қараса, писка йўқ экан. Писка тилаб, кирмаган уйи қолмади. Охири Собировникидан ишлатилган писка топиб, не машаққатлар билан соқолини олди. Ана шуни эслаб кулди Ғазимбек ҳозир.

Ғазимбек министрликда ишни битиргач, тезда кор-

хонага қайтиши керак эди. Чунки эртага дам олиш кунн, қўшни ташкилотлардан машина сўраб кўрмоқчи. Агар омади келиб, қўшнилари «йўқ» дейишмаса, якшанбалик уюштиради. Соғ ишчиларнинг барчасини йиғиб, «Коммунизм» колхоздаги тўқайзорга олиб чиқади. Кўпчилик бўлиб ўрилган бир кунлик қамиш, чий цехидагиларни икки-уч ҳафта иш билан таъминлаши мумкин. Кеча кечқурун касаба союз ташкилотининг раиси Холматов, цех бошлиқлари Рустамов ва Собировлар билан бу тўғрида гаплашиб олган. Аммо уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деганларидек, зудлик билан Кўрлар жамиятининг правлениесига бормаса, бўлмайдиган бўлиб қолди: министрлик жамиятга иккита машина бераётган эмиш. Пиримқуловга учрашиб, шунинг биттасини корхонага ундириши зарур. Негаки, машинага муҳтож битта у эмас-да. Олғирроқ одамлар чиқиб, Ғазимбек иккала қўлини бурнига тикиб қолавермасин тағин.

Афсуски, правлениедан Пиримқуловни тополмади. Уринбосардан иш чиқмади. У: «Бу масалани фақат раиснинг ўзлари ҳал қиладилар», деб туриб олди. Пиримқулов Самарқандда экан. Ғазимбек тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди. У қўшни ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашиб, ҳар қалай иккита машина сўраб олди.

Дам олиш кунн тонг саҳарданоқ ишчилар корхона ҳовлисига йиғила бошлашди. Цех бошлиқлари тайинлаган соғлардан ташқари, сал кўрадиган ишчилар ҳам машина ёнида шайланиб туришарди. Ғазимбек бунга жуда севинди. У ичида: «Шунақа ишчилар билан ишласанг, биринг икки бўлади», деб қўйди. Машина кузовига арқон чиқиндиларидан ташланди, қозон, идиш-товоқ, манғал, бир кунга етарли озиқ-овқат ортилди.

Ҳашарчилар теракзор олдида машинадан тушиб, ўзларини қамишзорга уришди. Бу ерда қамиш унчалик қалин бўлмай, ҳар ер-ҳар ерда тўп бўлиб ўсган. Ундан ташқари бурган, қўнғизтароқ, сассиқ алафга ўхшаш ўтлар ҳам кўп.

Колхоз раиси Аҳмаджон ака кўрлар корхонаси қамиш ўргани келганини, Тешабой ота исмли мўйсафиддан эшитгач: «Уларга қарашворсак нима дейсиз?» деб сўраган эди, ота раиснинг муддаосини дарров тушунди-да, ўзига ўхшаган қарияларни тўплаб, тўқайзорга бошлаб тушди.

Иш бир юришса, шунақа бўлади. Иккала машинанинг шофёрини айтмайсизми? Қараб туришни ўзига эп бил-

май, улар ҳам ўрилган қамишни боғлаб, машинага ортишга киришишди.

Тушга қадар ҳеч ким дам олмади. Ҳамма хурсанд, тетик ва бардам эди. Тўқайзорда гоҳ ашула, гоҳ ҳазил-мутойиба, аския авжланарди.

Ҳашт-пашт дегунча анчагина қамиш ўриб ташланди. Шофёрлар икки машина қамишни корхонага ташлаб ҳам келишди.

Кўпчилик билан ўрилган бир кунлик қамиш Ғазимбекнинг фикрича, икки ойга бемалол етарди. Мана, текин хом ашё. Холматовнинг «чий цехини кенгайтириш керак» деган фикри энди амалга ошади. Чий бўлса — харидор сероб. Банкага пул тегирмоннинг новидан тушгандек тушаверади.

Кун ботишдан сал илгари ўрилган қамишларни боғлаб, бир ерга тўплай бошлашди. Шу орада шофёрлар галдаги рейсдан қайтиб келиб, уларга ёрдамлашиб юборишди. Қош қорайиб, тун пардаси қишлоқни қоплаб олганда, ишчилар жўнаш учун машиналарга чиқишди. Пастда қариялар билан Ғазимбек ва яна икки ишчи қолишди.

Ғазимбек дала шийпонида Тешабой отага ҳурмат билан боқаркан:

— Отахон, бу одамларни сизга ишониб қолдирыпман. Совқоттирмайсиз-да, — деб ўзи колхоз идораси томон йўл олди...

### 38. ФОШ ЭТИЛГАН ФИТНА

Кеч кириб, оқшом шабадаси ела бошлаганда, Холмуродов кабинетига кириб келди. Чироқнинг пилигини чимдиб ташлаб, гугурт чақди. Шишанинг қизишини бир оз кутиб тургач, пилигини кўтарди. Хона ёришди. Холмуродов столга ўтириб, ойна устидаги қоғозларни кўздан кечирди-да, бир чеккага суриб қўйди. У ниҳоятда чарчаган эди. Бугун эрталабдан далада, колхозчилар билан бирга бўлди. Белига этак тутиб бир оз кўсак ҳам терди. Қопланган кўсакларни арава ва машиналарга орттириб, колхозчилар уйига жўнатди. Холмуродов даладаги кўсакни тезроқ йиғиштириб олишга шошилар эди. Ахир, шудгорни бошлаб юбориш керак. Колхозда пахта плани бажарилиши муносабати билан уюштирилган кечада Холмуродов билан раис бригадаларни ўзаро бўлишиб олиб, барча кучни шу зарур



ишга сафарбар этишга қарор қилишган. Ушандан бери ҳали орадан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, анча-мунча ишлар қилиб қўйилди.

Аҳмаджон ака ҳам Холмуродов сингари кечгача далада, колхозчилар ёнида бўлади. Фақат кечга томон ҳориб, чарчаб идорага келади-да, маъмурий ишлар билан шугуллана бошлайди. Ҳали далада ҳосил мўл. Пешана тери билан етиштирилган ана шу «оқ олтин»ни буткул териб олмасдан ерга трактор солиб бўладими? Пахтазорга ёйилиб кўсак тераётган барча колхозчилар ҳам худди шундай фикрда. Улар қор ёғмасдан кўсакларни йиғиштириб олиш ниятида ишни жадаллаштириб юборишган. Кўсакдан тозаланган карталарга эса трактор туширилди. Кўрлар корхонасининг ишчилари қамиш ўргани келишганини эшитган раис ҳам, Холмуродов ҳам улар томонга ўта олишмади. Ўтишга фурсатлари ҳам йўқ эди.

Холмуродов тракторчилар олдига ҳам борди. Улар билан суҳбатлашди. Ҳайдалаётган ерларнинг сифатини текширди. Фозил Юнусов ёнига келганда, қўнгли бир оз ранжигандек бўлди. Унинг фикрича, Юнусов олдинги Юнусовга сира ўхшамасди. Йигитнинг руҳи тушган. Илгариги ғурур ва мардлик олови ўчиб, устини кул босиб қолгандек. Асаблари ҳам бузилган, аввалги хушчақчақлиги йўқ. Ҳар доим шерикларини орқада қолдириб келаётган полвон йигит шу кунларда пешқадамликнинг ёнигаям йўламаяпти. Ишининг сифати яхши бўлгани билан, унумининг мазаси йўқ.

— Рост айтасиз, — деди Фозил Холмуродовнинг гинахонлигига жавобан. — Ўзим ҳам ҳайронман. Барвақт чиқиб, қош қорайганда қайтаман-у, лекин ишимда унум йўқ. Нафсиламр, қўлим ишга бормаи қолди. Яхши бўлмади. Паркентга кетаверай десам, ғаламислар тухматни ростга йўйишади, деб қўрқаман.

— Сизни ҳеч қаёққа юбормаймиз, — деди Холмуродов. Муҳаббат Каромат билан бошлашиб кирганида, Холмуродов: «Бу ишга шахсан ўзим киришаман», деб ваъда берувди. Қани ўша ваъданинг ижроси? Қани кўрган тadbирларининг натижаси? Тухмат одамни тириклай ўлдиради деган гап рост чиқиб, шундоқ азамат йигит довдираб қолибди-ку!

Муҳаббатнинг ичига ҳам чироқ ёқса ёришмайди. Кўзлари ич-ичига тушиб, ранглари сарғайган. Дугоналари билан ҳазил-ҳузул қилиб, кези келганда хандон отиб ку-

лишлари энди йўқ. Аксинча, сал тегажоғлиқ қилган киши баалога қолади.

«Буларнинг руҳан эзилиши, ишдан совушида менинг ҳам айбим бор, — деб ўйлади Холмуродов, — ахир, темирни қизигида ур дейдилар-ку! Бу фитнани аллақачон фош этиш керак эди. Мен бўлсам...»

Аслида-ку Холмуродов, бу масалага лоқайдлик билан қарамади. У Муҳаббатнинг шикоятини эшитган кунидан бери Махсумни икки марта идорага чақиртирди. Раис икковлари уни ўртага олиб қойишди, дашном беришди. Бари бир Махсум бўҳтонни кимдан эшитганини айтмади. «Эшитдим, колхозчилардан эшитдим. Ҳамма шундай деяпти», деб бошқа гапга ўтмади. Хуллас, оғзига пишиқлик қилди.

Холмуродов яна Фозил Юнусов билан Муҳаббатни ўйлаб кетди. Махсумни бўҳтончи деб судга бермаганига афсусланди. Охири: «Бу ишни тезда бир ёқлик қилмоқ зарур. Йўқса, кичкина учқундан аланга чиқиши мумкин», деган қарорга келди.

Муҳаббат Холмуродовни бугун ҳам узоқдан кўриб, ўзини четга олди. Холмуродов бунини пайқади. «Ҳалиям гинаси бор. Йўқса, кўришмай ўтмас эди...»

Аслида Муҳаббат Холмуродовдан ўпкалаганига ўзини олиб қочаётгани йўқ эди. У бригада бошлиғи Жамолиддин акадан ҳам ўзини тортиб юрарди. Сабаби — амакисининг юракка ништардек санчилган сўзларидан кейин унумли ишлаёлмай қолди. Қанча ҳаракат қилмасин, бари бир Кароматга етолмаяпти. Каромат ўзиб кетди. Терим бошланганда бери қизлар звеноси тугул, бутун бригадада Муҳаббатнинг олдига тушадиган чевар йўқ эди. Энди бўлса, Кароматгина эмас, ҳатто уч-тўрт болали хотинлар ҳам уни орқада қолдиришяпти. Шийпондаги қизил тахтадан Муҳаббатнинг номи ўчирилиб, унга Каромат, Қумри, Азизаларнинг номлари ёзилапти. Жамолиддин ака Муҳаббатнинг орқада қолиб кетаётганининг сабабини биринчи куниеқ билди. Ёнига чақириб олиб, худди ўз қизидек насиҳат қилди. «Ўзингга тўғри бўлсанг бўлди, қизим. Беҳуда гапларга парво қилма», деди. Бироқ, Муҳаббат аслига келолмади. У шу тўғрида ўйлади дегунча қўл-оёқлари бўшашиб, кўсак теришга ҳам мадори келмай қоларди.

Холмуродов Муҳаббатни анчагача кузатиб туриб, шийпонга ўтиб кетди. Отини шийпон олдидаги толга боғлаб, кўсак ортаётган аравакашларга ёрдамлашиб юборди. Ке-

йин Жамолиддин аканинг соғ қўлидан ушлаб шийпон ичкарисига бошлаб кирди. Холмуродов шолча устига ташлаб қўйилган якандоз устига ўтираётганида Жамолиддин ака гап бошлади:

— Муҳаббатга зеҳн соляпсизми, Холмуродов? Унга насиҳат қилиб қўймасангиз этини еб бўлди. Оқибати яхши бўлмайди.

— Сиз билан шу тўғрида гаплашмоқчи бўлиб, бу ёққа бошладим. Махсум ҳеч ёрилмаяпти.

— Айтмайди, агар тахминимиз тўғри бўлиб, бу гап Миробиддан чиққан бўлса, айтишга қўрқади. Менингча, кўпчилик ўртасига ташлаб, Юнусов билан Муҳаббатни оқлаб олиш керак.

— Мажлисда ҳам иш чиқмаса-чи?

— Қийин-қистовга оламиз. Айтмасанг ишингни судга оширамиз, деймиз.

— Яхши. Сиз кечқурун қарияларни чойхонага бошлаб боринг. Мен Махсумни чақиртираман. Уша ерда масалани ҳал қиламиз,— деди Холмуродов.

Жамолиддин ака қарияларни кечга яқин чойхонага эргаштириб келди. Юнусовнинг дўстлари ҳам шу ерда эди. Собир билан Эрбўта Рустамни олиб, ҳаммадан бурун келиб олишган. Муҳаббат звеносидаги қизлар уйларига тарқалишмай, чойхона томон йўл олишди. Улар чойхона олдига етиб келишди-ю, лекин ичкарига киришга ийманиб, бир-бирларини «сен кир — сен кир» деб қисташди. Орқада турган Кароматнинг зардаси қайнади. У қизлар тўдасини иккига ёриб олдинга ўтди-да, эшикни очди. «Юраверинглар» дея дугоналарини ичкари бошлади. Дугоналар ўтирганларга салом беришиб, пойгакдаги каравотга гуж бўлиб ўтиришди. Кароматнинг кўзи ёнбошлаб чой ичаётган Миробид чўлоқда. Миробид тўқ, ширакайф. Дераза томондаги каравотда Махсум ўтирибди. У худди совқотган кишидек, тўнининг бари билан оёғини ўраб гужанак бўлиб олган. Шу вақт икки қўлида тўртта чойнак кўтариб чиққан Света қарияларга чой улаша кетди. Света қариялар келиши билан тиббий пунктни ёпиб, чойхонага ўтган эди. У қизлар ёнига ҳам тўрт чойнак чой келтириб қўйди.

— Раҳмат, самоварчи ака! — дея тегишди Каромат.

— Нега Муҳаббатни олиб келмадинглар? — сўради Света.

— Боласини уйига ташлаб келади.

Бизгә ҳам бир чойнак, хўпми? — деди Миробид.

Света хўмрайди, ғудуллаб узоқлашди.

— Сапураҳон, менга ҳам чойдан келтир, қизим, — деди Тешабой ота.

— Хўп бўлади, амаки.

Света ғизиллаганича бориб унинг ёнидаги бўш чойнакни олди. Ичкаридан чой дамлаб чиқиб, Тешабой отанинг олдига қўйди.

Жамолиддин ака Холмуродов ёнидан жой олган. У қалин қўлқоп ичидаги ярадор қўлини енги устидан аста силаб ўтирибди. Чой ичишга ҳам ҳоли йўқдек. Афтидан, қўли зирқираб оғриётганга ўхшайди.

Қизлар каравотида қий-чув бошланди. Муҳаббат эшик олдида кўринган экан. Уни ёнларига чақириб олишди. Ҳожини хола ҳам мажлисдан қолишни истамаган шекилли, неварасини кўтариб кириб келди, олдинроққа бориб ўтирди.

Ҳаммадан кейин келган Фозил Юнусов тўппа-тўғри Рустамлар тўдасига бориб қўшилди.

— Жуда камнамо бўлиб кетдингиз, биродар? — деди Рустам дўстининг шарпасини эшитиб.

— Иш кўп, дўстим,— деб жавоб қилди Фозил Собиржон узатган чойни оларкан.

Холмуродов Фозилнинг келишини кутиб ўтирган экан шекилли, у келгандан кейин, мажлисни очинг дегандек, раисга ишора қилди. Раис Жамолиддин ака билан маслаҳатлашиб Ҳайдаралини чақиртирди.

Ҳайдар Миробиднинг ёнига бориб ўтирди.

— «Коммунизм» колхози аъзоларининг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қиламан, — деди Аҳмаджон ака, — кўриладиган масала тўғрисида сўз партком секретари ўртоқ Холмуродовга!

Холмуродов салмоқдор ва босиқ овоз билан гап бошлади:

— Ўртоқлар! Йиғилишимиздан мақсад колхозчиларимиз ўртасида хунук бир гап тарқалган. Биз кишиларнинг иззат-нафсини ерга урган, ана шу носоғлом, уйдирма гапларнинг манбаини аниқлашимиз лозим. Бундан бир ҳафтача илгари Махсум ака илгор звено бошлиғи Муҳаббат билан тракторчи Фозил Юнусовнинг шаънига ҳақорат ёғдирган. Гўё улар бир-бирлари билан яширин алоқада бўлишган эмиш. Бир неча марта ўтказилган сўроқларда Махсум бу гап кимдан чиққанини айтмади. Мана энди кўпчилик олдида билганини айтиб берсин. Муҳаббат билан Фозил: «Айбимизни бўйнимизга қўйишин!» деб талаб

қилишяпти. Шунинг учун биз бугун сизларни чойхонага йиғдик. Туринг, Махсум ака, гапириб беринг...

Махсум чорданасини бузди, тиззалаб ўтирди. Йўталди. Атрофга бир қур назар ташлаб чиқди. Аммо миқ этмай тураверди.

— Туринг ўрнингиздан. Гапиринг.

— Махсум, вақтни олманг, гапиринг, — деди Аҳмаджон ака.

— Нима бу, иштонини булғаб қўйган боладек бўзрайиб ўтираверасанми? Гапир, қаерда кўрдинг?! Агар кўрган бўлсанг, далилу исботлар билан гапириб бер! — қичқирди Жамолиддин ака.

— Мен ҳеч нарсани билмайман, кўрганим йўқ, — деди Махсум.

— Нимани кўрасан? Оқни қора деб, «билмайман» билан қутулмоқчимисан? Гапир!

Йиғилганлар ўртасида шовқин-сурон бошланди. Ҳар ким ўзича нималардир дер, фисқу фасод уяси бўлган Махсумни лаънатларди. Қизлар тўдаси ҳам тилга кирди. Улар ўзаро чуғурлашиб Муҳаббатни, Фозилни оқлашарди.

Махсумдан ҳадеганда садо чиқавермагач, Жамолиддин ака ортиқ чидаб туrolмади:

— Ургоқлар! Бундан нимани кутяпмиз ўзи? Нима ҳам дея олади? Тонг отгунча кутиб ўтирсак ҳам жўяли сўз эшитмаймиз. Ахир, нимани ҳам гапирсин? Ҳаммамиз шу колхознинг аъзоларимиз. Эрталабдан кечгага биргамиз. Ким қанақа қадам қўйиши тирноғимизнинг устида. Колхозда Булбулчани танимайдиган ким бор? Қани айтинглар-чи, ўртоқлар, ким уни бирон нарса деб айблай олади? Меҳр-муҳаббат қўйган оиласига, рўзгорига, Рустам Шокировдай мард эрига хиёнат қилиш... Йўқ, Муҳаббат унақа ишга қодир эмас!.. Тракторчи Фозилга келсак, мен уни биринчи марта кўрганимдаёқ, яхши йигитга ўхшайди деб қўйган эдим. Ҳеч янглишмадим. Қишлоғимизга келганига бир ярим йил бўлди, шундан бери қадамини ақалли салгина бежо ташлаганини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ. Қайтага ҳалол меҳнати билан ҳамманинг оғзига тушиб келяпти. Фозил Юнусов дўстининг юзига оёқ қўядиган пасткашлардан эмас! Ё менинг гапим нотўғрими?

— Тўғри, тўғри, Фозил — асл йигит! — деди Ҳайитбой ота.

Жамолиддин аканинг гапига қулоқ солиб ўтирган Муҳаббат ўрнидан турди:

— Үртоқ Холмуродов, гапирсам майлими?

— Майли, Булбулча, гапир,— деди раислик қилувчи Аҳмаджон ака.

Муҳаббат каравотдан тушиб, эрининг олдига келди-да, Рустамнинг ҳассасини олиб, устун тагида ўтирган Махсумнинг тепасида тикланиб гап бошлади:

— Амаки, айбимни бўйнимга қўелмасангиз, Рустам акамнинг ҳассаси билан уриб, бошингизни ёраман дегандим-а?

— Ҳа... — Махсум ўзини калтакдан олиб қочиш учун нарироққа сурилди.

— Сиз мени бир шапалоқ ургансиз-а?

— Ҳа...

Холмуродов келиб Муҳаббатнинг қўлидан ҳассасини олди.

— Босиқроқ бўлинг, Муҳаббат,— деди у.

— Босиқ бўлинг эмиш! Гуноҳимни бўйнимга қўйиб берсинлар. Туринг, халққа айтинг ўшандаги гапингизни?

— Кел, қизим, мениям бир шапалоқ уриб қўя қол, ора очиқ бўлайлик,— деди Махсум юзини тутиб.

— Ур, дедими — ур, қизим, икки шапалоқ ур,— деб ўтирган жойидан далда берди Ҳожия хола.

Муҳаббат қулочини ёзган эди, Шокиров луқма отди:

— Урманг, Муҳаббатхон.

— Майли, урма, қизим,— деди Ҳожия хола ҳам. — Худо ўзи урсин, бу эчки соқолни.

Чойхона гувиллаб кулиб юборди.

— Айтинг, ким билан қаерда кўргансиз?

Махсум ўтирган жойида тиз чўкди, кимнидир қидира бошлади.

— Ҳайдар, гапир, қаерда кўргансан? — деди Махсум.

— Махсум миясини еб қўйибди, ҳеч ким, ҳеч қаерда кўргани йўқ,— деди Миробид гапга аралашиб.

Жамолиддин ака ярадор қўлини яна силай бошлади. Кейин салмоқланиб гапирди:

— Йўқ, Махсум миясини егани йўқ. Бу гап сен билан Ҳайдардан чиққан. Қишлоқнинг сувини сенлар лойқалатиб юрибсан.

— Жамолиддин тўғри айтади,— деди Тешабой ота. — Бунақа гап шулардан чиқади.

Жамолиддин ака сўзида давом этди:

— Раис, ўртоқ Холмуродов, менда битта таклиф бор, буларнинг учовини ҳам қишлоқдан ҳайдаш керак.

— Тўғри, тўғри! Ҳайдаш керак! — Одамлар унинг сўзини маъқуллашди.

Қизлар ўртасида ўтирган Каромат кутилмаган жасорат билан ирғиб ўрнидан турди.

— Амакилар, менда ҳам икки оғиз гап бор, гапирма-сам бўлмайдиганга ўхшайди, — кўпчиликнинг сури босибми, ё биринчи марта сўзга чиқаётганигами, унинг оёқлари билинар-билинмас қалтираб, нафаси қисилгандек бўлди. Юзининг икки ёноғи қип-қизариб, дами ичига тушиб қолди.

Ҳайитбой ота қизига:

— Ҳа, гапиравер, қизим. Шошилма, қулоғимиз сенда, — деди.

Холмуродов ҳам Кароматга назар ташлади-да:

— Гапиравер, Каромат, уялма. Ўтирганларнинг ҳаммаси ўзимизнинг одамлар-ку, — деб далда берди.

Шундан кейин Каромат ўзини тутиб олди. Оёғининг қалтираши босилиб, дадил ва раvon гапира бошлади:

— Мен Ҷамолиддин акамнинг фикрларига қўшилмайман. Колхоздан ҳайдасак, қаерга боради булар? Яна ўзимизникига ўхшаш бирон қишлоққами? Булар ўша ерниям булғатиб, бизга иснод орттиради! Йўқ, буларни ўзимиздан ҳайдаб, ўзгаларни қийноққа солмайлик. Яхшиси учовини ҳам судга бериш керак! Булар фақат тухматчи эмас, уларнинг бошқа жиноятлари ҳам бор. Масалан, учалови ҳам хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда. Ҳайдарали техникумни битирган фельдшер қизни олганидан бери ҳеч қаерда ишлатмайди. Бечоранинг ранглари заъфарон. Хукуматимиз уни шунинг учун ўқитганми?! Тешабой отанинг қизи Гулчеҳра колхозда қандай ишларди? Ҳозир қафасдаги қушдан фарқи йўқ: Миробид уни чўрига айлантирди. Тешабой отам «инсоф кириб қолар» деган андиша билан юрибдилар. Қачон инсоф кираркан буларга, қачонгача кутамиз?!

— Каромат тўғри айтяпти, — деди Ҷамолиддин ака ўрнидан туриб. — Мен бу ёғини ўйламаган эканман. Ҳа, буларни судга беришдан бўлак яхши чора йўқ.

Ҷамолиддин, Аҳмаджон ака ва Холмуродовнинг бошлари бир ерга жам бўлди: улар маслаҳатлашиб қолишди. Бир фикрга келишди шекилли, Холмуродов ўрнидан турди:

— Уртоқлар, шундай қарорга келсак: колхоз аъзолари Муҳаббат билан Фозил Юнусовга тақилган айб тухмат деб топилсин! Ҳайдар бугундан бошлаб чойхонадан

бўшатилинсин, ўрнига Ҳайитбой ота тайинлансин. Район матлубот союзидан сўралсинки, Миробид Мирхалиловни магазин мудирлигидан бўшатсин. Унинг ўрнига ўзимиздан одам тайинлаймиз.

Чойхона ичини гулдурос қарсак босди.

— Ҳар учовининг туҳматчилиги тўғрисидаги иш жиний жавобгарликка тортиш учун тергов идораларига оширилсин...

— Урра, — деб юборишди қизлар.

Аллавақтгача чойхона ичи ғала-ғовур бўлиб турди. Йирилганлар қарордан мамнун тарқалишди.

### 39. БАРМОҚДАГИ НУР

Уч кундан бери ҳавони айнигиб турган кул ранг булут бугун кечга бориб қор ташлади, тонг отгунча колхоз далашига оқ намат ёйди. Қишлоқ қор тагида, кўчалар, ҳовлилар, томларни қор босган, дарахтлар гўё оқ пўстинга ўраниб олган. Кечагина далага файз киргазиб турган теримчилар, энди уйларида рўзгор ишлари билан банд.

Муҳаббат ўғлини йўргаклаб, эрининг олдига ётқизди-да, бирпасда олам-жаҳон иш қилиб ташлади.

Рустам уйда ёлғиз. У энди зерикмайдиган иш топиб олди: Кўрлар жамиятидан биркитилган муаллим Шомурод Қўчқоров унга Брайль алифбесини ўргатяпти. Ҳафтада бир келиб, икки соат дарс беради, қолган кунлари Рустамнинг ўзи мустақил ишлайверади. У қоғоз тешиб нуқталар ҳосил қилади, нуқталардан ҳарф, ҳарфлардан сўзлар тузади, кейин ўқийди. Мана шу унинг кундалик машғулоти. Рустам машғулотга қанчалик берилса, шунчалик тийраклашади, чеҳраси очилиб, ўзича кулиб қўяди.

Алифбе китобнинг биринчи ярмидаги ҳарфларни у унча қийналмасдан ўқийдиган бўлиб қолди. Чунки бу бетлардаги ҳарфларнинг оралари бирмунча очиқ бўлиб, бармоққа тез илинади. Китобнинг охириги бетларида эса, ҳарфлар зич, нуқталар бир-бирига қўшилиб кетганга ўхшайди. Бир куни у шундай бетларнинг бирини пайпаслаб турганида, бармоғи остида «Л» ҳарфи тургандек сезилди. Рустам эҳтиётлик билан қўлини суриб, «Л»дан кейинги ҳарфни тутмоқчи бўлди. Бармоғи остида қийшиқ туширилган иккита нуқта турибди. Бу — «Е» ҳарфи. Учинчи ҳарфни топиш Рустам учун машаққат бўлди. Бир нечта нуқта гуж бўлиб



турганлиги сабабли қандай ҳарф эканлигини тез англаб ололмади. Гўё шу ҳарфни шифтдан излаётгандек бошини бир оз кўтариб, бармоғини ишга солди. «Н» ҳарфи эмасми-кан» деган фикр унинг хаёлларидан ўтди ва шу заҳотиёқ учта ҳарфни жамлаб ўқиб чиқди. «Ленин»нинг номи бўлса-я? Балки шундайдир?» деди-да Рустам бармоғини яна суриб «Н»нинг ёнидаги ҳарф устига қўйди. Бу ҳарф ҳам иккитагина нуқтадан иборат бўлиб, унинг шакли «Е» ҳарфиникига қарама-қарши турарди. Кўрлар алифбосида «И» ҳарфи ана шундай шакл ташкил қиларди. Рустам охириги ҳарфни топишга қийналмади. Олдин номини билиб, кейин бармоқ билан излаш қийин эмас экан. У қўлини охириги ҳарф устига қўйиши биланоқ «Н» чиқди. «Ленин!» ўқиди Рустам.

— Муҳаббат, ҳо Муҳаббат! — суюниб кетганидан дераза томон ўгирилиб хотинини чақирди Рустам. Муҳаббат отилганича ичкари кирди. У шошиб қолган эди. Муҳаббатнинг хаёлидан: «Бирор кўнглисиз воқеа бўлмадимикин?» деган фикр ўтди. Йўқ, тинчлик экан. Эри ўз ўрнида китоб ўқияпти, ўғлини эса, қайнанаси олиб чиқиб кетибди.

— Нима гап адаси, тинчликми? — шошинқираб сўради Муҳаббат.

— Муҳаббат, бу ёққа келинг. Мана буни қаранг.

Муҳаббат эрига яқин келиб, кўзини китоб бетига тикди, лекин ҳеч нарса пайқамади. У бир оз тикилиб тургандан кейин кўзи жимираша бошлади.

— Нимани кўрай, адаси? — сўради у.

— Сиз буни кўролмайсиз, Муҳаббатхон. Кўрсангиз ҳам тушуна олмайсиз. Манави ерда Лениннинг номи бор экан, ҳозир ўқиб чиқдим!

Рустам шундай ғурур билан гапирдики, эҳтимол, ярадор бўлганидан бери биринчи марта шундай севиниши эди. Муҳаббат эрининг маънос чехрасида пайдо бўлган севинчинини кўриб, меҳри товланиб кетди. Унинг елкасига қўлини қўйди-да:

— Мана энди сира ҳам зерикмайсиз. Китобингиз сизга йўлдош бўлади. Мана шунақанги қувноқ, ўйнаб-кулиб ўтирганингизни кўрсам, менинг ҳам кўнглим тинчийди, — деди Муҳаббат. — Эсингиздами, сизни кузатаётганимда: «Йиғламанг, Муҳаббат. Узоқлашиб кетгандан кейин сизни шу ҳолатда эсласам, менга оғир бўлади. Ўйнаб-кулиб кузатсангиз менга куч-қувват бағишлаган бўласиз», деган эдингиз? Мана энди сиз уйдасиз, кўнгли хушлик қилиб,

Ўйнаб-кулиб ўтирганингизни кўрсам, мен ўз ишимни хотиржам қилавераман.

— Хўп. Сиз айтгандек бўлади.

— Ишқилиб, ҳув бир мартадагидек кўз ёши қилмасангиз бўлгани. Ушанда бир неча кунгача нохуш бўлиб юрдим...

Муҳаббат кирини тугатиб, ичкари кирди. Эрининг ёнига ўтириб, унинг игна қаламни тикирлатиб ёзишига тикила бошлади. Рустам хотини келганидан руҳланиб, приборни бармоқлари орасига қисганича ёзишда давом этарди.

— Нима ёзаяпсиз?

Рустам фикридагини қоғозга тушириб бўлгунча индамади. Кейин қаддини ростлаб, Муҳаббатга ўгирилди:

— Нима ёзаётганимни айтайми? — деди сирли оҳангда.

— Қани, эшитайлик-чи.

— Гап бундоқ, Муҳаббатхон. Брайль системасида ўқиш-ёзишни ўрганган кунимдан бошлаб, миямга бир фикр келди. Улуғ Ватан уруши давридаги кичик бир воқеани тасвирловчи китоб ёзмоқчиман. Унда душман билан юзма-юз олишган қаҳрамон жангчиларимиз, уларга мамлакатимиз ичкарисидан ёрдам бериб турган сиз каби колхозчиларимизнинг жасоратлари тасвирланади. Нима дейсиз?

— Нима дердим... Мана... — Муҳаббат эрининг бўйнига бир қўлини ташлаб, пешанасидан чўлп этиб ўпди. Рустам уни қўйиб юбормай, бағрига босди.

— Муҳаббатхон, амакинг келяптилар-а, — деб қолди шу пайт нариги уйда ўтирган Ҳожия хола.

Муҳаббат чўчиб ўрнидан турди. Тахмондан кўрпача олиб, тўрга ташлади.

— Нимага келяптийкан?

— Ярашмоқчидир-да, — деди Рустам.

Махсум айвонда тўхтаб, эгнига қўнган қорни қоқди. Бошига салла қилиб ўраган қийиғини ечиб, ичкари кирди. У Рустам билан қўл бериб, Муҳаббат билан калласини лиқиллатиб кўришгач, тўрга чиқди. Фотиҳадан кейин яна ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

Муҳаббат мажлисдан кейин амаким билан юз кўрмас бўлдим, деб ўйлаган эди. Дарҳақиқат, амакиси бу даргоҳга келиш у ёқда турсин, жиянига тасодифан рўпара бўлиб, учрашиб қолишдан ҳам юзи шувут эди. Аммо, Махсум бетини қаттиқ қилди.

Мана, ҳозир ҳеч нарса кўрмагандек, ҳеч нарса бўлма-

гандек, ёки Муҳаббатдан ҳеч қандай совуқ гап эшитма-  
гандек кириб келди. Яна аввалгидек бемалол ўтирибди.

Муҳаббат ташқарига чиқиб кетди, Махсум хонтахта ус-  
тидаги қалин китобни олдига суриб:

— Бу қанақа китоб? — деб сўради.

— Ўзимизнинг илмимиз, амаки.

— Ё астағфирулло, — деб ажабланди Махсум китобни  
варақлаб кўриб.— Бир куни бозордаги фолбиннинг кўлида  
худди шунақа китоб кўргандай бўлувдим-а.

— Кўрганингиз рост. Кўзим соғлиғида мен ҳам кўрган-  
ман. Аммо ўша фолбинларингизнинг тиши ўтмайди бу ки-  
тобга. Одамларга ўзини ғайри-табiiй сеҳр соҳиби қилиб  
кўрсатиш учун олдига атайин шунақа китобни қўйиб олган.  
Лекин аслида оғзига келганини бўғзига ютмай, валдирай-  
веради!

— Қани, сиз ўқиб беринг-чи, ўғлим, нимани ёзган  
экан?

— Хўп, амаки. Лекин ҳали яхши ўқий олмайман. Янги  
ўргамчикман.

— Майли, баҳоли қудрат ўқий беринг.

— Манави ерда, шеър бор экан. Шунини ўқиб бера қолай.

— Қани, қани, — Махсум кўзини китоб бетига келти-  
риб қаради.— Зора, ҳазрат Навоидан бўлса...

Рустам ўқий бошлади:

Азамат халқнинг  
Кўз нури — пахта.  
Ўзбек элининг  
Ғурури — пахта.

— Ие-ие, жуда қизиқ-ку! Шунақанги китобларда ҳам  
ёзар экан-да пахтани?

— Ҳа, амаки, ёзади. Соғларнинг китобида нима бўлса,  
ҳаммасини ёзади.

— Нега ёзади? Кўздан қолган кишиларга нима нафи  
бор?

Муҳаббат эшикни очиб, шақирлаб қайнаб турган само-  
варни келтирди. Чойнакка чой дамлаб, дастурхон соғди.  
Кейин сопол лаганда ош келтириб, хонтахта устига қўйди.  
Унинг кетидан кириб келган Ҳожия хола Махсумга «ке-  
линг» деб, чинни косада кўтариб келган турпни дастурхон  
устига сочиб ташлади. Махсум пичогини қинидан чиқазиб,  
гўшт тўғрашга киришди. Турпдан битта тишлаб эрмак қи-  
лаётган Рустам:

— Ойи, Фозил кечикди-я... — деб қўйди.

Ойиси унинг нимага шама қилаётганини сезиб:

— Олиб қўйдим, ўғлим, келганидан кейин сузиб бераман,— деди.

Ош ейилиб, чой ичилди. Махсум дастурхонга фотиҳа ўқиди. Муҳаббат хонтахта устини йиғиштиришга киришди. Ҳожия хола пиёлага чой қуйиб Махсумга узатар экан:

— Бу дейман қуда, нечук худо ёрлақаб бизларни йўқлаб қолибсиз? — деди.

— Беайб парвардигор экан, қуда. Эгилган бошни қилич кесмас деган гапга амал қилиб келавердим-да. Ё чакки қилибманми?

— Йўқ, жуда яхши қилибсиз, — деб жавоб берди Рустам. — Холис ният билан қадам босган кишига эшигимиз доим очиқ.

Махсум оғир хўрсинди.

— Умрингиздан барака топинг, ўғлим. Сизнинг бунақа одамохуналигингизни билмас эканман. Жияним ўзига муносибини топган экан, ҳа, кам бўлмасин!— Махсумнинг кўзидан ёш думалади. Бир оз тин олгандан сўнг:— Мен ҳамиша дуодаман. Ишқилиб қўша қаринглар. Аҳил, иноқ, тотув бўлиб яшанглар, болаларим!— деди.

Махсум елкасидан оғир тоғ кўчиб тушгандай енгил тортиб, Рустамлар хонадони билан хайр-хўшлашди.

Миробид дўконини ревизия босганини, Ҳайдар самоварчиликдан ҳайдалганини Махсумдан кўрди. Бир неча кундан бери иккови Махсумни холи учратолмай, жони ҳалак. Мана, бугун Махсум кечга томон жияниникига йўл олганини кўриб, охир муродларига етадиган бўлишди.

Махсумнинг уйига етай деганда, Миробид билан Ҳайдар унинг йўлидан тўсиб чиқди.

— Омбордаги баъзи нарсаларни сизникига киргизиб қўйсак, нима дейсиз?— ишшайди Миробид.

— Йўғ-е.

— Йўғингиз нимаси! Хўп деяверинг. Роҳатига шерик бўлганмисиз, энди азобигаям чиданг-да.

Махсум ночор уларнинг кетидан юрди. Дўкон берк, айланиб орқадан омборга ўтишди.

Миробид шам ёқди. Яшик устида очилган шиша кўринди.

-- Келинг, Махсум, бу ёққа ўтинг,— ғудуллади оғзи банд Миробид.

Махсум омбор остонасига оёқ қўйиши билан йиқилди. Ҳайдар Миробиднинг ишораси билан ортидан тепган эди.

Махсум қаттиқ дод деди. «Одамхўрлар» деб бақирди. Омбор кетидаги ҳовлида яшовчи шофёр Собиржон дод овозини эшитиб, кўча айланиб чопиб келгунча, Махсум қизил қонига беланиб ётарди. Собир қайтиб кўчага чопди. Бир-икки кишини йиғиб омборга киришди. Махсум ер тишлаб ётарди.

— Узи, қоронғида қоқиниб йиқилиб тушди,— деди Миробид гўё ҳеч нарса бўлмагандай.

Собир тиббий пунктдан Светани бошлаб келди. Улар йўлда Фозил Юнусовга дуч келишди.

— Юринг, Фозил ака,— деди чопиб кетаётган Света,— тезроқ.

Фозил уларга эргашди.

Света Махсумга биринчи ёрдам кўрсатди.

— Машина керак, шаҳарга жўнатмасак бўлмайди,— деди у.

Яхшики, Собирнинг машинаси кўчада экан. Махсумнинг нимжон танасини машинага солиб, Света шаҳарга жўнади.

#### 40. ШУМ ХАБАР

— Болалар боғчаси кўзда тутилмабди-да?

Залнинг биринчи қаторида, Муҳаббатнинг ёнида ўтирган Кунпош опанинг товуши раиснинг сўзини бўлиб қўйди. Залда жонланиш, кейин кулги кўтарилди. Кимдир: «Кампирнинг дарди гўзада» деб қочирим килди.

Боғча мудираси Кунпош опа кўпчиликнинг кулгисидан, айниқса кейинги кесатикдан зардаси қайнаб кетди. У ирғиб ўрнидан турди-да, залдагиларга юзланиб жигибийрон бўлди:

— Нега куласизлар? Кишини мазах қилиш ўзи одат бўлиб қолибди! Сут беради деб молларни ўйлаймиз, молхоналар солишга пул ажратамиз. Хўш, болаларимиздан пулни аяймизми, уларга ғамхўрлик қилишнинг ҳожати йўқми?

Холмуродов қўлидаги қаламни пиёлага уриб, мажлис аҳлини тинчлантирмоқчи бўлди. Аммо мажлисда ўтирган бошқа боғча мудиралари Кунпош опанинг фикрига қўши-

либ, раисни гапиртирмай қўйишди. Улардан бири ўрнидан дик туриб, бенавбат гапира кетди:

— Кунпош опам жуда тўғри гапни айтдилар. Аслида колхозимизда болаларга ғамхўрлик йўқ деса бўлади! Дала шийпонларидаги боғчаларимиз қовун полиздаги чайлардан ҳам хароб. Сал ёмғир ёгса, болаларимиз чаккада қолишади.

Аёллар чуввос кўтариб, унинг гапини тасдиқлашди.

— Тўғри, тўғри, салгина шамолга беланчак бўлиб тебранади. Нега қўшнилар данғиллама боғчалар қуришади-ю, биз қурмаймиз? Гап шу, раис ака: агар колхознинг қудрати етмаса, янги клуб қурилишини бир-икки йилга тўхтатиб туриш керак. Эски клуб билан шунча йил яшадик, яна яшайверамиз. Оналар норози. Уларнинг талабига қулоқ солиш керак!— Аёл кўпчиликдан уялиб бўлса керак, қизариб кетган юзларидаги марвариддек терларини аргиб, жойига ўтирди.

Эшикка яқин ўтирган Абдурасул ака ўрнидан туриб салмоқ билан гапирди:

— Она қизларим тўғри гапиришяпти, раис. Шу масалани бир ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, клубни қўйиб, ҳамма бригадалардаги болалар боғчасини қайта қуриш маъқулроқдир?

Аҳмаджон ака мустақил бир фикрга келолмай ўйланиб қолган эди, Холмуродов унинг жонига ора кирди.

— Ўйлаб кўрамиз. Бизнинг режамизга кўра, болалар боғчасини қайта қуриш келаси йилга мўлжалланган. Умумий мажлис «хўп» деса бўлинмас фонддан бу йилоқ пул ажратиб, ишни бошлаб юборамиз. Клубни тўхтатиб туришга ҳожат қолмайди. Ахир, боғча болаларга керак бўлса, клуб колхозимиз ишини тарақлатиб турган ёшларимизга керак!

Залдагилар тинчланди. Холмуродовнинг гапидан қониқиш ҳосил қилган аёллар ҳам жимиб қолишди. Раис гапида давом этди:

— Ҳозирги олдимизда турган асосий вазифа — тўғон қурилиши. Районимиздаги ҳамма колхозлар шу муҳим ишга бел боғлаган. Буни айни кунларда ҳал қилиб олмасак, ёзда ўзимиз қийналамиз. Биласизлар, сув танқислиги жонга тегяпти. Тўқайда янги ер очганимиздан кейин бизга яна кўпроқ сув керак бўлади. Тўғон қурилиши келгусидаги деҳқончилик ишларимизнинг ривожига нафи тегиши муқаррар! Буни ҳамманглар яхши биласизлар. Лекин нима

қилайлик, колхозчилик экан, қишдаям ишимиз бошимиздан ортиб ётади. Фермага ёздагига қараганда кўпроқ одам керак. Чунки қирдаги молларнинг кўп қисми қишлоққа келтирилган. Далага гўнг чиқармасак, яна бўлмайди. Давлатдан олинган маъдан ўғитларни ташиб олиш бундан ҳам зарур. Буларнинг ҳаммасига от-улов, транспорт ва одам кучи керак.

Йирилганларнинг фикр ва мулоҳазалари бир ерга жамланиб, шундай қарорга келинди: Тўғон қурилишига ёшлар юборилади, колхоздаги енгил юмушлар эса қариялар билан аёллар гарданига юкланади.

Муҳаббат тамаки дудидан ҳавоси бузилган кабинетда ўтиравериб, нафаси бўғилгандек бўлди. Мажлис тугаши билан ташқарига ҳаммадан бурун чиқди-да, совуқ қаттиқ бўлишига қарамай, рўмолини ўрамади. Ғовлаб кетган миясига тунги изғирин хуш ёқаётгандек, димоғига ўтириб қолган тамаки ҳидини қувлаб чиқараётгандек туюлди.

Тиббий пункт олдида Света дугонасининг йўлидан тўсиб чиқди:

— Муҳаббат, келяпсизми? Намунча чўзилди мажлисларинг? Бу ёққа юринг, бирга кетамиз.

— Вой ўлмасам, шундай совуқда нега кийинмасдан турибсиз?— деди Светанинг бош яланг, пальтосиз турганини кўриб Муҳаббат.

— Ўзингиз-чи, нега рўмолингизни ўрамагансиз? Яна пальтонгизнинг тугмалариям солинмаган?

— Ҳавоси бузуқ уйдан чиқиб келяпман,— деди Муҳаббат.

— Ичкарига киринг, гап бор.

— Йўқ, Света, яхшиси эшикни қулфланг, кетайлик. Уйдан чиққанымга анча вақт бўлди, юрагим хаприқяпти. Адҳамжон йиғлаётган бўлмасин тагин?

— Бирпас ўтиринг, ўртоқжон. Сизга маслаҳатли иш чиқиб қолди. Уйга келмай, йўлингизни пойлаб ўтирганим ҳам шунга.

Муҳаббат пальтосини ечиб, эшик олдидаги қозиққа илди. Кейин табуреткани столга яқин суриб ўтираркан:

— Қани, айтинг бўлмаса,— деди.

— Дадам келаётган эмишлар, хат олдим.

Света кўзини Муҳаббатдан яшириш мақсадида стол устидаги медицинага оид қалин китобни олдига суриб, ўқиётган бўлди. Светанинг бу ноқулай ҳаракатидан Муҳаббат ажаблана бошлади. «Қизиқ, нега у безовта бўляп-

ти? Отаси келаётганигами? Ахир, бу безовталаниш севинач ҳиссиётлари эмас, ташвиш, қўрқинч ҳиссиётларини англа- тувчи безовталаниш-ку. Қизиқ, дадаси келаётганидан хурсанд эмасмикан? Йўқ-йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эмас! Ахир, у дадасини жуда яхши кўради-ку. Хат тўх- таб қолган кезларда дадасининг суратига тикилиб, йиглаб ўтирганларини неча марта кўрганман. Тавба, душманнинг орқа тарафида партизанлар отрядига бош бўлиб, немио хотига қирғин келтирган ота билан ғурурланиб юрган қиз, мана бугун унинг келаётганини эшитиб, ўзини қаёққа қў- йишини билмайди, мендан ҳам кўзини олиб қочяпти. Демак, Света отаси олдида гуноҳкор экан-да? Ҳа-де, гуноҳларимни отам кечирармикан, балким кечирмаса-чи? деган мулоҳаза билан безовталанаётгандир?»

— Айтасиз, ҳозир айтасиз! Сизни нима безовта қил- япти? Отангизнинг қайтиб келишими? Демак, хурсанд эмассиз, шундайми?

— Нима, томга чиқиб чапак чалишим, «отам келяпти, одамлар», деб жар солишим керакми?

— Гапни бурманг, Света. Сизда бир сир бор, мендан яширяпсиз. Энди ўша сиригиз отангиз келиши билан ош- кора бўлиб қолишидан қўрқяпсиз!

Света жарангловчи овозини барала қўйиб, хонани тўл- дириб кулди. Кейин Муҳаббатнинг елкасига қўл ташлаб:

— Уртоқжон, топдингиз, яширин сир бор. Уни албат- та, сизга айтаман. Шунинг учун ҳам уйга кетмай, сизни пойлаб ўтирган эдим. Бу сир душманликдан эмас, дўстлик, ёру биродарлик, меҳрибонлик ва қадрдонлик ҳис-туйғула- ридан ҳосил бўлган сир. Масалан, Фозил акамга «Сенинг севгилинг ўлим тўшагида ётибди» деган маънода хат кел- са, буни ким у кишига етказа олади?

— Нима деяпсиз ўзингиз?— Светанинг гапларидан чў- чиб, Муҳаббат ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, боя почтачи иккита хат ташлаб кетди. Бири дадамдан, иккинчиси Одессадаги госпиталда ётган Катя- дан. Бирини ўқиб севинымсам, иккинчиси шу севинымни бир- пасда пучга чиқарди.

— Қани хати?— Муҳаббат тирсагини столга тираб сў- ради.

— Мана, очиқ хат, откриткага ёзилган. Назаримда кимдир ёзиб берган бўлса керак, ўзининг дастхати эмас.

Света пиджагининг чўнтагидан хатни чиқазиб, Муҳаб- батга узатди. Муҳаббат хатни ўқий бошлади:



«Федя, севгилим! Икковимиз орзиқиб кутган орзу ва умидларимиз ушалмасдан барбод бўляпти. Улим тўшагидаман. Кўзим юмилмасдан сени бир кўриб қолсам деган ягона умидим бор эди. Буни ҳам шум тақдир кўп кўрди, ёнимда эмассан. Севикли Федя, ойим Нальчикка қайтибдилар. Чин муҳаббатимизнинг ҳурмати учун ўлимим олди-дан битта илтимосим бор. Яхши ниятлар билан солган уйингга ойимни олиб бор, ёлғиз қолиб кетмасин. Бўлғуси қайлиғинг билан сенга оналик қилиши мумкин. Ана шунда, Федя, руҳимни хушнуд этган бўласан».

— Фозилжон акага ёзилган экан-ку, сизга қанақа қилиб тегиб қолди?

— Почтачи бериб қўярсиз, деб ташлаб кетди...

Икки дугона унсиз, сассиз узоқ кўз ёши тўкишди. Кейин Света дугонасининг бошини силаб:

— Бўлди энди, йиғлашдан фойда йўқ, Муҳаббат. Тезроқ бирон чора топиш керак, — деди.

— Қанақа чора? Фозил акага айтишми?

— Йўқ, йўқ, бу асло мумкин эмас!

— Бўлмаса нима қиламиз?

— Шунга ҳайронман-да, Муҳаббат... Аччиқ ҳақиқатни очиқ айтиб, Фозил акани Катянинг олдига юбориш керакмикан? Ахир, у ҳали тирик-ку. Шояд руҳи тетикланиб, тугалиб кетса.

— Фозил ака МТСда ремонтда, иши жуда тиқилинч.

— МТС раҳбарларига шу хатни кўрсатилса, балки жавоб беришар?

— Сапура, мана бундай қилсак-чи, — Муҳаббат бир оз жонлангандек гапира бошлади, — хатни аввал Холмуродовга кўрсатсак. У албатта, Фозил акамга жавоб олиб беради. Мен воқеани Рустам акамга тушунтираман. Фозил акам Одессага — Филатов ҳузурига дўстини олиб кетган бўлади. Етиб боришгандан кейин Рустам акам ётиғи билан унга воқеани айтади.

— Жуда яхши, Муҳаббатхон, худди шундай қиламиз!

Холмуродов хатни ўқиб кўриб, мажҳул ҳолатда қолди. Ҳозир МТСда трактор ремонтининг айни қизғин палласи. Ҳар бир механизатор ўз машинасининг устида туриб, кам-кўстини тўғрилатиб олмаса, кампания бошлангандан кейин ўзига қийин бўлади. Айниқса эҳтиёт қисмлар камчил эканини назарда тутганда... Аммо бу хат...

— Нима ҳам қилардик, бу унинг учун ҳаёт-мамонт масаласи, жавоб олиб берамиз-да, — деди у ниҳоят.

— Раҳмаг, ўртоқ Холмуродов, умрингиздан барака топинг?

Қизлар қувониб кийина бошлашди.

— Бу хатни биз Фозил акадан сир тутмоқчимиз, яна айтиб қўйманг-а, — деб тайинлади Муҳаббат.

— Нега энди, бари бир билади-ку?

— Фозил ака Рустам акамни Одессага, доктор Филатовга кўзини кўрсатгани олиб боради. Катя ўша ерда, госпиталда, етиб боргандан сўнг Рустам акам унга хатни кўрсатади.

— Тушундим. Яхши ўйлабсизлар.

#### 41. У Ч Р А Ш У В

Самолёт Одессага яқинлашди шекилли, анча пастлаб уча бошлади. Кечаси бўлганлиги учун шаҳар йўловчиларни юлдузлар чаманига ўхшаш сон-саноксиз чироқлар билан қарши олди.

Деразадан кўзини узмай, шаҳарнинг тунги манзарасига тикилиб келаётган Фозил самолёт ерга қўнгандан кейингина Рустамга ўгирилди.

— Қойилман, уста экан! Мен бу чироқлар ичида адашиб кетар деб ўйлагандим.

— Булар янглишмайди, дўстим. Эслайсизми, фронтда бир метрдаги кишини кўриб бўлмайдиган зим-зиё кечаларда ҳам учувчиларимиз бизнинг устимиздан учиб ўтиб, душманнинг нақ тепасига бомба ёғдиришарди.

Рустам дўстига эргашиб самолётдан тушди.

Одесса қиши Тошкентникига қараганда хийла совуқ экан. Ёққан қор эриб кетмай, оёқ остида шиббаланган. Ҳаво тиниқ бўлгани учунми, тунги аёз танга игнадек санчиларди. Совуқ шамол бет билан бурунни чимдилаётгандек туюлади. Дўстлар қалин кийинган бўлишларига қарамай, дафъатан этлари жунжигандек бўлди. Рустам қулоқчилини тушириб, пальтосининг ёқасини кўтариб олди. Кейин Фозилга юзланиб:

— Нальчикдаги изғиринга ўхшайди бу, — деди. — Эслайсизми, биринчи қор ёққан кунни? Қаттиқ совуқ бўлган эди-я? Ушанда совуқнинг таъсиридан гапиришга ҳам ҳолим келмаганди менинг. Сиз бўлсангиз, гўё қор ёрмаган-

дек, кишининг баданини узиб олувчи изғирин йўқдек сафда бепарво борардингиз. Шунда чиндан ҳам сизга ҳавасим келган эди.

Юнусов бир хўрсиниб қўйди-да:

— Эҳ, Нальчик, Нальчик, — дея гапира бешлади, — қани энди ўша шаҳарда яна бир бор бўлсаму, ишқумуҳаббатнинг ширин туйғулари оғушида маст бўлиб юрган ламларимни эсласам! Катя билан бирга юрган кўчаларни ёлғиз бўлсам ҳам сайр этсам, армоним қолмасди! Афсуски, Фрося хола ҳам дараксиз кетди. У бўлганда ҳам бориб ҳасратлашган бўлардим. Ичимда йиғилиб қолган аламли изтиробларни тўкиб, юрагимни бўшатардим!

— Йиғлардим денг?

Кутиш залига киришди.

Фозил Юнусов дўстини бўш креслолардан бирига ўтқазиб, ўзи ҳам унинг ёнидан жой олди. Кейин Рустамнинг қўлоғига пичирлади:

— Йиғласам арзимабдими?

— Арзийди, дўстим, арзийди. Аммо юрак-бағри симобдек эриб, фарзанд доғида куйган бечора она сизни овутиб ўтирса, қандай бўларкин?

Рустам сўз Фрося хола билан Катяга келиб қадалганига хурсанд бўлди. Хатни Юнусовдан энди беркитиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Ҳамма сирни ошкора қилса бўлаверади. Лекин илк севгининг завқ-шавқидан олам-жаҳон севинчга тўлиб юрган йигит севгилисидан ажралиб қолганини дафъатан эшитганида, ўзини тута билармикан? Рустам «Катя шу ерда, госпиталда» десаю хатни кўрсатса, Фозил яқинлашаётган абадий ҳижрон ўтига чидай олармикин?

Рустам кўп ўйлади. Ниҳоят, олдин доктор Филатовга учраб, ўзини кўрсатгандан кейин Катя ҳақидаги гапини очишга қарор қилди.

— Бир тамадди қилиб олмаймизми? Қоринлар ҳам ҳуштак чалиб қолди-ку, — деди Фозил махорка қолдигини ахлатдонга ташларкан.

— Қаршилиқ йўқ, — жавоб берди Рустам.

Фозил чамадондан жиззали нон билан яхна гўшт олди. Чамадон қопқоғини ёпиб, устига газета ёзди.

Булар ўтирган катта залда самолёт кутаётганлардан ташқари, тунда учиб келиб тонг отишини пойлаётганлар ҳам кўп эди. Рустамлар келгандан бери бир неча самолёт парвоз этиб, бир нечтаси қўнди.

— Сиз ўтириб туринг, мен чой дамлаб келай. — Фозил узун тунука чойнакни кўтариб чиқиб кетди.

Осмонда самолёт овози гувиллади. Кейин аэродром ичида ер қаърига сингиб кетгандек тинди. Кўп ўтмай залга бир тўда йўловчилар кириб келди. Улар ичкарига кириб, ҳар томонга тарқала бошлади. Одамлардан орқада қолган бир аёл пиймали оғир оёғини зўрға судраб Рустамнинг ёнига келди-да:

— Ёнингда ўтирсам бўладими, ўғлим? — деб сўради.

Рустам дафъатан жавоб бермади. «Майли» деса Фозилнинг жойи, «йўқ, бу жой банд» деса кампирнинг овози маҳзуун эшитилганидан раҳми келди.

— Майли, ўтира туринг, шеригим келса бир гап бўлар.

— Сен бу ерлик эмассан шекилли? — кампир яна савол берди.

— Ҳа, меҳмонман, — гўшти чала чайнаб ютиб жавоб қилди Рустам.

— Қаердан келдинг?

— Тошкентдан, доктор Филатовга кўзимни кўрсатмоқчиман.

— Тошкентдан дегин. Эшитганман шунақа шаҳар борлигини. Бир тошкентлик йигит менинг қизимга хуштор бўлиб қолган эди.

— Қизим дедингизми? Оти нима қизингизнинг?

— Катя.

— Йигитники-чи?

— Федя эди шекилли.

— Нима, нима? Сиз кимсиз ўзингиз?

— Менми? Туғилганимдан Фрося деб исм қўйишган экан...

— Фрося холамисиз? — Рустам ҳаяжонланди. Сўнг пайпаслаб кампирнинг қўлини топиб ушлади: — Федя шу ерда, ҳозир келади. Мен Шокировман. Эсингиздами Рустам Шокиров?

— Анавини қара! Кўзингга нима бўлди, болам? Федя қани?

Фозил чойни келтириб Рустамнинг оёғи остига қўйди-да, тўнғиллади:

— Жойни бериб қўйибсиз-ку, хўжайин!

— Келдингизми? Бу кишини танияпсизми?

Фозил кампирга ҳарчанд тикилса ҳам таниёлмади.

— Танаймайди. Қаёқдан ҳам танисин. Тўрт йил тоғу

тошлар орасида жон сақлаган кишини таниб бўлармиди!  
Мен Фрося холангман, Федя.

Фозил қалтираб кетди. Бутун аъзойи бадани, боши ларзага келди.

— Мен ҳам ёлғиз бўлсам Федяни танимас эдим. Бўйи ўсиб кетибди, қорайибди,— деди Фрося хола.

— Ҳа, биз томонларда офтоб зўр-да,— деди Рустам.

Фозил кўзи тўла ёш, Фрося холага тикилди:

— Катя соғми, қаерда? Нега хат ёзмайди?

— Катянг шу ерда, бугун кўрамыз,— деди кампир ишонч билан.

Кампир рўмолини ечиб, елкасига ташлади. Фрося хола рўйпарасида турганини аниқ кўрган Фозил ўрнидан даст туриб:

— Қани, тулинг, Катяни топайлик,— деди.

Кутилмаган бу учрашув Шокировни ҳам эсанкиратиб қўйди. У ҳам дўсти билан баравар ўрнидан турди:

— Юринглар, кетдик.

Фрося хола бир нима демоқчи шекилли, уларнинг қўлидан гутиб «тўхтанглар» дегандек тисарилди. Кейин йиғлаб юборди.

— Катюшам шу шаҳардаги госпиталда экан. Хатида «ўлим тўшагида ётибман» дебди.

Фозилнинг хаёли сочилиб кетди. Юрагининг бир марта, атиги бир марта санчиши товонидан то миясигача зирқиратиб юборгандек бўлди. Совуқда, қаҳратон изғиринда қолган кишидек титрай бошлади. Беш-олти ойдан бери вужудини қийнаб юрган хавотирлик аччиқ ҳақиқатга айланиб, ўз кучини кўрсатарди. Севгилиси учун қанот қоқаётган ва бир олам-жаҳон эзгу умидлар билан танини яйратиб юрган юраги бу мудҳиш хабардан парчаланиб кетгандек бўлди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Зал ичида ғувуллашиб юрган одамлар ҳам, креслоларда газета ва журналлар ўқиб ўтирган кишилар ҳам, ҳатто Фрося хола билан Рустам Шокиров ҳам парда орқасига ўтиб қолгандек бўлди. Ичида чарх ураётган туғён кўзи олдига қора парда тўсиб, ёруғ жаҳонни қоронғилаштириб юборди.

Фрося хола ҳамон йиғларди. Кўзларига босиб турган рўмолчаси аллақачон жиққа ҳўл бўлган. Онаизор қалбида йиғилиб ётган барча дард-аламларни, ғам-ғуссаларни йигитларни кўриши билан ортиқ ичида сақлай олмай, кўзи орқали ташқарига чиқарарди. Фрося хола нега ҳам йиғла-масин? Ахир, у бир бутун оиласидан ажралиб қолди. Уй-

лантираман деб турган ўғли урушнинг биринчи йилиёқ фронтга кетиб, қайтмади. Ҳали шу вақтга қадар ўлик-тириклигидан хабар йўқ. Нальчикка қайтганда бўлажак келинининг дарагини топди. Эр қўлиб кетибди. Хола яшаган уй ҳам ўрнида йўқ. У ердаги уйлар ўрнига кичик бир тепа ҳосил бўлган. Мана, яккаю ягона Катясидан эса мудҳиш хат олди. Шундай экан, не-не орзу-умидлар билан катта қилган фарзандларидан ажралиб қолган бечора она йиғламай тура олармиди? Фрося хола уруш даврида кўрган қийинчиликларини ҳали ҳеч ким билмас эди. Катя фронтга кетганидан кейин кўп ўтмай шаҳар немис босқинчилари қўлига ўтиб, аҳолининг кўпчилиги: «Душман қўлида хорланиб кун кечиргандан кўра, тоғу тошларда эркин жон берганимиз маъқул!» деб шаҳарни ташлаб кетди. Арчазор тоғлар уларнинг макони бўлди. Эликлардан ошиб қолган Фрося холанинг тўшаги хас-чўп, ёстиғи тош бўлди. Кейинчалик озиқ-овқатлари ҳам тугаб, ёввойи дарахтлар мевасини истеъмол қилишадиган бўлишди. Бунақанги оғир кунларга ҳам хола бардош бера олди. Чунки у: «Қоронғи туннинг эртанги тонги бор. Қаҳратон қишининг кетидан гулларга бурканган баҳор келади. Бу ёмон кунимиз эса доимий эмас, ҳадемай душман енгилади. Кейин яна тинч, осуда ҳаёт бошланади. Колям билан Катям фронтдан қайтишади, кўрмагандек бўлиб кетамиз», деб комил ишонч билан тоғларда яшади. Аммо Фрося хола кутгандек бўлиб чиқмади. Ақалли битта фарзанди қайтса эди. Мана энди унинг на биронта фарзанди, на уй-жойи бор.

Боядан бери серрайиб ўтирган Рустам антикиб-антикиб йиғлаётган Фрося холанинг елкасига қўлини қўйди. Иккинчи қўлига рўмолчасини олиб, холанинг юз-кўзларини артди.

— Холажон, йиғламанг, ортиқча кўз ёши тўкманг. Лаънати урушдан келадиган оқибат шу-да. Жароҳатланмаган ким қолди? Балки қизингиз тузалиб кетар? Ёлғиз эмассиз, холажон, мана биз бормиз. Фозил сизни «онам» деган. У сўзидан қайтадиган йигитлардан эмас! — дея холани овута бошлади.

— Раҳмат, ўғилларим! — миннатдорчилик билдирди кампир.

— Холажон, Катя ҳам сизнинг ғамингизни еган. Бизга юборган хатида Федяга бир-икки оғиз юрак сўзларини айтибди, — дея Шокиров пальтосининг ички чўнтагидан Катянинг очиқ хатини чиқаза бошлади.

Дўстининг гапларига сира тушунолмаган Фозилнинг кўзлари чақнаб кетди:

— Нима, нима деяпсиз, Рустамжон? Қанақа хат, қачон келган эди? — Фозил устма-уст савол берганича, қалтираб турган қўлларини чўзиб, дўстининг қўлидан хатни олди.

— Охирини ўқинг, охирги жумлаларни, — деди Рустам. «...Федеяжон, ойим Нальчикка қайтибди. Чин муҳаббатимиз ҳурмати учун ўлимим олдидан битта илтимосим бор. Яхши ниятлар билан солган уйингга ойимни келгир. Бу дунёда ёлғиз қолиб кетмасин...»

Қоғоз бетигаги бинафша ранг ҳарфлар бирданига кичиклашиб, бир-бирига қўшилиб кетгандек бўлди. Фозил ортиқ ўқий олмади.

— Холажон, мен энди сизни шу кундан бошлаб ойна дейман! Катянинг айтганларини ўлгунимча қиламан. Сизни олиб кетаман. Сиз она, мен фарзанд бўлиб бирга яшаймиз. Хўпми, ойижон?! Хўп денг, розилик беринг, — дея ёлвора бошлади.

— Хўп, ўғлим, хўп. Икковинг шуни истасанг, мен нима ҳам дея олардим. Катянг менга ёзган хатида ҳам худди шундай дебди, — деди Фрося хола.

Фрося хола чамадон устидаги гўшт билан нонга кўзн тушиб:

— Айтгандек, овқатланаётган эдинглар шекилли, болаларим? Мен халақит бердимми? Олинглар, енглар, — деб уларни овқатланишга қистай бошлади.

— Сиз енг, ойижон. Очдирсиз, ҳали ҳеч нарса тати-маган бўлсангиз керак?

— Қорним тўқ, ўғлим. Нальчикда овқатланган эдим. Майли, бирга ейлик.

Овқатланиб, бир-икки кружкадан чой ичишди. Фрося хола ташқарига қараб деди:

— Тонг ҳам ёришиб қолди, борайлик энди.

— Кетдик, ойижон, — деди Фозил ейилмай қолган нарсаларни чамадонга солиб, чойнак шамасини тўкиб келаркан...

## 42. КАТЯНИНГ УЛИМИ

Уруш шаҳарнинг ташқи қиёфасида ҳам асар қолдирган. Бутун иморатлар жуда оз. Айримларининг томини снаряд учириб кетган, яна бирининг биқинини тўп тешиб ўтган,

кўп бинолар қулаган. Яхшиям, қиш шаҳар вайроналарини оқ наMAT билан беркитиб турибди. Шаҳарда дарахтлар ҳам омон қолган эмас. Баъзилари белидан чўрт узилиб кетган, баъзилари эса, танасига кўрк бериб турувчи шохларидан маҳрум бўлган. Улар худди жангда ярадор бўлган солдағни эслатади.

Ҳозир кўп кўчалар тузатиб қўйилибди. Бомба тушган чуқурлар текисланиб, тош ва асфальт ётқизилибди. Шаҳарни қайта қуриш авж олдирилибди. Ҳамма ерда қудратли машиналарнинг гувиллаши, кўтарма кранларнинг шақир-шуқури, қурувчиларнинг овозлари эшитилади. Тош, шағал, қум, бетон ва бошқа қурилиш материаллари, ускуна-анжом ортган машиналар кўчаларни тўлдириб ўтяпти.

— Нальчикда ҳам худди шу аҳвол,— деди Фрося хола машина ойнасида қараб.

Қурилиш қизғин кетяпти. Қимирлаган жон шу иш билан банд.

Ҳадемай, госпиталга ҳам етиб боришди. Улар дарвоза олдида машинадан тушиб, бир оз юришганларидан кейин оқ халатли бир жувонга дуч келишди. Фозил:

— Синглим, бир минутга мумкинми? Сиз шу ерда ишлайсизми? — деб сўради уни тўхтатиб.

— Ҳа.

— Ундай бўлса, ярадорлар ётган палата қаерда?

— Узим ўша палатада ишлайман. Хизмат?

— Катяни танийсизми?

— Бўлмаса-чи!

— Уни кўргани келувдик, — деб гап қотди Фрося хола сабри чидамай.

— А, шундайми? Вой шўрим!.. Сиз... ҳалиги...: Фрося холамасмисиз?

— Ҳа, қизим, Катянинг онасиман.

Ҳамшира қиз Фрося холани қучоқлаб олди.

— Мени танимаяпсизми? Уйингизга бориб турардим-ку. Аняман... Катядан бир йил илгари техникумни битириб кетган Аняман...

— Вой, шундайми? Нега билмайин, Аннушка? Қариллик-да, қизим.

— Мени айтмайсизми, мен ҳам сизни дарров таниёлмадим. Қани юринглар, ичкарига кирайлик,— Аня уларни бошлаб кетди. У Фрося холанинг қўлтиғидан олиб борар экан, Рустамдан кўзини узмай секингина сўради:



— Хола, бу йигит ким? Кўзи кўрмайдими?

— Ҳа, қизим, кўрмайди. Катя билан бирга урушда бўлган. Урушдан кўр бўлиб қайтибди.

Аня Рустам Шокировни таниб қолди.

Рустам тушган машина минага тегиб портлаганида, Катя уни зовур бўйидаги горга судраб келиб яширган. Аня Петр Максимовичнинг топшириғи билан Рустамни қишлоққа олиб кетган, уни самолётга солиб мамлакат ичка-рисига даволанишга жўнатишган эди. Рустам илгаригидек нимжон, озғин эмас. У анча тетик, семирган ва юзи қорайган. Аня уни энди таниди.

Аня жонланиб кетиб, Шокировнинг қўлтиғига кирди-да, гинахонлик қилди:

— Ўртоқ Шокиров, нега ўзингизни танитмаяпсиз?

— Кимга танитишим керак? — ҳайрон бўлиб сўради Рустам.

— Аняга. Сизни гордан олиб чиқиб, қишлоққа жойлаган Аняга. Эсингиздами, минага урилганингиз?

— Кўздан ажраганимни айтасизми? Бунақа нарсалар эсдан чиқадими?

— Буни жуда яхши биламан, ўртоқ Шокиров. Кўздан ажраганингизни биринчи Катя, иккинчи мен кўрган эдим. Петр Максимович отрядидаги Аняни эслайсизми? Уша мен бўламан!

— Ана холос! Сиз ҳам шу ердасизми? Раҳмат, Аня! Мен умримда икки кишидан жуда миннатдорман. Биринчиси Катядан, иккинчиси сиздан. Катя мина майдонидан мени олиб чиқиб жарликдаги ертўлага яширган бўлса, сиз ертўладан бежавотир жойга кўчириб, то қисмимиз етиб келгунга қадар мендан хабар олиб тургансиз. Буни кейин менга комбатимиз Белоусов гапириб берган эди. Меҳрибонлигингиз учун раҳмат, Аня!

— Мен бурчимни бажардим, холос. Сиз ўз ҳаётингиз учун Катядан, Петр Максимовичдан миннатдор бўлишингиз керак.

— Албатта. Мен улардан беҳад миннатдорман...

Аня уларни бошлаб госпиталь бош врачининг кабинетига олиб кирди. Оппоқ соқолли кекса врач меҳмонларнинг ким эканлигини Анядан эшитгач, Фрося холани ўзига яқин ердаги стулга ўтқазди. Кейин ялтироқ гардишли, ярим ой шаклидаги кўзойнагини оппоқ рўмолчаси билан эрмак қилиб арта бошлади. Сийрак киприкли хира кўзларини Фрося холага тикди. У ҳадеганда Катя тўғрисида бирор

маълумот беришга шайланмас эди. Нега ҳам шайлансин. Қайси бир илқ-иссиқ гапни айтишга шошилади у? Нальчикдай узоқ шаҳардан не умидлар билан келган бечора онанинг мискин қалбини бир оғиз сўз билан тилка-пора қилиб юборсинми? Унингсиз ҳам онанинг ичидаги дард вардоби сиртига тепган, ёноқлари бўртиб чиққан, озгин, серажин юзлари сарғайган, маъюс кўк кўзлари нурсизланиб, қадди букилган. Ҳали унчалик қаримаган бўлса ҳам, олтин ранг қизғиш сочлари қор каби оппоқ. Инсон яхшилик, суюнчилик хабарни айтишга шошилиб, эшитувчини хурсанд қилишга, ўзи ҳам севинишга ошиқади. Ана шунинг учун ҳам севинчли хабарни етказишда масофа қанча олис бўлмасин, хушxabарни тезроқ етказишга шошилади. Бироқ, хунук хабарни айтишга кимнинг юраги бетлай олади? Мана, ҳозир Фрося холага «Қизинг ўлди» дейишга ким журъат этади? Бош врач ҳам, унинг стулига таяниб турган Аня ҳам оғизларига талқон солиб олгандек ломим дейишмайди. Врач ҳамон кўзойнагини артади. Ниҳоят, стол тортмасидан папирос қутисидек келадиган тугунчани чиқазиб стол устига қўйди. Кўзойнагини тақиб тугунни ечди, ичидан Катя билан Фозил бирга тушган расмини, Қизил байроқ орденини ва уч-тўртта медални стол устига териб қўйди. Врачнинг ҳаракатларидан, Анянинг боядан бери столга таяниб қимир этмай бошини эгиб туришидан бирорта шум хабар борлигини Фрося холанинг юраги сеза бошлаган эди. Унинг қалбида онда-сонда лип этиб ёниб қоладиган умид чироғи ҳам ўчди, Фозил эса мисоли тилсиз, соқов кишилардек серрайиб турарди. Врач билан Анянинг ҳаракатларини Рустам кўрмаётган бўлса ҳам, хонада ҳукм сураётган сукунатдан талмовсираб қолди. У бошини ҳам қилганича қимирламай ўтирарди.

Фрося холанинг кўзларидан тинмай оқаётган ёш зафарондек сарғайган сўлгин юзларидан думалаб лабларига, кейин пальтосига тома бошлади. Фозилнинг ҳам ранги оқарди. Нафас олиши оғирлашаётгандек бурни сиқилиб, ёнтика бошлади. Фрося хола мувозанатини йўқотиб йиқилаёзди. Фозил онанинг ҳушидан кетаётганини сезиб, эпчиллик билан унинг гавдасини суяб қолди. Диванга ўтқазилган Фрося холага врачнинг маслаҳати билан Аня мовшадил ҳидлатди, укол қилди, кислород билан нафас олдирди. Ярим соатлардан кейин ўзига келган Фрося хола Фозилга суянганича диванда ўтирарди. Врач орден ва медалларни кафтига териб холанинг ёнига келди:

— Мана буларни яхши сақланг, Катядан ёдгорлик. — деб унга узатди.

Фрося хола қалтираб турган озғин қўлларини чўзиб, унинг қўлидан орден, медалларни олди-да, худди табаррук нарсага етишгандек, ҳаммасини битта-битта ўпиб чиқди. Кейин бояги рўмолчага беозоргина ўраб чўнтагига солди. Врач Катянинг Фозил билан тушган суратини йигитнинг қўлига тутқазди.

— Буниси сизга. Аняга берган экан. «Мабодо, келиб қолса, қўлига бер, келмаса уйига жўнат», деган экан. Қўлингизга топширганамиз яхши бўлди, — деди бош врач жойига ўтиргандан сўнг. У Фрося холани елпиётган Аняга топшириқ берди:

— Аптекамик ёнидаги хона бўш шекилли? Меҳмонларни бошлаб бор, чарчаган кўринишади, дам олишсин.

— Уртоқ бош врач, рухсат этинг, меҳмонларни уйга олиб бораман. Булар менинг танишларим, — деди Аня ҳалатининг этаги билан Фрося холани елпиб туриб.

— Шундайми? Ундай бўлса, жуда соз!

Фозил Фрося холани суяб ўрнидан турғазди. Бош врач билан хайрлашиб, хонадан чиқишди. Аня эса Рустамни қўлтиқлаб олди.

Улар кўчага чиқиб кўп юришмади. Госпиталдан сал наридаги бир ёнбошини снаряд ўпириб кетган тўрт қаватли иморатга киришди.

Хона иссиқ ва бежиримгина эди. Уйни безатувчи зебвийнатлар бўлмаса ҳам стол, стул ва каравотлар ўз ўрнини топиб қўйилган. Тўрдаги бурчакда китоблар терилган жавон, иккинчи бурчакда эса, гардишининг бўёқлари ўчиб кетган тошойна. Деворда Анянинг майор билан бирга тушган сурати. Хуллас, бу рўзғордаги барча бойлик ана шулардан иборат бўлса ҳам хона файзли, сариштали эди. Фозил ичкарига киргач, Фрося холани стулга ўтқазаетган эди, Аня норози оҳангда:

— Нима қиляписиз, Федя? Каравотга ётқизинг, дам олсинлар. — деди Рустамнинг пальтоси билан бош кийимини илиб қўяр экан.

Фрося хола каравотга чўзилди. Аня ошхонага чиқиб кетди. Юнусов уй анжомларига разм солганича дўстининг ёнида хомуш ўтирарди. Хонага яна жимлик чўкди. Ҳар ким ўз каёли билан банд. Аня катта чойнакда чой дамлаб кирди. Фрося хола ёнбошлаб битта чақмоқ қанд билан пиёлани бўшатди-да, тилга кириб сўради:

— Аня, қизим, гапириб бер-чи дугонайғни қачон ерга қўйдинглар?

— Куни кеча, холажон, пешиндан кейин. Госпиталимиз ҳовлисига жангчилар сиғмай кетди. Гвардия полковниги Петр Максимович билан бир генерал келиб кўмиш маросимида қатнашдилар. Госпиталимиздаги ҳамма врач ва ҳамширалар солдатларга қўшилиб қабристонга бордик. Мен машинада Катянинг ёнида кетдим. Катянинг жасади қабрга қўйилгандан кейин Петр Максимович шунақанги таъсирига нутқ сўзладиларки, қабристоннинг ярмини тутган солдатларнинг ичида йиғламаган киши қолмади. Бир маҳал қарасам, ҳамма рўмолчаси билан кўзини артыпти. Петр Максимовичнинг ҳам охирида ўпкаси тўлиб кетди шекилли, гапиролмай дудуқланиб қолди. Бир оз ўзини тутиб, нутқини давом эттирди. Рустам,— Аня Шокировга ўгирилиб сўзида давом этди,— гвардиячи майор Солдатовни сиз яхши биласиз. Ўзи йигирма беш ёшда бўлса ҳам, партизанлар ўртасида «бобо» дейишарди. У ҳам сўзга чиқиб сизни эслаб ўтди.

Шокиров Петр Максимовичнинг Одессага келганини вшитиб ниҳоятда таажжубланган эди. Ахир, бундан икки кун илгари Светанинг қўлига теккан хатида Москвадан уйига қайтишини ёзган эди-ку? Тушуниб бўлмайдиган жумбоқ. Қандай қилиб бу ерга келиб қолди экан, деб ўйлаб турганида, Анядан Солдатовнинг дарагини эшитди. У: «Командирлар қаерда?» демоқчи эди, Фрося хола сўраб қолди:

— Петр Максимовични қаердан топсак бўлади, қизим?

— Кеча кўмиш маросимини ўтказиб, Тошкентга учиб кетди. Дуся холам билан Светани олиб, Нальчикка қайтар эмиш,— деди Аня.

Рустам ҳайрон бўлди:

— Петр Максимович Москвада эдилар-ку, қандай хабар топдилар. Ё тасодифан келиб қолдиларми?

— Тасодифан эмас. Майор Солдатов Петр Максимович билан қалин дўст. Улар бир-бирлари билан тез-тез гаплашиб туришади. Катянинг вафоти тўғрисида Солдатов Москвага қўнғироқ қилиб, Петр Максимовичга хабар қилган.

— Солдатов Одессада турадими?

— Ҳа, Одессада, мана шу уйда мен билан бирга туради.

— Ие, ростданми?— Шокиров севиниб кетди. Чехра

сида майин табассум пайдо бўлиб, лабларига билинар-билинимас кулги кўнди.

— Ҳа, рост. Шундай доно одам келиб-келиб тентак Аняга уйланди.

— Сиз тентак эмассиз, Аня. Биламан, партизанликда жанговар вазифаларни бажариш учун ўзингизни тентакликка солардингиз. Николай Солдатов умр йўлдошини танлашда янглишмабди. Турмушларингизни табриклайман!

— Раҳмат, Рустам!

— Аня, сиз Катя билан кўпдан бери бирга эдингизми? — боядан бери гапга қулоқ солиб ўтирган Фозил сўради.

— Партизанликда бир йил бирга бўлдик. Кейин у Шокировдан сизнинг тириклигингизни эшитиб, қисмига жўнади. Ана шунда уч ой ажралиб қолдик. У госпиталда, мен партизанлар отрядида бўлдим. Бизнинг отрядимиз Қизил Армияга қўшилгандан кейин Катя госпиталдан қайтди. Чехословакияда бир ойча госпиталда даволанди.

— Қачон, қаеридан яраланган эди?

— Ғалаба кунимиз қисмимизда катта тўй бўлди. Катя икковимиз жангчиларга қўшилишиб роса ашула айтдик, ўйинга тушдик. «Ғалаба куни тўйимиз бўлади» деб партизанликда юрганимизда, Николай билан ваъдалашиб кўйган эдим. Полккимизда иккита тўй бир-бирига уланиб кетди. Оркестр садолари остида тўйимиз бўлди. Тун оққунча ўйин-кулги қилиб тарқалишдик. Эртасига беш-ўнта жангчиларга қўшилиб анҳор бўйига бордик. Кўкаламзорларда сайр қилиб юрдик. Йигитлар чўмилишди, биз қўл-бетларимизни ювган бўлдик. Қисмимизга қайтаётган эдик, бир уйнинг ёнига яқинлашганимизда кимдир бизга ўқ узди. Жангчилар ўқ овози чиққан томонга югуришди, қолганлари эса ярадорларга ёрдам бера бошлашди. Колянинг сонига, менинг чап қўлимга ўқ тегди, Катянинг бошига ўқ теккан экан. Бизни ўша кунидек самолёт билан она тупроғимизга жўнатишди. Мана шу госпиталда учаламиз даволана бошладик. Катя ниҳоятда оғир ётди. Тез-тез ҳушини йўқотарди. Сизларга хат-хабар юбормаганининг боиси ҳам шу эди. Бир куни олдига кирсам онам билан Федяга хат ёзамиз деди. У айтиб турди, мен ёзим. Шундан кейин яна кўзини юмди. Шу-шу бўлди-ю, ҳуддан кетди, кўзини қайта очганини кўрмадим.

Хонага яна сукунат чўкди...

— Аня, вақт қай маҳал бўлди? — деб сўради Рустам.

— Ун бирдан ўтди.

— Бўлмаса бундай қилайлик. Холам шу ерда дам олиб турсинлар. Биз Фозилжон билан кўз клиникасига борайлик. Профессор Филатовга учрашим керак.

— Уғлим, менга дамни ким қўйди,— деди Фрося хола қаддини ростлаб.— Аня, мени қабристонга олиб бор. Дугонангнинг қабрини кўрай.

— Йўқ, йўқ, холажон! — Фозил қаттиқ эътироз билдирди.— Нега бир ўзингиз бораркансиз, мен ҳам бораман, ҳаммамиз борамиз!

— Ундоқ бўлса шошманглар! — деди Аня.— Николаёв тушки овқатни уйда қилади. Унинг машинаси бор. Овқатланиб, сўнг биргалашиб аввал мазорга борамиз. У ердан кўз клиникасига ўтишимиз мумкин. Нима дейсиз, Рустам?

— Майли, Аня, нима десангиз шу-да.

— Сиз-чи, холажон? — Аня холага ўгирилиб сўради.

— Менгаям шуниси маъқул.

— Бўпти йўқ эса,— дея Аня ошхонага кириб кетди.

#### 43. ПЕТР МАКСИМОВИЧ ҚИШЛОҚДА •

Светалар уйда катта тараддуд бошланди. Евдокия Васильевна эридан хабар келган кундан бери ишга чиқмайдди. Ферма мудирини унга жавоб берган.

Евдокия Васильевна билан Света Рустамларни кузатиб қайтишганидан сўнг бир нафас тиниб ўтиришмади. Печкага оловни баланд қалаб, уйнинг ичини оқлашди, эшикдеразаларни яхшилаб артиб, бор бисотларини саранжомлаб чиқишди.

Евдокия Васильевнанинг қалбида йиғилиб ётган соғинч ҳисси севинчга айланди. Беғам, беташвиш ёшлар сингари чеҳрасида табассум жилваланиб, тез-тез куладиган, фингиллаб ашула айтадиган ва «Тезроқ бўла қол, қизим» дея Светани қистайдиган бўлиб қолди.

Света онасининг севинчларига шерик бўлгиси, у билан кўшилишиб хандон отиб кулгиси, ашула айтгиси келди. Лекин нима учундир у бундай қила олмайди. Юраги ғаш. Кечадан бери ундаги шўхлик онасига, онасидаги хос вазминлик Светага ўтиб қолгандек. Агар онаси бирор нарса сўраса жавоб беради, бўлмаса оғиз очмайди. Лекин тинмайди, билиб ишини қилади. Унинг фикр-хаёли узоқда, ажал чангалида ётган дугонаси Катяда.

Евдокия Васильевна қизининг нохушлигини сезиб турибди. Бунинг сабабини ҳам яхши билади. «Ешликдан бирга ўсиб, бирга катта бўлган, бир мактабдан дарс олиб, бадоғатта етган дугоналар бир-бирларига меҳр қўйиб қолишади. Катя жон талашаётган экан, Светанинг дилига шодлик келармиди?» — деб қўяди ўзича.

Уй ичидаги ишларнинг ҳаммаси тугаб, рўзғор анжомлари ўз ўрни-ўрнига қўйилгандан сўнг, Евдокия Васильевна ҳам каравотига чўзилди. Света чироқ пилигини пасайтириб, ойасининг ёнига келди-да, унинг оёқ томонига ўтира туриб:

— Ойи, дадам кўп турмай, тезда жўнаб кетса керак-а? — деб сўради.

— Билмадим, даданг келса маълум бўлади, қизим.

— Йўқ, ойижон, бу ҳозирда ноқ маълум. Чунки хатида «Область партия комитетига ишга тайинландим», деган. Шундай экан, у бу ерда кўп тура олмайди.

— Ишга тайинланган бўлса яна яхши. Ўз шаҳримизга кетамиз-да.

— Сивлар-ку кетаверасизлар. Катянинг хабарини билмай туриб, мен қаёққа бораман?

Евдокия Васильевна бошини кафтлари устига қўйиб, каравот устида чалқанча ётганича ним қоронғи хонада жавдираб турган қизининг кўзларига тикилди-да:

— Хат орқали билиб турасан,— деди.

Кўчада машинанинг узун-узун гудоги эшитилди, сўнг эшик олдида Собир пайдо бўлди:

— Қаёқдасизлар, кетдик.

Света ирғиб ўрнидан турди.

— Ойи, машина келди.

Евдокия Васильевна ошхонада ивирсиб юрган Санобар опаанинг ёнига кирди:

— Биз вокзалга кетдик. Бу ёғига ўзингиз қарайсиз.

— Бораверинг, бораверинг, Дусяхон. Келгуналарингча ҳаммасини тахт қилиб қўяман. Гуручни келганларингдан кейин соламан.

Машина яна устма-уст чақирди. Света чопди. Евдокия Васильевна йўл-йўлакай рўмолини ўраб кўчага чиқди.

Машинада Холмуродов. У қўлидаги телеграммани яна бир бор ўқиб:

— Поезднинг келишига салкам икки соат қолибди. Кетдик! — деди.

Улар вокзалга етиб келганда поезднинг келаётгани эълон қилинган экан. Улар перронга чиқишди. Кўп ўтмай

«Москва — Тошкент» поезди кўринди. Бешинчи вагон уларнинг рўпарасига келиб тўхтади.

— Ана дадам,— қичқириб юборди Света ойна олдида кулимсираб қўл силтаб турган Петр Максимовични кўриб.

Вагонга чопиб чиқишди. Одамларнинг норозилигига қарамай. уларнинг йўлини тўсиб бир-бирлари билан қучоқлаша, ўпиша бошлашди.

— Ўз купенгизга олиб кириб, биродар, йўлни бўшатиб қўйинг,— кимдир ғудуллади.

— Ҳозир, ҳозир...

Холмуродов Света билан Евдокия Васильевнани суриб купега киритди. Ўзи Петр Максимовичга бағрини очди:

— Йўқ, йўқ, ўзбекчасига кўришамиз,— деди Холмуродов Петр Максимовични қучоқлаб.

— Вой, белим.

Евдокия Васильевналар кўришиб бўлгунча бошқа пасажирлар тушиб, вагон йўлаги бўшаб қолди. Улар чамадонларни кўтариб қаторлашиб эшик томон юришди.

Пастда кутиб турган Собир қўл чўзиб юкларни олди.

Биринчи Света сақради:

— Дада, қўлингизни менга беринг.

Илиқ кутиб олинганидан Петр Максимович хурсанд эди. У гоҳ гулдастани искайди, гоҳ рўмолчаси билан беихтиёр севинч ёши оқайтган кўзини артади.

Машина қишлоққа кириб келиши билан қўш сурнай, чирманда овози янгради. Ҳа, Петр Максимовични ҳақиқатан ҳам тантана билан кутиб олишди. Мактаб олдидаги майдонда ўқувчи болалар саф тортиб туришибди. Тўрт устунли минбар атрофида колхозчилар.

Холмуродов олдин, сўнг Петр Максимович машинадан тушишди. Майдон қарсақлар, қий-чув билан жонланиб кетди. Минбар томон юришаркан, яна қарсақ, яна музыка садолари янгради.

Колхоз раиси Аҳмаджон ака қўл чўзиб, шотидан чиқаётган Петр Максимовични тортиб олди ва қучоқлаб кўришди.

— Хуш келибсиз, азиз меҳмон!

Сўнгра раис пастга қараб қичқирди:

— Жамолиддин!

— Мен шу ердман,— деди раиснинг орқасида тугун кўтариб турган Жамолиддин ака.

— Кийдир.

Петр Максимовичнинг пальтосини ечиб, эгнига тўн,



қулоқчинини олиб, бошига дўппи кийдиришди. Белбоғни Жамолиддин ака боғлаб, меҳмонни қучоқлаб ўпди. Яна қарсак, яна сурнай навоси янгради.

Раис жим дегандек қўл кўтарди

— Қадрли ўртоқлар! Душманнинг орқа томонида партизанлар отрядига бош бўлиб, немис босқинчиларига қиргин келтирган ва уларни Германиягача қувиб бориб, халқимизнинг бахт-саодатини абадий тиклаб Ватанга қайтган қаҳрамонимиз — Петр Максимович қишлоғимизга меҳмон бўлиб келдилар. Қадамларига ҳасанот!

Ҳамма чапак чалиб, «Ҳасанот! Ҳасанот!» деб хитоб қилди. Шундан кейин Жамолиддин ака Санобар опа узатган дастурхонни олиб, Петр Максимовичга тутди. Боядан бери севинчи ичига сиғмай бир текисда жилмайиб турган Петр Максимович дастурхонни қўлига олиб халққа энгашиб таъзим қилди. Бир бурда нонни ҳаммага кўрсатиб тишлади.

Мақтаб болалари партизанлар қўшиғини бошлаб юборишди:

Тоғлар ошди, йўллар юрди,  
Ўт дивизия олға.  
Душманларни тор-мор этиб,  
Приморьени олмоққа!

Шундан сўнг Аҳмаджон ака бошлиқ минбардагилар Санобар опа ҳовлисига йўл олишди.

Евдокия Васильевна уйига эркаклар, Санобар опа уйига хотин-қизлар жойлашишди. Зиёфат бошланди.

Света отаси билан уйга кириб кетганича қайтиб чиқмади. Бир қўлини отасининг елкасига ташлади-да, унинг ажинлари сероблашиб қолган юзларига, оқ оралаган сочларига тикилаверди. Петр Максимович кўзи билан кимнидир қидирди:

— Қизим, Рустам кўринмайдими?

— Фозил билан Одессага кетган. Кўзини профессор Филатовга кўрсатмоқчи.

— Ҳм-м, жуда яхши. Катянинг ўша ердалигидан Фозилнинг хабари бормиди?

— Дада, сиз ҳам хабардор эдингизми? — ҳайрон бўлиб сўради Света, отасини Москвадан келяпти, деб ўйлаб.

— Ҳа... Мен тўппа-тўғри Одессадан келяпман.

— Катяни кўргандирсиз? — шошиб сўради Света.

— Ҳа... — Петр Максимович бир нафас жим бўлиб қол-

ди. Кейин чуқур хўрсиниб: — Тақдирнинг иши шунақа бўлар экан, қизим. Катяни ерга қўйдик! — деди.

Светанинг вужудини титроқ босди. У меҳмонлар олдида йиғлаб юборишдан нийманиб, ташқарига отилди.

— Катя Светанинг дугонаси эди. Икковлари бирга катта бўлишган. Ачинади-да, қизим бечора, — деди Петр Максимович ўтирганларга.

Светанинг сабри чидамади. У ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Аёлларга овқат тортиб эндигина бўшаган Муҳаббатнинг тирсагидан ушлаб боғчага бошлади. У Муҳаббатнинг бўйнига осилиб, хўнраганича йиғлаб юборди. Ҳеч нарсага тушуна олмаган Муҳаббат Светанинг майин сочларини силар экан:

— Сизга нима бўлди, нимага йиғлаяпсиз? — дея уни юпата бошлади.

— Катя, Катя ўлибди.

— А, нима деяпсиз, қаердан эшитдингиз? — чўчиб кетган Муҳаббат энтика-энтика сўрай бошлади.

— Дадам: «Уни ерга қўйдик!» деяпти. — Света йиғи аралаш сўзларини бўлиб-бўлиб зўрға гапирди.

Муҳаббатнинг ҳам нафаси ичига тушди. У кўз ёшларини арта туриб, дугонасига далда бера бошлади:

— Қўйинг, Света, ақли расо киши тўйда аза тутмайди. Яхшиси, ичкарига кириб хизмат қилайлик, — деди.

Муҳаббат Светага шу гапни айтишга айтди-ю, лекин эртасига кечгача далада ишлаб юриб, кўнгли ғашланаверди. Светалардан хабар олишга фурсати бўлмади. Уйига ҳам атиги бир марта бориб, ўғлини эмизиб келди. Муҳаббат Светадан ҳам кўпроқ Фозил Юнусовга ачинарди. «Бечора Фозил ака! Ҳозир нима қилаётган экан?» деб ўйларди у. Шунинг устига бир арава маъдан ўғит келиб қолиб, ишига алахсиб кетди. Кейин далага гўнг яйратаётган аёллар ёнига бориб, уларга қарашиб юборди.

Жамолиддин ака ҳам шу ерда эди. Унинг ярадор қўли бир оз тузалиб қолган бўлса-да, лекин ишга ярамайди. Шу туфайли бўлса керак, шийпон устунига суяниб, қилинаётган ишларни зимдан кузатиб туради. Машина бўшатилади. Колхозчилар тарқай бошлашди. Муҳаббат этакларини қоқиб, Жамолиддин ака билан йўлга тушди. Улар муюлишга етиб келишганда, Жамолиддин ака сўз қотди:

— Қосимжон тирик экан! Хат келди. Хабаринг борми?

— А? Ростданми? Қачон келди?

— Бугун, иккита хат бирданига менинг қўлимга тегди. Бири отасига, иккинчиси Кароматга экан. Кароматникини яшириб қўйдим.

— Олиб бориб бермайсизми? — Муҳаббат ўрнида тўхтади.

— Менинг олиб боришим яхши бўлмас, Муҳаббатхон. Ахир, қиз бола, уялмасмикан?

— Нима, мен олиб борайми?

— Шундай қилсак дуруст бўлади. Дугонангни бир севинтириб қайтгин!

— Қачон борайин, Жамолиддан ака?

— Собиржон машинасига озиқ-овқатларни ортиб эртага жўнайди. Сен ҳам шу машина билан бориб кел, — деб Жамолиддин ака хатни Муҳаббатнинг қўлига тутқазди.

Камзулининг ички чўнтагига хатни авайлаб жойлаган Муҳаббат худди ёш болалардек севинчини сингдиrolмай югуриб кетди.

У Светаларникига кириб келганда оқшом тушиб, чироқлар ёқилган эди. Светалар уйи гавжум. Бугун ҳам узоқ яқиндан таниш-билишлар келиб-кетиб туришибди. Тирикчилик ташвиши билан шаҳарга тушган колхозчилар Евдокия Васильевнанинг эри келганини эшитиб, бирров кириб табриклаб кетишаётган эди.

Евдокия Васильевна ҳалол меҳнати, софдил ва камтаринлиги билан фақат шу колхоздагина танилган бўлса, Светани «Коммунизм» колхозига туташ барча қишлоқларда танимаган киши кам эди. У шифокор эмасми! Кўп одамларнинг дардига малҳам қўйиб, олис қишлоқларга ча яхшилик билан ном чиқарган эди.

Тун алламаҳал бўлганда меҳмонларнинг кети узилди. Муҳаббат билан Света ўчоқ бошидаги идиш-товоқларни ювиб бўлгач, икки чойнакда чой дамлаб уйга киришди. Бу ерда Петр Максимович, Евдокия Васильевна, Хожия хола, Санобар опалар суҳбатлашиб ўтиришарди. Муҳаббат билан Света чойнакларни стол устига қўйишлари билан катталар суҳбати тугадими ёки маромига етмай узилиб қолдими, ишқилиб уларнинг ҳаммаси бирданига жимиб, чой келтирганлари учун қизларни алқай бошлашди. Катталар суҳбати Рустам билан Фозил устида кетаётгани Светанинг қулоғига чалингандай бўлувди. Лекин нима учун уларнинг сўзи бўлиниб қолганлигини фаҳмлай олмади. Света қўлидаги чойнакни стол устига қўйиб, таш-

қарига чиқиб кетди. Муҳаббат иккала онасининг ўртасига ўтириб катталарга чой узатди. Кейин ўзига қуйди. У пиёладаги чойдан бир ҳўплаб, Петр Максимовичдан сўради:

— Петр амаки, уруш тўғрисида гапираётганмидингиз?

— Ҳа, қизим, бир воқеани буларга гапириб бераётган эдим,— деди Петр Максимович пиёлани бўшатиб, Муҳаббатга узатаркан.— Отрядимизда Мария Долгова деган бир аёл бор эди. Эслай олмайман, Рустам бизга ўтиб борганда, шу аёлни кўрганми ё йўқми. Ҳар ҳолда хаёлимдан кўтарилган. Немислардан ниҳоятда жабр тортган бу аёл отрядимизга қўшилгач, операцияларимизда актив қатнашди. Мария қўрқмас, довжорак хотин экан. Партизанликда айрим нозик операциялар аёллар гарданига юклатиларди. Светанинг дугонаси Аня деган қиз билан Мария бизларга янгилликларни етказиб турувчи алоқачи вазифасини кўнгилдагидан зиёд бажаришарди. Аммо унинг бизга ўтиб қолиши жуда қизиқ бўлган.

Бир куни алоқачим мен турган блиндажга кириб: «Уртоқ командир. Янги маълумот қабул қилинг», деб кўлимга бир қоғоз тутқазди. Уқиб кўрсам, «Михайловка қишлоғида 23 июль, кундузи соат иккида маҳбусларни дорга осишади» дейилган эди.

Қишлоқ биздан унчалик олис эмас эди. Жадаллаб юрсак, бир кунда етиб боришимиз мумкин. Етиб боришнинг ўзи кифоя қилмас эди, албатта. Энг олдин қишлоқнинг ўрни билан танишиб чиқиш керак. Чунки ҳужумни қайси томондан, қандай қилиб бошлаш ва лозим бўлганида яшириниладиган жойларни олдиндан белгилаб қўйилмаса бўлмайди. Михайловка қишлоғини яхши биладиган партизанлардан бир-иккитасини чақириб, маслаҳатлашдим. Қишлоқнинг кунботар томони унча катта бўлмаган ўрмонга туташган, шимолида эса терак бўйи келадиган жарлик бор экан. Отрядимиз ҳужум бошлаши учун жуда қулай жой топдик. Лекин немислар ҳам анойи эмас. Қишлоқнинг ўрмон ва жарлик билан туташган ерларига куч йиққан бўлиши мумкин. Шунинг учун қишлоққа кечаси кириб бориб, аҳоли билан алоқа боғлаш зарур. Отрядни иккига бўлиб, бир қисмини ёрдамчим Солдатов бошлаб кетди. Ярим кечада қишлоққа етиб бордим. Мен отрядимни ўрмонга жойлаштириб, икки кишини қишлоққа юбордим. Улар шу қишлоқлик кишилар билан гаплашиб, кўп нарсаларни билиб қайтишди. Уларнинг айтишича, кеча бир машина

немис автоматчилари келиб, ўрмон ва жарликни роса тингив қилибди. Ўша автоматчилар шу ерда немис комендатурасига жойлашган эмиш. Мен зудлик билан Солдатов бошчилигидаги иккинчи группани чақириб келдим. У юборган разведкачилар ҳам худди шундай хабар топиб келишган экан. Дорга осиб вақтини кутиб ўтирмасдан, қўққисдан комендатурага бостириб кирмоқчи бўлдик. Солдатов билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, яна иккига ажралиб кетдик... Комендатурага яқинлашиб бориб биринчи галда телефон симларини уздирдим. Ичимизда Левченко деган украинлик азамат йигит бор эди. У пасткамликдан бориб дарвоза олдида мудраётган немис соқчисини саранжомлагач, ҳаммамиз ҳовлига бостириб кирдик. Ичкаридаги соқчиларнинг қий-чувидан ҳовлидаги автоматчиларнинг ҳаммаси уйғониб кетди. Кичкинагина ҳовли жанг майдонига айланиб қолди. Уйқу аралаш туриб келган немис солдатлари милтиқ қўндоғининг зарбидан яна жойига йиқиларди. Жангимиз деярли милтиқ қўндоқлари, найзабозлик, белкурак ва мушт билан олиб борилди. Бу вақт иккинчи ҳовлида ҳам жанг бошланди. У ердан отилаётган сонсиз-саноқсиз ўқ товушлари қишлоқни тутиб кетди. Афтидан, Солдатов ҳужумни бир оз кечиктирган бўлса керак деб ўйладим ичимда... Йўқ, отишма унчалик кўпга чўзилмади. Левченко ичкаридан чўққадек семиз немис комендантини бошлаб чиққанида, қўшни ҳовлида ҳам ўқ товушлари тинган эди. Маҳбусларни қутқариб, тезда орқага қайтдик. Ҳали мен гапирган аёл Мария Долгова немис калтаги остида эзилиб кетган экан. Юришга ҳам ҳоли қолмабди. Партизан йигитлар буйруқни ҳам кутмай уни кўтариб олишди. Тонг отгунча анча узоқлашиб кетдик. Бизни қидираётган немис самолётларидан яшириниб ўрмон ва жарликлардан юришга тўғри келди. Қўйинг-чи, уч кеча йўл босиб, зўрға маконимизга етиб бордик. Мария бир ҳафтача бошини кўтаролмай этди. Бечоранинг аъзойи бадани қамчи зарбидан кўкариб, ёрилиб кетган эди. Докторимиз уни даволай бошлади. Мария ўша атрофдаги партизанлар отрядига маълумот етказиб берувчи аёл экан. У қишлоққа келган немис полковнигининг дарагини партизанларга етказиб қайтаётганини комендатурадаги солдатлар билиб қолибди. Ўша куни партизанлар қишлоқни босиб, полковникни қўлга туширишибди. Немис коменданти Мариани қамоққа олиб, тергов қилибди. Мария эса қаерга борганини ва кимлар билан учрашганини айтиб бериш-

дан бош тортибди. Икки боласи билан қолиб кетган бечора аёлни қийноққа олишибди. Офицер қўлидаги сим тўқима билан уни бир-икки туширибди. Қўрқиб кетган иккала боласи югуриб келиб немис офицеридан онасини ҳимоя қилгандек унинг этагига ёпишиб олибди. Немис болаларни тегиб юбориб: «Агар айтиб бермасанг, ана шу иккала болангни отиб ташлайман!» дебди. Мария болаларини бағрига босиб яширмоқчи бўлганида тўқима сими гарданига келиб тушади. Немис офицери Мариянинг кичик ўғлини унинг бағридан юлиб олади-да, пешанасига тўппончани тирабди. «Гапир, айтмасанг отиб ташлайман! Унисини ҳам!»..

Петр Максимович сукутга кетди.

— Нима қилибди, кейин отиб ташлабдимиз? — ўтирганларнинг ҳаммаси ҳаяжонланиб сўрай бошлади.

— Ҳа, — Петр Максимович бош ирғатди.

— Вой лаънати газанда! Гўрингда тўнғиз қўпгур!

Буни Ҳожия хола гапирдимиз, Санобар опа — Петр Максимович ажратолмай қолди.

— Кейин нима бўлди? — деб сўради Евдокия Васильевна.

— Уни энг олий жазога, яъни осишга ҳукм қилган экан, биз қутқазиб олдик.

— Демак, у хотин ўлмай қолдимиз? — сўради Муҳаббат.

— Ҳа, Долгова ҳозир Москвада. Келадиган кунимдан бир кун илгари атайлаб уйига бориб, зиёрат қилдим. Айтишича, биттагина қизи бўлиб, уруш бошланган йили қишлоқ хўжалик институтида ўқир экан. У ҳам, Мариянинг эри ҳам дом-дараксиз эмиш.

— Долгова дедингизми? Оти нима экан қизини?

— Сўрамабман, — деди Максимович.

— Шаҳарда кўрлар корхонаси бор. Раис муовини Долгова деган аёл, Зоя Кузьминична деймиз, — деди Муҳаббат.

— Русда Мариялар, Зоялар, Долговлар оз дейсанми, қизим? — деди Евдокия Васильевна.

Света онасининг сўзини тасдиқлади:

— Рост-да, Фозил акам билан госпиталда даволанган кишининг фамилияси ҳам Долгов-ку. Оти нима эди? Аҳ... Як... Як... шофёр бор-ку.

— Яковми? — деб сўради Евдокия Васильевна.

— Йўқ, топдим... Кузьма Яковлевич.

— Мен ҳам танийман уни,— деди Муҳаббат.

— Танийсан-да, бизникига меҳмон бўлиб келган эди,— деди Света.

Аёллар Петр Максимовичнинг ваҳимали ҳикоясини ҳаяжон билан тинглашди, ачиғиб, жимиб қолишди.

Петр Максимович ҳикоясини тугатиб, Муҳаббат узатган чойни ичди-да:

— Аттанг, Одессага кетган дўстларни кўролмай жўнайдингиз бўлди-да,— деди.

— Намунча шошиласиз?— сўради Санобар опа,— беш-олти кун тулинг. Рустамжон қолса ҳам, Фозилжон у ерда узоқ туролмайди.

— Билолмандим. Кўп бўлса бир ҳафтача турамиз. Айтгандай, Дуся, сен билан Света икковинг эртагаёқ ишдан бўшашга ҳаракат қилиб, ҳужжатларингни тўғри-лаб олинглар.

Евдокия Васильевна эрининг фикрини бош иргаб маъқуллади. Лекин Света на «ҳа», на «йўқ» деб жавоб берди. У тугилиб ўсган жонажон шаҳри Нальчикни соғинган бўлса ҳам, нима учундир, мана шу «Коммунизм» колхозидан кетгиси келмай қолди. У ҳар доим онаси билан Нальчик ва у ердаги уйлари тўғрисида гаплашиб қолгудек бўлса, «Уруш тамом бўлди дегунча жўнаб кетамиз-а, ойи?» дер эди. Уруш тамом бўлди. Лекин улар жўнаб кетиша олмади. Бунга сабаб, улар Петр Максимовични кутишган эди. Света: «Отам билан бирга борганимиз маъқул. Балки уйимиз бузилиб кетгандир? Агар шундай бўлса қаерда турамиз?» дер эди.

Мана энди отаси ҳам қайтди. У ёнгинасида ўтирибди. Лекин Петр Максимовичнинг Нальчикка жўнаш тўғрисидаги гаплари Светага ёқмай қолди. «У ерда нима бор менга? — деб хаёлидан ўтказарди у,— бирга ўқиган дугоналаримдан биронтаси ҳам қолмаган бўлса керак? Ҳаммаси калхатдан қочган каптардек ҳар томонга учиб кетган. Қолганларини немислар омон қўймаган! Бу ер ҳам ўзимнинг юртимдек бўлиб қолди. Яна Муҳаббат сингари яқин дугоналарим бор!..» Ана шуларни ўйлаб, Света ишдан бўшашга ҳаракат ҳам қилмади.

Евдокия Васильевна ариза билан раисга учрашди.

Куннинг биринчи ярмидаёқ бухгалтер билан ҳисоб-китобни тўғрилаб олди.

Муҳаббат эрталаб барвақт туриб, ҳар кунги одати бўйича ҳовлини супуриб-сидирди. Чой қайнатиб, қайна-

наси билан нонушта қилди. Кейин Адҳамжонга овқат тайёрлаб, кийинишга тушди.

— Қизим, вақтлроқ қайтгин. Яна ўғлинг мени хит қилмасин,—деди Ҳожия хола Муҳаббат чиқиб кетаётганда.

— Хўп, ойижон, тезроқ қайтаман,— деди-да, Муҳаббат чиқиб кетди.

Собир уни колхоз омбори ёнида кутиб турарди. Муҳаббат кабинага ўтириши билан машинани мотори гуриллаб олдинга интилди. Елдек учиб кетаётган машина йўлнинг танобини тортиб, тўғон қурилишига тобора яқинлашиб борарди. Улар тинмай тўрт соат йўл босиб тепаликка кўтарилишганда узоқда котлован қазиётган одамларнинг қораси кўринди. Машина котлован қазиётганлар олдига келиб чапга бурилди. Бу ер гавжум, ҳамма ўз иши билан банд. Бир хиллари тупроқни котлован ичидан чиқариб қирғоққа ташлайди. Қолганлари эса котлован ичида кетмонларини ялтиратиб тупроқ уюшади. Муҳаббат сингари котловандаги қайноқ меҳнатни кузатиб, рулни бошқариб келаётган Собиржон кутилмаганда машинани таққа тўхтатди.

— Ҳув анави юқорига кўтарилаётган йигитни танияпсизми?— Собиржон тупроқ тўлдирилган кажавани орқасига ортиб котловандан чиқаётган бир йигитни кўрсатди

— Йўқ, ким экан у?

— Урушдан кўзи кўр бўлиб келган Қамбар-да.

— Ие, у нега бу ерда?— Муҳаббат ажабланди.

— Уйда ўтиравериб зерикканмиш. Мен ҳам тўғонга бораман, деб ёлворибди.

Муҳаббат беихтиёр оқ тортиб «Эй шум тақдир!..» деб юборди. У бундан бир йил илгари Қамбарни кўргани эри билан қўшни қишлоққа борган, у ердан кўнгли ниҳоятда хира бўлиб қайтган эди. Қамбарнинг умр йўлдоши Губуви эри кўр бўлиб келган куниёқ кўч-кўронини йиғиштириб, уйдан чиқиб кетибди. Қамбарнинг ўзидан инсоннинг иззат-нафсини парчалаган тубанликни эшитган Муҳаббат бир неча кунгача ўзини ўнглаёлмай, хомуш бўлиб юрган эди. Ватан урушида кўзини йўқотиб келган жасур йигит мана унинг кўзи олдида тинчлик фронтининг иштирокчиси.

Машина ярим километрча юргач, тўхтади. Бу ерда колхозчиларнинг ертўлалари жойлашган бўлиб, ҳар ер-



ҳар ерда дошқозонлар қайнамоқда. Ертўлаларда ҳеч ким йўқ. Фақат қозонлар атрофида ошпазлар куйманиб юришибди. Собиржон келтирган масаллиқларни Муҳаббат билан ертўлага ташиб кирди. Ошпаз машинадан туширилган қўйнинг думбасини салмоқлаб кўриб:

— Жойида, сўйишга арзир экан. Гўштимиз ҳам тугаб қолган эди,— деб куб ёнига келди. Яхшилаб кўк чой дамлаб, Муҳаббат билан Собирнинг олдига қўйди. Улар ҳали чойнакни бўшатмасданоқ қурувчилар тўп-тўп бўлиб ертўлаларга кела бошлашди. Охириги тўпдагилар «Коммунизм» колхозчилари эди. Муҳаббат уларни таниб ўрнидан турди. Биринчи бўлиб чопиб келган Каромат «Ўртоқжон» деганича Муҳаббатни қучоқлаб олди. Унинг кетидан бошқа қиз-жувонлар ҳам етиб келишиб, Каромат сингари Муҳаббат билан қучоқлашиб кўришишди. Эракалар Муҳаббат билан салом-алик қилгач, ертўлага кириб кетишди.

— Қишлоқда нима гаплар, Муҳаббат?

— Светанинг отаси келдими?

— Ўзинг тинчмисан? Рустам акамдан хат олдингми?

Муҳаббатни ўраб олган қиз-жувонлар шу хилдаги саволларни тахлаб ташлашди.

— Нега келдинг? Биз билан ишламоқчимисан? Қишлоқда зерикиб қолдингми? — деди Каромат.

— Ҳа, ишлагани келдим. Сизлар билан бирга канал қурмоқчиман.

— Яхши бўпти! Ўғлингни олиб келмабсан-да? Қурмагурни соғиниб қолдим. Сен ишласанг, мен кўтариб юрардим.

Даврада ўтирган аёллардан бири қизиқчиликка олиб:

— Ингласа эмиза олармидинг? — деди кулиб.

Каромат қизариб, дами ичига тушиб кетди.

Аёллар кулиб юборишди. Бояги жувон яна гапида давом этди:

— Бировнинг боласига интиқ бўлиб юргандан кўра эрга тегиб ол! Худо ўзинггаям беради қўяди!

— Мен тегадиган йигит энди йўқ,— Каромат бирданга жиддий тусга кириб, сўниқ товуш билан жавоб берди.

— Нега йўқ дейсан? Оламни йигит босиб ётибди-ку, биронтасини танла қўй,— деди яна ҳалиги жувон.

— Биронтасини ҳам ўша раҳматликка ўхшата олмасам нима қилай?

— Сен хато қиялпсан, Каромат,— деди ўзини бепарвога солиб Муҳаббат,— тирик одамни ўлдига чиқариш гуноҳ эмасми?

— Тирик одамни дейсанми? Нима, туш кўриб келдингми?— таажжубланди Каромат.

— Агар ўртага тушиб ўйнаб берсанг айтаман,— деди боягидек кулимсираб Муҳаббат.

— Олдин айт, кейин ўйнаб бераман. Ахир, биласанку, сувни кўрмай этик ечмаслигимни. Айтмагунингча ўйнамайман!

— Менга нима. Уйнамасанг ўйнама,— деди Муҳаббат.

— Уйнаб берсанг, бир нарса бўласанми?— дея қистай бошлашди аёллар.

— Булбулча сендан баттар қайсар. Айтганини қилмасанг, гапи ичида кетаверади,— деди кимдир.

— Бўпти,— деди-да, Каромат турган ерида қўлини кўтариб, бармоқларини шиқирлатди. Кейин Муҳаббатга юзланиб бир-икки қош учирди.

— Кўнглинг тўлдими энди? Қани, айт хушхабарингни. Сигиримиз турдими, шунга айтмоқчидирсан?— деди.

Аёллар хахолаб кулиб юборишди. Муҳаббат ҳам уларнинг кулгисига қўшилди. У бир оз ҳузур қилиб кулгач:

— Гапинг ҳурсин сени, ўша ҳам хушхабар бўптими? Қосимжон акамдан сенга хат келди!— дея чўнтагидан ним ранг қизғиш конвертни чиқазиб Кароматга узатди.— Ма, мана буни ол.

Каромат конвертни олиши билан адресига кўз югуртириб чиқди-да, Муҳаббатни қаттиқ қучоқлаб, унинг юзларидан чўпиллатиб ўна бошлади.

— Олдин хатни ўқи, бил-чи, нима деган?— деди Муҳаббат Кароматдан юзини олиб қочаркан.

Аёллар бу вақтда ўзаро чуваллашиб кетишган эди. Улар Қосимжоннинг тирик эканлигини ўзаро гаплашиб, дар хил фикр ва мулоҳазалар баён қилишарди.

Каромат тўдадан узоқлашиб, ертўланинг орқасига ўтди. Бўш яшиклардан бирига ўтириб, конвертни очди. Қонининг тахнини ёзиб, ўқий бошлади:

«Кароматжон, жонгинам! Соғ-саломат юрибсизми? Уй-ячларингиз тинчми? Мана, мен не машаққатлар билан она-Ватанимизга қайтиб келдим. Борганимдан кейин, бошимдан ўтганларнинг ҳаммасини бафуржа гапириб бера-

ман. Кўрган қора кунларим орқада қолди. Олдимда турган битта жумбоқ мени қийнапти. Сиз ҳали ҳам мени кутяпсизмикан? Ёки... Кароматхон, ҳар ҳолда юрагим сезяптики, сиз мени кутмоқдасиз. Агар иккиланган бўлганимда, биринчи мактубни Муҳаббатга ёзиб, ундан сиз тўғрингизда ҳамма гапни эшитардим. Йўқ, мен ундай қилмадим. Чунки сизга ўзимга ишонгандек ишонаман! Кароматхон, жонгинам, тезда жавоб ёзинг. Хатингизни сабрсизлик билан кутаман, деб Қосимжон».

Каромат хатнинг биринчи сўзини ўқиши биланоқ кўп йиллик соғинч ҳислари денгиз тўлқинидек чайқалиб кетганди. Лекин у кўпчилик хотин-қизлар каби йиғламади. Утирган ерида қимирламай, кўлидаги мактубни қайта-қайта ўқиб чиқди. Муҳаббат ҳам, унинг ёнида турган аёллар ҳам чеккадан унга назар ташлаб, оғзига тикилишди.

Каромат бошини кўтариб, узоқ тин тортди:

— Тирик экан. Ҳа, тирик экан!

#### 44. ҚАБРИСТОНДА

Николай Солдатов бировга бир нарсани ваъда қилдими, шунинг уддасидан чиқмагунча қўймас эди. Ёшлиқдан танасига сингиб кетган бу одат катта бўлганидан кейин, айниқса ҳарбий мактабда ўқиб юрган кезларида қонун тусини олди. Инсондаги энг яхши фазилатлардан бири — ростгўйлик. Буни Николай жуда яхши билгани учун, сўзининг устидан чиқишига кўзи етган тақдирдагина, бировга ваъда берарди. Ўзгалар у ёқда турсин, ҳатто хотинига ҳам ўйламай-нетмай жавоб бермасди. Унинг одатини жуда яхши тушуниб олган Аня эрининг оғзидан чиққан ҳар бир гап сўзсиз амалга ошишига ишонарди.

Бугун эрталаб эр-хотин икковлари ишга отланиб ташқарига чиқишганида:

— Коля, бугун тушки овқатга кела оласанми? — деб сўради Аня.

— Ҳозирча айта олмайман. Борай-чи, кейин маълум бўлар, — деди-да, Солдатов машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Аня ҳарбий госпиталга етиб боргач, уни кутиб турган

сон-саноқсиз ишлар билан шуғулланиб, эрига қўнғироқ қилишни унутди. Палатадаги беморларга эндигина дори ичириб бўлганида, уни телефонга чақириб қолишди. Аня телефон трубкасини қўлига олар экан, эрининг овозини эшитди:

— Аня, тушки овқатни бирга қиламиз. Уйга бораман.

Аня шу гапни эшитди, холос. Николай гапни чўзиб ўтирмай трубкани қўйди. Аня ташқарига чиқди. Эри келгунча бирор иссиқ овқат тайёрлаб қўйиш мақсадида кетаётган ерида, Фрося холаларга дуч келган эди.

Сал кечикиб бўлса ҳам, овқатни тайёр қилди. Лекин Солдатовдан дарак йўқ. Мана, бир соатдан кўпроқ вақт ўтди. Тушки овқат соати тугаб куннинг иккинчи ярмидаги иш ҳам бошланди. Доим сўзининг устидан чиқиб келган Николай Солдатов нима учундир бугун одатига хилсф иш тутди. Анянинг кутишга сабри чидамади. У ғизиллаб госпиталга кириб борди-да, бош врач кабинетигади телефонга қўл чўзди. Трубкани қулоғига тутиб, рақамларни тера бошлади. У эрининг телефон номерини бир эмас, бир неча марта териб кўрди. Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмагач, трубкани жаҳл билан жойига қўйиб, уйига қайтди. Ошхонага кириб тарелкаларга овқатни сузди. Уни меҳмонлар олдига келтириб қўйгандан сўнг ярм литр арақ билан тўртта рюмка кўтариб чиқди. Фозил Фрося холани каравотдан турғизиб, столга ўтқазаётганида, Аня рюмкаларга ароқни қўйиб, меҳмонларнинг олдига қўя бошлади.

— Олинг, олинглар! Эски қадрдонлар яна учрашганимиз учун? Катямизнинг хотираси учун ичайлик!

Аня қўлига рюмкани ушлаб, меҳмонларни ичишга ундади. Рюмкалар уриштирилди. Юнусов бир шимариб, бўшатишган рюмкани стол устига қўйди. Фрося хола биттагина ҳўплади, холос. Аня шунча қистади, лекин Фрося хола юраги спиртли ичимликларни кўтара олмай қолганини важ қилиб бошқа ичмади. Рустам эса рюмкасини уриштиргандан кейин оғзига яқин келтирмади ҳам. У арақ тўлдирилган рюмкани стол устига авайлаб қўяр экан:

— Аня, илтимос, мен ҳозирча ичолмайман,— деди.

— Нега ичолмайсиз?— таажжубланиб сўради Аня.

— Сабаби бор. Профессор Филатовнинг олдига борганимда оғзимдан ҳиди келиб турса яхши бўладими?

Аня қаршилиқ кўрсатмади:



— Фикрингизга қўшиламан. У киши нозик одам. Ихлослари қайтиб қолса, яхши бўлмас,— деди-да, Фрося хола билан Рустамнинг рюмкаларини йиғиштириб олар экан, Юнусовга қараб:

— Энди буни нима қиламан?— деди.

— Нима қилар эдингиз. Бирини менга беринг, иккинчисини олинг, ичамиз қўямиз-да,— Юнусов жиддий бир тусда гапирди.

— Фозил, мен бошқа ича олмайман. Ахир, биласиз-ку, хотин-қизлар бундан холи бўлишади.

— Биаламан, Аня, биаламан. Ундай бўлса ҳаммасини менга беринг. Жуда ҳам ичгим келяпти, азбаройи худо. Умримда сира бунақанги ичгим келмаган эди.

— Мана бўлмаса,— Аня иккала рюмкани Юнусовнинг олдига сурди.

Фозил рюмкаларни кетма-кет бўшатиб, олдидаги овқатдан бир қошиқ ичди-да, Фрося холага ўгирилиб:

— Овқат совияпти-ку, олинг, ойи. Бунақада толиқиб қоласиз,— деди.

— Ичяпман, ўғлим, ичяпман.

— Узингиз-чи, ўзингиз нимага ичмаяпсиз?

Аня Фозилнинг тарелкасидаги овқат ҳали шундайлигича турганлигини кўриб шундай деди, кейин қўшиб қўйди:

— Хоҳласангиз, яна қуйиб берай?

— Етар, Аня, энди ичмайман.

— Бояги гапингизга қараганда, ҳали етарли эмасга ўхшайди.

— Шундайку-я, Аня. Лекин гапнинг очигини айтганимда уяляпман. Бўлмаса роса ичиб, аламимни арақдан олмоқчи эдим.

— Ана холос, уялишни ким қўйди сизга?! Манг, ичиб қўя қолинг,— Аня шишадаги арақни рюмкага тўлдириб Юнусовга узатади.

Тўртинчи рюмкадан кейин арақ ўз кучини кўрсатди, шекилли, Фозилнинг боши айланиб, кўзлари тина бошлади. Фрося холага нимадир демоқчи бўлиб, бир-икки оғиз гапирган эди, гаплари қандайдир беўхшов, яримтаюримта бўлиб туюлди. Ҳақиқатан ҳам унинг гаплари маст кишиларникига ўхшаш ярми узилиб қолаётган эди. Буни ўзи ҳам пайқаб қолган Фозил папирос чекиш баҳонаси билан ташқарига чиқди. Муздек ҳаво унинг танига ёқаётгандек, арақ кайфи билан оғирлашиб кетган мияси-

ни бирмунча енгиллаштираётгандек бўлди. У кўчага чиқди, госпиталь биноси ёнидан ўтиб, бир оз юргандан кейин қўлмидаги сумкасини зўрға кўтариб келаётган қарияга дуч келди. У қария билан саломлашганидан сўнг сўради:

— Қабристон бу ердан узоқ эмасми? Унга қандай борса бўлади, отахон?

— Унча олис эмас. Ҳар ҳолда автобусга чиқишга тўғри келади.

Фозил чолнинг маслаҳати бўйича автобусга ўтириб жўнади. У Анянинг уйидалигида, Солдатов бошлаб боради деган умид билан шу вақтга қадар кутиб ўтирди. Лекин ундан дарак бўлавермагач, ортиқча кутишга тоқат қила олмади. Анядан йўл олислигини эшитгани учун Фрося холани ўзи билан бошлаб чиқмади. Йўл юриб чарчаб келган Фрося холани уринтириб қўйиш инсофдан эмас эди. Бундан ташқари, холанинг олдида кўз ёши қилиб, унинг эзилган юрак-бағрини баттар эзиш ярамайди, деб ўйлади ичида. Шундай экан, бир ўзи боргани дуруст. Севгилиси Катянинг ҳатто совуқ дийдасини ҳам кўриш насиб этмаган Юнусов унинг қабри устида ёт кишилардек бефарқ қараб тура оладими? Йўқ, у тўрт йилдан бери ичига йиғилмиб қолган қанча-қанча дарду ҳасратларини, алам ва ситамларини шу бугун қабр устига тўкади. Соғинч ҳиссидан кўп йиллардан бери қийналиб келаётган юрагини бўшатади.

У йўлдаги дўкондан гулдаста сотиб олди, қабристонга кирди. Қор босган қабрлар ёнидан ўтиб анча ичкарига кириб борди. Йўлда учраган янги қабрларнинг устларига ўрнатилган тахтача ёки тунукаларга ёзилган марҳумларнинг исм ва фамилияларини ўқиб кўрди. Шу тарзда ёлғиз ўзи айланиб, Катянинг қабрини топа олмади. Ниҳоят, у шохлари қор билан қопланган дарахтга суяниб хаёл суриб турганида ўзидан юз-юз эллик метр нарида гўр қазийётган икки кишига кўзи тушди. Юнусов шу томонга юрди. У ҳали нэ тушмаган йўлакдаги қалин қорни ғарчиллатиб босганича гўрковларнинг ёнига етиб келди-да, сўради:

— Кунин кеча ерга қўйилган Катя исмли жангчи қизнинг қабрини кўрсатиб бера олмайсизларми?

— Ана, ўғлим, ҳув анави қабр ўшаники,— гўрковлардан бири ўзидан унча узоқда бўлмаган ерда ёлғиз турган қабрни кўрсатиб жавоб қилди.

Фозил гўрков кўрсатган қабр ёнига бориб, қорга тиз чўкди. Қўлидаги гулдастани қабр устига авайлаб терди. Кейин қабр ёнидаги қор оғирлигидан шохларини кўтара олмай мажнунтол сингари эгилиб турган дарахтга суяниб, сукутга кетди.

Қабристон жимжит. Гўё ҳамма ёқ, ҳамма нарсалар, ҳатто дов-дарахтлар ҳам худди Фозил сингари сукутга кетгандек. Ана шу жимлик ҳукм сураётган гўристонда Фозил севгилиси қабри тепасида турибди. Катя ундан узоқда эмас, жуда яқин ерда ётибди. Лекин у ер остида мангу уйқуга кетган. Уртадаги масофа жуда яқин, бироқ бир-бирларини кўриша олмайди. Бир оғиз, атиги бир оғиз бўлса ҳам гапларга олишмайди. Юнусов Катясининг ана шу бир оғиз иссиқ гапларига интиқ ва ынтизор эди. Шу умид, шу орзулар энди пучга чиққан. На чора, шум тақдир уларни бир-биридан ажратди!

Фозилнинг онаси ҳар йили ҳайитда ўғлини эргаштириб эрининг қабрига борарди. Қабрининг атрофида ўсиб ётган тиканак, бурган ва бошқа бегона ўтларни юлиб ташлаб, супуриб-сидирарди. У Фозилни биринчи марта бошлаб борганда, қандайдир бир дарахт экиб қайтган эди. Фозил кейин билса, у ўрик экан. Онаси то ўлгунига қадар мана шу ўрик танасига суяниб, эрининг қабрига тикилганича сукутга кетарди.

Мана, ҳозир Фозил ҳам худди онаси сингари дарахт танасига суяниб, қабрдан кўзларини узмай тик турибди. У шу туришида севгилиси Катяни, ёруғ жаҳонда энг меҳрибон, ғамхўри бўлган онасини, отасини хаёлидан ўтказарди. У жуда кўп ўйлади, хаёл сурди. Ниҳоят, бир қадам қўйиб қабрга яқинлашди-да: «Алвидо, дадажон, меҳрибон онажон! Алвидо, Катя!» деб орқасига қайтди.

Николай Солдатов қош қорайганда уйга кириб келди. У эрталаб хотинига телефон қилганда, область ҳарбий комиссарлиги уни чақириб қолишини қаёқдан билибди? Хотинига телефон қилиб, трубкани жойинга қўйиши биланоқ телефонга жон киргандек жиринглаб кетди. Область ҳарбий комиссари Солдатовнинг зудлик билан етиб келишини буюрди. У: «Тушки овқатга қайтиб келсам керак», деган хаёлда эди. Лекин ўйлаганича бўлиб чиқмади. Бошлиқнинг кабинетига бир кирганича, кечгача чиқа олмади. Эрталабки еган овқати билан юрибди.

Партизанликда бундай воқеалар кўп бўлиб турарди. Кўпинча озиқ-овқат тугаб қоларди. Бунақанги кезларда

бир кунлик овқатни уч-тўрт кунга чўзишга, кунига уч марталиқ овқатланишни қисқартириб, бир ёки икки мартага келтиришга мажбур бўлишарди. Ана шунақа кезларда чидам ва сабот билан ўзини бардам, тетик тута оладиган Солдатов бугун фақат тушки овқатни емагани учун қорни очиққанидан боши гириллаб айланаётгандек бўлди.

У кўча эшигидан кирганда, ошхонадан чиқиб келган Аня эрини тўхтатиб:

— Шошма, уйда азиз меҳмонлар бор. Суюнчисини бермагунингча, киргазмайман,— деди ҳазиллашиб.

— Ким экан улар?

— Олдин суюнчисини бер...

— Хўп, жонгинам, нима истайсан? Олтин соат олиб берайми?

— Керак эмас, ўзимда бор.

— Бошдан-оёқ кийим олиб берайми?

— Бу ҳам керак эмас. Ҳозирча ҳамма кийимим бор.

— Ҳа, энди тушундим. Сенга мана бунақанги суюнчи керак,— деди-да, Солдатов қўлини хотинининг боши орқали ўтказиб бағрига босди.

— Қанақа суюнчи демоқчисан?— эрининг кўксига кириб бораётган Аня, ярим кулги аралаш эркаланиб сўради.

— Мана бунақанги суюнчи демоқчиман,— деди-да, Солдатов хотинининг иккала юзидан ўпди. Кейин қаддини ростлаб:— Қалай, суюнчига қондингми?— деди кулиб.

Аня хандон отиб кулганича эрининг бағридан чиқиб ичкарига юрди. Унинг кетидан кириб келган Солдатов Рустамни кўриши билан:

— Эҳ, Аня, бу разведкачи учун бояги суюнчи камлик қилади,— деди-да, тўппа-тўғри келиб Рустамни қучоқлаб олди.

Икки жангчи дўст бир неча дақиқа қучоқлашиб туришди. Аня Фрося хола ёнида турарди. Эри Рустам билан кўришиб бўлгандан сўнг, у Фрося холани таништира бошлади:

— Мана бу киши Фрося холам бўладилар. Марҳум Катянинг онаси. Куёвлари ҳам келган.

Солдатов Фрося хола билан ҳам кўришгач:

— Юнусов қани?— деб сўради Анядан.

— Тушки овқатдан кейин чиқиб кетганича, дараги



йўқ. Холам хавотир олиб ўтирибдилар.— жавоб берди Аня.

— Бу қанақаси бўлди, қаёққа кетдйкан?— Солдатов бир оз ўйланиб қолди.— Балки, бу шаҳарда танишлари бордир?

— Йўқ. Бу ерда унинг танишлари бўлса, менга айтган бўлар эди,— Рустам хавотирланганнамо жавоб берди.

— Топиш керак,— деб гапга аралашди Фрося хола.

Шу вақтда эшик очилиб Фозил кириб келди. У яхшигина ширакайф эди. Оёқ учида зўрға турарди. Этигининг қўнжигача қор. Афтидан, йўл қолиб, из тушмаган ердан қор кечиб келганга ўхшайди. Арақнинг кайфи бетига тегиб, кип-қизариб кетган, юзларини маржондай тер босган. Кўзлари ҳам юзи сингари кип-қизил.

«Наҳотки, қиттак ичкиликдан шунча маст бўлса? Ҳа, холам билан унга қийин,— ўйлади ичида Аня.— Уни арақ эмас, жудолик маст қилган».

Николай Солдатов Фозил билан кўришди. Унинг пальтосини олиб, қозиққа илди. Этигининг қорини қоқиб, ёнига ўтқазар экан:

— Қаёқларга йўқолиб кетдингиз, оғайни,— деб сўради.

Юнусов ўтираётганида гандираклаб кетди. У зўрға мувозанатини сақлаб стулга ўтирди. Шимининг чўнтагидан ярим литрни чиқазиб стол устига қўйди. Солдатовнинг саволи жавобсиз қолаверди. Фрося хола так-рорлади:

— Кўп хавотирландик, ўғлим. Қаерларда юрибсан?

— Катяни кўриб келяпман!— Фозил Юнусов бир оҳ тортиб, ичини куйдириб бораётган аланга ҳовурини ташқарига чиқариб юборгандан сўнг жавоб берди.

— Вой ростдан-а? Нега мени олиб бормадинг?

— Узоқ экан. Машина бўлмаса чарчаб қоласиз.

— Ҳақ гап,— деди Солдатов бўш стуллардан бирига ўтираркан.— Ораси анча олис, холажон. Сизга машина керак.

— Холамни сен олиб бориб келолмайсанми?— сўради эрининг ёнида ҳануз тик турган Аня.

— Бўлмасам-чи, эртага эрталаб олиб бораман.

— Раҳмат, ўғлим!— миннатдорчилик билдирди Фрося хола.

Аня ошхонага ўтиб кетди. У тайёрлаб қўйилган кечки овқатни сузишга киришди. Фозилнинг ҳаракатларига разм солиб турган Солдатов:

— Яхшигина кайф қилибсиз, оғайни. Яна буни кўтариб келганингиз нимаси?— деди стол устидаги арақни кўрсатиб.

— Ўртоқ Солдатов, менинг аҳволимга кулмаслигингизни сўрайман,— Юнусов жиддий гапирди.

— Мен кулаётганим йўқ, дўстим, сира ҳам.

— Кулмаётган бўлсангиз жуда яхши. Бугун ичамиз, фақат ичамиз! Биласизми, ўртоқ Солдатов? Ичсам қалбимни ёндириб бораётган ташвишларим бир оз тарқаётгандек сезиляпти.

Аня стол устига овқат келтириб қўйганда Солдатов шижанинг оғзини оча бошлади. У рюмкаларга арақ тўлдирар экан:

— Катянинг баҳонаси билан дийдор кўришдик-а, Рустам Шокирович.— деди.

— Йўқ, ўртоқ Солдатов,— Рустам қолиб, Фозил жавоб берди,— биз икки мақсадни кўзлаб йўлга чиққанмиз. Биринчиси — Катяни кўриш бўлса, иккинчиси дўстимни Филатов ҳузурига олиб бориш.

— Ие, ҳали шундай денг? Жуда соз! Академик Филатов билан яқинлигим бор. Эртага қабристондан кейин тўппа-тўғри Филатов ҳузурига олиб бораман.

— Ўртоқ Солдатов, режани бошқача тузиш керак,— Юнусов узатилган рюмкани олатуриб, қаршилиқ билдиргандек бир тарзда гапира бошлади.

— Масалан, қандай қилиб?

— Менимча Шокировни биринчи галда Филатов ҳузурига олиб бориш керак.

— Сабаб, бунинг фарқи нима?

— Фарқи шундаки, ўртоқ Солдатов, қабристонга Шокировнинг бормагани маъқул. У ерда тошдан ясалган юрак бўлса ҳам эритмасдан иложи йўқ. Бир минутлик бўлса ҳам, тортилган изтироб кишининг организмга, айтиқса бемор кўзининг кўриш нервларига қаттиқ таъсир қилади. Нур излаб келган дўстим яна мен сингари ноумид бўлиб қолмасин. Шундай экан, ўртоқ Солдатов, режани ўзгартириб олдин Филатовга, кейин қабристонга борган маъқул.

Юнусовнинг фикрини Рустамдан бошқа ўтирганларнинг ҳаммаси маъқуллашди. Солдатов ҳам Фозилнинг елкасига қоқиб:

— Мен сизни маст бўлиб қолган деб ўтирибман-а. Қойил, доно фикрни ўртага ташладингиз!— деб қўйди.

Рустам дўстининг фикрига қанчалик қаршилик кўрсатмасин. Фрося хола ҳам, Аня ва Солдатовлар ҳам қатъий туриб олишди.

— Сиз бормайсиз. Тамом вассалом!

Эртаси куни Николай Солдатов меҳмонларни машинасига ўтқазиб, тўппа-тўғри кўз клиникасига олиб борди. Рустам Шокировни ўзи етаклаб Филатов ҳузурига кирганларида, Шокировнинг қандай ички ҳаяжонда эканини кўрган киши бир қарашдаёқ сезиб оларди. Мана, ҳозир у Филатовга учрашади. Профессор унинг кўзини текшириб чиққандан сўнг, бир оғиз сўз билан Шокировнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилади. Ё ёруғ жаҳон унинг кўзи олдида балқийди, ёки тим қора пардаларга ўранган зимзиёлигича қолади. Қоладигина эмас, шу поёнсиз қоронғилик уни ўз қаърига ютиб юборади. Филатовнинг бир оғиз сўзи ё унга яшаш учун тўла-тўқис имконият беради, ё метин тўқмоқ бўлиб миясига уриладю чилпарчин қилиб ташлайди. Уйдан чиққандан бери миясида ҳукмронлик қилаётган ана шу хаёллар профессор ҳузурига кирганда яна ҳам кучга кирди. Рустамнинг ранги бўзариб, вужуди беҳосдан титрай бошлади. Буни сезган Солдатов:

— Сизга нима бўлди, Шокиров?— деб сўради секингина уни стулга ўтқаза туриб.

— Ўзим ҳам ҳайронман. Биласизми, ўртоқ майор, ростини айтсам, қўрқяпман!— деб жавоб берди Рустам Солдатов сингари овозини пасайтириб.

Солдатов билинар-билинмас мийғида кулиб қўйди. У: «Фронт линиясида ўлим нима эканини билмаган дойора жангчига нима бўлди?» деб хаёлидан ўтказган эди. Солдатов профессор билан қуюқ сўрашиб туриб, шундай деди:

— Тошкентлик дўстимиз, уста разведкачи! Фронтда кўзини йўқотган. Рўшнолик истаб келдик.

Профессор Шокировнинг кўзларини текшира туриб:

— Сен Тошкентдалигимда учрашган эдинг шекилли?— деб сўради.

— Ҳа, ўртоқ профессор, бир марта операция ҳам қилган эдингиз,— деб жавоб берди Шокиров.

Профессор Шокировнинг кўзини обдан текшириб:

— Жуда яхши! Кўзнинг нервлари бир оз қувватга кирган. Ҳаракат қилиб кўрамиз,— деди.

— Умид қилса бўладими, ўртоқ профессор? — сўради Солдатов.

— Умид қилишга ўрин бор.

Профессорнинг ана шу гапини эшитган Шокировнинг себинганидан юраги қинидан чиқиб кетаёзди. У чапак ча-либ: «Яшасин, ура!!» дегиси, ирғиб ўрнидан туриб, про-фессорнинг юзларидан, «Умид қилишга ўрин бор» деган сўзлар учиб чиққан лабларидан ўпгиси келди. Бирдани-га қоронғилик, зимистон пардаси бир томонга сидирилиб, ажиб манзарага бой кенг жаҳон кўз олдида намён бўл-ди. Ана, ранг-баранг гулларга бурканган унинг ҳовлиси, супа четидан жилдираб оқаётган зилол сув. Супа устида онаси неварасини ўйнатиб ўтирибди. Муҳаббат ҳовлига сув сепиб супурмоқда. Шокиров уларнинг юз-кўзларини, кийган кийимларини аниқ кўрди. Ҳатто туғилганидан бери бирор марта кўзлари билан кўролмаган ўғилчасини очиқ-ойдин кўра олди. Кўрганда ҳам, хотини билан она-си таъриф қилгандек, лўппи юзли, ипак киприклари сан-чилиб турган дум-думалоқ, худди ўзининг ёшлигига ўх-шаган суйгунчак бир болани кўрди. «Тавба, бу қанақаси бўлди?!» деб ўйлар эди ўтирган ерида Рустам. Кўзи ол-дида бир нафасга пайдо бўлган хаёлий тасвирлар йўқо-либ, унинг ўрнини яна қоронғилик пардаси қоплади.

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Бу вақтнинг ичида Рустамнинг касаллик тарихи тўлдирилиб, унга касалхона либоси кийдирилди. Николай Солдатов Рустамни клини-кага ётқизиб, ташқарига чиқди.

Фозил билан Фрося хола ҳар куни эрталаб ўринла-ридан туришгач, биринчи галда Рустамнинг олдига, ёки қабристонга йўл олишарди. Николай Солдатов Фрося холани машинасига ўтқазиб қабристонга олиб борган ку-ни у қизининг қабрини қучоқлаб, анча йиғлади, фиғон қилди. Қор босган қабрга юзини қўйиб она қалбининг ҳарорати билан ер остида ётган қизини гўё иситмоқчи, тирилтирмоқчи бўлди.

Қизининг дийдорига тўя олмаган она ҳар куни бир келиб, дунё-дунё кўз ёшларини тўкарди. Қабр ёнидаги дарахтга суяниб, соаглаб сукут сақларди. Кетадиган кун-лари ҳам худди шундай қилишди. Эрталаб тўппа-тўғри қабристонга бориб, тушга қадар Катянинг қабри устида бўлишди. Муштипар она қалби симобдек эриб Катянинг қор босган қабри устига қанча ёш селини тўкди. Ҳар кунгидек сўниқ юзларини қор устига босиб, қабр қучоқ-

лаб нола қилди. У «Катягинам, ўн гулидан бир гули очилмаган болагинам! Дод, шум тақдирнинг дастидан, нималар қилиб қўйдинг?!» деб қилаётган ноласига Фозил Юнусов чидаб тура олмади. Ўпкаси тўлиб, киприклариди ёш томчилари ялтиради. У енгига кўзини артиб, қабр устига энгашди-да, кампирни юпата бошлади: «Ойи-жон, бўлар энди, ўзингизни уринтириб қўясиз. Юринг, кетайлик». Фозилнинг гапларидан кейингина Фрося хола ўрнидан турди. Улар қабристондан чиқиб Рустамнинг олдига боришди ва у билан узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Ниҳоят, олдин Фрося хола, кейин Фозил Юнусов Рустамни бағирларига босиб, у билан хайрлашишди. Фрося хола билан дўсти Юнусовни ташқари эшиккача кузатиб чиққан Рустам ёлғиз қолаётганига юраги увушиб, қадрдонларининг оёқ шарпасига узоқ қулоқ солди.

#### 45. МАШАҚҚАТЛИ СИЛЖИШ

Ғаниев эрталабдан бери кабинетидан жилгани йўқ. Планлаш бўлимининг бошлиғи билан ойлик, квартал ва йиллик план устида бош қотирди. Янги йил учун кечагина олинган бу план ўтган йилгига қараганда анча кўп. Аҳвол бултургидек бўлса, уни бажариш мушкул. Ўтган йилги план корхонанинг техника кучига ва ишчиларнинг сонига мўлжаллаб берилган бўлса ҳам, тўлмай қолди. Ғазимбек планлаш бўлимининг бошлиғи билан жуда узоқ суҳбатлашди, имкониятларни ҳисоблаб чиқди. Ҳар ҳолда бажарса бўлади, деган фикрга келди. Корхона бир оз қаддини тиклаб олган. Министрликда бўлган кунининг иккинчи ҳафтасида Кўрлар жамияти юк машинаси берди. Ушандан бери машинанинг ғилдираги бир нафас тингани йўқ. Эрталабдан кечгача арқон ва пояндоз цехларига хом ашё ташиydi. Тайёр маҳсулотларни савдо ташкилотларининг базаларига ёки магазинларнинг ўзига элтиб беради. Оборот чакки эмас, корхона ҳисобига пул тушиб турибди. Шу вақт ичида ўнтача ожиз ишга жойлаштирилди. Ғазимбек қўшни ҳовлини ижарага олиб, каравот ва кўрпа-ёстиклар билан жиҳозлаб қўйди.

Чий цехи ҳам жонланиб кетди. Тўқайда ўрилаётган қамишлар тўхтовсиз ташиб келтирилмоқда. Ғазимбек битта машинага ҳамма ишни ташлаб қўймай, автобаза

ёки қўшни ташкилотларга мурожаат қилиб, улардан ёрдам сўрайди, керагида машиналар олиб, ишлатади.

Лекин янги йил планини бажариш учун ҳали жуда кўп иш қилиш керак. Мавжуд цехларни кенгайтириш, ёки янги цехлар ташкил этиш зарур. Энг камида ўттиз-қирқ ожизни ишга олиш керак. Лекин уларни қаердан топади? Қишлоқлар тугул, шаҳардаги ожизларнинг корхонада ишлашга тоби йўқ.

Кўрлар ўрнида соғларни ишлатиш ман этилган. Йўқ-са Ғазимбек столда турган планини бир йил эмас, ярим йилдаёқ бажартирган бўларди. Ҳар ҳолда, қиш чиққандан кейин корхонага келадиганлар бор. Зоя Кузьминична борганда улар, шундай деб ваъда беришган. Уларга жой тайёрлаш зарур. Ғазимбек кўпдан бери шуни ўйлаб, боши қотади. Цехларни кенгайтиришнинг иложини тополмагач, кўрларга қулайроқ бўлган янги хил маҳсулот ишлаб чиқарсак бўлмасмикан, деган фикрга келди. Шаҳардаги бир артелда картондан ҳар хил қутичалар яса-шаркан. Наҳотки кўрлар шуни қилолмаса? Ғазимбек қутичани синчиклаб текширди, ишчиларнинг олдига бориб, уларнинг ишига разм солди. Ишчилар бир қолипда қир-қиб, бичилган картон қоғозларнинг четини тўғнағичда бир-бирига улашарди. «Жуда қулай иш. Ожизлар бунинг бемалол қила олади». Ғазимбек артель раисининг ҳузурига кириб, у билан суҳбатлашди, маслаҳат сўради. Цехни юргизиб юборишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун картон букадиган, қирқадиган, бичадиган станоклар топиш керак. Артель раиси Ғазимбекка «КР» маркали картон қирқадиган станокни беришга ваъда қилди. «Қолганларини Давлат план комиссияси орқали олиш мумкин», деб йўл кўрсатди.

Ғазимбек Кўрлар жамияти орқали Давлат план комиссияси билан алоқа боғлади. Бироқ, қанчалик уринмасин: «Кечикдингиз, энди фақат тўртинчи кварталга заявка қабул қилинади. Хуллас, техникани йилнинг охирида оласиз» дейишди. Аммо министрлик яна жонга ора кирди. У кимлар биландир сўзлашиб, босмахоналарнинг биридан зарур ускуналарни топтириб берди.

Мана энди Ғазимбекнинг бошида янги иш, янги ташвиш. У янги цехга жой қидиряпти.

У корхонанинг ташқари ҳовлисидаги олди очиқ бостирмадан бошқа, дурустроқ жой тополмади. Бостирманинг атрофини ўраб, ичини ремонт қилдирса, яхшигина

цех бўлиши мумкин. Лекин станоклар учун алоҳида хона тайёрлаш керак, йўқса ишчиларни жойлаштириш мушкул бўлади. Чунки шу цехни юргизиш учун келтириладиган станокларнинг ўзи бостирманинг ичини бутунлай эгаллаб олиши мумкин. Демак, Ғазимбек бостирманинг атрофини ўраб, ремонт қилдиришдан ташқари, унинг ёнига қўшимча бино қурмоғи зарур. Шундагина бу цехни ишга тушириб юборса бўлади. Ғазимбек чамалаб қанча ғишт, тахта, ёғоч ва черепица кетишини ҳисоблаб чиқди-да, орқасига қайтди. Иш соати тугаши олдидан арқон цехи томон юрди. У яқинлашган сари цехдан ярим автоматларнинг гувиллаб ишлаётгани қулоғига чалинди. Машиналар бир меъёрда ишламоқда, қанча каноп бўлса ҳам бирпасда чийириб ташлайди. Механиклар ярим автоматларни ўрнатиб ишга солиб юборганларига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида олтига ярим автомат станогини цех айвонини икки марта арқонга тўлдириб юборди. Агар вақтида харидорларни топиб пуллаб турилмаганда, эҳтимол Ғазимбек тайёр маҳсулотларни қўйишга жой ҳам тополмаган бўларди. Арқон харидорлари илгарига қараганда бирмунча кўпайган. Сабаби ярим автоматларнинг ишга туширилиши билан арқоннинг сифати яхшиланди. Пишиқ ва пухта ишланган арқонни кўрган ҳар қандай харидор, албатта, олмасдан кетмасди. Бу — корхона учун катта фойда. Станоклар қўл келиб қолди. Ғазимбек бундан икки ҳафта илгари арқон цехини икки сменада ишлашга кўчирди. Харидорларни куттириб қўйиш ярамайди-да!

У цех олдидаги пешайвонга етиши билан ичкаридан Зоя, Ҳамроев ва Холматовлар чиқиб келишди. Бир оздан сўнг автоматлар бирданига тўхтаб, бир текисда гувиллаб турган моторлар овози ўчди. Бирин-кетин ташқарига чиққан ишчилар жомакорларини ечмасданоқ айвонга тўплана бошлашди.

Холматов мажлисни очиб, янги йил учун қабул қилинган социалистик мусобақа шартларини тушунтира бошлади. Муҳокама узоққа чўзилди. Ишчилар шартномада кўрсатилган айрим моддаларга розилик билдиришмаган эди.

Ғазимбек айвон устунига суянганича уларнинг гапларига қулоқ солди.

— Йиллик планни,— деди ишчилардан бири,— шу хилда ишлаб турсак, 1 декабргача бажара оламиз ва дав-

латга икки тонна эмас, ўн тонна арқонни пландан ортиқ топширамиз. Шартномадаги ана шу модда тўғри эмас!

Яна бир ишчи сўзга чиқди:

— Хом ашёни тежаш тўғрисидаги моддага қаршиман. Қандай қилиб хом ашёни тежаш ҳисобига ойда 200 килограмдан арқон ишлаб чиқара оламиз? Бу ақлга сиғмайдиган гап! Келтирилаётган канопларнинг сифати ёмон. Арқон чиқиндиси нормадан ортиқ бўляпти. Келтирилаётган канопада чўп-хас кўп, бунақанги мажбуриятни олиб бўлмайди!

Ишчиларнинг кўпчилиги ўз фикрини айтиб бўлгандан кейин Зоя Кузьминичнага сўз берилди. У биринчи ишчининг фикрини тасдиқлаб, 1 декабрда планни бажариш мумкинлигини таъкидлади.

— Бироқ,— деб сўзида давом этди у,— меҳнат интизоми шу тариқа бўш бўлаверса, 25 декабрда ҳам план бажариш амри маҳол! Мана, эшитинг. Арқон цехида ҳаммаси бўлиб 27 ишчи бор. Отпускага кетганлар билан беморларни ҳисобга олмаганимизда, бир ойда 832 соат сабабсиз прогул қилинган. Демак, тўртта ишчи бир ой давомида ишламаган деса бўлади. Аҳвол ана шундай, ўртоқлар! Цехда меҳнат интизоми сусайиб кетган. Сабабсиз ишга чиқмаганларга қарши курашмоғимиз зарур! Токи биронта ишчи бирон соат ҳам прогул қилмасин. Иш соатидан тўғри фойдаланган тақдирдагина цехнинг йиллик планини бир ой илгари бажара оламиз.

Ғазимбек ҳам ўз нутқида меҳнат интизоми масаласида кўп тўхтади. Кейин хом ашёни тежаш масаласига ўтиб:

— Буни биз ҳисоблаб чиқдик,— дея тушунтира бошлади у,— 100 килограмм лосни тортиб кўрдик. Бундан 10 килограмм каноп толаси чиқди. Ҳар ойда кам деганда 2—2,5 тонна лос ҳосил бўлади. Демак, 200—250 килограмм каноп чиқинди билан аралашиб кетяпти деган гап. Биз ана шу каноп толаларини ташлаб юбормай, маҳсулот ишлаб чиқармоғимиз керак.

Ғазимбек далиллар билан исботлаб бергач, ишчилар шартноманинг барча моддаларига рози бўлишди. Эртаси куни Ғазимбек босмахонага борди.

— Ёрдам берамиз,— деди директор Ғазимбекдан ҳамма гапни эшитиб.— Бироқ, бизда станокларнинг янгилари йўқ. Ҳамма станокларимиз эски. Бир оз ремонт қилиб ишлатаверсангиз бўлади.



Ғазимбек рози бўлди. Иложи қанча? Йил охирида янги машиналар келгунча эскиларидан фойдаланиб турса бўлади-ку. Ҳарна қўлга киргани.

— Хўш, яна нима хизмат бор?— деди директор.

— Олиб кетаверсак майлими?— сўради Ғазимбек.

— Майли. Фақат қонунлаштириб қўямиз, холос. Машиналар босмахонамиз балансидан корхонангиз балансига ўтказилади.

— Жуда яхши! Умрингиздан барака топинг, ўртоқ директор!

У ишининг шунчалик ўнгидан кела бошлаганига чексиз қувониб кетаётганида, елкасига кимдир қўл ташлади.

— Нима бўлди, хаёл суриб қолибсиз?

— Ие, раис ака, соғлигингиз яхшими? Бу ёқларга қандай шамол учирди?

Эгнига почапўстин кийиб, қулоқчинини бостириб олган Аҳмаджон ака Ғазимбекнинг қўлини ҳамон қўйиб юбормай:

— Бу дунё, мен сизга айтсам, серташвиш дунё экан. Ёзда ҳам, қишда ҳам тинмайсан киши. Бир иш билан келган эдим.

— Қани юринг, анави ерда чойхона бор. Дам олиб, чақчақлашайлик,— деди Ғазимбек.

Ғазимбек йўл бошлади. Аҳмаджон ака тўрдаги каравотга ўтди. Самоварчи келтирган чойни қайтарар экан:

— Бу йил ерингизга нима эсмоқчисиз?— деб сўради.

— Нима бўларди, қозонга тушадиган нарсалар эканмиз-да.

— Сабзи, пиёз, картошка... Шундайми?

— Ҳа-да, чигит экармидик?

— Чигит ҳам тузук, тортқилайдиган каламушлари бўлмайди.

Ғазимбек ўйланиб қолди. У «раиснинг гапида жон бор», деди-да, сўради:

— Демак, ҳосилимизни таладилар, денг?

— Менинчга, шундай. Бирда муовинингиз чиққан кунни икки машинада юк кетди. Билишимча, шу юклар сизларгача етиб бормадиёв. Бу йил ҳам ўша одамлар чиқиб деҳқончилик қилишадими?

— Йўқ, уларни бўшатиб юбордик.

— Яхши қилибсиз. Бу йил тўқайдан ер очяпмиз. Янги ернинг бир ёғи сизларнинг ёрдамчи хўжалигингизга бориб тақалади, ўзимиз қарашиб турамиз,— деди раис.

— Биз камитини ўрган ерни очяписизми? — сўради Ғазимбек

— Ҳа, ўша ер Уша ерга шоли экамиз, боғ қиламиз. Баҳорда қурилиш ишларини бошлаб юбормоқчимиз. Мўлжалимизда ўттиз оила кўчиб чиқиши керак, — деди Аҳмадjon ака.

— Эҳ-ҳе, ишлар катта-ку!

— Катталиқка катта. Бундан ташқари, замонавий типдаги молхона билан ҳаммом қурилиши ҳам кўзда тутилган. Аслида шаҳарга, — у бўшаган пиёлага чой қуйиб давом этди, — шу ташвиш билан келган эдим. Область архитектура идораси қурилиш лойиҳасини ишляпти.

Ғазимбек қўлидаги пиёлани айлантириб, чойни ҳўплар экан: «Қани энди бизда ҳам шундай имкониятлар бўлса? Бирданига шунча қурилиш қилишмоқчи! Колхознинг кучи бор, курса бўлади», — деб хаёлдан ўтказди.

Аҳмадjon ака узоқ ўтирмади. Чойнакдаги чой тугаши билан кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Ғазимбек ҳам уни қистаб ўтирмади. Чунки корхонада иши бошидан ортиб ётган эди.

Ғазимбек Аҳмадjon акани кузатиб қўйиб, автобусда борар экан, қиладиган ишларни режалаб олди: эртага район ижроия комитетига бориб гишт ва қурилиш материаллари талаб қилади. Машинани эса станокни келтириш учун жўнатади. Цех қурилишини бир кун ҳам кечиктирмай бошлатиб юборади. Қиш унчалик совуқ эмас: ерда қор йўқ. Онда-сонда олачалпак булут кўк юзидан сузиб ўтади-да, кўздан ғойиб бўлади, қуёш яна чарақлаб кетади.

Эртасига Ғазимбек тўрт ишчи билан машинани босмахонага юбориб, ўзи район ижроия комитетига йўл олди. Наряд ёздириб, гишт заводига ўтди. Хуллас, шу кунни ҳужжатларни тўғрилаб, эртасига гишт ташиттирди. Кечга томон охириги гиштни машинага орттириб, корхонага қайтди. Кўча эшигига етиб келганда машинадан тушди. Тушдию таажжубда қолди. Қаердадир баландда, террак учуда кимдир гапирарди. Ғазимбек унинг гапларига тушунмади. «Нима гап ўзи? Ким экан у, қаердан гапиряпти?» деб хаёлидан ўтказиб турганида, аввал музыка товуши, кейин ашула эшитилиб қолди. Шундагина у воқеага тушуниб жилмайиб қўйди. Радиоузел бугун ишга туширилган эди.

Ўзидан анча нарида, ҳовли ўртасида Зоя Кузьминич-

на аёллар билан турарди. Улардан бири завқланиб кетди шекилли, куй мақомига мослаштириб ўйинга тушди. Аёллар чапак чала бошлашди. Ғазимбек уларнинг ёнидан билдирмай ўтди. Цех қуриладиган ерга келиб, бостирмани кўздан кечирди. Келтирилган станокларни худди тажрибали механикдек текшириб чиқди.

Бостирманинг олдида саҳни катта ҳовли: унинг кўз олдида қатор солинган уйлар пайдо бўлди. «Ҳа, шу ерда катта қурилиш бошлаш, ишчиларни зах уйлардан янги уйларга кўчириб чиқиш керак!»

#### 46. СВЕТАНИНГ БАХТИ

Фрося хола Фозилнинг кетидан уйга кирди. Печкаси ёқилиб, саришта қилинган хонага тез кўз югуртириб чиққач:

— Уғлим, сен билан ким туради? — деб сўради.

— Ҳеч ким, ойижон, бир ўзим тураман.

— Йўғ-е, ўғлим, одамсиз уй ҳам шунақа бўладими?

Нима, печкани фаришталар ёққанми?

— Ҳа, рост айтасиз. Уйимни саришта қилиб қўядиган фаришталар бор. Печкани ҳам ўшалар ёқишган бўлса керак.

— Ким экан ўша меҳрибон фаришталар?

— Қайдам...

— Умридан барака топсин ким бўлса ҳам, — деди камгир.

Дарҳақиқат бу ишларни Муҳаббат билан Света қилишган эди. Фозил ваъдасига кўра, Одессага етиб боргач, тиббий пункт адреси билан Светага телеграмма юборди. У Рустамни Филатов клиникасига жойлашганда ҳам шундай қилди Фрося хола самолётда қайтишга кўнмади, шундан сўнг поездда жўнашди. Фозил Москвадан поездга ўтирган кунлари қишлоққа телеграмма берди. Света билан Муҳаббат поезднинг келадиган кунини аниқлашди, уйни йиғиштиришди, кеча ва бугун печкага ўт ёқиб иситиб қўйишди.

Фрося хола Светадан бошқа қизларни танимаса ҳам бараварига дуо қилиб, оёғидаги пиймани ечди. Пальтоси билан рўмолини Фозил унинг қўлидан олиб, қозикқа илди.

Фозил биров уйга печь ёқиб қўйишини хаёлига ҳам келтирмаган, йўл-йўлакай: «Печкани ёқиб, то уйни қизит-

гунча кампирни Ҳожия холаникига киришиб қўяман», деб келаётган эди. Уйга кириши билан чехраси очилиб кетди. Уйни иситиб қўйган «фаришта» ким? «Сапура ота-онаси билан жўнаб кетгандир. Ҳа, жўнаб кетган. Аня: «Пётр Максимовичнинг вақти зиқ экан. Тошкентда кўп бўлса бир ҳафта турармиш» деган эди. Демак, бу ишларнинг барчасини Муҳаббат қилган, барака топкур», дея ичида Муҳаббатга миннатдорчилик билдириб, Фрося холани кўрпачига ўтқазди. Оёқ шарпаси эшитилиб, теъда Муҳаббат билан Света уйга кириб келишди. Муҳаббат қўлидаги дастурхонни ерга қўйиб, кўришиш учун Фозилга қўл чўзди. Светанинг кўзи Фрося холага тушиши билан қулочини ёзиб унга ўзини ташлади. Фрося холанинг кўзларига ёш тўлди. Лекин Света йиғламади. Фрося хола сингари ўкириб-ўкириб йиғлагиси, дод-фарёд солиб юрагини бўшатгиси келса-да, ўзини тийди. У Фрося холани юпатмоқчи ва Катянинг фожиасини унинг хаёлидан бир нафасга бўлса ҳам узоқлаштирмоқчи бўлиб, саволлар бера бошлади: «Фозил акамни қаердан топиб олдингиз? Тўғри биз томонга келяпмидингиз? Нальчикдан қачон чиқдингиз? Энди шу ерда биз билан турасизми?»

Фрося хола йиғидан тўхтаб, ени билан кўзини артиб, унинг саволларига жавоб беришга тутинди:

— Ҳа, қизим, шу ерда турмоқчиман, ўғлимни Одессадан топиб олдим... Катяни кўрган кўзларингдан ўргилай! Ўртоғингдан ажраб қолди холанг...

Муҳаббат Фрося хола билан кўришиш учун уларнинг устига келган бўлса ҳам, Света кампирнинг қучоғидан чиқмасди.

— Бўлди энди,— деди Муҳаббат,— мен ҳам кўришай.

Света Фрося холани бағридан бўшатиб, дераза олдида турган Фозилнинг олдига келди. «Омон-эсон келдингизми?» дея у билан қўл бериб кўришди-да, қизариб ташқарига чиқди. Муҳаббат Фрося хола билан кўришиб бўлганидан кейин:

— Фозил ака, дўстингиз қолдиларми?— деб сўради.

— Ҳа, синглим, хавотир бўлманг. Рустамжонни Филатов клиникасига ётқизиб қайтдик.

— Доктор нима деди, кўзлари очилармишми?

Муҳаббат эрининг кўзи очилиши мумкин эканлигини эшитиб севиниб кетди-да, қайнанасига хабар бергани югурди.

— Дастурхонни очинг, Фозил ака, нонушталик келтирганман,— деди кетаётиб.

Света човгунда сув келтириб печка устига қўйди, хола-нинг пинжидан жой олди.

— Қизим, отанг ҳам шу ердами?

— Ҳа, шу ерда эдилар, ойим билан жўнаб кетишди.

— Сен нега қолдинг?

— Кетгим келмади.

— Шунақа дегин? Майли, қизим, яхши қилибсан!

— Демак, бу кимсасиз уйга сиз қараб турдингизми, Сапура? Печкани ҳам сиз ёққандирсиз?

Света жавоб беришга улгура олмади. Шу вақт эшик очилиб, ўғлини кўтариб олган Муҳаббат, унинг кетидан Ҳожия хола ва Санобар опалар кириб келишди. Света билан Муҳаббат иккинчи уйга жой тайёрлаб қўйишди. Эркаклардан биринчи бўлиб етиб келган Собир ва Эрбўталар Света ва Муҳаббатлар билан бирга хизматга тути-нишди.

Куни билан келди-кетди узилмади. Бу орада Света колхоз идорасига бориб, почтачи қолдирган газета ва журналларни олиб келди.

Фозил ичкари уйда Собир билан Эрбўтага профессор Филатов Рустамнинг кўзи очилиши мумкин деб айтганини, Одессадан олган таассуротларини гапириб ўтирарди.

Света боя Фозил билан қўл бериб кўришганидан бери унинг яқинига келгани йўқ. Қизлик ор-номуси ўзини Фозилдан узоқроқ тутишга мажбур этарди. Фозил уйга кирса, эшикка чиқади. Эшикка чиққудек бўлса, ўзини уйга уради. Иложи бўлмай қолган тақдирда, бирон юмуш билан банд кишидек унга ўгирилиб ҳам қарамайди. Саволларига ҳам шу тарзда жуда қисқа жавоб қилади.

Уйни иситиш учун ҳужрадан кўмир олаётганда, Фозил эшикка суяниб туриб уни сўроққа тутди:

— Сапураҳон, зерикмай юрибсизми? Ойингиз кетиб қолганларига қийналаётгандирсиз?

— Зерикаётганим йўқ. Нега қийналар эканман,— Света бошини кўтармай жавоб берди. У онаси кетганидан бери юрагининг бир чеккаси гашланаётганини Фозилдан яширмай гапириб бергиси келди-ю, лекин ботина олмади.

Фозил Светанинг бунчалар ўзгариб қолганига ҳайрон эди. Илгаригидек очилиб-сочилиб гаплашмаётганининг сабабини суриштириб кўрди. Лекин Света очиқ айтмади.

«Узим шундай» деди-да, кўмирни кўгариб ташқарига чиқиб кетди.

Ҳеч нарсага тушунмаган Фозил ҳовли четида чой дамлаётган Муҳаббатнинг ёнига борди.

— Сапуранинг нега шахти паст! Тоби йўқми?— деб сўради у.

— Йўқ, худо сақласин!— деди-да, Муҳаббат мийиғида кулиб қўйди.

— Нега бўлмаса киши билан гаплашгиси йўқ? Ё мендан хафами?

— Нега хафа бўлар экан. Сиздан хафа бўлса уйингизга келиб хизмат қилиб юрармиди?

— Қайдам. Ҳар ҳолда кўнгли бир нарсадан гап.

Муҳаббат воқеани муфассал гапириб беришни ўзига эп билмай:

— Ҳозирча унга осон тутиб бўлмайди, Фозилжон ака. Авиз ва мўътабар кишиларидан ажралиб қолди. Кўникиб кетгунча шунақа бўлади,— деб қўя қолди.

\* \* \*

Март келиб, қишлоққа яна файз кирди. Қиши билан яланғоч тағаларини совуққа кўндаланг тутиб ётган дарахтлар баҳор либосини кийди. Олма, ўрик, шафтолилар раягбаранг гулларини кўз-кўз қилиб қишлоқ ҳуснига яна ҳуси қўшди. Ариқ бўйидаги кўм-кўк майсалар тез оқар сувнинг майин шабадасида тебрана бошлади. Далалар киши боқиб тўймайдиган ажойиб бир тусга кирди. Айниқса олмазор боғнинг манзараси ўзгача. Қариялар бўй-бастига қараб, қатор-қатор ўтқазган кўчатларнинг кўпи қийғос гуллади. Баҳорнинг ўзига хос нашъу намоси худди ана шу олмазор боғда бунёдга келиб, аста-секин ҳамма ёққа таралаётгандек. Баҳор элчиси бўлган қушлар ҳам даставвал шу боққа қўниб, кейин қишлоқ ичига ўтса керак.

Света кўча четидан юриб борар экан, ариқни тўлдириб оқаётган зилол сувга, нариги қирғоқдаги майсазорларнинг тонг шабадасида майин тебранишига, қўрғон ва боғчалар устида яшил хиёбон ясаб гуллаб турган дарахтларга, айниқса қушларнинг сон-саноқсиз оҳангда сайрашларига маҳлиё эди. У табиатнинг бунчалар бой манзарасини энди кўраётгандек суқланиб тикиларди. Қанчалар тикилмасин,

бари бир тўймас эди. Наҳотки, ўтган баҳорлар ҳозиргилек чиройли, кўркам бўлмаган? — дер эди у ўз-ўзига. Светанинг ёш қалбида баҳор уйғонди. Табиат баҳори билан ёшлик баҳори бирга куртак отиб, бирга уняпти. Табиат баҳори қуёшдан нур эмиб кун сайин яшнаётган бўлса, Светанинг қалбида гуркираб бораётган баҳор илк муҳаббат чашмасидан сув ичяпти.

Фрося хола билан Ҳожия хола қўярда-қўймай икки ёшнинг розилигини олиб, ўзбекларнинг расм-русуми бўйича иш тута бошлашди. Улар кўп ўтмай тугунларда нон, мевачева кўтаришиб Санобар опаникига йўл олишди. Уша куни ёшларнинг фотиҳаси бўлди. Санобар опа Светага она бўлиб кампирларга оқ кийгизди. Муҳаббат ана шу кундан бошлаб Светани учратиб қоладиган бўлса «овсин» деб айтадиган бўлди. Унинг ана шундай деб аташига Света беш-ўн кун кўниқолмай ҳам юрди. Ҳар овсин деганида бир чийрилиб, кейин: «Ўртоқжон, исминни айтаверинг», деб қўярди. Кейинчалик ўзининг шундай деб аталишига кўниқиб кетди шекилли, қаршилиқ кўрсатмайдиган, парво ҳам қилмайдиган бўлиб қолди. Света фотиҳадан кейин анчагача Фозилга кўринмасликка ҳаракат қилди. Фрося холани кўргани борадиган бўлса, Фозил уйда йўқлигини билиб, кейин кирарди.

Бир куни Фрося холага озгина олма ташлаб ўтмоқчи бўлиб кирганида, Фозилни кўриб қолди. Яхшиямки у уйда. Фрося хола ташқарида экан. Олиб келган нарсаларини кампирга тутқазиб, орқасига қайтди. Фрося холанинг зорланишига қулоқ ҳам солмади. Фозил Светанинг тортинчоқ бўлиб қолганига ажабланмас эди. «Ахир, қиз бола-да, ҳаёси бўлиши керак», — деб қўярди.

Бир куни ишга кетаётганида, Светани йўлда ёлғиз учратди. Ҳазиллашиб унинг қўлидан қаттиқ ушламоқчи бўлган эди; у чап бериб қочди. Бироқ, шу-шу бўлди-ю, Фозилдан ҳайиқмайдиган, уни холи кўрганда, бемалол гаплашадиган, гоҳо ҳазил-ҳузул қиладиган ҳам бўлиб қолди. Эсини танигандан бери шу ёшга етгунга қадар севги нималигини билмаган Света Фозилни ўйлаган сари қалбида ўзига маълум бўлмаган ҳиссиётлар, орзу-умидлар, ширин туйғулар уйғониб, уни яна ҳам яшнатиб юборди.

Кўзларида бир умр сўнмайдиган бахт чақнади.

У бугун районга бормоқчи эди. Шунинг учун эрталаб ҳаво ранг жун газлама кўйлагини, кузда Муҳаббат билан бирга буюртирган баланд пошнали амиркон туфлисини

кйиди, ўзига бир оз оро бериб, крепдешин рўмолини дур-ра қилиб ўради-да, қозикдан пиджагини олиб елкасига ташлади. Районга ойлик ҳисоботни олиб бориши керак эди.

У икки соатча беморларни қабул қилди. Кейин стол тортмасидан журнал ва уч-тўртта бланка чиқазиб, уни тўлдиришга тутинди. Тушга яқин тайёрлаган ҳисоботини қозғога ўраб ташқарига чиққанида почта мудирасига дуч келди. У қўлидаги конвертни Светага узатиб, «Сизга ишонса бўлади. Эгасига бериб қўйинг», деб жўнаб кетди. Хат Рустам Шокировдан эди. Муҳаббатгина эмас, Ҳожия хола, Санобар опа, Фрося хола, ҳатто Фозил билан ўзи ҳам шу хатни кўпдан бери безовталаниб кутишарди. Улар Рустамнинг соғлигига заррача шубҳа қилишмаса-да, шифоланиши қандайлигини ҳар дақиқа билгилари келарди. «Шояд кўзи очилсаю, ёруғ жаҳонни кўрса! Адҳамжонига термилиб, уни қўлида кўтариб юрса!» дегучи Ҳожия хола-нинг умидвор гаплари одамни ҳаяжонга солмай қўймас эди. Муҳаббат-чи, Муҳаббатнинг фикр-зикри Одессада, эрида. У Рустамни ўйлар экан, албатта, рўшнолик топиб келади, деб умид қиларди. Светанинг қўлидаги ана шу мактуб Ҳожия хола билан Муҳаббатнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарармикан? Света адресга назар ташлар экан, унинг хаёлидан: «Ҳар ҳолда мактубни Муҳаббатга етказиш керак» деган гап ўтди.

Конвертни қўлида тутганича район томонга эмас, орқага юрди. У далага, Муҳаббатнинг олдига бормоқчи. Мактубни унинг қўлига бериб, хушхабарни эшитмоқчи. «Районга бориш қочиб кетмас, кечга қадар бориб келарман», деган фикр билан қадамини тезлатди.

Баҳор келиши билан далалар яна гавжум бўлган. Ҳамма карталарда колхозчилар ишлашмоқда. Аёлларнинг ранг-баранг гулдор қўйлаклари табиатнинг баҳор манзарасига яна ҳам ҳусн қўшгандек, қуёш нурида товланади. Кўтарилган кетмонлар узоқ-узоқлардан ялтираб кўринади. Ўтлаб юрган сигир, бузоқ, қўй ва эчкиларнинг маърашлари, отларнинг кишнашлари билан қўшилиб, ўзгача оҳанг касб этади. Хуллас, колхоз далаларига файз кирган.

Света тўппа-тўғри шийпонга келди. Муҳаббатни топиб, хатни унинг қўлига тутди. Муҳаббат хат эридан эканлигини конверт бетигади адресдан таниди. Дарров конвертни очиб, хатни ўқий бошлади. Хат рус тилида экан, уни биров ёзиб берганга ўхшайди.



«Соғинчли салом!

Муҳаббатхон, аввало, иккала ойимларга, сизга, Фозилжон дўстим, Света синглимга ва Адҳамжон ўғлимга алангали саломимни йўллаймак! Шу билан бирга сизларни суюнтирмоқчиман: оиламизнинг барча аъзолари билан ёру биродарларимнинг ягона тилаклари бўлмиш рўёбга чиқиб, профессор рўшноликнинг калитини қўлимга тутқазди! Нур излаб келиб ноумид бўлмадим. Ҳозирча профессор кўрсатган бармоқларининг сонини айта оляпман...»

— Вой, яшасни! Рустам акам кўрадиган бўлибдилар!!! — Света билан Муҳаббат бирданига қийқириб юборишди. Иккови ўрнидан туриб, бир-бирини беихтиёр қучоқлаб ўпишга тушди. Сўнг Муҳаббат бирдан ҳушини йиғиб:

— Юринг, тезроқ бориб, ойимларга хабар берайлик!— деди.

— Йўқ, ўртоқжон. Бу хушxabарни холамларга сиз етказинг. Мен Фозил акамга айтиб, у кишини хурсанд қилай.

Муҳаббат хатни кўтарганича уйга қараб югурди.

Света унинг кетидан бир оз қараб турди-да, Фозил ишлаётган томонга йўл олди. У дала шийпонидан сал нарироқдаги пайкалда «универсал»и билан эгат олаётган эди.

Светани кўриб тракторини бир нафас тўхтаган Фозил унга пешвоз чиқди,

— Келинг, Сапураxон. Нечук худо ёрлақаб...— деб ҳазил қилди у Света билан кўриша туриб.

— Қани, нимага келганимни топинг-чи,— Света қизларга хос шўхлик билан жумбоқ ташлади.

— Биламан, мени соғингансиз. Кўргани келдингиз...

— Ие, анави одамни-я...

— Бўлмаса, боғчага ўтгандирсиз...

— Тополмасангиз, қўрғон беринг,— Света кулги аралаш яна ҳазил қилди.

— Бўпти, қўрғон бердим, Сапураxон.

— Йўқса, суюнчини чўзинг, Рустам акамдан хат олди! Кўзлари очилаётган эмиш!

— Ростданми! Хат қачон келди, қани?— Фозил шошиб қолди. У Светага устма-уст савол берар, унинг қўлларидан сиқиб: «Раҳмат Света, хушxabарингиз учун раҳмат!» деб унга миннатдорчилик билдирарди.

— Ростмикан кўзи очилгани?

— Ҳа. Профессорнинг бармоғини санармишлар.

— Сапураxон, келинг, хушxabарингиз учун битта ўпай,—

деди-да, Юнусов Светанинг билагидан ушлаб унга яқинлашди.

— Йўқ, йўқ, кийимингиз мой экан,— Света Фозилнинг мойли жомакорини қўли билан итарган бўлди...

Фозил хахолаганича кулиб юборди: қучоғидан чиқиб қочаётган Светанинг икки елкасида ёғлиқ панжасининг изи қолган эди.

— Сапураҳон, шошманг,— деб югурди Фозил,— елкангиз доғ бўлиб қолибди.

Света пиджагини ечиб, доғни кўрди, қизариб Фозилга тикилди.

— Келинг, бензин билан ювамиз,— деди у ўнгайсизланиб.— Кечирасиз, Сапураҳон.

Света, қўяверинг, бошқасини кияман, деб пиджагини қўлтиқлаб жўнади. Ҳаво ранг кўйлак ҳилпираб, унинг гўзал қоматини кўз-кўзлагандек бўлди. Фозил унинг орқасидан қараб мийиғида кулиб турарди.

Света тўппа-тўғри районга жўнади. Соғлиқни сақлаш бўлимига кириб ойлик ҳисоботни топширди. Анча-мунча топшириқлар олди. Чиқиб келаётганида, кассир уни тўхта-тиб, ойлик маошини берди. Света марказий аптекадан талайгина дори-дармон олди. Қоғозга ўраб, сумкага жойлаштиригандан кейин кўчанинг нариги юзидаги магазинга ўтди. У Фозилга арзигулик бирор совға олмоқчи эди. Лекин бирор тузукроқ нарса тополмади. Пештахтанинг у томонида турган сотувчи жувонни чақириб:

— Сизда эркакларга арзигули бирор нарса йўқми?— деб сўради.

— Костюм бор, кўрсагайми?

— Қани.

Сотувчи жувон пештахта тагидан шерсть костюм чиқазди. Светага костюмнинг ранги ёқмади, тикилиши ҳам унча эмас эди.

— Бошқаси йўқми?

— Йўқ,— сўнг бир оз ўйлаб туриб, қўшиб қўйди:— бир дона коверкотим бор. Лекин қиммат-да.

— Қани, кўрайлик-чи. Еқса, балки оларман.

Сотувчи аёл коверкот костюмни тахта устига қўйди.

— Яхши костюм, нархи баланд демасангиз.

Света костюмнинг ранги билан ўлчовини синчковлик билан назардан кечириб, пулини тўлади.

У район марказидан чиқиб унча кўп юрган ҳам эмас эдики, орқадан келаётган машина тўхтовсиз бип-билай

бошлади. Йўл очиқ бўлиб, ҳеч ким йўқ эди. Света эса йўл-кадан кетаётган эди. «Бу қанақаси бўлди? Шофёр маст бўлса керак», деб Света орқасига ўгирилган эди, кабинада Эрбўтани кўрди.

— Машинанинг овози бўғилди-ку, тезроқ келсангиз-чи,— деб чақирди.

Эрбўта кабинадан тушиб, Светанинг қўлидан юкини олди. Света кабинага жойлашиб ўтиргандан кейин юкни унинг тиззасига қўйиб, машинани ҳайдаб кетди. Иш ўнгидан келса, шунақа бўлади. «Қишлоққа икки хуфтонда кириб борсам керак» деб ўйлаган Света бирпасда Муҳаббатлар уйи яқинидаги муюлишга етиб келди. У машинадан тушиб, Эрбўтадан илтимос қилди:

— Жон Эрбўта ака, мана шу сумкадаги дори-дармонларни Санобар опамникига ташлаб кетинг. Хавотир олманлар, мен Муҳаббатларникида бўламан.

Машина юриб кетди. Света костюмни қўлтиқлаб тўппатўғри Фозилникига кирди. Фрося хола йўқ экан. Юнусов ёнбошлаб газета ўқиётган экан. Светанинг кўзи Фозилга тушиши билан беҳосдан қичқириб юборди:

— Вой ўлмасам, сиз шу ердამидингиз?

— Ҳа, шу ердаман, кираверинг.

— Фозил ака, мен сизга совға олиб келдим, қаранг-чи, ёқармикан?— Света қоғозни очиб, костюмни Фозилнинг қўлига тутқазди.

Юнусов шойи астарли костюмни кўриб қизариб кетди:

— Вой-бўй, Сапураҳон, бу нима қилган ишингиз? Умримда киймаганман-ку бунақа костюмни.

— Киймаган бўлсангиз, энди киясиз-да.

— Мени уялтириб қўйдингиз, Сапураҳон. Мен сизга нима совға қилсам экан? Яхшиси, ўзингиз айта қолинг.

— Менга ҳеч нарса керак эмас.

— Ундай бўлса, мен ҳам совғангизни олмайман.

— Оласиз! Олмай ҳам кўринг-чи!

— Ҳали шунақами?— Фозил бақувват қўллари билан Светанинг белидан олиб ўзига торта бошлади.

Светанинг ички ҳаяжони юзига тепиб, ранги қип-қизарди. У бор кучини тўплаб ўзини орқага ташлади. Фозил ҳазили Светага айил ботганини кўриб, ортиқча қийнагиси келмади. Света ирғиб ўрнидан турди. Дераза олдига бориб рўмолини қайта ўраётганида, Фрося хола кириб келди.

— Келдингми, қизим? Айланай сендан,— сўраша кетди Фрося хола Светанинг елкасига қоқиб.— Вой, мун-

ча қизариб кетибсан? Уялма, қизим, мен онанг ўрниданман-ку.

— Ойи, мана буни қаранг-а,— Фозил ўтирган ерида костюмни Фрося холага кўрсатди,— Света совга келтирибди менга.

— Вой айланай қизимдан!— Фрося хола костюмни очиб кўрди.— Қандай яхши-я... Сени бир хурсанд қилай депти-да, қизим. Ўтир қизим, овқат тайёр, биргалашиб баҳам кўрайлик.

Овқатдан кейин Света чой дамлаб келди. Фрося хола уч-тўрт пиёла чойдан ичиб ўрнидан турди. Света ҳам кетишга отланди, Фрося хола Фозилнинг елкасига нуқиди:

— Тур, ўғлим, Светани кузатиб қўй. Уйи олис, қиз бола кўрқади.— Фозил худди шу гапни кутиб тургандек:

— Хўп бўлади,— деди-да, сапчиб ўрнидан турди.

— Ё ётиб қўя қоласанми, қизим?

Света лоладай бош эгиб ерга қаради.

— Ҳа, майли, боринглар.

#### 47. ЕЧИЛМАГАН ЖУМБОҚ

Олмазор боғ ва унинг атрофида ҳаёт қайнайди. Колхозчиларнинг бир қисми чигит экиладиган пайкалларни тэй-ёрлаш билан банд. Улар олмазорнинг шимоли-шарқида ястаниб ётган далаларда ёйилиб ишлашмоқда. Кўпчилик колхозчилар янги очилаётган тўқайга сафарбар қилинган. Улар Ғазимбекнинг ишчиларидан қолган қамишларни ўриб, бир ерга тўплашяпти. Фозил Юнусов ва бошқа тракторчилар шудгорланган ерни текислаб, шוליга пол олишяпти. Тешабой ота бригадасидаги чоллар ҳам шу ерда. Улар тўқайдан чийириб олинган ернинг бир бўлагига мева ниҳоллари ўтқазишяпти. Боғнинг кун юриш томонига ток қаламчаларини кун кеча ўтқазиб бўлишди. Кўрлар корхонасининг ёрдамчи хўжалигига яқин жойда бўлғуси колхоз посёлкасига жой ажратилган. Ана шу ерда қурувчилар ишлашмоқда. Улар ўнта уйнинг пойдеворини март ойидаёқ тугаллаб, бир неча уйнинг деворини дераза бўйи кўтариб қўйишди. Аҳмаджон ака билан Холмуродов посёлкага кўчиб чиқувчиларни рўйхатга олишди. Собир, Эрбўта ва Фозил унга биринчи бўлиб ёзилишди. Қосимжоннинг қайтиб келаётганини эшитган Каромат Муҳаббатни қўярда-қўймай бошлаб бориб, ўзи билан бирга рўйхатдан ўтказ-

дирди. Аслида Муҳаббат Рустам қайтиб келгунча сабр қилиб турмоқчи эди. Қумри ва Азизалар ҳам Кароматнинг фикрига қўшилиб: «Рўйхатга ёзилавер. Рустам акам қайтага хурсанд бўладилар», дейишди.

Каромат Муҳаббатни бошлаб келиб: «Мана, бу уй меники бўлади Мана бунисиде сен турасан. У ёнбошингда Сапура бўлади. Қалай, ёқадими?» дея эндигина пойдевори қурилган бўлғуси уй ўрнини кўрсатди. Ҳали кўзга кўринмаган, сояси ерга тушмаган уйнинг Муҳаббатга нимаси ёқарди? Шундай бўлса ҳам, Муҳаббат қаршилиқ кўрсатмай «Жуда яхши бўлади!» деб қўя қолди. Ҳа, унга уйдан кўра қўшнилари маъқул тушган эди.

Муҳаббат шийпон атрофида ишлаётган колхозчиларнинг ёнига борди. Уларнинг ишларини текшириб, боғ томон ўтди. У рўпарасидан чиқиб келган болалар қўлидаги бинафшани кўриб: «Менга беринглар, бир ҳидлай», деди. Болалардан бири «Ҳо-о, ўқигувчимга олиб бораман. Узингиз териб олинг», деб Муҳаббатдан бинафшасини қизганди. Унинг ёнидаги бошқа бир бола қўлидаги бинафшани узатиб: «Манг, Муҳаббат опа, мен яна териб оламан», деди. Муҳаббат бинафшани бир-икки ҳидлаб кўрди-да: «Раҳмат, укажон!» деб қайтариб берди.

Қизлар звеносига Каромат бошчилик қиляпти. Муҳаббатга эса бундан икки ҳафта бурун Жамолиддин ака бригадасини топширишди. Янги очилаётган тўқайга бошқа бригадалардан ишчи кучи, от-арава ва қишлоқ хўжалиқ асбоблари ажратилиб, Жамолиддин акани бошлиқ қилиб тайинлашди. Лекин у ерда иш кўп бўлганлиги учун колхоз раиси Муҳаббат бригадасидаги қизлар звеносини вақтинча ёрдамга юборди. Ишнинг оғирини ёшлар қилади-да!

Янги ер очилаётганига қарамай, Жамолиддин аканинг иши Муҳаббатникидан илдам ва сифатли эди. Бугун колхозчиларга иш тақсимлаб бергач, Муҳаббат тўппа-тўғри идорага борди. «Ё бригадани истаган одамнингизга топширинг, ё қизлар звеносини ўзимга қайтариб беринг!» деб, раисга масалани кўндаланг қўйди. Раис тўқайда ҳали иш кўплигини унга тушунтирмоқчи, шу билан қизларни тўқайда яна уч-тўрт кун олиб қолмоқчи эди. Лекин Муҳаббат оёғини тираб туриб олди, шу аснода идорага Жамолиддин ака кириб келди. У, Муҳаббатнинг «Ғали билан бўлсин-да! Тўқайга ёрдам учун энди бошқа бригадалардан куч олиб беринг» деган гапини эшитиб, буни маъқуллади.

— Майли, раис, Булбулчахонни хафа қилмайлик. Гра-

фикдан орқада қолганини кўриб ўзим ҳам ўкиндим. Аслида, қизимизга биз ёрдам беришимиз керак эди. Қолган ишларни ўз кучимиз билан эплаб олармиз,— деди.

Жамолиддин аканинг гапидан кейин раис ҳам бўшашди. Бир оз шахтидан тушиб:

— Эвини қилсанг, ихтиёр ўзингда,— деб розилик билдирди.

Муҳаббат Аҳмаджон ака билан Жамолиддин акага миннатдорчилик билдириб, идорадан чиқиб кетаётган эди, раис уни остонада тўхтатди:

— Бери кел, қизим, бир гап чиқиб қолди,— деди.

Муҳаббат орқасига қайрилиб, столга яқинлашди. Аҳмаджон ака гапида давом этди:

— Қўшни колхоздаги Қамбар деган йигитни биласанми? Утган йили фронтдан кўр бўлиб қайтган эди.

— Ҳа, биламан. Рустам акам билан бирга кўриб келган эдик. Нима эди, раис ака?

— Ана шу йигит кўрлар корхонасига бораман деб ҳеч кимга тинчлик бермаётган эмиш. Қишлоқ советига келиб ёрдам беришларини сўрабди. Кеча қишлоқ советининг раиси: «Кўрлар корхонаси сенинг колхозингдан экин экади. Бошлиқларини танисанг керак. Қамбарни жойлашга ёрдам бер,» деди менга. Кўрлар корхонасида кимга учрашиш кераклигини балки сен биларсан?

— Биламан, раис ака, Зоя Кузьминична билан танишимиз.

— Бўлмаса шу йигитни жойлашга ёрдам қиласан, хўми, Булбулчахон?

— Хўп бўлади,— деди Муҳаббат, у сўқмоқ йўлга тушиб олгандан кейин, тўқайга борадиган жарлик ёқасидан кетди. У жардан ўтиб, олмазорга яқинлашиб келганда, бинафша териб чиққан болаларга дуч келган эди.

Муҳаббат олмазор боғнинг нариги томонига ўтди-да, бошидан рўмолини олиб, силкитганича Кароматни чақира бошлади. Унинг овозини элас-элас эшитган Каромат:

— Кетдик, командир чақиряпти,— дея қизлар билан йўлга тушди.

Муҳаббат қизларни бошлаб кетди. Каромат Муҳаббатдан буйруқ олиб, қизларнинг бир қисмини гўнг ташишга қўйди. Қолганларини ер текислаётган аёллар ёнига бошлади.

Зовурнинг у томонидаги ўн беш гектарлик пайкал экишга тайёр турибди. Куни кеча Юнусов шу картани яна

бир ҳайдаб тракторида сихмола юргазиб чиққан эди Энди сеялка тушса бўлади.

Қизларни келтириб, ўз участкасидаги ишларни бироз ривожлантира олган Муҳаббатнинг кўнгли энди тинчиди. У шийпонга ўтмоқчи бўлиб турганида:

— Хув анавини қара, бойваччанинг хотини эмасми у?— деб анча нарида келаётган бир жувонни кўрсатди Каромат.

Муҳаббат ўша томонга қаради. Келаётган Миробиднинг хотини Гулчеҳра эди. Гулчеҳра яқинлашиб келиб салом берди.

Гулчеҳра аввалгидек келинларга ўхшаб шойи-атласда эмас. Эғнида одми чит кўйлак, биқинига ямоқ тушган нимча. Бошида дока рўмол. Оёғида йиртиқ бўлмаса ҳам, эски калиш. Муҳаббат уни шу аҳволда кўриб ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима қилиб юрибсан, синглим?

— Опа, муҳим иш билан сизнинг олдингизга келдим. Иложи бўлса, холи гаплашсак,— деди Гулчеҳра.

— Қани, юр бўлмаса,— Муҳаббат уни шийпонга бошлади.— Тинчмисан, нима ишинг бор эди менда?— кета туриб сўради Муҳаббат.

— Опа, аҳволим чатоқ. Эрим қамалиб кетганидан кейин, у даргоҳда болам билан менга яшашнинг иложи қолмади. Қайнатам билан қайнамам «Шум оёқ, қутсиз келдинг! Болаи ҳам ўзингга ўхшаган шум оёқ бўлди! Итваччани турдинг, ўғлимиздан омад кетди» деб ҳар кун қарғашади. Уйимизга кетиб қолдим. Бошқа илож йўқ эди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?

— Нима ҳам қилардим, опажон. Суд куни «энди мендан умидингни уз. Қайтиб келганимдан кейин сени хотин қилмайман!» деб айтди.

— Шундай дедими-а, номард?! Хўш, сен куйиниб кетаётган бўлсанг керак?

— Куйинмайман, опажон. Болам билан кимникига сизгаман?! Онам ўгай бўлмаса ҳам майлига эди...

— Э нодон, нима деяпсан ўзинг? Ҳали ёш бошинг билан бировнинг чўриси бўлиб, ёвғонини ичасанми? Мана, далага чиқ. бизларга қўшил. Ҳамма қучоқ очиб сени қаршилайди!

— Узим ҳам шу фикрдаман. Лекин озгина чалкаш ишим бор, олдин ўша тўғри бўлсин, кейин ишга чиқаман,— деди Гулчеҳра.

— Нима экан у?

— Қайнанам молимни бермаяпти. Углини уйлантирган-да кетган харажатлар учун молимни босиб қолармиш.

Муҳаббат кулиб юборди. Кейин «Харомхўрлар!» деб юборди. Гулчеҳрага бундай деди:

— Хафа бўлма, синглим. Молингни олиб берамиз. Қишлоқ советининг раиси шу томонга ўтмоқчи эди. Агар учратиб қолсам, албатта, унга гапираман. Қишлоқ совети активларидан юборишларини сўрайман. Биргалашиб бориб, ҳамма молингни олиб берамиз, хўпми, синглим?

Муҳаббат шийпонга кириб, бригадага тегишли ҳужжатларни кўздан кечира бошлади. У шу кунларда ниҳоятда хурсанд, севинчи ичига сиғмас эди. Эридан яна хат олди. Уни қарангки, эрининг қадрдон дастхати билан ёзилган экан. У хатни олиши билан адресига қарадио, кўпчилик ўртасида турганини ҳам унутиб қичқириб юборди:

— Рустам акамнинг хатлари! У з қўллари билан ёзибдилар! Кўзлари очилибди!

Конверт устидаги адресни чўпиллатиб ўпди, ўрнидан туриб қишлоқ томонга чопқиллаб кетди.

— Ойижон, мана қаранг, ўзлари ёзибдилар! Ҳозир почтадан олдим!— деб конвертни қайнанасига кўрсатди.

Ҳожия хола саводсиз бўлгани учун кимнинг қўли билан ёзилганлигини ажрата олмас эди. Шундай бўлса ҳам, конвертни Муҳаббатнинг қўлидан олиб ёшланаётган нурсиз кўзига суртди.

— Уқинг, болам, нималар ёзган экан?

«Ойижон, Муҳаббатхон, ҳаммамизнинг бахтимизга кўзим очилапти. Энди ўн метрдаги одамни танчий оламан! Профессор «ҳозирча хат ёзиш ёки китоб ўқиш мумкин эмас» деган эди, сабрим чидамади...»

Рустамдан келган ана шу хат фақат Муҳаббатни эмас, уч оиладаги одамларнинг ҳаммасини ҳам беҳад қувонтирди. Уша куни Муҳаббат дугоналарини йиғиб, зиёфат берди. Фозил ҳам қараб турмади. У ёр-дўстларини уйига йиғди. Икки уйда тонг отгунча ашула, ўйин-кулги тинмади. Ушандан бери Муҳаббатнинг қалбида баҳор яшнайти, чеҳрасидан табассум аримайди, доим ашула айтгиси келади.

Мана, ҳозир ҳам шийпонда ўтириб хиргойи қила бошлади:

Кеча келгумдур дебон ул шўхи бадхў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг откунча уйқу келмади.



Шунинг устига Света кириб келди.

— Тиббий пунктдан келяпсизми, Сапура? — дугонанинг Фозил олдида бўлганидан беҳабар кишидек сўради Муҳаббат.

— Йўқ, у ердан чиққанга анча бўлди. Шийпонларни айланиб юрибман. Биолар ремонт қилинмаган. Деразаларнинг кўзи синган, Эшиклари тоб ташлаган, ёпилмайди. Сувоқлар кўчган. Девогларни оқламаса, асло мумкин эмас. Таъбим хира бўлиб кетди. Яслингизни кўриб, кейин раисга учрашмоқчиман.

— Таъбингиз хирага ўхшамайди-ку, Сапура? Аксинча, жуда хурсанд кўринасиз,— мийғида кулиб гапирди Муҳаббат.

— Йўқ, Муҳаббатхон, жуда хафа бўлиб кетдим.

— Хафа бўлсангиз, дарров Фозил акамни излаб топинг. Хафагарчилик йўқолади кетади.

— Бошингиздан ўтганда биласиз,— деди Света.

Светанинг бу гапидан ҳам Муҳаббат, ҳам ўзи кулиб юборди. Света йўл юриб қизиб кетган эди. У шийпон ичига киргандан кейин нафаси қайтди. Пиджагининг тугмаларини ечди.

— Ие, янгими? Тиллага ўхшайди-я,— деди Муҳаббат. Светанинг кўйлагига қадалган тўғноғични ушлаб кўрар экан.— Қачон олдингиз?

— Фозил акамнинг совғалари. Кеча районга борган эдим. Фозил акам ҳам МТСга борган эканлар. «Яхши учрашиб қолдик. Бирга томоша қилиб кетамиз» деб шаҳар айлангирдилар. Кинога кирдик, сурат олдирдик. Кейин тилла магазиндан «кераги йўқ» десам ҳам шу тўғноғични олиб, кўйлагимга тақиб қўйдилар. У ердан чиқиб Долгов деган бир танишлариникига бордик. Госпиталда бирга ётишган экан. У кишиникида меҳмон бўлдик. Дилкаш одам экан. Бошидан ўтганларини ҳикоя қилиб берди. Уруш бошланганда Керчда дам олаётган экан. Уша ердан тўппатўғри урушга жўнабди. Хотини, болаларини йўқотиб қўйган экан. Ҳали шу вақтга қадар уларнинг ўлик ё тиоиклигини билмас эмиш.

— Долгов дедингизми? Исми нима экан?

— Кузьма Яковлевич деди, шекилли.

— Зоя Кузьминична ҳам Долгова-ку. У сиз айтган Кузьма Яковлевичнинг қизи эмасмикан? Шундай бўлиб чиқса-я? Жуда қизиқ бўларди-да!

— Эҳтимол, гумонингиз тўғридир. Лекин дуаёда ўх-

шаш исм ва фамилиялар кам дейсизми? Ҳар ҳолда сўриштириб кўриш керак.

Муҳаббатнинг хаёли сочилиб кетди. Унинг эсига Светанинг отаси Петр Максимович ҳикоя қилган гап тушди. Петр Максимович партизан аёл Мария Долгованини саргузаштини, бу аёл фашист генерали келганлигини партизанларга хабар қилганлиги учун немис комендант унинг кўзи олдида икки ўғлини отиб ташлаганини айгиб берган эди. Уша Мария Долгованинг Кузьма Яковлевич Долговга, Зоя Кузьминишна Долговага алоқаси йўқмикан? Бу киши Мариянинг эри, Зоянинг отаси бўлиб чиқса-я?

— Фикрингиз тўғри, суриштириб кўриш керак,— деди Муҳаббат.

Ташқарига чиқишди. Света порлаб турган кўзларини кўлхоз далаларига тикиб, гапира бошлади:

— Далаларимиз қандай чиройли-я! Боқиб тўймайсан киши. Айтинг-чи, ўртоқжон, ўтган баҳорлар ҳам шунақанги дилбар бўлиб, кишини ўзига оҳанрабодай тортармиди?

— Йўқ, менингча, фақат бу йил шунақа бўляпти,— деб Муҳаббат маъноли кўз қисаркан, шарақлаб кулиб юборди.

Света дугонасига эркалангандек унинг пинжига кириб, эркин нафас олди. Сўнгра пичирлай бошлади:

— Рост айтасиз, ўртоқжон. Шў кулларда қувончимни ичимга сиғдиролмаяман. Ҳамма нарса мени муборакбод қилаётгандек...

Икки дугона бир-бирлари билан гаплашиб, болалар боғчаси томон ўтиб кетишди. Боғча яқинда ремонтдан чиққан. Деворнинг у ер-бу еридаги кўчиқлар ўрни қайтадан суваиб оқланган. Эшик, деразалар мойланиб, синган кўзларига ойна қўйилган. Ҳатто темир каравотлар ҳам бўёқдан чиққандан кейин ялтираб турибди.

Иккинчи хонада эмизикли болалар. Бу ерда шақир-шўқур ўйинчоқлар овози бўлмаса ҳам, «ашулачи» болалар кўп. Бири йиғласа, қолганлари унга жўр бўлади. Мураббия қайси бирига қарашни билмай зир югуради. Уртада, четларига тўр тўқилган каравотда Адҳамжон. Унинг жажжигина кичик қўлида шақилдоқ. Света югуриб бориб, Адҳамжонни кўтариб олди.

— Сиздан миннатдорман, ўртоқжон. Яслингиз ҳам, боғчангиз ҳам озода. Бригадирман деб керилиб юрган эркаклар сиздан келиб ибрат олсин.

— Ҳар нарса вақт-соати билан-да, Сапураҳон. Уларнинг фурсатлари бўлмаётгандир,— деди Муҳаббат дугона-

сини бир оз ҳовуридан тушириш мақсадида. Мураббия гапга аралашди:

— Бу гапингиз ўринсиз, Булбулчaxon. Мана, боғчани ремонт қилишга тушганларида бригадада иш йўқмиди? Аслида эркакларимиз бола тарбиясини билишмайди. Улар бола туғиладию думалаб катта бўлиб кетаверади деб ўйлашса керак. Боланинг суягини қотириб олиш учун она бечоранинг қанча меҳнатлари сингишини, мижжа қоқмай тунларни бедор ўтказишини ўйлашмайди. Ана шунаканги эркакларга боғча тўғрисида, болаларнинг тарбияси тўғрисида оғиз очсанг, даладаги ишларни пеш қилишади.

Муҳаббат кулиб жавоб қилди:

— Оббо сиз-эй, эркакларда роса қасдингиз бор экан-да?

— Бўлмасам-чи, Булбулчaxon. Гўрингда тўнғиз қўпурдан бошқа эркак бўлганда докторга олиб бориб кўрсатармиди, Соқижоним балким кўр бўлиб қолмасмиди...

Муҳаббат Кунпош опага ачинди. Ҳа-да. Унинг биргина ўғли бор, у ҳам ожиз...

Муҳаббат стулга ўтириб, ўғлини эмизишга тутинди. Кўзи ўғлида-ю, хаёли Света топиб келган хабар билан банд. Ростдан агар Зоя Кузьминична ота-онасини топса, Долговлар оиласи тикланган, урушнинг яна бир доғи ювилган бўларди.

Бу ҳали ечилмаган жумбоқ! Муҳаббат бу чигални ечишга аҳд қилиб кўйди ичиди.

#### 48. ОЖИЗЛАР КОРХОНАСИДА

Муҳаббат тонг билан барабар уйғонди. Уғлини қайна-насига қолдириб йўлга тушди. Бригадага бошлиқ бўлганидан бери ташвиши ҳам ортиб қолди. Ишчи кучи оз, техника-асбоблар етишмайди, яна қанчадан-қанча кам-кўстлар сабабли дастлаб хўп қийналди. Ҳавонинг қуруқ келиши дард устига чипқон бўлди. Уша кезларда тиним нима эканини тамомла унутиб қўйган Муҳаббат мана, беш-олти кундан бери бир оз тинчиди. Ғўзалар кўкариб, кўзга кўринган сари ўзини эркин ҳис қила бошлади. Ҳар куни пайкалларни бир неча бор оралаб мурғак ғўзаларнинг ўскишига разм солади. Миришкор деҳқонлар ёнига бориб, улардан маслаҳат олади. Ҳар бир пайкалдаги ғўзани об-тобига

қараб парвариш қилдиради. Бирига ўғит солиб, суғортирса, иккинчисини чопиққа қўяди. Хуллас, шу кунларда бригаданинг иши ёмон эмас.

У ғўза ниҳолларининг ўсишини текшириб юрганда, Тянь-Шань тоғлари ортидан эндигина кўтарилган қуёшнинг нурли иплари тўсатдан узилиб қолди. Муҳаббат ўша томонга қаради. Бир парча булут тоғ устида муаллақ гуриб, қуёшни тўсиб қўйибди. «Эндиги ёмғирнинг нима хосияти бор?» — кўнглидан ўтказди у. Ҳа-да, бутун экин майдони суғорилган, ер нами етарли, ғўзалар текис униб чиқди. Шундан кейин ёғадими ёмғир? Йўқ, ёғмасин, ерни қатқалоқ қилиб, ишни кўпайтиради.

— Муҳаббат, ҳой Муҳаббат! — деб биров шийнсида қўл силкитди унга, аммо бригада бошлиғи чақираётган кишини таниёлмади.

Борса, қишлоқ советининг қоровули экан.

— Нима гап, амаки, тинчликми? — деб сўради Муҳаббат пайкалдан чиқиб.

— Ҳа, тинчлик, қизим. Уйингга бориб шайланиб тураркансан. Кўрларни шаҳарга ташлаб келишинг керак эмиш.

Дарвоқе, раис уруш инвалиди Қамбар билан Кунпош опанинг ожиз ўғлини кўрлар қорхонасига жойлаштириш зарурлигини айтганда, Муҳаббат, баҳона билан Зоя Кузьминичнани кўриб келаман деб, шу ишни ўз зиммасига олган эди.

Қоровул уни яна шоширди:

— Кўрларни етимхонага топшириб келаркансан-ку, тезроқ юр, кутиб туришибди.

Қоровулнинг кўрлар қорхонасини «етимхона» дейиши Муҳаббатни таажжублантирди. Зоя Кузьминична «Бизга кўздан ажраган инвалидлар меҳнат қилади, меҳнатига яраша ҳақ олади», деган эди-ку. Нега бу чол қорхонани «етимхона» дейди?

Ичкарига кириб енгил-елпи кийинаётганида, ташқаридан машина сигнали эшитилди. Муҳаббат қайнанасига шаҳарга кетаётганини билдириб ташқари чиқди. Машина кувовида икки киши ўтирарди. Бир Муҳаббатга таниш бўлган Қамбар деган жангчи йигит. Рустам билан уни кўргани боришганда, анча гаплашиб ўтиришган. Иккинчиси ёшгина ўспирин. Эҳтимол, ўн беш ёшлардадир. Муҳаббат пастда туриб ўспиринга назар ташлади. «Тавба, у қаердан бўлди? Наҳотки уни танимас эканман», деди-да, машина филдира-

гига оёғини қўйиб кузовга чиқаётганида, шофёр уни тўхтатди:

— Кабинага ўтиринг, ўрнингиз бу ерда,— деди.

— Йўғ-эй, у ерга Қамбар акамни ўтқазинг.

— Йўқ, Муҳаббатхон, сиз ўтиришингиз керак. Ахир, мен йўлни билмайман-ку.— деди шофёр.

Муҳаббат кабинага ўтиргач, машина юриб кетди.

— У йигитча ким?— шофёрдан сўради Муҳаббат.

— Ким бўларди, бир бахтсиз-да. Қишлоғимизда туғилган бўлса ҳам, ҳеч ким уни танимайди, у ҳам ҳеч кимни.

— Сиз уни танийсизми?

— Айтсам сиз ҳам танирсиз, Миробиднинг ўғай укаси Соқижон-да.

— Кунпош опамнинг ўғли шу йигитчами?

— Ҳа, балли, топдингиз. Миробиднинг отаси шу бола туфайли хотинини қўйиб юборган эди. Қамбар уни ўзи билан етимхонага олиб кетяпти.

— «Етимхона» деганингиз нимаси? Боя қоровул ҳам шундай деди,— Муҳаббат зарда билан сўради.

— Етимхона бўлмай, нима бўлсин, Булбулчакон? Кийинтирса, едириб-ичирса, етимхона бўлади-да. Сиз у ерни кўрганмисиз?

— У ер етимхона эмас, корхона. Сиз янглишяпсиз.

— Корхона дейсиз, нима, у ерда ишлашадими?— қи-виқсиниб сўради шофёр.

— Ҳа, ишлашади. Ҳали ўзингиз кўрасиз.

Машина сертупроқ кўчаларни орқада қолдириб, ниҳоят, катта йўлга тушиб олди. Боя қуёшни тўсиб қўйган қора булул кўк гумбазининг ярмини қоплади, лекин у қалин эмас эди. Қуёш онда-сонда булуллар орасидан мўралаб ер бетини ғилтарди.

Охир, машина корхона дарвозасидан кириб тўхтади. Муҳаббат ҳали кабинадан тушиб улгурмаган ҳам эдики, дарвозадан кириб келаётган қизга кўзи тушди. Унинг эғнида яп-янги крепдешин кўйлак, бежиримгина амиркон туфли, бошида эса ироқи дўппи. Пишиққина қилиб ўрилган икки ўрим сочи кўйлагининг этагига тушиб турибди. У хитой қоғозга ўралган бир даста атиргулни бағрига босиб яқинлашиб келарди. Муҳаббат атиргул очилганини шу баҳор биринчи марта кўраётганидан бир қизга, бир гулга ҳавас билан боқади.

Дарҳақиқат, Муҳаббатлар қишлоғида ҳали атиргул

очилмаган. Ҳовлидаги ранг-баранг гуллари шиғил ғунчага кирган, бироқ ҳали кўк.

Қиз гулдастасини бағрига босганича ҳовли ўртасидаги қамиш уюмларини четлаб йўлка томонга бурилди. У ерни пайпаслаб аста босганича йўлакка чиқиб олди-да, яна юришини тезлаштирди. Муҳаббат сингари қиздан кўзини узмай турган шофёр унинг кўзсиз эканини ана шундагина пайқади.

Қизнинг рўпарасида бир йигит пайдо бўлди.

— Гулим гул келтиряпти шекилли?— йигит мамнуният билан гапириб қизнинг билагидан ушлади.

— Ҳа, гул келтирдим. Бозорга кирган эдим. Сенга совға, қабул қиласанми?

— Гулсиз ҳам қабул қилар эдим.

Йигитнинг гапидан икковлари хандон отиб кулишди. Ҳовли саҳнида ҳеч ким йўқ эди. Қамиш уюмларининг нариги томонидаги уйлардан ғовур-ғувур гаплар, бақир-риқ-чақирриқлар, моторларнинг гуриллаган овози эшитилиб турибди. Минора тепасига ўрнатилган радиокарнайдан чиқаётган овоз бошқа товушларга қараганда кучлироқ эшитилади. Ғазимбек ичкаридан чиқиб қолди. Муҳаббатни кўриши билан қуюқ сўрашиб орқасига қайтди. Муҳаббатни ўтиришга таклиф этиб, ўз ўрнига ўтган Ғазимбек:

— Келинг, қаердан бўласиз? Бу ўртоқларни сиз олиб келдингизми?— деб сўради.

— Ҳа, мен олиб келдим. «Коммунизм» колхозидан-миз.

— Ие, ҳали шунақа денг? Аҳмаджон ака, Холмуродовлар яхшими? У ерда Шокиров, Муҳаббатхон деганлар бор, танийсизми?— деди.

Муҳаббат кулиб юборди:

— Танийман, Ғазимбек Расулович, ҳаммасини танийман.

Қамбар гапга аралашди:

— Уртоқ директор, сиз Муҳаббатни танимас экансиз-да? Шу жувон Муҳаббатхоннинг ўзлари-ку,— деди.

Ғазимбек «ие» деганича ўрнидан туриб айланиб ўтди-да, Муҳаббатнинг олдига келди. У билан яна қўл бериб сўраша туриб, кириб келган котибига чой буюрди:

— Тезроқ чой тайёрла, азиз меҳмонимиз келибди,—

деди-да, унинг кетидан чиқиб, нималарнидир буюриб кирди.

— Оббо, Муҳаббатхон-эй, бизларни эслаб келибсиз-да. Раҳмат, жуда яхши қилибсиз! Айтгандек, Шокировнинг кўзи очилган эмиш, ростми? Одессадан келган бир одамдан эшитиб, жуда хурсанд бўлдим.

— Рост бўлсин, хатларида шундай деб ёзибдилар.

Котиб чой билан тарелкада ҳар хил ширинликлар келтириб ўртага қўйди.

Муҳаббат Ғазимбек узатган чойни ола туриб:

— Зоя Кузьминична кўринмайдилар? — деб сўради.

— Самарқандга кетган.

— Нега?

— Корхонамиз Самарқанддаги кўрлар корхонаси билан социалистик мусобақа ўйнаган эди. Узаро текшириш комиссиясига бош бўлиб кетди.

— Демак, у ерда ҳам корхона бор экан-да?

— Фақат у ердагина эмас, Муҳаббатхон, ҳамма областларимизда бор. Каттароқ шаҳар борки, кўрлар корхонаси мавжуд.

Муҳаббат индамасдан чой ҳўплай бошлади.

— Ердамчи хўжалигимизга ўтиб турибсизми, Муҳаббатхон? Одамларимиз ишлаб туришибдими? — деб сўради Ғазимбек.

— Ишлашяпти. Ишларининг сифатига разм солиб «дуруст одамларга ўхшайди» деган эдилар раисимиз. Ҳа, айтгандек, колхозчиларимиз бир йиллик қамишингизни ўриб қўйишди. Керак бўлса, ташиб олинглар.

— Ҳозирча тура турсин. Кўряписизми, ҳовлимиз қамишга тўлиб кетди. Сал енгиллатиб олайлик, кейин ташиймиз.

— Хўш, буларни нима қиласиз?

— Ишга оламиз, Муҳаббатхон. Корхонамиз шу кунларда ишчи кучига муҳтож. Бироқ, бу укамиз ҳали ёшга ўхшайди. Уни ҳунар мактабига юбориш керак. У ерда ҳам ўқийди, ҳам ҳунар ўрганади.

— Жуда яхши! — Муҳаббат Ғазимбекнинг фикрига қўшилиб йигитга қаради-да: — Нима дейсан, ука, рози-мисан? — деб сўради.

Йигитча бош ирғаб розилик билдирди.

Ғазимбек котибни чақириб Қамбарни ишга қабул қилишни, ётоқхонани кўрсатиб, картон цехининг бошлиғи билан таништириб қўйишни буюрди. Соқижонга:

— Сен ўтира тур, бир оздан кейин мактабга олиб борамиз,— дегач, Муҳаббатни бошлаб чиқиб кетди.

Муҳаббат қўрғоннинг четидаги цехларни кўрсатса керак, деб ўйлаган эди. Бироқ, Ғазимбек уни кўчага олиб чиқди. Бу ерда ғишт, цемент, ёғоч ва тахта уюмлари бо-силиб ётарди. Муҳаббат қурилиш материаллари ёнидан ўтар экан:

— Нима қурмоқчисизлар? — деб сўради.

— Нима бўларди, ишчиларимизга уй-жой, клуб ва идора қурмоқчимиз. Уруш бўлса тугади. Эндиги куч обо-дончиликка сарфланади-да.

— Тўғри айтасиз. Биз ҳам катта қурилиш бошлаб юбордик.

— Қурилишни бошлагунча она сутим оғзимга кела-ёзди. Йил бошидан югуравериб, оёғимда оёқ қолмади. Лойиҳани тайёрлаб, ҳужжатларни қўлимга олдим. Амма лимит масаласи муаммо бўлиб қолди. Ўзбекистон Кўр-лар жамиятига берилган лимитнинг ўзи фақат бизнинг корхонамиздаги қурилишга етар экан. Бошқа корхоналар-да ҳам аҳвол танг. У ерда ҳам қурилиш ишларини бош-лаш пайти келган. Бундай қарасам, аҳвол чатоқ. Қури-лиш ишлари қолиб кетадиганга ўхшаб қолди. Шундан кейин Кўрлар жамиятининг тинчини бузиб боравердим. Ҳар куни бордим. Бахтимга бошқа корхоналардаги қури-лишларнинг ҳужжат ва лойиҳалари тайёр эмас экан. Шундан кейингина лимитнинг кўпроқ қисмини бизга бе-ришди.

— Хайрият, ҳаракатларингиз бекор кетмабди,— деди Муҳаббат Ғазимбекнинг қувончига шерик бўлган бир тарзда кулимсираб.

— Корхонамизда бошқа янгиликлар ҳам бор. Де-кабрь ойида арқон цехини автоматлаштирган эдик. Ҳо-зир қанча каноп бўлса ҳам, кўрдим демайди. Картон бу-юмлари цехи очганмиз. Ҳозир бориб кўрасиз, кўзсиз инвалидлар учун қулай иш,— деди-да, тўрдаги бинога бошлади.

Биринчи хонада моторларнинг бир текисда гувиллаши, қоғоз қирқадиған машинанинг шатир-шутури қулоқни қоматга келтирарди. Муҳаббат ҳар бир машина олдида тўхтаб, ишчиларнинг ишларини томоша қилди. Электр қуввати билан ишлайдиган қудратли машиналарни деярли соғлар бошқаришарди. Ташқаридан келтирилган рулон биринчи машинада бир текисда кесилади. Ундан кейинги



машиналарда ишланадиган буюмнинг ўлчовига қараб қир-қилади, бичилади, букилади. Хуллас, шу хонада кўзсиз инвалидлар қўлидан келмайдиган жуда кўп процесслар бажарилади. Муҳаббат ичкари хонага ўтди. У хона станоклар ўрнатилган хонага қараганда тўрт баравар катта бўлиб, девор четларига ўрнатилган узун столларда кўзсиз инвалидлар пойабзал қутичалари тайёрлашмоқда. Уларнинг бир қисми иш халатида бўлиб, кўпчилиги халатсиз ўтиришарди. Салом бериб бир ишчининг ёнида тўхтаган Муҳаббат кўр ишчининг қутича ясаётганига суқланиб қарай бошлади. У худди соғлардек ҳаракат қилиб, картон четларини тунука тўғноғич билан бирлаштирарди. Муҳаббат гайёранган қутичалардан бирини текшириб кўрди. Кейин Ғазимбекнинг ёнига келиб, кетмоқчи эканини билдирди.

— Томоша қилдингизми? Янги цехимиз ана шу. Ҳар ҳолда кўнгилдагидек эмас. Уни қаранг-а, ҳали сувоқлари ялши қуримай, ишни бошлаб юборишга тўғри келди,— деди.

Дарҳақиқат, цех қуриб битказилган бўлса ҳам, ички пардозни ҳали тугалланмаган эди. Яқиндагина сувоқдан чиққан деворнинг қуришини кутмай оқлаганликлари учун ранги ўзгариб кул ранг бўлиб қолган. Унда-бунда ўсиб чиққан ўтлар ҳам кўзга ташланиб туради. Цехга тахта пол ётқизилган эмас. Электр симлари ҳам қонунга риоя қилинмай ўтқазилган. Шнурлар худди арғамчидек осилиб турибди.

— Нима мажбур қилди? Нега шунчалик шошдинглар? — деди Муҳаббат хона ичига бошдан-оёқ разм солиб чиққандай кейин.

— Картон цехи қураётганимиздан айрим корхоналар хабар топишибди. Пойабзал фабрикаси билан макарон заводлари Кўрлар жамиятига келиб катта заказлар беришибди. Иккинчи кварталдан бошлаб уларга маҳсулот етказиб бериш кўзда тутилиб, шартнома тузилибди. Ахир, бизни деб уларнинг ишлари ётиб қолса яхши эмас-да. Цехнинг пардозу андозини кейинроқ қилса ҳам бўлаверади, деб ишни бошлаб юборавердик.

Муҳаббат корхонада кўп туrolмасди. Ахир, уни колхозда қанча-қанча ишлар кутмоқда. Бунинг устига ҳаво айнимоқда.

Муҳаббат бир-икки кетишга отланди. Лекин Ғазимбек Расулович бўлса, уни ҳамон гапга тутар, цехларни томо-

ша қилдириб, хўжаликлари билан таништирмоқчи бўларди. Ташқарига чиққанларида Муҳаббат хайрлашиш учун қўл чўзди.

— Энди мен кетаман, Ғазимбек Расулович. Ҳали йигитчани ҳунар мактабига элтиб қўйишим керак-а.

— Аттанг, вақтингиз зиқ экан-да? Фақат битта цехимизни кўрсатдим, холос. Ҳа, майли, яна келинг. Шокиров қайтганларидан кейин бизнинг корхонага келадиларми?

— Билмадим, маслаҳатлашиб кўрамиз,— деди Муҳаббат Ғазимбек билан ёнма-ён борар экан.

— Маслаҳатлашиш яхши, албатта. Лекин Шокировни коллективга қўшиш керак. Коллектив билан бўлишнинг фазилати катта.

Ғазимбек боя қиздан гул олган йигитни чақирди:

— Сен мана бу опангларни ҳунар мактабига олиб борасан, тушундингми?— деди.

— Тушундим, Соқижонни ташлаб келамиз-а?

— Исмини ҳам билиб олибсан-ку!

— Ҳа, қадрдон ҳам бўлиб олдик.

— Айтгандек, тўйингга айтдингми дўстингни? Муҳаббат опангни таклиф этмайсанми?— деди Ғазимбек кулимсираб.

Йигит жавоб бермади. У уялинқираб бошини қўйи солди, оёғи билан ер чиза бошлади.

— Шундай, Муҳаббатхон, куёв бола уяляпти шекилли. Тўйга мен айтиб қўя қолай. Зоя Кузьминична индига келади. Шу куни ёшларнинг тўйини ўтказмоқчимиз. Вақтингиз зиқлиги ёмон бўлди-да, бўлмаса келинни кўрсатган бўлардим.

— Келинни кўрдим, Ғазимбек Расулович, йигитга муносиб экан.

— Муносибини топади-да,— дегач, Ғазимбек Расулович йигитга буюрди:— Бор, Соқижонни олиб чиқ!

Саша билан Соқижон машинага ўтиришгач, Муҳаббат билан Ғазимбек хайрлашишди.

#### 49. КҮР КУЗНИНГ ОЧИЛИШИ

Табий офат колхозчилар бошига бир олам ташвиш келтирди. Утган куни ёққан сел билан дўл кўп бригадалардаги ғўзани яксон қилиб кетди. Колхозда аҳвол муш-

куллашиб қолди. Тўртта бригаданинг дўл урган ерига чигитни қайта экиш керак. Бошқа участкаларда эса, нобуд бўлган ғўзаларнинг ўрнини тўлдирмаса бўлмайди.

Аҳмаджон ака, Тешабой ва Ҳайитбой ота сингари миришкор деҳқонлардан бир неча кишини ёнига олиб, дўл урган участкаларни айланиб чиқди. Шу кунги колхоз активлари, коммунистлар билан кенгаш ўтказилди. Раис кабинетига йиғилганларнинг қовоғидан қор ёғар, худди уришиб қолган одамлардек бир-бирлари билан совуққина кўришар эдилар. Шунча меҳнат зое кетди-я! Энди салкам юз гектар ердаги ғўзани ўрнига келтириш осон гап эмас.

Раис қайси бригадада қанча ғўза нобуд бўлганини, уни қайта экиш учун қанча куч, вақт сарф қилинажagini гапириб туриб, Жамолиддин аканинг номини ҳам тилга олди.

— Жамолиддин акага ҳам қийин. У шоли экишни бошлаб, зудлик билан тугаллаши керак. На чора, унинг ҳам ярми одамини чигитни қайта экишга оламиз...

Бу гапдан Жамолиддин ака бир сесканиб тушди. «Ҳеч қанақа одам бермайман!» деб юборгиси келди. Бошини кўтариб, раисга юзланганида, кўзи дабдурустан Муҳаббатга тушди. Унинг ранги ўчган, кўзлари ичига ботиб кетган эди. Муҳаббатнинг авзойини кўриб, Жамолиддин тилини тишлади...

Мана икки кун бўлдики, Муҳаббат яна кеча-кундуз тинмай қолди. Кундузи колхозчилар билан бирга, дўл камроқ урган пайкалнинг оласини кўчат ўтказиб бутлаяпти, трактор эгатларни текислаб, мола босаётган участкага, сеялқачилар олдига ўтиб чигит қандай тушаётганини текширяпти. Қош қорайганда колхозчиларни уйларига жўнатиб, ўзи идорага боряпти. Омбордан уруғлик чигит олиб, бригадасига жўнатыпти. Кейин тўппа-тўғри Кароматларникига кетяпти. Каромат шу кунларда бетоб. У кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олган. Света ҳам тиббий пунктдан бўшагани ҳамано Кароматнинг уйига чопади. У қанча ҳаракат қилмасин, бари бир Кароматнинг дарди кун сайин оғирлашиб боряпти. Бугун кечга яқин ҳарорати яна ошди. Дугоналари кириб келганда, алаҳсираб ётарди. У гоҳ Муҳаббат, Азиза ва Қумриларни чақириб, уларга нималарнидир тайинласа, гоҳ Қосимжонни йўқлаб қоларди.

Муҳаббат Кароматнинг бош томонига ўтиб, Света-

нинг ёнига ўтирди. Қўлини дугонасининг пешанасига қўйиб, Светадан сўради:

— Иссиғи қанақа?

— Қирқ. Борган сари кўтариляпти.

— Кўтариляпти? Нима қилиш керак?

— Районга олиб боришдан бўлак чора йўқ! Пенициллин деган янги дори чиққан. Шундан топиб, укол қилдириш керак.

Шунинг устига Каромат бирдан алаҳсираб қичқириб юборди:

— Қосимжон ака, ҳу Қосимжон ака, ариқни бўғинг, ариқни! Чим келтиринг, чим!

Муҳаббат Қосимжонга юзланди:

— Қандай ариқни гапиряпти бу? Ўша кунни ҳеч қайси пайкалга сув бермаётган эдик-ку?

— Шийпон орқасидаги қулоқ боши беркитилмаган экан. Юқоридан келган сел шу ариқдан пайкалларга ёпирилиб кира бошлабди. Каромат буни пайқаб, ўша томонга югурибди. Эвини қилолмагач, ўзини ариққа ташлаб, сув йўлини тўсмоқчи бўлибди. Мен бир оз кечиқиб қолдим. Икки боғ шох топиб ариққа босганимдан кейин ташлаган чимимиз туриб қолди. Шундан кейингина сел йўлини ўзгартириб, сой томонга оқа бошлади.

Света Қосимжоннинг гапига қўшимча қилди:

— Худди ўша вақтда ўпкаси шамоллаган.

Муҳаббат «ҳм-м» дедию, кўзи жиққа ёшга тўлди. Индамай эшик томон юрди. Саройга бориб, бригадасига қарашли аравани қўштириб келди. Кароматнинг онаси чиқариб берган кўрпа-ёстиқларни арава устига қалин қилиб тўшади. Света билан икковлари Кароматни беозор арава устига ётқизишди. Қосимжон Муҳаббатнинг розилиги билан отнинг тизгинидан ушлаб, эгарга минди.

Кароматнинг онаси билан Муҳаббат ташқарида ёлғиз қолишди. Кампир, қизи кетган томондан кўзини узмай юм-юм йиғларди.

— Холажон, йиғламанг. Уртоғим тузалиб кетади, бинойдек бўлиб кетади. Ҳали тўйларини қиламиз, орзу-ҳавасини кўрасиз,— деб тасалли берди Муҳаббат.

Муҳаббат тўппа-тўғри Фозил ишлаётган пайкалга борди. Сеялканинг сошнигидан чигитнинг ерга тушишини текшириб кўрди. Фозил тракторини тўхтатиб, пастга тушди:

— Қалай, яхшими?

— Яхши-ю, лекин сал сийракроқ эмасми?

— Сийрак? Йўғ-эй, исрофгарчиликни нима кераги бор?

— Текис униб чиқмаса нима қиламиз?

— Сараланган уруғ, хавотир олманг. Ҳа айтгандек, анави пайкални бориб кўринг-а. Чигит бир текисда уна бошлабди. Эртами-индин ерни ягана қилса бўлаверади.

— Кўрдим. Униши ёмон эмас.

— Дарвоқе, Сапурани кўрсангиз айтинг, бизникига бир келиб кетсин. Холамнинг ишлари бор экан.

— Сапурани кўролмаيمان. У Кароматни олиб кетди.

— Қайтмайдими?

— Йўқ, уч-тўрт кун у билан бирга бўлади.

— Шунақами?— деди-да, Фозил яна тракторига ўтирди.

Муҳаббат пайкалдан чиқиб, колхозчилар томон юраркан, қулоғига ёшларнинг ялласи чалинди. Муҳаббат қадамини тезлатди. Икки пайкални бир-биридан ажратиб турган энсизроқ зовурдан ҳатлаб ўтиб, эгат оралаб кетди.

Ашула овози тобора яқин ва аниқ кела бошлади. Гулчеҳранинг жарангдор овози ҳамманикидан тиниқ ва ёқимли эшитиларди. Муҳаббат ишлаётганларга яқинлашгани сайин ҳайрати ошаверди: пайкалда кечагига қараганда колхозчилар кўп. «Бошқа пайкалдагилар ҳам шу ерга келишдимикан?» деб хаёлидан ўтказди у. У ашулани тўхтатиб саломлашган Гулчеҳрадан сўради:

— Нега далада одам кўп? Ҳув анавилар ким?

— Танимаяпсизми, Муҳаббат опа? Бригадамиздаги кампирлар-ку! Ҳаммалари ёрдамга чиқишди. Ойингиз ҳам, Ҳожия холамлар ҳам шу ердалар. Бизга билдирмай, гапни битта қилишган экан-да.

— Вой, умрларидан барака топишсин! Фрося хола ҳам чиқибдими?

— Ҳа. Ҳув, анави кампирни кўряпсизми? Бувисора холам бўладилар. Хода-пода топиб синдириб юборинг.

Муҳаббат кулиб юборди:

— Рост-а, утилмаган иш-ку, Гулчеҳрагон. Бошқа кампирлардан умид қилсам ҳам, Бувисора холанинг далага чиқиб бизга ёрдам беришини сира-сира ўйламаган эдим.

— Онахонларимиз ишимизни анча енгиллатишди. Улар ғўзани ўтдан тозалаб, ягана қилишяпти. Бизга хатосини экиш қолди, холос.

— Қайнананг кўринмайдими?— Муҳаббат эгатларга

ёйилиб ягана қилаётган кампирларни кўздан кечириб сўради.

— Қўйинг, опажон, қайнананг деб атаманг энди!— деб норозилик билдирди Гулчеҳра.

Азиза қаддини ростлаб кафтидаги чигитни этагига солди-да:

— Муҳаббатхон, сенсиз бир иш қилиб қўйдик. Уришмайсанми?— деб сўради.

— Хўш?— ажабланди Муҳаббат.

— Қарасак, звенемиз бошлиқсиз қолиб кетяпти. Каромат қайтиб келгунча, бебош қолмайлик деб, Гулчеҳрани вақтинча звено бошлиғи қилиб сайладик.

— Жуда яхши бўпти, мен хурсандман!— деди Муҳаббат, сўнг Гулчеҳрага қараб:— Бардам бўл, синглим! Агар ишни бўшаштириб юборсанг, Кароматдан балога қоласан-а!— дея кампирлар томон ўтиб кетди.

Ҳожия хола билан Санобар опанинг ташаббуси, бригаданинг шу кунлардаги машаққатли меҳнатини бирмунча енгиллаштириб юборди. Ҳатто уруш даврида ҳам далага чиқмаган Бувисора холагача уйда ўтиришни ўзига эп билмабди. У қўлидаги тешаси билан ғўза атрофини юмшатиб, капалак қанотидек кичик ва нимжон ғўзаларга ҳаёт йўлини очиб берарди.

Иш қизигандан қизиб кетди. Бир ҳафталик тинимсиз меҳнат табиат келтирган офатни енгди. Йигирма гектарга яқин ер қайта экилиб, чигит суви берилди. Униб чиққан ғўзалар яганаланиб, таги юмшатилади. Фозилнинг сеялкасидан тушган биринчи пайкалдаги чигитлар ёруғликка чиқишга ҳаракат қиларди. Муҳаббатнинг кўнгли энди тинчиди.

У районга бориб, Кароматни кўриб келиш тараддусига тушди. Дугонасини касалхонага жўнатганига бир ҳафта бўлди, лекин бирон марта хабар ололгани йўқ. Кеча кечқурун Қосимжондан Кароматнинг дарди бирмунча енгиллашганини, ҳарорати тушиб, Света билан гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолганини эшитди.

У касалхонага етиб борганида, тун пардаси аллақачон ёйилиб, кўк гумбазида юлдузлар чарақлаган эди. Муҳаббат эгнига оқ халат ёпинганича Қосимжон билан кириб келди. Света улар билан сўрашиб, Муҳаббатни стулга ўтқазди.

— Раҳмат, яхшиман! Узинг қалайсан? Ғўзани эп-лаштириб олдингми?

— Ҳа. Оғир кунлар орқада қолди. Эртага биринчи чолиққа тушамиз.

Каромат севинди шекилли, озгин юзларига қон югуриб, лабларида табассум жилваланди.

Шу вақтда эшикдан икки даста гул кўтариб Фозил кириб келди. Унинг чеҳраси қўлидаги гулдастасидек очилиб кетган. Юз-кўзларидан ниҳоятда хурсандлиги сезилиб турарди.

Фозил гулнинг бирини Светага, иккинчисини Кароматга тутқазди-да, Муҳаббатга ўгирилиб:

— Табриклайман!— деди.

Муҳаббат Фозилга жавдираб тикилганича бетоқат сўради:

— Нима, Рустам акам келдиларми?

— Ҳа, Рустамжон келди! Уйга бирга олиб кирдим, сизнинг олдингизга чопдим. Қани, юринглар, машина тайёр... Кўзи очилибди...

Муҳаббат эрининг келганини эшитиб шошиб қолди. У нима қилишини билмай Кароматнинг гул ушлаб турган қўлларидан ўпарди.

— Борақол, ўртоқжон, бор! Рустам акамга мендан салом айт.— Каромат ҳамон қўлларини ўпаётган Муҳаббатни кетишга қистай бошлади.

Муҳаббат ўрнидан турди. У энгашиб дугонасининг ёноқ суяклари бўртиб турган юзларидан ўпиб, хайрлашди:

— Хайр, Кароматжон. Тезроқ тузалиб қишлоққа қайт, тўйингни қилайлик...

## 50. ТҲИ

Рустам пуфланган шарни тепиб ўйнаётган Адҳамжонга тикилганича, Фрося хола билан гаплашиб ўтирибди. Ҳожия хола ҳовлида куйманиб юрибди. У севинганидан танасига сигмайди. Самоварга ўт ташлаб бўлгунча, уч-тўрт марта уйга кириб чиқди. Ҳар кирганида Рустамни бағрига босади: «Болажоним, ўғилгинам! Очилиб кетган кўзларингдан ўргилай!» дея қучоқлайди, пешанасини силайди, кўзларини ўпади. Мана у яна ичкари кирди: боягидек Рустамдан айланиб-ўргилди. Кейин неварасини кўтариб, Рустамнинг тиззасига қўйди. «Катта бў-

либ қолибдими? Мана кўргин, ўғлим»,— деди у, Рустам бир неча марта ўғлини тиззасига олиб уни эркалатганига қарамай.

— Кўзи худди сенинг кўзингга ўхшайди-я!

Кун кеч бўлиб қолганига қарамай, ҳовли бир зумда тўйхонага айланди. Кампирларнинг қий-чувидан хабар топган кўни-қўшнилари, бола-бақралар югуриб келишди. Санобар опа шоша-пиша айвон, уйга кўрпачалар тўшаб жой ҳозирлади. Кейин хушxabар тарқатгани кўчага чиқиб кетди. Ҳожия хола самовар қўйди. Одамлар ярим кечада тарқалишди.

Эртаси кечга томон уй яна одамга тўлди. Муҳаббат бригадасидаги эркаклардан ташқари, боғ бригадасининг қариялари ҳам келишди. Аҳмадjon aka билан Холмуродов эса, қош қорайганда етиб келишди. Ёшлар ҳовлига чой ташиб, ўтирганларга хизмат қилишди.

Косаларда овқат келтирган Света Фозилга ер остидан қараб, лабининг бир чети билан эшик томонни кўрсатди. Фозил эса протезли оёғини ушлаб, «оғрияпти» дегандек кўзини юмиб, лабини тишлади. Унинг бу ишораси Светага дарров аён бўлди. Ташқарига чиққанида овқат ташиб келаётган Эрбўта ва Собиржонларга дуч келиб: «Фозил акамни ишга қистаманглар. У кишининг оёқлари оғриётган эмиш», деб ошхонага ўтиб кетди.

Бир соатдан бери ичкарида давом этаётган суҳбат Фозил Юнусовга келиб уланди. Косадаги овқатга қошиқ солиб, бир-икки хўплаган раис бундай деди:

— Шундай қилиб Рустамjon иним, айни вақтида етиб келдинг. Бундан бир ой илгари дўстингни далада учратиб тегажоғлик қилдим. «Сен, дедим, қанақа тоифадансан ўзинг? Уйлантираман деса йигит киши ўзини томдан ташларди. Қаллиғинг олдингда бўлса, тўйни бошламай нима қилиб юрибсан?! Харжинг бўлмаса, идорага кел, ҳақингни берамиз. Тўйни бошла!..» Бу заршунос бир гап қилди. Лекин унинг гапи менга ёқди. Ҳа, доно йигит экан.

— Хўш, нима деди?— сўради Рустам қизиқиб.

— Тўйни дўстим Рустамjon келгандан кейин қиламиз, деди. Бу гапи менга ҳам маъқул бўлди. Майли, полвон дўстини кута қолсин, деб йўлимга кетавердим. Мана, сен ҳам келдинг. Яна қайси паллада дегин? Колхозчилар машаққатли кунларни чекинтириб, бир оз енгил на-



фас олаётганда. Шунақа кунларда бир эмас, бир неча тўйни ўтказса ҳам бўлади.

— Жуда тўғри гап бу. Уйчи уй ўйлаб бўлгунича, таваккалчи ишини битказади,— деди раиснинг у ёнбошида ўтирган Абдурасул ака.

— Тўйнинг ўзи бўлмайди-да. Кам-кўстлари қанақа экан?— деб гапга аралашди Тешабой ота.

— Кам-кўсти бўлса битадиган нарса,— деди кулиб раис.

— Ҳаммасини бир кунда тайёр қиламиз. Эртагаёқ тўйни бошлаймиз,— деди Собир пойгакда туриб.

— Ешларимиз ЗАГСдан ҳам ўтиб қўйишган,— деди Холмуродов худди раиснинг фикрига хулоса ясагандек,— Собир тўғри айтяпти. Эртагаёқ тўйни бошлаймиз.

Фозил Юнусов гапга аралашмади, қаршилиқ кўрсатмади. Маслаҳатгўйлар эса, ундан розилик олишмади ҳам. Овқат ичилиб, косалар йиғиштириб олингандан кейин, раис ташқарида хизмат қилиб юрган ёшларни чақиртирди. Улар кириб келишгандан сўнг ўтирганларнинг бир қисмини ҳовли тозалашга, тахталардан стол ва скамейкалар тайёрлашга, ўчоқ қазиш, дастурхон, чойнак-пиёла йиғиш ишларига буюрди. Муҳаббат бошлиқ уч-тўртта қиз-жувонларни уй ясатишга қўйди. Миробиддан кейин магазинни қабул қилиб олган йигитга Собиржоннинг машинасини бириктирди. У шаҳардан ўзида йўқ мевачева билан бир-икки яшик ичимлик келтириши керак эди. Дон-дун, ёғ-гўшт эса Фозилнинг ўзидан чиқади. Март ойида анча-мунча буғдой ва шоли олган, бунни у тўйга деб атаб қўйган эди. Раис Ҳайитбой отага юзланиб:

— Сиз билан Тешабой ака полвоннинг буғдойини тегирмонга, шолисини жувозга элтиб оқлайсиз,— деди.

Шундан кейин меҳмонлар тарқаб кетишди. Тонг отиши билан кечқурун раисдан буйруқ олган колхозчиларнинг ҳаммаси Фозилнинг ҳовлисида ҳозир бўлишди. «Кншининг қўли гул» деганларидек, ҳовли тўй тусига кирди. Саҳни кафтдек текисланиб, сув сепилди. Узун тахталардан столлар ясалиб, скамейкалар териб қўйилди. Кўча эшиги олдида уч-тўртта қариялар тайёрланган скамейкалардан бирига ўтириб суҳбат қуришарди. Ҳайитбой ота билан Тешабой акалар тушга қолмай тегирмондан қайтиб, унни новвойхонада қолдиришди, гуручни эса, уйга келтириб ошпазга топширишди. Абдурасул ака Жамолиддин ака билан подадан олиб келинган новвосни боғча-

нинг бир чеккасида сўйиб, терисини ҳам ажратиб бўлишди. Ҳозир Эрбўта билан иккита отга миниб, одамларни тўйга айтгани кетибди.

Рустам Шокиров қариялар билан бирга бўлди. У дўстининг тўйида югуриб-елиб хизмат қилгиси келарди. Лекин бўлмади. Соғлар сингари кўзи истаган ерни чулғаб ололмагани учун туртиниб қолди. Ана шунинг учун ҳам ўзини бир четга олиб, қариялар ёнидан жилмай қўя қолди.

Муҳаббат келин тушадиган уйни ясашиб бўлиб, қайна-насига кўрсатди. Ҳожия холадан уй кўнгилдагидек безатилганини эшитиб, кўнгли тинчигандан сўнг Светанинг ёнига ўтди. Лекин у бу ерда кўп турмади. Светанинг «Келинг, гаплашиб ўтирамиз» деганига қарамай, қизлардан уч-тўрттасини олиб тўйхонага чиқиб кетди. Холмуродовнинг маслаҳатига кўра, ҳовлига ўрнатилган столларни ясатмоқ керак эди. Новвойхонадан келтирилган иссиқ нонларни, тарелкалардаги хилма-хил меваларни столга тартиби билан қўйди. Магазин мудири келтирган ичимликларни хурушлари билан териб чиққандан сўнг келин билан куёвга тайёрланган столга алоҳида эътибор берди. Стол устига қизил духоба ёзиб, қизлар келтирган гулларни столнинг икки четига ўрнатди...

Кечга бориб ҳовли одамлар билан тўлди. Столларга одам сизмай кетди. Холмуродов қўшни уйлардан палослар чиқартириб ҳовли четларига, кўчаларга тўшатди. Света билан ўтирган қизлар кун ботишда уни тўйхонага бошлашди. Аҳмаджон ака куёв билан келинни фахрий ўринларга ўтказди. Светанинг ёнида Муҳаббат билан уч-тўртта қизлар. Юнусовнинг ёнида эса Рустам, Собир ва Эрбўталар.

Шу вақт Азиза бошчилигидаги бадий ҳаваскорлар тўғараги ишга тушди. Ёқимли куй садолари остида Гулчеҳранинг жарангловчи овози янгради. У созандалар ёнида тик туриб, «Тўйлар муборак» ашуласини айтди. Гулчеҳранинг сеҳрдор овози йиғилганларни ҳайратда қолдирди. Юрак торларини чертиб, кишида ажиб ҳаяжон уйғотувчи бу ёқимли, майин овоз ер бағрига сингиб бораётган ёмғир сувидек колхозчиларнинг қалбига сингиб борарди. Гулчеҳранинг овози тобора очилиб, ашуласи янада жозибали тусга кириб борарди.

— Қафасдан овоз қилинган қуш,— деди Собиржон ёнгинасида ашула таъсиридан маҳлиё бўлиб ўтирган Рустамга.

— А, лаббай?— сўради Рустам.

— Гулчеҳра — Миробиднинг хотини-да.

— Нечук у қафасдан қутулган қуш бўлсин? Қўйиб юбордим?

— Колхозимизда ўзгаришлар катта, дўстим. У қамалиб кетди. Агар рост бўлса, суд куни Гулчеҳрани қўйган эмиш. Ҳозир келин ота-она уйида. Муҳаббатнинг бригадасида ишлайди.

— Яхши бўлибди,— деди Рустам,— Гулчеҳра у аблаҳнинг қўлида тутқунликда яшашдан озод бўлибди.

— Ҳа-де, қаранг, қандай ёқимли овози ҳам тутқунликда эди! У даргоҳда аҳтимол, Гулчеҳра ана шу овозини ашулага эмас, йиғига сарфлаган бўлса керак.

## 51. КҮНГИЛ ОРЗУСИ

Муҳаббат ишга эрта кетди. У бугун Адҳамжонни уйда қолдирди. Бу тўғрида у кеча қайнанаси билан гаплашиб, «Дадаси зерикиб қолмаслиги учун Адҳамжон унинг ёнида бўлгани дуруст» деган фикрга келган эди.

Рустам тўй тарқагандан кейин уйига кириб каравотига чўзилди. Йўл азоби уни қаттиқ чарчатган эди. Бунинг устига икки кундан бери уйқусида ҳаловат йўқ.

Рустам кун кўтарилиб, унинг шуъласи деразадан юзига тушгандан кейингина уйғонди. Ҳовлига чиқиб ариқчада ювинди. Кейин Адҳамжонни тиззасида олиб ўтириб, онаси билан мириқиб чой ичди.

Рустам нонуштадан кейин ўғилчасини кўтариб ҳовлида айланиб юрди. Супа ёнидаги гулларга, кичик, нимжон шохларини силкитиб, майда баргларини кўз-кўз қилаётган сада райҳонларга суқланиб тикилди. Узиб олишга кўзи қиймай, энгашиб ҳидлади. Йўлка четларини хилма-хил рангга буркаб кўзни қамаштираётган гулбеорларнинг ёнига келди. Ана шу гуллар кўзига чиройли кўриниб кетди шекилли, қўлида турган Адҳамжон ерга тушмоқчи бўлиб талпина бошлади. Шокиров ўғилчасини ерга қўймай, боғча томон ўтиб кетди. У бир соатча майсаларни оралаб, умрида биринчи марта ҳаётни кўраётгандек боғча манзарасини томоша қилди. Помидор, бодринг, пилёз ва бошқа сабзавот экинларининг ўсишига назар ташлади. Жимжилоқдек бодрингни узиб ўғилчасининг қўлига тутқазди. Адҳамжон эндигина чиққан уч-тўртта ўткир тишлари билан бодрингни гажиб еди. Кейин уйқуси ке-

либ гинший бошлади. Шокиров ана шундагина боғчадан чиқиб кетди. Ҳожия хола неварасини унинг қўлидан олиб, овқатлантирди. Қорнини тўйгазгач, каравотига ётқизди. Адҳамжон ухлаганидан сўнг Рустам жавондан брайлча алифбе билан ёзадиган асбобини олиб, столга қўйди. Китобни очиб ўқишга тутинди.

У Одессада даволанаётган вақтида ҳам машғулотини тўхтатмади. Госпиталга келиб тушган куниде ўқитувчи келиб кўздан қолганларга Браиль системасини ўргатаётганини эшитди. Шу куниде рўйхатдан ўтиб, ўқиш қуролларини қўлига олди. Ўқитувчи ёрдами билан дарс тайёрлаш, айниқса бармоқ билан бўрттирилган ҳарфларни топиб ўқиш унга анча енгиллик туғдира бошлади. Икки ойлик тинимсиз машғулотдан кейин алифбенинг кейинги бетларидаги сўзлар зич туширилган жумлаларни ўқийдиган бўлди, ёзиш усулларини мукамал ўрганиб олди: фикрини дафтарга тушира олади. У мўъжизакор алифбени ўқиш ва ёзишдан завқланарди.

Мана ҳозир ҳам у китоб-дафтарини қўлига олди. Алифбенинг устки бетини ўқиб чиққач, беихтиёр китобни кўзига яқинлаштириб бўрттирилган ҳарфларни ўқимоқчи бўлди. Лекин домласининг гапи ёдига тушиб, дарҳол китобдан кўзини олди. Унинг домласи Шомурод Қўчқоров: «Браиль системасига ўқиш ва ёзишлар кўз билан эмас, бармоқ билан ўқиш учун мослаштирилган. Бу ҳарфларни медицина кўз билан ўқишга рухсат этмайди. Чунки доим оқ қоғоз бетига тикилиб, бўрттирилган майда нуқталарни бир-биридан ажратиб олгунча кўз толиши мумкин. Бир оз кўрадиган ўртоқ бармоқни қўйиб кўз билан ўқишга тушса, кўр бўлиб қолиши ҳеч гап эмас», деган эди. Рустам қўли чарчагунча ёзиб, бир-икки бетни тўлдириб ташлади. У Одессага кетмасдан илгари бошлаб қўйган бадий асарини давом эттирарди. Госпиталда бекор ётаверишдан зериккан Рустам бўлғуси китобини планлаштириб миясига қўйиб олган эди. Шунинг учун ҳам темир қаламини ишга солиб тикирлатганча ёзишга ўтди. У бошлаган ишига ўзида йўқ хурсанд эди. Жумлалар кетидан жумлалар уланиб, янги-янги эпизодлар қоғоз бетига тушган сари бениҳоя севинач, чеҳраси очилиб, кулимсираб қўярди. Тушга қадар бир неча варақни тўлдириб, бир чеккага тахлаб қўйди. У шунчалар берилиб кетган эдики, темир қалам ушлаган бармоқлари зирқираб оғриётганини, қавариб чиққанини ҳам сезмай қолган эди.

У ҳатто ўғлини эмизгани келган Муҳаббатнинг хонага кириб келганини ҳам пайқамади.

— Эҳ-е, ишлар катта-ку! Мен сизни зерикиб қолдилар деб ўйлаган эдим,— деди Муҳаббат ичкари кириши билан хонтахта устида янги ёзилган бир неча варақ қоғозларни кўрар экан.

— Зерикканим йўқ.

— Нима ёзясиз, Рустам ака? Бошлаган китобингизнинг давоми эмасми?

— Ҳа, Муҳаббатхон, топдингиз. Умримда ҳатто ҳикоя ҳам ёзмаган эдим. Ишқилиб меҳнатим зое кетмаса бўлгани.

— Зое кетмайди, ёзаверинг. Тўла ишонч билан ёзинг, — деди Муҳаббат.

— Рост айтасиз, Муҳаббатхон. Ишни бошламасдан умидсизликка тушиш мағлубиятга учраш деган сўз бўлади. Яхши айтдингиз. Ишончсиз иш бошлашни менга ким қўйди.

— Ҳа, балли! Доим ёзавериш ҳам, Рустам ака, ярамайди. Мияга дам бериш учун далага чиқинг. Қолхозчилар билан суҳбатлашасиз, гўзаларнинг ўсишини томоша қиласиз. Ҳар ҳолда баҳри-дилингиз очилади. Ижодий итингизга ҳам нафи тегса керак.

— Узим ҳам бир айланиб келсам деган эдим, Муҳаббатхон.

— Юринг бўлмаса, бирга кетамиз,— Муҳаббат ўрнидан турди-да, ўғлини қайнарасига берди.

Рустам ўқиш қуроллари йиғиштириб чиқди. Муҳаббат эри билан гаплашиб, бригадага борадиган сўқмоқ йўлга тушишганида, Рустам тўхтаб қолди. У ўзидан унча узоқ бўлмаган ерда трактор овозини эшитиб қолган эди.

— У ким, нима қиляпти?— деб сўради Муҳаббатдан.

Муҳаббат орқасига қайтиб эрига яқинлашди-да, норозисимон бир тарзда жавоб берди:

— Ким бўларди, тиниб-тинчимаган дўстингиз-да. Бундан икки соат бурун иш киймида келаётганини кўриб қолдим. Қойиб беришимга қарамай, трактори томон кетаверди.

— Ундай бўлса, сиз бораверинг. Мен Фозилнинг олдига ўтиб, кейин бораман,— Рустам трактор овози келаётган томонга бурилди.

У уватдан юриб бир тегирмон сув ўтадиган катта ариқ бўйига борди. Трактор ана шу ариқнинг нариги

гомонида ишлаётган эди. Рустам ариқдан ўтишнинг иложини тополмай турганида, Фозил кўриб қолди. У қиргоқдан уч-тўрт метр наридан югуриб келиб бир сакради-да, Рустамнинг ёнига тушди.

— Қадамларингизга ҳасанот, дўстим!

— Ҳорманг, биродар! Куёвлик нашъасини сурмасдан далада юрибсиз?

— Муҳаббатнинг гапини такрорлаясизми, дейман? У ҳам ҳали шундай деган эди. Бир-икки кун ишга чиқмай, уйда ўтиринг эмиш.

— Одатда бозорга тушиб, келинга совға-салом олиш керак. Кечқурун Светанинг олдига нима кўтариб кирасиз?

— Унинг ғамини еб қўйганмиз, биродар. Света ҳам мени кутиб уйда ўтиргани йўқ. Кампирларнинг қистовига қарамай, ишга чиқиб кетди. Расм-русумлари шу бўлгандан кейин бир-икки кунга сабр қилинг, ҳеч нарса бўлмас, деган эдим, у: тиббий пунктга келувчилар бўлар, келинчакман деб уйда ўтира оламанми?— деб чиқиб кетди. Шундан кейин ҳовлига сигмай қолдим. Узимни овутишга бирорта иш йўқ. Барака топгурлар кечасининг ўзидаёқ ҳамма нарсаларни саранжомлаб қўйишган экан. Ёнингизга чиқай десам, Санобар холам сизни ухлаяпти дедилар. Шундан кейин жомакорни кийдим у далага чиқдим.

— Майли, дўстим ишлайверинг. Кечқурун кўришамиз,— деб Рустам орқасига қайтди.

У сал нари юрганидан сўнг майин шабада Муҳаббат билан Гулчеҳранинг озовини етказиб келди. Улар шийпон ёнидаги катта пайкалда ғўза чопишаётган эди. Рустам қадамини тезлатди. Узоқдан колхозчиларни кўра олмаса ҳам овоз келаётган томонга юрди. Яқинлашганда аввал кетмон товушларини эшитди. Кейин аёлларнинг ўзларини ҳам ғира-шира кўра бошлади.

— Ассалому алайкум, Рустамжон ака!

— Ва алайкум ассалом! Азизамисиз? Ҳорманг, синглим!

— Саломат бўлинг!— деди Азиза.

Рустам бошқа кетмончилар билан ҳам шу тарзда қуюқ-пишиқ сўрашиб чиқди. Гулчеҳранинг қўлидан кетмонини олиб уч-тўртта ғўза ниҳолининг тагини бўшатди. Зичроқ ғўзаларни ягана қилди. Кейин Муҳаббат билан пайкалларни айланди.

Олмазор боққа яқинлашишганда хотинидан:

— Ие, тўқайни ўзлаштиряпсизларми?— деб сўради.  
— Ҳа, юринг, кўрсатаман,— деди-да, Муҳаббат эрини ўша ёққа бошлади. Шолипояни айланиб ўтиб, янги посёлка қурилишига олиб келди.

Рустам госпиталда ётган кезларида Муҳаббат, Фозил ва Светаларнинг хатларидан колхоз посёлкаси, замонавий молхона ва ҳаммом қурилиши бошлаб юборилганини билган эди. Бўлажак посёлканинг тарихини кўргиси келди.

Мана, улар усти ёпилиб, эндигина сувоққа тушилган уйлар ёнига етиб келишди. Эшик ва деразалар ўрнатилган бўлса ҳам, ҳали поли қоқилмаган эди. Муҳаббат уйлардан бирининг ёнида тўхтаб:

— Қалай, ёқадими?— деб сўради.

— Қишлоқдаги уйлардан ўн чандон афзал бўлса борки, кам эмас.

— Бемаслаҳат бир иш қилиб қўйганман, Рустам ака. Уришмайсизми?

— Ҳўш?

— Сиз у ёқдалигингизда мана шу уйни танлаб қўйдим. Фозил акам, Света, Кароматлар «бир ерда бўламиз» деб туриб олишди.

— Яхши қилибсиз. Сизнинг хоҳлаганингиз менинг хоҳлаганим-да. Қани, ичини кўрайлик-чи.

Ҳовлиси кенг уй Рустамга маъқул тушди. Муҳаббат эрига бошқа уйларни ҳам кўрсатди. Кўчанинг икки четидан қад кўтарган бу уйларнинг кўпи ҳали сувоқдан чиқмаган. Айримларига лўмбоз босилган бўлса ҳам, томига шифер қоқилмаган. Лекин деярли ҳамма уйларда усталар ишляпти. Кечқурун уйга қайтиб келганида, Рустам ниҳоятда чарчаган эди. Уйга кириб дам оламан деб турса, шунинг устига Фозил кириб келди-да:

— Тез бизникига юринглар. Келинпошша тайёрлаган овқатнинг мазасини бир кўрайлик,— деб қолди.

Фозилникидан чиққандан кейин Муҳаббат ўғлини каравотга ётқизди. Рустам ўғлининг пишиллаб ухлашини завқ билан томоша қила бошлади. Қайнанасининг ўрнини солиб, қайтиб келгач, Муҳаббат:

— Даламиз баҳри-дилингизни очгандир?— деб сўради эридан.— Қаранг, қандай яхши. Кўриб тўймайсан киши!

— Тўғри айтасиз. Бу ернинг манзараси ўзгача, ҳақиқий курорт деса бўлади,— деди Рустам хотинига тикилиб. Унинг кўзига Муҳаббат чироқнинг хира ёруғида

худди сийрак туман ичида кўринаётгандек туюла бошлади.

— Энди сира армоним йўқ, Рустам ака! Биттаю битта орзум — кўзингизнинг очилиб кетиши эди. Мана, ниятимизга ҳам етдик. Энди бир ўзингиз бемалол юра оласиз, зериксангиз — далага чиқасиз, бизлар билан бирга бўласиз. Ҳар ҳолда диққинафас бўлиб уйда ўтиришдан қутулдингиз.

— Тўғри, Муҳаббатхон. Лекин бекорчидан худо бевор, деган гап ҳам бор.

— Бўлмаса, нима қиласиз? Профессор ўқитувчилик қилишингизга рухсат бермабди, кўзингиз толиқар экан. Далада ишлаш оғир ботади. Боя бунин билдим. Гулчеҳранинг кетмонини олиб, бирпас чопиқ қилганингизда, дарров ҳансираб қолдингиз. Бир-икки туп ғўзани билмасдан босиб ҳам олдингиз.

— Ҳар ҳолда кўзим ҳали хира-да, оёғимнинг остидани базўр кўраман.

— Шунисига ҳам шукур қилинг, Рустам ака. Очилмаганда, нима қилардингиз?!

— Ношукурчилик қилаётганим йўқ. Лекин сиз айтгандек, далани айланавериш ҳам жонга тегади.

Муҳаббат ҳушёр тортди:

— Нима қилмоқчисиз, бўлмаса?

— Ишга кириш керак. Энди кўнглимдаги бирдан-бир орзум — шу! Қобилиятимга яраша, ишламасам бўлмайди! Иш билан киши овунади. Ана, Фозилжон билан Светани кўринг. Бир кунга ҳам қаноат қила олмай ишга чиқиб кетишди.

— Қанақа иш қилмоқчисиз? — Муҳаббат яна таажжубланди.

— Ўзбекистон Кўрлар жамиятига бораман. Менбон иш топиб беришар.

— Ҳар куни шаҳарга бориб-келиш осонми?

— Нима бўпти, автобус қатнаётган бўлса. Уйимиздан чойхонагача яёв юраман холос.

— Сизни ёлғиз юборгани кўрқаман. Шаҳарда кўчалар серқатнов, машиналар кўп. Бирор фалокат юз бермасин тагин.

— Хавотир олманг. Ишламай уйда ўтиравериш — энг ёмон фалокат. Мана шундан қутулишим керак.

— Уйдаям бекор ўтирмаяпсиз-ку. Бошлаган ишингизни давом эттиряпсиз.



— Йўқ, Муҳаббатхон, кўпчилик билан бирга бўлсам, юрагим анча ёзилади.

Муҳаббат ортиқ қаршилик кўрсатмади. У чироқни пуфлаб ўчирди-да:

— Майли, яна ўйлашиб кўрармиз,— деб ўрнига ётди.

Эрталаб Шокиров ёзув қуроallarини хонтахта устига қўйиб машғулотини давом эттираётганида, Шомурод Қўчқоров кириб келди. У Шокиров билан дарс ўтказиш учун эмас, балки бошқа ниятда келган эди.

Рустам Одессага кетганида, у билан дарс ўтказиш вақтинча тўхтатилганлигини Қўчқоров Зоя Кузьминичнага билдирган эди. Кеча кечқурун Зоя Кузьминична Қўчқоровни ҳузурига чақириб: «Сиз ўртоқ Шокировдан хабар олинг. Агар у киши Одессадан қайтган бўлса, айтинг, бир иложини қилиб, корхонамизга келсин. У билан гаплашадиган муҳим иш бор» деди.

Шомурод Қўчқоров Шокировнинг ёзганларини текшириб чиқди. Имло хатоларидан айб топмаса ҳам, грифелни қандай ушлаш ва ёзаётган пайтда ёзув асбоби қандай ҳолатда туриши кераклигини яна бир бор эслатиб ўтди. Кейин нима мақсадда келганини айтиб, ўрнидан турди.

— Хайр, дўстим. Кутамиз. Албатта боринг.

## 52. РАҲМАТ СИЗЛАРГА, ДУСТЛАРИМИ!

Рустам Шокиров бениҳоя хурсанд. Ишлаш қобилияти тиклангани, эзгу орзуси ушалганига хурсанд. Рўшнолик топиб, уйда ётавериш балосидан қутулганига хурсанд. Еруғ жаҳонни тиниқ ва равшан бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда кўрадиган бўлди. Дунёдаги энг азиз кишилари — онаси, Муҳаббатнинг кўзига кўзи тушиб турибди! Бир вақтлар Адҳамжоннинг қандайлигини онаси ёки хотинидан эшитиб, тасаввур қилган бўлса, энди уни тиззасига ўтқазиб ўз кўзлари билан кўряпти. Меҳри жўш уриб, ўғлини дам-бадам бағрига босади, ўпади, эркалайди. У — корхона ишчиси, кўпчилик билан бирга меҳнат қиляпти, коллективнинг бир аъзоси сифатида ўзини эркин ва бахтиёр сезяпти.

Рустам Шокиров уйда ёлғиз ётган кезларида, хаёлан ўзини коллектив ичида, қизғин меҳнат қучоғида кўрар эди. Чунки шундай ширин ва тотли хаёллар унинг қалбини тирнаётган кўрлик азобини бир қадар эсидан чиқа-

рарди. Мана, ҳаммаси ўтиб кетди. Энди унинг оёғида тушов йўқ. Уйда ёлғиз хаёл суриб ётиш билан кун ўтказмайди. Бир неча ойдирки у — ишчи, меҳнат қилади. Кўпчилик сафида унинг ҳам ўрни бор. Станогида ўтириб, халққа хизмат қилади.

Рустам корхонага вақтида етиб келди. Дарвоза олдида Саша, цех остонасида Ҳасанов ва яна уч-тўрт ишчилар уни кутиб олишди. Қаёқдандир етиб келган Зоя Кузьминична унинг қўлини дўстона қисиб қуюқ сўрашди. Цех бошлиғи Собировни чақиртириб, Шокировнинг ишига эътибор қилишни тайинлади. Шундан кейин Шокиров цехга кириб тўқиш дастгоҳига ўтирди. Унинг дастгоҳи Саша билан Ҳасановнинг ўртасида эди.

Зоя Кузьминична бир куни кечқурун Ҳасанов билан Сашани чақириб, Шокиров пояндоз цехига келаётганини айтди. Зоя Кузьминичнанинг илтимосидан кейин Ҳасанов билан Саша маслаҳатлашиб, Рустамни оталиққа олишди. Рустам иш бошлаган дўконда Борис Серпухов ишларди. Дўстларининг илтимоси билан у уйнинг бурчагидаги бўш дастгоҳга ўтиб, ўзининг дастгоҳини Рустамга берди. Бир оғиз илтимос билан Серпуховнинг бошқа дастгоҳга ўтиб кетиши барча ишчиларни ҳайратда қолдирди. Дарҳақиқат Серпуховнинг Сашанинг бир оғиз илтимосига кўниб, ҳеч қандай қаршиликсиз бошқа дўконга ўтиб кетиши кутилмаган воқеа эди. Бунақанги илтимос одоб борасида танилган кўпгина ишчиларга ҳам ёқмасди. Чунки пояндоз цехидаги ишчилар ўзларига бириктириб қўйилган дастгоҳга ўрганиб қолишган. Улар ўзлари ишлайдиган дастгоҳнинг рафт — омадига тушунишади ва шунга қараб муомала қилишади. Агар улар бошқа дастгоҳга ўтириб қолгудай бўлишса, ишларининг баракаси кетади, маҳсулот сифати ҳам кўнгилдагидек чиқмайди. Бу, кўп синовларда кўрилганлиги учун ҳеч қайси ишчи ўз дастгоҳини қолдириб, бошқасида ишлашга розилик билдирмас эди.

Саша билан Ҳасанов доим Рустам Шокировнинг ёнида. Улар тез-тез тўқилаётган пояндозга раэм солишади, найчани танда орасидан ўтказиш тартибини кўздан кечириватади. Оёқ билан бажариладиган иш усулларини ўргатишади, кам-кўстларини тўғрилатади. Шундан кейин яна ўз дўконларига ўтиб, ишга тутиниб кетишади. Рустам тушгача тинмай ишлади. Иш унуми бошқаларникидан паст бўлса ҳам қаттиқ чарчади. Аъзойи бадани тер-

лаб, оёқ-қўлларидан дармон кетди. Ҳасанов билан Саша унга дам олиб ишлаш кераклигини уч-тўрт марта уқтиришди. Аммо у дўконни тўхтатиб дам олишга иймарди.

Тушки овқатга қадар Зоя Кузьминична икки марта келиб кетди. Ҳар кирганида Рустамнинг ёнига келади, тўқилаётган пояндознинг сифатига разм солади. Иккинчи келганида Ҳасанов билан Сашанинг фикрига қўшилиб, дам олиш зарурлигини уқтирди. Кейин баланд овоз билан ишчиларга қарата гапира бошлади:

— Уртоқлар, эълон. Кечқурун соат еттида районимиз маданият уйининг артистлари келиб корхона ҳовлисида концерт беришади. Узимиз бадий ўқиш тўғараги ташкил қилдик. Кеч соат тўққиздан бошлаб истовчилар клубга йиғилсин.

Зоя Кузьминична Саша билан Ҳасановга Рустамга ёрдам беришни топширган куни бадий тўғарақда ўқиш ишларини ташкил этишни ҳам иккаласига юклаганди. Ҳасанов Саша билан келишиб олди. Улар биринчи галда Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» асарини ўқиб эшиттиришмоқчи. Китоб ҳам тайёрлаб қўйилган. Фақат ишчилар йиғилса бўлгани.

Тушки овқат вақти. Корхона ҳовлисидаги бонг чалина бошлади. Ишчилар дастгоҳларидан тушиб уйларига, айримлари эса ошхонага йўл олишди. Рустам Шокиров цехдан чиқиб Саша билан ювинаётган эди, Ҳасанов унинг ёнига келиб, уйига таклиф этди:

— Юринг бизникига, ўртоқ Шокиров. Янгангиз шу кунларда ишга чиқмаяпти, бирга овқатланиб келамиз.

— Раҳмат, ўртоқ Ҳасанов! Биз Саша билан ошхонага бормоқчимиз.

Рустам Ҳасановнинг таклифини рад этиб, Саша билан бирга ошхонага жўнади. У кета туриб Сашанинг кечки мактабда ўқиётганлигини, шу йил мактабни тугатиб, институтга кириш нияти борлигини эшитди.

Овқатланиб бўлишгандан кейин Саша Рустамни бошлаб уйига олиб кирди. Муаттар чой дамлаб уларнинг олдига қўйди.

— Уртоқ Шокиров, сиз ўқиганмисиз?— чой ҳўплаб савол берди Саша.

— Маълумотим бор, лекин соғларча. Брайль системаси бўйича унчалик эмас. Ўқиш тезлигимнинг мазаси йўқ.

— Ҳарфларни ажратиб ола билиш ва ўқиш тезлигини ўстириш учун вақт талаб қилинади. Ҳар куни машғулот ўтказиб турсангиз, бир-икки йил ичида ўртача ўқийдиган бўласиз. Аммо, ўртоқ Шокиров соғларча ва брайлча деган илмлар йўқ. Брайл системаси кўздан қолган ўртоқларнинг маълумот олиши учун восита бўлади, холос. Хўш, сизнинг маълумотингиз қанақа?

— Педагогика институтининг тил-адабиёт факультетида сиртдан ўқир эдим.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Имконият бўлса институтни тамомлаб олсам дейман.

— Бу тўғри фикр. Институтни тугатиб олиш керак. Брайл системасида кўпроқ шуғулланинг. Шундай қилсангиз бармоқларингиздаги сезги нервлари ишга тушади, ўсади, ўқиш тезлигингиз орта боради. Институтга бирга кирамиз.

Улар гаплашиб, чой ичиб ўтиришганларида, Зоя Кузьминична кириб келди. Унинг Сашада иши бор эди. Зоя Кузьминична даҳлизда идиш-товоқ юваётган Муаттар билан кўришиб, кейин ичкари кирди, йигитларнинг суҳбатларига қулоқ солди. У Саша билан Шокировнинг институтга кириш ниятларини эшитиб ниҳоятда севинди. Уларнинг фикрини қувватлади-да, жума куни Ўзбекистон Кўрлар жамиятининг пленуми бўлажagini ва унда корхонадаги янгиликлар, олиб борилаётган маданий-оқартув ишлари тўғрисида Саша сўзга чиқиши кераклигини айтди. Шундан кейин у Саша узатган стакандаги чойни ичиб, энди кетмоқчи бўлиб турганида, Рустам уни тўхтатди:

— Зоя Кузьминична, юрагингиз ҳеч нарса сезаётгани йўқми?

— Юрагимми? Йўқ, ҳеч нарса сезаётгани йўқ. Нима эди?— Зоя Кузьминична қандайдир хавотирлик тортаётган кишидек, цехда бирор гап бўлган шекилли, деб ўйлади.

Рустам унинг ҳаяжонланаётганини сезиб кулиб юборди:

— Юрагингиз яхшиликдан, хурсандчиликдан хабар топаётгани йўқми, деб сўраяпман?— деди.

— Хурсандчилик қаёқда дейсиз, ўртоқ Шокиров. Ҳар куни ҳар хил машмашалар. Бир иш бошлайсиз, бошлаган ишингиз кўнгилдагидек чиқади, кўриб қувонасиз. Лекин унинг кетидан яна янгиси, ташвишлиси бошланади. Иш

деган шунақа бўлар экан. Кам-кўст тўлиб ётибди. Ҳаммасини бирдан бажариб қўя қолиш учун имконият йўқ.

— Фикрингиз тўғри, Зоя Кузьминична. Ишда камчилик бўлмасдан илож йўқ. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиб, янгилари чиқиб турмаса зерикиб ҳам қоласиз. Лекин мен бу тўғрида эмас, шахсий ҳаётингизда демоқчиман.

— А, нима деяпсиз? Шахсий ҳаётимда? Нима, шахсий ҳаётимда бирор ўзгариш рўй бермоқчими? — Зоя Кузьминична Шокировга яқинроқ келиб сўрай бошлади.

— Ҳа, шахсий ҳаётингизда. Юрагингиз ҳеч нарса сезаётгани йўқми?

— Йўқ-йўқ, ўртоқ Шокиров. Қанақа ўзгариш бўлмоқчи, айта қолинг.

Зоя Кузьминична бир оз ўйланиб тургандан сўнг хахола кулиб юборди-да, қизиқчиликка олди:

— Менга куёв топган бўлманг тагин? Лекин олдиндан айтиб қўяй, агар шу фикрда бўлсангиз куёв бўлгувчи Сашага ўхшаш ёқимтой бўлсин. Ишда илғор, жамоат ишларида актив қатнашадиган бўлсин.

Саша лабининг бир чети билан кулимсираган ҳолда улсрнинг гапига қулоқ солиб ўтирарди. Шокиров бор гапни ошкора айтиб қўя қолмай:

— Хўп бўлади, ҳаммага ёқадиганини топамиз,— деди.

Кеча Муҳаббат билан кетаётганларида анча ергача Зоя Кузьминична ҳақида гаплашиб боришди. Ниҳоят улар Петр Максимовичга телефон қоқиб, у билан гаплашишни маъқул кўришди. Автобусдан тушишиб, марказий телеграф биносига киришди. Омадлари чопиб, худди шу куни кечқурун соат тўққизда Петр Максимович ва Евдокия Васильевналар билан гаплашишди. Света ва Фозил Юнусовларнинг соғлиқларини, қишлоқдаги янгиликларни айтишгандан сўнг, Петр Максимовичдан Мария Долгованинг адресини сўрашди. Чунки Петр Максимович қишлоққа келганида Долговлар оиласи уруш вақтида тарқаб кетганлигини айтган, Зоя Кузьминична ўшаларнинг қизи эмасмикин деб шубҳа билдирган эди. Бу жумбоқни фақат Зоянинг онаси деб тахмин қилинаётган Мария Долгова ечиши мумкин. Ахир, русларда Мариялар, Долговлар озми? Балки у бутунлай нотаниш бўлиб чиқар. Петр Максимович Мариянинг қизи ва эридан дарак топилганини эшитиб севиниб кетди. У Мария Долгова ўз қўлида ишлаётганлигини ва Дуся билан бирга Тошкент-

га жўнатишини айтди. Шундан кейин эр-хотин икковлари маслаҳатлашиб, бу сирни ҳозирча Зоя Кузьминичнага билдирмасликни маъқул кўришди. Юнусов билан Света ҳам уларнинг фикрига қўшилишди. Агар Мария Долгова келгудек бўлса, уни Кузьма Яковлевичнинг уйига олиб бориш ва агар улар ҳақиқатан ота-она бўлиб чиқишса, худди ўша ерга Зояни ҳам келтириб, бир бутун оилани учраштириш фикрига келишганди.

Шунинг учун Рустам Шокиров Зоя Кузьминичнага сирни очиқ-ойдин гапирмади. «Ҳозирча сабр қилиш керак, режалар бузилмасин» деган фикрга келиб, индамай қўя қолди.

Иш кунининг иккинчи ярми бошланди. Рустам бу сафар дўстларининг маслаҳатларига биноан, дам олиб дам олиб ишлади. Одатда тушдан кейинги ишнинг унуми куннинг биринчи ярмидагига қараганда, бир оз камроқ бўлади. Лекин Рустам тўқиш усулини бир оз ўрганиб олгани учунми ёки ўзини ҳаддан ортиқ қийнамай, толиққанида дам олиб ишлагани учунми ишнинг натижаси ёмон бўлмади. Тушгача икки ярим метр пояндоз тўқиган бўлса, тушдан кейин уч метрга етказди. Цех бошлиғи у тўқийётган маҳсулотни текшириб кўриб, жилмайиб қўйди. Кейин:

— Пояндоз четлари текис чиқмабди. Соч тарайдиган тароқни эслатади. Шунга эътибор беринг,— деб таъкидлади.

Рустам бугунги ишни тугатиб, цехдан чиқди. У клуб ёнидан ўтиб кетаётганида, ичкаридан ёқимли музыка товушини эшитиб, беихтиёр тўхтади. Сўнг клуб томонга бурилди. Ичкари кириб, бўш стуллардан бирига ўтирди. Тўрдаги саҳна ўрнида йигирма чоқли ишчилар музыка тўғарагининг машғулотини ўтказишяпти. Уқитувчи талабаларига «Ганавор» куйини икки-уч марта такрор чалдириди. Сўнгра ўргатаётган янги ашуласини машқ қилдира бошлади. Бир соатча вақт ўтдики, Шокиров ҳамон клубдан чиқмай, тўғарак машғулотини томоша қилар эди. Зоя Кузьминична билан Саша икки-уч марта келиб кетишди. Улар соат еттида бошланадиган концертга тайёргарлик кўришарди.

Сал ўтмай ҳовлидаги скамейкаларга одам сиғишмай қолди. Концерт бошланди. Боягина ҳаваскорларнинг репетицияларига берилиб кетиб клубдан чиқмай ўтирган Рустам ҳақиқий артистларнинг куй ва қўшиқларини

ташлаб қаёққа ҳам кета оларди? Кун ботиб, қош қорая бошлаган бўлса ҳам, у икки кўзини саҳнадан узмай ўтирипти. Ёшгина раққосанинг куй оҳангига мослаштириб буралиб ўйнаётганига маҳлиё бўлиб ўтирганида, қулоғининг тагида энг яқин кишисининг овози эшитилди:

— Уйга кетмайсизми, Рустамжон ака?

Рустам сапчиб ўрнидан турди. Ўзидан сал нарида Муҳаббат, Света ва Фозилжонлар турарди. Иккала овсин хон атлас кўйлақда. Оёқларида баланд пошнали туфли. Фозил эса калта энгли ипак кўйлақ, оқ жужунчадаш шим кийган. Шокиров уларнинг башанг кийиниб келишганларидан «Паркни саёҳат қилсак керак» деган фикрга келди. Уларнинг ёнига ўтганидан сўнг мақсадга тушунди.

— Ойим келдилар, Рустамжон ака, суюнчисини чўвинг!— деди Света ичига сиғмаётган севинч ва гурурини табассум ила жилмайиш билан ифодалаб.

— Мария Долгова ҳам келдими?— сўради Рустам.

— Ҳа.

— Қаерда улар?

— Шу ерда, дарвозадан ташқарида. Кузьма Яковлевич билан бирга туришибди.

— Демак, Петр Максимовичнинг тахмини тўғри чиқибди-да,— қувонди Рустам.

— Худди шундай, улар бир-бирларини кўриш биланок қучоқлашиб кетишди,— деди Фозил.

Муҳаббат Зоя Кузьминичнанинг ёнига келди. У биринчи қаторда ишчи аёллар билан бирга ўтириб, концерт томоша қилаётган эди.

— Бир минут биз билан гаплашасизми?— Муҳаббат Зоя Кузьминичнанинг ёнига бориб сўради.

— Муҳаббат? Келинг, ўртоқжон. Шокировдан хавотир олиб келдингизми?

— Ҳа, шундай. Лекин сизга ҳам гапим бор. Бир минутга чеккага чиқсак?

— Хўп,— Зоя Кузьминична ўрнидан туриб Муҳаббатга эргашди.

Шокировлар турган ерга етиб келишгандан кейин Муҳаббат:

— Менинг энг яқин дугонам, тўғрироғи, овсиним бўладилар, танишиб қўйинг, исмлари Света,— деб Светанг унга таништирди.

— Мана бу — менинг дўстим Фозил Юнусов,— дея таништириш галини олди Рустам.— Зоя Кузьминична,

бояги гапимни қайтаришга тўғри келяпти. Юрагингиз бирор яхшиликдан хабар сезаётгани йўқми?

Зоя хандон отиб кулиб юборди. Яхшики, раққоса ўйинини тугатиб, гуриллаган қарсак чалинаётган эди. Зоя Кузьминична кулгидан тўхтаб жиддий гапирди:

— Ҳаммангиз жуфтларингиз билан турибсиз, мен севинадиган ҳеч нарса йўқ...

Муҳаббат Зоя Кузьминичнани бағрига босиб:

— Уртоқжон, сиз кутгандан ҳам ортиқроқ хушхабар келтирдик. Отангиз билан онангизнинг дарагини топдик,— деди.

— Ростданми?!.. А!..— У Муҳаббатнинг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб олди.

— Қани юринг, улар кутиб туришибди,— деди Света ҳамон Муҳаббатни қучоқлаб, севинч ёшларини тўкаётган Зоя Кузьминичнага.

Светанинг бу гапини эшитиб Муҳаббатни бағридан бўшатган Зоя унга ўгирилиб:

— Қаерда улар?— деб сўради.

— Шу ерда, дарвоза ташқарисида туришибди,— Света Зояни қўлтиқлаб ташқарига бошлар экан, жавоб берди.

Муҳаббат Зоянинг иккинчи қўлтиғига кирди. Йигитлар уларнинг орқасидан юра бошлашди.

Петр Максимович телефон орқали Шокировлар билан гаплашиб воқеага тушунгандан сўнг, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай аэродром кассасига қўнғироқ қилди. Кечаси соат ўн иккида учадиган самолётга иккита билет заказ қилди-да, Марияга зудлик билан Тошкентга жўнашини билдириб уйига югурди. Евдокия Васильевнани кийинтириб, йўл тараддусига ҳозирлатди. Мария Долгова кириб келгандан сўнг икковини аэропортга олиб бориб кузатиб қўйди.

Евдокия Васильевна билан Мария Тошкентга жуда эрта етиб келишган эди. Улар Светанинг уйда меҳмон бўлишди. Ҳожия хола билан Санобар опаларни соғиниб қолган экан, Евдокия Васильевна уларнинг ёнидан ҳеч қаерга жилгиси келмади. Ниҳоят тушдан кейин Евдокия Васильевнани уйда — Ҳожия хола ёнида қолдириб йўлга чиқишди. Кузьма Яковлевичнинг уйи бирпасда тўйхонага айланди. Хотини билан қайта учрашиш умидини тамомила узиб қўйган Кузьма Яковлевич Марияни тирик ва соғ-саломат кўриб ўзини йўқотиб қўяёзди. У дам-ба-



дам Фозилни бағрига босар, миннатдорчилик билдирарди. Кейин яна хотинининг ёнига келиб ундан ҳол-аҳвол сўради, болаларини суриштирди. У хотинидан қизи ҳам Тошкентдалигини эшитиб, тинч ўтира олмади.

— Сизлар ўтириб туринглар. Мен Света билан бориб, Зоя Кузьминичнани олиб келаман,— деди Муҳаббат, эр-хотиннинг безовталанаётганини кўриб.

— Йўқ, биз ҳам борамиз!— дея она ҳам ўрnidан турди.— Кузьма Яковлевич қолармиди?!

Корхона олдига етиб келишганда Кузьма Яковлевич тўхтаб:

— Ичкарига кирсак, ноқулай бўлар. Шу ерга бошлаб чиққанинглаз маъқул,— деб хотини билан ташқарида қолди.

Зоя Кузьминична узоқдан кўриниши билан эр-хотин икковлари унга томон югуришди. Кузьма Яковлевичнинг ярадор оёғи югуришга халақит берди шекилли, оқсоқлалиб орқада қолиб кетди. Мария пирпирақдек учиб келиб қизини қучоқлаб олди. Унинг кетидан ҳансираб етиб келган Кузьма Яковлевич она-болани бағрига босди. Бир-бирлари билан топишиб олган оила аъзолари шу хилда узоқ қучоқлашиб туришди. Улар бир-бирлари билан гаплашишмас, ҳол-аҳвол ҳам сўрашишмас эди. Улар аслида тиллари билан эмас, диллари билан гаплашишарди. Ана шу дилларини жароҳатлантириб ётган бир неча йиллик соғинч аламлари гаплашишга қўймасди.

— Қизимизни кўр қилиб қўйишган экан-да, лаънатилар,— деди.

— Қайғурма дадаси, ношукурчилик қилма. Ўзини кўриб, овозини эшитиб юрамиз, шунинг ўзи ҳам биз учун бахт,— деди Мария Долгова.

Шу онда Саша билан Ҳасанов ичкаридан чиқиб, дазрага қўшилишди. Воқеани эшитиб Зояни табриклашди. Рустам Шокиров Фозилжоннинг қулоғига бир нималар деди, буни Саша сезиб қолди:

— Нималар деяпсиз, ўртоқ Шокиров?

— Афсонага ўхшаш гаплар, Саша. Сизларга миннатдорчилик билдирияман. Раҳмат сизларга, дўстларим!

## ХОТИМА

Рустам Шокиров миллионлар қатори иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, Совет Ватанини малъун душмандан ҳимоя қилди, оловли йилларнинг машаққатига бардош бериб, жангларда жавлон урди, маккор ёв миносида портлаб, мажруҳ бўлди... Аммо у тирик қолди, не-не уқубатлардан кейин кўзи қайтадан зиё топди!..

...Аллақачон ўринларидан турган Рустам билан Муҳаббат шоша-пиша ишга отланишарди. Муҳаббат далага, жонажон пахтазорига боради. У бугун бригада аъзоларини пахта теримига туширади. Карнай-сурнай садолари ҳам ана шундан далолат бериб шошилтиряпти. Муҳаббат учун бугунги кун — кўпдан бери орзиқиб кутилган сентябрнинг биринчи куни.

Ёзи билан тўкилган пешана тер дурдонага айланди. Яқиндагина ер бағрини ёриб кўзга кўринган ғўза ниҳоллари кўкракка уради. Олди кўсаклар очилиб, оппоқ пахталарини кўз-кўз қилаётгандек барглар орасидан мўралайди. Сентябрьнинг биринчи тонги. Шарқ уфқи қизариб, қуюқ тун пардаси сийрақлаша бошлади. Поёнсиз осмонни беаётган юлдузлар сўнаётган чўғдек нурсизланиб, аста-секин зангори осмонга сингиб кетади. Қуёшнинг қизғиш шафақлари Тянь-Шань тоғлари устидан оша кенг яйловларни, пахтазор далаларни, Чирчиқ соҳилларини ёрита бошлади. Осмон тиниқ. Ёқимли дала шабадаси эсиб кишининг баҳри-дилини очади.

Рустам Шокиров Педагогика институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди. У бугун ишдан кейин Саша билан институтга боради. Эр-хотин икковлари бениҳоя хур-

санд, чексиз қувонишади. Улар кийиниб, чой ичиб кўчага чиқишди.

Муҳаббат далага чиқиш учун ўннга, Рустам Шокиров автобусга чиқиш учун чапга бурилиши керак.

Рустам чапга бурилган эди, Муҳаббат унга қўл чўзди:

— Хайрлашмаймизми?

Рустам Муҳаббатнинг момик қўлларини қисиб ўпди:

— Хайр жоним, хайр!

Муҳаббат шамол пирпиратиб учираётган рўмолчини қайта ўраб, шитоб билан юриб кетди. У орқасига ўгирилиб, ўғли сингари лўғли бармоқларини кафтига боса-боса «хайр, хайр» қилди.

Рустам овози етиб бормаслигини пайқаб, ичида такрорлади:

— Хайр, вафодорим, хайр!

# МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОБ . . . . .	3
ИККИНЧИ КИТОБ , . . . .	245

*На узбекском языке*

**Вали Гафуров**

**ВЕРНАЯ**

**Р о м а н**

Редакторлар: *Ҳ. Маҳмудова ва Т. Пўлатов*  
Рассом *Ҳ. Раҳмагуллаев*  
Расмлар редактори *Н. Галиев*  
Техн. редактор *В. Барсукова*  
Корректор *М. Орифжоновна*

Босмахонага берилди 25/Х—1972 й. Босишга рўхсат этилди 29/І-1973 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л.12, 875. Шартли босма л. 21,63. Нашр л 23,25. Р 13206. Тиражи 60000. Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 28-70.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида 1-қўроғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1973 йил, заказ № 1806. Баҳоси 87 т.